ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 22

2026 йил 1 - 6 июнь

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ

538. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Битимни (Самарқанд, 2025 йил 26 август) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 2 июндаги ЎРҚ-1148-сон Қонуни

ИККИНЧИ БЎЛИМ

539. «Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 2 июндаги ПФ-103-сон Фармони

540. «Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 4 июндаги ПФ-104-сон Фармони

541. «Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 1 июндаги ПҚ-210-сон қарори

542. «Япония билан техник ҳамкорлик доирасида «Ўзбекистон-Япония маркази (VI босқич)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 2 июндаги ПҚ-211-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

543. «Шаҳар йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 3 июндаги 276-сон қарори

544. «2026-2027 йилларда ҳудудлардаги ижтимоий соҳа муассасаларида энергия самарадорлиги лойиҳалари кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 3 июндаги 277-сон қарори

545. «Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 3 июндаги 280-сон қарори

546. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг устави ҳамда ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзоларини саралаш ва тасдиқлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 3 июндаги 282-сон қарори

547. «Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап» (President AI Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 5 июндаги 288-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

548. “Ishlab chiqariladigan tabiiy gazga aksiz solig‘ini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 2-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2310-4-son)*

549. “Oliy ta’lim muassasalarining budjetdan tashqari mablag‘lari (to‘lov-kontrakt asosida o‘qitish uchun tushumlarning faqat to‘lov-kontrakt miqdorining oshirilgan qismi) hisobidan akademik litseylar uchun o‘quv-laboratoriya asbob-uskunalari, sarflash materiallari, kompyuter texnikasi, darsliklar va o‘quv qo‘llanmalari sotib olish hamda akademik litseylarning o‘qituvchi va o‘quvchilarini moddiy qo‘llab-quvvatlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 16-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 2-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2992-1-son)*

550. “Автомобилда амалга оширилаётган халқаро юк ташиш турини белгилаш мезонлари ва тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги божхона қўмитасининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3194-1-сон)*

551. “Xorijiy tillar va umumta’lim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar ro‘yxatiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 2-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3515-2-son)*

552. “Ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazishni tayinlash asoslari va ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 2-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3843-son)*

553. “Юк ортиш ва тушириш ишларида юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3844-сон)*

554. “Sug‘urta agentlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 2-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3845-son)*

555. “Fond bozorida axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanishga o‘rnatilgan talablar to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 4-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1855-2-son)*

556. “To‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 4-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3431-3-son)*

557. “Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasining 19-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 4-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3582-2-son)*

558. “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ тизимлар орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3846-сон)*

559. “Zarur amaliyotlar (GxP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazish bo‘yicha ko‘rsatiladigan xizmatlar uchun to‘lovlar miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 4-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3847-son)*

560. “Dori vositalarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish hujjatlariga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 4-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3848-son)*



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

QMMB: 03/26/1148/0558-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-сон
538-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Битимни (Самарқанд, 2025 йил 26 август) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 27 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 8 апрелда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Битим (Самарқанд, 2025 йил 26 август) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 2 июнь
ЎРҚ–1148



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-сон
539-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «_2_» __июнь__ _ПФ–103_-son

Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида

2026 йил 1 июнь куни ўтказилган маданият, санъат ва адабиёт ходимлари билан соҳаларни янада ривожлантириш бўйича келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган учрашувда илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш, шунингдек, ижодкорларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда соҳада хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, академик ва миллий чолғу, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт каби йўналишларда **ижодий бирлашмалар фаолиятини йўлга қўйиш** ва **қўллаб-қувватлаш**;

(б) ижодкорларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг халқаро танловлардаги иштироки сонини 2027 йилда **20 фоизга**, ғолиблар сонини **30 фоизга**, 2030 йилга қадар иштирокчилар сонини **5 бараварга**, ғолиблар сонини эса **2 бараварга** ошириш;

(в) шоир ва ёзувчилар томонидан ҳар йили камида **50 та энг сара асарлар яратилишини**, миллий адабиётнинг энг яхши **10 та асари хорижий** тилларга таржима қилинишини таъминлаш;

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(г) ижодкорларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, жумладан, ҳар йили **1 минг** нафар ижодкорни уй-жой билан таъминлаш, **3 минг нафарини** бепул даволаш;

(д) нодавлат театр ва театр-студиялар сонини 2028 йилда **50** тага етказиб, театр соҳасида хусусий сектор иштирокини **25 фоиз**га ошириш.

II. Соҳада истеъдодларни юзага чиқаришнинг янги тизимини жорий этиш

2. Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва кенг ижодкорлар жамоатчилигининг **1-илова**га мувофиқ **маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида ижодий бирлашмаларни** (кейинги ўринларда – ижодий бирлашмалар) **ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

(а) ижодий бирлашмаларнинг ижодий раҳбарлари ва уларга ташкилий масалаларни ҳал этишда кўмаклашувчи ҳамраҳбарлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;

(б) ижодий раҳбар ўз йўналишида **янги иқтидорларни юзага чиқаришга масъул** ҳисобланади;

(в) ижодий бирлашмаларга бириктирилган **ҳамраҳбарлар**:

(i) ижодий бирлашма ҳамда унинг йўналишига мос ижодкорлар ва жамоалар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда уларни **молиявий қўллаб-қувватлашга масъул ҳисобланади**;

(ii) ижодий бирлашма йўналиши бўйича **маҳалла – туман – вилоят – республика** даражасидаги танловлар ва маданий тадбирларнинг йиллик режа-графигини ижодий раҳбарлар билан биргаликда тасдиқлайди ҳамда уларни ташкил қилади;

(iii) халқаро ва республика танловлари **ғолиб ва совриндорларининг гастроль сафарларини ташкил этишга** ҳамда **халқаро фестиваль ва танловларда иштирок этишига** кўмаклашади;

(г) ҳамраҳбарларга ўзлари бевосита раҳбар бўлган муассаса (ташкилот, корхона) ва унинг тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижодий бирлашмаларга маблағ йўналтиришга рухсат берилади;

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(д) ижодий бирлашмаларнинг фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган ҳомийлик хайриялари **меценатлик кўмаги ҳисобланади** ҳамда уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар қўлланади;

(ж) 2027 йилдан бошлаб ижодий бирлашмаларнинг йиллик ижодий ҳисоботи шаклида **Миллий ижодкорлар қурултойи** ўтказилади ҳамда унда ижодий бирлашмаларнинг **йил давомида энг яхши натижа кўрсатган ижодкорлари** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги тартибда **рағбатлантирилади**:

(i) ижодкорларнинг **бадиий кечаси, маҳорат мактаби** ва **ижод уйлари** ташкил этилади;

(ii) бир йил давомида **ҳар ойда 5 миллион сўм миқдорида гонорар** тўланади;

(iii) уч йил давомида Ўзбекистон бўйлаб **самолёт, поезд** ва **жамоат транспортидан бепул фойдаланади**, бунда ташиш харажатлари бўйича олинмай қолган даромадлар кейинчалик ҳар ойда қоплаб берилади;

(iv) давлат тиббиёт муассасаларида даволаниш харажати тўлиқ қопланади.

4. Истеъдодларни аниқлаш ва ривожлантириш, уларнинг продюсерлик фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Маданият вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомисиз **“Ижодга инвестиция” давлат мақсадли жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамғармага **2026 йил 1 июлга қадар** республика бюджети ҳисобидан **200 миллиард сўм** маблағ ажратиш чорасини кўрсин ҳамда **2027 йилдан бошлаб** давлат бюджети параметрларида **ҳар йили камида 200 миллиард сўм** маблағ ажратилишини назарда тутсин.

6. Маданият вазирлиги **2026 йил 1 июлдан бошлаб** Жамғарма ҳисобидан очиқ ва шаффоф тизим асосида **энг истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш** тизимини йўлга қўйсин.

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

7. Маданият вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2027 йилдан бошлаб ҳар йили **театр, чолғу, хор** ва **рақс** йўналишида умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида **туман – вилоят – республика даражасида танловларни** ўтказиб боришни йўлга қуйсин. Бунда:

(а) ҳар бир йўналиш бўйича республика даражасидаги танловда ғолиб деб топилган умумий ўрта таълим муассасасига ўз **ижодини тарғиб қилиш, саҳна декорациялари ва либослари, мусиқа асбоблари харид қилиш** учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан **500 миллион сўмдан грант** берилади;

(б) республика **танлови ғолиблари** маданият ва санъат йўналишлари бўйича давлат таълим ташкилотларига киришда **ижодий имтиҳондан озод этилади** ва уларга максимал балл берилади.

8. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларига **миллий чолғу асбобларини** сотиб олиш харажатларининг **30 фоиз** қисмини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тизими жорий қилинсин.

III. Соҳани қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш

9. Белгилансинки, **2026 йил 1 сентябрдан 2036 йил 1 январга** қадар:

(а) асосий фаолияти **концерт-томоша**, **кинематография**, **болалар учун контент яратиш** бўлган субъектлар, нодавлат театр ва театр-студиялар ҳамда маданият ва санъат йўналишидаги хусусий таълим ташкилотлари **қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мол-мулк солиғидан**, уларда ишловчи ходимлар жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғидан озод қилинади**;

(б) хорижий компанияларнинг Ўзбекистон ҳудудида кино маҳсулотини яратиш билан боғлиқ фаолияти натижасида олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига **тўлов манбаида солиқ солишда солиқ базасига киритилмайди**.

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси ҳамда Маданият вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** ушбу Фармоннинг 9-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қуйидагиларни **давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили молиялаштириш** тизими жорий этилсин:

(а) йилига камида **50 та энг сара асарларни яратиш** учун шоир ва ёзувчиларга **ижодий буюртма** бериш;

(б) **опера, симфония каби мумтоз ва замонавий жанрлар** бўйича ҳар йили камида **20 та янги асар яратиш** учун ижодкорларга давлат буюртмаси бериш;

(в) ҳар йили миллий адабиётнинг **энг сара 10 та асарини хорижий тилларга таржима қилиш** ва муаллифлар иштирокида **чет элларда тақдимотлар** ўтказиш харажатларини қоплаб бериш;

(г) Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида чоп этиладиган **китобларни нашр этиш** учун қоғоз харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш;

(д) шеърият билан санъатни уйғунлаштирган ҳолда ташкил этиладиган **энг сара 100 та шеърий концертларни** ўтказиш бўйича давлат буюртмаси бериш.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу Фармоннинг 11-бандида белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш учун республика бюджети ҳисобидан 2026 йилда **25 миллиард сўм,** 2027 йилдан бошлаб ҳар йили **50 миллиард сўм** ажратсин.

13. Истеъдодлар ва уларнинг устозларини қўллаб-қувватлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2026 йил 1 сентябрдан бошлаб:**

(а) маданият, санъат ва адабиёт соҳаларидаги **нуфузли халқаро ва республика танловлари ғолиб ва совриндорлари** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорларда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(i) Гран-при ва 1-ўрин ғолиби – халқаро танлов бўйича **300 миллион сўм,** республика танлови бўйича **100 миллион сўм** миқдорида;

(ii) 2-ўрин соҳиби – халқаро танлов бўйича **200 миллион сўм,** республика танлови бўйича – **50 миллион сўм** миқдорида;

(iii) 3-ўрин соҳиби – халқаро танлов бўйича **100 миллион сўм,** республика танлови бўйича **25 миллион сўм** миқдорида;

(б) танловларнинг ғолиб ва совриндорларини тайёрлаган **ўқитувчи (концертмейстер)нинг** ойлик маошига бир йил давомида **100 фоизгача устама** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади;

(в) нуфузли халқаро танловларнинг ғолиб (совриндор)лари ва уларнинг ўқитувчи (концертмейстер)ларининг танловларда **иштирок этиши харажатлари** тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

(г) ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чоралари **хусусий секторда фаолият юритувчи шахсларга нисбатан** ҳам татбиқ этилади;

(д) ушбу бандда назарда тутилган нуфузли халқаро ва республика танловлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида аниқланади.

IV. Соҳа вакилларининг ижтимоий таъминотини янада мустаҳкамлаш

14. 2026 йил 1 июлдан бошлаб ҳар йили **1000 нафар** уй-жойга муҳтож маданият, санъат ва ижодий соҳа вакилларига бирламчи бозордан квартира сотиб олиш учун қуйидаги тартибда **ипотека кредитларини ажратиш йўлга қўйилсин,** бунда:

(а) Ипотека дастури доирасида ипотека кредитлари ажратишда бошланғич тўлов кредит олувчи томонидан **2-иловада** белгиланган миқдорларда шакллантирилади, бунда шакллантириладиган **бошланғич тўловнинг 50 фоизи** ҳамда кредит муддатининг **биринчи беш йили давомида тўланадиган кредит фоизларининг 10 фоизлик** пунктдан ошган қисми **Давлат бюджетидан қоплаб берилади**;

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(б) бошланғич тўловнинг 50 фоизини қоплаб бериш Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **“subsidiya.idm.uz” дастурий таъминот** тизими орқали автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **маданият соҳаси вакилларини зарур уй-жойлар билан таъминлаш**га масъул этиб белгилансин.

16. Бир ҳудуддан бошқа ҳудудга келиб ишлаётган ва ушбу ҳудудда ўз уй-жойига эга бўлмаган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига **уй-жой ижараси тўловларининг бир қисмини қуйидаги миқдорларда қоплаб бериш** тартиби жорий этилсин:

(а) Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг **6 баравари**;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 баравари**.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармоннинг 14- ва 16-бандларида назарда тутилган харажатлар учун 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетидан **50 миллиард сўм** ажратсин.

18. 2026 йил 1 июлдан бошлаб ижодий бирлашмаларнинг тавсияси асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги харажатларни қоплаб бериш йўлга қўйилсин:

(а) ҳар йили **1 минг нафаргача** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш бўйича имтиёзга эга бўлмаган, бироқ ўз фаолиятида яхши натижаларга эришган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига **юқори технологик операцияларни ўтказиш**;

(б) ҳар йили **2 минг нафаргача** маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига суғурта мукофоти **базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан** ортиқ бўлмаган ихтиёрий тиббий суғурта бадаллари учун харажатларнинг **50 фоизини** қоплаб бериш;

(в) ҳар йили **100 нафаргача** соҳада камида **10 йил** ишлаган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига **Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси санаторийларида бепул даволаниш**.

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

19. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджетдан молиялаштириладиган театр ва концерт-томоша муассасаларида фаолият юритувчи **рақс жамоасининг бадиий раҳбари, балетмейстери, репетиторлари, балет артистларининг лавозим маошларини** меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари миқдорига ва (ёки) Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициентлари миқдори Давлат бюджети ҳисобидан **2 бараварга** оширилган ҳолда қўлланади;

(б) давлат муассасаларида рақс санъати соҳасида фаолият юритаётган раққос ва раққосаларни имтиёзли иш стажи билан пенсияга чиқаришда талаб этиладиган 20 йиллик иш стажининг камида 15 йили раққос ва раққосалик фаолиятидан иборат бўлган тақдирда, қолган **5 йили учун балетмейстер ва балет бўйича репетитор фаолияти билан шуғулланган даврни инобатга олиш**га рухсат берилади.

20. Ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **2026 йил 1 сентябрдан бошлаб** ҳудудларда **инклюзив ижодий устахоналар** ташкил қилинсин. Бунда инклюзив ижодий устахоналарни ташкил этиш ҳамда уларни **дарсликлар ва ижод учун зарур анжомлар билан таъминлаш** харажатларини молиялаштириш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили **30 миллиард сўм** ажратиб борилади.

21. 2026 йил 15 июндан бошлаб **3-иловага мувофиқ давлат мукофотлари билан тақдирланган шахсларга** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аэропорт ва темир йўл вокзалларидаги **“VIP” заллардан бепул фойдаланиш** ҳуқуқи берилсин.

V. Соҳада нодавлат сектор фаоллигини ошириш

22. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2026 йил 1 сентябрдан бошлаб**:

(а) нодавлат театр ва театр-студияларнинг қуйидаги харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади:

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(i) ҳар йили 50 та саҳна асари яратиш харажатлари;

(ii) ҳар ойда хусусий бинони ижарага олиш харажатларининг базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача** бўлган қисми;

(б) давлат маданият объектлари уларнинг бўш вақтларида нодавлат театр ва театр-студияларга спектакль намойиш этиш учун **ижара тўловисиз фойдаланиш учун берилади.** Бунда томоша заллари учун талабгорлар иккита ёки ундан кўп бўлган тақдирда, улар орасида танлов ўтказилади;

(в) ушбу банднинг "а" кичик бандида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун ҳар йили Давлат бюджетидан қўшимча **10 миллиард сўм** ажратилади.

23. Белгилансинки, **2026 йил 1 июлдан** бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Нукус шаҳри ва вилоятлар марказлари бундан мустасно) концерт-томоша тадбири ташкил этилган ва бир тадбир доирасида **1 000** тадан ортиқ билет сотилган тақдирда, концерт-томоша ташкилотчиларига сотилган билетлар қийматининг **20 фоизига тенг бўлган миқдорда субсидия берилади**;

(б) давлат ва нодавлат театрларга ўзи фаолият юритаётган жойда саҳналаштирилган спектакль учун сотилган **ҳар бир чиптага** қўшимча **10 минг сўм,** бошқа ҳудудга чиққан ҳолда намойиш этилган тақдирда, **20 минг сўм миқдорида субсидия** берилади.

24. Белгилансинки, **2026 йил 1 октябрдан** бошлаб ҳар йили **500 минг нафар** ўқитувчи, шифокор, давлат хизматчиси, фаол ўқувчи ва талабаларга ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган **100 мингта** оилаларнинг бир нафар фарзандига, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларга театр, кино ва концерт тадбирлари учун **бепул ваучер берилади,** бунда:

(а) ваучер қийматидаги маблағлар шахсларнинг номига очиладиган **ижтимоий карта** орқали тақдим этилади;

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(б) ваучер бериш билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда **Давлат бюджети маблағлари** ҳамда **Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари** ҳисобидан қопланади.

VI. Киноиндустрия соҳасини янада ривожлантириш

25. Хусусий киностудияларнинг мустақил фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда соҳада эркинлик ва рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида:

(а) Миллий кинематография, кинокомпания ва кинотеатрлар тармоғини янада ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича **республика комиссияси**, **Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази,** Кинематография агентлиги ҳузуридаги **Бадиий кенгаш** фаолияти ҳамда ҳар бир фильмга **маслаҳатчилар гуруҳини бириктириш** амалиёти **тугатилсин**;

(б) давлат буюртмаси асосида яратиладиган фильмларнинг мавзусидан келиб чиқиб, соҳа мутахассисларидан иборат **ҳақ тўланадиган эксперт гуруҳлари** ташкил қилиб борилсин. Бунда Бадиий кенгаш томонидан маъқулланган ва (ёки) ишлаб чиқаришга туширилган лойиҳаларни якунлаш ушбу кенгаш томонидан амалга оширилади ва улар бўйича эксперт гуруҳларининг хулосасини олиш талаб этилмайди;

(в) "Ўзбекфильм" киноконцерни" давлат муассасасига **"миллий" мақоми берилсин** ҳамда унинг фаолияти маҳаллий ва халқаро киностудияларга хизмат кўрсатувчи киноконцерн сифатида йўлга қўйилсин;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган "Олтин Ҳумо" миллий кино тақдимоти нуфузини ошириш мақсадида 2027 йилдан бошлаб **ҳар йили 5 миллиард сўм** ажратиб борилишини таъминласин.

26. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **давлат буюртмаси асосида кино, шу жумладан, Болалар контентини ривожлантириш маркази лойиҳалари яратилишида:**

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(а) маркетинг ва реклама харажатлари учун фильм бюджетининг 30 фоиз миқдоригача маблағларни ажратишга рухсат берилади;

(б) харид шартномаларини экспертизадан ўтказиш **талаби бекор қилинади;**

(в) фильмлар **намойишидан тушган маблағларнинг 50 фоизи** продюсер ва ижодий гуруҳга қўшимча рағбат сифатида берилади.

VII. Ҳудудларда маданият тадбирларини ташкил этиш ва китобхонликни ривожлантириш

27. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳар, Самарқанд ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида **маданий тадбирларни ташкил этиш дирекциялари** (кейинги ўринларда – дирекциялар) фаолияти йўлга қўйилсин.

28. Белгилансинки:

(а) дирекциялар тегишли ҳокимликлар муассислигида масъулияти чекланган жамиятлар шаклида ташкил этилади, бошқа тадбиркорларга дирекция устав фондига ўз пул маблағлари билан иштирок этишига рухсат берилади;

(б) дирекциялар тегишли ҳудудда жойлашган, маданий, оммавий, концерт-томоша тадбирлари ташкил этилиши мумкин бўлган бинолар, мажмуалар, павильонлар, стадионлар, саҳналар, залларга (кейинги ўринларда – маданият объектлари) эга бўлган **барча давлат муассасалари, шу жумладан, концерт, театр, маданият саройлари билан мажбурий равишда**, шундай бино ва иншоотларга эга **хусусий ташкилотлар билан эса ўзаро келишувлар асосида** хизмат кўрсатиш тўғрисида шартномалар имзолайди;

(в) дирекциялар тузилган шартномалар асосида **ҳар бир маданият объектининг ҳар кунлик иш режими**, уларнинг банд ва бўш вақтлари ҳақида онлайн режимда маълумот олиб туради;

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(г) дирекциялар маданият объектларининг бўш вақтидан самарали фойдаланиш мақсадида уларда **маданий тадбирлар ўтказилишини ташкил этади**, ўзи жалб қилган тадбир ташкилотчилари билан маданий масканларнинг мулкдорлари номидан шартномалар тузади;

(д) дирекциялар томонидан мулкдор номидан тузилган шартномаларга асосан маданият объектларини тадбирлар учун **ижарага беришдан тушган маблағларнинг** хизмат кўрсатиш шартномасида томонлар ўзаро келишув асосида белгилайдиган қисми **дирекцияларга ўтказиб берилади**;

(ж) дирекциялар ўзлари тузган шартнома асосида ўтказиладиган оммавий тадбирларга рухсат олиш бўйича тартиб-таомилларнинг бажарилишини бевосита ўзи таъминлайди.

29. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маданият вазирлигининг таклифлари асосида **2026 йил якунига қадар 50 тадан 100 тагача** чекка ва олис ҳудудлардаги маҳаллаларда **намунали маҳалла кутубхонаси** ва **китоб дўконларини** ташкил қилсин. Бунда Ёшлар ишлари агентлиги:

(а) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда намунали маҳалла кутубхоналарининг **бадиий, илмий-оммабоп, маърифий, ҳужжатли ва биографик адабиётлар** билан тўлдирилишини;

(б) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан биргаликда ушбу **кутубхоналар фаолияти тўлиқ рақамлаштирилиши**ни таъминласин;

(в) **2027 йил 1 январдан бошлаб** ушбу кутубхоналарда **“Мутолаа” платформасидан фойдаланиш** учун шарт-шароитлар яратсин.

30. **2026 йил 1 июлдан бошлаб** Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусиқали театри, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри ва Ўзбек Миллий қўғирчоқ театрига **молиявий, ижодий ва ташкилий масалаларни мустақил ҳал қилиш ваколати** берилсин.

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

VIII. Таълим тизимини такомиллаштириш

31. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **10 тадан** умумий ўрта таълим муассасаларида, тажриба тариқасида, **мусиқа, тасвирий санъат ва технология дарсларини илғор хорижий тажрибага мувофиқ "Art" ўқув дастури** асосида такомиллаштирилган ҳолда ўқитиш йўлга қўйилсин. Бунда умумий ўрта таълим муассасаларини "Art" йўналишларига мос ҳолда жиҳозлаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

32. Белгилансинки, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

(а) **болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари** меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларига тенглаштирилади;

(б) умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчилари иш ҳақига **ўқувчиларининг чолғуларни ижро этиши** даражасидан келиб чиқиб, ҳар ойда **20 фоизгача устама** тўлаш тартиби жорий этилади;

(в) болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда **ихтисослашган мактаблар** билан **умумий таълим муассасалари** ўртасида **ижодий ҳамкорлик** йўлга қўйилади ҳамда ижодий жамоалар томонидан умумий ўрта таълим муассасаларида даврий равишда **концерт-томоша дастурлари ва маҳорат дарслари** ўтказиб борилади;

(г) ҳар бир умумий ўрта таълим муассасасида **мусиқа ва санъат йўналишида** камида **4 тадан тўгарак** ташкил қилинади.

33. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия **икки ой муддатда** ёш ижодкорларнинг **стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш** учун маданият ва санъат йўналишидаги **10 та олий таълим муассасасига** Давлат бюджети ва Олий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **тенг улушларда 50 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин.

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

34. Касбий таълим агентлиги тизимидаги **Республика мусиқа ва санъат техникуми** ҳамда **Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк** техникуми олий мактаб сифатида қайта номланган ҳолда Маданият вазирлиги тизимига ўтказилсин, бунда Республика мусиқа ва санъат олий мактаби ҳамда Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк олий мактабида:

(а) битирувчиларга касбий таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади;

(б) иқтидорли битирувчиларга белгиланган тартибда ўз ўқишини тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий таълим ташкилотларининг иккинчи босқичидан давом эттириш имкони яратилади;

(в) талабаларга **таниқли ижодкорлар бириктирилади** ва уларга **олий таълим ташкилоти профессор-ўқитувчисига тенг миқдорда** меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланади.

35. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази негизида Маданият вазирлиги ҳузурида **Маданият ва санъат ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти** ташкил қилинсин.

IX. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

36. Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури **4-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **5-илова**га мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

38. Маданият вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

39. Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков белгилансин.

40. Фармон ижросини назорат қилиш ва масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 2 июндаги ПФ–103-сон Фармонига
1-илова

Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида ташкил этиладиган ижодий бирлашмаларнинг йўналишлари РЎЙХАТИ

1. Адабиёт ва ноширлик
2. Академик чолғу ижрочилиги
3. Амалий санъат
4. Аския, қизиқчилик ва стендап
5. Бахшичилик ва халқ ижодиёти
6. Болалар ижодкорлиги
7. Ғижжак чолғу ижрочилиги
8. Кино санъати
9. Композитор ва бастакорлик
10. Мақом санъати
11. Миллий чолғу ижрочилиги
12. Мода ва дизайн санъати
13. Мусиқий эстрада
14. Опера санъати
15. Оркестр ва хор
16. Рақамли санъат
17. Рақс санъати
18. Тасвирий санъат
19. Театр санъати
20. Фортепиано ижрочилиги
21. Цирк санъати ва майдон томошалари

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 2 июндаги ПФ–103-сон Фармонига
2-илова

Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимлари ҳамда ижодкорларга ипотека кредитлари ажратишда харид қилинадиган уй-жойларнинг бошланғич тўловини шакллантириш миқдорлари

Т/р	Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларидаги иш стажи	Шакллантириш лозим бўлган бошланғич тўлов миқдори (*уй-жой нархига нисбатан*)
1.	3 йилдан 5 йилгача	**15 фоиз**
2.	5 йилдан 15 йилгача	**25 фоиз**
3.	15 йилдан 25 йилгача	**30 фоиз**
4.	25 йилдан ортиқ бўлганда	**35 фоизи**

Изоҳ:

1) бошланғич тўлов миқдорини ҳисоблашда уй-жойнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ипотека кредитларини қайта молиялаштиришнинг энг кўп миқдорларида белгиланган нархигача бўлган қисми ҳисобга олинади;

2) сотиб олинаётган квартиранинг нархи уй-жойнинг қайта молиялаштириладиган энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам бошланғич тўлов ушбу иловага мувофиқ шакллантирилади. Бунда бошланғич тўловнинг ошган қисми кредит олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан тўланади.

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 2 июндаги ПФ–103-сон Фармонига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аэропорт ва темир йўл вокзалларидаги “VIP” заллардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи бериладиган давлат мукофотлари РЎЙХАТИ

1. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони

2. “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” фахрий унвони

3. “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони

4. “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони

5. “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони

6. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони

7. “Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси” фахрий унвони

8. “Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони

9. “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвони

10. “Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвони

11. “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони

12. “Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи” фахрий унвони

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 2 июндаги 103-сон Фармонига
4-илова

Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
1.	**Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида ижодий бирлашмалар** фаолиятини йўлга қўйиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, уларнинг ижодий раҳбарлари ва ҳамраҳбарларини тайинлаш. Ҳар бир ижодий бирлашманинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича, заруратга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар, заруратга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь Режа-график асосида	–	Вазирлар Маҳкамаси, Маданият вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	**Миллий ижодкорлар қурултойи**ни ўтказиш. Бунда ижодий бирлашмаларнинг йил давомида энг яхши натижа кўрсатган ижодкорларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги тартибда рағбатлантиришни назарда тутиш: ижодкорларнинг **бадиий кечаси**, маҳорат мактаби ва ижод уйларини ташкил этиш; бир йил давомида **ҳар ойда 5 миллион сўм** миқдорида гонорар тўлаш; уч йил давомида Ўзбекистон бўйлаб **самолёт, поезд ва жамоат транспортидан бепул фойдаланиш,** бунда ташиш харажатлари бўйича олинмай қолган даромадларни кейинчалик ҳар ойда қоплаб бериш; давлат **тиббиёт муассасаларида даволаниш** харажатини тўлиқ қоплаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2027 йил апрель	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Маданият, санъат ва адабиёт вакилларини **ижтимоий ҳимоя қилиш, ижодий бирлашмалар ташкил қилиш** ва қўллаб-қувватлаш, **соҳага оид танловлар ўтказиш ва уларни рағбатлантиришни кафолатлаш, имтиёз ва рағбатлантириш чораларини** мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил ноябрь	–	Маданият вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
4.	Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларидаги **нуфузли халқаро ва республика танловларида ижодкорларнинг иштирокини ошириш** ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш: халқаро танлов ғолибларининг ижодий ва касбий фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ютуқларини кенг тарғиб этиш; республика танлови ғолибларига **100 миллион сўмгача**, нуфузли халқаро танлов совриндорларига эса **300 миллион сўмгача** мукофот бериш ва иштирок этиш харажатларини тўлиқ қоплаш; ёш истеъдодларнинг устоз ва мураббийларининг **ойлик маошига** бир йил давомида **100 фоизгача устама** тўлаш; ҳар йили **100 нафаргача** ёшларнинг давлат ҳисобидан маданият, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича **хорижий давлатларда таълим олиши, малака ошириши ва стажировка ўташини йўлга қўйиш;** **2 та** халқаро нуфузли танловларнинг франшизасини Ўзбекистонга олиб кириш, **1 та** республика танловини халқаро нуфузли танловга айлантириш; танловларни мувофиқлаштириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва танловлар ғолиблари билан мунтазам ишлаш тизимини яратиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июль	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Юртимиздаги ёш истеъдодларни аниқлаб, юзага чиқарадиган, продюсерларни қўллаб-қувватлайдиган бизнес лойиҳаларни кўпайтириш мақсадида **“Ижодга инвестиция” давлат мақсадли жамғармасини** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш ва йилига 200 миллиард сўмдан кам бўлмаган маблағ беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил 25 июнь	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси
6.	**Муаллифлик ҳуқуқи** ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш. Бунда асар муаллифларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳар бир асарнинг рақамли изини яратиш, ижод маҳсулидан ноқонуний фойдаланиш ва тарқатишни олдини олиш, бу орқали **ижодкорлар ҳуқуқини кафолатли ҳимоялаш** бўйича аниқ механизмларни белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июль	Давлат бюджети маблағлари	Адлия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
7.	Шоир ва ёзувчиларга ҳар йили **50 та асар учун ижодий буюртма** бериш, ўзбек адабиётининг энг яхши **10 та асарини хорижий тилларга таржима қилиш** ва муаллифлар иштирокида чет элларда тақдимотлар ўтказиш, Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида китобларни нашр этишда қоғоз билан боғлиқ харажатларни давлат томонидан қоплаш тартибини белгилаш. Ижодкорлар, айниқса, ёш истеъдодларнинг шеърият билан санъатни уйғунлаштирган **шеърий концертларини** ташкил этиш. Бунда, биринчи навбатда, энг сара **100 та лойиҳани Давлат бюджетидан молиялаштириш**.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июль	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси
8.	Чекка ва олис ҳудудлардаги **50 тадан 100 тагача** маҳаллаларда **намунали маҳалла кутубхонаси** ва замонавий китоб дўконларини ташкил қилиш. Намунали маҳалла кутубхоналарининг бадиий, илмий-оммабоп, маърифий, ҳужжатли ва биографик адабиётлар билан тўлдирилишини таъминлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил декабрь	Ижрочиларнинг маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси манфаатдор вазирлик ва идоралар
9.	**Кутубхоналарнинг фаолиятини 2030 йилгача ривожлантириш** ҳамда китоб савдоси тизимини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; маданият марказларига китоб савдоси ваколатини бериш бериш ва китоб савдосини яхши йўлга қўйган ходимларни қўшимча қўллаб-қувватлаш;	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	янги адабиётларни ҳудудларда муаллифлар иштирокидаги тарғиботини амалга ошириш ва уни рағбатлантириш; энг кўп ўқилган китоблар муаллифларини қўшимча молиявий рағбатлантириш; муаллифлик ҳақи ва унга доир бошқа тўлов турларининг энг кам ва энг юқори ставкаларини қайта кўриб чиқиш, жумладан, назм, наср, либретто каби асарлар яратишга буюртмаларни бажарганлик учун **муаллифлик ҳақи ставкаларини ошириш**.				
10.	Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларининг уй-жойга, шу жумладан, ижара асосида яшашга эҳтиёжини аниқлаш, ижтимоий-ижодий фаоллигини рағбатлантириш ҳамда шаффоф ва рақамлаштирилган навбатга қўйиш, шунингдек, **субсидияларни тўлаш тартибини** тасдиқлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил 25 июнь	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси
11.	Қуйидаги имтиёзларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплашни назарда тутувчи тартибни тасдиқлаш: фаолиятида яхши натижага эришган **1 минг нафар** соҳа ходимларининг **даволаниш харажатларини** Давлат **тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштириш**; **2 минг нафар** ижодкорларга **тиббий суғурта пакети тақдим этиш** билан боғлиқ харажатларининг **50 фоизини қоплаш;** ҳар йили 100 нафаргача соҳада камида 10 йил ишлаган шахсларга **Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси санаторийларига бепул йўлланма** бериш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил 25 июнь	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси
12.	Рақс санъатини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ўз ичига олган қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш. Қарор лойиҳасида Янги Тошкентда қурилиши бошланган мақом маркази ёнида замонавий ва муҳташам **рақс саройини барпо этишни** назарда тутиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил август	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
13.	Театр, кино ва концертга **бепул ваучер тақдим этиш** тартибини, жумладан қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш: ҳар йили **500 минг** ўқитувчи, шифокор, давлат хизматчиси, фаол ўқувчи ва талабаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, Ижтимоий реестрга киритилган **100 мингта оила**нинг бир нафар фарзандига ва ногиронлиги бор болаларга Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ваучер ажратиш; ваучерларни **эҳтиёжманд оилалар учун** ижтимоий карта орқали тақдим этиш; ваучерни ўз вақтида расмийлаштириш ва тақдим этиш учун барча маданият ва санъат муассасаларини **“Ижтимоий карта” ахборот тизими билан интеграция қилиш**.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил август 2026 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Маданият вазирлиги Маданият вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
14.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Нукус шаҳри ва вилоятлар марказлари бундан мустасно) концерт-томоша тадбири ташкил этилган ва бир тадбир доирасида **1 000 тадан ортиқ билет** сотилган тақдирда, концерт-томоша ташкилотчиларига сотилган билетлар қийматининг **20 фоизига тенг бўлган миқдорда субсидия** бериш назарда тутувчи тартибни тасдиқлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил 25 июнь	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси
15.	Миллий тўй маросимларида мақом ва халқ ашулаларининг ижро этилишини тарғиб қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	–	Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази
16.	Жойларда концерт, театр, маданият саройлари заллари фаолиятини тўлиқ ишлатиш мақсадида 2026 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари, кейинчалик қолган ҳокимликлар ҳузурида **алоҳида дирекция фаолиятини** йўлга қўйиш. Бунда туман (шаҳар)лар кесимида тадбирлар жойи ва масъулларини белгилаган ҳолда концерт ва томошалар ўтказиш бўйича **бир йиллик дастурни** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқлашни йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар, заруратга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
17.	Давлат **маданият объектларини модернизация қилиш** бўйича **икки йиллик дастур** ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июль	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
18.	Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусиқали театри, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри ва Ўзбек Миллий қўғирчоқ театрига молиявий, ижодий ва ташкилий масалаларни **мустақил ҳал қилиш ваколатини бериш**.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
19.	Хусусий театрлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб ишлаб чиқиш: нодавлат театр ва театр-студияларига давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили ажратиладиган қўшимча **10 миллиард сўм** ҳисобидан қуйидаги харажатларни қоплаб бериш: – ҳар йили **50 та саҳна асари** яратиш харажатлари; – ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача** хусусий бинони ижарага олиш харажатлари; нодавлат театр ва театр-студияларга спектакль намойиш этиш учун давлат маданият объектларини **бўш вақтларда ижара тўловисиз фойдаланиш** учун бериш. Бунда томоша заллари учун талабгорлар иккита ёки ундан кўп бўлган тақдирда, улар орасида танлов ўтказиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил 15 август	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
20.	Давлат ва хусусий театрларга ўзи фаолият юритаётган жойда саҳналаштирилган спектакль учун сотилган ҳар бир чиптага қўшимча **10 минг сўм**, бошқа ҳудудга чиққан ҳолда намойиш этилган тақдирда, **20 минг сўм миқдорида субсидия** бериш тартибини тасдиқлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил 25 июнь	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
21.	**Муқимий номидаги** Ўзбекистон давлат академик мусиқали театри ва биносини мукаммал таъмирлаш ва театр ҳудудида қурилган қўшимча **бинони реконструкция** қилиш.	Амалий чора-тадбирлар, заруратга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026–2027 йиллар давомида	Давлат бюджети маблағлари, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари	Маданий мерос агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
22.	**Ўзбекистон давлат ёшлар театри биносини реконструкция қилиш**, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини якунига етказиш ҳамда объект ҳудудини ободонлаштириш. Бунда таъмирлаш ишларини давом эттириш учун дастлабки босқичда 5 млрд сўм ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан 2026-2027 йилларда зарур маблағларни ажратиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар, заруратга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026-2027 йиллар давомида	Давлат бюджети маблағлари	Маданий мерос агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
23.	Нуфузли **халқаро ташкилотлар ва таниқли ижодкорлар** билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, дизайн, ҳунармандчилик ва замонавий санъат асарларини намойиш этишга қаратилган кўргазма ва тадбирлар сонини ошириш. Бунда: Европа, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий ва Шарқий Осиё ҳамда Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ўзбекистонда мазкур кўргазмаларни ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқилган таклифларни белгиланган тартибда киритиш ва тасдиқлаш; тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрдан бошлаб доимий	Давлат бюджети маблағлари	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, “Ҳунарманд” уюшмаси, Маданий мерос агентлиги
24.	Маданият вазирлиги ҳузуридаги **Халқаро фестиваллар дирекцияси** фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича, жумладан қуйидагиларни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Маданият вазирлиги,

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	халқаро фестиваллар дирекциясининг ташкилий, ижодий ва институционал салоҳиятини ошириш; ҳар бир ҳудудда катта маданий тадбирларни йил давомида ташкил қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўтказиш бўйича амалий чораларни белгилаш; халқаро йирик маданий тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш ва уларнинг сонини ошириб бориш.				Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
25.	Тошкент шаҳридаги **замонавий санъат марказининг** очилиш маросимини ўтказиш. Бунда: замонавий санъат марказида очилиш маросимига бағишланган халқаро кўргазма ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш; халқаро кўргазмани юқори савияда ўтказиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил сентябрь	Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
26.	Ҳар бир вилоятдаги **10 тадан умумтаълим** мактабида тажриба тарзида мусиқа, тасвирий санъат ва технология дарсларини илғор хорижий тажрибага мувофиқ “Art” ўқув дастури асосида такомиллаштирилган ҳолда ўқитишни йўлга қўйиш. Бунда: 1–4-синф ўқувчиларни расм, мусиқа ва ўйинлар орқали ижодга, маданият ва санъатга қизиқтириш; 5–7-синф ўқувчиларини ижодий жамоада ишлаш ва ўз фикрини эркин ифода этишга ўргатиш; 8–9-синфларда дизайн, графика ва сунъий интеллект орқали креатив лойиҳаларни ишлаб чиқиш; 10–11-синфларда ушбу лойиҳаларни тайёр маҳсулотга айлантиришни ўргатиш. Пилот лойиҳа амалга ошириладиган умумтаълим мактабларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан “арт” йўналишларига мос ҳолда жиҳозлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
27.	Ўзбекистон Республикаси фуқароларига **миллий чолғу асбобларини сотиб олиш харажатларининг 30 фоиз қисмини** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **қоплаб бериш** тартибини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил 25 июнь	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси
28.	Ҳар йили театр, чолғу, хор ва рақс йўналишида умумтаълим мактаблари ўртасида туман, вилоят, республика даражасида танловларни ўтказиб боришни йўлга қўйиш. Бунда уларнинг ижод маҳсулини республика бўйича тарғиб қилиш, саҳна декорациялари ва либослари, мусиқа асбоблари олиш учун “Ижодга инвестиция” давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан **500 миллион сўмдан грант** бериш. Шунингдек, республика танлови ғолибларини маданият ва санъат олийгоҳларига ўқишга кириш учун йўлланма бериш.	Амалий чора-тадбирлар, заруратга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2027 йилдан бошлаб доимий	“Ижодга инвестиция” давлат мақсадли жамғармаси	Маданият вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги
29.	Театр, кино, мусиқа, дизайн, анимация йўналишида малакали мутахассислар билан биргаликда **инклюзив ижодий устахона** лойиҳасини йўлга қўйиш. Бунда: инклюзив ижодий устахона лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш; тажриба-синов тариқасида **инклюзив ижодий устахона** лойиҳасини Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятларида йўлга қўйиш; тажриба-синов якунларидан келиб чиққан ҳолда **инклюзив ижодий устахона** лойиҳасини бошқа ҳудудларда йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил 1 август 2026 йил 1 сентябрь 2027 йил 1 сентябрдан бошлаб	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Маданият вазирлиги
30.	Ёш ижодкорларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун маданият ва санъат йўналишидаги **10 та олий таълим муассасасига 50 миллиард сўм** ажратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	Давлат бюджетидан **25 миллиард сўм**, Олий таълимни ривожлантириш жамғармасидан **25 миллиард сўм**	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
31.	Республиканинг барча ҳудудларида **очиқ осмон остидаги концерт** ва маданий тадбирларни ўтказишни кенгайтириб, уларни мунтазам ташкил этиб боришни йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрдан бошлаб доимий	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
32.	Маданият саройлари ва театрларда кийиниш ҳамда саҳна маданиятига амал қилиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	–	Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази
33.	Композитор ва бастакорлар фаолиятини молиялаштириш, уларни моддий рағбатлантириш тизимини кучайтириш мақсадида уларга опера, симфония каби мумтоз ва замонавий жанрлар бўйича ҳар йили камида **20 та янги асар яратиш** учун давлат буюртмаси бериб бориш тизимини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар, заруратга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил сентябрдан бошлаб доимий	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги
34.	Жамоат жойлари, аэропорт, вокзал, метро, парк, йирик савдо-сервис объектлари, кафе ва ресторанларда **миллий куй-қўшиқлар янграшини ташкил қилиш**.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси, Маданият вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
35.	Мамлакатимизда катта ҳурмат ва эътибор қозонган зиёлилар бошчилигида **“Мен Ўзбекистон фарзандиман” эзгу ғояси** асосида маҳалла ва жамиятда бирдамлик, оилани мустаҳкамлаш, ҳалол меҳнатни улуғлаш, табиатни асраш, атроф-муҳитни тоза сақлаш, соғлом турмуш	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Давлат бюджети маблағлари, ижрочилар маблағлари	Маданият вазирлиги, Бадиий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	тарзига амал қилиш, исрофгарчиликни олдини олиш, одамлар қалбида шукроналик, ислоҳотларга дахлдорлик, миллий ғурур туйғусини кучайтириш каби мавзуларда асарлар яратиш ҳамда уларни рақамли майдонда кенг тарғиб қилиш.				Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси
36.	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телеканалларида устоз санъаткорларнинг ҳаёти ва **ижодий меросини ёритишга бағишланган махсус кўрсатув** ва дастурларни кўпайтириш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Маданият вазирлиги
37.	Маҳаллада, умумтаълим ва **мусиқа мактабларида кастинглар** ўтказиб, янги-янги истеъдодларни кашф қилиш ҳамда уларнинг ўсишига ёрдам бериш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Ижрочилар маблағлари	Маданият вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
38.	Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган ўқувчи-ёшларнинг **ижодкорлигини ривожлантириш.** Бунда: **инклюзив вокал, аудиокитоб яратиш ва тифлокино яратиш, пантомима** каби ижодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун **махсус инклюзив студиялар** фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш ва бунинг учун зарур бўладиган жиҳозларни харид қилиб бориш; студиялар учун хореограф, саҳна нутқи, мусиқа ва ритм йўналишида тажрибали мутахассисларни бириктириш; энг яхши натижа кўрсатган бириктирилган мутахассисларни эришилган натижаларига қараб рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш; алоҳида таълим эҳтиёжларига эга ўқувчиларда **ижодкорликни ривожлантиришга қаратилган** соддалаштирилган замонавий дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари ҳамда дидактик маҳсулотларни яратиш ёки харид қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб 2026 йил декабрь 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси Ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Маданият вазирлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
39.	Маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасаларида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир талабага таниқли ижодкорларни бириктириб, **дуал таълимни йўлга қўйиш**. Бунда бириктирилган устозларга олийгоҳ профессор-ўқитувчисига тенг миқдорда ҳақ тўлаш ёки **олийгоҳда дарс берадиган бўлса, ойлигига 50 фоиз устама тўлаш тизимини** йўлга қўйиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил август	Давлат бюджети маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
40.	Маданият ва санъат олий таълим муассасаларининг таълим дастурларига арт-менежмент, креатив индустрия, лойиҳаларни тижоратлаштириш сингари замонавий мавзуларни киритиш. Кино индустрияси, мода ва дизайн, маданият менежменти каби йўналишларда **хориждан 50 нафар тажрибали мутахассис-ўқитувчини** олиб келиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
41.	Маданият ва санъатда узлуксиз таълимни йўлга қўйиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2027 йил март	–	Маданият вазирлиги, Бадиий академия, манфаатдор вазирлик ва идоралар
42.	Санъат таълим йўналишларига магистратура босқичига қабул қилишда хорижий тил сертификати талабини қайта кўриб чиқиш.	Идоравий ҳужжат	2026 йил август	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия
43.	Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларни инобатга олган ҳолда Маданият соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2027 йил март	–	Маданият вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
44.	Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил сентябрь	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Болалар контентини ривожлантириш маркази
45.	**И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг** 1-блок биносини реконструкция қилиш ва **60 йиллик юбилей тадбирини** юқори савияда ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари	Маданий мерос агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
46.	Кино саноатини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини, жумладан қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш: давлат хизматлари тизимида кинони суратга олиш **локацияларига рухсат бериш,** суратга олиш жойларида ички ишлар бўлимлари томонидан **хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорлик қилиш хизматини жорий этиш**; киностудияларни фильм яратиш учун молиявий кўмак механизмларини такомиллаштириш; хорижий компанияларнинг республикада амалга оширилган харажатларини **25 фоиздан 30 фоизгача компенсация қилиш.**	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси
47.	Миллий **фильмлар прокати тизимини** ислоҳ қилиш. Бунда: кино прокати учун **бир марталик рухсатнома бериш тартибини қайта кўриб чиқиш** ва рухсатнома беришни рад этиш асосларини аниқ белгилаш; кинотеатр (кинозал)лар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконини берувчи рақамли (DCP ва ундан юқори форматдаги) кино намойиш этиш қурилмалари билан жиҳозланган тақдирда, уларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоиз қисмини, бироқ битта қурилма учун **50 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш;** белгиланган талабларга зид фильмларни намойиш этган кинотеатрларга нисбатан **молиявий санкция қўллаш ва уни назоратини юритиш бўйича таклифларни** Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил август	–	Кинематография агентлиги, Болалар контентини ривожлантириш маркази
48.	Кинотеатрларини ягона тармоққа бирлаштириш. Бунда: **кинотеатрларда чипталар ҳисобини** ва томошабинлар статистикасини юритиш мақсадида **ягона платформа жорий этиш**; ягона платформа орқали республика бўйича **барча кинотеатрларда чипталарни электрон сотиш имконини яратиш**; кинотеатрлар фаолиятини марказлаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил якунига қадар	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
49.	Кинотеатрлар **тармоғини кенгайтириш**. Бунда: ҳудудларда **маданият бўлимлари биноларида** бўш турган залларни кинотеатрга **қайта жиҳозлаш ва ижара асосида имтиёзли бериш**; ҳудудларда мавжуд **барча давлат кинотеатрларини** фаолият турини ўзгартирмаган ҳолда **хусусийлаштиришни кўриб чиқиш**.	Амалий чора-тадбирлар, заруратга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил якунига қадар	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги
50.	Давлат буюртмаси тизимини ислоҳ қилиш, кино соҳасида **замонавий ва шаффоф тизимни** йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. Бунда, давлат буюртмаси асосида олинадиган фильмлар танловида фильм ғоясига мувофиқ тегишли соҳа мутахассисларидан иборат **ҳақ тўланадиган бир марталик эксперт гуруҳлар ташкил қилиб бориш** назарда тутилсин.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил август	–	Кинематография агентлиги, Болалар контентини ривожлантириш маркази
51.	**“Кинематография тўғрисида”ги қонун лойиҳасини** Вазирлар Маҳкамасига киритиш, бунда қуйидагиларни назарда тутиш: **кинопрокатни тақиқловчи омиллар рўйхатини** чегаралаган ҳолда аниқ белгилаш; кинопрокат учун **ёш тоифалари бўйича таснифлаш** ва халқаро стандартларга асосланган янги замонавий назорат тизимини жорий этиш; **муаллифлик ҳуқуқини кафолатлаган** ҳолда қароқчилик (пиратлик)ка қарши курашиш ва кинотеатр ҳамда интернет платформаларда фильмларни намойиш этиш қоидаларини белгилаш; соҳада **ягона ваколатли орган мақоми, функцияларини аниқ белгилаб бериш** ва киностудиялар фаолиятига бошқа давлат органлари аралашувини қатъий тақиқлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2027 йил апрель	–	Кинематография агентлиги, Адлия вазирлиги

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
52.	"Дўрмон киноижодкорлар уйи" биносини таъмирлаш ва ҳудудини ободонлаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026–2028 йиллар давомида	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Кинематография агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
53.	Инклюзив жамият ғояларини кенг тарғиб этиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёти, ютуқлари ва салоҳиятини кенг ёритиш. Бунда: **"Инсон ҳақида"** республика қисқа метражли фильмлар танловини эълон қилиш; Танловни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш; Чекка ҳудудлардаги истеъдодлар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун "ижтимоий лифт" вазифасини бажарувчи **"Ўзбекистон иқтидори"** инклюзив телешоу дастурини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2027 йил январь	Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

Изоҳ: Заруратга кўра, ишлаб чиқилиши белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари бирлаштирилиши мумкин.

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 2 июндаги ПФ–103-сон Фармонига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 октябрдаги “Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–190-сон Фармонига 4-иловадан 624 ва 640-позициялар чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 майдаги “Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратиш ва уларни оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–183-сон қарори 7-бандининг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(б) Марказ унга ажратилган маблағлар, шу жумладан, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Экспертлар кенгаши хулосаларига мувофиқ ижодий танловда ғолиб чиққан ишлаб чиқариш субъектига болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш бўйича буюртмалар беради”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги “Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида”ги 458-сон қарорида:

(а) 1а-илованинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

“3. Цирк ва театрларнинг Бош балетмейстер, саҳналаштирувчи-балетмейстер, рақс жамоасининг бадиий раҳбари, балетмейстер, балет бўйича репетитор ходимлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан ҳисобланадиган базавий лавозим маошлари миқдорлари 2 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади”;

(б) 2а-илованинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

“4. Театрлар балет артисти ходимлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан ҳисобланадиган базавий лавозим маошлари миқдорлари 2 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади”;

QMMB: 06/26/103/0561-son
04.06.2026-y.

(в) За-илованинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

“4. Концерт ташкилотлари Бош балетмейстер, рақс гуруҳининг бадиий раҳбари, саҳналаштирувчи балетмейстер, балетмейстер, балет бўйича репетитор ходимлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан ҳисобланадиган базавий лавозим маошлари миқдорлари 2 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади”;

(г) 4а-илованинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

“4. Концерт ташкилотлари, мусиқа ва рақс жамоалари, шунингдек, цирклардаги балет артисти ходимлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан ҳисобланадиган базавий лавозим маошлари миқдорлари 2 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 октябрдаги “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини ҳамда ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 637-сон қарорига 1-илованинг 1-позицияси “IV қисм. театрлар, концерт томоша ва бошқа томошабоб театр муассасалари артистлари” бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1-ҚIV	IV ҚИСМ. ТЕАТРЛАР, КОНЦЕРТ ТОМОША ВА БОШҚА ТОМОШАБОБ ТЕАТР МУАССАСАЛАРИ АРТИСТЛАРИ	
1-90	Балет артисти*	3435
1-91	Артист-профессионал бадиий жамоаларда рақс ижро этувчилар*	3435
1-92	Артист-мимика ва имо-ишора театрларида	3435
1-93	Артист-вокалчи (солист)-опера ва балет театрлари, мусиқали ва мусиқали драма театрлари, концерт ташкилотлари, телевидение ва радио эшиттиришларда (Аёллар)	3435
1-94	Травестчи (ўғил болалар, ўсмирлар, қизлар ролини ижро этувчи артистлар)	
	** Давлат муассасаларида рақс санъати соҳасида фаолият юритаётган раққос ва раққосаларнинг 20 йиллик имтиёзли нафақага чиқиш давринг дастлабки 15 йили раққос ва раққосалик билан, қолган 5 йили балетмейстер ва балет бўйича репетитор фаолияти билан шуғулланганлиги инобатга олинади.*	

”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «4» июнь ПФ–104 -son

Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 декабрдаги “Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–243-сон Фармони ижросини таъминлаш, қурилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматларни соддалаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Асосий мақсад

1. Қуйидагилар мазкур Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) қурилишга рухсат олишда аҳоли ва тадбиркорларнинг вақт ресурслари ва молиявий харажатларини **2 баробаргача** қисқартириш;

(б) қурилиш соҳасида **сунъий интеллектни жорий этиш** ва давлат хизматларини кўрсатишда **инсон омилини қисқартириш;**

(в) қурилиш жараёнларида **шаффофлик ва ҳисобдорликни** таъминлаш.

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

II. Давлат хизматларини соддалаштириш

2. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан Тошкент шаҳрида бино-иншоотларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино-иншоотлар қуришни лойиҳалаштиришга **рухсатнома бериш ва архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш** бўйича давлат хизматларини **битта босқич**да кўрсатиш амалиёти жорий қилинганлиги ҳамда ўзининг ижобий натижаларини берганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган давлат хизматларини бирлаштириб, ягона давлат хизмати – **архитектура ва шаҳарсозлик талабини бериш** тизими **жорий этилсин**. Бунда мазкур талаблар бош режаси рақамлаштирилган аҳоли пунктлари бўйича инсон омилисиз (автоматик равишда) шакллантирилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2026 йил 1 июлдан объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш **“битта ариза – бир тўлов – барча уланиш нуқталари”** тамойили асосида композит шаклда амалга оширилади;

(б) 2026 йил якунига қадар Тошкент шаҳри, **2027 йил якунига қадар** қолган ҳудудлар бўйича “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ ва бошқа муҳандислик-коммуникация ташкилотларининг тегишли тармоқлардаги юкламалар, мавжуд захира ва уланиш нуқталари ҳақидаги маълумотлари **географик ахборот тизими (GIS)** шаклида **“Рақамли ҳукумат” тизимининг** идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинади.

Бунда мазкур маълумотлар асосида объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш учун техник шартларни бериш жараёнлари бош режа рақамлаштирилган аҳоли пунктларида тўлиқ инсон омилисиз амалга оширилади;

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

(в) ҳудудий **архитектура-шаҳарсозлик кенгашларига** (кейинги ўринларда – ҳудудий кенгаш) **раислик қилиш** тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **ҳокимлари зиммасига юкланади**;

(г) бинонинг конструкцияси, мустаҳкамлиги ва ёнғин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган, қуввати ва мақсади ўзгармаган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига зид бўлмаган **лойиҳадаги режавий тузилиш (планировка)да ўзгаришлар** мавжуд бўлганда, ушбу бино лойиҳасини шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш жараёнида **лойиҳа ҳужжатларини ҳудудий кенгашлар билан қайта келишиш амалиёти бекор қилинади;**

(д) қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун **қўшимча 5 иш куни берилади.**

III. Соҳани рақамлаштиришни кенгайтириш ва сунъий интеллектни жорий этиш

5. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

(а) қурилиш объектларини назорат қилишда видеокузатув камераларидан фойдаланиш ҳамда улардан олинган маълумотларни **Қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказида таҳлил қилиш** амалиётида қурилиши янгидан бошланадиган қуйидаги объектларда видеокузатув камераларини мажбурий ўрнатиш чораларини кўрсин:

(i) тадбиркорлик субъектлари томонидан қуриладиган кўп квартирали уй-жойлар, III ва IV тоифадаги ижтимоий соҳа, меҳмонхона, туризм, савдо ва саноат объектларида;

(ii) бюджет маблағлари ҳисобидан қуриладиган қиймати **3 миллиард сўм**дан юқори бўлган объектларда, муҳандислик-коммуникация тармоқлари бундан мустасно;

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

(б) қурилиш субъектлари томонидан юритилиши мажбурий бўлган **ижро ҳужжатларини рақамлаштирсин** ҳамда уларни қоғоз шаклида талаб этиш тартибини бекор қилсин;

(в) қурилишга рухсат бериш ва фойдаланишга қабул қилиш бўйича **аризаларни сунъий интеллект орқали таҳлил қилиш** тизимини босқичма-босқич жорий этсин.

6. Вазирлик ҳузурида хўжалик ҳисобида фаолият юритадиган давлат муассасаси шаклидаги **Шаҳарсозлик соҳасида иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш республика маркази** ташкил этилсин ҳамда унинг **асосий вазифалари ва функциялари** этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" электрон платформасини юритиш ҳамда унинг самарали ишлаши билан боғлиқ функцияларни бажариш;

(б) шаҳарсозлик соҳасида нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш;

(в) қурилиш ресурслари бозорини мониторинг ва таҳлил қилиш;

(г) Вазирлик тизимидаги қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг марказлари фаолиятини методологик таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш.

IV. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат фаолиятини такомиллаштириш

7. Белгилансинки, лойиҳа-қидирув фаолиятини ривожлантириш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида:

(а) давлат ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши камида 50 фоиз бўлган хўжалик жамиятлари ва улар муассислигидаги корхоналарнинг харидлари доирасида **лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш хизмати нархини объектларнинг мураккаблик тоифасидан** келиб чиққан ҳолда белгилашга рухсат этилади. Бунда объектлар бўйича муаллифлик назоратини юритиш учун буюртмачи ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида алоҳида шартнома тузилади ва тўлов амалга оширилади;

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

(б) **2026 йил 1 июлдан** бошлаб янги объектлар бўйича лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини **бир вақтда амалга ошириш (параллел қурилиш) амалиёти бекор қилинади** ҳамда тажриба-синов тариқасида **босқичма-босқич тайёрланадиган** лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш **тартиби жорий этилади**. Бунда:

(i) **тадбиркорлик субъектларининг** ўз маблағлари ҳамда жалб қилинадиган тўғридан-тўғри **хорижий инвестиция маблағлари** ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар (кўп квартирали уй-жойлар бундан мустасно) бўйича босқичма-босқич тайёрланадиган лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат берилади;

(ii) қурилиш-монтаж ишлари объектнинг **ҳар бир босқичи (қисми) бўйича** лойиҳа-смета ҳужжатлари **экспертизадан ўтказилгандан** ва Инспекция томонидан **рўйхатга олингандан** сўнг режа-график асосида бошланади;

(iii) қурилиш-монтаж ишларини белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ олиб бориш жараёнлари Инспекция томонидан “Қурилишда давлат назорати” электрон платформасида мониторинг қилиб борилади;

(iv) бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда босқичма-босқич тайёрланадиган лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор (фармойиш)лари билан амалга оширишга йўл қўйилади;

(v) Вазирлик Инспекция билан биргаликда **2027 йил якунига қадар** тажриба-синовнинг ижобий натижаларига кўра уни давом эттириш ва бошқа йўналишларда татбиқ этиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

(в) “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида пудратчиси аниқланадиган, шунингдек, қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача бўлган объектларнинг давлат харидлари бўйича техник топшириқларини **экспертизадан ўтказиш амалиёти бекор қилинади**.

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

8. Вазирлик манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** пудрат ташкилотларининг **лизинг асосида жалб этилган махсус техника воситалари** “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг рейтинг баҳолаш жараёнларида инобатга олинишини (зарур маълумотларни тегишли ташкилотларнинг ахборот-дастурий тизимларидан интеграция асосида олган ҳолда) таъминласин.

9. Пудрат ва лойиҳа ташкилотлари уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида **2029 йил 1 июлга** қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, қурилиш ишларида фойдаланиладиган **махсус техника воситаларини** ҳамда **лаборатория ва инструментал кўрик асбоб-ускуналарини** олиб киришда **божхона божидан озод этилсин**. Бунда Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** божхона божидан озод этиладиган махсус техника воситалари рўйхатини тасдиқласин.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий банк Вазирлик билан биргаликда:

(а) маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларини **халқаро тендерларда иштирок этишга тайёрлаш** ва уларнинг талабларини ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил этсин, бунда ҳар бир ҳудуддан **рейтинг кўрсаткичлари** юқори бўлган камида **5 тадан** лойиҳа ва пудрат ташкилотларини жалб этсин;

(б) юқори малакали ва тажрибали хорижий мутахассисларни консультант сифатида жалб қилган ҳолда (тендерларда ютиб бериш мажбурияти билан) тендерларда иштирок этиш, жумладан, тегишли материалларни тайёрлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, консорциумлар тузиш ҳамда шу каби бошқа ташкилий-техник масалаларни ўргатишни йўлга қўйсин;

(в) **2026 йил 1 августга** қадар халқаро тендерларда ғолиб бўлган маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

11. Кўп квартирали уйлардан фойдаланишда назорат тадбирларини кучайтириш мақсадида:

(а) эксплуатация муддати 50 йилдан ошган кўп квартирали уйларда қайта режалаштириш ишларини амалга ошириш тақиқлансин, бундан мустаҳкамлаш ишлари мустасно;

(б) кўп квартирали уйларда кафолат муддати давомида юзага келган нуқсонларни бартараф этиш бўйича Инспекциянинг кўрсатмасини бажармаган пудрат ташкилотларининг **рейтинг кўрсаткичларига жарима балларини қўллаш** амалиёти жорий этилсин.

V. Кадрлар салоҳиятини ошириш

12. Бошқарув самарадорлиги агентлиги Вазирлик ва Инспекция билан биргаликда **2026 йил якунига қадар:**

(а) Вазирлик ва Инспекциянинг марказий аппарати ва тизим ташкилотлари ходимлари ҳамда лойиҳа ташкилотлари мутахассислари учун шаҳарсозлик, архитектура ва қурилиш соҳаси ривожланган илғор хорижий давлатларда стажировкаларни ташкил этсин. Бунда стажировка дастурининг аниқ мақсад ва натижаларга йўналтирилганлиги, амалий кўникмаларга устуворлик берилганлиги, олинган тажрибани маҳаллий шароитга мослаштириш ҳамда стажировка якунида амалиётга жорий этиш режаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилсин;

(б) соҳани рақамлаштириш ва сунъий интеллектни қўллашни ўргатишда малака ошириш ва ўқув курсларини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқласин.

13. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Бошқарув самарадорлиги агентлиги ва Вазирлик билан биргаликда **бир ой муддатда Тошкент архитектура-қурилиш университети, Наманган давлат техника университети** ва **Қарши давлат техника университетида** Австриянинг Вена университети ва Италиянинг Сапиенца университети билан ҳамкорликда қурилиш ва архитектура бўйича қўшма таълим дастурларини ташкил этиш (ёки филиаллар очиш) тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Қурилиш соҳасини янада ислоҳ қилиш, айрим тартиб-таомилларни соддалаштириш ва жараёнларни рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **2-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Вазирлик **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.С. Хидоятов белгилансин.

18. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 4 июндаги ПФ–104-сон Фармонига
1-илова

Қурилиш соҳасини янада ислоҳ қилиш, айрим тартиб-таомилларни соддалаштириш ва жараёнларни рақамлаштириш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
1.	Бино-иншоотларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино-иншоотлар қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш ва архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича давлат хизматларини **битта босқич**да амалга ошириш мақсадида улар негизида **Архитектура ва шаҳарсозлик талабларини белгилаш давлат хизматини** жорий этиш. Мазкур талабларни бош режаси рақамлаштирилган аҳоли пунктлари бўйича инсон омилисиз (автоматик тарзда) шакллантириш.	Қурилиш соҳасида давлат хизматларини такомиллаштириш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда қуйидагиларни кўзда тутиш: соҳага оид давлат хизматлари кўрсатиш (жумладан, лойиҳа ҳужжатларини келишиш) муддатларини кескин камайтириш, айрим жараёнларни мақбуллаштириш ва инсон омилини қисқартириш; соҳага оид давлат хизматларини кўрсатиш қоидалари, тартиб-таомиллар, талаблар ва жараёнлар юзасидан аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига сунъий интеллект орқали маслаҳат бериш амалиётини йўлга қўйиш; вилоят ва туман (шаҳар) бош архитекторларининг ўрни ва мақомини ошириш, уларнинг фаолиятига оид янгича стандартлар (тартиб-таомиллар)ни белгилаш ҳамда ҳудудий тизим раҳбарлари фаолиятини баҳолаш бўйича янги тартибни жорий қилиш.	2026 йил июль	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Бош прокуратура *(Самадов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)*
2.	Техник шартларни **“битта ариза – бир тўлов – барча уланиш нуқталари”** тамойили асосида бериш.	1. Тегишли муҳандислик тармоқларидаги юкламалар, мавжуд захира ва уланиш нуқталари	2026 йил якунига қадар	Энергетика вазирлиги *(Мирзамаҳмудов)*,

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		ҳақидаги маълумотларни **географик ахборот тизими (GIS) шаклида** рақамлаштириш. 2. Рақамлашган маълумотларни “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилиш. 3. Техник шартларни бериш жараёнларини тўлиқ инсон омилисиз тизимга ўтказиш, бунда: янги тизим асосида техник шартларни бериш бўйича **регламент** (ёки йўриқнома) лойиҳасини ишлаб чиқиш; регламент (ёки йўриқнома)нинг белгиланган тартибда тасдиқлаш; тасдиқланган регламент (ёки йўриқнома) асосида техник шартларни бериш бўйича техник имкониятлар яратиш; техник шартларни бериш тизимини йўлга қўйишни назарда тутиш.	Тошкент шаҳарида, 2027 йил якунига қадар қолган ҳудудларда	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси *(Абдухакимов),* Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси *(Кудбиев),* “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ *(Аскаров)*, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ *(Ходжаев)*, “Ўзтрансгаз” АЖ *(Исаков),* “Ўзсувтаъминот” АЖ *(Суванкулов),* Рақамли технологиялари вазирлиги *(Шерматов),* Адлия вазирлиги *(Ташкулов)* ҚҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
3.	Қурилишни бошлашга ва фойдаланишга рухсат беришда ортиқча талабларни қисқартириш. Шунингдек, пудрат ташкилотларининг натижага қаратилган фаолиятини рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш.	1. Қурилишни бошлашга рухсат беришда Инспекциянинг “nazorat.mc.uz” платформасига: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг “my.mehnat.uz” платформасини интеграция қилиш орқали қурилиш объектига бириктирилган мутахассисларнинг меҳнат шартномалари ва буйруқларини; Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “sert.mc.uz” платформасини интеграция қилиш орқали қурилиш қатнашчиларининг малака сертификатларини; Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасининг “ekspertiza.mc.uz” платформасини интеграция қилиш орқали энергия тежовчи қурилмалар ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш. 2. Қурилиши тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсатнома беришда Инспекциянинг “nazorat.mc.uz” платформасини Божхона қўмитасининг “Яшил энергия” платформасига интеграция қилиш орқали объектларга ўрнатиладиган қуёш панеллари ҳақидаги ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш. 3. Объектларни муддатидан олдин фойдаланишга топширилган вақтга мутаносиб равишда тендер жараёнида пудратчи томонидан камайтирилган суммадан уни рағбатлантириш ва қўшимча рейтинг бали бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2026 йил ноябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов),* Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов),* Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (*Захидов*), Рақамли технологиялар вазирлиги (*Шерматов*), Божхона қўмитаси (*Мавлонов*), Адлия вазирлиги (*Ташқулов*), манфаатдор вазирлик ва идоралар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов),* Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		4. Республика бўйича сертификат олган техник, муаллифлик ва ички назоратчилар рўйхатини “Шаффоф қурилиш” МАТда шакллантириш ва уларни баҳолаш (рейтинг) тизимини жорий қилиш. Бунда назоратчиларнинг иш самарадорлиги пасайганда рейтинг балларини камайтириш; умумий бали 55 фоиздан камайган тақдирда, сертификатини бекор қилиш ва сертификат олиш учун қайта ўқитиш; баҳолаш рейтингида “аъло” натижа қайд этган назоратчиларга фаолиятида устуворлик бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2026 йил октябрь	
4.	Лойиҳанинг режавий тузилиши (планировка)да ўзгаришлар мавжуд бўлганда, ушбу лойиҳа ҳужжатларини шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш жараёнида ҳудудий кенгашлар билан қайта келишиш амалиётини бекор қилиш.	Бинонинг конструкцияси, мустаҳкамлиги ва ёнғин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган, қуввати ва мақсади ўзгармаган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига зид бўлмаган лойиҳадаги режавий тузилиш (планировка)да ўзгаришлар мавжуд бўлганда, ушбу бино лойиҳасини шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш жараёнида лойиҳа ҳужжатларини ҳудудий кенгашлар билан қайта келишиш амалиётини бекор қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил сентябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов),* Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)* манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори бўйича қурилиш соҳасига боғлиқ тегишли малака даражасига (разряд) эга бўлган	1. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори қурилиш соҳаси бўйича касблар рўйхатини шакллантириш.	2026 йил сентябрь	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов),*

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

T/r	Asosiy vazifalar	Amalga oshirish mexanizmi	Muddati	Masʼul vazirlik va idoralar
	ishchilar sonidan kelib chiqib, **qurilish-pudrat tashkilotiga qoʻshimcha reyting balllarini** belgilash.	2. “Shaffof qurilish” milliy axborot tizimida qurilish-pudrat tashkilotlarida tegishli malaka darajasiga (razryadga) ega boʻlgan ishchilar monitoringini yuritish (darajani tasdiqlovchi tegishli hujjat (sertifikat)lar mavjudligi asosida). 3. Monitoring natijalaridan kelib chiqib, tegishli malaka darajasi (razryad) mavjud boʻlgan ishchilar uchun qurilish-pudrat tashkilotiga qoʻshimcha balllarni belgilash (darajani tasdiqlovchi hujjat (sertifikat)larni tegishli tashkilotlarning axborot-dasturiy bazalaridan integratsiya yoʻli bilan olgan holda).	Har choraklda Doimiy	Qurilish va uy-joy kommunal xoʻjaligi vazirligi *(Xidoyatov)*, tegishli vazirlik va idoralar
6.	Qurilishda **mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasiga rioya etish** tizimini takomillashtirish.	1. Qurilish-pudrat tashkilotlarining qurilishda mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi yoʻnalishidagi muhandislari va tashkilot rahbarlarini (direktor, direktor oʻrinbosari, bosh muhandis va b.) Kompetensiyani rivojlantirish institutida tashkil etiladigan “Qurilishda xavfsizlik texnikasi muhandisi” oʻquv kurslarida oʻqitish hamda muvaffaqiyatli tamomlagan mutaxassislarga belgilanganan tartibda maxsus sertifikat berishni yoʻlga qoʻyish. 2. “Qurilishda xavfsizlik texnikasi muhandisi” oʻquv kursi boʻyicha berilgan maxsus sertifikatni “Shaffof qurilish” milliy axborot tizimiga integratsiya qilgan holda qurilish-pudrat tashkiloti uchun elektron	2027 yil yanvardan boshlab	Qurilish va uy-joy kommunal xoʻjaligi vazirligi *(Xidoyatov)*, Bilim va malakani baholash agentligi *(Karimov)*, Kambagʻallikni qisqartirish va bandlik vazirligi *(Zaxidov)*

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		рейтинг тизимида тегишли балл бериш тизимини жорий этиш. 3. Меҳнат инспекциялари тузилмаларида қурилишда хавфсизлик техникаси (ва маданияти) бўлинмаларини ташкил этиб (умумий штат бирликлари доирасида), уларга қурилишда хавфсизлик техникаси талабларига риоя этмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари устидан рейтинг балларига нисбатан жарима қўллаш бўйича тақдимнома (иқтисодий хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) киритишни йўлга қўйиш.		
7.	Соҳага оид миллий нормативларни такомиллаштириш ва халқаро талаблар билан уйғунлаштириш.	1. Темир-бетон конструкцияларини лойиҳалаш бўйича халқаро тан олинган **Еврокодларни** жорий этиш жараёнини якунлаш ҳамда унинг самарали имплементацияси учун 5 йил давомида бино ва иншоотларнинг темир-бетон конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда муқобил норматив ҳужжат сифатида қўллаш. 2. Ёнғин хавфсизлиги соҳасида АҚШ **Миллий ёнғиндан ҳимоя қилиш уюшмаси (NFPA)нинг** халқаро тан олинган меъёр ва стандартларини босқичма-босқич жорий этиш. 3. Параметрик талабларга ва илғор халқаро тажрибага асосланган **миллий қурилиш нормаларини** ишлаб чиқиш ҳамда уларни 2030 йилга қадар шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига муқобил норматив ҳужжат сифатида босқичма-босқич амалга ошириш. 4. Қурилиш материаллари, бинолар ва иншоотлар, шунингдек, муҳандислик коммуникацияларини тўлиқ қамраб олган ҳолда	2026 йил якунига қадар 2026–2028 йилларда 2027 йил якунига қадар 2030 йилга қадар	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		уларнинг **хавфсизлигини тартибга солувчи техник регламентларни** ишлаб чиқиш. 5. Миллий қурилиш нормалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, стандартлар ҳамда халқаро норматив ҳужжатларнинг миллий иловаларини маҳаллий илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш.		
8.	Ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни кучайтириш мақсадида консалтинг компаниялар ваколатини кенгайтириш.	1. Ташаббускор консалтинг корхоналарини “invest.gov.uz” платформасида ваколатли консультант сифатида **рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш** ва уларни фаолиятидан ҳудудларда **инвестиция жалб қилиш** ҳамда **қурилиш ишларини тезлаштириш**. 2. Ваколатли консультантлар фаолиятини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил июль 2026 йил декабрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*
9.	Вазирлик ва тизим ташкилотлардаги **давлат фуқаролик хизматига ишга қабул қилиш** бўйича ўтказиладиган танловларни такомиллаштириш.	1. Синов тариқасида ёрдамчи гуруҳидаги лавозимлар бўйича тузилган танлов комиссиялари раиси этиб тегишли департамент, бошқарма бошлиқларини белгилаш. 2. Танловларнинг суҳбат босқичида танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодларга қўйилган балларни сунъий интеллект орқали баҳолаш тизими баллари билан таққослаб, инсон омилининг таъсирини таҳлил қилиб бориш. 3. Танлов комиссияси томонидан танлов ғолиби деб топилган номзодлар иш берувчи томонидан ишга қабул қилинишини мажбурий қилиб белгилаш.	2026 йил сентябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)* Бошқарув самарадорлиги агентлиги (*Хусаинов*)

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
10.	Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган ва қурилиши **тугалланмаган объектларни солиқ солиш объекти** деб ҳисоблаш муддатларини уларнинг мураккаблик тоифаларидан келиб чиқиб белгилаш тизимини жорий этиш.	Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган ва қурилиши тугалланмаган объектларни **солиқ солиш объекти деб ҳисоблаш муддатларини** уларнинг **мураккаблик тоифаларидан келиб чиқиб белгилаш** бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил июль	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Солиқ қўмитаси (*Пулатов*), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	**Давлат буюртмачи хизматлари тизими фаолиятини** рақамлаштириш , шунингдек. ушбу тизимни ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш.	1. **Давлат буюртмачи хизматлари тизими фаолиятини** тўлиқ рақамлаштириш ва уларнинг фаолиятини “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг электрон кабинетларида кузатиш имконини яратиш. 2. Қурилиш-таъмирлаш ишлари Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган объектларни молиялаштириш манзилли рўйхатларини шакллантириш, янгилаш ва автоматик равишда келишиш тизимини жорий этиш. 3. Қуйидагилар бўйича таклифларни (жумладан, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳужжат лойиҳасини) Вазирлар Маҳкамасига киритиш:	2026 йил якунига қадар 2026 йил август	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		буюртмачи хизматлари ходимларини иш ҳақини ошириш (3 бараваргача) ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш; буюртмачи хизматларининг раҳбарлари, муҳандислари, техник назоратчилари ва бошқа масъул ходимлари масъулиятини кучайтириш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш юзасидан KPI жорий қилиш; объектларда юзага келган камчилик ва қўпол қоидабузарликлар учун пудрат ташкилоти масъуллари билан бир қаторда техник, муаллифлик ва давлат назоратчиларининг ҳам масъулияти ва жавобгарлигини белгилаш.		
12.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи давлат муассасаси шаклидаги **Шаҳарсозлик соҳасида иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш республика маркази** фаолиятини самарали ташкил этиш.	1. Марказни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатларни (тузилма, низом ва б.) тайёрлаш ва тасдиқлаш. 2. Марказнинг фаолияти ташкил этиш, моддий-техника базасини яратиш ва сақлаш харажатлари учун (даромад манбалари тўлиқ шакллангунга қадар ёки улар тегишли харажатларни молиялаштириш учун етарли бўлмаган тақдирда) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан зарур миқдордаги маблағлар ажратиш.	2026 йил июль Доимий	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (*Хидоятов*), тегишли вазирлик ва идоралар
13.	**Ўзбошимчалик** билан қурилиш олиб боришнинг олдини олиш.	Ҳокимлар ва уларнинг масъул ўринбосарлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига (KPI) **ноқонуний қурилишлар улушини камайтириш мезонини киритиш** бўйича тегишли ўзгартириш ва	2026 йил якунига қадар	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов),*

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		қўшимчалар бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)*, Бошқарув самарадорлиги агентлиги *(Хусаинов)*
14.	Ноқонуний қурилишларнинг барвақт олдини олиш чораларини кўриш.	1. Ерга оид ҳуқуқ вужудга келган вақтдан бошлаб қурилишни амалга оширишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя этиш тўғрисида огоҳлантириш (эслатма) бериш тартибини жорий қилиш. Бунда ерга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни (аукцион, олди-сотди шартнома, кадастр) расмийлаштириш жараёнида қурилишни бошлаш тартиби тўғрисида мулкдорга ягона идентификация тизими (OneID) орқали электрон огоҳлантириш (эслатма) юбориш назарда тутилади. 2. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг “online-mahalla.uz” тизимини Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Шаффоф қурилиш” МАТ билан интеграция қилиш орқали маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси томонидан ҳудуддаги янги қурилишлар ҳақида ваколатли органни тезкор хабардор қилиш тартибини жорий этиш. Бунда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан ўз ҳудудларида бошланган янги	2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (Куранбаев), Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)*, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ *(Аскаров)* “Ўзсувтаъминоти” АЖ *(Суванкулов)*

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		қурилишлар тўғрисида ваколатли органни тезкор хабардор қилиш тизими яратилади. 3. Тегишли тузилмалар ва ваколатли шахсларнинг фаолият йўналишларига оид ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. 4. Ўзбошимчалик билан қурилган объектларни ташқи муҳандислик тармоқларидан (электр, сув, йўл) узиб қўйишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Автомобиль йўллари қўмитаси *(Турсунов)*
15.	Давлат ва хусусий синов лабораториялари фаолиятини ягона рақамли платформага бирлаштириш.	1. Синов лабораториялари бўйича ягона рақамли назорат тизимини жорий этиш: давлат ва хусусий лабораторияларнинг синов жараёнларини мувофиқлаштириш учун “Шаффоф қурилиш” МАТда ягона рақамли назорат модулини яратиш. Объектларда ўтказиладиган лаборатория синовларининг тури ва сонини белгиловчи синов дастурини жорий қилиш. Бунда мулкчилик шаклидан қатъий назар аккредитациядан ўтган барча лабораториялар учун объектлардаги бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган синовларни стандарт синов усуллари асосида амалга оширишни назарда тутувчи талаблар белгиланади. 2. Синов дастурини белгилаб берувчи норматив ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун	2026 йил декабрь 2026 йил сентябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)*, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(Жуманазаров)*, Ўзбекистон аккредитация маркази *(Шарипов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Яратилган рақамли назорат модулига барча лаборатория синовлари натижаларини киритиш орқали улардан Инспекция назорат тадбирларида фойдаланиш имконини яратиш. 4. Хорижий давлатларнинг кўчма синов лабораторияларини ўрганиб, Инспекцияга ҳам кўчма синов лабораторияларини сотиб олиш ва фойдаланиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 5. Илғор хорижий давлатлардан замонавий кўчма синов лабораторияларини олиб келиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритиш, бунда молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатиш.	2026 йил декабрь 2026 йил август	
16.	Соҳада коррупция ҳолатларини олдининг олиш ва профилактикасини амалга ошириш.	1. Инспекциянинг комплаенс назорат хизмати фаолиятида қурилиш жараёни иштирокчиларининг коррупциявий хатти-ҳаракатларини эрта аниқлаш мақсадида **“Сирли мижоз”** механизмини жорий этиш ва тасдиқлаш. 2. Чоракда камида бир марта “Сирли мижоз” тадбирларини ўтказиб бориш.	2026 йил октябрь Доимий	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқуввatов)*
17.	Қурилиш объектларида масофавий давлат назоратини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш, назорат тадбирларига сунъий интеллектни жорий этиш орқали шаффофликни таъминлаш, инсон омилини камайтириш.	1. Шаҳарсозлик соҳасидаги норматив-техник ҳужжатларни такомиллаштириш: амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда бошқа норматив-техник ҳужжатларга қурилиш майдонларини мажбурий тартибда видеокузатув мосламалари билан жиҳозлаш бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;	2026 йил октябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов),* Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		объектнинг мураккаблик тоифасидан келиб чиқиб, видеокузатув тизимининг техник параметрларига (PTZ, IP-камера ва бошқалар) қўйиладиган минимал талабларни белгилаш; видеокузатув ва онлайн мониторинг тизимини жорий этиш бўйича ягона техник талабларни ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари таркибига видеокузатув тизимини ўрнатиш харажатлари киритилиши мажбурийлигини белгилаш. 3. Экспертиза органларига видеокузатув тизимига оид талаблар инобатга олинган лойиҳа-смета ҳужжатларини шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш мажбуриятини юклаш.		*(Эшқувватов),* манфаатдор вазирлик ва идоралар
18.	Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали қурилишни бошлашга рухсат бериш жараёнларида инсон омилини камайтириш.	Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун ЯИДХП (my.gov.uz) орқали юборилган аризаларни кўриб чиқиш жараёнига **сунъий интеллект технологияларини** босқичма-босқич жорий этиш. Бунда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланишда тўлдириладиган сўровномадаги маълумотларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, номувофиқлик аниқланган тақдирда, уни бартараф этиш бўйича автоматик тавсия бериш назарда тутилади. Қурилиши тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат бериш учун ЯИДХП	2027 йил январь 2027 йил июль	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов),* Адлия вазирлиги *(Ташқулов),* Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов),* манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		(my.gov.uz) орқали юборилган аризаларни кўриб чиқиш жараёнига **сунъий интеллект технологияларини** босқичма-босқич жорий этиш.		
19.	Қурилиш объектларида **сифатсиз қурилиш материаллари** қўлланилишининг олдини олиш.	1. Пудратчи томонидан юритиладиган кириш журналини “Шаффоф қурилиш” МАТда рақамлаштириш орқали объектга олиб кириладиган бетон ва пўлат прокати маҳсулотлари (конструкциялари) ҳамда тўлдирувчи элементларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларини (сертификат, паспорт ва бошқалар) электрон шаклда юритиш тизимини жорий қилиш. Бунда объектга олиб кирилган бетон ва пўлат прокати маҳсулотлари (конструкциялари) ҳамда тўлдирувчи элементларнинг сифати ўрганилади. 2. Идоравий норматив ҳужжат лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш.	2026 йил октябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов),* Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)*
20.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш.	Қонунчилик ҳужжатларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш: объектларни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасиз қурганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш; қурилиш объектларида техник регламент ва (ёки) стандарт талаблари асосида ишлаб чиқарилмаган бинокорлик материалларини,	2026 йил декабрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (*Эшқувватов*), Адлия вазирлиги (*Ташкулов*), Бош прокуратура (*Самадов*), манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		конструкцияларини ва буюмларини қўллаганлик учун жавобгарликни белгилаш; ўзбошимчалик билан тўсиқ конструкцияларга ўзгартириш киритган ва туташ ер участкаларига қурилма қурган шахсларга нисбатан тўғридан-тўғри жарима қўллаш бўйича жавобгарликни белгилаш; эксплуатация муддати эллик йилдан ошган кўп квартирали уй-жойларнинг ихтисослашишини ўзгартириш ва реконструкция қилишни тақиқлаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш; кўп квартирали уйлардаги жойларни тоифасини ўзгартириш ва реконструкция қилиш учун қонунга зид рухсатнома берган шахсларга нисбатан жавобгарликни белгилаш.		
21.	Сув йўқотилиши нормалари миқдорини камайтириш чораларини кўриш.	1. Сув таъминоти ташкилотлари томонидан сув йўқотилишига оид ҳисоботларни рақамлаштириш ҳамда "Қурилишда давлат назорати" электрон платформасига интеграция қилиш. 2. Сув сарфи ва йўқотишлари ҳисобини юритишнинг аниқ механизмларини жорий қилиш мақсадида сув иншоотлари ва асосий тармоқларига (кириш, чиқиш) электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш ишларини ташкил этиш.	2026 йил декабрь	“Ўзсувтаъминот” АЖ (*Суванкулов*), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов),* Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (*Эшқувватов*)

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
22.	Ўз биноларига эга бўлмаган ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларини замонавий бинолар билан таъминлаш.	1. Ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларининг бинога бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва таклиф ишлаб чиқиш. 2. Ҳудудий бошқармалар учун бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида назарда тутиш.	2026 йил июнь 2027 йил январдан бошлаб	ҚҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Муродов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (*Норқулов*), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*
23.	Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича ҳисобварақ-фактураларда қурилиш материалларини ягона ўлчов бирлигига келтириш (конвертир) амалиётини жорий қилиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил сентябрь	Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*
24.	Лойиҳа-қидирув, қурилиш-пудрат ва экспертиза ташкилотлари фаолиятини инсон омилисиз лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини жорий этиш.	1. “Лицензия” ахборот тизими билан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва бошқа тегишли ахборот-дастурий тизимларини ўзаро интеграция қилиш. Бунда қуйидагиларни кўзда тутиш: “Лицензия” АТ томонидан талабгор ташкилотга оид маълумотлар (юридик шахснинг тўлиқ номи, мутахассислар ҳақидаги маълумотлар, танланган лицензия тоифаси ва бошқалар)ни “Шаффоф қурилиш” МАТга интеграция орқали юбориш;	2026 йил сентябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Адлия вазирлиги (*Ташкулов*), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов)*,

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		“Шаффоф қурилиш” МАТда аризалар инсон омилисиз кўриб чиқилиб (зарур маълумотларни тегишли ахборот-дастурий тизимларидан интеграция орқали олган ҳолда), натижаси бўйича қабул қилинган қарорни талабгорнинг “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юбориш. 2. Лойиҳа-қидирув, қурилиш-пудрат ва экспертиза фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензия ва рухсатга эга бўлган ташкилотларнинг белгиланган талаб ва шартларга риоя этишини инсон омилисиз ўрганиш тизимини жорий этиш.		Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги *(Шарипов)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*
25.	Лойиҳа-қидирув фаолиятини ривожлантириш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш.	Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш техник топшириқларни тайёрлаш, лойиҳа ишлари қийматини белгилаш ва муаллифлик назоратини юритиш тартибларини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил июнь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
26.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш.	Соҳада узоқ йилдан буён фаолият юритиб келаётган ходимларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги мутахассисликлари бўйича ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини Компетенцияни ривожлантириш институтида жорий этиш. Бунда ушбу дастурларни амалий кўникмаларга асосланган ҳолда ташкил этиш (таълимнинг турли шаклларида) ва белгиланган тартибда давлат намунасидаги диплом бериш.	2027 йилдан бошлаб	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги *(Шарипов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
27.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва Тошкент шаҳар ҳудудий инспекциясини жойлаштириш учун бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида бинолар ажратиб берилишини таъминлаш.	Тошкент шаҳридаги бўш турган биноларни аниқлаш ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва Тошкент шаҳар ҳудудий инспекциясини жойлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2026 йил июль	Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Муродов)*
28.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, ичимлик ва оқова сув, табиий газ ва электр энергияси таъминотига оид давлат хизматларини кўрсатиш бўйича натижадорликни таҳлил қилиш.	1. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, ичимлик ва оқова сув, табиий газ ва электр энергияси таъминотига оид давлат хизматларини кўрсатиш бўйича аризаларни кўриб чиқиш ҳолатини таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижалари асосида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича аризаларни кўриб чиқиш ҳолати, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммолар ҳамда бу борадаги мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини танқидий муҳокама қилиш. 3. Таҳлиллар ва муҳокамалар якунлари бўйича ҳисоботларни, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги мутасадди раҳбарлар масъулиятини ошириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил июнь 2026 йил июль	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)*, Энергетика вазирлиги *(Мирзамаҳмудов)*, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ *(Аскаров)*, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ *(Ходжаев)*, “Ўзтрансгаз” АЖ *(Исаков)*, “Ўзсувтаъминот” АЖ *(Суванкулов)*,

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
				Кадастр агентлиги (*Мирмаксудов*), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
29.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, жараёнларни рақамлаштиришни кенгайтириш ва бюрократияни қисқартириш бўйича таклифлар тайёрлаш.	1. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида хизматларини кўрсатиш ва рухсат бериш жараёнларига оид масалалар юзасидан тегишли ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари (буюртмачи хизматлари, девелоперлар, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари) вакиллари билан учрашув ва мулоқотларни ташкил этиш. 2. Тегишли ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўтарилган муаммоли масалалар ва уларнинг ечими юзасидан аниқ асосланган таклифларни умумлаштириб, тизимини янада такомиллаштириш, жараёнларни рақамлаштиришни кенгайтириш ва бюрократияни қисқартириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил давомида (ҳар чоракда камида бир марта) Мулоқот ва муҳокама якунларига кўра	Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*, Бош прокуратура *(Самадов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)*, Кадастр агентлиги (*Мирмаксудов*), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
				Тошкент шаҳри ҳокимликлари
30.	Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика ва ҳудудий штаблар фаолиятини такомиллаштириш ва рақамлаштириш.	1. Республика ва ҳудудий штаблар фаолиятини танқидий муҳокама қилиш ҳамда унинг фаолият йўналишларининг аниқ чегараларини белгилаб олиш. Бунда асосий эътиборни тўғридан-тўғри тузилган шартномалар ва параллел лойиҳалаштириш асосида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган объектлар смета қийматининг асоссиз ошиб кетмаслик ҳолатларига қаратиш. 2. Республика ва ҳудудий штаблар фаолиятини рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий қилиш. Шунингдек, уларнинг топшириқларига оид баёнларини ўз вақтида расмийлаштириш ҳамда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига интеграция қилиш.	2026 йил июль	Бош прокуратура (*Самадов*), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
31.	Ҳудудларда автомобиль йўллари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларида фойдаланиладиган инерт материалларни (қум, шағал ва б.) яқин атрофдаги карьер ва дарё (сой) ўзанларидан олиш тартибини соддалаштириш.	Ҳудудларда автомобиль йўллари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларида фойдаланиладиган инерт материалларни (қум, шағал ва б.) яқин атрофдаги карьер ва дарё (сой) ўзанларидан олиш тартибини соддалаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	2026 йил июнь	Вазирлар Маҳкамаси (*Раматов*), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (*Исламов*), Автомобиль йўллари қўмитаси (*Турсунов*),

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
				Экология ва иқлим ўзгаришлари миллий қўмитаси (*Абдухакимов*)
32.	Тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ва жалб қилинадиган маблағлари (жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар (кўп квартирали уй-жойлар бундан мустасно) бўйича босқичма-босқич тайёрланадиган лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни йўлга қўйиш.	Тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ва жалб қилинадиган маблағлари (жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар (кўп квартирали уй-жойлар бундан мустасно) бўйича босқичма-босқич тайёрланадиган лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш юзасидан тартибни белгилаш (тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш) бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда қуйидагиларни кўзда тутиш: қурилиш-монтаж ишларини объектнинг ҳар бир босқичи (қисми) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилгандан ва Инспекция томонидан рўйхатга олингандан сўнг режа-график асосида бошлаш; қурилиш-монтаж ишларини белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ олиб бориш жараёнларини Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан “Қурилишда давлат назорати” электрон платформасида мониторинг қилиб бориш;	2026 йил июль	Бош прокуратура (*Самадов*), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов),* Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси *(Эшқувватов),* Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов),* манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинмаган тақдирда, объектларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш ҳамда мутасадди шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини белгилаш.		
33.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида аҳолига ва тадбиркорлар учун интеллектуал ёрдамчи вазифасини бажарувчи платформани (сунъий интеллект тизимида) яратиш.	Соҳа учун интеллектуал ёрдамчи вазифасини бажарувчи “Шаффоф AI” платформасини тўлиқ ишга тушириш. Шунингдек, тизимдаги барча тарқоқ сунъий интеллект лойиҳаларини ягона платформага бирлаштириб, қуйидаги асосий йўналишда фаолият юритишни таъминлаш: қурилиш ҳужжатларини интеллектуал таҳлил қилиш; фасадлар ва қурилиш майдонларини автоматик назорат қилиш; смета ҳужжатлари ва қурилиш ҳажмларини автоматик ҳисоблаш; фуқаролар ва тадбиркорлар учун 24/7 режимида ишловчи AI-маслаҳат хизмати.	2026 йил июль	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*
34.	Рухсат берувчи ҳужжатларнинг ва муҳандислик тармоқларига уланиш учун техник шартлар муддатини мураккаблик тоифаларидан келиб чиқиб белгилаш.	Рухсат берувчи ҳужжатларнинг ва муҳандислик тармоқларига уланиш учун техник шартлар муддатини мураккаблик тоифаларидан келиб чиқиб белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2026 йил июль	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
				(*Эшқувватов*), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ *(Аскаров)*, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ *(Ходжаев)*, “Ўзсувтаъминот” АЖ *(Суванкулов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
35.	Банк кафолатини тақдим этиш тизимини соддалаштириш.	Халқаро тендерларда иштирок этиш учун оферентларга (маҳаллий лойиҳачи ва пудратчи) тегишли тижорат банкидан банк кафолати тақдим этиш тизимини танқидий таҳлил қилиб, ушбу жараёнларни соддалаштириш ва автоматлаштириш ҳамда талабларни енгиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил июль	Марказий банк *(Ишметов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норкулов)*

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 4 июндаги ПФ–104-сон Фармонига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5017-сон Фармонининг 1-банди учинчи хатбошисидаги “унинг ҳузуридаги “Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компанияси” МЧЖ” сўзлари “Вазирлик ҳузуридаги “Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компанияси” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармонига илованинг 121-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–151-сон Фармонида:

(a) 2-иловада:

(i) 4-позициянинг “Қайта ташкил қилинаётган ташкилотнинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар” устуни қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини техник қўллаб-қувватлаш ва қамровини янада кенгайтириш мақсадида, тизимдан фойдаланганлик учун Марказга ва Жамғармага белгиланган амалдаги тўловлар тури, миқдори ва манбаи сақлаб қолинган ҳолда, янги татбиқ этилган электрон платформалардан фойдаланишда зарурий тўловлар жорий қилиниши мумкин (тўловлар тури, миқдори, манбаи ва тартиб-таомиллари Вазирлик томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда белгиланади)”;

(ii) 8-позициянинг “Қайта ташкил қилинаётган ташкилотнинг номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компанияси” давлат муассасаси”;

(iii) 9-позицияда:

“Ташкилотнинг амалдаги номи” устунидаги “, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК” сўзлари чиқариб ташлансин;

“Қайта ташкил қилинаётган ташкилотнинг номи” устунидаги “, “ТошкентбошпланЛИТИ” сўзи чиқариб ташлансин;

“Қайта ташкил қилинаётган ташкилотнинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар” устунида:

тўртинчи хатбошидаги “ва Самарқанд шаҳарлари, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳарчаларининг” сўзлари “шаҳрининг” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бош лойиҳа институтлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларида, зарур ҳолларда, айрим йўналишдаги ўзига хос ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда, бир-бирини ёрдамчи лойиҳачи сифатида жалб қилиши мумкин.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур материалларни йиғиш, муҳандислик-геология қидирув ва топогеодезия ишларини бажариш ҳамда уларни экспертизалардан ўтказиш бош лойиҳа институтлари томонидан тегишли ташкилотлар билан шартнома тузган ҳолда амалга оширилади, шунингдек, ушбу харажатлар мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш қийматига киритилади”;

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

(в) 4-иловада:

(i) “Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компаниялари” ва “Иссиқлик таъминоти давлат ташкилотлари” блоклари чиқариб ташлансин;

(ii) “Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази” блоки “Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компания давлат муассасаси” билан алмаштирилсин;

(iii) “ТошкентбошпланЛИТИ” бош лойиҳа институти” блоки “Қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш Республика маркази” блоки билан алмаштирилсин;

(г) 5-илованинг 16-позицияси “Чора-тадбирлар” устунидаги “б” кичик банди “ташкилотларнинг” сўзидан кейин “(жумладан, устав капиталидаги давлат улуши бўйича акциядор ваколатларини амалга ошириш вазирликка берилган жамиятларнинг)” сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–66-сон Фармонига 3-илованинг 4-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

4.	Инспекция тизимидаги синов лабораторияларини тўлиқ рақамлаштириш, уларни объектлар конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмларини халқаро стандартларга мувофиқ тўлақонли синовдан ўтказишни амалга оширувчи замонавий ускуналар билан таъминлаш.	1. Синов лабораторияларининг иш фаолиятини, бериладиган синов баённомаларини ва барча ҳисоботларни рақамлаштириш. 2. Талаб этиладиган ускуналар рўйхатини шакллантириш. 3. Ҳудудий инспекцияларни замонавий синов лаборатория ускуналари билан таъминлаш.	Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	2025 йил сентябрь 2026–2027 йиллар	Инспекция *(Эшқувватов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)

”.

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги “Давлат харидлари тизимида рақобат муҳити ва шаффофликни таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–259-сон Фармонига 1-илованинг 20-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий норматив ҳужжатлар, давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги “Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–378-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошисидаги “Иссиқлик таъминоти” АЖ ҳузуридаги “Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компанияси” МЧЖ” сўзлари “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компанияси” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–416-сон қарорида:

(а) 13-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

(б) 15-банддаги “Қурилиш вазирлиги” сўзлари “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–299-сон қарорининг 10-бандида:

(а) учинчи хатбошидаги “ва Самарқанд шаҳарлари, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳарчаларининг” сўзлари “шаҳрининг” сўзи билан алмаштирилсин;

(б) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти – қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш тарҳлари лойиҳаларини ишлаб чиқади, шунингдек, бунинг учун топогеодезия ва муҳандислик-геология қидирув ишларини бажаради”;

QMMB: 06/26/104/0563-son
05.06.2026-y.

(в) тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(г) қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қайд этилсинки, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур материалларни йиғиш, муҳандислик-геология қидирув ва топогеодезия ишларини бажариш ҳамда уларни экспертизалардан ўтказиш бош лойиҳа институтлари томонидан тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш орқали амалга оширилади, шунингдек, ушбу харажатлар мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш қийматига киритилади”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–78-сон қарорига 3-илованинг 9 ва 10-позициялари “Давлат хизмати (функцияси) номи” устунидаги “юритиш” сўзидан кейин “(ташаббускорнинг танлови асосида)” сўзлари билан тўлдирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги “Муомалага чиқарилаётган ғилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 237-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матнида 3-банди йигирма биринчи хатбошисидан “не более одного раза за календарный год” сўзлари чиқариб ташлансин.



QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 1 » июнь № ПҚ–210

Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар учун қўшимча иш ўринларини яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, ёш авлодни касб-ҳунар, хорижий тиллар, замонавий билимларга ўқитиш ҳамда уларнинг тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Мазкур қарорни қабул қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагиларни 2026–2028 йилларда амалга ошириш этиб белгилансин:

(а) **300 мингдан** ортиқ ёшларни қамраб олиш, шу жумладан, **100 мингга яқин қўшимча иш ўринларини** яратиш ҳамда уларнинг **меҳнат бозорига муваффақиятли киришини қўллаб-қувватловчи** замонавий механизмларни жорий этиш;

(б) **саноат, хизматлар** кўрсатиш соҳаларидаги, шу жумладан, **ўзини ўзи банд қилишга** қаратилган ёшларнинг **тадбиркорлик ташаббус ва ғояларини** молиялаштириш тизимини ривожлантириш;

(в) иш хусусиятига кўра **ходимларининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этадиган**, шунингдек, уларнинг **бандлигини ва даромадини оширишга қаратилган бизнес лойиҳаларни** қўллаб-қувватлаш.

QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

II. Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Марказий банк, Ёшлар ишлари агентлиги, АТ “Алоқабанк” ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2026–2028 йилларда **“Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурларининг навбатдаги босқичини** мазкур қарорга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, АТ “Алоқабанк” томонидан **“Ёшлар бизнеси” дастури** доирасида хизмат кўрсатиш (сервис) ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги, шу жумладан, қуйидаги йўналишларда кредит маҳсулотлари бўйича **ўттиз бир ёшга тўлмаган жисмоний шахсларга** асосий қарздан **1 йилгача, фоиз тўловларидан 3 ойгача имтиёзли** давр билан **7 йилгача** муддатга кредит (микроқарз)лар Марказий банк асосий ставкасидан **4 фоизлик пункт юқори ставкада** ажратилади:

(a) суғурта полиси таъминоти ёки **учинчи шахс кафиллиги** асосида **100 миллион** сўмгача **имтиёзли микроқарзларни** қуйидаги лойиҳалар бўйича ажратиш:

(i) ёшларнинг **хорижий тил** ва **рақамли технологияларни** ўрганиши ҳамда **замонавий касб-ҳунарни** эгаллаши бўйича ўқиш харажатларини молиялаштириш учун – **20 миллион сўмгача**;

(ii) замонавий касблар, шу жумладан, **ижтимоий тармоқлар маркетинги**, **мобилография**, **фрилансерлик**, **интернет** (онлайн) **дўконлар** ташкил этиш ва ўзини ўзи банд қилиш фаолият турига мос лойиҳалар учун – **50 миллион сўмгача**;

(iii) касаначилик, **тўқимачилик** маҳсулотларини тайёрлаш, **тикувчилик** ва бошқа маҳсулотларни **иккиламчи қайта ишлаш** ва (ёки) **сотиш**, улардан **янги маҳсулотлар** тайёрлаш лойиҳалари учун – **50 миллион сўмгача**;

(iv) новвойчилик ва ширинликлар тайёрлаш ҳамда сотиш лойиҳаларга – **100 миллион сўмгача**;

QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

(б) мол-мулк гарови асосида **300 миллион сўмгача кредитларни** қуйидаги лойиҳалар бўйича ажратиш:

(i) сайилгоҳ, туристик маскан, **гастрономик** кўча ва бошқа жамоат жойларида **кўчма** ёки **енгил конструкцияли** шохобча ва нуқталарни ташкил этиш, уларга **жиҳоз** ва **воситаларни** харид қилиш учун – **200 миллион сўмгача**;

(ii) автотранспорт воситаларида **йўловчиларни** ташиш ва юкларни етказиб бериш лойиҳалари учун – **300 миллион сўмгача**.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Ёшлар бизнеси" дастурининг **"Ёшлар учун иш ўринлари"** лойиҳаси бўйича **якка тартибдаги тадбиркорлар** ва **юридик шахсларга 7 йилгача** муддатга, асосий қарз тўловларидан **2 йилгача имтиёзли** давр билан Марказий банк асосий ставкасидан **4 фоизлик пункт юқори ставкада** қуйидагиларга:

(а) лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб, ишсиз ёшлар учун **камида иккита иш ўрни** яратадиган **якка тартибдаги тадбиркорлик** субъекти сифатида фаолият юритувчи ёш фуқароларга – **2 миллиард** сўмгача;

(б) лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб, ҳар **бир миллиард** сўм қийматгача бўлган маблағ учун камида **икки нафар** ишсиз ёшни ишга қабул қилиш шарти билан **юридик шахсларга – 10 миллиард сўмгача**;

(в) 1 000 тадан ортиқ иш ўрни яратган **франчайзинг тармоқларини кенгайтириш учун** тадбиркорларга **10 миллиард сўмгача кредитлар** ажратилади.

5. АТ "Алоқабанк"нинг ёшларнинг инновацион стартап лойиҳалари учун бошланғич босқичда **100 минг АҚШ долларигача инвестиция** киритиш таклифи маъқуллансин.

6. Белгилансинки, "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан **"Келажакка қадам"** дастури доирасида **"Келажак тадбиркори" лойиҳаси** амалга оширилади ва лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб қўйидаги кредит маҳсулотлари бўйича йиллик Марказий банк асосий ставкасидан **1 фоизлик пункт юқори** ставкада кредитлар ажратилади:

QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

(а) бизнес ғояларини амалга ошириш истаги бўлган **ўттиз бир ёшга тўлмаган** олий таълим ташкилотларининг **битирувчилари** ҳамда **ёшлар** (кейинги ўринларда – талаба ва ёшлар)га – **2 миллиард сўмгача**, хусусан:

(i) ўзини ўзи банд қилган ва бизнесга илк қадам қўймоқчи бўлган талаба ва ёшларга **6 ой** имтиёзли давр билан **18 ойгача гаровсиз 20 миллион сўм**гача;

(ii) зарур бизнес кўникмага эга бўлиб, тадбиркорлик субъекти сифатида мустақил бизнес бошламоқчи бўлган талаба ва ёшларга **1 йил** имтиёзли давр билан **5 йил** муддатга **300 миллион сўм**гача;

(**iii**) тадбиркорлик субъекти сифатида мустақил бизнес бошлаган ва фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилган талаба ва ёшларга **7 йил** муддатга 2 йиллик имтиёзли давр билан **2 миллиард сўм**гача;

(б) талаба ва ёшларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектларига 2 йилгача имтиёзли давр билан **7 йил** муддатга – **10 миллиард сўмгача**, бунда:

(i) мазкур имтиёзли кредит тадбиркорлик субъектларига ҳар **икки миллиард сўм** қийматгача бўлган маблағ учун **камида икки нафар** талаба ёки ёшларни ишга қабул қилиш шарти билан ажратилади;

(ii) имтиёзли кредит **ишлаб чиқариш** ва **хизмат кўрсатиш** соҳасидаги лойиҳаларга **асосий воситалар** сотиб олиш ҳамда **айланма** маблағларни тўлдириш учун ажратилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) тадбиркорлик субъекти унинг имтиёзли кредит олишига сабаб бўлган ишсиз ёш(лар) ўртасида **икки йил давомида меҳнат шартномаси бекор бўлган** тақдирда, **кредит фоизи** меҳнат шартномаси бекор бўлган санадан **тижорат ставкасига** ўзгартирилади, бундан ушбу ходим(лар) ўрнига бир ой муддатда бошқа ишсиз ёш(лар) ишга қабул қилинган ҳоллар мустасно;

QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

(б) ишсиз ёш(лар)ни иш билан таъминлашда меҳнат шартномасида иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **2 бараваридан кам бўлмаслиги** назарда тутилади.

8. "Ўзмиллийбанк" АЖ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) бир ой муддатда "Менинг биринчи касбим" дастурини йўлга қўйиш ва дастур доирасида олий таълим ташкилотлари битирувчиларини **касбга тайёрлаш** жараёнларини ташкил қилиш ва молиялаштириш, бунда:

(i) "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан тегишли миқдордаги маблағларни олий таълим ташкилотларига ўтказиш учун **олий таълим ташкилоти, иш берувчи ва талаба** ўртасида тузиладиган **уч томонлама шартнома** асос бўлади;

(ii) олий таълим ташкилоти томонидан **талабанинг амалиёти муддатига** мос равишда **ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоригача** қўшимча **стипендия** тўланади;

(iii) истиқболли **стартап лойиҳаларнинг намунавий моделини** (MVP) яратиш харажатларининг **50 фоизигача қисми қоплаб берилади**;

(б) заруратга кўра, иш берувчининг буюртмасига мувофиқ талабанинг чет элдаги олий таълим ташкилоти ҳамда корхоналарда қисқа муддатли курсларга қатнашиш харажатлари учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари** миқдорида тўловларни амалга ошириш;

(в) 1-иловада келтирилган тижорат банклари томонидан ёшларнинг тадбиркорлик **бизнес режаларини** тайёрлаш бўйича тегишли харажатларини қоплаб бериш.

QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

9. Марказий банк ҳамда АТ "Алоқабанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

(а) 2026 йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида;

(б) 2027 йил якунига қадар қолган ҳудудларда ёшларни тадбиркорликка ўқитиш, ғояни бизнесга айлантириш, бухгалтерия, банк, маркетинг, ички ва ташқи бозорларга чиқиш билан боғлиқ комплекс хизматларни кўрсатадиган **ёшлар бизнес инкубатори**лари ишга тушириш тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

III. Дастурларни молиялаштириш

10. Дастурларни амалга ошириш мақсадида 2026–2027 йилларда тенг улушларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан:

(а) "Ўзмиллийбанк" АЖга **"Келажакка қадам"** дастури ижроси учун:

(i) 10 йил муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг фоизда **85 миллион АҚШ доллари** эквиваленти миқдорида;

(ii) битирувчи босқич талабаларининг бандлигини таъминлашга қаратилган **"Менинг биринчи касбим" дастури** ижроси учун беғараз асосда **15 миллион АҚШ доллари** эквиваленти миқдорида маблағлар ажратилсин;

(б) АТ "Алоқабанк"ка **"Ёшлар бизнеси"** дастурининг навбатдаги босқичи ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–62-сон қарори билан ажратилган субординар қарз маблағларининг **65 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги қисми юқоридаги қарор қабул қилинган кундаги Марказий банкнинг курси бўйича акцияларни номинал қийматида жойлаштириш орқали банк устав капиталидаги Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси улушини оширишга йўналтирилсин.

QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Рақамли технологиялар вазирлиги Солиқ қўмитаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 августга қадар** ёшлар учун яратилган иш ўринлар ҳисобини юритиш мақсадида АТ "Алоқабанк" ва "Ўзмиллийбанк" АЖ ахборот тизимлари Солиқ қўмитаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ахборот тизимларига интеграция қилиниши таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–62-сон қарорига 2-иловага ўзгартиришлар мувофиқ тасдиқлансин.

13. Марказий банк манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Марказий банк раиси Т.А. Ишметов белгилансин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари О.А. Хакимов ва Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 1 июндаги ПҚ–210-сон қарорига
1-илова

Ёшларнинг тадбиркорлик бизнес режаларини тайёрлашда тегишли харажатларини қоплаб бериш бўйича тижорат банклари ўртасидаги

ТАҚСИМОТ

Т/р	Тижорат банки номи	Ёш тадбиркорларга бизнес режа тайёрлашда кўмаклашиш (нафар)
1.	“Ўзмиллийбанк” АЖ	7 500
2.	АТ “Алоқабанк”	7 500
3.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	5 000
4.	“Асакабанк” АЖ	5 000
5.	АТ “Халқ банки”	5 000
6.	“Микрокредитбанк” АТБ	5 000
7.	“Агробанк” АТБ	5 000
8.	“Туронбанк” АТБ	5 000
9.	“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ	5 000
ЖАМИ:		**50 000**

QMMB: 07/26/210/0548-son
02.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 1 июндаги ПҚ–210-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–62-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-бандда:

(а) “а” кичик бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) 2026 йил якунига қадар “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳасига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган ижтимоий солиқ тўлаган ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга асосий қарздан 2 йилгача ва фоиз тўловларидан 3 ойгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга суғурта полиси таъминоти ёки учинчи шахс кафиллиги асосида 100 млн сўмгача маблағлар қуйидаги кредит маҳсулотлари бўйича имтиёзли микроқарз сифатида ажратилади”;

(б) “б” кичик бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б)“Ёшлар учун иш ўринлари” лойиҳаси асосида якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёш фуқароларга, шунингдек, таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ёшларга камида 10 та иш ўрни яратишни назарда тутувчи лойиҳаларига 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга 5 млрд сўмгача маблағлар қуйидаги йўналишлардаги кредит маҳсулотлари бўйича ажратилади:”;

2. 6-бандининг бешинчи хатбошисидаги “2025” рақами “2027” рақами билан алмаштирилсин.



QMMB: 07/26/211/0550-son
02.06.2026-y.

22 (1250)-son
542-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «2» июнь № ПҚ–211

Япония билан техник ҳамкорлик доирасида “Ўзбекистон – Япония маркази (VI босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) президенти ўртасида 2025 йил 21 январь куни ўтказилган учрашув доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) “Ўзбекистон – Япония маркази” лойиҳаси VI босқичини Япония Ҳукуматининг дастлабки баҳолаш асосида **2,9 миллион** АҚШ доллари миқдоридаги техник ёрдам маблағларини жалб қилган ҳолда амалга ошириш тўғрисидаги таклифига **розилик берилсин**.

2. Ўзбекистон – Япония маркази фаолиятини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (“йўл харитаси”) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясига “Ўзбекистон – Япония маркази (VI босқич)” лойиҳаси доирасида солиқ, коммунал ва бошқа келишилган харажатларни қоплаб бериш тавсия этилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/211/0550-son
02.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 2 июндаги ПҚ–211-сон қарорига
илова

Ўзбекистон-Япония маркази фаолиятини янада кенгайтириш тўғрисидаги амалий тадбирлар режаси (“йўл харитаси”)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Марказ фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш				
1.	Марказ фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган 2026–2027 йиллар учун фаолият режасини Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Япония фондини (JF) жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш.	1. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Япония фонди (JF) билан музокаралар ўтказиш. 2. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония фонди (JF) таклифларини ўрганган ҳолда, Марказнинг 2026–2027 йилларга мўлжалланган фаолият режасини тайёрлаш.	2026 йил июнь 2026 йил август	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон-Япония маркази
2.	Курслар ва янги йўналишлар доирасини кенгайтириш ҳисобидан ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	1. Ўқув дастурини ишлаб чиқиш. 2. Малака ошириш бўйича семинарларни ташкил этиш. 3. PMP, CAPM, PMI-RMP, CFA ва бошқа халқаро даражалардаги сертификатларни олиш учун ўқув дастурларини жорий этиш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
3.	Ўзбекистон-Япония маркази битирувчиларидан самарали фойдаланиш, улар билан ҳамкорликда тадбиркорлик курслари ва лойиҳаларини яратиш ва амалга ошириш.	1. Битирувчилар бизнес-клубини ташкил этиш. 2. Фаол битирувчилар иштирокида маҳорат сабоқлари ва тренинглар ўтказиш. 3. Битирувчилар билан ҳамкорликда тадбиркорлик курслари ва лойиҳаларини яратиш ва амалга ошириш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази
4.	Корпоратив семинарлар ва машғулотлар сонини ошириш.	1. Корпоратив семинарлар ўтказиш учун маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш. 2. Корпоратив машғулот ва семинарлар ўтказиш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази
5.	Марказ фаолиятини оммалаштириш.	1. Матбуотда чиқишлар, брифинглар ва бошқа тадбирлар учун контент тайёрлаш. 2. Медиа компаниялар, PR агентликлар ва етакчи нашриётлар билан ҳамкорлик ўрнатиш. 3. Тадбирларни ўтказиш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
6.	Қулай таълим имкониятларини яратиш мақсадида етакчи халқаро онлайн таълим платформаларида (Coursera, Edx, Udemy) онлайн-курсларни ташкил этиш.	1. Етакчи онлайн таълим платформалар билан ҳамкорлик ўрнатиш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		2. Дастурларни тайёрлаш, мультимедиа материалларини яратиш. 3. Ўзбекистон-Япония маркази маблағлари ҳисобидан марказнинг ўз онлайн платформасини яратиш.		Рақамли технологиялар вазирлиги
7.	Марказнинг Бухоро шаҳридаги филиалини модернизация қилиш, фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва янги йўналишларни ташкил қилиш.	1. Бухоро филиалининг жорий фаолиятини баҳолаш. 2. Филиални модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш. 3. Талаб юқори йўналишлар бўйича янги ўқув курсларини ташкил этиш. 4. Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, ресурслар ва инфратузилмани кенгайтириш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
8.	Марказнинг Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги филиалини ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйиш режасини босқичма-босқич ишлаб чиқиш.	1. Фарғона вилоятидаги эҳтиёжларни ўрганиш. 2. Жойлашув ва инфратузилмани аниқлаш. 3. Ўқув йўналишларини белгилаш ва фаолиятни йўлга	2026–2027 йиллар	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон-Япония маркази

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		қўйиш режасини босқичма-босқич ишлаб чиқиш.		
II. Академик ҳамкорлик ва олий таълим соҳасидаги лойиҳалар				
9.	Япония олий таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнлари, мослашув ва академик талаблар бўйича тавсиялар бериш учун ўқув тадбирларини ташкил қилиш.	1. Япония олий таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнлари, мослашув ва академик талаблар бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш. 2. Тадбирларни ташкил этиш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази
10.	Ўзбекистон-Япония маркази битирувчиларининг Японияга тўқимачилик соҳасида япон тажрибасини ўрганишга қаратилган ўқув ва амалий ташрифини ташкиллаштириш.	1. Япониялик ҳамкорлар билан ушбу ташрифни мувофиқлаштириш масаласини муҳокама қилиш. 2. Ўзбекистон-Япония маркази битирувчилари орасидан 10 нафар номзодни танлаш. 3. Японияда компаниялар билан учрашувлар ва тадбиркорлик тармоғи тадбирларига тайёргарлик кўриш. 4. Виза учун ҳужжатларни топшириш. 5. Японияга ташрифни амалга ошириш.	2026 йил август 2026 йил октябрь 2026 йил октябрь 2026 йил ноябрь 2026 йил ноябрь	Ўзбекистон-Япония маркази, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		6. Тўқимачилик соҳасида Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигини ошириш борасида очиқ семинар ташкил этиш.	2026 йил ноябрь	
11.	2026 йилда Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида Япония таълим кўргазмасини ўтказиш.	1. Ташкилотчилар, Нагоя университети ва Тсукуба университети билан музокаралар ўтказиш. 2. Тадбир ўтказиладиган ҳудудларни белгилаш. 3. Кўргазмани Япония университетлари ва Ўзбекистондаги иштирокчилар ўртасида кенг оммалаштириш. 4. Тадбир логистикасига тайёргарлик кўриш ва мактабларга ташрифларни режалаштириш. 5. Тадбирни ташкил этиш.	2026 йил давомида	Ўзбекистон-Япония маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
III. Савдо-иқтисодий ва институционал ҳамкорлик				
12.	Ўзбекистон-Япония маркази ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, JETRO, Япония ва Ўзбекистон уюшмалари ҳамда бизнес доиралари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш.	1. Меморандумлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларни имзолаш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		2. Япония бизнес доиралари вакилларининг Ўзбекистонга ва Ўзбекистон бизнес доиралари вакилларининг Японияга сафарларини ташкил этишга кўмаклашиш.		Савдо-саноат палатаси
13.	Ўзбекистон тадбиркорлари ва корхоналарининг Японияда бўлиб ўтадиган кўргазмаларга ташрифини ташкил этиш.	1. Ташриф дастурини ишлаб чиқиш. 2. Етакчи компаниялар, Марказ битирувчилари орасидан ташриф иштирокчилари рўйхатини тузиш. 3. Ҳужжатларни расмийлаштириш, бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш. 4. Ташрифни амалга ошириш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
14.	Ўзбекистон корхоналари ва тадбиркорлари вакиллари учун Японияда ўқув амалиётини ташкил этиш.	1. Амалиёт учун номзодларни саралаш. 2. Етакчи компаниялар, Марказ битирувчилари орасидан ташриф иштирокчилари рўйхатини тузиш. 3. Ҳужжатларни расмийлаштириш, бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази, Савдо-саноат палатаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		4. Бизнес-сафарни ташкил этиш.		
15.	Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги бизнес ҳамкорлик бўйича ҳар йиллик “Uzbekistan-Japan Business Forum” тадбирини ташкил этиш.	1. Бизнес-форум дастурини тайёрлаш, иштирокчиларни жалб этиш. 2. Ташкилий масалаларни ишлаб чиқиш. 3. Форумни ўтказиш.	2026–2027 йиллар	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон-Япония маркази
IV. Тадбиркорлик бўйича таълим дастурлари ва амалий тадбирлар				
16.	Professional Management Programme (PMP) таълим дастурини ўзбек тилида кенгайтириш.	1. Таълим дастурини ишлаб чиқиш. 2. Маҳаллий ва Япония ўқитувчиларининг тақсимланиши ва бюджетини режалаштириш. 3. Ўқув дарсларини амалга ошириш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази, Савдо-саноат палатаси
17.	Keiei-juku дастурини Япониянинг етакчи университетлари билан ҳамкорликда семинарлар ва илғор таълим ечимлари асосида тадбиркорларнинг билимини оширишга қаратилган янги дастурга трансформация қилиш.	1. Трансформация учун JICA, ҳамкорлар ва масъул идоралар билан муҳокама қилиш. 2. Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. 3. Ўқув дарсларини амалга ошириш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
18.	Seminar series дастури битирувчиларининг Японияга ташрифини ташкил этиш.	1. Сафар дастурини ишлаб чиқиш. 2. Ташкилий масалаларни ишлаб чиқиш. 3. Японияга ташрифни амалга ошириш.	2026 йил ноябрь 2027 йил май келишилган муддатларда	Ўзбекистон-Япония маркази, Савдо-саноат палатаси
19.	Япониянинг етакчи университети (бизнес мактаби) билан ҳамкорликда “Executive Business Education” дастурини ташкил этиш.	1. Ҳамкорлик ўрнатиш. 2. Дастурни ишлаб чиқиш. 3. Ўқув дастурини ташкил қилиш ва амалга ошириш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази
20.	Марказий Осиёдаги йирик бизнес таълим марказлари ва институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш.	1. Йирик бизнес таълим марказлари ва институтлар рўйхатини шакллантириш. 2. Ҳамкорлик ўрнатиш чораларини кўриш.	2026–2027 йиллар	Ўзбекистон-Япония маркази





УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/276/0559-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-son
543-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **26** yil « **3** » **iyun** № **276** Toshkent sh.

Шаҳар йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мунтазам шаҳар автобус йўналишларида йўловчилар ташиш фаолиятини такомиллаштириш, замонавий шаҳар автобусларини харид қилишда тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш ҳамда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни меҳнат қонунчилигига мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ҳайдовчи билан бирга **60 киши** ёки ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган, **“Евро-5”** ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган **M_3 тоифадаги** (III синфга мансуб бўлмаган) янги транспорт воситаларини (автобус/электробус ёки троллейбуслар) **2027 йил 31 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда **утилизация йиғимининг ноль ставкаси қўлланилсин**.

2. Брутто-шартнома асосида ташкил этилган мунтазам шаҳар автобус йўналишларида тушумлар тўлиқлигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

а) йўловчи томонидан **йўлкира ҳақи** автоматлаштирилган тўлов тизими терминаллари (валидаторлар) билан жиҳозланган **автобусга чиқиш вақтида** қуйидаги усуллар орқали тўланади:

транспорт картасини валидаторга теккизган ҳолда уни **валидация қилиш**;

банк картаси, смартфон ва бошқа **контактсиз электрон тўлов турларидан фойдаланиш** (NFC, QR, Biometric, BLE, UWB ва бошқа жорий этилаётган технологиялар ёрдамида тўлаш);

ижтимоий/транспорт картасини валидаторга теккизган ҳолда **имтиёзли** ёки **бепул юриш ҳуқуқини** тасдиқлаш;

б) йўлкира ҳақи мазкур бандда назарда тутилган усуллар орқали автобусга чиқиш вақтида тўланмаганда (тасдиқланмаганда), **йўловчи автобусда чиптасиз юрган деб ҳисобланади**.

QMMB: 09/26/276/0559-son
04.06.2026-y.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

шаҳардан икки ва ундан кўп километр масофада ташқарига чиқувчи йўловчи ташиш йўналишларини **шаҳар ичи автобус йўналишлари** тоифасига киритиш;

мунтазам шаҳар автобус йўналишларида белгиланган меъёрий иш вақтидан ортиқ ишлаётган ҳайдовчиларнинг **меҳнат шароитларини яхшилаш** ва қонунчиликка мувофиқ иш вақти нормасини таъминлаш.

4. Транспорт вазирлиги:

уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда йўловчиларнинг троллейбусда, трамвайда, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиган автобусда чиптасиз юрганлиги учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

жорий йилнинг 1 сентябрига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва Автоматлаштирилган тўлов тизими оператори билан биргаликда пойтахт жамоат транспорти ва шаҳар атрофи темир йўл қатновларида йўлкира ҳақини тўлашнинг интеграциялашган тизимини, шу жумладан, “**электропоезд-автобус**” ва “**электропоезд-метро**” жозибадор тариф режаларини жорий қилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда **аҳоли ўртасида** ушбу қарорнинг мақсадлари, моҳияти ва амалий аҳамияти, шу жумладан **жамоат транспортидан фойдаланишда йўкира ҳақининг амалга ошириш усуллари ва тартибини** кенг ёритилишини таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/276/0559-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 3 ” июндаги 276-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларида:

а) 23-бандning “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) шаҳар четидан 5 кмгача ёки белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарларнинг транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош режаларига мувофиқ кўпи билан 12 кмгача четга чиқувчи шаҳар автобус йўналишлари”;

б) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“28. Йўловчи автобусга чиқиш вақтида йўлкира ҳақини қуйидаги усуллар орқали тўлаши (тасдиқлаши) шарт:

транспорт картасини валидаторга теккизган ҳолда уни валидация қилиш;

банк картаси, смартфон ва бошқа контактсиз электрон тўлов турларидан фойдаланиш (NFC, QR, Biometric, BLE, UWB ва бошқа жорий этилаётган технологиялар ёрдамида тўлаш);

ижтимоий/транспорт картасини валидаторга теккизган ҳолда имтиёзли ёки бепул юриш ҳуқуқини тасдиқлаш”;

в) қуйидаги мазмундаги 28^1-банд билан тўлдирилсин:

“28^1. Йўлкира ҳақи ушбу Қоидаларнинг 28-бандига мувофиқ ўз вақтида тўланмаганда (тасдиқланмаганда), йўловчи автобусда чиптасиз юрган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатининг 559^2-позицияси “ТИФ ТН бўйича номи” устунидаги “(автобуслар/электробуслар)” сўзлари “(I ва II синфга мансуб бўлган автобуслар/электробуслар)” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 мартдаги 116-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳар автобус йўналишларининг бошланғич нархини аниқлаш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 4а-илованинг матнида:

а) 5-позициянинг “Кўрсаткичлар номи” устунидаги “йўналиши” сўзи “йўналиши бир ҳафталик” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/276/0559-son
04.06.2026-y.

б) 6-позициянинг “Кўрсаткичлар номи” устуни иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“*(5-қатор X 1,09 / 40 соат)*”;

в) изоҳ қисмининг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“* *Йўналишнинг паспорти ва йўналишга қўйилган талаблар асосида бир ҳафталик миқдор ҳисобланади.*

** *Битта автобус учун талаб этиладиган ҳайдовчилар сонини аниқлашда, 1 нафар ҳайдовчи йил давомида 11 ой фаолият кўрсатиши ҳамда 1 ой меҳнат таътилида бўлишини инобатга олган ҳолда 1,09 коэффициент қўлланади. Ҳайдовчилар сони 0,5 аниқликкача яхлитланади (яхлитлашда бирлик сондан кейин ҳосил бўлган 0,25 гача бўлган сонлар инобатга олинмайди, 0,25 дан 0,74 гача 0,5 миқдорида қабул қилинади, шунингдек, 0,74 дан ошган сонлар бутун сон сифатида қабул қилинади)*”.

Изоҳ. *Ушбу илованинг 1-банди “б” кичик банди 2026 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга киради.*



QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-son
544-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 3 » iyun № 277 Toshkent sh.

2026-2027 йилларда ҳудудлардаги ижтимоий соҳа муассасаларида энергия самарадорлиги лойиҳалари кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми берилган туман (шаҳар)ларни энергия самарадор ҳудудларга айлантириш, якка тартибдаги ва кўп квартирали уйлар, ижтимоий соҳа муассасалари, давлат ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича ислоҳотларни давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Жиззах вилоятида энергия самарадорлиги лойиҳалари амалга ошириладиган ижтимоий соҳа муассасаларининг манзилли рўйхати **1-илова**га;

Денов ва Ғаллаорол туманларида энергия самарадорлиги лойиҳалари амалга ошириладиган кўп квартирали уйларнинг манзилли дастури **2-илова**га;

Ижтимоий соҳа муассасаларини гелиоколлекторлар билан жиҳозлаш мақсадли параметрлари **3-илова**га;

Биноларни “Ноль энергия сарфли бинолар” тамойиллари асосида модернизация қилиш, қайта таъмирлаш ва қуриш концепцияси **4-илова**га;

“Ноль энергия сарфли бинолар” концепцияси асосида модернизация қилинадиган ижтимоий соҳа муассасалари ва бошқа муассасаларнинг манзилли рўйхати **5-илова**га;

Марказлашган маблағлар ҳисобидан давлат ташкилотлари, шу жумладан, ижтимоий соҳа муассасалари биноларини қуриш, реконструкция (модернизация) қилиш ва мукаммал таъмирлашда энергия самарадорлиги бўйича минимал талаблар **6-илова**га;

“Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастури доирасида энергия самарадорлиги тамойиллари асосида модернизация ва реконструкция қилинадиган ижтимоий соҳа муассасаларининг манзилли рўйхати **7-илова**га;

Ижтимоий соҳа муассасалари, иқтисодиёт тармоқлари, кўп квартирали уйлар ва аҳоли хонадонларида энергия самарадорлигини ошириш “йўл харитаси” **8-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорга 7-иловага мувофиқ ижтимоий соҳа муассасаларида амалга ошириладиган энергия самарадорлиги лойиҳалари учун талаб қилинадиган маблағлар алоҳида ҳудудларни ривожлантириш учун республика бюджетидан йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, **2026 йил 1 июлдан** бошлаб давлат ташкилотлари, шу жумладан, ижтимоий соҳа муассасалари объектларини реконструкция (модернизация) қилиш ва мукаммал таъмирлашда энергия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қуйидаги талаблар жорий қилинади:

объектлар лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш, уларни қуриш, реконструкция (модернизация) қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш жараёнида энергия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирлар ва иш ҳажмларининг мақбуллаштирилишига йўл қўйилмайди;

объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда ўтказиладиган энергия аудити ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилади (янги қуриладиган объектлар бундан мустасно). Бунда энергия аудити ҳисоботларини буюртмачиларга Агентликнинг Энергия самарадорлигини ошириш рақамли платформаси (кейинги ўринларда – Платформа) орқали тақдим этиш имконияти яратилади;

марказлашган маблағлар ҳисобидан барча давлат ташкилотлари, шу жумладан, ижтимоий соҳа муассасалари биноларини қуриш, реконструкция (модернизация) қилиш ва мукаммал таъмирлашда мазкур қарорга 6-иловага мувофиқ энергия самарадорлиги бўйича минимал талаблар қўлланади. Бу борада ушбу биноларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда энергия самарадорлигини ошириш бўйича халқаро талаблар ва нормаларни қўллашга рухсат берилади;

объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари улар фойдаланишга топширилгандан сўнг энергия самарадорлиги кўрсаткичи “С” тоифасидан кам бўлмаслигини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда уларни шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказишда энергия самарадорлиги бўйича шаҳарсозлик норма ва қоидалари қатъий инобатга олинади. Бунда лойиҳалар доирасида энергия самарадорлиги бўйича эришиладиган кўрсаткичлар мониторинги “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика маркази” ДМнинг ахборот тизимларини Платформага интеграция қилиш орқали амалга оширилади.

4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги доимий равишда:

реконструкция (модернизация) қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган барча давлат ташкилотлари, шу жумладан, ижтимоий соҳа муассасалари бинолари лойиҳаларини давлат экспертизасидан ўтказишда энергия самарадорлиги бўйича минимал талабларнинг инобатга олинишини;

Агентлик билан биргаликда минимал талабларнинг такомиллаштириб борилишини таъминласин.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Агентлик **2026 йил 1 июлдан бошлаб** бюджет ташкилотлари томонидан энергия самарадор ускуналар ва материаллар, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари Платформа орқали амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ рақобатли шаклларда харид қилинишини жорий қилсин.

6. Энергия самарадор лойиҳаларни амалга оширишда қуйидагилар назарда тутилади:

а) 1, 2, 3 ва 5-иловаларда кўрсатилган лойиҳалар бўйича – Агентлик муассислигидаги “UzESCO” масъулияти чекланган жамияти буюртмачи этиб белгиланади ва бунда буюртмачини сақлаш харажатлари учун маблағлар объект қийматидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда ажратилади;

б) 7-иловада кўрсатилган лойиҳалар бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари буюртмачи этиб белгиланади.

7. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Агентлик **2026 йил 1 августга қадар** давлат объектларини ижарага беришда уларда ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари улуши ва амалга оширилган энергия самарадорлиги тадбирларининг даражасидан келиб чиққан ҳолда, ижара тўловига табақалаштирилган чегирмани қўллаш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Туризм қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Агентлик билан биргаликда **икки ой муддатда** меҳмонхоналар ҳамда ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларини (санаторий, дам олиш уйлари, дам олиш марказлари, дам олиш зоналари, курортлар, ресорт) балли асосда таснифлаш ҳамда юлдуз тоифаларини бериш бўйича миллий стандартларга ушбу объектларга нисбатан энергия самарадорлиги талабларини жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **9-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Агентлик билан биргаликда мазкур қарорнинг сифатли бажарилиши бўйича масъул ҳисобланади.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
1-илова

Жиззах вилоятида энергия самарадорлиги лойиҳалари амалга ошириладиган ижтимоий соҳа муассасаларининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

млн сўм

Т/р	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Фойдаланишга топшириладиган қувват	*шу жумладан:*		Ажратилган лимит
						янги қурилиш	мукаммал таъмирлаш	
Жами 2026-2027 йилларда		**x**	**x**	**x**	**x**	**x**	**x**	**277 000**
Умумтаълим мактаблари *(24 та)*		x	ўқув ўрни	13 779	13 779		13 779	197 088
Мактабгача таълим ташкилотлари *(11 та)*		x	ўрин	2 296	2 296	50	2 246	31 663
Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар *(9 та)*		x	ўрин	84	84		84	48 250
			қатнов	1250	1 250		1250	
Арнасой тумани								
1	Олтин водий маҳалласидаги 1-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	536	536		536	7 774
2	Бахтли маҳалласидаги 3-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	120	120		120	1 800
3	Арнасой тумани марказий шифохонаси асосий биносининг пастки қаватини мукаммал таъмирлаш орқали поликлиника учун мослаштириш	2026 йил	ўрин	84	84		84	10 500
			қатнов	250	250		250	
Бахмал тумани								
4	Ойқор маҳалласидаги 14-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	540	540		540	8 832
5	Қутлуғобод маҳалласидаги 3-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	315	315		315	4 568
6	Бахмал маҳалласидаги 18-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	380	380		380	5 753
7	Ойқор маҳалласидаги 5-сон оилавий поликлиникани мукаммал таъмирлаш	2026 йил	қатнов	100	100		100	2 500

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

T/p	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Фойдаланишга топшириладиган қувват	шу жумладан:		Ажратилган лимит
						янги қурилиш	мукаммал таъмирлаш	
Ғаллаорол тумани								
8	Оқтош маҳалласидаги 9-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	420	420		420	6 091
9	Қипчоқсув маҳалласидаги 38-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	210	210		210	3 046
10	Қашқабулоқ маҳалласидаги 91-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	420	420		420	6 091
11	Мирзабулоқ маҳалласидаги 16-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	140	140		140	2 100
Дўстлик тумани								
12	Чинобод маҳалласидаги 2-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	640	640		640	8 782
13	Наврўз маҳалласидаги 12-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	200	200	50	150	2 325
14	Туман марказий поликлиникаси Боғзор филиалини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	қатнов	50	50		50	2 250
Ш.Рашидов тумани								
15	Бўстон маҳалласидаги 8-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	320	320		320	4 641
16	Мулканлик маҳалласидаги 29-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	710	710		710	10 297
17	Қўшкўприк маҳалласидаги 36-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	900	900		900	11 000
Зафаробод тумани								
18	Чимқурғон маҳалласидаги 20-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	624	624		624	6 912
19	Нурафшон маҳалласидаги 5-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	536	536		536	5 938
Зарбдор тумани								
20	Шодлик маҳалласидаги 26-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	624	624		624	9 050
21	Навоий маҳалласидаги 2-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	140	140		140	2 100

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

T/p	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Фойдаланишга топшириладиган қувват	*шу жумладан:*		Ажратилган лимит
						янги қурилиш	мукаммал таъмирлаш	
22	Андижон маҳалласидаги 10-мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	140	140		140	2 100
23	Шодлик маҳалласидаги 28-сон оилавий поликлиникани мукамал таъмирлаш	2026 йил	қатнов	100	100		100	5 250
	Мирзачўл тумани							
24	Мирзадала маҳалласидаги 5-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	524	524		524	7 600
25	Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли эски поликлиника биносини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	қатнов	250	250		250	8 750
	Зомин тумани							
26	Тўрттом маҳалласидаги 68-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	180	180		180	2 611
27	Ширин маҳалласидаги 45-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	360	360		360	5 221
28	Фаравон маҳалласидаги 24-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	210	210		210	3 046
29	F.Ғулом маҳалласидаги 8-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	140	140		140	2 100
	Фориш тумани							
30	Амир Темур маҳалласидаги 5-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	210	210		210	3 046
31	Ойбек маҳалласидаги 33-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	1 090	1 090		1 090	15 808
32	Осмонсой маҳалласидаги 26-сон оилавий поликлиникани мукаммал таъмирлаш	2026 йил	қатнов	100	100		100	4 500
33	Нурак маҳалласидаги Нурак оилавий шифокорлик пунктини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	қатнов	50	50		50	2 250
	Янгиобод тумани							
34	Янгиобод маҳалласидаги 12-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	744	744		744	10 790
	Жиззах шаҳри							
35	Халқабод маҳалласидаги 25-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	1 176	1 176		1 176	17 056

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

T/p	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Фойдаланишга топшириладиган қувват	шу жумладан:		Ажратилган лимит
						янги қурилиш	мукаммал таъмирлаш	
36	Иттифоқ маҳалласидаги 17-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	1 176	1 176		1 176	17 056
37	Раваллиқ маҳалласидаги 11-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	1 050	1 050		1 050	15 228
38	А. Навоий маҳалласидаги 8-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	280	280		280	4 200
39	Улуғбек маҳалласидаги 24-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	140	140		140	2 100
40	Наврўз маҳалласидаги 3-сон оилавий поликлиникани мукаммал таъмирлаш	2026 йил	қатнов	150	150		150	5 250
41	Маданият маҳалласидаги 5-сон оилавий поликлиникани мукаммал таъмирлаш	2026 йил	қатнов	200	200		200	7 000
	Пахтакор тумани							
42	Оқбулоқ маҳалласидаги 13-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	420	420		420	6 791
43	Дилором маҳалласидаги 6-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	240	240		240	3 600
44	Дўстлик маҳалласидаги 10-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўрин	220	220		220	3 300

Изоҳлар.

1. Лойиҳа қуввати ҳамда ажратиладиган лимитлар миқдорига тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари натижалари бўйича аниқлик киритилади.

2. Лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Зарур ҳолларда, ажратилган лимит доирасида ушбу рўйхатдаги объектларга Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-сон
544-модда

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
2-илова

Денов ва Ғаллаорол туманларида энергия самарадорлиги лойиҳалари амалга ошириладиган кўп квартирали уйларнинг
МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

Т/р	Кўча номи	Уй рақами	Уйлар сони	Энергия йўқотишларини бартараф қилиш тадбирлари							Барқарор иссиқлик таъминоти ва совитиш билан таъминлаш тадбирлари								Жами талаб этиладиган маблағлар
				Фасадни базальт қопламаси билан қоплаш	Том қисмини изоляция-лаш майдони	Дераза ромларини ўрнатиш		Ойналарга қуёш нури тўсиқларини ўрнатиш		Кириш йўлак-лари ва эшиклар	Талаб этиладиган маблағ	Иссиқлик насослари ва иситиш қозонхонаси қуввати	Ўрнати-ладиган ИИПлар	Фотоэлектр станцияси қуввати	Фанкойл ва иситиш радиа-торлари	Гелио-коллектор (200 л.)	Иссиқлик тармоқ-лари	Ички тизимни тиклаш харажати	Талаб этила-диган маблағ	
				кв.м	*кв.м*	*дона*	*кв.м*	*дона*	*кв.м*	*сони*	*млн.сўм*	*кВт/с*	*дона*	*кВт/с*	*дона*	*дона*	*км*	*млн.сўм*	*млн.сўм*	*млн.сўм*
Жами 2026-2027 йилларда:			**29**	**47 757**	**31 524**	**2 859**	**4 153**	**4 084**	**5 933**	**144**	**54 497**	**7 198**	**29**	**5 038**	**4 020**	**938**	**6,4**	**7 250**	**65 807**	**120 305**
Ғаллаорол тумани Маржонбулоқ маҳалласи			**17**	**17 805**	**17 484**	**1 224**	**2 293**	**1 748**	**3 276**	**76**	**25 233**	**4 066**	**17**	**2 846**	**2 004**	**468**	**3,7**	**4 250**	**35 719**	**60 952**
1	Марварид	9/2	1	2 224	1 872	129	160	184	228	8	2 710	478	1	335	216	50	0,2	250	3 456	6 166
2	Марварид	10/1	1	1 346	1 404	84	188	120	269	6	1 987	372	1	260	168	39	0,2	250	2 824	4 811
3	Марварид	10/2	1	1 346	1 404	84	188	120	269	6	1 987	372	1	260	168	39	0,2	250	2 824	4 811
4	Наврўз	12	1	1 382	1 404	84	188	120	269	6	2 007	319	1	223	144	34	0,2	250	2 508	4 515
5	Наврўз	13	1	880	836	64	80	92	114	4	1 163	239	1	167	108	25	0,2	250	2 033	3 197
6	Наврўз	14	1	476	468	45	101	64	144	2	755	106	1	74	48	11	0,2	250	1 243	1 997
7	Наврўз	15	1	476	468	45	101	64	144	2	755	106	1	74	48	11	0,2	250	1 243	1 997
8	Наврўз	16	1	476	468	45	101	64	144	2	755	106	1	74	48	11	0,2	250	1 243	1 997
9	Гавҳар	18	1	880	836	64	80	92	114	4	1 163	239	1	167	108	25	0,2	250	2 033	3 197
10	Гавҳар	19	1	476	468	45	101	64	144	2	755	106	1	74	48	11	0,2	250	1 243	1 997
11	Гавҳар	20	1	476	468	45	101	64	144	2	755	106	1	74	48	11	0,2	250	1 243	1 997
12	Гавҳар	21	1	476	468	45	101	64	144	2	755	106	1	74	48	11	0,2	250	1 243	1 997
13	Наврўз	22/2	1	1 382	1 404	84	188	120	269	6	2 007	372	1	260	168	39	0,2	250	2 824	4 831
14	Наврўз	23	1	880	836	64	80	92	114	4	1 163	239	1	167	108	25	0,2	250	2 033	3 197
15	Гавҳар	11	1	1 862	1 872	129	160	184	228	8	2 503	478	1	335	216	50	0,2	250	3 456	5 959
16	Гавҳар	17	1	1 382	1 404	84	188	120	269	6	2 007	319	1	223	144	34	0,2	250	2 508	4 515
17	Наврўз	22/1	1	1 382	1 404	84	188	120	269	6	2 007	0,4	1,0	0,3	168	39	0,2	250	1 765	3 772

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Т/р	Кўча номи	Уй рақами	Уйлар сони	Энергия йўқотишларини бартараф қилиш тадбирлари							Барқарор иссиқлик таъминоти ва совитиш билан таъминлаш тадбирлари								Жами талаб этиладиган маблағлар
				Фасадни базальт қопламаси билан қоплаш	Том қисмини изоляция-лаш майдони	Дераза ромларини ўрнатиш		Ойналарга қуёш нури тўсиқларини ўрнатиш		Кириш йўлак-лари ва эшиклар	Талаб этиладиган маблағ	Иссиқлик насослари ва иситиш қозонхонаси қуввати	Ўрнати-ладиган ИИПлар	Фотоэлектр станцияси қуввати	Фанкойл ва иситиш радиа-торлари	Гелио-коллектор (200 л.)	Иссиқлик тармоқ-лари	Ички тизимни тиклаш харажати	Талаб этила-диган маблағ	
Денов тумани Меҳр-Оқибат маҳалласи			**12**	**29 952**	**14 040**	**1 635**	**1 860**	**2 336**	**2 657**	**68**	**29 264**	**3 132**	**12**	**2 192**	**2 016**	**470**	**2,6**	**3 000**	**30 089**	**59 353**
1	Ш.Рашидов	4	1	2 496	1 170	196	318	280	454	6	2 767	247	1	173	168	39	0,2	250	2 467	5 233
2	Ш.Рашидов	6	1	2 496	1 170	196	318	280	454	6	2 767	247	1	173	168	39	0,2	250	2 467	5 233
3	Ш.Рашидов	8	1	2 496	1 170	196	318	280	454	6	2 767	285	1	199	168	39	0,2	250	2 575	5 342
4	Ш.Рашидов	12	1	2 496	1 170	196	91	280	130	6	2 310	285	1	199	168	39	0,2	250	2 575	4 885
5	Ш.Рашидов	16	1	2 496	1 170	196	91	280	130	6	2 310	247	1	173	168	39	0,2	250	2 467	4 777
6	Ш.Рашидов	22	1	2 496	1 170	118	102	168	146	6	2 333	256	1	179	168	39	0,2	250	2 494	4 826
7	Ш.Рашидов	24	1	2 496	1 170	118	113	168	162	6	2 355	247	1	173	168	39	0,2	250	2 467	4 822
8	Ш.Рашидов	26	1	2 496	1 170	118	113	168	162	6	2 355	247	1	173	168	39	0,2	250	2 467	4 822
9	Ш.Рашидов	28	1	2 496	1 170	118	113	168	162	6	2 355	256	1	179	168	39	0,2	250	2 494	4 849
10	Ш.Рашидов	30	1	2 496	1 170	118	102	168	146	6	2 333	285	1	199	168	39	0,2	250	2 575	4 908
11	Ш.Рашидов	32	1	2 496	1 170	34	108	48	154	4	2 341	285	1	199	168	39	0,2	250	2 575	4 916
12	Ш.Рашидов	34	1	2 496	1 170	34	74	48	105	4	2 272	247	1	173	168	39	0,2	250	2 467	4 739

Изоҳлар.

1. Лойиҳа қуввати ҳамда ажратиладиган лимитлар миқдорига тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари натижалари бўйича аниқлик киритилади.

2. Лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Зарур ҳолларда, ажратилган лимит доирасида ушбу рўйхатдаги объектларга Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
3-илова

Ижтимоий соҳа муассасаларини гелиоколлекторлар билан жиҳозлаш МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Ҳудуд номи	2026 йилда			*жумладан,*					
		Гелиоколлекторлар ўрнатиш			умумтаълим мактаблари		спорт муассасалари		тиббиёт муассасалари	
		объект сони	*сони*	*суммаси (млрд сўм)*	*муассаса сони*	*сони*	*муассаса сони*	*сони*	*муассаса сони*	*сони*
	Жами	**3 584**	**8 140**	**80,0**	**497**	**1 896**	**243**	**858**	**2 844**	**5 386**
1	Қорақалпоғистон Республикаси	293	580	5,7	40	127	9	30	244	423
2	Андижон вилояти	341	917	9,0	49	176	39	168	253	573
3	Бухоро вилояти	292	605	5,9	38	132	29	90	225	383
4	Жиззах вилояти	203	405	4,0	20	69	15	37	168	299
5	Қашқадарё вилояти	311	623	6,1	43	139	13	40	255	444
6	Навоий вилояти	194	383	3,8	22	77	13	37	159	269
7	Наманган вилояти	299	612	6,0	39	137	11	36	249	439
8	Самарқанд вилояти	295	1 036	10,2	119	592	15	43	161	401
9	Сурхондарё вилояти	338	744	7,3	26	118	21	88	291	538
10	Сирдарё вилояти	168	362	3,6	13	44	18	81	137	237
11	Тошкент вилояти	252	652	6,4	15	41	28	95	209	516
12	Фарғона вилояти	395	740	7,3	45	154	16	48	334	538
13	Хоразм вилояти	203	481	4,7	28	90	16	65	159	326

Изоҳлар.

1. Ижтимоий соҳа муассасалари манзилли рўйхатлари Энергия самарадорлиги миллий агентлиги томонидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Спорт вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

2. Лойиҳа қуввати ҳамда ажратиладиган лимитлар миқдорига тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари натижалари бўйича аниқлик киритилади.

3. Лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
4-илова

Биноларни “Ноль энергия сарфли бинолар” тамойиллари асосида модернизация қилиш, қайта таъмирлаш ва қуриш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Концепция мамлакатдаги биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ҳамда “Ноль энергия сарфли бинолар” (ZEB) тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва техник асосларини белгилайди.

Концепция давлат ва ижтимоий соҳа муассасалари биноларининг энергия самарадорлигини ошириш, уларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, уларни модернизация қилиш, қайта таъмирлаш ва қуришда энергия сарфини камайтириш (нолга тенглаштириш) тамойилларига асосланган тадбирлар мажмуини қамраб олади.

Концепция Ўзбекистон Республикасининг “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари, қонуности ҳужжатлари, шунингдек, халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган.

2-боб. Асосий тушунчалар

2. Ушбу концепцияда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

актив технологиялар – энергия тежайдиган, интеллектуал бошқариладиган ва экологик барқарор технологиялар комплекси;

ноль энергия сарфли бино туркуми (“ZEB family”) – ноль энергия сарфли бино оиласи бўлиб, унга энергия сарфи нолга яқин бино, ноль энергия сарфига ўтишга тайёр бино, энергия сарфи нолга қаратилган бинолар киради;

ноль энергия сарфли бино (“ZEB”) – бинонинг йил давомидаги энергия сарфи бинода ишлаб чиқариладиган қайта тикланувчи энергия миқдорига тенг ёки ундан кам бўлмаган, энергия самарадорлиги юқори даражадаги бино;

ноль энергия сарфига ўтишга тайёр бино (“ZEB Ready”) – бинода энергия тежайдиган ва юқори самарадорликдаги техник ечимлар жорий этилган, бироқ қайта тикланувчи энергия манбалари тўлиқ ўрнатилмаган ёки қисман мавжуд бўлган ҳамда энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари орқали энергия сарфи 50 фоизга қисқартирилган бино;

пассив технологиялар – бинонинг конструктив элементлари орқали энергия сарфини камайтирувчи қурилма, ускуна ва конструкциялар;

энергия сарфи нолга яқин бино (“NZEB”) – бинонинг энергия самарадорлигини юқори ва энергия самарадор технологиялар тўлиқ жорий этилган, умумий энергия сарфининг камида 75 фоизи қисқартирилган бино;

энергия сарфи нолга қаратилган бино (“ZEB Oriented”) – умумий майдони 10 000 м^{2}дан кам бўлмаган йирик ёки мураккаб объектлар (масалан, мактаблар, шифохоналар, офислар, меҳмонхоналар, савдо марказлари ва бошқалар) учун энергия истеъмолини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар жорий этилган, умумий энергия сарфи камида 30 фоизга қисқартирилган бино.

3. Ноль энергия сарфли бинолар қуйидаги 1-жадвалга асосан туркумланади.

1-жадвал

Даража	Энергия сарфи	Энергия самарадорлиги	Қайта тикланадиган энергия улуши	Ҳолати
“ZEB”	≈ 0 ёки манфий	энг юқори	100% ёки ортиқ	Тўлиқ ноль энергия сарфли бино
“NZEB”	жуда паст	жуда юқори	60–75%	Деярли ноль энергия сарфли бино
“ZEB Ready”	паст	юқори	қисман	ZEB тизимига тайёр бино
“ZEB Oriented”	ўрта	ўрта	кам ёки йўқ	ZEB йўналишидаги бино

3-боб. Жорий ҳолат ва мавжуд муаммолар

4. Ўзбекистонда ижтимоий ва маъмурий биноларнинг катта қисми 1970-1980 йилларда қурилган бўлиб, уларнинг энергия самарадорлиги паст, иссиқлик изоляцияси етарли эмас, ёритиш ва шамоллатиш тизимлари эскирган ёки умуман мавжуд эмас.

Мавжуд биноларнинг ўртача йиллик энергия сарфи бир квадрат метр майдон учун 300–350 кВт·соатни ташкил этади, бу эса халқаро меъёрлардан икки баравар юқори кўрсаткичдир.

Энергия самарадор технологияларни қўллаш, мониторинг тизимларини рақамлаштириш, “яшил” бинолар бўйича техник норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаган, “ZEB” йўналишида мутахассисларни тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизими шаклланмаган, халқаро тажриба билан интеграция суст.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Таҳлилларга кўра мавжуд эски биноларда энергия истеъмоли ва энергия йўқотишлари ҳажмининг юқорилигига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

биноларнинг норматив ва технологик камчиликлар билан қурилгани ва реконструкция қилингани;

иссиқлик сақловчи материалларнинг нотўғри қўлланиши натижасида уларнинг иссиқликни сақлаш хусусиятлари пасайиб кетгани;

иситиш ва ҳавони кондициялаш тизимлари самарадорлигининг пастлиги, вентиляция тизимларининг мавжуд эмаслиги;

олдинги йилларда қурилган биноларнинг техник кўрсаткичлари ҳозирги замон энергия самарадорлиги талабларига жавоб бермаслиги ва бошқалар.

Ҳисоб-китобларга кўра амалдаги энергия истеъмолидаги йўқотишларнинг 60 фоизи биноларни иситиш ва ҳавони нормаллаштириш тизимларида, 11 фоизи иссиқ сув таъминоти тизимларида содир бўлади.

Шу сабабли мавжуд биноларни босқичма-босқич “ZEB”тамойилларига ўтказиш чораларини бошлаш зарур ҳисобланади.

4-боб. Мақсад ва устувор йўналишлар

5. Концепциянинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасида биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш, ноль энергия сарфли бинолар улушини босқичма-босқич кенгайтириш ва “яшил қурилиш” тамойилларини жорий этишдир.

6. Ушбу мақсадга қуйидаги устувор йўналишлар орқали эришилади:

“ZEB” бинолари учун стандартлар ва техник регламент ҳамда сертификатлаш тизимини ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодиётда энергия ресурслари (табиий газ, электр энергияси, сув ва бошқалар) харажатлари ва истеъмолини оптималлаштириш;

“Яшил бино” тамойили асосида қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш;

табиий ёруғлик ва шамоллатишдан максимал даражада фойдаланиш;

қуриш ва таъмирлаш ишларида биноларнинг пол, девор, дераза ва том қисмларининг иссиқлик изоляцияси учун қатъий талабларни жорий қилиш;

“Zero Carbon”га эришиш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш, табиий ресурлардан самарали фойдаланиш;

операцион харажатларни камайтириш орқали объектнинг бозор қийматини ошириш;

биноларнинг энергия бошқарув тизимлари “Building Energy Management System”ни жорий этиш, сенсорли ва автомат тизимларни кўпайтириш.

5-боб. Биноларни “ZEB” тамойиллари асосида қуриш, модернизация қилиш ва қайта таъмирлаш

7. **Бинолар ташқи қисмининг барча конструктив элементларида иссиқлик изоляциясини яхшилаш** – бунда фундамент, фасад, том (шифт) ва пол қопламалари, шунингдек, дераза ва эшикларда юқори сифатли изоляция материалларини қўллаш ҳисобидан биноларнинг иссиқлик йўқотишлари кўрсаткичлари минимумга келтирилади.

8. **Пассив технологияларни қўллаш орқали биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш –** бунда замонавий технологияларни қўллаш ҳисобидан бинонинг энергия сарфи истеъмоли камайтирилади ҳамда бинонинг асосий тузилиш элементлари орқали иссиқлик ва ёруғлик билан табиий таъминланиш даражаси оширилади.

9. **Актив технологиялардан кенг фойдаланиш** – бунда биноларни янгидан қуриш ёки мавжудларини таъмирлашда (реконструкция қилишда) энергия тежайдиган, интеллектуал бошқариладиган ва экологик барқарор технологиялардан комплекс равишда фойдаланиш лозим. Актив технологиялар бинонинг энергия истеъмол қилувчи муҳандислик тизимларининг юқори самарадорлик асосида ишлашини таъминлайди.

10. **Иситиш, вентиляция ва кондиционерлашда** (“HVAC”) **юқори самарали тизимлардан фойдаланиш** (“HVAC”) – бунда иситиш, вентиляция ва кондиционерлаш (“HVAC”) тизимлари замонавий, кам энергия истеъмол қиладиган ва юқори самарадорлик коэффициентига (“COP – Coefficiyent of Performance”) эга бўлиши лозим. Қуриладиган марказий ёки локал иситиш, совитиш қурилмаларининг “COP” кўрсаткичи 3.0 дан кам бўлмаслиги лозим.

Бундан ташқари, вентиляция тизимларида иссиқликни тикловчи қурилмалар (рекуператорлар) мажбурий ўрнатилади, улар чиқинди ҳаводан иссиқликни олиб, ташқаридан кирган тоза ҳавога ўтказади ва иситиш/совитиш энергиясини тежашга хизмат қилади.

11. **Табиий шамоллатиш ва ёруғликдан фойдаланиш** – лойиҳалаштириш босқичида бинонинг табиий шамоллатиш ва ёруғлик билан таъминланиши ҳисобга олиниши керак. Бу ёруғлик учун фойдаланиладиган электр энергиясини камайтиришга ва биноларнинг ички қисмида визуал қулайликни оширишга хизмат қилади.

12. **Ичимлик сув ва оқова сув таъминоти тизими** – ичимлик сув ва оқова сув таъминотини алоҳида (автоном) бўлишига устунлик берилади. Бунда ёмғир сувларидан ва бинода фойдаланилган сувларни бир жойга йиғиш, сувларни қайта ишлашга мўлжалланган қурилмалар орқали механик ва кимёвий тозалаш технологияларидан ўтказиш ҳамда қайта ишланган сувни техник сув сифатида иккиламчи санузел ва суғоришга узатиш тизими жорий этилиши мумкин.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

13. **Энергия тежайдиган ёритиш тизимлари** – барча ички ва ташқи ёритиш тизимлари LED технологиялари асосида қурилиши лозим. Ёритиш тизими ҳарорат ва ҳаракат сезгичлари билан жиҳозланган автоматик бошқарув тизимига эга бўлиши лозим. Бу хоналарда одам йўқлигида ёруғликни автоматик ўчириб қўйиш ёки табиий ёруғлик етарли бўлган ҳудудларда сунъий ёруғликни пасайтириш орқали энергия тежашни таъминлайди.

14. **Бинонинг энергетика бошқаруви тизими (BEMS)** – бинонинг барча энергетика оқимларини бошқариш ва мониторинг қилиш учун "Бино энергетика бошқаруви тизими"нинг (BEMS – Building Energy Management System) жорий этилиши, ушбу тизим реал вақт режимида электр, иссиқлик, совитиш ва сув истеъмолини кузатиб, маълумотларни таҳлил қилиб боради.

15. **Инверторли бошқарув** – бинода қўлланадиган электр двигателли қурилмалар (лифтлар, насослар, вентиляторлар, совитиш компрессорлари) инверторли бошқарув билан таъминлашиш лозим. Инвертор юкламага қараб, двигатель тезлигини ва шу билан бирга энергия истеъмолини бошқаради, бу анъанавий "ўчириш/ёқиш" принципига қараганда энергия ресурсларини 30-50 фоизгача тежаш имконини беради.

16. **Қайта тикланувчи энергия манбаларининг жорий этилиши** – бинонинг энергия талабини қисман ёки тўлиқ қоплаш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш йўлга қўйилади.

17. **Қуёш фотоэлектр станцияси** (қуёш панели) – бинонинг том ёки юқори қаватларида, шунингдек қурилиш майдончасида қуёш панели ўрнатилади. Ушбу тизим бинонинг умумий йиллик электр энергияси талабининг 100 фоизгача қисмини қоплайдиган қувватларда лойиҳалаштирилиши ва қурилиши лозим.

18. **Электр сақловчи аккумлятор қувватларини ўрнатиш** – бинога ўрнатиладиган қуёш панели ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбалари қувватларидан келиб чиқиб, аккумляторларни ўрнатиш электр энергиясини узлуксизлигини таъминлашга ёрдам беради.

19. **Геотермал ва қуёш иссиқлик тизимлари** – лойиҳанинг иқтисодий ва геологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилган ҳолда, иссиқлик манбаи сифатида ерости иссиқлигидан фойдаланадиган геотермал насослар ёки иссиқ сув таъминоти учун қуёш коллекторлари тизимларини жорий этиш тавсия этилади.

20. **Энергия балансининг ҳисоби** – бинонинг энергия истеъмоли ва ишлаб чиқарилиши (масалан, қуёш панели томонидан) йиллик асосда ҳисоб-китоб қилинади.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

21. **Доимий мониторинг ва оптималлаштириш** – бунда бинонинг энергия истеъмоли “BEMS” тизими орқали олинган маълумотлар асосида доимий мониторинг қилинади ва меъёрдан ошиб кетиш ҳолатлари (аномалиялар) аниқланганда, истеъмолни камайтириш чоралари кўрилади. Тизим орқали ишлаш параметрлари мунтазам равишда оптималлаштирилади.

22. **Эксплуатация** – бинонинг бутун фойдаланиш давомида унинг самарадорлигини таъминлаш учун қатъий эксплуатация қоидалари белгиланиши шарт.

23. **Ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш** – “ZEB” лойиҳаларининг кўрсаткичлари Энергия самарадорлиги миллий агентлигида (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил қилинган “Ситуацион марказ” да шакллантирилиб борилади ҳамда мониторинги юритилади.

“ZEB” лойиҳаларида “IoT”, сунъий интеллект (“AI”) технологияларини татбиқ этиш механизмлари ишлаб чиқилади ҳамда энергия самарадорлиги маданиятини ошириш мақсадида ахборот-таълим компаниялари ва жамоатчилик билан ишлаш дастурлари йўлга қўйилади.

6-боб. Кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ривожлантириш

24. Агентлик томонидан “ZEB” соҳасида фаолият юритувчи муҳандис, энергетик ва аудитор мутахассислар учун малака ошириш ва сертификатлаш тизими жорий қилинади.

Халқаро ташкилотлар (JICA, ADB ва бошқалар) билан ҳамкорликда малака ошириш дастурлари амалга оширилади.

7-боб. Биноларга “ZEB” концепцияларини жорий этиш босқичлари

25. Қуйидагилар биноларга “ZEB” концепцияларини жорий этиш босқичлари ҳисобланади:

қисқа муддатли – 2026–2027 йилларда “ZEB” объекти ва нормативларни қабул қилиш;

ўрта муддатли – 2028–2030 йилларда давлат биноларида “ZEB Ready” тоифасини мажбурий жорий этиш;

узоқ муддатли – 2031–2040 йилларда янги бинолар учун ZEB/NZEB тоифасини мажбурий қоидалар сифатида жорий этиш.

26. 2026 йилда 33 та туман (шаҳар)да биттадан ижтимоий соҳа муассасаси биноларини “ZEB” тамойилларига асосланган ҳолда модернизация қилиш бошланади.

Бунинг натижасида:

биноларнинг энергия самарадорлиги кўрсаткичлари 30-35 фоизга оширилади, табиий газ сарфини 100 фоизгача тежаш имкониятлари ҳамда қурилиш соҳасида “Ноль энергия сарфли бинолар” (“ZEB”) тизимини жорий этиш кўникмаси яратилади;

энергия самарадорлиги йўналишида 50 нафардан ортиқ “ZEB” мутахассислари тайёрланади.

8-боб. Мониторинг ва баҳолаш

27. Концепциянинг амалга оширилиши Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади ва мониторинг қилинади.

28. Мониторинг қуйидаги индикаторлар асосида амалга оширилади:

“ZEB”объектларининг йиллик жойлашуви ва сони;

энергия сарфининг ўртача камайиш даражаси;

қайта тикланувчи энергия улуши;

тайёрланган мутахассислар сони;

иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

29. Ҳар йил якунида Концепция ижроси бўйича йиллик эришиладиган натижалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилади.

30. Мониторинг ҳисоботлари асосида ҳар йили “ZEB” биноларини ривожлантириш бўйича йиллик ҳисобот” эълон қилинади ҳамда очиқ манбаларда (Агентлик веб-сайтида) жойлаштирилади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

31. Қуйидагилар Концепция ижросини таъминлаш учун масъул органлар этиб белгиланади:

Агентлик;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
5-илова

“Ноль энергия сарфли бинолар” концепцияси асосида модернизация қилинадиган ижтимоий соҳа муассасалари ва бошқа муассасаларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Туман/шаҳар номи	Объект номи	Объект қуввати		Лойиҳа қиймати (млн сўмда)
			Ўлчов бирлиги	миқдори	
Жами 2026-2027 йилларда		**33 та**	**x**	**x**	**182 700**
1.	Қўнғирот тумани	17-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси	ўрин	180	10 000,0
2.	Чимбой тумани	22-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси	ўрин	140	7 000,0
3.	Асака тумани	19-сон оилавий поликлиника биноси	қатнов	50	2 800,0
4.	Шаҳрихон тумани	Оилавий шифокорлик пункти биноси	қатнов	75	4 000,0
5.	Ғиждувон тумани	1-сон оилавий поликлиника биноси	қатнов	100	5 800,0
6.	Шофиркон тумани	Спорт мактаби биноси	ўрин	120	6 000,0
7.	Ғаллаорол тумани	11-сон оилавий поликлиникаси биноси	қатнов	100	5 800,0
8.	Зафаробод тумани	Спорт мактаби биноси	объект	1	6 400,0
9.	Қамаши тумани	50-сон оилавий поликлиника биноси	қатнов	100	5 800,0
10.	Яккабоғ тумани	Кўп тармоқли марказий поликлиниканинг 2-сон филиали биноси	қатнов	100	5 800,0
11.	Нурота тумани	Нурота болалар поликлиникаси биноси	объект	1	5 800,0
12.	Хатирчи тумани	6-сон оилавий поликлиника биноси	қатнов	150	6 900,0
13.	Косонсой тумани	“Дўстлик” оилавий шифокорлик пункти биноси	қатнов	50	3 100,0
14.	Норин тумани	19-сон оилавий поликлиника биноси	қатнов	100	5 800,0
15.	Булунғур тумани	“Баркамол авлод” болалар мактаби биноси	ўрин	320	5 700,0
16.	Иштихон тумани	Сузиш ҳавзаси биноси	ўрин	300	11 800,0

Т/р	Туман/шаҳар номи	Объект номи	Объект қуввати		Лойиҳа қиймати (млн сўмда)
			Ўлчов бирлиги	миқдори	
17.	Пайариқ тумани	Кўпаки оилавий шифокорлик пункти биноси	қатнов	50	3 100,0
18.	Каттақўрғон тумани	Зарафшон оилавий поликлиника биноси	қатнов	100	5 000,0
19.	Денов тумани	1-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси	ўрин	140	7 000,0
20.	Музрабод тумани	12-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси	ўрин	90	4 100,0
21.	Қизириқ тумани	40-сон оилавий поликлиника биноси	қатнов	100	5 800,0
22.	Сардоба тумани	Ш.Рашидов оилавий шифокорлик пункти биноси	қатнов	50	3 100,0
23.	Сирдарё тумани	11-сон оилавий поликлиника пункти биноси	қатнов	110	2 200,0
24.	Марғилон шаҳри	3-сон оилавий поликлиника биноси	қатнов	50	2 800,0
25.	Ўзбекистон тумани	Шакаробод оилавий шифокорлик пункти биноси	қатнов	50	3 100,0
26.	Қува тумани	8-сон оилавий поликлиника биноси	қатнов	100	5 800,0
27.	Ёзёвон тумани	9-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси	ўрин	90	4 100,0
28.	Шовот тумани	14-сон оилавий поликлиника пункти биноси	қатнов	100	2 200,0
29.	Янгиариқ тумани	60-сон оилавий поликлиника пункти биноси	қатнов	50	2 200,0
30.	Бўка тумани	Й.Хожиметов оилавий шифокорлик пункти биноси	қатнов	436	3 100,0
31.	Чиноз тумани	С.Раҳимов оилавий шифокорлик пункти биноси	қатнов	40	2 600,0
32.	Чирчиқ шаҳри	11-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси	ўрин	360	14 000,0
33.	Янгийўл шаҳри	9-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси	ўрин	360	14 000,0

Изоҳлар.

1. “Ноль энергия сарфли бинолар”га айлантириладиган ижтимоий соҳа объектлари учун талаб этиладиган маблағларга лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилади.

2. Зарур ҳолларда, ушбу рўйхатдаги объектларга Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
6-илова

Марказлашган маблағлар ҳисобидан давлат ташкилотлари, шу жумладан, ижтимоий соҳа муассасалари биноларини қуриш, реконструкция (модернизация) қилиш ва мукаммал таъмирлашда энергия самарадорлиги бўйича
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлашда лойиҳа ҳужжатлари таркибида “Энергия самарадорлиги” бўлими киритилиши шарт.

Ушбу бўлим лойиҳанинг умумий энергия самарадорлиги кўрсаткичларини акс эттирган ҳолда, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланиш босқичида лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилади.

Бунда объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари билан биргаликда қуйидаги халқаро талаблар ва нормалар асосида лойиҳа ечимлари қўлланади:

Муқобил энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланишда:

лойиҳа объекти биноларининг истеъмол қиладиган электр энергияси сарфининг камида 50-60 фоизини қоплашга етадиган қуёш панелларини ўрнатиш;

объект учун талаб қилинадиган иссиқ сув таъминотининг камида 60 фоизини қоплашга етадиган қувватларда гелиоколлекторлар билан жиҳозлаш.

Иситиш ва совитиш тизими бўйича:

иситишда иссиқлик насослари ва фанкойллар ҳамда иссиқ пол ҳамда иссиқ девор тизимларидан фойдаланиш;

иссиқлик тизимларини иссиқлик энергияси манбаига фақатгина олдиндан изоляцияланган қувурлар (ППУ) орқали улаш ва ҳар бир тизимда энергия сақловчи “буффер танк” (буфер бак) ўрнатиш;

совитиш тизимида полга, деворга ва шифтга ўрнатиладиган фанкойллардан фойдаланиш;

хоналарни ҳароратни меъёрда сақлаб туриш ва сунъий иқлим яратишни таъминловчи диспетчерлашган “ақлли тизим”лар ва датчиклар билан жиҳозлаш.

Эшик ва ромлар ҳамда қуёшдан ҳимояланиш бўйича:

биноларнинг ташқи дераза ромларини ўрнатишда 2 камерали (3 қават ойнали) ҳамда шамоллатиш учун оғма очиладиган форточкали энергия тежамкор поливинилхлорид профилларидан (PVC) фойдаланиш;

бинога кириш йўлакларига қатъий равишда “тамбур-вестибюллар” ўрнатиш ҳамда ёпувчи механизмлар билан жиҳозланган, ички томонидан иссиқлик изоляцияланган ҳамда герметик берк ташқи эшиклар ўрнатиш;

ташқи ойналарга қуёш нурини тик бурчак остида кесиш учун ташқи жалюзилар ўрнатиш.

Иссиқлик ҳимоя қатламлари бўйича:

ташқи девор қисмини шамоллатиладиган фасад конструкцияси билан қоплаш, бунда фасад конструкцияси тагида зичлиги 50 кг/м3гача ва қалинлиги 100 миллиметрдан кам бўлмаган базальт ҳамда шамол ва намликдан сақловчи мембрана қопламаси билан қоплаш;

пойдевор қисмини совуқдан, намликдан, музлашдан сақлаш учун ташқи томонидан экструдланган пенополистирол (XPS) қопламаси билан қоплаш;

биринчи қават (ерга яқин қават) пол қисмини экструдланган пенополистирол (XPS) плиталар билан иссиқлик изоляция қилиш;

том қисмини экструдланган пенополистирол (XPS) плиталар билан қоплаб, иссиқлик изоляция қилиш.

Конструктив ечимлардан фойдаланишда:

биноларнинг конструктив ҳолати бўйича лойиҳа ечимлари амалдаги шаҳарсозлик ҳамда қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-сон
Вазирлар Маҳкамасининг **544-модда**
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
7-илова

“Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастури доирасида энергия самарадорлиги тамойиллари асосида модернизация ва реконструкция қилинадиган ижтимоий соҳа муассасаларининг
МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

млн сўм

Т/р	Ҳудудлар номи	Маҳалла номи	Муассаса номи	Қуввати		Лойиҳа қиймати
				ўлчов бирлиги	*миқдори*	
Туман (шаҳар)лар бўйича жами			**Жами объектлар (26 та)**	**x**	**x**	**157 390**
			Умумтаълим мактаблари (13 та)	**ўқув ўрин**	**7 062**	**90 700**
			Мактабгача таълим ташкилотлари (12 та)	**ўрин**	**2 090**	**62 490**
			Тиббиёт муассасаси (1 та)	**койка**	**100**	**4 200**
Андижон вилояти						
1	Шаҳрихон тумани	Дўлан	54-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	644	5 950
Бухоро вилояти						
2	Шофиркон тумани	Гулистон	21-сон мактабгача таълим ташкилоти	ўрин	140	3 100
Жиззах вилояти						
3	Зафаробод тумани	Самарқанд	Туман марказий шифохонаси	койка	100	4 200
4	Зафаробод тумани	Самарқанд	18-сон умумтаълим мактаби (мукаммал таъмирлаш ва 240 ўринли қўшимча бино қуриш)	ўқув ўрин	400	10 550
Қашқадарё вилояти						
5	Яккабоғ тумани	Боғзор	23-сон мактабгача таълим ташкилоти	ўрин	300	1 500
6	Қамаши тумани	Чим	4-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	640	9 000
Навоий вилояти						
7	Нурота тумани	Оқмачит	20-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	417	8 000
8	Нурота тумани	Эшон Судур	42-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	240	5 000

T/p	Ҳудудлар номи	Маҳалла номи	Муассаса номи	Қуввати		Лойиҳа қиймати
				ўлчов бирлиги	*миқдори*	
9	Нурота тумани	Нуробод	90 ўринли янги мактабгача таълим ташкилотини қуриш	ўрин	90	2 500
Наманган вилояти						
10	Косонсой тумани	Тагижар	41-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	320	5 000
11	Норин тумани	Хўжаобод	27-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	824	5 000
12	Норин тумани	Юқори Чўжа	10-сон мактабгача таълим ташкилоти	ўрин	110	3 500
13	Норин тумани	Янги Наманган	13-сон мактабгача таълим ташкилоти ўрнида янги 330 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриш	ўрин	330	12 800
Самарқанд вилояти						
14	Иштихон тумани	Ўзбекистон	12-сон мактабгача таълим ташкилоти	ўрин	100	5 000
15	Каттақўрғон тумани	Ёдгорхўжа	5-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	1 041	10 000
16	Пайариқ тумани	Фаровон	2-сон мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш ва 90 ўринли қўшимча бино қуриш	ўрин	140	7 000
Сурхондарё вилояти						
17	Қизириқ тумани	Янгиҳаёт	8-сон мактабгача таълим ташкилоти	ўрин	160	6 000
18	Музрабод тумани	Янгидиёр	45-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	476	5 000
Сирдарё вилояти						
19	Сардоба тумани	Қуйитош	1-сон мактабгача таълим ташкилоти	ўрин	140	8 000
Фарғона вилояти						
20	Ёзёвон тумани	Қорасоқол	4-сон мактабгача таълим ташкилотига қўшимча 120 ўринли бино қуриш ва мавжуд биноларни таъмирлаш	ўрин	220	5 290
21	Ўзбекистон тумани	Шўрқишлоқ	46-сон мактабгача таълим ташкилоти	ўрин	180	5 000
Хоразм вилояти						
22	Янгиариқ тумани	Янгиариқ	36-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	540	8 000

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Т/р	Ҳудудлар номи	Маҳалла номи	Муассаса номи	Қуввати		Лойиҳа қиймати
				ўлчов бирлиги	*миқдори*	
Тошкент вилояти						
23	Бўка тумани	Жағайбайли	3-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	940	8 000
24	Чирчиқ шаҳри	Ишонч	2-сон мактабгача таълим ташкилоти	ўрин	180	2 800
25	Чирчиқ шаҳри	Ишонч	25-сон умумтаълим мактаби	ўқув ўрин	360	3 200
26	Янгийўл шаҳри	Олтин Обод	Тошкент вилояти ихтисослаштирилган маданият мактаби (бино ва ётоқхонаси)	ўқув ўрин	220	8 000

Изоҳ.

Лойиҳа қуввати ҳамда ажратиладиган лимитлар миқдорига тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари натижалари бўйича аниқлик киритилади.

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-сон
Вазирлар Маҳкамасининг **544-модда**
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
8-илова

Ижтимоий соҳа муассасалари, иқтисодиёт тармоқлари, кўп квартирали уйлар ва аҳоли хонадонларида энергия самарадорлигини ошириш
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Мақсадлар ва чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш ҳажми ва манбаи	Масъуллар
1	Алоҳида ҳудудларни энергия самарадор ҳудудларга айлантириш бўйича дастлабки режа-кўрсаткичларни белгилаш ва амалга ошириш.	Ҳудудларни энергия самарадор ҳудудга айлантириш бўйича дастлабки режа-кўрсаткичларни белгилаш ва амалга ошириш, бунда: энергия самарадорлиги ошириладиган ижтимоий соҳа муассасалари, давлат ташкилотлари, давлат иштирокидаги корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли хонадонларининг дастлабки режа-кўрсаткичларини шакллантириш, ҳудудий ҳокимликларга етказиш; ҳудудий ҳокимликлар томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу дастлабки режа-кўрсаткичлар амалга оширилишини таъминлаш.	2026 йил давомида	Тегишлилиги бўйича давлат ташкилотлари, давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўз маблағлари, кредитлар ва аҳолига бериладиган субсидиялар	Энергия самарадорлиги миллий агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, танланган туман (шаҳар) ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар
2	Бино ва иншоотлар қурилишида энергия самарадорлиги талабларини такомиллаштириш.	1. Марказлашган маблағлар ҳисобидан қурилиш, реконструкция (модернизация) қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган барча давлат идоралари ва ижтимоий соҳа муассасалари лойиҳаларини давлат экспертизасидан ўтказишда энергия самарадорлигининг минимал талаблари қатъий инобатга олинишини таъминлаш. 2. Амалдаги миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, энергия самарадорлиги талаблари асосида такомиллаштириш. 3. Давлат дастурлари учун тайёрланган намунавий лойиҳаларни энергия самарадорлигининг минимал талабларидан келиб чиқиб, тўлиқ қайта кўриб чиқиш.	Бир ой муддатда 2026 йил 1 августга қадар Доимий	Маблағ талаб этилмайди	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

Т/р	Мақсадлар ва чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш ҳажми ва манбаи	Масъуллар
		4. Бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш ҳамда қуришда энергия самарадорлигини ошириш йўналишида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ходимлари малакасини ошириб бориш.			
3	Энергия аудити хизматини ва энергия самарадор қурилмаларга техник хизмат кўрсатишни кенгайтириш.	1. Ҳар бир ҳудудда энергия аудити хизматини ва энергия самарадор қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида 10 тадан номзодлар ўқитилишини ташкил этиш. Бунда: соҳага қизиқиши мавжуд, ушбу йўналишларда дастлабки билимларга эга бўлган номзодлар рўйхатини шакллантириш; номзодларнинг энергия аудиторлик ва энергия самарадорлигини ошириш курсларида иштирокини таъминлаш; курсларни самарали тамомлаган номзодларни сертификатлаш ва энергия аудиторлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш. 2. Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёт қисмлари сотувини кенгайтириш. 3. Ҳудудларда энергия аудиторлар фаолиятини ташкил этиш ва энергия аудитдан ўтказиш ишларини кенгайтириш.	2026-2027 йиллар давомида	Талабгорларнинг ўз маблағлари, ҳомийлик ҳайриялари ва бошқа грант маблағлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги
4	Тунги ёритиш тизимларини энергия тежамкор ёритиш тизимларига ўтказиш ва модернизация қилиш.	1. Туман(шаҳар)даги тунги ёритиш тизимларининг энергия ресурслари сарфини таҳлил қилиш, энергия тежамкорлигини ошириш имкониятларини ўрганиб чиқиш ҳамда тунги ёритиш тизимларининг энергия самарадорлиги ошириладиган кўчаларнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш. 2. Дастурни энергия тежашдан даромад олиш механизмлари асосида хусусий секторни жалб қилган ҳолда амалга ошириш.	2026 йилдан бошлаб ҳар йили 1 июлга қадар 2026–2027 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Дастурда белгиланган маблағлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

T/p	Maqsadlar va chora-tadbirlar	Amalga oshirish mexanizmlari	Bajarish muddatlari	Moliyalashtirish hajmi va manbai	Masъullar
5	Toshkent va Sirdarё viloyatlarida joylashgan, energiya sarfi yuqori 2 ta nasos stansiyalarida ESKO mexanizmlari asosida tajriba-sinov loyihalarini amalga oshirish.	1. “UzESCO” kompaniyasi tomonidan energiya auditorlarni jalb etgan holda nasos stansiyalarida batafsil energiya auditini ўtkazish. 2. Energiya audit hulosasi asosida energiya samaradorligini oshirish echimlarini inobatga olgan loyiha modellarini ishlab chiqish. 3. Loyiha modellari asosida modernizasiya ishlarini amalga oshirish. Bunda sarflangan mablaglar energiya servis shartnomalariga asosan nasos stansiyalarini modernizasiya qilish natijasida tejaladigan energiya resurslari hisobidan qaytariladi.	2026 yil iyul График asosida	“UzESCO” kompaniyasi, Energiya samaradorligini rag‘batlantirish va qўllab-quvvatlash jamg‘armasi mablaglari, kredit va grantlar	Energiya samaradorligi milliy agentligi, Suv xўjaligi vazirligi, Iqtisodiёt va moliya vazirligi, “Xududiy elektr tarmoqlari” AJ, “UzESCO” kompaniyasi
6	Energiya samaradorligi tadbirlari uchun Ўzbekiston Respublikasi Davlat bюdjetidan ajratiladigan mablaglarning samaradorligini oshirish.	1. Dastlabki bosqichlarda ichimlik suvi taъminoti tizimlarida eskirgan suv nasoslarining energiya samaradorligini oshirish hamda issiqlik taъminoti korxonalarining qozonxona jihozlari va issiqlik tarmoqlarining energiya samaradorligini oshirish tadbirlari uchun Davlat bюdjetidan ajratiladigan mablaglarni Agentlikning Energiya samaradorligini rag‘batlantirish va qўllab-quvvatlash jamg‘armasi orqali yўnaltirish. 2. Ushbu mablaglarni energiya audити hulosalalari asosida ustuvor ravishda resurs istetъmoli yuqori bўlgan qurilma va jihozlarni yangilash, soxalarning energiya samaradorligini oshirish hamda xizmatlar bilan qamrovni kengaytirish tadbirlarigа yўnaltirish. 3. 2027 yildan boshlab: Agentlik sўrovigа asosan har yilgi Davlat bюdjeti parametrlarini shakllantirishda soxalar va tarmoqlarda energiya samaradorligini oshirish tadbirlari uchun talab etiladigan mablaglarni kўzda tutib borish;	2026 yil iyul 2026 yil davomida 2027 yildan boshlab	Hisob-kitoblar asosida davlat dasturlari va Hukumat qarorlari asosida ajratiladigan mablaglar	Iqtisodiёt va moliya vazirligi, Energiya samaradorligi milliy agentligi, manfaatdor vazirlik va idoralar

T/p	Мақсадлар ва чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш ҳажми ва манбаи	Масъуллар
		босқичма-босқич энергия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар учун бошқа соҳаларга ажратиладиган бюджет маблағларини Агентлик орқали йўналтиришни ташкил этиш.			
7	Ижтимоий соҳа ва бошқа муассасалар биноларида “Ноль энергия сарфли бинолар” концепцияси асосида амалга ошириладиган модернизация лойиҳаларининг молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш.	1. “Ноль энергия сарфли бинолар” концепцияси асосида амалга ошириладиган модернизация лойиҳалари учун талаб қилинадиган маблағлар “UzESCO” компаниясига режалаштирилишини таъминлаш. 2. Лойиҳалар бўйича буюртмачи этиб Энергия самарадорлиги миллий агентлиги муассислигидаги “UzESCO” компаниясини белгилаш ҳамда унга буюртмачилик вазифасини бажаришда қўшимча малакали мутахассисларни шартнома асосида жалб этишга рухсат бериш.	2026 йил июль 2026 йил июль	Давлат бюджети, халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари маблағлари, Энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари учун ажратилган маблағлар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги
8	Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасида жорий қилинган “энергия менежери” фаолиятини самарали ташкил этишга кўмаклашиш.	1. “Энергия менежери” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, ҳокимликлар фаолиятини ташкил этиш бўйича вақтинча тартибда инобатга олиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Вилоят, туман(шаҳар) ҳокимликлари ҳамда вазирлик ва идоралардаги энергия менежерларининг салоҳиятини мунтазам ошириб, уларнинг самарали фаолият кўрсатишларига кўмаклашиб бориш.	Бир ой муддатда 2026 йил давомида	Маблағ талаб этилмайди	Энергия самарадорлиги миллий агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
9	Битта туман мисолида “Янги Ўзбекистон” массивларини “яшил”, энергия самарадор, ресурс тежамкор ва “ақлли” шаҳар тамойиллари асосида такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш.	Хорижий консультантлар ва мутахассилар билан ҳамкорликда битта туман мисолида “Янги Ўзбекистон” массивларини “яшил”, энергия самарадор, ресурс тежамкор ва “ақлли” шаҳар тамойиллари асосида такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш.	2026 йил давомида	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 3 июндаги 277-сон қарорига
9-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида” 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 3-илованинг рус тилидаги матни номи “Агентство миграции при Кабинете Министров Республики Узбекистан” сўзларидан кейин “Национальное агентство по энергоэффективности при Кабинете Министров Республики Узбекистан” сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Яшил истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 29 сентябрдаги 517-сон қарорида:

а) 5-банддаги “Энергетика вазирлиги” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги “ҳамда Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Ж. Т. Мирзамахмудов” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 1-иловада:

34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. Энергия самарадорлиги миллий агентлиги ҳар чоракда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига компенсация ажратиш учун сарфланган маблағлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади”;

1-илованинг номидаги “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси” сўзлари “Энергия самарадорлиги миллий агентлигининг Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Энергия самарадорлиги миллий агентлигининг Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан “яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш учун компенсация олиш тўғрисида

БУЮРТМА

20__ йил _____

Буюртма берувчи: _____ банки

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Буюртмани қабул қилувчи: Энергия самарадорлиги миллий агентлигининг Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Компенсация суммаси: _____

Ҳисобварақ: _____

“Яшил” истеъмол кредити ажратилган мижозлар рўйхати илова қилинмоқда.

Буюртма берувчи:

_____ банки

Бошқарув раиси

_____ Ф.И.О.”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 2 майдаги 292-сон қарорида:

а) қуйидаги мазмундаги 5^1-банд билан тўлдирилсин:

“ $5.^1$ Ҳудудларда энергия самарадорлигини ошириш ва энергия ресурсларини тежаш, энергия самарадор қурилма ва ускуналар жорий этилишини жадаллаштириш борасида ҳудудий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шунингдек, энергия самарадорлиги лойиҳаларини шакллантириш бўйича Агентлик бошқарув ходимлари доирасида ташкил этиладиган лойиҳа офислари 3 та ходимдан, шу жумладан, 1 та лойиҳа офиси раҳбари ва 2 та бош мутахассисдан иборат бўлим сифатида шакллантирилади.

Бунда лойиҳа офиси раҳбари ва мутахассислари иш ҳақи шартларига кўра мос тарзда Агентликнинг бўлим бошлиғи ва бош мутахассисига тенглаштирилади.”;

б) 2-илованинг 34-банди учинчи хатбошисидаги “Давлат ташкилотида ва давлат иштирокидаги ташкилотларида” сўзлари “Агентлик ходимларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 6-бандида:

“а” кичик банддаги “ҳисобга олинган ҳолда” сўзлари “ҳамда кўп йиллик хизмат қилганлик учун устама миқдори ҳисобга олинган ҳолда” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банд чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 майдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган 2025-2026 йилларда энергия самарадорлиги лойиҳалари амалга ошириладиган ижтимоий соҳа ташкилотларининг манзилли дастурида:

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

Дастурнинг умумий қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Т/р	Объект номи	Лойиҳа қуввати		2026 йилда фойдаланишга топшириладиган объект (қуввати)	Шу жумладан			Объектнинг умумий қиймати
		ўлчов бирлиги	миқдори		янги қурилиш	реконструкция	мукаммал таъмирлаш	
	Жами							393 975
	Шу жумладан							
	умумтаълим мактаблари (20 та)	ўқув ўрни	17 048	17 048		900	16 508	226 690
		спорт зал (12x24)	17	17			17	
	мактабгача таълим ташкилотлари (23 та)	ўрин	4 425	4 425	540	310	3 575	80 506
	тиббиёт объектлари (15 та)	ўрин	75	75			75	84 679
		қатнов	6 285	6 285		1850	4 435	
	маъмурий бинолар (2 та)	объект	2	2	2			6 100

”.

’

бешинчи устундаги “2025” рақами “2026” рақами билан алмаштирилсин;

4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

4.	Темирйўл маҳалласидаги 22-сон МТТ биносини мукаммал таъмирлаш	ўрин	180	180			180	1 500

”.

’

9-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

9.	“Бобур” МФЙдаги 56-сон умумтаълим мактаб биносини реконструкция килиш	ўқув ўрни	900	900		900		21 000
		спорт зали	1	1			1	

”.

’

13-позиция чиқариб ташлансин;

14-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

14.	Ғовшун маҳалласидаги 61-сон оилавий поликлиника биносини реконструкция килиш	ўрин						4 420
		қатнов	100	100		100		

”.

’

қуйидаги мазмундаги 21[1]-позиция билан тўлдирилсин:

“

	Қамаши тумани							35 000
21[1]	Қамаши тумани тиббиёт бирлашмаси биноларини реконструкция қилиш	Ўрин	350	350		350		35 000
		Қатнов	1 350	1 350		1 350		

”.

’

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

23-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

23.	Парахун маҳалласидаги 5-сон МТТ биносини реконструкция қилиш	ўрин	180	180		180		2 880

”.

25-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

25.	Дамарик маҳалласидаги 3-сон МТТ биносини реконструкция қилиш	ўрин	130	130		130		4 000

”.

32-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

32.	Улуғбек маҳалласидаги 34-сон умумтаълим мактаби биносини мукаммал таъмирлаш	ўқув ўрин	240	240			240	5 000

”.

35-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

35.	Пахтакор маҳалласидаги 6-сон МТТ биносини мукаммал таъмирлаш	ўрин	140	140			140	1 100

”.

39-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

39.	Нурли манзил маҳалласидаги 27-сон МТТ биносини мукаммал таъмирлаш	ўрин	140	140			140	4 700

”.

55 ва 56-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

55.	Пахтакор маҳалласидаги 7-сон МТТ биносини мукаммал таъмирлаш	ўрин	140	140			140	1 100
56.	Пахтакор маҳалласидаги 15-сон МТТ биносини мукаммал таъмирлаш	ўрин	150	150			150	4 550

”.

58 ва 59-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

58.	Бектемир тумани Мусаффо маҳалласидаги 346-сон умумтаълим мактабининг бўш ер майдонига янги 180 ўринли МТТ биносини қуриш	ўрин	180	180	180			5 400
59.	Учтепа тумани Зарафшон маҳалласидаги 312-сон умумтаълим мактабининг бўш ер майдонига янги 360 ўринли МТТ биносини қуриш	ўрин	360	360	360			5 500

”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Энергия сервис хизматлари бозорини шакллантириш ҳамда аҳоли уй-жойларининг энергия самарадорлиги оширилишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 24 октябрдаги 673-сон қарорида:

а) 1-иловада:

қуйидаги таҳрирдаги 21^1-банд билан тўлдирилсин:

“21^1. Қуйидаги ҳолларда энергия аудиторларининг Платформада иштирок этишларига 10 кунгача муддатга чеклов ўрнатилиши мумкин:

аҳолига кўрсатилган энергия аудити хизмати ва (ёки) белгиланган тартибда имзоланган шартномалар бўйича Агентликка талабгорлар томонидан камида 3 маротаба расмий ёзма мурожаат (шикоят) келиб тушганда;

Платформада тузилган энергия аудити шартномасига кўра энергия аудитини ўтказиш ва хулосани Платформага юклаш муддати бир ой давомида 3 ва ундан кўп маротаба кечиктирилганда”;

б) 2-иловада:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“6. Сертификат олиш учун талабгорлар қуйидаги малака талабларига жавоб бериши шарт:

ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлиши;

энергия аудити, энергетика менежменти (ISO 50001 ва ISO 50002 халқаро стандартлари) талаблари бўйича назарий билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлиши;

бино ва иншоотлар ҳамда якка тартибдаги аҳоли уй-жойлари учун 48 соат, саноат корхоналари талабгорлари учун 144 соатлик ўқув-модуль асосида шакллантирилган махсус ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ҳамда имтиҳондан ўтган бўлиши.”;

24-бандниng тўртинчи хатбошиси “ижтимоий соҳа объектларининг” сўзларидан кейин “ва давлат энергетика реестрига киритилган субъектларнинг” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 26^1-26^5-бандлар билан тўлдирилсин:

“26^1. Реестрга киритилган энергия аудиторларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг энергия аудити соҳасида тажриба ва касбий кўникмаларини, шартномавий мажбуриятлар лозим даражада ва белгиланган муддатларда бажарилишини инобатга олган ҳолда, платформада баллар асосида автоматик равишда баҳоланади ва рейтинги юритилади.

26^2. Қуйидаги мезонлар асосида энергия аудиторларининг рейтинги юритилади:

QMMB: 09/26/277/0562-son
04.06.2026-y.

бино ва иншоотларни энергия аудитидан ўтказиш учун энергия аудиторлик малака сертификати мавжудлиги: мавжуд бўлса 10 балл, бўлмаса 0 балл;

саноат корхоналарини энергия аудитидан ўтказиш учун энергия аудиторлик сертификати мавжудлиги: мавжуд бўлса 10 балл, бўлмаса 0 балл;

энергия аудити ва энергия менежменти соҳасида олинган бошқа сертификатлар (ISO 50001, ISO 50002 ва ISO 14001 халқаро стандартлари ва бошқалар): ҳар бир сертификат учун 1 балл, агар мавжуд бўлмаса 0 балл;

энергия аудити соҳасида олинган хорижий сертификатлар: ҳар бир сертификат учун 1 балл, агар мавжуд бўлмаса 0 балл;

қонунчиликда белгиланган минимал талаблар асосида тайёрланган энергия аудити ҳисоботнинг мавжудлиги: мавжуд бўлса 10 балл, бўлмаса 0 балл;

энергия аудиторнинг қурилиш, муҳандислик ёки энергетика соҳасида олий маълумотга ва илмий даражага эгалиги:

бакалавр – 1 балл;

магистр – 2 балл;

PhD (фалсафа доктори) ёки DSc (фан доктори) – 3 балл.

Бунда энергия аудитори томонидан шартномавий мажбуриятларнинг лозим даражада ва белгиланган муддатларда бажарилишини бир ойда камида 3 маротаба кечиктириш ёки бажармаслик умумий тўпланган балларнинг 10 баллга тушишига олиб келади ҳамда ушбу пастлатилган рейтинг 3 ой давомида сақланиб қолинади.

26^3. Энергия аудиторларининг рейтинг маълумотлари Платформада очиқ тарзда акс эттирилади ва доимий янгилаб турилади.

26^4. Энергия аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар рейтинг баллари корхонадаги мавжуд энергия аудиторлари балларининг ўртача қиймати билан шакллантирилади.

26^5. Энергия аудиторларининг рейтинг натижалари энергия аудити хизматларини талабгорлар (буюртмачилар) томонидан танлашда ахборот сифатида фойдаланилади”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/280/0553-son
03.06.2026-y.

22 (1250)-son
545-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 3 » iyun № 280 Toshkent sh.

Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон халқининг уч минг йилдан зиёд давлатчилик тарихининг ажралмас қисми бўлган ҳарбий тарих, буюк саркардаларнинг юксак ҳарбий маҳорати, миллий Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши ва ривожланиш босқичлари, шунингдек, Янги Ўзбекистонда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларни халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган авлод ва дунё жамоатчилигига танитиш ва тарғиб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги, Маданий мерос агентлиги ва Фанлар академияси Тарих институтининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейини **Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейи** (кейинги ўринларда – музей) этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. **Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейини ташкил этиш концепти ва тематик-экспозицион режасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Фанлар академияси Тарих институти ва Ўзбекистон Бадиий академияси билан биргаликда:

музей экспозицияларини юксак ғоявий-бадиий савияда яратиш учун энг истеъдодли ва маҳоратли ижодкорлар ҳамда мутахассисларни жалб этсин;

музейнинг умумий кўриниши ва меъморий тузилиши миллий услуб ҳамда анъаналарга мос бўлишини, экспозициялар жаҳондаги илғор тажрибаларни ўзида мужассам этишини таъминласин;

музей экспозициялари ва композицияларини таъсирчан, интерактив усуллар, инновацион технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда яратсин;

музей экспонатлари орқали мамлакатимиз ҳарбий тарихи ва меросини ҳаққоний ёритишга, ҳарбий хизматнинг жозибадорлигини ҳамда ёшларнинг ҳарбий касбга қизиқишини оширишга, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратсин;

музейда аҳолининг мамлакатимиз ҳарбий санъати тарихи ва миллий армиямизнинг бугунги куч-қудрати ва салоҳияти билан яқиндан танишиши, илмий изланишлар олиб бориши, кўргазмалар, оммавий-маданий тадбирлар ҳамда ижодий учрашувлар ўтказиши учун барча шароитлар яратсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Маданий мерос агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейини ташкил этиш концепти ва тематик-экспозицион режасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган музейни ташкил этиш концепти ва тарихий хронологик тартибдаги тематик-экспозицион режасини тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги билан биргаликда музей фондида сақланаётган экспонатларни Миллий музей фондининг Давлат каталогига киритиш ишларини амалга оширсин.

4. Музейнинг мавжуд биносини **реконструкция қилиш, ҳудудини ободонлаштириш ва жиҳозлаш** ишларини амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Ягона буюртмачи хизмати” – буюртмачи этиб;

режалаштирилган лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланиши;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Сафарбарлик чақирув резерви маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши;

қурилиш-монтаж ишлари бўйича музей қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ижобий экспертиза хулосалари олингандан сўнг белгилансин.

5. Музей бўйича белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ва экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси қурилиш-монтаж ишларида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини ўрнатсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги музей экспонатларини сақлаш тартиб-қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб боради;

музейнинг маъмурий-бошқарув ходимлари, шунингдек, ижодий ходимлар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларига кўра Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган давлат музейларининг мос келувчи ходимларига тенглаштирилади;

музей биносини сақлаш, жиҳозлаш ҳамда унинг фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Мудофаа вазирлигига ушбу мақсадлар учун ҳар йили ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари доирасида, Мудофаа вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, музей томонидан пулли хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги Фанлар академияси Тарих институти билан биргаликда музей фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Мудофаа вазирлиги билан биргаликда музей экспозициясини бойитиш мақсадида хорижий мамлакатларда сақланаётган Ўзбекистон ҳарбий тарихига оид экспонатлар ва ҳужжатларни ёки уларнинг фотосурати ва нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш чораларини кўрсин;

музейга хорижий давлатлар музейлари ва халқаро ташкилотлар билан илмий ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги **уч ой муддатда**:

а) музейнинг янги ташкилий-штат тузилмаси ҳамда Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейи тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин;

б) Рақамли технологиялар вазирлиги ва Маданият вазирлиги билан биргаликда:

музейни белгиланган тартибда телекоммуникация ва юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини таъминласин;

музейга кириш чипталарининг онлайн савдосини ташкил этсин;

музей экспонатларини юқори сифатли 3 D сканерлаш ва фотограмметрия орқали рақамли нусхаларга айлантириш, барча экспонатлар бўйича ягона электрон реестрни яратиш ва музей ички маълумотлар базаси билан интеграция қилиш чораларини кўрсин;

сунъий интеллект асосида музей экспонатлари ҳақида автоматик изоҳ, мультипликацияли тақдимот ўтказиш ва индивидуал таржима қилиш бўйича интеллектуал аудиогид, хорижий тилларда онлайн гид, музейга электрон саёҳат платформалари, 360° виртуал турлар, рақамли архивлар, онлайн экскурсия ва кўргазмалар ўтказиш тизимини жорий этсин;

QMMB: 09/26/280/0553-son
03.06.2026-y.

музейда сенсорли панеллар, мультимедиа инсталляциялари, AR/VR технологиялари асосида жозибадор музей экспозицияларини, голографик намойишлар, рақамли макетлар ва интерактив тажриба зоналарини ташкил этсин;

ҳарбий техника, тарихий воқеалар ва махсус операцияларни виртуал муҳитда симуляция қилиш имкониятини яратсин;

музейнинг замонавий сайтини яратсин ҳамда унда музей фаолияти билан боғлиқ маълумотлар бериб борилишини йўлга қўйсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси билан биргаликда музейни туризм йўналишлари рўйхатига киритсин ҳамда унга ички ва ташқи сайёҳларни кенг жалб этиш чораларини кўрсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда музейга таълим муассасалари талабалари, ўқувчи-ёшларнинг мунтазам ташрифларини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Ш.Г. Халмухамедов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/280/0553-son
03.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “3” июндаги 280-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейини ташкил этиш концепти ва тематик-экспозицион режасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби

1.	Ш.Г. Халмухамедов	–	мудофаа вазири, *ишчи гуруҳи раҳбари*
2.	Х.А. Каршиев	–	мудофаа вазири ўринбосари, *ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари*
3.	Б.М. Ахмедов	–	маданият вазирининг биринчи ўринбосари
4.	Б.Г. Абдикаримов	–	Маданий мерос агентлиги директори
5.	Б.А. Абдуҳалимов	–	Фанлар академияси вице-президенти
6.	У.М. Юсупов	–	“Ўзархив” агентлиги директори
7.	О.А. Хасанов	–	Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари
8.	А.Ҳ. Зиё	–	Фанлар академияси Тарих институти директори
9.	А.В. Нуридинов	–	Ўзбекистон Бадиий академияси раиси
10.	О.А. Усаров	–	мудофаа вазири маслаҳатчиси
11.	Э.Г. Раджапов	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги
12.	Ш.Н. Юсупов	–	Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси бошлиғи
13.	Ж.Ҳ. Исмоилова	–	Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори
14.	Х.Т.Файзиев	–	Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи директори
15.	И.М. Валихўжаев	–	Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси
16.	Ш.Р. Пидаев	–	Фанлар академияси Санъатшунослик институти директори
17.	Х.Х. Холматов	–	“Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамияти раиси
18.	Б.В. Хасанов	–	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори
19.	Ф.А. Мақсудов	–	Фанлар академияси Миллий археология маркази директори
20.	А.А. Эргашев	–	Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маданият департаменти бошлиғи, *ишчи гуруҳи котиби*

Изоҳ:

1. *Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

2. *Ишчи гуруҳи раҳбари заруратга кўра ишчи гуруҳи таркибига бошқа мутахассисларни жалб қилиши мумкин.*

QMMB: 09/26/280/0553-son
03.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “3” июндаги 280-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейи фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2010 йил 25 мартдаги 54-сон қарорининг 2, 3, 6, 7, 8, 9-бандлари ва иловаси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган музейлари, уларнинг филиал ва бўлимлари рўйхатининг “Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган музейлар” бўлими 7-позициясидаги “Қуролли Кучлар тарихи давлат музейи” сўзлари “Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейи” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маданият департаменти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 24 июндаги 356-сон қарорида:

а) 1-бандниng тўртинчи хатбошисида “Қуролли Кучлар давлат музейи” сўзлари “Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейи” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандниng учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “Қуролли Кучлар давлат музейи” сўзлари “Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейи” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованиng 15-позициясида “Қуролли Кучлар давлат музейи” сўзлари “Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейи” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

6-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Департамент ва унинг бўйсунувидаги бўлинмалар томонидан ташкил этиладиган театр ва концерт томоша намойишларига, Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейига кириш чипталарини сотиш, шартнома асосида театр, концерт-томоша ва бошқа оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ҳамда бошқа пулли хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар”;

QMMB: 09/26/280/0553-son
03.06.2026-y.

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Департамент ва унинг бўйсунувидаги бўлинмалар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш, улар томонидан ташкил этиладиган театр ва концерт-томоша намойишларига, Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи давлат музейига кириш учун чипта нархи, тўгарак ва ўқув курслари учун тўловлар, Департамент ва унинг бўйсунувидаги бўлинмаларга тегишли ҳудудда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўтказиладиган тадбирлар, шунингдек, шартнома асосида театр, концерт-томоша ва бошқа оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ҳамда бошқа пулли хизматлар кўрсатиш учун тарифлар Ўзбекистон Республикасида кўрсатиладиган ўхшаш хизматлар учун белгиланган ўртача нархларни қўллаган ҳолда шакллантирилади.”;

9-бандниng “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) 25 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда – Департамент ва унинг бўйсунувидаги бўлинмаларнинг ҳарбий хизматчилари, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчиларини моддий рағбатлантириш учун.”;

д) 3-илованиng 1-банди чиқариб ташлансин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-son
546-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 3 » iyun № 282 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг устави ҳамда ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзоларини саралаш ва тасдиқлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз илм-фан соҳасининг истиқболли илмий йўналишлари бўйича илмий-техник ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, илмий ишланмаларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг устави ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзоларини танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом **1 ва 2-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин:

Фанлар академиясининг асосий вазифалари ва функциялари, илмий тадқиқотларни таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш босқичлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Фанлар академиясининг Умумий йиғилиши ваколатларини белгилаш, Умумий йиғилишда академиклар фаоллигини ошириш;

Фанлар академияси аъзолигига сайлаш ва илмий ташкилотлар директорлигига номзодларни тайинлаш тартибини белгилаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.А. Аюпов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 3 ” июндаги 282-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг УСТАВИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг (кейинги ўринларда – Фанлар академияси) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, Фанлар академияси аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Фанлар академияси мамлакатнинг илм-фан, техника, маданият ва маърифат соҳаларида фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни (кейинги ўринларда – илмий тадқиқотлар) мувофиқлаштирувчи ва амалга оширувчи етакчи давлат илмий ташкилоти ҳисобланади.

3. Фанлар академияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Уставга амал қилади.

4. Фанлар академиясининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ ўзини ўзи бошқариш ва такомиллаштириш тамойиллари асосида амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Фанлар академияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнидаги долзарб ва устувор муаммоларни ҳал этишда қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

6. Фанлар академияси, унинг Қорақалпоғистон минтақавий бўлими (кейинги ўринларда – минтақавий бўлим), вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлимлар), илмий ташкилотлари ва тизимидаги ташкилотлар (кейинги ўринларда – тизим ташкилотлари) ўзининг уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

7. Фанлар академияси ўз тизим ташкилотлари мол-мулкларига, улар томонидан яратилган интеллектуал мулк объектларига (илмий-тадқиқот ишлари натижалари, “ноу-хау”лар, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, уруғчилик, дастурий маҳсулотлар ва шу кабиларга) белгиланган тартибда эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Бунда мазкур фаолият билан боғлиқ маълумотлар Фанлар академияси томонидан доимий равишда юритиладиган маълумотлар базасида акс эттирилади ҳамда ундан тадқиқотлар ўтказиладиган илмий ташкилотлар фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

8. Фанлар академияси ўз тизим ташкилотларига юкланган функциялар ва вазифаларнинг самарали бажарилиши учун масъул ҳисобланади.

9. Фанлар академияси ўз фаолияти бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили ҳисобот беради.

10. Фанлар академияси, унинг тизим ташкилотлари юридик шахс ҳисобланади ҳамда ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ташкилот номи ёзилган муҳрга, бошқа зарур муҳр ва штампларга, банк ҳисобварақларига, жумладан, валюта ҳисобварағига эга бўлади.

11. Фанлар академиясининг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 100047.

12. Фанлар академиясининг расмий номи:

давлат тилида – O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi;

рус тилида – Академия наук Республики Узбекистан;

инглиз тилида – Uzbekistan Academy of Sciences.

2-боб. Фанлар академиясининг асосий вазифалари ва функциялари

13. Фанлар академиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

физика-математика, техника, табиий, тиббиёт ва биотехнология, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-гуманитар илм-фан соҳаларида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш;

илм-фанни таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, илм-фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишлари, давлат илмий дастурларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика иқтисодиёти учун жаҳон ва мамлакат илм-фан ютуқларидан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатларнинг илмий ташкилотлари ва жамғармалари билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, халқаро грантларни жалб қилиш, халқаро илмий форум ва анжуманларни ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш;

мамлакатимиз илм-фани, илмий салоҳияти, фан-техника соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб қилиш ва оммалаштириш;

илмий ташкилотларда фаолият юритиш жозибадорлигини ошириш орқали ёш кадрлар оқимини таъминлаш ҳамда юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашда иштирок этиш.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

14. Фанлар академияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) физика-математика, техника, табиий, тиббиёт ва биотехнология, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-гуманитар илм-фан соҳаларида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича:

илм-фан, техника ва инновацион ривожланиш соҳасида илмий лойиҳаларни амалга оширишни ўз ваколати доирасида таъминлайди;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги илмий лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда иштирок этади;

давлат ва жамиятни ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник, маданий-маърифий ва маънавий-ахлоқий ривожлантиришга йўналтирилган физика-математика, техника, табиий, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказади, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқади;

илмий фаолият субъектлари учун илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказлари, ноёб илмий объектлардан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тарзда фойдаланиш билан боғлиқ зарур шарт-шароитлар яратади;

тадқиқотчилар ва илмий тадқиқот ўтказаётган жамоаларнинг илмий асарларини тезкорлик билан эълон қилиш мақсадида ноширлик фаолиятини амалга оширади, Фанлар академиясининг даврий нашрларини тайёрлаш ва чоп этиш ишларини таъминлайди. Фанлар академиясининг даврий нашрлари таҳририяти таркибига хорижий олимларни жалб этади ва уларнинг фаолиятини ташкил этади;

Фанлар академияси, унинг тизим ташкилотлари, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари, шунингдек, тизим ташкилотларида илмий ходимлар ва мутахассисларнинг самарали фаолиятини таъминлайди, илмий тадқиқотларни ташкил этади ва ўтказади;

б) илм-фанни таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича:

иқтисодиётнинг жадал ўсиб бораётган йўналишларида **“олий таълим ташкилоти – илмий ташкилот – корхона”** ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва такомиллаштиради;

Фанлар академияси, унинг тизим ташкилотлари турдош олий таълим ва тармоқ илмий ташкилотлари билан олимларнинг авлод алмашинуви узвийлигини, шунингдек, илмий ташкилотлар учун ёш мутахассислар тайёрлашда ҳамкорликни таъминлайди;

Фанлар академиясининг академиклари ва етакчи олимлари томонидан соҳавий олий таълим ташкилотларида маъруза машғулотлари ўтказилишини, фан доктори илмий даражаси (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) талабгорларига ҳамда магистрларнинг илмий ишларига раҳбарликни таъминлайди;

Фанлар академиясининг илмий ташкилотлари ва олий таълим ташкилотларининг факультетлари базасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказадиган идоралараро илмий-тадқиқот лабораториялари ва марказларини ташкил этади;

давлат музейлари ва кўргазмалар, инновацион ва (ёки) илмий-технологик тузилмаларни (технопарклар, инновацион марказлар, инновацион кластерлар ва бошқалар) ташкил этишда ва уларнинг фаолиятини илмий-услубий қўллаб-қувватлашда иштирок этади;

илм-фаннинг моддий-техник базаси ва ижтимоий таъминотини ривожлантиришга, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, интеграция механизмларини такомиллаштиришга, илм-фаннинг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланишга доир таклифларни юқори ташкилотларга киритишда ташаббус кўрсатади ва уларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади;

в) республика иқтисодиёти учун илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, давлат илмий дастурларини шакллантириш учун таклифлар ишлаб чиқиш бўйича:

истиқболли илмий тадқиқотларнинг давлат ва бошқа илмий-техник дастурларини;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларини (илмий-услубий экспертиза ва дастурларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш бўйича);

илмий ташкилотларнинг илмий тадқиқотлари ва инновацион фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ва белгиланган тартибда жалб этилган бюджетдан ташқари манбаларидан молиялаштиришнинг самарали механизмларини;

Фанлар академияси илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, улар асосида юзага келиши мумкин бўлган технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

г) республика иқтисодиёти учун жаҳон ва мамлакат илм-фан ютуқларидан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича:

жаҳон илм-фани ва технология ютуқларини умумлаштиради, улардан фойдаланишни тавсия этади, илмий ташкилотлар фаолиятига хорижий ҳамда ички инвестициялар жалб этилишида иштирок этади, шунингдек, улардан оқилона фойдаланилишини таъминлайди;

Фанлар академиясида яратилган ихтироларни ва бошқа интеллектуал мулк объектлари ўз вақтида патентланишида, шу жумладан, халқаро патентлар олишда кўмаклашади, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ улардан ўз фаолиятида фойдаланади ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди. Тижорат сирини ташкил этувчи “ноу-хау” ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш учун тегишли чораларни кўради;

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашади;

мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган илм-фан ютуқларини ва илмий ҳажмдор технологияларни амалиётга қўллашга доир самарали таклифларни ишлаб чиқади ва тегишли ташкилотларга киритади;

д) хорижий давлатларнинг илмий ташкилотлари ва жамғармалари билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, халқаро грантларни жалб қилиш, халқаро илмий форум ва анжуманларни ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш бўйича:

хорижий мамлакатлар илмий ташкилотлари ва таълим ташкилотлари билан халқаро илмий-техник ҳамкорликнинг самарали шакллари ҳамда йўналишларини, жумладан, ҳамкорликда илмий лойиҳаларни амалга оширади;

илмий кадрларнинг, шу жумладан, Фанлар академияси илмий ташкилотлари ёш олимларининг хориждаги етакчи илмий ва таълим ташкилотларида ўқишини ва малакасини оширишни ташкил этишда кўмаклашади;

хорижий илмий ташкилот ва олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар учун хорижий ташкилотлар ҳамда жамғармаларнинг халқаро илмий грантларини жалб этади;

долзарб илмий-техник муаммолар ҳамда буюк мутафаккирлар, машҳур илм-фан ва адабиёт арбоблари шарафига бағишланган халқаро илмий, илмий-техник конгресслар, конференциялар, симпозиумлар, семинарларни ташкил этиш ва ўтказишда, шунингдек, халқаро илмий журналларнинг таҳрир ҳайъатлари ишларида иштирок этади;

Фанлар академияси ўз фаолиятини амалга ошириш учун турли вақтинча ёки доимий комиссиялар, жумладан, илмий фаолият этикаси бўйича комиссия, архив комиссияси ва бошқаларни ташкил этади;

е) мамлакатимиз илм-фани, илмий салоҳияти, фан-техника соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб қилиш ва оммалаштириш бўйича:

мамлакатимиз ва жаҳоннинг илмий ютуқлари, шунингдек, мутафаккир аждодларимизнинг цивилизацияга қўшган бой илмий меросини оммалаштириш орқали илмий билимларни тарғиб қилади;

Фанлар академиясининг таниқли олимлар шарафига ва уларнинг номи билан аталувчи мукофотларни таъсис этиш бўйича белгиланган тартибда юқори ташкилотларга таклифлар киритади ва бу мукофотларни юксак илмий ва илмий-техник ютуқларга эришган олимлар ҳамда ижодий жамоаларга беради;

илмий-тадқиқотлар ишларининг энг муҳим йўналишлари бўйича илмий кенгашлар, жамиятлар ва бошқа бирлашмаларни ташкил этади, уларнинг самарали ишлашини таъминлайди ҳамда илм-фанни ривожлантиришда уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланади;

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Фанлар академияси олимларининг илмий ютуқларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб боради;

ж) илмий ташкилотларда фаолият юритиш жозибадорлигини ошириш орқали ёш кадрлар оқимини таъминлаш ҳамда юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашда иштирок этиш бўйича:

илм-фан ва таълимнинг жамият ҳаётидаги нуфузи ҳамда аҳамиятини ошириш, олимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, илмий ходимларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир тадбирларни амалга оширади;

Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техник базасидан фойдаланган ҳолда, илмий-тадқиқотлар ишларини ташкил этиш ва ўтказишга фан тармоқлари бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда тармоқ илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотларига кўмаклашади;

Фанлар академияси ҳузуридаги Ёш олимлар кенгаши фаолиятини тубдан такомиллаштиради ва уларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқади.

3-боб. Фанлар академиясининг Умумий йиғилиши

15. Фанлар академиясининг Умумий йиғилиши (кейинги ўринларда – Умумий йиғилиш) унинг юқори бошқарув органи ҳисобланиб, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзоларидан ҳамда илмий ташкилотлар директорларидан иборат бўлади.

16. Умумий йиғилиш илм-фан ривожланишининг энг муҳим масалалари ва Фанлар академияси фаолиятини кўриб чиқиш учун Фанлар академияси Президиуми томонидан йилига камида бир марта чақирилади.

Умумий йиғилиш Фанлар академияси Президиуми қарори ёки Умумий йиғилиш аъзоларининг камида учдан бир қисмининг мурожаати, шунингдек, фан йўналишлари бўлимларининг таклифига кўра улар тавсия этган масалаларни муҳокама қилиш учун ҳам чақирилиши мумкин.

17. Умумий йиғилиш:

илм-фанни ривожлантиришнинг устувор ва истиқболли йўналишларини муҳокама қилади ҳамда улар бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқади ва қабул қилади;

овоз бериш орқали Фанлар академияси президенти, Биринчи вице-президенти – бош илмий котиб ва вице-президентларни беш йил муддатга сайлайди, шунингдек, ушбу Уставга мувофиқ уларни лавозимидан озод этиш бўйича Фанлар академияси Президиумига таклифлар беради;

Фанлар академиясининг уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

Фанлар академиясининг хорижий ва фахрий аъзоларини очиқ овоз бериш йўли билан сайлайди;

Фанлар академиясининг йиллик ҳисоботини муҳокама қилади ва тасдиқлайди;

Фанлар академияси президенти, Биринчи вице-президенти – бош илмий котиб, вице-президентлари ва Фанлар академиясининг минтақавий ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари раҳбарлари (раислари)нинг йиллик ҳисоботларини муҳокама қилади ва тасдиқлайди;

илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича етакчи олимларнинг маърузаларини эшитади, муҳокама қилади, тегишли тавсиялар беради;

илм-фан соҳасидаги долзарб илмий-ташкилий масалаларни муҳокама қилади;

илмий ташкилотларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади;

зарурат бўлганда, Фанлар академияси фаолиятига дахлдор бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқади.

18. Умумий йиғилиш аъзоларининг камида учдан икки қисми мажлисда қатнашганда ва қарор қабул қилиш учун йиғилишда қатнашганларнинг учдан икки қисми овоз берган тақдирда, Умумий йиғилиш ваколатли бўлади ва унинг қарорлари қабул қилинган ҳисобланади.

19. Умумий йиғилиш қарорларини бажариш Фанлар академияси, унинг тизим ташкилотлари, Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари ва ходимлари учун тавсия этилади.

4-боб. Фанлар академиясининг таркиби

20. Фанлар академияси фаолияти илмий-тармоқ ва ҳудудий тамойиллар бўйича ташкил этилади.

21. Фанлар академияси ўз ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари, фахрий ва хорижий аъзолари, шунингдек, тизим ташкилотларида хизмат қилувчи илмий ходимлари ва мутахассисларини бирлаштиради.

22. Фанлар академияси таркибига қуйидагилар киради:

бошқарув аппарати;

минтақавий ва ҳудудий бўлимлар;

илмий ташкилотлар;

Фанлар академиясининг ташкилий тузилмасига кирувчи бошқа ташкилотлар.

23. Фанлар академиясининг ташкилий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Фанлар академияси президенти зарурат бўлганда, Фанлар академияси бошқарув аппаратининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиши мумкин.

24. Фанлар академияси Президиуми Фанлар академияси фаолиятини тезкор бошқарувчи коллегиал орган ҳисобланади.

Фанлар академияси Президиуми таркибига Фанлар академияси президенти, Биринчи вице-президенти – бош илмий котиб, вице-президентлар, минтақавий ва ҳудудий бўлим раҳбарлари (Наманган, Самарқанд ва Термиз шаҳарларидаги ҳудудий бўлимлар раҳбарлари бундан мустасно), Фанлар академияси бошқарув аппаратидаги фан йўналишлари бўйича бўлимлар (кейинги ўринларда – фан бўлимлари) бошлиқлари, шунингдек, илм-фан йўналишларидан жамоатчилик асосида таклиф этилган академиклар, мухбир аъзолар киради.

Фанлар академияси Президиуми таркиби Умумий йиғилиш томонидан беш йил муддатга очиқ овоз бериш йўли билан тасдиқланади.

Фанлар академияси Президиуми фан бўлимлари орқали илмий ташкилотларни бошқаради.

Фан бўлимига бевосита Фанлар академияси Президиуми аъзоси ҳисобланган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлим бошлиғи тегишли илмий йўналишда фаолият кўрсатаётган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари орасидан беш йил муддатга очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Фан бўлимлари ўз тизимидаги илмий ташкилотлар фаолиятини кўриб чиқади ва ҳар томонлама таҳлил қилади, уларнинг фаолият йўналишлари, илмий, инновацион ва ташкилий фаолияти даражаси ва самарадорлигини муҳокама ва таҳлил қилади, йиллик ҳисоботларни тасдиқлайди.

Фан бўлимлари мазкур таҳлиллар асосида илмий ташкилотларнинг самарали фаолиятига тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммоларни аниқлайди, янги илмий ташкилотларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади ва Фанлар академияси Президиумига Умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун таклифлар киритади.

Фанлар академияси Президиуми ўз қарори билан фан бўлимлари ҳузурида жамоатчилик асосида Ҳайъат (кейинги ўринларда – Ҳайъат) тузади. Ҳайъат ҳар ойда бир мартадан кам бўлмаган йиғилишларни ўтказади, унинг ишига кўрилаётган масалага тегишли ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолар, соҳа ва олий таълим ташкилотларидан йирик мутахассислар таклиф этилади.

Ҳайъат тегишли вице-президент билан келишилган ҳолда, мавжуд бўлган илмий йўналишларнинг энг муҳим илмий ва илмий-ташкилий муаммоларини кўриб чиқиши учун мажлислар ташкил этади. Мажлис якунлари бўйича ҳисобот Фанлар академияси Президиумига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

25. Фанлар академияси оператив бошқариш ишларини амалга оширувчи маслаҳат органи –илмий ташкилотлари директорларининг кенгашини (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этади. Кенгаш фаолияти Президиум томонидан тасдиқланадиган низом асосида белгиланади.

Кенгаш раиси бир йил муддатга Кенгаш аъзолари томонидан очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

26. Фанлар академияси Биринчи вице-президенти – бош илмий котиб ва вице-президентлари ҳузурида Фанлар академиясининг экспертлари ва юқори малакали мутахассисларидан иборат комиссиялар тузиши мумкин.

5-боб. Фанлар академиясининг минтақавий бўлими ва ҳудудий бўлимлари

27. Фанлар академиясининг минтақавий бўлими ва ҳудудий бўлимлари ҳудудларда фан ва илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш мақсадида тузилади.

28. Минтақавий бўлим ва ҳудудий бўлимларга бўлим раҳбари (раиси), унинг ўринбосари ва илмий котиби раҳбарлик қилади.

Минтақавий бўлим ва ҳудудий бўлимлар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва илмий котиблари Фанлар академияси президенти томонидан беш йил муддатга лавозимга тайинланади. Бунда Қорақалпоғистон минтақавий бўлими раиси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади.

Минтақавий бўлим ва ҳудудий бўлимлар раҳбарлари (раислари) (Наманган, Самарқанд ва Термиз шаҳарларидаги ҳудудий бўлимлар бундан мустасно) мақомига кўра Фанлар академияси вице-президентига тенглаштирилади.

Минтақавий бўлим ва ҳудудий бўлимлар раҳбарлари (раислари) Умумий йиғилиш қарорлари ҳамда Фанлар академияси президентининг буйруқлари бажарилишини таъминлайди.

Минтақавий бўлим ва ҳудудий бўлимлар ўз фаолиятини ушбу Устав ва Фанлар академияси Президиуми томонидан тасдиқланган Қорақалпоғистон минтақавий бўлими ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлар тўғрисидаги низомларга мувофиқ амалга оширади.

29. Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш фаолияти унинг илмий ташкилотларида амалга оширилади.

6-боб. Фанлар академияси аъзолигига номзодларни сайлаш тартиби

30. Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига 60 ёшгача бўлган фан докторлари орасидан фанни салмоқли илмий ишлари билан бойитган, мамлакат иқтисодиёти ва салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган таниқли олимлар сайланади.

31. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) жаҳон андозалари даражасидаги илмий ишлари билан танилган, илмий жамоатчилик тан олган илмий мактаб яратган, илмий ютуқлари мамлакат интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшган ва Ўзбекистонда илмий фаолият юритадиган Фанлар академиясининг мухбир аъзоларидан сайланади.

32. Илмий ихтисосликлар бўйича эълон қилинадиган ўринлар рўйхати Фанлар академиясининг тегишли фан бўлимларида илмий жамоатчиликнинг кенг муҳокамаси орқали шакллантирилади ва Фанлар академияси Президиуми томонидан тасдиқланади.

Фанлар академияси фан бўлимларида илмий семинарлар ташкил этилади, унда мухбир аъзолигига ва ҳақиқий аъзолигига номзодлар ҳақиқий аъзолар иштирокида тақдимотлар ўтказадилар.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодлар саралаш босқичи ва илмий маъруза баҳолари асосида фан йўналишлари бўйича бўлимлар томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади ва улар Умумий йиғилиш муҳокамасига тавсия этилади. Фанлар академияси ҳақиқий аъзоларини сайлашда мухбир аъзолар иштирок этмайди.

33. Эълон қилинган илмий соҳалар бўйича Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи Фанлар академиясининг тизим ташкилотларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ва тармоқ илмий ташкилотларининг илмий ёки илмий-техник кенгашларига берилади.

34. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодлар минтақавий бўлим ва ҳудудий бўлимлар, Фанлар академияси ҳамда олий таълим ва тармоқ илмий ташкилотлари илмий (илмий-техник) кенгаш йиғилишларида ҳар бир номзод бўйича яширин овоз бериш йўли билан тавсия этилади. Сайловда кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этиши керак. Илмий кенгаш йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилигининг овозини олган номзод аъзоликка кўрсатилган ҳисобланади.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларини тақдим этган ташкилот белгиланган тартибда Фанлар академияси илмий кадрлар бўлимига йўлланма хати ва номзод бўйича баённома нусхасини, кўрсатилган номзоднинг шахсий маълумотномаси, (таржимаи ҳоли) илмий ва илмий-ташкилий фаолияти акс этган ҳужжатларни тақдим этади.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларни Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари ҳам тавсия этиши мумкин.

Фанлар академиясининг аъзолигига сайлов тегишли фан бўлимларида ўтказилади.

Бўлим ўз ваколатлари доирасида Фанлар академиясининг аъзоларини сайлашни ташкил қилиб, талабгорларни тавсифловчи қўшимча ҳужжатлар билан танишади ҳамда номзодларнинг илмий ва ташкилий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклар) ва мухбир аъзолари яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Овоз беришда ҳақиқий аъзоликка (академикликка) фақат ҳақиқий аъзолар (академиклар) мухбир аъзоликка эса ҳақиқий аъзолар (академиклар) ва мухбир аъзолар иштирок этади.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Сайланган номзодлар тўғрисидаги бўлим қарори Умумий йиғилишда аъзоларнинг кўпчилиги очиқ овоз бериши билан тасдиқланади.

Фанлар академиясининг хорижий аъзолари илмий ютуқлари жаҳон илм-фан ривожига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси илм-фани, иқтисодиёти ва маданияти ривожига ижобий таъсир кўрсатган, халқаро ҳамкорлик, тинчлик, барқарорлик ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга салмоқли ҳисса қўшган хорижий фуқаролар орасидан сайланади.

Фанлар академиясининг фахрий аъзолигига касбий фаолияти орқали мамлакатимиз илм-фани, маданияти, таълими, маданий қадриятлари, ижтимоий-иқтисодий ўсишига фаол кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий фуқаролари сайланади.

35. Фанлар академиясининг хорижий аъзолари ва фахрий аъзолари очиқ овоз бериш йўли билан Умумий йиғилишда ҳозир бўлган аъзоларнинг кўпчилик овози билан сайланади ва Фанлар академияси Президиуми томонидан тасдиқланади.

36. Фанлар академиясининг сайланган ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

7-боб. Фанлар академияси аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

37. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Фанлар академиясининг илмий ташкилотларида ва олий таълим ташкилотларида танловсиз илмий лавозимларни эгаллаш;

Умумий йиғилишда қатнашиш, Умумий йиғилиш ва Фанлар академияси Президиумида илмий ва илмий-ташкилий масалалар, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари), мухбир, хорижий, фахрий аъзоларини сайлаш жараёнида номзодларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича, шунингдек, фаннинг долзарб йўналишлари бўйича мамлакатда илм-фанни ривожлантириш, Фанлар академиясининг илмий кенгашларини тузиш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;

Фанлар академиясининг илмий кенгашлари фаолиятида иштирок этиш.

Ўзбекистонда ишлайдиган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари белгиланган тартибда гонорар оладилар ҳамда белгиланган бошқа ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари Ўзбекистон фуқаролигини бошқа давлат фуқаролигига ўзгартирганда, белгиланган тартибда Фанлар академиясининг хорижий аъзоси мақомига эга бўлиши мумкин.

Фанлар академиясининг хорижий ва фахрий аъзолари Умумий йиғилиш ва бошқа тадбирларда маслаҳат овози билан қатнашишлари мумкин.

Фанлар академиясининг хорижий ва фахрий аъзолари Фанлар академиясининг раҳбар органига сайланиш, Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига ўтказиладиган номзодлар танловида иштирок этиш ҳуқуқларига ҳамда гонорар ва бепул дам олиш имтиёзларга эга бўлмайдилар.

38. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

илмий тадқиқотларда, тадқиқотларнинг устувор ва истиқболли йўналишларини шакллантиришда иштирок этиш ва ўзи сайланган илм-фан соҳасини (илмий ихтисослик)нинг ривожланишини таъминлаш;

юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш ишларида, илғор илмий мактабларни шакллантириш ва ривожлантиришда, шунингдек, олий ва ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотларига, ишлаб чиқариш корхоналарига илмий-методик ёрдам кўрсатишда бевосита иштирок этиш.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

8-боб. Фанлар академияси Президиуми аъзоларини сайлаш тартиби ва уларнинг лавозим мажбуриятлари

39. Фанлар академияси президенти академиянинг ҳақиқий аъзолари орасидан беш йил муддатга сайланади ва Фанлар академиясининг илмий-ташкилий фаолиятига раҳбарлик қилади.

Айни бир шахс Фанлар академияси президенти лавозимига кетма-кет икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Фанлар академияси президентлигига номзодлар фан бўлимлари томонидан овоз бериш йўли билан танланади. Танланган номзодлар сайлов муқобиллигини таъминлаш учун Умумий йиғилиш бюллетенига яширин овоз бериш йўли билан сайлаш учун киритилади.

Бюллетенга киритилган номзодлар Умумий йиғилишда муҳокама қилинади ва яширин овоз бериш йўли билан Фанлар академияси президентлигига сайланади. Бунда Умумий йиғилиш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этиши лозим. Умумий йиғилиш иштирокчиларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда, номзод Ўзбекистон Республикаси Президентига тасдиқлаш учун юборилади.

Фанлар академияси президенти ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони матбуотда эълон қилинади.

40. Фанлар академияси президенти:

Фанлар академияси фаолиятига ва унга юкланган вазифаларнинг бажарилишига умумий раҳбарлик қилиб, долзарб масалаларни ҳал этади;

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Фанлар академиясидаги ишларнинг ҳолати учун Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Умумий йиғилиш олдида шахсан жавобгарликни зиммасига олади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамда халқаро майдонда Фанлар академияси номидан иш юритади ва унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

Фанлар академиясининг Биринчи вице-президенти – бош илмий котиб, вице-президентлари, тизим ташкилотлари раҳбарлари (раислари) ҳамда фан йўналишлари бўйича бўлимлар бошлиқлари, Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимларининг лавозим вазифаларини тасдиқлайди ва ушбу вазифаларнинг бажарилишини назорат қилади;

илмий ташкилотлар томонидан илмий тадқиқотларни ўтказилишини, шунингдек, фан ютуқлари ва янги технологияларнинг ўз вақтида амалиётга татбиқ этилишини назорат қилади;

Фанлар академияси илмий ташкилотларининг олий ва ўрта махсус, касбий таълим ташкилотлари, шу жумладан, хорижий илмий марказлар ва олий таълим ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

Фанлар академияси бошқарув аппарати, шунингдек, тизим ташкилотлари фаолиятини назорат қилади;

Фанлар академияси тизимида илмий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига раҳбарлик қилади;

Фанлар академиясининг илмий ташкилотларида ходимларнинг фаолияти самарали бўлишига ёрдам берувчи қулай шароитлар яратиш мақсадида илмий жамоаларда ижодий муҳит ташкил этилишини ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлайди.

Биринчи вице-президент – бош илмий котиб, вице-президентлар, лавозимига номзодлар Фанлар академияси президентининг тавсиясига асосан фан бўлимларида муҳокама қилинади ва Умумий йиғилишда овоз бериш йўли билан ҳақиқий аъзолар (академиклар), мухбир аъзолар орасидан сайланади ва Фанлар академияси президенти томонидан белгиланган тартибга мувофиқ беш йил муддатга лавозимга тасдиқланади. Улар лавозимдан Фанлар академияси президенти томонидан Фанлар академияси Президиумининг қарори билан озод этилади.

Фанлар академиясининг молиявий ва хўжалик ишларига Фанлар академияси президентининг молиявий ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади.

Фанлар академияси президентининг молиявий ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Фанлар академияси президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

41. Фанлар академиясининг Биринчи вице-президенти – бош илмий котиб:

Фанлар академияси тизимида иш юритишни ташкил қилади ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича ташкилий-бошқарув ҳужжатлари сифатли тайёрланиши ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Фанлар академиясида амалга оширилган илмий-ташкилий фаолият натижалари бўйича тегишли вице-президентлар хизмати томонидан тақдим этилган ҳисоботларни умумлаштириб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди;

муҳим илмий масалаларни, шунингдек, йирик иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўп тармоқли илмий, илмий-техник ва амалий дастурларни шакллантиради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва юқори ташкилотларга тақдим этиш, Умумий йиғилиш ҳамда Фанлар академияси Президиуми мажлисларини ўтказишда Фанлар академияси президентига кўмаклашади.

42. Фанлар академияси вице-президентлари:

тегишли илмий йўналишлар бўйича вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш учун шахсан масъул ҳамда тизимидаги илмий ташкилотлар ҳолати учун жавобгар ҳисобланади;

ўзлари раҳбарлик қилаётган фан йўналишларида бўйича давлат дастурларини шакллантириш, уларнинг экспертизаси ва мониторингини ўтказишни назорат қилади, фундаментал, амалий ва иновацион тадқиқотларнинг юқори даражада бўлиши учун жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ҳукуматининг ҳужжатлари ва топшириқларини ҳамда Фанлар академияси Президиуми ва раҳбариятининг қарор ва буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлайди.

43. Фанлар академияси президенти бўлмаган ҳолларда, унинг вазифаси муайян муддатга Биринчи вице-президент – бош илмий котибга ёки вице-президентларнинг бирига вақтинча юкланади.

44. Фанлар академиясининг Президиуми:

Фанлар академияси фаолиятига тааллуқли барча масалаларни ҳал этади, Умумий йиғилишнинг ҳамда Фанлар академияси президентининг ваколатига кирувчи масалалар бундан мустасно;

Умумий йиғилиш қарорлари ижросини ташкил этади, шунингдек, Фанлар академияси президенти функцияларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига кўмаклашади;

Фанлар академияси президенти томонидан заруратга кўра ойда камида бир марта чақирилади;

қарорлари унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Президиум мажлисларида Фанлар академияси президенти бўлмаган тақдирда, Фанлар академияси Биринчи вице-президенти – бош илмий котиб ёки вице-президентларидан бири раислик қилади;

мажлисида қарор қабул қилишда овозлар тенг бўлган ҳолларда, Фанлар академияси президентининг (раислик қилувчининг) овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

9-боб. Фанлар академиясининг илмий ташкилотлари

45. Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш фаолияти унинг илмий ташкилотларида амалга оширилади.

Илмий ташкилот ўзининг илмий-ташкилий фаолиятини тегишли фан бўлимлари билан биргаликда юритади.

Фанлар академияси тизимида илмий ва маъмурий лавозимларни эгаллашнинг белгиланган танлов тартибига кўра илмий ташкилот директори лавозимига Биринчи вице-президент – бош илмий котиб ҳамда Фанлар академияси фан бўлимлари тавсияси билан Фанлар академияси президенти томонидан 65 ёшдан ошмаган, муҳим илмий муаммоларни ҳал этиш орқали фанни бойитган ёки фанни ривожлантиришнинг янги йўлларини белгилаш ва илмий мактаб асосларини яратиш имконини берган муҳим илмий натижаларга эришган етакчи ва ташкилотчи олимлар – фан докторлари орасидан меҳнат шартномаси қонунчилигига мувофиқ 5 йил муддатга тайинланади ҳамда унинг лавозимни кетма-кет 2 мартадан ортиқ эгаллашига йўл қўйилмайди.

Илмий ташкилот директори ўзи раҳбарлик қилаётган илмий ташкилотнинг фаолияти учун шахсан жавобгар бўлади.

Директор ташкилотда ўтказилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг мамлакат устувор йўналишларига мувофиқлигини таъминлашга, илмий-тадқиқот ишларининг замонавий моддий-техник базасини яратишга, ўз соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашга, олий таълим ташкилотлари ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда етакчи хорижий марказлар билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишга масъулдир.

Илмий ташкилот директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари (фан доктори ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), илмий котиби (фан доктори ёки номзоди, фалсафа доктори PhD) тегишли вице-президент ҳамда Биринчи вице-президент – бош илмий котиб билан келишилган ҳолда илмий ташкилот директори томонидан лавозимга тайинланади.

Илмий ташкилотлар директорларининг ҳисоботлари ҳар йили тегишли фан бўлимларида ҳақиқий аъзолар (академиклар) ва мухбир аъзолар ҳамда илмий жамоатчилик иштирокида эшитилади.

Илмий ташкилотнинг лаборатория ва бўлим мудирлари, илмий ташкилот илмий кенгаши қарори билан фан докторлари (DSc) ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга етакчи ва ташкилотчи олимлар орасидан танлов асосида директор томонидан лавозимга тайинланади.

Илмий ташкилотда илмий кенгаш тузилади.

Илмий ташкилотлар ушбу Устав ва Фанлар академияси Президиуми томонидан тасдиқланган илмий ташкилот низомига мувофиқ иш юритадилар.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

10-боб. Фанлар академиясининг мол-мулки ва унинг фаолиятини молиялаштириш

46. Фанлар академиясининг мол-мулкини унга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктирилган асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек, фаолияти давомида сотиб олинган мол-мулк ташкил этади.

Фанлар академияси мол-мулки бўлинмасдир, унинг тақсимланиши мумкин эмас. Фанлар академияси рухсатисиз ёки қонунчилик ҳужжатларига зид ҳолларда Фанлар академиясининг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мумкин эмас.

Фанлар академиясининг мол-мулкидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

Фанлар академиясининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан ёки ундан олинган даромадлар ҳисобидан сотиб олинган мол-мулклар алоҳида балансда ҳисобга олинади ва Фанлар академияси томонидан мустақил тасарруф этилади.

Фанлар академиясининг фаолияти қуйидаги шаклларда тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади:

илмий ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларни сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларни молиялаштириш;

давлат илмий дастурлари доирасида амалга ошириладиган илмий лойиҳалар учун танлов грантлари;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жалб қилинган бюджетдан ташқари маблағлар (ташқи ва ички инвестициялар, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ва интеллектуал мулк объектларини реализация қилишдан олинган даромадлар, ҳадя, хайр-эҳсон, ҳомийлик маблағлари ва бошқалар);

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

47. Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимларига иш ҳақи тўлаш, уларни мукофотлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатишда давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган шарт-шароитлар татбиқ этилади.

48. Фанлар академиясининг илмий ташкилотлари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида сарфланади.

49. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган илмий-тадқиқот дастурлари лойиҳаларининг натижалари бўйича ҳисоботлар Фанлар академияси олимлари томонидан илмий ташкилотларнинг интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя қилган ҳолда, Фанлар академиясининг танловлар ва экспертизаларни ташкил этиш бўлимига (ёки фан йўналишлари бўйича тегишли бўлимларга) топширилади.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Кўриб чиқилган ҳисоботлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

50. Фанлар академияси илмий ташкилотларининг илмий ходимлари ва мутахассислари ушбу ташкилотларда яратилган интеллектуал мулк объектларига нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ва белгиланган тартибда муаллифлик ҳуқуқларига эга субъектлар ҳисобланади.

51. Фанлар академияси ва унинг тизимидаги илмий ташкилотлар, ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги масъулияти чекланган, қўшма ва инновацион корхоналар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ҳуқуқига эга ва бунда корхонага эгалик ҳуқуқи қонунчилик ҳужжатлари доирасида амалга оширилади.

Ҳар бир илмий ташкилот ўзи яратган ишланмани белгиланган тартибда тижоратлаштириш ва ишланмани лицензион келишув асосида фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга.

52. Фанлар академияси ҳузурида илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш олимларни жалб қилиш ва стратегик аҳамиятга эга илмий йўналишларни барқарор молиялаштириш ҳамда илмий ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида Фанлар академияси жамғармаси ташкил этилади.

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмак маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, хорижий ҳомийлик хайриялари, жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Фанлар академияси жамғармаси тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

53. Фанлар академияси ҳузурида Фанлар академияси илмий ходимларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Касаба уюшмаси ташкил этилади. Касаба уюшмаси тўғрисидаги низом Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади.

11-боб. Якунловчи қоида

54. Фанлар академияси, унинг тизимидаги илмий ташкилотлар ва бошқа ташкилотлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тугатилади ҳамда қайта ташкил этилади.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 3 ” июндаги 282-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзоларини танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларни танлов асосида саралаш (кейинги ўринларда – танлов) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (кейинги ўринларда – Фанлар академияси) ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзоларини тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш мазкур Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадилар.

4. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига танлов ўтказиш учун ўринлар, биринчи навбатда, республика учун янги ва истиқболли, халқаро даражада тан олинган илмий мактаблари шакллантирилган илмий йўналишларга ажратилади.

5. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига тегишли фан соҳалари илмий ихтисосликлари бўйича шакллантирилган квоталар миқдори, танлов асосида саралашни ўтказиш муддатлари ва санаси Фанлар академияси томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, лекин кўпи билан икки йилда бир маротаба белгиланади.

6. Танлов ўтказилиши ҳақидаги эълон оммавий ахборот воситаларида ва Фанлар академиясининг расмий веб-сайтида квоталар тасдиқлангандан сўнг уч кун муддатда жойлаштирилади.

Эълонда танлов ўтказиш муддатлари ва жойи, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига тегишли фан соҳалари илмий ихтисосликлари бўйича квоталар сони, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, ҳужжатлар рўйхати ва улар номзодини кўрсатиш учун зарур бошқа шартлар кўрсатилади.

7. Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларни тавсия этиш ҳуқуқи илмий ташкилот ҳамда олий таълим ва тармоқ илмий ташкилотларининг илмий (илмий-техник) кенгашларига, шунингдек, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига (академикларига) уларнинг илмий мутахассисликларига тегишли ихтисосликлар бўйича берилади.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодлар тегишли фан соҳасининг фақат битта илмий ихтисослиги бўйича кўрсатилиши мумкин.

2-боб. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларга қўйиладиган талаблар

8. Мазкур Низомнинг 7-бандига мувофиқ номзоди кўрсатилган, республиканинг илмий ва олий таълим ташкилотларида илмий фаолият билан шуғулланадиган олимлар Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодлар ҳисобланадилар.

Бунда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодлар кўрсатиш жараёнида ва танловнинг барча босқичларида уларнинг сўнгги 5 йил мобайнидаги илмий фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига эътибор қаратилади.

9. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) номзод қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши ва камида сўнгги 5 йил давомида Ўзбекистон Республикасида доимий ишлаган бўлиши;

Фанлар академияси мухбир аъзоси унвонига эга бўлиши;

илм-фаннинг муайян соҳасида илмий жамоатчилик томонидан тан олинган, фанни шахсан ўзи ёки илмий ва илмий-техник муаммолар бўйича жамоа бўлиб ишлашда фаол иштирок этиш асосида эришган шахсий ютуқлари ҳамда салмоқли илмий натижалари билан бойитган олим бўлиши;

ўз йўналишида янги илмий мактаб ташкилотчиси ва раҳбари ёки мавжуд илмий мактабнинг ривожида бевосита иштирок этган ҳамда 3 та фан доктори ва камида 5 та фан номзодини (ёки фалсафа докторлари) тайёрлаши билан тасдиқланган бўлиши;

жорий этилган ишланмаларга эгалиги ёки у раҳбарлик қилаётган ходимлар жамоаси эришган фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилишида ҳамда амалиётда фойдаланилишида бевосита иштирок этган бўлиши;

фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг илмий раҳбари эканлиги ёки сўнгги йилларда шу йўналишдаги илмий лойиҳаларга раҳбарлик қилган бўлиши;

хорижий ва халқаро илмий ҳамкорликдаги лойиҳаларда раҳбар бўлиши ёки уларнинг бажарилишида иштирок этиши.

10. Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

фанни салмоқли илмий ишлари билан бойитган, республиканинг илмий ташкилотлари ва олий таълим муассасаларида самарали илмий фаолият юритаётган 60 ёшгача бўлган фан докторлари бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши ва камида сўнгги 5 йил давомида Ўзбекистон Республикасида доимий ишлаган бўлиши;

фан доктори илмий даражаси ва профессор илмий унвонига эга бўлиши;

илм-фаннинг муайян соҳасида илмий жамоатчилик томонидан тан олинган, фанни шахсан ўзининг салмоқли илмий натижалари билан бойитаётган олим бўлиши;

ўз йўналишида янги илмий мактаб яратаётган, бевосита иштироки билан 1 та фан доктори ҳамда камида 3 та фан номзодни (ёки фалсафа докторлари) тайёрлаши билан тасдиқланган бўлиши;

жорий этилган ишланмаларга эгалиги ва амалиётда фойдаланилишида бевосита иштирок этган бўлиши;

фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг илмий раҳбари эканлиги ёки сўнгги йилларда шу йўналишдаги илмий лойиҳаларга раҳбарлик қилган бўлиши;

хорижий ва халқаро илмий ҳамкорликдаги лойиҳаларда раҳбар бўлиши ёки уларнинг бажарилишида иштирок этиши.

11. Фанлар академиясининг хорижий аъзолигига номзод Фанлар академиясининг Умумий йиғилиши томонидан хорижий фуқаролар орасидан саралаб олинади ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланади.

3-боб. Танловнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши

12. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига номзодлар илмий ташкилот ва олий таълим ташкилотлари томонидан тегишли илмий (илмий-техник) кенгашлар йиғилишларида ёпиқ овоз бериш йўли билан дастлаб саралаб олинади.

Илмий (илмий-техник) кенгаш аъзоларининг 75 фоизи йиғилишда иштирок этганда, уларнинг камида учдан икки қисм овозини олган талабгорлар Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига ёки мухбир аъзолигига номзодлар ҳисобланади.

13. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида илмий ташкилот ва олий таълим ташкилотлари томонидан кўрсатилган номзодларнинг илмий ва илмий-ташкилий фаолиятини тавсифловчи ҳужжатларини рўйхатга олиш учун Фанлар академиясига тақдим этадилар.

Илмий ташкилот ва олий таълим ташкилотлари раҳбарлари Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига номзодларни кўрсатиш жараёнининг холислиги ва тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгардирлар.

14. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига номзод кўрсатиш учун тақдимномага қуйидагилар (2 нусхада) илова қилинади:

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

илмий ташкилот номзоднинг танлов талабларига тўлиқ жавоб бериши ҳақидаги асосланган хулосаси ва танлов мезонларининг қоғоз ва электрон кўринишда тўлдирилган ва тасдиқланган шакли;

номзоднинг таржимаи ҳоли;

маълумотнома (объективка);

паспорт ёки ID карта нусхаси;

3.5х4.5 см ўлчамдаги 8 та фотосурат;

иш жойидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

мухбир аъзолик унвони (ҳақиқий аъзоликка номзодлар учун) ва фан доктори дипломи, профессор аттестати нусхалари;

илмий ишлар рўйхати (конференция тезислари ҳисобга кирмайди) ва импакт-факторли (Web of Science халқаро маълумотлар базасига мувофиқ) хорижий нашрлардаги мақолаларнинг нусхаси;

хорижда ва Ўзбекистонда нашр этилган монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг 1-2 ва охирги бетларидан нусха;

халқаро, хорижий ва маҳаллий патентларнинг нусхалари;

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига номзод томонидан тайёрланган фан докторлари ва номзодлари (ёки фалсафа докторлари) рўйхати (автореферatларни илова қилган ҳолда);

мазкур Низомнинг 9-банди талабларига мувофиқ Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига номзод томонидан фаннинг муайян соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси, фанни шахсий илмий ютуқлар ва халқаро аҳамиятга молик натижалар билан бойитилган, шунингдек, унинг илмий-ташкилий фаолияти ҳақидаги маълумотнома (ўзбек ва рус тилларида қисқача 1 бет, 12 пт, Times New Roman шрифтида).

15. Фанлар академияси Президиуми қарори билан тегишли фан бўлимлари ҳақиқий аъзолар (академиклар) ва мухбир аъзолардан иборат танлов комиссиялари, фан бўлимлари ҳузурида ҳар бири камида 3 аъзодан иборат техник экспертиза гуруҳлари ҳамда фан бўлимлари ҳузурида шакллантирилган камида 5 та Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзоларидан иборат илмий эксперт гуруҳи таркиби тасдиқланади.

16. Танлов тўрт босқичда ўтказилади:

танловнинг биринчи босқичида – техник эксперт гуруҳи томонидан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига номзодларнинг ҳужжатлари белгиланган тартибда қабул қилинади, техник экспертизадан ўтказилади ва илмий эксперт гуруҳига йўналтирилади;

танловнинг иккинчи босқичида – илмий эксперт гуруҳи томонидан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларнинг тақдим этган ҳужжатлари танлов талаблари ва тегишли ихтисосликка мослиги кўриб чиқади. Шунингдек, мазкур Низомга 2-илова билан тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади ва танлов комиссиясига йўналтирилади;

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

танловнинг учинчи босқичида – Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодлар тегишли танлов комиссияси йиғилишида ихтисослиги бўйича маъруза қилади ва танлов комиссияси талабгорнинг илмий-ташкилий фаолияти ва маърузасидан келиб чиққан ҳолда унга ёпиқ овоз бериш орқали баҳоланади;

танловнинг тўртинчи босқичида – Фаннинг тегишли соҳаси бўйича умумий ҳисобда энг кўп балл тўплаган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодлар белгиланган квотага мувофиқ овоз бериш рўйхатига киритилади.

Танлов комиссияси аъзолари таклиф этилган барча номзодлар учун кетма-кет овоз берадилар. Танлов тартиб-тамойили ёпиқ овоз беришни назарда тутади.

Танлов комиссияси аъзоларининг 75 фоизи йиғилишда иштирок этганда, уларнинг камида учдан икки қисми овозини олган талабгорлар Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига сараланган деб ҳисобланадилар.

Агар номзод учдан икки қисмдан кам овоз олса, кетма-кетлик бўйича юқори балл тўплаган кейинги номзод овозга қўйилади.

17. Танлов комиссиялари томонидан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига сараланган номзодлар рўйхати Фанлар академияси Президиумига киритилади.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига сараланган номзодлар Фанлар академиясининг Умумий йиғилишида муҳокама қилинади ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилади.

Фанлар академиясининг Умумий йиғилиши Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, истисно тариқасида, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодлик учун белгиланган квотадан четга чиқиб, республика илмий-технологик ва фан-таълим салоҳиятини ривожлантиришдаги алоҳида хизматларини инобатга олган ҳолда рўйхатга киритиш учун қўшимча номзодларни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш

18. Фанлар академияси Президиуми Умумий йиғилиш қарорига кўра Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига номзодларнинг танлов комиссиялари томонидан ўтказилган саралаш босқичини инобатга олган ҳолда тавсия этилган рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

19. Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий (академиклари) ва мухбир аъзолари таркиби оммавий ахборот воситалари ва Фанлар академиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

20. Фанлар академияси Президиуми мазкур Низомга мувофиқ Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига талабгор барча номзодларнинг ҳужжатлари холис кўриб чиқилиши учун бевосита жавобгардир.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир
аъзоларини танлов асосида саралаш
ва тасдиқлаш тартиби ҳақидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Фанлар академияси	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига квотани тегишли фан соҳалари илмий ихтисосликлари кесими бўйича шакллантирилади.	Белгиланган муддатларда
2-босқич	Фанлар академияси	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига тегишли фан соҳалари илмий ихтисосликлари бўйича шакллантирилган квоталар миқдори, танлов асосида саралашни ўтказиш муддатлари ва санаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, лекин кўпи билан икки йилда бир маротаба белгиланади.	Белгиланган муддатларда, лекин кўпи билан икки йилда бир маротаба
3-босқич	Фанлар академияси	Танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонни оммавий ахборот воситалари ва Фанлар академиясининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.	Квоталар тасдиқланган-дан сўнг уч кун муддатда
4-босқич	Фанлар академияси	Фанлар академияси Президиуми томонидан тегишли фан бўлимлари академиклари (мухбир аъзолари)дан иборат танлов комиссиялари таркибини ҳамда илмий ва техник экспертлар гуруҳини тасдиқлайди.	Танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда
5-босқич	Илмий-ташкилот ва олий таълим муассасалари Илмий (илмий-техник) кенгашлари	Илмий ташкилот ва олий таълим ташкилотлари Илмий (илмий-техник) кенгашлари мажлисларида очиқ овоз бериш йўли билан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларни кўрсатади.	Танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда
6-босқич	Илмий-ташкилот ва олий таълим ташкилотлари	Талаб қилинган ҳужжатлар тўпламини шакллантиради ва уни Фанлар академиясига тақдим этади.	Танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда

7-босқич	Техник эксперт гуруҳи	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларнинг ҳужжатларини Низомнинг 3-боб, 14-бандига асосан қабул қилади.	Танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда
8-босқич	Илмий эксперт гуруҳи	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари бўйича келиб тушган ҳужжатларни танлов талаблари ва мезонлари, шунингдек, тегишли ихтисосликка мослигини экспертизадан ўтказади.	Бир ҳафта муддатда
9-босқич	Танлов комиссияси	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларнинг илмий маърузаларини эшитади ва уларнинг илмий-ташкилотчилик фаолиятини танлов мезонларига мувофиқ 300 балли тизим бўйича баҳолайди.	Йигирма кун муддатда
10-босқич	Танлов комиссияси	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига саралаб олинган номзодлар рўйхатини Фанлар академияси Президиумига тақдим этади.	Уч кун муддатда
11-босқич	Фанлар академияси Умумий йиғилиши	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ёки мухбир аъзолигига сараланган номзодларни Фанлар академиясининг Умумий йиғилишида муҳокама қилади ва қарор қабул қилиш учун овозга қўяди.	Бир ҳафта муддатда
12-босқич	Фанлар академияси Президиуми	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига саралаб олинган номзодлар рўйхатини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.	Бир ҳафта муддатда
13-босқич	Фанлар академияси	Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолари таркибини оммавий ахборот воситалари ва Фанлар академиясининг расмий веб-сайтида эълон қилади.	Рўйхат тасдиқланган-дан сўнг

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир
аъзоларини танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш
тартиби ҳақидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) ва мухбир аъзолигига номзодларни танлов асосида саралаш МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Мезон кўрсаткичлари	баллар	мухбир аъзолар	ҳақиқий аъзолар*
			юқори балл	
1.	**Халқаро рейтинг**		**65 балгача**	
1.1.	**Web of Science базаси бўйича Хирш индекси**			
	5-10**	2.5xN	**20**	-
	11 дан юқори	20		-
	10-15***	2.5xN	-	**20**
	15 дан юқори	20	-	
1.2.	**Халқаро ва хорижий патентлар**			
	1 тадан 3 тагача халқаро патентлар	3xN	**20**	
	4 та ва ундан ортиқ халқаро патентлар	13		
	1 тадан 3 тагача хорижий патентлар	1.5xN		
	4 та ва ундан ортиқ хорижий патентлар	7		
1.3.	**Хорижий грантларга раҳбарлиги учун:**			
	Фақат чет эл томони молиялаштирган грант	6	**10**	
	“Ўзбекистон-хорижий давлат” қўшма гранти	4		
1.4.	**Хорижда нашр этилган монографиялари******			
	1 та монография ёки монографиядаги боблар учун	4	**10**	
	2 та ва ундан ортиқ монография ёки монографиядаги боблар учун	10		
1.5.	Scopus ва Web of Science базаларида индексацияланадиган хорижий журнал таҳририяти аъзоси	2	**2**	
1.6.	Хорижий аъзоликлар, мукофотлар (миллий академия аъзоси*****, халқаро нуфузли илмий жамият аъзоси)	3	**3**	
2.	**Илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти**		**80 балгача**	
2.1.	**Ўзбекистонда нашр этилган монографиялар********	1xN	**3**	
2.2.	Шарҳловчи мақолалар	1xN	**4**	
2.3.	Олий таълим ташкилотлари магистрлари ва бакалавриат талабалари учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тавсия этган ўз ихтисослиги доирасидаги ўқув предметлари бўйича:		**4.5**	
	1 тадан 3 тагача дарсликлар	1xN		
	1 тадан 3 тагача ўқув қўлланмалар	0.5xN		
2.4.	Мактаблар ўқувчилари учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тавсия этган ўқув предметлари бўйича:		**4.5**	
	1 тадан 3 тагача дарсликлар	1xN		
	1 тадан 3 тагача ўқув қўлланмалар	0.5xN		

Т/р	Мезон кўрсаткичлари	баллар	мухбир аъзолар	ҳақиқий аъзолар*
			юқори балл	
2.5.	**Интеллектуал мулк объектларининг муҳофаза қилиниши:**			
	1 тадан 3 тагача ихтиро учун патентлар	2xN	**15**	
	4 та ва ундан ортиқ ихтиро учун патентлар	10		
	1 тадан 3 тагача фойдали модель учун патентлар	1xN		
	4 та ва ундан ортиқ фойдали модель учун патентлар	5		
2.6.	**Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган лойиҳаларга раҳбарлиги учун:**			
	фундаментал лойиҳа		**35**	
	1 тадан 2 тагача	4xN		
	3 та ва ундан ортиқ	15		
	амалий лойиҳа			
	1 тадан 2 тагача	3xN		
	3 та ва ундан ортиқ	12		
	инновацион лойиҳа			
	1 тадан 2 тагача	2xN		
	3 та ва ундан ортиқ	8		
2.7.	**Фан-техника соҳасидаги давлат мукофоти, илм-фан соҳасида хизмат кўрсатган фан арбоби:**			
	Фан-техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги давлат мукофоти лауреати	7	**14**	
	Илм-фан соҳасида фан арбоби	5		
	Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фахрий унвонлар учун	2		
3.	**Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш**		**35 баллгача**	
	1 нафардан 3 нафаргача фан доктори	4xN	35	-
	4 нафар ва ундан ортиқ фан доктори	20		-
	3-10 нафаргача фан номзоди/ фалсафа докторлари	1.5xN		-
	11 нафар ва ундан ортиқ фан номзоди/ фалсафа докторлари	15		-
	3 нафардан 5 нафаргача фан доктори	4xN	-	35
	5 нафар ва ундан ортиқ фан доктори	20	-	
	5-12 нафар фан номзоди/ фалсафа докторлари	1.5xN	-	
	13 нафар ва ундан ортиқ фан номзоди/ фалсафа докторлари	15	-	
4.	**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш**		**20 балгача**	
4.1.	**Хорижий, лицензион ёки хўжалик шартномаси асосида ҳозирги кунда бухгалтерияга келиб тушган маблағ учун:**			
	Йилига 500 млн сўмдан 2.5 млрд сўмгача	12	12	-
	Йилига 2.5 млрд сўмдан ортиқ	20	20	-
	Йилига 1 млрд сўмдан 4 млрд сўмгача	12	-	12
	Йилига 4 млрд сўмдан ортиқ	20	-	20
Жами			**200**	
5.	**Бўлим комиссиясида ихтисослиги бўйича маъруза учун**		**100 балгача**	
Умумий жамланган балл			**300**	

Изоҳ.

** Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академиклигига) танлов Фанлар академияси мухбир аъзолари орасидан ўтказилади ҳамда мухбир аъзолигидан кейинги фаолият натижалари ҳисобга олинади. Бунда мезоннинг 2.7-бандидаги кўрсаткичлар умумий фаолияти учун инобатга олинади.*

*** Бунда Фанлар академияси мухбир аъзолиги учун хирш индекси **h=5** дан кам бўлган номзодлар ҳужжатлари кўриб чиқилмайди. Ижтимоий гуманитар соҳалари учун камида **h=2** бўлиши керак.*

**** Бунда Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиги) учун хирш индекси **h=10** дан кам бўлган номзодлар ҳужжатлари кўриб чиқилмайди. Ижтимоий гуманитар соҳалари учун камида **h=5** бўлиши керак.*

***** Хорижда фақат **Springer, Elsevier, Academic press, World scientific** нашриётларида чоп этилган монографиялари ҳисобга олинади. Бунда Фанлар академияси мухбир аъзолигига даъвогарлик учун халқаро ва хорижий камида 1 та монографиянинг камида 1 та боби муаллифи бўлиши.*

****** Нью-Йорк академияси, Турон академияси, Халқаро техник академия ва бошқаларга аъзолик ҳисобга олинмайди. Нуфузли илмий жамият сифатида TWAS, The Royal Society, American Society кабилар ҳисобланади.*

******* Қуйидаги талаблар асосида чоп этилган маҳаллий монографияларга балл қўйилади:*
– талабгор фаолият юритаётган ташкилот илмий кенгашнинг қарори;
– юқори турувчи ташкилот ҳайъатининг хулосаси;
– халқаро мутахассислар тақризи;
– 300 дан ортиқ тиражда чоп этилиши.

ЭСЛАТМА:

1. Барча бандлар бўйича тўпланадиган баллар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим. Қўйилган балларнинг ҳаққонийлиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми шакллантирадиган танлов комиссиялари ҳузуридаги эксперт гуруҳлари томонидан текширилади.

2. Ҳаммуаллифликда бажарилган монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар учун белгиланган баллар муаллифлар сонига кўра тақсимланади.

3. Талабгорларнинг фанлар бўлимида қиладиган илмий маърузаларига қадар тўпланган баллари физика-математика ва табиий фанлар учун 30 фоиздан кам бўлса, ижтимоий фанлар учун 20 фоиздан кам бўлса, номзод фан бўлимларида ўз илмий йўналишининг устувор соҳаси бўйича маъруза қилишга қўйилмайди.

4. N – мезон кўрсаткичлари сони.

QMMB: 09/26/282/0560-son
04.06.2026-y.

22 (1250)-son
546-modda

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 3 ” июндаги 282-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг уставини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 31 майдаги 331-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5052-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари” 2017 йил 8 сентябрдаги ПҚ–3001-сон қарори) 2017 йил 24 майдаги 703-сон қарорига илованинг 48-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари)ни танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 23 октябрдаги 856-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон қарори)” 2018 йил 14 февралдаги 109-сон қарорига илованинг 15-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 25 ноябрдаги 947-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги 545-сон қарорига 3-илованинг 8-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (“Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида” 2021 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-713-сон Қонуни) 2022 йил 9 мартдаги 102-сон қарорига илованинг 1-банди.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

22 (1250)-son
547-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 5 » iyun № 288 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президенти совриви учун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 22 октябрдаги ПФ–189-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг сунъий интеллект технологияларига қизиқишини янада ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 22 октябрдаги ПФ–189-сон Фармонига мувофиқ:

2026 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти совриви учун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танлови (кейинги ўринларда – танлов) ўтказилиши белгилангани;

сунъий интеллектни ривожлантириш соҳасида “Сунъий интеллект альянси” нодавлат нотижорат ташкилоти (кейинги ўринларда – Альянс) ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг совриви учун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

сунъий интеллект технологияларига асосланган, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқболли бизнес-ғоялар ҳамда истиқболли стартап лойиҳаларни аниқлаш ва саралаш тизимини яратиш;

ички ва ташқи бозорларга мўлжалланган, экспортбоп ҳамда халқаро рақобатбардош сунъий интеллект маҳсулотлари ва ечимлари ишлаб чиқилишини рағбатлантириш;

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

танлов доирасида ёш мутахассисларнинг сунъий интеллект технологиялари ёрдамида моделлаштириш, маълумотлар билан ишлаш ва жамоавий фаолият бўйича қизиқиши, амалий кўникмалари ва салоҳиятини янада ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг совриии учун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танловини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ташкилий қўмитанинг (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

танловни ўтказиш билан боғлиқ тегишли қарорлар қабул қилиш, уни ўтказиш муддатлари ва масъулларини белгилаш;

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ томонидан тақдим қилинган саралаш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаб, танловнинг махсус порталида уларнинг эълон қилиб борилишини таъминлаш;

танловнинг шаффоф, адолатли ва юқори савияда ўтказилишини таъминлаш ҳамда ғолибларни тақдирлаш;

танлов ғолибларининг сунъий интеллектга асосланган стартап лойиҳалари иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида амалиётга жорий этилишига кўмаклашиш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) танлов Ташкилий қўмита томонидан ҳар йили 1 июнга қадар тасдиқланадиган 5 та йўналиш бўйича ўтказиб борилади;

б) танловга ҳужжатлар ҳар йилнинг июль ойидан бошлаб қабул қилинади;

в) танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар тасдиқланган харажатлар сметаси асосида Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда харажатлар сметаси ҳар йили 1 июнга қадар Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади;

г) танлов доирасида аризаларни қабул қилиш, иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш, Танловни ёритиш ва унинг ўтказилиши билан боғлиқ бошқа тадбирлар махсус портал (awards.gov.uz) орқали Альянс томонидан амалга оширилади;

д) Ташкилий қўмитанинг ишчи органига танлов босқичлари шаффоф ўтказилишини таъминлаш мақсадида энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали сунъий интеллект ва (ёки) рақамли технологиялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи масъул ташкилот билан шартнома тузиш ҳуқуқи берилади.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Бунда сунъий интеллект ва (ёки) рақамли технологиялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи масъул ташкилот махсус порталдан (awards.gov.uz) келиб тушган номзодларнинг аризаларини кўриб чиқиш, акселерация дастурини ўтказиш, танлов иштирокчиларини саралаш ва лойиҳаларни баҳолаш вазифаларини бажаради;

е) танлов ғолиблари сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи масъул ташкилот томонидан аниқланади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра танловда ғолиб бўлган юридик шахслар қуйидаги миқдорларда Марказий банкнинг тўлов амалга ошириладиган кунидаги расмий курси бўйича миллий валюта эквивалентида “IT Park Ventures” МЧЖ томонидан улуш эвазига инвестиция кўринишидаги мукофотлар билан тақдирланади:

1-ўрин учун – 100 000 АҚШ доллари;

2-ўрин учун – 60 000 АҚШ доллари;

3-ўрин учун – 40 000 АҚШ доллари.

Бунда танлов ғолибларига мукофот маблағлари икки траншда тенг миқдорларда муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бажарилишига қараб ўтказиб берилади.

7. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳар йили 1 июнга қадар танлов иштирокчиларини рўйхатга олиш ва янгиликларни ёритиб бориш учун махсус порталда (awards.gov.uz) танлов учун алоҳида саҳифа очилишини таъминласин.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги танловнинг ҳар мавсуми якуни бўйича махсус порталда (awards.gov.uz) иштирокчи жамоалар томонидан танлов жараёнларини яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган таклифларни қабул қилиш учун сўровнома (саҳифа) очилишини таъминлаб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” (President Tech Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисида” 2023 йил 15 февралдаги 66-сон қарорига **3-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А.Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 5 ” июндаги 288-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти совриниучун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танловини (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

акселерация дастури – ривожланишнинг бошланғич босқичида (дастлабки прототип) бўлган стартап лойиҳаларга эга жамоалар учун эксперт маслаҳатлари, тажриба алмашиш ва ўқув курслари орқали қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва стартап лойиҳани кейинги босқичга тайёрлашга қаратилган интенсив таълим дастури;

ариза берувчи – танловда иштирок этиш истагини билдирган, махсус портал орқали электрон шаклда ариза топширувчи жамоанинг масъул вакили;

ишчи орган – “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ;

жамоа – танловда иштирок этиш мақсадида махсус порталда рўйхатдан ўтган гуруҳ;

жамоанинг масъул вакили – жамоа номидан ягона қарор қабул қилувчи ҳамда жамоанинг фикрлари ва ғояларини ифодаловчи шахс;

лойиҳа – иштирокчи жамоалар томонидан мазкур Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот;

махсус портал – танлов иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш, танлов талаблари ва муддатлари ҳақида ва танлов билан боғлиқ бошқа маълумотлар жойлаштириладиган “www.awards.gov.uz” веб-сайти;

муҳим самарадорлик кўрсаткичлари – танлов ғолиблари бўлган жамоаларга лойиҳанинг ривожланишини белгилайдиган ва уни баҳолашга қаратилган кўрсаткичлар;

ментор – иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш бўйича маслаҳат (консультация) бериш орқали ривожлантиришга ёрдам берувчи мутахассис;

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

масъул ташкилот – махсус порталдан келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш, танлов йўналишлари бўйича иштирокчи жамоаларни саралаш, акселерация дастурини ўтказиш, лойиҳаларни баҳолаш ва танлов ғолибларини аниқлаш вазифасини бажарувчи сунъий интеллект ва (ёки) рақамли технологиялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи ташкилот;

Ташкилий қўмита – танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита.

3. Танловга Ташкилий қўмита умумий раҳбарлик қилади.

4. Ташкилий қўмита қарорлари унинг йиғилишида аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган ҳолда тегишли баён билан расмийлаштирилади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Ташкилий қўмита йиғилиши ўтказиладиган сана тўғрисида Ташкилий қўмита аъзоларига хабар берилади.

Йиғилиш баёни 2026 йилда анъанавий, 2027 йилдан бошлаб электрон шаклда махсус порталда ташкилий қўмита котиби томонидан шакллантирилади, Ташкилий қўмита аъзолари уни электрон рақамли имзо ёрдамида имзолайди ва раислик қилувчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.

Ташкилий қўмита аъзолари ўз йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

5. Қуйидагилар Танловни ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

сунъий интеллект технологияларига асосланган, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқболли бизнес-ғоялар ва истиқболли стартап лойиҳаларни аниқлаш ва саралаш тизимини яратиш;

ички ва ташқи бозорларга мўлжалланган, экспортбоп ҳамда халқаро рақобатбардош сунъий интеллект маҳсулотлари ва ечимлари ишлаб чиқилишини рағбатлантириш;

танлов доирасида ёш мутахассисларнинг сунъий интеллект технологиялари ёрдамида моделлаштириш, маълумотлар билан ишлаш ва жамоавий фаолият бўйича қизиқишини, амалий кўникмаларини ва салоҳиятини янада ошириш;

давлат бошқаруви, саноат ва энергетика, солиқ, божхона, банк-молия, соғлиқни сақлаш, сув ва қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа устувор йўналишларда сунъий интеллект технологияларини жорий этишга қаратилган стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

6. Масъул ташкилот ишчи орган томонидан қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

нуфузли венчур жамғармалар ва инвесторлар билан доимий ҳамкорликн йўлга қўйилган бўлиши;

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

сунъий интеллект соҳасида стартапларни қўллаб-қувватлаш, танловлар ўтказиш, инкубация ва акселерация дастурларини шакллантириш йўналишида камида уч йиллик амалий тажрибага эга бўлиш;

ривожланган чет эл давлатларда юридик шахс ташкил этган ва камида 5 та сунъий интеллект йўналишида стартапларни қўллаб-қувватлашга қаратилган танлов (дастур)лар муваффақиятли амалга оширилган бўлиши;

масъул ташкилотнинг халқаро инкубация ва акселерация дастурларидан ўтган стартаплар орасидан камида 5 та 1 млрд АҚШ долларидан юқори баҳолашга етган бўлиши;

сунъий интеллект, маълумотлар муҳандислиги, технологик тадбиркорлик ва венчур молиялаштириш йўналишларида камида икки йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали халқаро экспертлар ва менторлар мавжудлиги.

Бунда Ташкилий қўмитага ушбу мезонларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

7. Масъул ташкилот билан тузиладиган шартномада қуйидагилар инобатга олинади:

кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг 80 фоизи олдиндан ва 20 фоизи масъул ташкилотга юкланган ишлар якунлангандан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида тўланади;

ишчи орган қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолашдан олдин танлов ташкил этилиши ва ўтказилиши юзасидан эътирозлари йўқлиги ҳақида хулосани олиш юзасидан Ташкилий қўмитага сўров юборади.

Бунда Ташкилий қўмита ишчи органнинг сўрови келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддатда тегишли хулосани расмийлаштириши ёки асослантирилган рад жавобини бериши зарур.

2-боб. Танлов босқичлари ва уларни ўтказиш тартиби

8. Танлов ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ ўтказилади.

9. Биринчи босқичда Ташкилий қўмита томонидан ҳар йили 1 июлдан бошлаб танлов эълон қилинади ва аризалар қабули бошланади.

Бунда ариза ва унга илова қилинган материаллар ҳар йили 1 августга қадар ариза берувчилар томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда махсус портал орқали топширилади.

10. Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этиши мумкин.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Бунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари порталда “Рақамли ҳукумат” тизимининг Ягона фойдаланувчилар идентификация тизими (OneID), Ўзбекистон ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар эса махсус порталда мавжуд шакл орқали рўйхатдан ўтадилар.

11. Иштирокчи жамоалар Низомга 2-иловага мувофиқ барча маълумот ва материалларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этадилар.

12. Порталда рўйхатдан ўтиш жараёнида жамоа аъзолари танлов офертасини тасдиқлаш (акцептлаш) йўли билан танлов шартларига розилик билдиради ва ҳар бир жамоага махсус идентификация рақами бириктирилади.

Порталда назарда тутилган танлов офертасининг жамоа аъзолари томонидан қабул қилиниши жамоа аъзоларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилишига ёзма розилик берганлигини ифодалайди.

13. Иккинчи босқичда ишчи орган ҳар йили 20 августга қадар махсус портал орқали келиб тушган ариза ва унга илова қилинган материалларнинг тўлиқлигини кўриб чиқади ҳамда ушбу Низом талабларига мослигини текширади.

Бунда келиб тушган аризалар онлайн шаклда ишчи орган томонидан масъул ташкилот ёрдамида баҳоланади ва ариза берувчиларнинг электрон почта манзилига кейинги босқичга ўтгани (ўтмагани) ҳақидаги хабар (порталдаги шахсий кабинетига хабарнома) юборилади ҳамда кейинги босқичга ўтган жамоаларга “иштирокчи” мақоми берилади.

14. Учинчи босқичда иштирокчи жамоалар учун ҳар йили 5 сентябрга қадар анъанавий (оффлайн) тарзда лойиҳалар тақдимоти ташкил этилади.

Бунда Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида ҳар бир йўналиш бўйича масъул ташкилот баҳолари асосида энг юқори натижаларга эга бўлган 5 та (жами 25 та) иштирокчи жамоа танлаб олинади ва улар танловнинг кейинги босқичига (акселерация дастурига) ўтади.

15. Тўртинчи босқичда ҳар йили 1 декабрга қадар иштирокчи жамоалар учун масъул ташкилот томонидан акселерация дастури ташкил этилади ва унинг якуни бўйича масофавий (онлайн) ёки анъанавий (оффлайн) тарзда лойиҳалар тақдимоти ташкил этилади.

Бунда масъул ташкилот баҳолари асосида энг юқори натижага эга бўлган 3 тадан (жами 15 та) жамоа кейинги босқичга ўтади.

16. Бешинчи босқичда ҳар йили 25 декабрга қадар Ташкилий қўмита томонидан белгиланган сана ва жойда анъанавий (оффлайн) тарзда лойиҳаларнинг якуний тақдимоти ўтказилади. Лойиҳаларнинг якуний тақдимоти бир ёки бир неча кун бўлиши мумкин.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Бунда ушбу босқичга ўтган иштирокчи жамоалар ўзларининг лойиҳалари бўйича масъул ташкилот ҳузурида ҳимоя қиладилар. Лойиҳалар тасдиқланган мезонлар асосида масъул ташкилот томонидан баҳоланади.

Масъул ташкилотнинг баҳолари натижасига мувофиқ ҳар бир йўналиш бўйича энг юқори балл тўплаган, 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган (жами 15 та) иштирокчи жамоалар танловнинг ғолиблари ҳисобланади.

Танлов натижалари Ташкилий қўмита томонидан ташкил этиладиган тақдирлаш маросимида тантанали равишда эълон қилинади ва ушбу натижалар эълон қилинганидан сўнг икки иш куни ичида махсус порталда ҳам жойлаштирилади.

17. Танлов ғолибларига пул мукофотлари икки транша да ўтказиб берилади.

18. Танлов босқичлари ўтказиладиган муддатлар ва саналарга Ташкилий қўмита томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин. Бунда танлов ёки босқич бошланишидан бир ҳафта олдин порталда ўзгартиришлар ҳақида эълон жойлаштирилади.

3-боб. Танловда иштирок этиш учун талаблар

19. Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этиши мумкин.

20. Танловда иштирок этиш учун жамоалар таркиби 3-8 кишидан иборат бўлиши керак.

21. Танловда иштирок этиш учун жамоаларга фақат икки йўналиш доирасида ўзаро ўхшаш бўлмаган икки хил лойиҳа бўйича ариза топширишга рухсат этилади.

22. Жамоа таркибига жамоанинг масъул вакили мурожаати асосида Ташкилий қўмита билан келишилган ҳолда ўзгартириш киритилиши мумкин.

23. Танлов доирасида менторлик қилаётган шахслар иштирокчи жамоалар таркибида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

24. Танловда иштирок этиш учун пул ундирилмайди.

25. Иштирокчи жамоалар томонидан танловгача ва танлов давомида ишлаб чиқилган лойиҳалар билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилмайди.

Танлов доирасида иштирокчи жамоаларга кўрсатилган хизматлар учун масъул ташкилотга тўланган маблағлар бундан мустасно.

4-боб. Иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини баҳолаш ҳамда танлов ғолибларини аниқлаш

26. Масъул ташкилот танловда умумий ҳакамлик қилади ва иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонларига асосан баҳолайди ва саралайди, шунингдек, танлов ғолибларини аниқлайди.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

27. Ташкилий қўмита танловнинг ҳар бир босқичи алоҳида тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда, ҳар йили 1 июлга қадар саралаш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлайди ва ишчи органга махсус порталда эълон қилиши учун тақдим этади.

Бунда иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини баҳолаш мезонларида қуйидагилар инобатга олинади:

лойиҳа аниқ муаммо (муаммолар)ни ҳал қилиш ёки фойдаланувчилар томонидан мавжуд талабни бажаришга қаратилгани ва амалдаги ечимларнинг самарали, сифатли ва қулайлиги;

лойиҳа даромадлилиги ва молиявий модели асосланган;

лойиҳа бозор шароитларида рақобатга чидамлилиги, ривожланаётган йўналишга (соҳа) қаратилгани ва фойдаланувчилар учун жозибадорлиги;

лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бошқа мезонлар.

28. Ташкилий қўмита ҳар йили саралаш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлашда махсус портал орқали иштирокчи жамоалар томонидан танлов жараёнларини яхшилаш ва такомиллаштириш юзасидан келиб тушган таклифларни инобатга олиб боради.

29. Саралаш ва баҳолаш мезонлари тасдиқлангандан сўнг танловнинг жорий мавсуми тугагунга қадар (навбатдаги танлов эълон қилингунига қадар) уларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш тақиқланади.

5-боб. Танловдан четлаштириш тартиби

30. Ишчи орган томонидан иштирокчи жамоаларнинг аъзолари қуйидаги хатти-ҳаракатлар амалга оширилганлиги аниқланганда, уларни танловдан четлаштириш бўйича таклиф Ташкилий қўмитага қарор қабул қилиш учун киритилади:

масъул ташкилот томонидан белгиланган тартиб ва регламентларга зид ҳаракатлар содир этиш орқали танлов жараёнларини ташкил этиш, баҳолаш ёки ахборот алмашинуви жараёнларига асоссиз аралашса;

махсус порталнинг ахборот тизимларига рухсатсиз киришга уринса, атайлаб нотўғри маълумот киритса ёки техник иш фаолиятига зарар етказишга қаратилган ҳаракатлар содир этса;

танлов доирасида аризада кўрсатилмаган, яъни иштирокчи жамоанинг аъзоси бўлмаган шахсларни жалб қилса;

ўз хоҳиши билан танловда иштирок этишни давом эттиришдан воз кечса;

танлов офертасида белгиланган шартларни бузса;

ушбу Низом талабларига риоя қилмаса.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Ишчи орган иштирокчи жамоаларнинг аъзоларини танловдан четлаштириш бўйича Ташкилий қўмитага таклиф киритиши мумкин.

Четлаштирилиш натижасида таркибида уч кишидан камайиб кетган иштирокчи жамоаларнинг масъул вакили бир кун муддатда Ташкилий қўмитага ўз жамоаси қайта шакллантирилгани ҳақида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ маълумотларни киритиши лозим. Акс ҳолда, ушбу иштирокчи жамоа танловдан четлаштирилади.

31. Ташкилий қўмитанинг иштирокчи жамоалар аъзоларини танловдан четлаштириш тўғрисидаги қабул қилинган қарори иштирокчи жамоанинг масъул вакилининг электрон почта манзилига (махсус порталдаги шахсий кабинетига хабарнома) юборилади.

6-боб. Танловни молиялаштириш ва танлов ғолибларини тақдирлаш

32. Танлов ғолиблари улар билан стартап лойиҳа ривожланишнинг маълум бир босқичига етганида ёки устав фонди (капиталини)ни оширганида 10 фоиздан ортиқ бўлмаган улушини “IT Park Ventures” МЧЖ венчур жамғармасига ўтказиб беришни назарда тутувчи шартнома тузилгандан сўнг инвестиция кўринишида қуйидаги маблағлар билан тақдирланади:

1-ўрин учун – 100 000 АҚШ доллари;

2-ўрин учун – 60 000 АҚШ доллари;

3-ўрин учун – 40 000 АҚШ доллари.

Бунда танлов ғолибларига инвестиция кўринишидаги маблағлар икки траншда тенг миқдорларда Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бажарилишига қараб ўтказиб берилади.

33. Инвестиция кўринишидаги маблағлар танлов ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов амалга ошириладиган кунидаги расмий курси бўйича миллий валюта эквивалентида иштирокчи жамоалар томонидан ташкил этилган юридик шахснинг банк ҳисоб рақамига Ташкилий қўмитанинг хулосаси асосида ўтказиб берилади.

Бунда:

а) инвестиция кўринишидаги маблағларнинг 50 фоиз миқдоридаги биринчи транши танлов ғолиблари билан шартнома тузилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичида;

б) инвестиция кўринишидаги маблағларнинг иккинчи транши тасдиқланган муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши асосида бир йил давомида ўтказиб берилади.

34. Танловнинг асосий йўналишлари бўйича ғолиблар инвестиция кўринишидаги маблағларнинг иккинчи траншини олиш учун Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бажариши лозим.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Бунда ишчи орган ҳар йили 25 декабрга қадар масъул Ташкилот таклифлари асосида ишлаб чиқилган муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ташкилий қўмитага киритади.

35. Мазкур Низом шартларини бажармаган ёки бузган, шунингдек, муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бажармаган танловнинг асосий йўналишлари ғолибларига инвестиция кўринишидаги маблағларнинг иккинчи траншни ўтказиб берилмайди.

36. Муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бир йил давомида тўлиқ бажармаган жамоаларга тўланмаган инвестиция кўринишидаги маблағлар “IT Park Ventures” МЧЖ ихтиёрида қолдирилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

37. Танловнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида тақдимот ташкилотчилар томонидан ижтимоий тармоқларда ҳамда махсус дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда жонли онлайн эфирга узатилиши мумкин.

Бунда барча тақдимотлар видеотасвирга олиш мосламалари ҳамда махсус дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда видеотасвирга олинади ва мазкур видеотасвирлар икки йил давомида сақланади.

38. Танловнинг ёпилиш тадбири тантанали равишда Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

39. Танлов натижалари юзасидан иштирокчи жамоалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат юборишга ҳақли.

40. Масъул ташкилот, унинг раҳбарлари ва ходимлари ҳамда масъул ташкилот томонидан танлов жараёнига жалб қилинган шахсларга алоқадор (аффилланган) шахсларнинг танловда иштирок этиши тақиқланади.

41. Танловни ташкил қилиш ва ўтказишга жалб қилинган барча шахслар танлов билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилишлари тақиқланади. Бунда:

танловни ташкил қилиш ва ўтказишда юзага келадиган низоли ҳолатларда танлов билан боғлиқ маълумотлар Ташкилий қўмита билан келишилган ҳолда учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин;

танлов билан боғлиқ маълумотларни Ташкилий қўмита билан келишилмаган ҳолда ошкор қилган шахслар ушбу хатти-ҳаракатлар натижасида кўрилган зарар бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

42. Танлов натижалари суд қарори асосида бекор қилинган ёки танловда коррупция омиллари аниқланганини исботловчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, тегишли йўналишнинг танлов натижалари бекор қилинади.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

43. Ишчи орган танловнинг ҳар бир босқичида шаффофлик, очиқлик ва ҳаққонийлик тамойиллари таъминланиши мақсадида иштирокчи жамоаларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш ва улар бўйича Ташкилий қўмитага таклиф киритиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

44. Ушбу Низом талабларига амал қилмаган ва унинг талабларини бузган айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танловини ташкил этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ташкилий қўмита, ишчи орган Ариза берувчилар	Танловни эълон қилади ва аризаларни қабули қилишни бошлайди. Ариза ва унга илова қилинган материалларни топширади.	Ҳар йили 1 июлдан бошлаб Ҳар йили 1 августга қадар
2-босқич	ишчи орган, масъул ташкилот	Махсус портал орқали келиб тушган ариза ва унга илова қилинган материалларнинг тўлиқлигини кўриб чиқади ҳамда кейинги босқичга ўтган жамоаларга “иштирокчи” мақомини беради.	Ҳар йили 20 августга қадар
3-босқич	Иштирокчи жамоалар, ишчи орган масъул ташкилот	1. Иштирокчи жамоалар учун анъанавий тарзда лойиҳалар тақдимотини ташкил этади. 2. Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари ҳар бир йўналиш бўйича кейинги босқичга ўтадиган энг юқори натижаларга эга бўлган 5 тадан (жами 25 та) иштирокчи жамоани танлаб олади.	Ҳар йили 5 сентябрга қадар
4-босқич	Иштирокчи жамоалар, масъул ташкилот, ишчи орган масъул ташкилот	1. Иштирокчи жамоалар учун масъул ташкилот томонидан акселерация дастурини ташкил этади ва унинг якуни бўйича масофавий лойиҳалар тақдимотини ташкил этади. 2. Иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини баҳолаш орқали ҳар бир йўналиш бўйича кейинги босқичга ўтадиган энг юқори натижаларга эга бўлган 3 тадан (жами 15 та) жамоани аниқлайди.	Ҳар йили 1 декабрга қадар

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

5-босқич	Ташкилий қўмита, ишчи орган	1. Анъанавий (оффлайн) тарзда лойиҳаларнинг якуний тақдимоти ташкил этади.	Ҳар йили 25 декабрга қадар
	Иштирокчи жамоалар, масъул ташкилот	2. Ушбу босқичга ўтган иштирокчи жамоалар ўзларининг лойиҳалари бўйича масъул ташкилотда тақдимот ўтказади ва ҳимоя қилади.	Тақдирлаш маросимида
	ишчи орган	3. Масъул ташкилотнинг баҳолари натижасига мувофиқ ҳар бир йўналиш бўйича энг юқори балл тўплаган, 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган (жами 15 та) иштирокчи жамоаларни аниқлайди. 4. Танлов натижаларини эълон қилади.	Танлов натижалари эълон қилингандан сўнг икки иш куни ичида
	“IT Park Ventures” венчур жамғармаси	5. Танлов ғолибларига инвестициянинг 50 фоиз миқдоридаги биринчи траншини ўтказиб беради.	Танлов ғолиблари билан шартнома тузилган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида
		6. Инвестициянинг иккинчи траншини тасдиқланган муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши асосида ўтказиб беради.	Бир йил давомида муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бажарилишига кўра

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун "Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап" (President AI Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун "President AI Award" танловида қатнашиш учун топшириладиган ариза ШАКЛИ

Ариза берувчи ҳақида маълумот
1. Жамоа аъзоларининг Ф.И.О.
2. Жамоа аъзоларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)
3. Барча жамоа аъзоларининг телефон рақами ва электрон почтаси
4. Барча жамоа аъзоларининг вазифалари: 5. Product менежер 6. Frontend дастурчи 7. Backend дастурчи 8. Full stack дастурчи 9. Data муҳандис 10. ML (Машинавий ўқитиш муҳандиси) 11. Ахборот хавфсизлиги муҳандиси 12. Мобил дастурчи 13. Devops дастурчи 14. MLOps дастурчи 15. Web дастурчи 16. Data scientist (тадқиқотчи) 17. Data architect (Маълумотлар архитектори) 18. Синовчи 19. Дизайнер 20. Бошқа
21. Жамоанинг намойиш этаётган ҳудуди
22. Жамоа аъзоларининг иш/ўқиш жойи
Лойиҳа тўғрисида маълумот
23. Танлов йўналиши: • давлат бошқарувида сунъий интеллект технологиялари • саноат ва тадбиркорликда сунъий интеллект технологиялари • соғлиқни сақлаш ва тиббиётда сунъий интеллект технологиялари • таълим соҳасида сунъий интеллект технологиялари • яшил иқтисодиёт ва агротехнологиялар йўналишида сунъий интеллект технологиялари
24. Лойиҳа номи
25. Лойиҳанинг тавсифи
26. Лойиҳанинг тавсифловчи видеолавҳага ҳавола (3 дақиқагача бўлган)
27. Лойиҳанинг тақдимоти (PDF шаклида) - *юклаш*, ёки унга ҳавола
28. Лойиҳанинг GitHub платформасидаги ҳаволаси
29. Лойиҳанинг прототипи (MVP)га ҳавола
30. Лойиҳанинг юқори сифатдаги логотипи (*юклаш*)

Изоҳ: Танлов йўналишлари ҳар йили Ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 5 ” июндаги 288-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг совриви учун
“Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award)
танловини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита
ТАРКИБИ

1.	Ш.Х. Шерматов	–	рақамли технологиялар вазири, *Ташкилий қўмита раиси*
2.	О.А. Пекось	–	рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари, *Ташкилий қўмита раиси ўринбосари*
3.	И.И. Норқулов	–	иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари, *Ташкилий қўмита раиси ўринбосари*
4.	*келишув асосида*	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси вакиллари
5.	Н.Н. Сайдуллаев	–	Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари
6.	Б.Р. Маматкаримов	–	энергетика вазирининг биринчи ўринбосари
7.	А.З. Саъдуллаев	–	Ёшлар ишлари агентлиги директори
8.	Д.А. Ваҳобов	–	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
9.	У.А. Садуллаев	–	Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
10.	И.М. Мухторов	–	Божхона қўмитаси раиси маслаҳатчиси
11.	С.Б. Раджабов	–	олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари
12.	О.М. Омонов	–	соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари
13.	М.К. Каримов	–	сув хўжалиги вазири ўринбосари
14.	Қ.А. Юлдашев	–	қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари
15.	А.А. Кадиров	–	Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти директори
16.	В.В. Кравченко	–	“Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” ДМ директори
17.	А.О. Караматов	–	“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ бош директори
18.	А.Х. Мухитдинов	–	Сунъий интеллект альянси ННТ раиси, *Ташкилий қўмита котиби*

Изоҳ. *Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибга мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

Зарурат ҳолларда Ташкилий қўмита таркибига хорижий экспертлар ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар мутахассислари жалб этилиши мумкин.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 5 ” июндаги 288-сон қарорига

3-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” (President Tech Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисида” 2023 йил 15 февралдаги 66-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 4-бандниng “а”-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

а) танлов 2026 йил май ойидан бошлаб ҳар йили “инкубация”, “акселерация” ва “энг яхши стартап” йўналишлари бўйича ўтказилади”;

2. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра танлов ғолибларига IT-парк дирекцияси томонидан Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қуйидаги миқдорларда Марказий банкнинг тўлов амалга ошириладиган кунидаги расмий курси бўйича миллий валюта эквивалентида бир марталик (бир стартапга бир маротаба берилади) пул мукофотлари ҳамда ўзаро келишувлар асосида тузилган шартнома доирасида IT-парк дирекцияси ҳузуридаги венчур жамғармаси томонидан венчур инвестицияси кўринишида ажратилади:

а) танловнинг “энг яхши стартап” йўналиши бўйича Ташкилий қўмита томонидан белгиланадиган 10 та соҳа бўйича жами 30 та жамоага – 2 500 000 АҚШ доллари.

1-ўрин учун – 125 000 АҚШ доллари;

2-ўрин учун – 75 000 АҚШ доллари;

3-ўрин учун – 50 000 АҚШ доллари;

б) “акселерация” йўналиши учун 15 та жамоага – 100 000 АҚШ доллари (умумий 1 500 000 АҚШ доллари);

в) “инкубация” йўналиши учун 25 та жамоага – 40 000 АҚШ доллари (умумий 1 000 000 АҚШ доллари);

Бунда:

венчур молиялаштириш “энг яхши стартап” ва “акселерация” йўналишлари иштирокчиларига қўлланади ҳамда шартнома шартлари венчур жамғарма томонидан белгиланади ҳамда стартапда 10 фоиздан ортиқ бўлмаган улуш эвазига ажратилади;

“инкубация” йўналиши иштирокчиларига эса грант сифатида бир марталик (бир стартапга бир маротаба берилади) пул мукофотлари билан IT-парк дирекцияси томонидан белгиланган шартлари асосида тақдирланади.”.

3. 1-иловада:

а) 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Танловга ташкилий қўмита умумий раҳбарлик қилади.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

Ташкилий қўмита қарорлари ташкилий қўмита йиғилишида унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган ҳолда тегишли баён билан расмийлаштирилади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, ташкилий қўмита йиғилиши ўтказиладиган сана тўғрисида ташкилий қўмита аъзоларига хабар берилади.

Йиғилиш баёни 2026 йилда анъанавий, 2027 йилдан бошлаб электрон шаклда махсус порталда ташкилий қўмита котиби томонидан шакллантирилади, ташкилий қўмита аъзолари томонидан электрон рақамли имзо ёрдамида имзоланади ва раислик қилувчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Ташкилий қўмита аъзолари ўз йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.”.

б) 5-бандда:

иккинчи хатбоши “ривожлантириш ҳамда” сўзларидан кейин “инкубация ва” сўзлари билан тўлдирилсин.

тўртинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“масъул ташкилотнинг халқаро инкубация ва акселерация дастурларидан ўтган стартаплар орасидан камида 5 та 1 млрд АҚШ долларидан юқори баҳосига етган бўлиши.”;

бешинчи хатбоши тегишлича олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи - ўнинчи хатбошлар билан тўлдирилсин:

“Масъул ташкилот билан тузиладиган шартномада қуйидагилар инобатга олинади:

кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг 80 фоизи олдиндан тўлов ва 20 фоизи масъул ташкилотга юкланган ишлар якунлангандан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида тўланади;

Ишчи орган қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолашдан олдин танлов ташкил этилиши ва ўтказилиши юзасидан эътирозлари йўқлиги ҳақида хулосани олиш юзасидан ташкилий қўмитага сўров юборади.

Бунда ташкилий қўмита ишчи органнинг сўрови келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддатда тегишли хулосани расмийлаштиришри ёки асослантирилган рад жавоби бериши зарур;

в) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Танлов ҳар йили бир маротаба қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

“инкубация” йўналиши – танловнинг ривожланишнинг бошланғич босқичида (ғоя, дастлабки прототип) бўлган жамоалар учун эксперт маслаҳатлари, тажриба алмашиш ва ўқув курслари орқали қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва стартапни кейинги босқичга тайёрлашга қаратилган йўналиш;

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

“акселерация” йўналиши – танловнинг ривожланишнинг бошланғич босқичида (дастлабки маҳсулот) бўлган жамоалар учун эксперт маслаҳатлари, тажриба алмашиш ва ўқув курслари орқали қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва стартапни кейинги босқичга тайёрлашга қаратилган йўналиши;

“энг яхши стартап” йўналиши – танловнинг фаол қуйидаги соҳалар бўйича инвестиция жалб қилиш (тайёр маҳсулот) босқичидаги стартаплар:

Молиявий технологиялар (FinTech);

Сунъий интеллектга асосланган технологиялар (AI);

Корхоналар учун мослашган рақамли технологиялар (Enterprise);

Креатив индустрия ва реклама технологиялари (Creative Industry & AdTech);

Давлат бошқарувида қўлланадиган рақамли технологиялар (GovTech);

Компьютер ва мобил ўйин дастурлари;

Таълим жараёнида қўлланадиган рақамли ва инновацион технологиялар (EdTech);

Логистика, транспорт ва ҳаракатланиш тизимларини ривожлантиришга қаратилган технологик ечимлар (Logistics & Mobility);

Соғлиқни сақлаш соҳасида технологик ечимлар (HealthTech);

Илмий-тадқиқот натижаларига асосланган юқори технологик ечимлар (DeepTech).;

г) 9 – 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Биринчи босқичда ташкилий қўмита томонидан ҳар йили 15 майга қадар танлов эълон қилинади ва аризалар қабули бошланади.

10. Иккинчи босқичда “энг яхши стартап” йўналиши бўйича ҳар йили 15 июнга қадар, “инкубация” ва “акселерация” йўналишлари бўйича эса ҳар йили 31 майга қадар ариза берувчилар томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ариза ва унга илова қилинган материаллар портал орқали топширилади.

11. Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Бунда иштирокчилар “Электрон ҳукумат”тизимининг Ягона фойдаланувчилар идентификация тизими (OneID) орқали рўйхатдан ўтадилар.”;

д) 14 – 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Учинчи босқичда ишчи орган томонидан барча йўналишлар бўйича 30 июлга қадар қадар портал орқали келиб тушган ариза ва унга илова қилинган материалларнинг тўлиқлиги ҳамда мазкур Низом талабларига мослиги текширилиб, ариза берувчиларнинг электрон почта манзили (шахсий кабинети)га кейинги босқичга ўтгани (ўтмагани) ҳақидаги хабар (хабарнома) юборилади ҳамда кейинги босқичга ўтган жамоаларга “иштирокчи” мақоми берилади.

Бунда “инкубация” йўналишида 30 тадан ва “акселерация” йўналишида бўйича 25 тадан кам бўлмаган жамоалар саралаб олинади.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

15. Ҳар йили:

“энг яхши стартап” йўналиши бўйича 25 августга қадар жамоалар менторлар билан лойиҳани такомиллаштиради ҳамда ҳар бир соҳа бўйича 5 тадан 10 тагача истиқболли лойиҳалар тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида рейтинг натижаларига кўра финалга ўтади.

16. Тўртинчи босқичда ҳар йили ўтказиладиган “Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги” доирасида “энг яхши стартап” йўналиши бўйича ушбу босқичга ўтган иштирокчи жамоалар ўзларининг лойиҳалари бўйича масъул ташкилотда тақдимот ўтказади ва ҳимоя қилади. Лойиҳалар тақдимоти бир ёки бир неча кун бўлиши мумкин ва унинг якуни бўйича “энг яхши стартап” йўналишида муваффақиятли иштирокчи жамоаларга танлов ғолиби мақоми берилади ва тақдирлаш маросими ўтказилади.

Ушбу босқичда, “инкубация” ва “акселерация” йўналишлари бўйича 25 ноябрга қадар иштирокчи жамоалар учун экспертлар иштирокида маслаҳатлар ва ўқув сессиялари ташкил этилади ва жами 40 та лойиҳа саралаб олинади ва финал босқичига ўтади.

Бунда лойиҳалар масъул ташкилот томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида рейтинг шакллантирилиб, жами 40 та иштирокчи жамоалар саралаб олинади.

17. Бешинчи босқичда 25 декабрга қадар ишчи орган томонидан белгиланган саналарда “инкубация” ва “акселерация” йўналишидаги иштирокчи жамоалар ўзларининг лойиҳаларини масъул ташкилотга тақдимот ўтказадилар ва ҳимоя қиладилар. Лойиҳалар тақдимоти бир ёки бир неча кун бўлиши мумкин.

Бунда лойиҳалар масъул ташкилот томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида жами 40 та иштирокчи жамоалар саралаб олинади.

Саралаб олинган иштирокчи жамоа танловнинг “инкубация” ва“акселерация” йўналишлари бўйича танлов ғолиби мақоми берилади ва уларга мазкур Низом талабларига мувофиқ мукофот совринлар ва инвестициялар ажратилади.

18. Танловнинг “инкубация” ва “акселерация” йўналишлари бўйича натижалар тантанали тақдирлаш маросимида эълон қилинади ва ушбу натижалар эълон қилинганидан сўнг икки кун ичида порталда ҳам жойлаштирилади.

Танлов “инкубация” ва “акселерация” йўналишлари бўйича танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳар йили 5 ноябрга қадар ташкилий қўмита томонидан тантанали равишда ташкил қилинади.

19. Танловнинг “энг яхши стартап” ва “акселерация” йўналишлари ғолибларига IT Park дирекцияси ҳузуридаги венчур жамғармаси томонидан инвестициялар мазкур Низомга мувофиқ, шартномада белгиланган муддатларда ажратилади, бунда молиялаштириш даври 1 йилдан ошмаслиги шарт.;

е) 21– 23-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Танловда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бир жамоа таркибида иштирок этиши мумкин.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

22. Танловда иштирок этиш учун жамоалар таркиби “инкубация” йўналишида 2–5, “акселерация” ва “энг яхши стартап” йўналишларида эса 3–8 кишидан иборат бўлиши керак.

23. Танловда иштирок этиш учун фақат 1 та йўналиш бўйича ариза юборишга рухсат этилади”;

к) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Иштирокчи жамоалар томонидан танловгача ва танлов давомида ишлаб чиқилган лойиҳалар билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилмайди.

Танлов доирасида иштирокчи жамоаларга кўрсатилган хизматлар учун масъул ташкилотга тўланган маблағлар бундан мустасно.”;

л) 27- қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Саралаш ва баҳолаш мезонлари тасдиқлангандан сўнг танловнинг жорий мавсуми тугагунга қадар (навбатдаги танлов эълон қилингунига қадар) уларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш тақиқланади.”;

м) 28-29-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“28. Ташкилий қўмита танловнинг ҳар бир босқичи алоҳида тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда, ҳар йили 15 июнга қадар саралаш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлайди ва ишчи органга махсус порталда эълон қилиш учун тақдим этади.

Бунда иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини баҳолаш мезонларида қуйидагилар инобатга олинади:

лойиҳа аниқ муаммо (муаммолар)ни ҳал қилиш ёки фойдаланувчилар томонидан мавжуд талабни бажаришга қаратилгани ва амалдаги ечимларнинг самарали, сифатли ва қулайлиги;

лойиҳа даромадлилиги ва молиявий модели асосланган;

лойиҳа бозор шароитларида рақобатга чидамлилиги, ривожланаётган йўналиш (соҳа)га қаратилганлиги ва фойдаланувчилар учун жозибадорлиги;

лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ мезонлар.

29. Ғолиблар “инкубация” ва “акселерация” йўналишлари бўйича бешинчи босқичда, “энг яхши стартап” йўналишида эса тўртинчи босқичда масъул ташкилот томонидан аниқланади.”;

н) 30-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“танлов офертасида белгиланган шартларни бузса;”;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ишчи орган иштирокчи жамоаларнинг аъзоларини танловдан четлаштириш бўйича ташкилий қўмитага таклиф киритади.”.

о) 32-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ташкилий қўмита ҳар йили саралаш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлашда махсус портал орқали иштирокчи жамоалар томонидан танлов жараёнларини яхшилаш ва такомиллаштириш юзасидан келиб тушган таклифларни инобатга олиб боради.”;

п) 33– 37-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Танлов ғолиблари қуйидаги миқдордаги мукофот ва инвестиция билан тақдирланади:

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

а) танловнинг “инкубация” йўналиши учун 25 та жамоага – 40 000 АҚШ доллари (умумий 1 000 000 АҚШ доллари) грант сифатида;

б) танловнинг “акселерация” йўналиши бўйича 15 та жамоага – 100 000 АҚШ доллари (умумий 1 500 000 АҚШ доллари) IT-парк дирекцияси ҳузуридаги венчур жамғарма томонидан инвестиция сифатида;

в) танловнинг “энг яхши стартап” йўналиши бўйича Ташкилий қўмита томонидан белгиланадиган 10 та соҳа бўйича IT-парк дирекцияси ҳузуридаги венчур жамғарма томонидан инвестиция сифатида жами 30 та жамоага – 2 500 000 АҚШ доллари қуйидаги нисбат бўйича:

1-ўрин учун – 125 000 АҚШ доллари;

2-ўрин учун – 75 000 АҚШ доллари;

3-ўрин учун – 50 000 АҚШ доллари.

34. Танлов ғолибларига пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўловлар амалга ошириладиган кунидаги расмий курси бўйича миллий валютада:

а) “инкубация” йўналиши бўйича – иштирокчи жамоанинг банк ҳисоб рақамига йил давомида уч транша белгиланган муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши асосида ўтказиб берилади;

б) “акселерация” ва “энг яхши стартап” йўналишлари бўйича – иштирокчи жамоаларнинг банк ҳисоб рақамларига IT-парк дирекцияси ҳузуридаги венчур жамғарма томонидан ўтказилган чуқур текширув (Due Diligence) асосида бир йил давомида тўлиқ ўтказиб берилади.

35. Танловнинг “инкубация” йўналиши бўйича ғолибларга:

танлов ғолиблари эълон қилинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичида пул мукофотининг биринчи транши (50 фоиз миқдорида) тўланади;

пул мукофотининг кейинги транши (25 фоиздан 50 фоизгача) йил давомида муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши асосида ташкилий қўмитанинг қарорига мувофиқ ўтказиб берилади.

36. Танловнинг “инкубация” йўналиши бўйича ғолиблар пул мукофотининг иккинчи (ёки учинчи) транши олиш учун ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бажариши лозим.

37. Мазкур Низом шартларини бажармаган ёки бузган, шунингдек, муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бажармаган танловнинг “инкубация” йўналиши ғолибларига пул мукофотининг қолган транши тўланмайди”;

р) 39-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда барча тақдимотлар видеотасвирга олиш мосламалари ҳамда махсус дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда видеотасвирга олинади ва мазкур видеотасвирлар икки йил давомида сақланади.”

с) 41^1-банд 42-банд деб ҳисоблансин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“42. Танлов натижалари суд қарори асосида бекор қилинган ёки танловда коррупция омиллари аниқланганини исботловчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, тегишли йўналишнинг танлов натижалари бекор қилинади.”

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

т) қуйидаги мазмундаги 43 ва 44-бандлар билан тўлдирилсин:

“43. Масъул ташкилот, унинг раҳбарлари ва ходимлари ҳамда масъул ташкилот томонидан танлов жараёнига жалб қилинган шахсларга алоқадор (аффилланган) шахсларнинг танловда иштирок этиши тақиқланади.

44. Танловни ташкил қилиш ва ўтказишга жалб қилинган барча шахслар танлов билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилишлари тақиқланади. Бунда:

танловни ташкил қилиш ва ўтказишда юзага келган низоли ҳолатларда танлов билан боғлиқ маълумотлар Ташкилий қўмита билан келишилган ҳолда учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин.

танлов билан боғлиқ маълумотларни Ташкилий қўмита билан келишилмаган ҳолда ошкор қилган шахслар ушбу хатти-ҳаракатлар натижасида кўрилган зарар бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

у) 42-банд 45-банд деб ҳисоблансин.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

ф) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғини учун “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” танловини ташкил этиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ташкилий қўмита	Танловни эълон қилади ва аризаларни қабул қилишни бошлайди.	Ҳар йили 15 майга қадар
2-босқич	Ариза берувчилар	Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза ва унга илова қилинган материалларни портал орқали топширади. Танловда иштирок этиш учун жамоаларнинг аъзолари порталда “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (OneID) орқали рўйхатдан ўтади.	Ҳар йили 15 июнга қадар
3-босқич	“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (ишчи орган) Иштирокчи жамоалар	1. Портал орқали келиб тушган ариза ва унга илова қилинган материалларнинг тўлиқлигини кўриб чиқади ҳамда Низом талабларига мослигини текширади. Бунда ариза берувчиларнинг кейинги босқичга ўтгани (ўтмагани) ҳақида электрон почта манзилига хабар юборади ҳамда кейинги босқичга ўтган жамоаларга “иштирокчи” мақомини берилади. 2. Ўзлари ишлаб чиққан лойиҳаларни такомиллаштиради ва порталга қайтадан жойлаштириши мумкин. Кечикиб тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.	Ҳар йили 30 июнга қадар

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

4-босқич	“Энг яхши стартап” йўналиши бўйича иштирокчи жамоалар Масъул ташкилот Ташкилий қўмита, ишчи орган, масъул ташкилот	1. Лойиҳалари бўйича масъул ташкилотда тақдимот ўтказади. “Энг яхши стартап” йўналишидаги иштирокчилар “буткэмп”да иштирок этиб, менторлар иштирокида ўз лойиҳаларини такомиллаштиради ва рейтинг натижасида ҳар бир соҳа бўйича 5 тадан 10 тагача финалистлар аниқланади. 2. Лойиҳалар тақдимоти бир ёки бир неча кун бўлиши мумкин ва унинг якуни бўйича “Энг яхши стартап” йўналишида муваффақиятли иштирок этган жамоаларга танлов ғолиби мақомини беради ва тақдирлаш маросимини ўтказади. 3. “Инкубация” ва “акселерация” йўналишлари бўйича иштирокчи жамоалар учун экспертлар иштирокида маслаҳатлар ва ўқув сессияларини ташкил этади.	Ҳар йили ўтказиладиган Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Ҳар йили 25 ноябрга қадар
5-босқич	Масъул ташкилот, “инкубация” ва “акселерация” йўналишлари бўйича иштирокчи жамоалар	1. Ўзларининг лойиҳаларини масъул ташкилотда тақдимот ўтказадилар ва ҳимоя қиладилар. 2. Тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида жамоалар саралаб олади. 3. Саралаб олинган 40 та иштирокчи жамоа танловнинг “инкубация” ва “акселерация” йўналишлари бўйича танлов ғолиби мақоми берилади ва уларга мазкур Низом талабларига мувофиқ мукофот совринлари ажратилади.	Ҳар йили 25 декабрга қадар

”.

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

x) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун
“Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап”
танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” танловида қатнашиш учун топшириладиган ариза
ШАКЛИ

“Энг яхши стартап” йўналиши
1. Жамоа ҳақида маълумот
1. Жамоа аъзоларининг Ф.И.О.
2. Жамоа аъзоларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)
3. Барча жамоа аъзоларининг телефон рақами ва электрон почта манзили
4. Барча жамоа аъзоларининг вазифалари: • Frontend дастурчи • Backend дастурчи • Data муҳандис • AI муҳандис • Мобил дастурчи • Devops дастурчи • Product менежер • Web дастурчи • Синовчи • Дизайнер • Бошқа
5. Жамоа иштирок этаётган ҳудуд/вилоят
6. Жамоа аъзоларининг иш/ўқиш жойи
2. Лойиҳа ҳақида маълумот
1. Лойиҳа соҳаси: – Молиявий технологиялар (FinTech) – Сунъий интеллектга асосланган технологиялар (AI) – Корхоналар учун мослашган рақамли технологиялар (Enterprise) – Креатив индустрия ва реклама технологиялари (Creative Industry & AdTech) – Давлат бошқарувида қўлланадиган рақамли технологиялар (GovTech) – Компьютер ва мобил ўйин дастурлари – Таълим жараёнида қўлланадиган рақамли ва инновацион технологиялар (EdTech) – Логистика, транспорт ва ҳаракатланиш тизимларини ривожлантиришга қаратилган технологик ечимлар (Logistics & Mobility) – Соғлиқни сақлаш соҳасида технологик ечимлар (HealthTech) – Илмий-тадқиқот натижаларига асосланган юқори технологик ечимлар (DeepTech)

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

2. Лойиҳа номи
3. Лойиҳа тавсифи
4. Ривожланиш босқичи
5. Олдинги ҳисобот даври учун умумий даромад
6. Мазкур йилнинг биринчи чораги учун даромад
7. Лойиҳани тавсифловчи видеолавҳага ҳавола (3 дақиқагача бўлган)
8. Лойиҳанинг GitHub платформасидаги ҳавола
9. Лойиҳа тақдимоти (PDF)
10. Логотип (.svg/.png)

“Инкубация” йўналиши
1. Жамоа ҳақида маълумот
1. Жамоа аъзоларининг Ф.И.О.
2. Жамоа аъзоларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)
3. Барча жамоа аъзоларининг телефон рақами ва электрон почта манзили
4. Барча жамоа аъзоларининг вазифалари: – Frontend дастурчи – Backend дастурчи – Data муҳандис – AI муҳандис – Мобил дастурчи – Devops дастурчи – Product менежер – Web дастурчи – Синовчи – Дизайнер – Бошқа
5. Жамоа иштирок этаётган ҳудуд/вилоят
6. Жамоа аъзоларининг иш/ўқиш жойи
2. Лойиҳа ҳақида маълумот
1. Лойиҳа номи
2. Ривожланиш босқичи
3. Лойиҳа соҳаси
4. Лойиҳа тавсифи
5. Минимал ишлайдиган маҳсулот (MVP)

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

6. Лойиҳани тавсифловчи видеолавҳага ҳавола (3 дақиқагача бўлган)
7. Лойиҳанинг GitHub платформасидаги ҳавола
8. Лойиҳа тақдимоти (PDF)
9. Логотип (.svg/.png)

“Акселерация” йўналиши
1. Жамоа ҳақида маълумот
1. Жамоа аъзоларининг Ф.И.О.
2. Жамоа аъзоларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)
3. Барча жамоа аъзоларининг телефон рақами ва электрон почта манзили
4. Барча жамоа аъзоларининг вазифалари: • Frontend дастурчи • Backend дастурчи • Data муҳандис • AI муҳандис • Мобил дастурчи • Devops дастурчи • Product менежер • Web дастурчи • Синовчи • Дизайнер • Бошқа
5. Жамоа иштирок этаётган ҳудуд/вилоят
6. Жамоа аъзоларининг иш/ўқиш жойи
2. Лойиҳа ҳақида маълумот
1. Лойиҳа номи
2. Ривожланиш босқичи
3. Лойиҳа соҳаси
4. Лойиҳа тавсифи
5. Олдинги ҳисобот даври учун умумий даромад
6. Мазкур йилнинг биринчи чораги учун даромад
7. Лойиҳани тавсифловчи видеолавҳага ҳавола (3 дақиқагача бўлган)
8. Лойиҳанинг GitHub платформасидаги ҳавола
9. Лойиҳа тақдимоти (PDF)
10. Логотип (.svg/.png)

QMMB: 09/26/288/0570-son
08.06.2026-y.

4. 2-иловада:

а) 2 - позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“О.А. Пекось – рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари;”

б) 6-позициядаги “К.Х. Каримов” сўзлари “С.Б. Раджабов” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-позицияда: “А.К.Шадманов” сўзлари “А.Ш.Бобоев” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 10-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин

“А.О. Караматов – “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ бош директори, Ташкилий қўмита котиби”.





БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

QMMB: 10/26/2310-4/0556-son
03.06.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2310-4
2026 - yil 02 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING

QARORI

Ishlab chiqariladigan tabiiy gazga aksiz solig‘ini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 15-iyundagi PQ–280-son “Tabiiy gaz bozorini isloh qilishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi va Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va Davlat soliq qo‘mitasining 2011-yil 12-dekabrdagi 79, 2011-37-son qarori (ro‘yxat raqami 2310, 2012-yil 9-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 2-son, 20-modda) bilan tasdiqlangan Ishlab chiqariladigan tabiiy gazga aksiz solig‘ini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

QMMB: 10/26/2310-4/0556-son
03.06.2026-y.

Vazir
2026-yil 13-may
364-son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Rais
2026-yil 28-aprel
2026-08-son

PULATOV FARRUX JAXONGIROVICH

Kelishildi:

Rais
2026-yil 27-mart

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
2026-yil 17-mart

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

QMMB: 10/26/2310-4/0556-son
03.06.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2026-yil 13-maydagi 364-son va Soliq qo‘mitasining 2026-yil 28-apreldagi 2026-08-son qaroriga

ILOVA

Ishlab chiqariladigan tabiiy gazga aksiz solig‘ini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasida ishlab chiqariladigan tabiiy gazga aksiz solig‘ini hisoblab chiqarish va to‘lash tartibini belgilaydi.”.

2. 1-bandning to‘rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“gaz bilan ta’minlovchi tashkilot — gazning pirovard iste’molchilarga yetkazib berilishi, uzatilishi va taqsimlanishini ta’minlovchi tashkilot.”.

3. 2-bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilari chiqarib tashlansin.

4. IV bo‘lim o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

QMMB: 10/26/2992-1/0551-son
03.06.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2992-1
2026 - yil 02 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT
VA MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

Oliy taʼlim muassasalarining budjetdan tashqari mablagʻlari (toʻlov-kontrakt asosida oʻqitish uchun tushumlarning faqat toʻlov-kontrakt miqdorining oshirilgan qismi) hisobidan akademik litseylar uchun oʻquv-laboratoriya asbob-uskunalari, sarflash materiallari, kompyuter texnikasi, darsliklar va oʻquv qoʻllanmalari sotib olish hamda akademik litseylarning oʻqituvchi va oʻquvchilarini moddiy qoʻllab-quvvatlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomning 16-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 25-noyabrdagi PF–231-son “Qonunchilikdagi huquqiy bo‘shliqlarni bartaraf etish va tartibga solish yukini kamaytirish to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi hamda Moliya vazirligining 2018-yil 27-fevraldagi 2-2018 va 40-son qarori (ro‘yxat raqami 2992, 2018-yil 5-aprel) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 05.04.2018-y., 10/18/2992/1009-son) bilan tasdiqlangan Oliy ta’lim muassasalarining budjetdan tashqari mablag‘lari (to‘lov-kontrakt asosida o‘qitish uchun tushumlarning faqat to‘lov-kontrakt miqdorining oshirilgan qismi) hisobidan akademik litseylar uchun o‘quv-laboratoriya asbob-uskunalari, sarflash materiallari, kompyuter texnikasi, darsliklar va o‘quv qo‘llanmalari sotib olish hamda akademik litseylarning o‘qituvchi va o‘quvchilarini moddiy qo‘llab-quvvatlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 16-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. Akademik litseylarning xalqaro va respublika miqyosidagi olimpiadalar g‘oliblari (1, 2 va 3 o‘rin sohiblari), oliy ta’limning bakalavriat ta’lim yo‘nalishlariga o‘qishga kirishda imtiyoz beradigan xorijiy tillarni bilish darajasini belgilovchi va (yoki) umumta’lim fanlari bo‘yicha milliy yoki xalqaro tan olingan kamida 2 ta sertifikatga ega yoxud aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlaridan bo‘lgan o‘quvchilari oliy ta’lim muassasasi tomonidan ajratilgan mablag‘lar hisobidan moddiy rag‘batlantiriladi.

Moddiy rag‘batlantirish har oyda bir o‘quvchiga bazaviy hisoblash miqdorining ikki barobaridan ortiq bo‘lmagan miqdorda oylik stipendiya, bir yilda bir o‘quvchiga bazaviy hisoblash miqdorining olti barobaridan ortiq bo‘lmagan miqdorda bir yo‘la to‘lanadigan moddiy yordam ko‘rinishida amalga oshiriladi.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 25-may
34-q/q-son

SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH

Vazir
2026-yil 25-may
368-son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3194-1/0552-son
03.06.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3194-1
2026 - yil 02 - Iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

Автомобилда амалга оширилаётган халқаро юк ташиш турини белгилаш мезонлари ва тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 мартдаги 114-сон “Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг рухсатнома тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 31 октябрдаги 6, 01-02/12-61-сон қарори (рўйхат рақами 3194, 2019 йил 8 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2019 й., 10/19/3194/4006-сон) билан тасдиқланган Автомобилда амалга оширилаётган халқаро юк ташиш турини белгилаш мезонлари ва тартибига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Vazir
2026-yil 26-may
5-son

MAXKAMOV ILXOM
RUSTAMOVICH

Rais
2026-yil 26-may
02-07/13-45-son

MAVLONOV AKMALXUJA
YUSUPOVICH

QMMB: 10/26/3194-1/0552-son
03.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2026 йил 26 майдаги 5-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг 2026 йил 26 майдаги 02-07/13-45-сон қарорига
ИЛОВА

Автомобилда амалга оширилаётган халқаро юк ташиш турини белгилаш мезонлари ва тартибига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур ҳужжат автотранспорт воситасида амалга оширилаётган халқаро юк ташиш турини белгилаш мезонлари ва тартибини белгилайди.”.

2. 1-бандниng олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**Ўзбекистон рухсатномаси** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро ташишни амалга ошириш учун хорижий давлат ҳудудида рўйхатга олинган автотранспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.”.

3. 6-банддаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 мартдаги 202-сон қарори билан тасдиқланган Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш квотасини белгилаш, тақсимлаш, бериш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 мартдаги 114-сон қарори билан тасдиқланган Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3515-2
2026 - yil 02 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRLIGINING

QARORI

Xorijiy tillar va umumtaʼlim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar roʻyxatiga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 23-oktabrdagi PQ–316-son “Kasbiy taʼlim tizimida islohotlarni amalga oshirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarori va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 13-sentabrdagi 578-son “Oliy taʼlim tashkilotlariga oʻqishga qabul qilish jarayonlarini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash toʻgʻrisida”gi hamda 2025-yil 17-oktabrdagi 652-son “Musiqa madaniyati fani va jismoniy tarbiya fani oʻqituvchilarining bilim darajasi hamda kasbiy mahoratini aniqlash boʻyicha milliy baholash tizimini joriy etish toʻgʻrisida”gi qarorlariga muvofiq Oʻzbekiston Respublikasi Oliy taʼlim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Maktabgacha va maktab taʼlimi vazirligi qaror qiladi:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Oliy taʼlim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 4-apreldagi 4-q/q-son va Maktabgacha va maktab taʼlimi vazirligining 2024-yil 2-apreldagi 3-mh-son qarori (roʻyxat raqami 3515, 2024-yil 29-may) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 29.05.2024-y., 10/24/3515/0376-son) bilan tasdiqlangan Xorijiy tillar va umumtaʼlim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar roʻyxatiga ilovaga muvofiq oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 5-may
23-son



SHARIPOVKONGRATBAY AVEZIMBETOVICH

Vazir
2026-yil 29-aprel
38-mh-son



KARIMOVAE’ZOZXON GAPIRJONOVNA

Kelishildi:

Vazir
21-Aprel 2026-yil



KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2026-yil 5-maydagi 23-son hamda Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining 2026-yil 29-apreldagi 38-mh-son qaroriga
ILOVA

Xorijiy tillar va umumta’lim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar ro‘yxatiga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. 1-bobda:

a) 2-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

2.	Test of English as a Foreign Language – TOEFL iBT	1-1.5	2-2.5	3-3.5/ 42–71	4-4.5/ 72–94	5-5.5/ 95–113	6/ 114–120

”;

b) izoh qismida:

1, 2 va 4-kichik bandlardagi “professional” degan so‘z “kasbiy” degan so‘z bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi 4^1-kichik band bilan to‘ldirilsin:

“4^1) 2026-yil 21-yanvar sanasiga qadar 120 ballik tizim asosida olingan, ushbu sanadan keyin 6 (120) ballik tizim asosida olingan (olinadigan) Test of English as a Foreign Language – TOEFL iBT xalqaro sertifikati uchun uning amal qilish muddati tugagunga qadar umumiy o‘rta, o‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’limga o‘qishga kirish, ishga qabul qilish hamda ustamalar belgilash bo‘yicha imtiyozlar qo‘llaniladi;”;

5-kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5) mazkur qaror bilan tasdiqlangan Ro‘yxatning 1-bobi izoh qismi 1 – 4^1-kichik bandlari barcha boblar uchun qo‘llaniladi.”.

2. 2-bobda:

a) nomidagi “professional” degan so‘z “kasbiy” degan so‘z bilan almashtirilsin;

b) “Oʻrta maxsus, professional taʼlimi uchun” blokning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Oʻrta maxsus va kasbiy taʼlim uchun”;

d) 2-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

2.	Test of English as a Foreign Language – TOEFL iBT	3-3.5/ 42–71	4-4.5/ 72–94	5-5.5/ 95–113	6/ 114–120

”;

e) 29 – 53-pozitsiyalar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

29.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash boʻyicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
30.	Test of English as a Foreign Language — TOEFL iBT	3-3.5/ 42 – 71	4-4.5/ 72 – 94	5-5.5/ 95 – 113	6/ 114 – 120
31.	Cambridge English Qualifications	B1 Preliminary (140 – 159)	B2 First (160 – 179)	C1 Advanced (180 – 199)	C2 Proficiency (200 – 230)
32.	International English Language Testing System — IELTS (Academic)	4.0-5.0	5.5-6.5	7.0-8.0	8.5-9.0
32^1.	Cambridge Linguaskill	B1	B2	C1	C2
32^2.	International Test of English Proficiency iTEP Academic — Plus	B1	B2	C1	C2
FRANSUZ TILI					
33.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash boʻyicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
34.	Diplôme dʼEtudes en Langue Française (DELF)	B1	B2		
35.	Diplôme Approfondi de Langue Française (DALF)			C1	C2

NEMIS TILI					
36.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
37.	Goethe-Zertifikat	B1	B2	C1	C2
38.	Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF)		TDN 3 (B2.1), TDN 4 (B2.2 — C1.1)	TDN 5 (C1.2)	
39.	Deutsches Sprachdiplom (DSD I, II)	DSD I B1	DSD II B2	DSD II C1	
ISPAN TILI					
40.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
41.	Diplomas de Español como Lengua Extranjera (DELE)	DELE B1	DELE B2	DELE C1	DELE C2
42.	Servicio Internacionalde Evaluación de la Lengua Española (SIELE)	B1	B2	C1	C2
ITALYAN TILI					
43.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
ARAB TILI					
44.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
45.	AT Tanal Al Arabi	B1	B2	C1	C2

XITOY TILI					
46.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
47.	Hanyu Shuiping Kaoshi (HSK)	HSK 3	HSK 4	HSK 5	HSK 6
YAPON TILI					
48.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
KOREYS TILI					
49.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
50.	Test of Proficiency in Korean (TOPIK II)	Level 3 120 – 149	Level 4 150 – 189	Level 5 190 – 229	Level 6 230 – 300
TURK TILI					
51.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	
52.	Türkçe Yeterlik Sınavı (TYS)		B2	C1	
PUSHTU, DARIY, URDU, HINDIY, UYG‘UR, FORS TILLARI					
53.	Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat	B1	B2	C1	

”;

55-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

55.	Test of English as a Foreign Language – TOEFL iBT	3-3.5/ 42–71	4-4.5/ 72–94	5-5.5/ 95–113	6/ 114–120

”.

3. 3-bobda:

a) nomidagi “professional” degan so‘z “kasbiy” degan so‘z bilan almashtirilsin;

b) “Maktabgacha, umumiy o‘rta, o‘rta maxsus, professional ta’lim uchun” blokining nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Maktabgacha, umumiy o‘rta, o‘rta maxsus va kasbiy ta’lim uchun”;

d) 2-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

2.	Test of English as a Foreign Language — TOEFL iBT	72 — 94 Speaking 16 /4-4.5 Speaking 3.5	95 — 113 Speaking 23 /5-5.5 Speaking 4.5	114 — 120 /6 Speaking 5.5

”.

e) “Oliy ta’lim uchun” blokining 2-pozitsiyasi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

2.	Test of English as a Foreign Language — TOEFL iBT	72 — 94 Speaking 16 /4-4.5 Speaking 3.5	95 — 113 Speaking 23 /5-5.5 Speaking 4.5	114 — 120 /6 Speaking 5.5

”.

f) izoh qismida:

2-kichik banddagi “professional” degan so‘z “kasbiy” degan so‘z bilan almashtirilsin;

4-kichik bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“* umumiy o‘rta, o‘rta maxsus va kasbiy ta’lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan pedagog xodimlarga Teaching Knowledge Test (TKT), Teaching English for Speakers of Other Languages (TESOL), Teaching English as a Foreign Language (TEFL), Teaching English as a Second Language (TESL) sertifikatlari Common European Framework of Reference (CEFR) tizimining B2 yoki undan yuqori darajasidagi sertifikat bilan birgalikda qabul qilinadi hamda ularga ustama belgilangan tartibda to‘lanadi, bunda ustama to‘lash muddati Common European Framework of Reference (CEFR) tizimidagi B2 yoki undan yuqori darajadagi sertifikatning amal qilish muddatiga bog‘liq bo‘lmaydi, balki Teaching Knowledge Test (TKT), Teaching English for Speakers of Other Languages (TESOL), Teaching English as a Foreign Language (TEFL), Teaching English as a Second Language (TESL) sertifikatlarining amal qilish muddati asosida belgilanadi.”;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“** Teaching Knowledge Test (TKT) xalqaro sertifikati uchun ustama belgilanishida barcha (3 ta) modullardan oxirgi topshirilgan modulning sanasi asos sifatida hisobga olinadi.”.

quyidagi mazmundagi 5-kichik band bilan to‘ldirilsin:

“5) kasbiy taʼlim tashkilotlarining pedagoglari xorijiy tilda maxsus fanlarni oʻqitganligi uchun ularning lavozim maoshiga nisbatan milliy va xalqaro tan olingan B2 sertifikati uchun 50 foiz, C1 sertifikati uchun 100 foiz miqdorda har oylik ustamalar beriladi.”.

4. 4-bobda:

a) nomidagi “professional” degan soʻz “kasbiy” degan soʻz bilan almashtirilsin;

b) 4-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

4.	Digital Scholastic Assessment Test (Digital SAT)[3]	750	Xalqaro

”;

d) quyidagi mazmundagi 18 va 19-pozitsiyalar bilan toʻldirilsin:

“

AMALIY FANLAR			
Musiqa madaniyati			
18	Oʻqituvchining bilim darajasi va kasbiy mahorati toʻgʻrisida sertifikat***	B+	Milliy
Jismoniy tarbiya			
19	Oʻqituvchining bilim darajasi va kasbiy mahorati toʻgʻrisida sertifikat***	B+	Milliy

”;

e) izoh qismida:

3-kichik band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan toʻldirilsin:

“2026-yil 3-iyun sanasiga qadar 700 ballik tizim asosida olingan Scholastic Assessment Test (Digital SAT) sertifikati boʻyicha ustamalar belgilash yuzasidan imtiyozlar uning amal qilish muddati tugagunga qadar qoʻllaniladi;”;

8-kichik banddagi “professional” degan soʻz “kasbiy” degan soʻz bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi 12 va 13-bandlar bilan toʻldirilsin:

“12) 2026-yil 3-iyun sanasiga qadar olingan Astrum Certified IT Educator milliy sertifikati uchun uning amal qilish muddati tugagunga qadar (muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yildan koʻp boʻlmagan vaqt mobaynida) umumiy oʻrta, oʻrta maxsus, kasbiy taʼlim muassasalarida ustamalar belgilash boʻyicha imtiyozlar qoʻllaniladi. Bunda, 2026-yil 3-iyun sanasidan keyin olingan yuqoridagi sertifikat uchun ustamalar belgilash boʻyicha imtiyozlar qoʻllanilmaydi;

13) *** umumiy oʻrta taʼlim maktablari uchun amal qiladi.”.

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3843
2026 - yil 02 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
URBANIZATSIYA VA UY-JOY BOZORINI BARQAROR RIVOJLANTIRISH MILLIY QO‘MITASI HUZURIDAGI
KADASTR AGENTLIGI DIREKTORNING
BUYRUG‘I

Ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazishni tayinlash asoslari va ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Ko‘chmas mulkka bo‘lgan huquqlarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 22-iyundagi 389-son “Davlat kadastrlarini yuritish sohasini tartibga soluvchi ayrim normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazishni tayinlash asoslari va ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktori o'rinbosari
2026-yil 24-aprel
43-10-son

MIRMAKSUDOV MIRSAID SADIKOVICH

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi direktorining 2026-yil 24-apreldagi 43-10-son buyrug‘iga ILOVA

Ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazishni tayinlash asoslari va ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi YO‘RIQNOMA

Mazkur Yo‘riqnoma ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazishni tayinlash asoslari va ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish tartibini belgilaydi.

Ushbu Yo‘riqnomaning talablari kapital qurilish obyekti hisoblanmagan, shu jumladan, yengil konstruksiyali qurilmalarga nisbatan tatbiq etilmaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Yo‘riqnomada quyidagi tushunchalar qo‘llaniladi:

abris – muayyan masshtabsiz, proporsiyalarga rioya etilgan holda, ko‘chmas mulkning mavjudligi, joylashgan yeri, tarkibi, maydoni, holati va boshqa tavsiflarini tuzish uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlar to‘plangan chizmasi;

antresol – xonaning yuqori qismida joylashgan, yordamchi maqsadlarda foydalanish hamda xonaning foydali maydonini oshirish uchun mo‘ljallangan qurilmaviy maydoncha;

asosiy kirish nuqtasi – obyektga kirib chiqish uchun mo‘ljallangan asosiy kirish joyi;

asosiy bino – qonunchilikda belgilangan tartibda berilgan (realizatsiya qilingan) yer uchastkasida qurilishi belgilangan, foydalanishga qabul qilingan bino, shuningdek huquqni belgilovchi boshqa hujjatlarga asosan binoning foydalanish maqsadiga, arxitektura belgilariga ko‘ra ustunlik qiluvchi bino;

balkon – fasad devorining tekisligidan tashqariga chiqib turadigan hamda to‘siq bilan o‘ralgan ochiq yoki yopiq maydon;

bino – funksional maqsadiga qarab odamlar yashashi yoki bo‘lishiga va har xil turdagi ishlab chiqarish jarayonlarini bajarishga mo‘ljallangan, tayanch, to‘sma yoki har ikkala maqsadga xizmat qiluvchi konstruksiyalardan iborat qurilish tizimi;

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

veranda – binoning asosiy hajmiga yopishtirib qurilgan oynavand yozgi xona;

garaj – transport vositalarini doimiy yoki vaqtincha saqlash uchun mo‘ljallangan bino va inshoot yoki uning bir qismi yoxud bino va inshootlar majmuasi;

dala ishlari – xodimning doimiy ish joyidan tashqarida bajariladigan ishlar;

devor – binoning asosiy konstruktiv elementi bo‘lib, shiftlar, qavatlar va tom kabi konstruksiyalardan tushadigan yukni ko‘tarish hamda binoni yog‘ingarchilik, issiqlik o‘tkazuvchanligi va boshqa tabiiy hamda iqlimiy ta’sirlardan himoya qilish uchun mo‘ljallangan qurilma;

inshoot – har xil turdagi ishlab chiqarish jarayonlarini bajarish, moddiy qimmatliklarni joylashtirish va saqlash, odamlarning vaqtincha bo‘lishi (harakatlanishi), shuningdek uskunalar yoki kommunikatsiyalarni joylashtirish (o‘tkazish, ulash) uchun mo‘ljallangan, tayanch, to‘sma yoki har ikkala maqsadga xizmat qiluvchi konstruksiyalardan iborat hajmiy, yassi yoki chiziq tarzidagi qurilish tizimi;

y er uchastkasi – yer fondining qayd etilgan chegaraga, maydonga, joylashish manziliga, huquqiy rejimga hamda davlat yer kadastrida aks ettiriladigan boshqa xususiyatlariga ega bo‘lgan qismi;

yer uchastkasining chegaralari – bir yer uchastkasini boshqa yer uchastkasidan ajratuvchi chiziqlar;

yerto‘la qavati – xona polining yer sathidan pastda, xona balandligining yarmidan ortiq joylashgan qavat;

yordamchi bino – asosiy binoga nisbatan yordamchi vazifasini bajaruvchi bino va inshoot (omborxona, garaj, yozgi oshxona, tandirxona, alohida joylashgan yerto‘la, hammom, hovlidagi hojatxona, dushxona, issiqxona, hovuz, sauna, qozonxona va odamlarning vaqtincha turishi yoki turli ishlarni bajarish uchun mo‘ljallangan boshqa funksional qurilmalar);

kadastr y igʻmajildi – obyektning ko‘chmas mulkka bo‘lgan huquqlarni shakllantirish, hisobga olish va keyinchalik davlat ro‘yxatidan o‘tkazish uchun zarur bo‘lgan kadastr suratiga olish, texnik xatlovdan o‘tkazish va pasportlashtirishning, maxsus tekshirish va izlanishlarning, sifat va qiymat jihatidan baholashning hujjatlari, materiallari va ma’lumotlari jamlamasi;

koʻp kvartirali uy – ko‘p kvartirali uyga tutash yer uchastkasiga yoxud bunday uydagi umumiy foydalaniladigan joylarga mustaqil chiqish yo‘laklariga ega bo‘lgan ikki va undan ortiq kvartiralar majmui;

koʻchmas mulk – yer uchastkalari, binolar, inshootlar, ko‘p yillik daraxtlar va yer bilan uzviy bog‘langan boshqa mol-mulk, ya’ni belgilangan maqsadiga nomutanosib zarar yetkazmagan holda joyini o‘zgartirish mumkin bo‘lmaydigan obyektlar;

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

ko‘chmas mulkning tarkibi – ko‘chmas mulkni tashkil etuvchi va u bilan uzviy bog‘liq bo‘lgan obyektlar, qismlar hamda elementlar yig‘indisi;

kirish nuqtasi – yer uchastkasi, bino va inshootlarga kirish va chiqish uchun mo‘ljallangan joy;

liter – texnik inventarizatsiya hujjatlarida bino va inshootlar hamda ularning qavatlarini belgilash uchun ishlatiladigan lotin alifbosidagi harf;

mansarda qavati – chordoq bo‘shlig‘ida joylashtiriladigan qavat;

pardevor – bino ichida joylashgan xonalarni o‘zaro ajratish uchun mo‘ljallangan, yuk ko‘tarmaydigan vertikal ichki to‘siq qurilmasi;

poydevor – bino yoki inshootning yer usti qismidan tushadigan yuklarni tuproqqa uzatish va taqsimlash uchun mo‘ljallangan konstruktiv elementi;

pol – ekspluatatsiya qilish paytidagi ta’sirlarni qabul qilish va orayopma yoki grunt bo‘ylab qayta taqsimlash uchun mo‘ljallangan bino yoki inshootning elementi;

tambur – bino yoki inshootga kirishda eshiklar orasidagi o‘tish joyi (tambur sovuq havo, chang, tutun va hidlarning kirib kelishini oldini olishga xizmat qiladi);

terrasa – binoga tutashtirib qurilgan, ochiq yoki yopiq holdagi maydoncha;

ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish (bundan buyon matnda texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish deb yuritiladi) – ko‘chmas mulkni tekshirish natijalari asosida ko‘chmas mulkning mavjudligi, joylashgan yeri, tarkibi, maydoni, holati, qiymati va boshqa tavsiflari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni to‘plash, aniqlash hamda ularga ishlov berish;

texnik qavat – muhandislik qurilmalarini joylashtirish va kommunikatsiyalarni o‘tkazishga mo‘ljallangan qavat;

tom – bino yoki inshootning yog‘ingarchilik, shamol, quyosh nuri va boshqa tashqi ta’sirlardan himoya qiluvchi ustki qoplama konstruktiv elementi;

umumiy maydon – binolar, inshootlar barcha qavatlarining gorizontal perimetri bo‘yicha o‘rab turgan tashqi chegaralovchi elementlar bo‘yicha hisoblangan maydon (ko‘p qavatli uylarning qismlari hamda yerto‘lalar bundan mustasno);

umumiy foydali maydon – bino, inshootning inson foydalanishi mumkin bo‘lgan barcha o‘rab turuvchi elementlarining ichidagi maydonlari yig‘indisi (yerto‘lalar bundan mustasno);

Kadastr va ko‘chmas mulklarni ro‘yxatdan o‘tkazish integratsion axborot tizimi (bundan buyon matnda UZKAD tizimi deb yuritiladi) – kadastr va ko‘chmas mulklarni ro‘yxatdan o‘tkazish integratsiyalashtirilgan axborot tizimi;

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

kapital qurilish obyektlari – yer bilan uzviy bog‘liq bo‘lgan va ularning belgilangan maqsadiga nomutanosib zarar yetkazmagan holda joyini o‘zgartirish mumkin bo‘lmaydigan binolar, inshootlar, shuningdek, qurilishi tugallanmagan obyektlar;

lodjiya – uch tomondan devor bilan o‘ralgan, tashqi tomondan ochiq yoki oynavand, bino hajmiga ega botiq yozgi bino;

xona – binoning ichki hajmida joylashgan, devorlar, deraza va eshiklar, shift hamda pol bilan chegaralangan alohida qism;

sokol qavati – xonalar polining sathi yerning rejaviy sathidan xona balandligining yarmidan kam qismi miqdorida pastda joylashgan qavat;

chordoq – binoning tepa qavati orayopmasi va tomyopma konstruksiyalari orasidagi bo‘shliq;

erker – xonaning fasad qismidan tashqariga chiqib turadigan, qisman yoki to‘liq oynalangan hamda xonaning tabiiy yoritilishi va insolyatsiyasini yaxshilash uchun mo‘ljallangan qismi;

eksplikatsiya – bino va inshootlarning nomi, qavatlar soni, konstruktiv elementlari hamda mavjud muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar ro‘yxati;

yashash maydoni – yashash xonasining maydoni;

qurilishi tugallanmagan obyektlar – ajratilgan yer uchastkasida tasdiqlangan loyiha hujjatlariga muvofiq qurilishi boshlangan, lekin ko‘rsatilgan muddatda tugallanmagan yoki qurilishi tugallangan, biroq qurilishni (rekonstruksiya qilinishni) qabul qilib olish dalolatnomasi (foydalanish uchun ruxsatnoma) asosida foydalanish uchun qabul qilib olinmagan bino va inshootlar;

qurilish osti maydoni – bino yoki inshootning tashqi devorlari va yerto‘la qismining yer yuzasiga proyeksiyasidan hosil bo‘lgan, shuningdek yer osti, yer usti va yuqori qavatlardagi turtib chiqqan qismlari (veranda, terrasa, yerto‘la qavatiga kirish joylari va boshqa elementlar) hisobga olingan holda tashqi kontur bo‘ylab egallagan yer yuzasi.

2. Texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi Davlat kadastrlari palatasining tuman (shahar) filiallari muhandislari yoki malaka shahodatnomasiga ega kadastr muhandislari (bundan buyon matnda ijrochilar deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

2-bob. Texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish maqsadlari, turlari va ularni tayinlash asoslari

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

3. Koʻchmas mulk quyidagi maqsadlarda texnik inventarizatsiyadan oʻtkaziladi:

koʻchmas mulkning kadastr yigʻmajildini shakllantirish uchun;

koʻchmas mulkning chegaralarini va maydonlarini aniqlash uchun;

koʻchmas mulkning tarkibini aniqlash uchun;

koʻchmas mulkning texnik tavsiflarini hamda foydalanish maqsadini aniqlash uchun;

koʻchmas mulkka boʻlgan huquqni belgilovchi hujjatlardagi maʼlumotlar bilan tafovutlarni aniqlash uchun;

koʻchmas mulkning holati va joriy oʻzgarishlarini aniqlash uchun.

4. Texnik inventarizatsiyadan oʻtkazish quyidagi turlarga boʻlinadi:

birlamchi texnik inventarizatsiyadan oʻtkazish;

qayta texnik inventarizatsiyadan oʻtkazish.

5. Birlamchi texnik inventarizatsiya quyidagi holatlarda amalga oshiriladi:

yer uchastkalari berilganda (realizatsiya qilinganda);

bino yoki inshootlar qurilganda va foydalanishga qabul qilinganda;

belgilangan tartibda ajratilgan yer uchastkasida qurilishi tugallanmagan obyekt mavjud boʻlganda;

koʻchmas mulk boʻlinganda;

koʻchmas mulk birlashtirilganda.

Birlamchi texnik inventarizatsiya qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa holatlarda ham amalga oshirilishi mumkin.

6. Qayta texnik inventarizatsiyadan oʻtkazish quyidagi holatlarda amalga oshiriladi:

yer uchastkasining chegarasi, maydoni yoki chegara nuqtalari oʻzgarganda;

bino va inshootlar qayta qurilganda, rekonstruksiya qilinganda;

yer uchastkasida qoʻshimcha bino va inshootlar qurilganda;

qurilishi tugallanmagan obyektlarda qurilish ishlari yakunlanib, foydalanishga qabul qilinganda.

7. Texnik inventarizatsiyadan oʻtkazish quyidagi ketma-ketlikda amalga oshiriladi:

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

1) dastlabki kameral ishlar;

2) dala ishlari;

3) dala ishlaridan keyingi kameral ishlar.

8. Texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish quyidagi hollarda rad etiladi:

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi Davlat kadastrlari palatasining tuman (shahar) filiallarida ko‘chmas mulk obyektining mansubligi masalasida nizolar borligidan dalolat beruvchi sud hujjatlarining mavjudligi;

ko‘chmas mulk obyektiga kirish imkoni yo‘qligi.

3-bob. Dastlabki kameral ishlar va dala ishlarini amalga oshirish

9. Dastlabki kameral ishlar ijrochilar tomonidan quyidagi tartibda amalga oshiriladi:

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 22-iyundagi 389-son qarori bilan tasdiqlangan Ko‘chmas mulk obyektlariga kadastr yig‘majildini tayyorlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq yuridik va jismoniy shaxslar yoki ularning ishonchli vakillari tomonidan berilgan arizaga yoxud ijrochilar bilan tuzilgan shartnomaga ilova qilingan hujjatlarni va arxiv hujjatlarni (mavjud bo‘lsa) o‘rganish;

kadastr ma’lumotlari bazasidagi ma’lumotlarni (mavjud bo‘lsa) o‘rganish;

hududning mavjud xaritalarini o‘rganish;

dala ishlarini tashkil etish.

10. Dala ishlari dastlabki kameral ishlaridan so‘ng, ijrochilar tomonidan quyidagi tartibda amalga oshiriladi:

yer uchastkasini (agar mavjud bo‘lsa), shuningdek unda joylashgan bino va inshootlarni ko‘zdan kechirish hamda ulardagi qavatlar sonini aniqlash;

yer uchastkasini (agar mavjud bo‘lsa), shuningdek undagi bino va inshootlarning har bir qavat bo‘yicha o‘lchov ishlarini tashkil etish;

yer uchastkasini (agar mavjud bo‘lsa) hamda undagi bino va inshootlarning (har bir qavat bo‘yicha) abrisini tuzish;

yer uchastkasi, bino va inshootlarga asosiy hamda boshqa kirish nuqtalarini belgilash (bunda kirish nuqtasi bitta bo‘lsa uning o‘zi asosiy kirish nuqtasi hisoblanadi, kirish nuqtasi ikkita va undan ortiq bo‘lsa, mulkdor tomonidan ko‘rsatilgan kirish joyi asosiy kirish nuqtasi etib belgilanadi);

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

bino va inshootlarning qurilish-texnik tavsiflarini o‘rganish;

eksplikatsiyani tuzish;

bino va inshootlarning qurilgan sanasini qayd etish;

yer uchastkasini (agar mavjud bo‘lsa), shuningdek unda joylashgan bino va inshootlarni fotosuratga hamda topografik suratga olish.

11. Dala ishlarida yer uchastkasi, bino va inshootlarni o‘lchash ishlari elektron, po‘lat tasmali yoki geodezik o‘lchov asboblari yordamida amalga oshiriladi.

12. Dala ishlari boshlanishidan oldin yer uchastkasi, bino va inshootlar perimetr bo‘yicha qo‘shni yer uchastkasi, bino va inshootlar bilan tutash qismlari to‘liq ko‘zdan kechiriladi hamda ularning umumiy holati o‘rganiladi.

13. Ijrochilar tomonidan dala ishlari olib borilishi jarayonida yer uchastkasi, bino va inshootlarni o‘lchash hamda o‘rganish natijalari yuzasidan abris tuziladi.

Abris bir nechta varaqlardan iborat bo‘lishi mumkin. Undagi yozuvlarning to‘liq saqlanishi va abrisdan foydalanish imkoniyati ta’minlanishi shart.

14. Abris tuzishda topografik xaritalar, bino va inshootlarning avvalgi chizmalari, loyiha hujjatlari nusxalaridan foydalanishga yo‘l qo‘yiladi.

15. Abrisga muayyan masshtabsiz, biroq proporsiyalarga rioya qilgan holda yer uchastkasida mavjud bo‘lgan barcha bino va inshootlar hamda yer uchastkasi tarkibiy qismlarining (hovli, bog‘, poliz, ko‘kat ekinlari va boshqa hududlar) chegaralari kiritiladi.

Yer uchastkasida mavjud bo‘lgan barcha bino va inshootlar literlanadi. Agar bino va inshootlar bir nechta qavatdan iborat bo‘lsa, har bir qavat abrisda alohida ko‘rsatiladi.

16. Yer uchastkasini bevosita o‘lchash yoki uning chegaralarini joyida aniqlash imkoni mavjud bo‘lmaganda, topograf tomonidan tayyorlangan topografik surat asosida yer uchastkasi chegaralari aniqlanadi hamda ushbu chegaralarning o‘lchamlari 0,1 m gacha aniqlikda yaxlitlanadi.

Shahar va shaharchalarda yer uchastkalari, binolar va inshootlar dala ishlarini olib borishda topografik suratga olish ishlari 1:500 masshtabda bajarilishi kerak.

Landshaft obyektlari, bog‘lar, gulzorlar, kichik arxitektura shakllari, qabristonlar joylashgan yer uchastkalarining topografik surati 1:2 000 yoki 1:1 000 masshtabda bajariladi.

Yer uchastkasida barcha bino va inshootlar, yer uchastkasining tarkibiy qismlari, to‘siqlar va boshqa obyektlar topografik suratga olinishi lozim. Yer

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

uchastkasining tarkibiy qismlarining to‘liq nomi bosh harflar bilan belgilanadi (masalan, obodonlashtirish hududi, bog‘, gulzor yoki mutanosib ravishda – O, B, G).

Agar bog‘ yoki ko‘p yillik daraxtlar joylashgan hududlarning aniq chegaralari mavjud bo‘lmasa, ularning maydoni chekka daraxtlar tanasidan 2 m masofada olingan chegaralar asosida hisoblanadi.

17. Bog‘lar, uzumzorlar, tutzorlar va boshqa o‘rmon daraxtlarining maydonida (geodezik o‘lchov asboblari yordamida 1:1000 va 1:10000 gacha masshtabda topografik xaritalari yaratiladi) o‘lchov ishlari o‘tkaziladi va ko‘chatlarning soni aniqlanadi. Bog‘lardagi daraxtlar turlarga (olma, nok, shaftoli va boshqalar) ajratilmasdan, egallagan umumiy maydoni hamda soni aniqlanadi.

Yakka tartibdagi uy-joyda hamda jamoa bog‘dorchiligi va uzumchiligini yuritish (dala hovli) uchun berilgan yer uchastkalarida o‘stirilgan ko‘p yillik daraxtlarga dala ishlari amalga oshirilmaydi.

18. Abrisda binolar va inshootlarning uzunligi va kengligining o‘lchami lotin alifbosidagi “m” harfi bilan, balandligi esa “h” harfi bilan belgilanadi.

19. Abrisni tuzishda barcha o‘lchamlar, yozuvlar va raqamli ma’lumotlar tushunarli bo‘lishi, shuningdek ular qaysi o‘lchamga tegishli ekanligi aniq ko‘rinib turishi ta’minlanishi lozim.

Abrisga o‘lchamga oid noto‘g‘ri yozuv kiritilgan taqdirda, tuzatish noto‘g‘ri o‘lcham ustidan chiziq tortish va uning yoniga to‘g‘ri qiymatni yozish orqali amalga oshiriladi.

20. Abrisdagi yozuvlarni o‘chirib tashlash hamda raqamlarni boshqa raqamlar ustiga yozish taqiqlanadi.

21. Dala ishlarini olib borishda yer uchastkasi, bino va inshootlarni o‘lchashdagi yo‘l qo‘yiladigan xatolik quyidagilardan oshmasligi lozim:

1) yer uchastkasi chegaralari o‘lchovi uchun:

20 m gacha bo‘lgan uzunlikdagi chiziqlar uchun – 0,5 foizgacha, biroq 10 sm dan oshmagan miqdorda;

20 m dan ortiq bo‘lgan uzunlikdagi chiziqlar uchun – 0,5 foizgacha, biroq 200 m dan ortiq bo‘lgan uzunlikdagi chiziqlar uchun – ko‘pi bilan 100 sm oshmagan miqdorda;

2) bino va inshootlar uchun:

6 m gacha bo‘lgan uzunlikdagi chiziqlar uchun – 3 sm;

6 m dan ortiq bo‘lgan uzunlikdagi chiziqlar uchun – 0,5 foizgacha.

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

22. Yer uchastkasining barcha chegaralari ularning butun uzunligi bo‘yicha yaxlit o‘lchanadi. Agar chegaralarda to‘siqlar mavjudligi sababli o‘lchash imkoniyati bo‘lmasa, o‘lchash ishlari qismlarga bo‘lib yoki chegaraga parallel yo‘nalishda bajariladi.

Har bir yer uchastkasi yopiq (to‘siqlar, panjaralar, bino va inshootlar) va ochiq (ariqlar, belgilar va boshqalar) chegaralarga ega bo‘ladi.

Yer uchastkasini o‘lchash ishlari ularning orasida joylashgan to‘siqlar qaysi yer uchastkasiga tegishliligini inobatga olgan holda to‘siqning ichki tomoni, o‘q chizig‘i yoki tashqi tomoni bo‘yicha amalga oshiriladi. Agar to‘siqning qaysi yer uchastkasiga tegishli ekanligini aniqlash imkoni bo‘lmasa, to‘siqning o‘q chizig‘i bo‘yicha amalga oshiriladi.

Yer uchastkasi chegaralari hamda bino va inshootlarning butun perimetri bo‘yicha o‘lchash ishlari dastlabki nuqtadan chapdan o‘ngga siljigan holda amalga oshiriladi.

Yer uchastkasi chegaralarini o‘lchashda ularning konfiguratsiyasi, burilish joylari, burchaklar yo‘nalishi, yer uchastkasi qismlarining chegaralari, bino va inshootlarning yer uchastkasida joylashish holatini aniqlash uchun barcha o‘lchamlar olinishi lozim.

Ochiq chegaraga ega bo‘lgan yer uchastkasining chegaralarini o‘lchov ishlari belgilar (masalan, ariqlar, daraxtlar va boshqalar) asosida amalga oshiriladi.

Agar ochiq chegaraga ega bo‘lgan yer uchastkasining chegaralarida belgilar (masalan, ariqlar, daraxtlar va boshqalar) mavjud emasligi aniqlangan holatlarda, ijrochi tomonidan qo‘shni yer uchastkasining chegaralari o‘rganib chiqilib, yer uchastkasining chegaralari shartli ravishda belgilanadi va bu haqda abrisda tegishli izoh qoldiriladi.

23. Dala ishlarini olib borishda yer uchastkasida joylashgan quyidagi ko‘chmas mulk obyektlari bo‘yicha o‘lchov ishlari amalga oshiriladi hamda ular abrisga kiritiladi:

asosiy va yordamchi bino hamda inshootlar;

binoga qo‘shimcha birlashtirib (taqab) qurilgan qismlar;

ko‘p kvartirali uylar (kvartiralar, yashash uchun mo‘ljallanmagan joylar, umumiy foydalanishdagi mol-mulklar).

24. Yer uchastkasi, bino va inshootlarning devorlaridan qalinligi 10 sm gacha va (yoki) eni 1 m gacha bo‘lgan turtib chiqqan qismlar hamda tirgovchilar abrisda ko‘rsatilmaydi.

Agar yer uchastkasi, bino va inshootlarning devorlaridan qalinligi 10 sm dan ortiq va (yoki) eni 1 m dan ortiq turtib chiqqan qismlar hamda tirgovchilar mavjud bo‘lsa, ular abrisda ko‘rsatiladi.

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

Bino va inshootlarning tashqi perimetri bo‘yicha o‘lchash ishlari sokoldan yuqori qismda, deraza o‘rinlari sathidan amalga oshiriladi.

25. Bino va inshootlarning abrisini tuzishda ularning tashqi devorlari, pardevorlari, zinapoyalari, deraza va eshik o‘rni konturlari tasvirlanadi.

26. Bino va inshootlarni o‘lchash va ushbu o‘lchash natijalarini abrisda belgilash ishlari bir vaqtning o‘zida amalga oshiriladi.

Bunda o‘lchash ishlari bino va inshootlarning tashqi burchaklaridan biridan deraza va eshik o‘rinlarining boshlanish hamda tugash joylarigacha, boshqa elementlarning boshlanish va tugash joylarigacha, shuningdek bino va inshootlarga qo‘shimcha birlashtirib (taqab) qurilgan qismlar devorlarining butun perimetri bo‘yicha bajariladi.

27. Bino va inshootlarning butun perimetri bo‘yicha o‘lchash ishlarining imkoniyati mavjud bo‘lmaganda bino va inshootning chordog‘i bo‘yicha o‘lchash ishlari bajarilishi yoki ichki o‘lchov hamda devorlar va pardevorlar qalinligini jamlash yo‘li bilan aniqlanishi lozim.

28. Derazalarining kengligi bir xil bo‘lgan hamda barcha qavatlarda bir vertikal o‘q bo‘ylab joylashgan ko‘p qavatli binolarni o‘lchashda derazalarning joylashuvi faqat birinchi qavat bo‘yicha o‘lchanadi.

Bir vertikal o‘q bo‘ylab joylashmagan yoki kengligi turlicha bo‘lgan derazalar binoning ichki qismidan har bir qavat bo‘yicha alohida o‘lchanadi.

29. Burchaklari to‘g‘ri bo‘lmagan shakldagi bino va inshootlarning rejasini to‘g‘ri chizish uchun birinchi qavatdagi barcha burchak xonalar hamda bino va inshootlarning konfiguratsiyasidan kelib chiqib, boshqa xonalarning diagonallari o‘lchanadi.

Burchaklari to‘g‘ri bo‘lmagan shakldagi bino va inshootlarning rejasini to‘g‘ri chizish uchun o‘lchov ishlari bino va inshootlarning tashqi tomonidan ham amalga oshirilishiga yo‘l qo‘yiladi.

Burchaklari to‘g‘ri bo‘lmagan shakldagi xonalarda devorlarning uzunligi hamda xonaning diagonallari o‘lchanishi lozim.

30. Dala ishlari olib borilayotgan joy bino yoki inshootning bir qismi bo‘lgan taqdirda, ushbu joyning bino yoki inshootning qaysi qismida joylashganligi aniqlanishi lozim. Bunda bino yoki inshootning eng yaqin tashqi burchagidan dala ishlari olib borilayotgan joyning eng yaqin deraza yoki eshik o‘rnigacha bo‘lgan masofani o‘lchash orqali aniqlanadi.

31. Dala ishlarini amalga oshirishda balkon va lodjiyalar alohida o‘lchanadi hamda ularning ochiq, yopiq yoki oynavand qilingan holati abris va

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

eksplikatsiyada aks ettiriladi. Lodjiyaning o‘lchov ishlari uning ichki perimetri bo‘yicha amalga oshiriladi.

32. Bino va inshootlarning devorlari hamda ulardagi xonalarning devorlari va pardevorlari qalinligi o‘lchanishi kerak.

Eshik yoki deraza o‘rinlari bo‘lmagan bino va inshootlarning devorlari hamda xonalarining devorlari va pardevorlarining qalinligi tashqi va ichki o‘lchamlar o‘rtasidagi farq asosida aniqlanadi.

33. Bino va inshootlardagi xonalarning devorlari va pardevorlarining uzunligi poldan 1,10–1,30 m balandlikda butun perimetri bo‘ylab 1 sm aniqlikda o‘lchanadi.

Bunda eshik va derazalar o‘rinlari ularning yorug‘lik o‘tkazish chegarasi bo‘yicha o‘lchanadi.

34. Bino va inshootlardagi xonalarda devorlar hamda pardevorlar panellar bilan qoplangan yoki plitkalar bilan pardozlangan bo‘lsa, ular shiftgacha yetkazilmagan hamda balandligi poldan 150 sm va undan ortiqni tashkil etsa, o‘lchash ishlari panellar yoki plitkalar bilan qoplangan amaldagi yuzasi bo‘yicha amalga oshiriladi.

35. Bino va inshootlardagi zinapoyalarni o‘lchashda zinapoya qismi bilan bir qatorda zinapoya maydonchalari ham o‘lchanadi va abrisda zinapoyalar soni hamda ko‘tarilish yo‘nalishi ko‘rsatiladi.

36. Chordoq maydoni, shuningdek bino va inshootlarning ichida balandligi 190 sm dan kam pardevor yoki to‘siqlar bilan ajratilgan shiftga yetmaydigan bo‘limlar alohida xona sifatida hisobga olinmaydi.

Balandligi 190 sm va undan ortiq shiftga yetmaydigan, qalinligi 10 sm dan kam bo‘lmagan pardevorlar yoki to‘siqlar bilan ajratilgan bo‘limlar alohida xona sifatida hisobga olinadi va o‘lchanadi.

37. Poldan shiftgacha bo‘lgan balandlik ichki balandlik hisoblanadi.

Yerning rejalashtirilgan sathidan boshlab chordoq bostirmasining yuqori qismigacha bo‘lgan masofa tashqi balandlik hisoblanadi.

38. Chordog‘i va bostirmasi bo‘lmagan bino va inshootlarning balandligi pol sathidan tom yopmasigacha o‘lchanadi.

Qiya shiftli, qiya tomli (chordoq va bostirmali) bino va inshootlarda mansarda qavatlarning balandligi eng past va eng baland o‘lchamlarning o‘rtacha qiymatidan iborat bo‘ladi.

39. Tomi bir tomonga nishab bo‘lgan bino va inshootlarda balandlik nishabning pastki qismi bo‘yicha o‘lchanadi.

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

40. Bino va inshootlarning ichki balandligi ularning xonalaridan birida o‘lchanadi. Agar xonalarda balandliklar turlicha bo‘lsa, har bir turdagi balandlik ham o‘lchanishi kerak.

Bunda o‘lchash natijalari abrisda tegishli xonalar ko‘rsatilgan holda qayd etiladi.

41. Qubbasi mavjud xonalarning balandligi ikki nuqtada, poldan qubbaning tagigacha hamda poldan qubbaning eng yuqori nuqtasigacha o‘lchanadi.

Balkali shiftga ega bo‘lgan xonalarda, jumladan metall yoki temir-beton balkalar qo‘llanilgan hollarda, xona balandligi poldan balkaning pastki qismigacha o‘lchanadi.

42. Bino va inshootlarni o‘lchash ishlari yakunlangandan so‘ng, ularning tashqi va ichki o‘lchamlariga oid ma’lumotlar tekshiriladi.

Agar tekshiruv natijasida tashqi va ichki o‘lchamlarga oid ma’lumotlarda nomuvofiqliklar aniqlansa, qayta o‘lchov ishlari amalga oshiriladi.

Bunda bino va inshootlarning tashqi o‘lchamlari ularning ichki o‘lchamlariga muvofiq bo‘lishi kerak.

43. Bino va inshootlarni ko‘zdan kechirishda ularning quyidagi konstruktiv elementlari va texnik tavsiflari aniqlanadi va eksplikatsiyada aks ettiriladi:

poydevor – poydevor materiallari;

tashqi devorlar – tashqi devor materiallari;

ichki devorlar – ichki devor materiallari;

pardevorlar – pardevor materiallari;

pollar – pol materiallari;

tom – tom yopish materiallari;

umumiy foydalanish joylari (zinapoyalar, ayvonlar, rampalar, balkonlar, lojiyalar, terrasalar va boshqalar) – umumiy foydalanish joylarining materiallari;

isitish – isitish tizimining turi;

sovuq suv taʼminoti – sovuq suv taʼminoti tizimining turi;

oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi – oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi mavjudligi;

elektr taʼminoti – elektr taʼminotining mavjudligi;

gaz taʼminoti – gaz taʼminotining mavjudligi;

issiq suv taʼminoti – issiq suv taʼminoti tizimining mavjudligi;

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

liftlar – liftlarning mavjudligi;

muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari – maxsus muhandislik tizimlari va uskunalarning mavjudligi.

44. Dala ishlari yakunlangach abrisda ko‘chmas mulk obyektining manzili, yer uchastkasining chegaralari hamda dala ishlarini amalga oshirgan ijrochining familiyasi, ismi va otasining ismi ko‘rsatilishi va abris ijrochi tomonidan imzolanishi lozim.

Abrisga dala ishlarini amalga oshirgan ijrochi tomonidan tuzilgan eksplikatsiya ilova qilinishi kerak.

4-bob. Dala ishlarini olib borishda xavfsizlikka rioya etish

45. Yaxmalak, quyuq tuman sharoitlarida, tomning nishabligi yigirma besh foizdan ortiq bo‘lgan holatlarda dala ishlarini bino va inshootlarning tomlarida amalga oshirishga yo‘l qo‘yilmaydi.

Dala ishlari olib borilishi lozim bo‘lgan, biroq yuqumli kasalliklar manbai mavjud bo‘lgan xonalarda dala ishlari kasalliklar manbai bartaraf etilgunga qadar amalga oshirilmaydi.

46. Dala ishlarini olib borishda ijrochi qulashi mumkin bo‘lgan uskunalar va qurilmalarga yaqin turmasligi lozim.

Eskirgan va yarim vayron bino va inshootlarni o‘rganish ishlari faqat ushbu ishlarning xavfsizlik choralari ta’minlanganidan so‘ng bajarilishi mumkin.

47. Tabiiy yorug‘likka ega bo‘lmagan yerto‘lalar, zinalar, chordoqlar, omborlarni o‘lchash ishlari yoritish vositalaridan foydalangan holda bajariladi.

48. Dala ishlari quyidagi hollarda vaqtincha to‘xtatib turiladi:

dala ishlarini amalga oshirish inson hayoti va sog‘lig‘i uchun xavf tug‘dirsa;

dala ishlari olib boriladigan hududni suv bosgan bo‘lsa;

ob-havo sharoiti dala ishlarini olib borishga imkon bermasa (qattiq sovuq, kuchli yog‘ingarchilik va boshqa noqulay ob-havo sharoitlari mavjud bo‘lsa).

5-bob. Dala ishlaridan keyingi kameral ishlarni amalga oshirish

49. Dala ishlari yakunlanganidan so‘ng, ijrochi tomonidan dala ishlaridan keyingi kameral ishlar amalga oshiriladi.

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

50. Dala ishlaridan keyingi kameral ishlarni amalga oshirishda avtomatik loyihalashtirish dasturida (bundan buyon matnda dastur deb yuritiladi) quyidagilar chiziladi:

yer uchastkasining chegaralari;

yer uchastkasi chegarasiga, bino va inshootlarga kirish va asosiy kirish nuqtalari;

bino va inshootlar (qavatlar kesimida);

ichki balandligi 1,8 m va undan ortiq bo‘lgan yerto‘lalar.

51. Dasturda bino va inshootlarning rejasini chizish ularning birinchi qavatidan boshlanadi. Bino va inshootlarning asosiy devorlari joylashuvi qolgan qavatlarni chizish uchun asos hisoblanadi.

Dasturda bino va inshootlarning qavatlarini chizishni boshlashdan oldin ularning tashqi va ichki o‘lchamlarining yig‘indisi tekshiriladi.

52. Dasturda bino va inshootlarning qavatlarini chizishda dastlab ularning tashqi devorlari chizib olinadi, shundan so‘ng kirish eshiklari, pardevorlar, derazalar, zinapoyalar va boshqa elementlari chiziladi.

53. Dasturda bino va inshootlarning hamda ulardagi barcha xonalarning o‘lchamlari ko‘rsatiladi. Bunda o‘lchamlar 0,01 m gacha yaxlitlangan holda ko‘rsatiladi hamda devorlar va pardevorlar yo‘nalishiga parallel ravishda belgilanadi.

54. Dasturda bino va inshootlarning to‘g‘ri to‘rtburchak shakldagi xonalari uchun ikkita o‘lcham (bo‘yi va eni) ko‘rsatiladi.

Agar bino va inshootlarning xonalari to‘g‘ri to‘rtburchak shaklda bo‘lmasa, ushbu xonalarning o‘lchamlari barcha devor va pardevorlar bo‘ylab ko‘rsatiladi.

Ustunlar, bo‘shliqlar, arkalar, derazalar, eshiklar hamda diagonal o‘lchamlar rejada ko‘rsatilmaydi.

55. Dasturda shakllantirilgan bino va inshootlar rejalari 1:50, 1:100, 1:150 va 1:200 gacha bo‘lgan masshtablarda tuzilishi lozim.

Bino va inshootlar rejalarini A4, A3 yoki undan katta formatlarda rasmiylashtirishga yo‘l qo‘yiladi.

56. Qavatlar rejasida kvartiralar va xonalar raqamlanadi.

Xona raqami xona rejasining markazida ko‘rsatiladi. Xona raqami ostida chiziq bilan ajratilgan holda 0,01 m^2 yaxlitlangan xona maydoni ko‘rsatiladi.

57. Ko‘p kvartirali uydagi kvartiralar raqamlari qavat rejalarida kvartiraning kirish eshigi tashqi tomonida belgilanadi.

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

58. Xonalarni raqamlash bino va inshootlarga kirish joyidan boshlab soat yo‘nalishi bo‘yicha amalga oshiriladi.

Kvartiralar raqamlari ularning manzil raqamlari bilan mos bo‘lishi kerak.

59. Ko‘p kvartirali uydagi noturar joylarni raqamlash barcha kvartiralar raqamlanishi tugagandan so‘ng amalga oshiriladi.

Zinapoyalar va umumiy foydalanish yo‘laklari ham raqamlanadi.

60. Ko‘p qavatli noturar joy binolarida xonalarni raqamlash, qoida tariqasida, qavatlar soniga qarab (birinchi qavat 101, 102, ikkinchi qavat 201, 202) belgilanishi mumkin.

61. Bino va inshootlar hamda ularning qismlarini literlash quyidagi tartibda amalga oshiriladi:

bino va inshootlarni alohida xususiyatlariga ko‘ra bloklarga bo‘lish zarurati bo‘lganda, har bir blok alohida binolar sifatida literlanadi;

bino va inshootlar soni lotin alifbosida keltirilgan harflardan ko‘p bo‘lsa, ikki yoki undan ortiq harflar kombinatsiyasidan (masalan, “AA”, “BA”, yoki “AAA”, “BAA” ko‘rinishida) foydalaniladi;

bino va inshootlar qavatlarini literlashda harfga qo‘shimcha arab raqamlari (masalan, “A1”, “A2”, “B1”, “B2” ko‘rinishida) qo‘shib yoziladi;

bino va inshootga birlashtirib (taqab) qurilgan qismlarni literlashda kichik lotin harflari va qavat raqamini qo‘shish orqali (masalan, “Aa1”, “Ab2”, “Ba1” “Bb2” ko‘rinishda) belgilanadi;

yer sathidan pastda joylashgan qavatlar arab raqamidan oldin “-“ belgisini qo‘shish orqali (binoning yerto‘la qavati “A-1” ko‘rinishida, yerto‘la qavati bir nechta sathdan iborat bo‘lganda “A-1”, “A-2”, “A-3” ko‘rinishida, sokol qavati “A0” ko‘rinishda) ko‘rsatiladi;

texnik qavat o‘zidan pastki qavatning liter nomiga “T” katta harfi qo‘shish orqali, mansarda qavatlar o‘zidan pastki qavatning liter nomiga “M” katta harfi qo‘shish orqali (uch qavatli binoning mansarda qavati “A3M” ko‘rinishida), terrasa qavati o‘zidan pastki qavatning liter nomiga “TR” katta harfi qo‘shish orqali (2 va 3-qavatlar orasida joylashgan texnik qavat “A2T”) belgilanadi.

62. Bino va inshootlarning turli qismlarida qavatlar soni har xil bo‘lgan taqdirda, bino va inshootlar bloklarga ajratiladi hamda har bir blok bo‘yicha alohida belgilanadi.

6-bob. Yer uchastkasi, bino va inshootlarning maydonlarini hamda ularning hajmini va kadastr qiymatini aniqlash

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

63. Dala ishlaridan keyingi kameral ishlarni amalga oshirishda ko‘chmas mulk obyektlarining maydonlari va hajmi aniqlanadi.

Bunda yer uchastkasining umumiy maydoni (yer uchastkasining umumiy maydoni kvadrat metrda butun son aniqligida ko‘rsatiladi), bino va inshootlarning qurilish osti maydoni, umumiy maydoni, umumiy foydalanish maydoni, foydalanish maydoni aniqlanadi.

64. Yer uchastkasining umumiy maydoni dasturda yer uchastkasi chegaralari belgilanib, chizilgandan so‘ng aniqlanadi.

65. Amalda foydalanilayotgan yer uchastkasi maydoni huquqni belgilovchi hujjatda ko‘rsatilgan maydondan ortiq bo‘lsa va yer uchastkasining chegaralari hujjatda aniq belgilangan bo‘lsa, ortiqcha egallangan yer qismining maydoni alohida ko‘rsatiladi.

66. Bino va inshootlarning maydonlari dala ishlari natijasida olingan o‘lchov qiymatlari hamda dasturda chizilgan rejalar asosida hisoblanadi.

67. Bino va inshootlarning qurilish osti maydoni ularning tashqi konturi bo‘yicha olingan o‘lchov natijalari asosida hisoblab chiqariladi.

Ustunlar ustiga qurilgan bino ostidagi maydon, shuningdek uning ostidagi o‘tish yo‘llari qurilish osti maydoniga kiritiladi.

Bino va inshootlarning qurilish osti maydoni kvadrat metrda butun son aniqligida ko‘rsatiladi.

68. Tashqi devorlari yoki to‘siqlari mavjud bo‘lmagan bino va inshootlarning qurilish osti maydoni quyidagicha aniqlanadi:

ustunlardan chiqib turuvchi konstruksiyalar 1,20 m gacha bo‘lsa – ustunlarning tashqi yuzasi bo‘yicha;

ustunlardan chiqib turuvchi konstruksiyalar 1,20 m dan ortiq bo‘lsa – mazkur konstruksiyalarning tashqi chegarasi bo‘yicha.

69. Bino va inshootlarning umumiy maydoni ularning barcha qavatlari tashqi devorlari bo‘ylab o‘lchangan maydonlar yig‘indisi asosida aniqlanadi.

Bino va inshootlarning umumiy maydoni kvadrat metrda butun son aniqligida ko‘rsatiladi.

Qavat ichidagi balandligi 2,1 m dan kam bo‘lgan antresolga joylashtirilgan xonalar maydoni bino va inshootlarning umumiy maydoniga kiritilmaydi.

70. Turtib chiqib turuvchi (10 sm dan kam) arxitektura detallari va konstruktiv elementlar, oynalanmagan osma balkonlar, binoga o‘rnatilgan osma soyabonlar,

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

panduslar, binoning tashqarisida joylashtirilgan metall zinalar va boshqa shunga o‘xshash konstruksiyalar bino va inshootlarning umumiy maydoniga kiritilmaydi, biroq dasturda shartli grafik elementlari sifatida ko‘rsatib o‘tilishiga yo‘l qo‘yiladi.

71. Bino va inshootlar xonalarining maydoni dala ishlari natijasida tuzilgan abris asosida hisoblab chiqiladi.

Isitish qurilmalari (pech va pech-kamin) egallagan maydon xona maydoniga kiritilmaydi.

Kvartira ichidagi zina osti maydoni, poldan chiqib turgan konstruksiya ostigacha bo‘lgan balandligi 1,6 m va undan ortiq bo‘lsa, zina joylashgan xona maydoniga kiritiladi.

Mansarda qavatidagi xona maydonini hisoblashda qiya shiftli xonaning balandligi 1,6 m dan kam bo‘lmagan qismi maydoni hisobga olinadi.

72. Bino va inshootlarning foydali hamda yashash maydonlari 0,01 m^2 aniqlikda ko‘rsatiladi.

73. Kvartira va turar joy binolarining yordamchi xonalari, dahlizlari, yo‘laklari, balkonlar maydonlari hamda yashash maydonlari yig‘indisi ularning umumiy foydali maydoni hisoblanadi.

74. Zinapoyalar, lift va boshqa shaxtalar maydoni ularning shu qavat sathidagi maydoni hisobi bilan bitta qavatda umumiy foydali maydoniga qo‘shiladi.

75. Chordoq va balandligi 1,8 m dan kam bo‘lgan yerto‘la, qavatlararo har qanday bo‘shliq qavatlar hamda zina bo‘lmasi va lift shaxtasi, tamburlar maydoni bino va inshootning umumiy foydali maydoniga kiritilmaydi.

76. Noturar joy bino va inshootlarning asosiy xonalari, yordamchi xonalar va jamoat xonalari maydoni yig‘indisi bino va inshootlarning foydali maydoni hisoblanadi.

77. Turar joy, maxsus uyning (yotoqxona, vaqtinchalik uy-joy fondi uyi, nogironligi bo‘lgan shaxslar, faxriylar, yolg‘iz qariyalar uchun internat-uy, shuningdek bolalar uyi va boshqa maxsus maqsadli uy), kvartiraning yashash xonalari maydonlarining yig‘indisi turar joyning, maxsus uyning, kvartiraning yashash maydoni deb hisoblanadi.

78. Binoning yerto‘la maydoni yerto‘laning ichki maydonlar yig‘indisidan tashkil topadi.

Bunda balandligi 1,8 m dan kam bo‘lgan yerto‘la maydoni dasturda hisobga olinmaydi.

79. Kvartiralar bo‘yicha umumiy maydon va qurilish osti maydoni aniqlanmaydi.

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

80. Bino va inshootlarning qavatlarining hajmini hisoblashda quyidagilarga rioya etiladi:

bir qavatli binoning hajmi – bino tashqi balandligini binoning tashqi o‘lchov bo‘yicha umumiy maydoniga ko‘paytirish orqali aniqlanadi, bunda tashqi balandlik pol sathidan chordoq bostirmasining ustki qoplamasigacha o‘lchanadi;

ko‘p qavatli binoning hajmi – har bir (yer ustki va yer ostki) qavat balandligini ushbu qavatning tashqi o‘lchov bo‘yicha umumiy maydoniga ko‘paytirish va natijalarni umumlashtirish orqali aniqlanadi, bunda qavatlar balandligi pol sathidan boshlab ustki qavat poligacha, so‘nggi qavat balandligi pol sathidan chordoq bostirmasining ustki qoplamasigacha o‘lchanadi;

bino yoki inshootning alohida qismlari turli balandlikka ega bo‘lsa, har bir qismning hajmi alohida hisoblanadi;

bino va inshootlarning hajmi kub metrda butun son aniqligida ko‘rsatiladi.

81. Bloklarga bo‘lingan bino va inshootlarning hajmi har bir blok bo‘yicha alohida hisoblanadi.

82. Erker, tambur, o‘tish joylari hamda bino va inshootlarning boshqa qismlari bino va inshootlarning hajmiga kiritiladi.

83. Dala ishlaridan keyingi kameral ishlar yakunlanganidan so‘ng, ijrochi tomonidan dasturdagi hamda eksplikatsiya ma’lumotlari UZKAD tizimiga kiritiladi.

84. Jismoniy shaxslarga tegishli bo‘lgan uy-joy fondi ko‘chmas mulk obyektlarining kadastr qiymatini hisoblash O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 30-dekabrdagi 1043-son qarori bilan tasdiqlangan Soliq solish maqsadida jismoniy shaxslarga tegishli bo‘lgan ko‘chmas mulk obyektlarining, turar joy fondining kadastr qiymatini hisoblash tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.

Jismoniy shaxslarga tegishli bo‘lgan noturar ko‘chmas mulk obyektlarining kadastr qiymatini hisoblash O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 20-iyuldagi 561-son qarori bilan tasdiqlangan Soliq solish maqsadida jismoniy shaxslarga xususiy mulk huquqida tegishli bo‘lgan noturar ko‘chmas mulk obyektlarining kadastr qiymatini hisoblash tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.

7-bob. Ko‘chmas mulk obyektlarining qurilish sanalarini belgilash va dasturdan foydalanish

85. UZKAD tizimida bino va inshootlarning qurilgan yili, foydalanishga qabul qilingan sanasi, rekonstruksiya qilingan yili, mukammal ta’mirlangan yili to‘rt raqamli

QMMB: 10/26/3843/0557-son
03.06.2026-y.

formatda yillar va so‘z bilan (masalan, 2023-yil) yoki kun, oy, yil ko‘rinishda raqamli formatda (masalan, 28.10.2023) ko‘rsatiladi.

86. Bino va inshootlarning qurilishi amalda yakunlangan sanasi qurilgan yili sifatida qabul qilinadi.

Qurilish yili ko‘chmas mulk obyektiga egalik huquqi, balans qiymati va qurilish sanasini tasdiqlovchi boshqa hujjatlar asosida ko‘rsatiladi.

Agar qurilish sanasini aniqlash imkoni mavjud bo‘lmasa, mulkdorning ma’lumotiga ko‘ra bino va inshootlarning qurilish sanasi inobatga olinadi.

87. Bir necha bosqichda foydalanishga qabul qilinadigan bino va inshootlar uchun har bir qurilish bosqichining foydalanishga qabul qilish sanasi alohida ko‘rsatiladi.

88. Dasturda chizilgan chizmalarda chiziqlar qalinligi, yozuvlar, literlar hamda raqamlar o‘lchamlari bir xil bo‘lishi lozim.

Dasturda chizmalarni rasmiylashtirishda quyidagi ko‘rsatkichlardan foydalanish tavsiya etiladi:

chiziqlar qalinligi – 0.015 mm;

yozuvlar va literlar o‘lchamlari – Arial shriftda, 12 o‘lchamda;

o‘lcham yozuvlari – 5 birlik;

bino va inshootlarning rejalarini chizish masshtabi – 1:50, 1:100, 1:150 yoki 1:200.

89. Dasturda chizilgan chizmalar DWG formatida ko‘chmas mulk obyektining manzili ko‘rsatilgan holda saqlanadi.

90. Dasturdagi chizilgan chizmalarga oid ma’lumotlar mas’ul xodim tomonidan serverdagi maxsus elektron arxivga, UZKAD tizimiga va Fazoviy ma’lumotlar milliy infratuzilmasiga kiritiladi.

91. Yuridik va jismoniy shaxslar yoki ularning ishonchli vakillari ko‘chmas mulkni texnik inventarizatsiyadan o‘tkazish natijalaridan norozi bolgan taqdirda O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligiga yoki bevosita sudga murojaat qilishga haqli.

8-bob. Yakuniy qoida

92. Mazkur Yo‘riqnoma talablari buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3844
2026 - yil 02 - Iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

Юк ортиш ва тушириш ишларида юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–161-сон “Ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда вазирлик ва идораларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси қарор қилади:

1. Юк ортиш ва тушириш ишларида юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Qo'mita raisi
2026-yil 6-may
42-son

RAFIQOV ABDUVAQQOS VOHIDOVICH

Kelishildi:

Vazir 05-May 2026-yil		MAXKAMOV ILXOM RUSTAMOVICH
Vazir 31-Mart 2026-yil		IKRAMOV AZIZBEK ISRAILOVICH
Вазир 28-Mart 2026-yil		XIDOYATOV SHERZOD SAIDJANOVICH
Vazir 18-Fevral 2026-yil		ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil 14-Fevral 2026-yil		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Rais 13-Fevral 2026-yil		RAFIKOV KUDRATULLA MIRSAGATOVICH

Vazir
02-Fevral 2026-yil

XUDAYAROV ASILBEK
ANVAROVICH

Rais
20-Yanvar 2026-yil

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3844/0554-son
03.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги
қўмитасининг 2026 йил 6 майдаги 42-сон қарорига
ИЛОВА

Юк ортиш ва тушириш ишларида юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар юк ортиш ва тушириш ишларини бажаришда юкчилар учун ишларнинг хавфсизлигига оид талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотларда (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) юк ортиш ва тушириш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган ходимларга, шунингдек юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

узун ўлчамли юклар – махсус темир йўл платформалари ёки трайлерларда ташиладиган алоҳида гуруҳдаги юклар (йирик машиналар, металл конструкциялар деталлари ва қисмлари);

юк илиш мосламаси – ҳаракатланиш пайтида юкни ишончли ушлаб туриш учун унга маҳкамланадиган механик мослама;

контейнер – камида 1 m^3 ҳажмли, юкларни идишсиз, бирламчи ўрамда ёки енгиллаштирган идишда ташиш учун мўлжалланган кўп марталаб фойдаланиладиган идиш;

топшириқ-рухсатнома – таъмирлаш ва бошқа ишларни олиб бориш учун ходимларга кўприксимон ва кўчма консоль кранларининг кран йўлларига ва ўтиш галереяларига чиқиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома;

хавфли юклар – ўзига хос хоссалари ва хусусиятлари туфайли муайян омиллар мавжуд бўлган тақдирда ташиш, юк ортиш ва тушириш ишлари жараёнида ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бино ва иншоотлар, бошқа объектларнинг портлаши, ёниши ёки шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар, материаллар, буюмлар, чиқиндилар;

строплар – юкларни бошқа жойга кўчиришда юкларни илиб олиш ва ушлаб туриш учун илмоқ, илгак ёки бошқа илиб олиш мосламалари билан таъминланган канат;

юк илиш схемаси – юкни кўтариш ва бошқа жойга кўчириш вақтида унинг барқарор ва хавфсиз ушлаб турилишини таъминлаш учун стропларни юкка маҳкамлаш тартиби ва усулларини кўрсатувчи схема.

3. Иш берувчи мазкур Қоидаларга мувофиқ, ишлаб чиқариш хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ҳамда технологик жараёнлар ва ускуналардан фойдаланиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқади ёки мавжудларини қайта кўриб чиқади.

4. Мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя этилишини назорат қилиш юк ортиш ва тушириш жараёнида иш берувчи томонидан амалга оширилиши лозим.

5. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

6. Меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларини самарали бажариш, хавфни идентификация қилиш, касбга оид (касбий) хавф-хатарларни баҳолаш ва бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 июлдаги 454-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Умумий хавфсизлик талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

7. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарори билан тасдиқланган Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини

таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита иш берувчига бўйсунади.

9. Ходимлар юк ортиш ва туширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори билан тасдиқланган Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг талабларига амал қилиши керак.

10. Ҳар бир ташкилотда раҳбарнинг буйруғи (бошқарув қарори) билан мазкур Қоидалар асосида билимлари текширувдан ўтган раҳбарлар ва мутахассислар орасидан юк ортиш ва тушириш ишларини хавфсиз амалга ошириш учун масъул шахс тайинланади.

11. Ташкилотнинг юк ортиш ва тушириш ишларини хавфсиз амалга ошириш учун масъул шахснинг мажбуриятлари мансаб йўриқномасида белгиланиши керак.

12. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлом ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш устидан назорат ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис томонидан олиб борилади.

13. Юк ортиш ва тушириш ишларига раҳбарлик қилувчи шахс қуйидагиларга мажбур:

иш бошланишидан олдин иш олиб бориладиган ҳудуднинг муҳофаза зонасини белгилаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш;

мазкур ишларни бажарадиган ходимларда тегишли малака кўникмаларига эга эканинини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириш;

юкларни ортиш, тушириш, кўчириш усуллари тўғри танланганлиги ва ишларни хавфсизлик талабларига мувофиқ олиб борилаётганлигини назорат қилиш;

авария ёки ходимларни шикастланиш ҳолатлари содир бўлганда зудлик билан ишларни тўхтатиш ва дарҳол хавфни бартараф этиш бўйича зарур бўлган чоралар кўриш;

юк ортиш ва тушириш ишлари иккита кран ёрдамида бажарилганда, шунингдек юк илиш схемаси ишлаб чиқилмаган юкларни ортиш ва тушириш ишларини бажариш жараёнида мазкур ишларга бевосита раҳбарликни таъминлаш;

яроқлилиги бўйича маълумот мавжуд бўлмаган, шунингдек нуқсонли юк илиш мосламалари ва идишларни қўллашга йўл қўймаслик.

2-§. Юкларни ортиш ва тушириш, омборга жойлаштириш ишларини амалга оширишда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

14. Юкларни ортиш ва тушириш ҳамда омборга жойлаштириш ишларида ходимларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавфли ва зарарли омиллар қуйидагилардан ҳосил бўлади:

а) чанг;

б) зарарли газлар ва буғлар;

в) ҳаво ҳароратининг юқори ёки паст бўлиши;

г) шовқин;

д) ҳаво намлиги;

е) иш жойини етарли даражада ёритилмаганлиги;

ж) тўғридан-тўғри ва акс этган ёруғликнинг ялтироқ таъсири;

з) иш жойининг аҳамиятли даражада баландликда жойлашганлиги;

и) ҳаракатланаётган машина ва механизмлар, юк кўтариш кранининг ҳаракатланувчи қисмлари, кўтарилаётган ёки кўчирилаётган юклар, юк илиш мосламалари (строплар, илгаклар, қисқичлар), шунингдек транспорт воситаси ва темирйўл транспорти билан боғлиқ хавфлар;

к) электр юритмали кранларда қисқа туташув натижасида электр токининг инсон танаси орқали ўтиши билан боғлиқ юқори кучланиш хавфи.

15. Юк ортиш ва тушириш ишлари олиб бориладиган жойларидаги ҳавонинг тозалигини СанҚваН 0324-16 “Ишлаб чиқариш биноларининг микроиқлимнинг санитария-гигиеник нормалари” ва СанҚваН 0294-11 “Иш жойлари ҳавосидаги зарарли моддаларнинг рухсат этилган миқдорининг гигиеник талаблари”га мувофиқ таъминлаши керак.

3-§. Юкларни ташиш жараёнларига қўйиладиган талаблар

16. Транспорт воситасида юкларни ташиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларининг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

17. Транспорт воситасида хавфли юкларни ташиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларининг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни транспорт воситасида ташишда ҳаракат хавфсизлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларининг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

19. Темир йўл транспортида юк ташиш Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ташиш қоидаларига (рўйхат рақами 3457, 2023 йил 21 сентябр) мувофиқ амалга оширилади.

20. Мазкур Қоидаларда белгиланган юкларни ташиш бўйича талаблар юкларни ташиш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган қисми бўйича амал қилади.

4-§. Юкларни ортиш ва тушириш ишларини қўлда бажаришга қўйиладиган талаблар

21. Юк ортиш ва тушириш ишларини бажаришда ва юкларни қўлда ташишда қуйидаги талабларга риоя этилиши керак:

учи ўткир, кесувчи, санчиладиган буюмлар ва асбоблар фақат ғилоф, пеналлардан фойдаланган ҳолда кўтарилиши;

қаттиқ идишдаги юклар фақатгина қўлқоп билан кўтарилиши;

шиша идишлар мустаҳкам тагликка ўрнатилиши, бўш шиша идишларни эса уячаларга эга махсус қутиларда сақлаш таъминланиши;

синиқлари ва ёриқлари бўлган шиша идишлардан фойдаланмаслиги;

носоз, михлари чиқиб турган, қиррали идишларда юклар ташилмаслиги;

ҳодимлар учун қўлда кўтариладиган ва ташиладиган юкларнинг оғирлиги Ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тиғизлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг гигиеник таснифига (0069-24-сон СанҚваН) (ҳисоб рақами 241, 2024 йил 25 март) мувофиқ бўлиши;

ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юкларнинг оғирлиги Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1954, 2009 йил 12 май) талабларига жавоб бериши.

5-§. Юкларни жойлаштириш жараёнларига қўйиладиган талаблар

22. Кукунсимон ва сочилувчан материалларни ташишда уларни чангитмасдан ортиш, ташиш ва туширишни таъминловчи махсус темирйўл вагонлари ҳамда цемент ташувчи автомашиналардан фойдаланилиши лозим.

23. Кукунсимон материалларни ташиш учун мўлжалланган идишлардан фойдаланишнинг барча босқичларида, шу жумладан улар ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилгунига қадар, қадоқнинг бутлиги ва материалнинг хавфсиз сақланиши таъминланиши ҳамда улар ортиқча қайта жойлаштиришни (оралиқ юклаш-тушириш ишларини) талаб этмаслиги керак.

24. Зарарли ва агрессив суюқ моддаларни ташиш учун махсус цистерналардан фойдаланилиши лозим.

25. Қовушқоқлиги юқори бўлган ёки тез музлайдиган моддаларни сақлаш ва ташишда уларнинг кимёвий хоссаларини ўзгартирмайдиган, шунингдек атмосферага зарарли газлар ажралиб чиқишига йўл қўймайдиган иситиш тизими қўлланилиши лозим.

26. Хавфли моддаларни ортиш, тўкиш, цистерналардан бўшатиш ҳамда уларни ювиш ишлари ходимларнинг ушбу моддалар билан тўғридан-тўғри алоқасини истисно этувчи, шунингдек ҳавога зарарли моддалар ажралиб чиқишининг олдини олувчи усуллар орқали амалга оширилиши лозим.

Суюқликни қуйиш ва тўкиш ишларини бошлашдан олдин цистернанинг ички бўшлиғини атмосфера билан боғловчи клапаннинг техник созлиги ва ишга яроқлилиги текширилиши шарт.

27. Юкларни темир йўл транспортига жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ташиш қоидаларининг (рўйхат рақами 3457, 2023 йил 21 сентябрь) талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

28. Темир йўл яқинида ортиш учун тайёрланган юклар баландлиги 1200 ммгача бўлганда чекка рельснинг ташқи чегарасидан камида 2 метр масофада, баландлиги бундан юқори бўлганда эса камида 2,5 метр масофада жойлаштирилиши ва маҳкамланиши шарт.

29. Ёпиқ вагонларда юклар жойлаштирилганда икки томонда жойлашган эшикларнинг эркин очилишига халақит қилмаслиги керак. Заруратга кўра, вагон эшиклари қалинлиги камида 40 mm бўлган тахталар ёки қалқонлар билан тўсилиши керак.

Вагон эшиклари очилганда ходимлар юк тушиб кетиш эҳтимоли мавжуд бўлган хавфли ҳудудда бўлмасликлари керак.

30. Юкларни транспорт воситаси кузови ёки темир йўл вагонида барқарор ва хавфсиз жойлаштириш учун ёғоч ёки металл тиргаклар, таянч рампалар ҳамда шчитлардан фойдаланилиши лозим.

31. Транспорт воситасига ортишда юк йўлнинг ўтиш жойидан 3,8 m дан ортиқ баланд кўтарилиб турмаслиги ва эни 2,5 m дан ортиқ бўлмаслиги керак.

32. Транспорт воситаси кузовининг бортларини очиш ва ёпиш ишлари камида икки нафар ходим томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, юкнинг барқарор ва хавфсиз жойлаштирилганлиги олдиндан текширилиши шарт.

33. Юк ортиш ва тушириш майдончалари, эстакадалар, кўприкчалар, тахта зиналар соз ва тоза ҳолатда бўлиши, қиш кунларида қор ва музлардан тозаланиши ҳамда қум, шлак ва сирпанчиқликка қарши ашёлар сепилиши керак.

34. Юк ортиш ва тушириш ишлари амалга ошириладиган ҳудудлар, шунингдек пиёдалар ва транспорт воситалари ҳаракатланадиган ўтиш жойлари етарли даражада табиий ва сунъий ёритиш ШНҚ 2.01.05-24 “Табиий ва сунъий ёритиш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Юк ортиш ва тушириш ишлари олиб бориладиган жойларда бегона буюмлар, материаллар ва бошқа ашёларни сақлашга йўл қўйилмайди.

35. Юк ортиш ва тушириш майдончалари транспорт воситалари орқага ҳаракатланиб келиб тўхтаганда уларнинг ҳаракатини чеклаш учун йўлка ва тўхтатгич билан жиҳозланган бўлиши лозим.

36. Канат ва юк ортиш қурилмалари билан бўладиган ишларни қўлқоплардан фойдаланган ҳолда бажариш керак.

37. Юк ортиш ва тушириш ишларини бажаришда юк билан боғлиқ ишлар қўлқопларда, юк кўтариш механизмлари қўлланилганда эса қўлқоп ва каскаларда олиб борилиши керак.

38. Платформа бортларининг занжирлари дастлаб ўрта қисмидан, сўнгра платформанинг ён томонларидан очилиши лозим. Бунда, ходим платформа бортидан камида 1 m масофада жойлашиши шарт.

Вагон люклари люк кўтаргичлар ёрдамида беркитилиши керак.

Люк кўтаргичлар мавжуд бўлмаган тақдирда ярим вагон люкларини ёпиш ишлари камида уч нафар ходимдан иборат бригада томонидан амалга оширилиши лозим.

Бунда:

икки нафар ходим ёрдамчи мосламалар (ломлар) ёрдамида люк қопқоғини кўтаради;

учинчи ходим ёрдамчи мосламаларни (ломларни) махсус тешикка жойлаштириб, қопқоқни ярим вагон рамасига зичлайди;

қопқоқ мустаҳкамланади ҳамда сақлагич секторлари (қулфлари) ўрнатилади.

39. Транспортер тасмаси носоз ҳолатда бўлганда ёки тўсатдан тўхтаб қолганда конвейерда ишлашга, ҳаракатланаётган тасмани тозалашга, шунингдек транспортер ишлаб турган вақтда транспортер тасмаси ҳамда барабанлари остида тўпланган тўкилмаларни тозалашга йўл қўйилмайди.

Конвейер ишлаётган вақтда уни таъмирлаш, конвейер фермасининг ҳолатини ўзгартириш ёки уни алмаштириш тақиқланади.

40. Юкнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсир кўрсатувчи метеорологик шароитлар ўзгарганда (масалан, заҳарлилик даражаси ошганда), юк ортиш ва тушириш ишлари дарҳол тўхтатилиши ҳамда бу ҳақда масъул шахсга зудлик билан хабар берилиши лозим.

6-§. Юкларни кўчириш жараёнларига қўйиладиган талаблар

41. Юкларни бошқа жойга кўчириш ишларини амалга ошириш учун ташкилот томонидан транспорт-технологик схема ишлаб чиқилиши лозим.

42. Ташкилотда транспорт воситалари ҳаракатини ташкил қилиш учун ҳаракат схемаси ишлаб чиқилган ва кўринарли жойга ўрнатилган бўлиши керак.

43. Шовқин даражаси юқори бўлган цехларда транспорт воситалари ҳаракати ҳақида ходимларни огоҳлантириш ва хабар бериш учун овозли сигналга қўшимча равишда ёруғлик сигнализацияси ҳам қўлланилиши лозим.

44. Транспорт воситаларида ташиладиган газ тўлдирилган баллонлар туридаги юкларни жўнатувчи ва қабул қилувчилар транспорт воситаси кузови поли баландлигида мазкур юкларни хавфсиз ортиш ва туширишни таъминлайдиган махсус жиҳозланган платформага эга бўлишлари лозим.

Транспорт воситалари юк ортиш ёки тушириш пунктига келганда, юк жўнатувчи ёки қабул қилувчи ҳайдовчидан йўл варақаси ҳамда юк ҳужжатларини талаб қилиши, ҳайдовчи эса уларни тақдим этиши шарт.

45. Газ ёки суюқлик тўлдирилган баллонлар ҳамда идишлардаги юкларни ортиш ва тушириш, шунингдек уларни транспорт воситаларида ташиш учун маҳкамлаш ишлари юк жўнатувчи ёки юк қабул қилувчи назорати остида амалга оширилиши лозим.

Бунда, ҳайдовчини юк ортиш ва тушириш ишларига жалб этиш йўриқномада назарда тутилган ҳолларда ҳамда мазкур шартлар шартномада белгиланган тақдирдагина рухсат этилади.

46. Юк кўтариш ва транспорт билан боғлиқ ишлар ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда қуйидаги чоралар орқали амалга оширилиши лозим:

тез алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларнинг оқиб чиқиши ҳамда тўкилишига йўл қўймаслик;

тез алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар буғларининг очиқ ҳолда ажралиб чиқишига йўл қўймаслик;

аланга олиш манбаларида учқун чиқишига йўл қўймаслик;

иш муҳити кўрсаткичларини портлаш ёки алангаланиш хавфини истисно этувчи чегараларда сақлаб туриш;

ходимларни хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш;

ташкилотнинг буйруғи асосида ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкаларнинг раҳбарлари зиммасига ёнғинга қарши тартибга ҳамда ёнғинга қарши профилактик чора-тадбирларга риоя этилиши учун жавобгарликни юклаш.

47. Юк кўтариш кранлари ёрдамида юк ортиш ва тушириш ишларини хавфсиз амалга ошириш мақсадида ташкилот маъмурияти иш жойларини фойдаланишга рухсат этилган юк илиш мосламалари, идишлар ва юклар рўйхати, уларнинг ўлчамлари, оғирлиги, илиш нуқталари ва сақлаш жойлари, шунингдек юк илиш схемалари билан таъминлаши лозим.

7-§. Ишлаб чиқариш жараёнларида юк ортиш ва тушириш ишларига қўйиладиган талаблар

48. Ишлаб чиқариш жараёнларида юк ортиш ва тушириш ишлари ушбу Қоидалар ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилиши керак.

49. Юкларни омборларга жойлаштириш тартиби, сақлаш жойлари ва жойлаштириш ўлчамлари, шунингдек пиёдалар ҳамда транспорт воситалари ҳаракатланиши учун ўтиш йўлаклари ўлчамлари кўрсатилган технологик карталар асосида амалга оширилиши лозим.

50. Технологик карталар омборхона режаси ёки жойлаштириш майдончаси кўринишида тузилиши ҳамда унда юк тахламларининг жойлашуви ва ўлчамлари, транспорт воситалари ва темир йўл кириш йўллари, ходимлар ҳаракатланиши учун ўтиш йўлаклари, кранлар учун рельсли йўллар ва хизмат кўрсатиш ҳудудлари, шунингдек ўзиюрар стрелали кранлар ҳамда юк ортиш ва тушириш транспорт воситалари ўрнатиладиган жойлар кўрсатилиши лозим.

51. Юкларни илдириш ишлари юк илиш схемасига мувофиқ, мазкур юкларни ташиш ҳужжатларида кўрсатилган ечиб олинадиган юк илиш мосламалари, идишлар ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

52. Оғирлиги номаълум бўлган юкларни бошқа жойга кўчириш ишлари уларнинг ҳақиқий оғирлиги аниқлангандан сўнг амалга оширилиши лозим. Юкнинг оғирлиги юк кўтариш машинасининг юк кўтариш қобилияти ёки юк илиш мосламасининг рухсат этилган имкониятидан ортиқ бўлган тақдирда, бундай юкларни кўтариш тақиқланади.

53. Ташкилотларда юкларни хавфсиз кўтариш, кўчириш, буриб силжитиш, шунингдек ортиш ва тушириш ишларини таъминлаш мақсадида юкларнинг тури, оғирлиги ва шаклини инобатга олган ҳолда юк илиш схемалари ишлаб чиқилиши лозим.

54. Юк илиш схемаси (юкларни боғлаш, маҳкамлаш ҳамда канат, занжир ва бошқа ашёлардан ишланган строплар ёрдамида юк кўтариш машиналари илгагига илиш усуллари) юк илувчилар, кранчилар томонидан ўрганиб чиқилиши ва уларга имзо қўйдирган ҳолда берилиши ва ишлар олиб бориладиган жойларга илиб қўйилиши керак.

55. Юк илиш схемаси ишлаб чиқилмаган юкларни бошқа жойга кўчириш ишлари крандан хавфсиз фойдаланиш учун масъул шахс раҳбарлиги остида амалга оширилиши лозим.

56. Юкларнинг оғирлиги ва оғирлик маркази тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда юкларни кўтариш ишлари масъул шахсдан маълумотларни олгандан сўнг олиб борилади.

Ушбу маълумотларни аниқлаш ушбу Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ олиб борилишига йўл қўйилади.

57. Юк илиш схемаларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга риоя этилиши керак:

заводда ишлаб чиқилган буюмларнинг оғирлиги ва оғирлик маркази ушбу буюмларнинг техник ҳужжатларида кўрсатилган бўлиши;

дастгоҳ, машина, механизмлар ва бошқа ускуналарнинг массаси дастгоҳ ёки машиналарнинг станинасига ёки рамасига бириктирилган завод тахтачасида кўрсатилган бўлиши;

қадоқланган юкнинг оғирлиги, оғирлик маркази ва юкни илдириш жойи юкнинг қопламасида кўрсатилган бўлиши.

58. Транспорт воситаларини сочилувчан юкларни ортиш жойларига тўғри жойлаштириш учун ортиш нуқталарида йўналтирувчи белгилар ўрнатилиши ва ҳаракат чизиқлари белгиланиши лозим.

59. Юк кўтариш механизмлари ёрдамида юк ортиш ва тушириш ишлари амалга оширилаётганда, майдончаларда, транспорт воситаларида, юк илиш мосламаларини илиш ва ечиш жараёнида, шунингдек юк 200–300 mm дан ортиқ бўлмаган баландликка кўтарилиб, унинг тўғри илинганлиги текширилаётган пайтда юк илувчидан ташқари бошқа шахслар бўлишига йўл қўйилмайди.

60. Юк илувчи юкнинг ишончли илинганлигини текширгандан ҳамда юк пол (майдонча) сатҳидан 1 m дан ортиқ бўлмаган баландликка кўтарилгандан сўнг хавфсиз жойга ўтиши шарт.

61. Транспорт воситасида юк ортиш ёки юк тушириш ишлари амалга оширилаётганда унинг ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилган бўлиши керак.

62. Қирралари ва учлари ўткир, кесувчи юкларни ортиш ва туширишда юк илиш мосламалари шикастланишини олдини олувчи таглик (паддон) ва қистирмалар қўлланилиши керак.

63. Электр магнитли ва грейферли кранлар билан юкларни кўтариш ва бошқа жойга кўчириш ҳудудлари тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак.

64. Тўсиқлар тегишли рангларга бўялган ва огоҳлантирувчи белгилар билан жихозланган бўлиши керак.

65. Юк ортиш ва тушириш ишлари олиб бориладиган майдончаларнинг чегаралари белгиланган бўлиши керак.

66. Юкларни бир нечта кранлар билан бошқа жойга кўчириш ишлари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ олиб борилиши керак.

67. Юкларни вилкасимон ушлаш мосламасига эга авто ва электр юклагичлар ёрдамида бошқа жойга кўчиришда юк вилка элементларига нисбатан бир текис жойлаштирилиши ҳамда автоюклагичдан фойдаланиш қўлланмаси талабларига мувофиқ пол сатҳидан 300–400 mm баландликка кўтарилган бўлиши лозим.

Юкларни юклагичлар ёрдамида ташишда йўл қиялиги раманинг рухсат этилган қиялик бурчагидан ошмаслиги лозим.

68. Юкнинг оғирлик маркази вилкасимон ушлаш мосламасининг барқарорлигини таъминлайдиган тарзда жойлаштирилиши, бунда юкнинг таянч юзасидан чиқиб турган қисми чап ва ўнг томонларда симметрик равишда бир хил бўлиши ҳамда таянч юзаси узунлигининг учдан бир қисмидан ошмаслиги лозим.

69. Вилкасимон ушлаш мосламасига эга авто ва электр юклагичлар ёрдамида идишларни ташиш ҳамда уларни штабелга жойлаштириш ишлари доналаб жойлаштириш усулида амалга оширилиши лозим.

70. Катта ўлчамли юкларни авто ва электр юклагичлар ёрдамида бошқа жойга кўчириш ишлари орқага юриш орқали ҳамда фақат юкларни ортиш ва ташиш ишларига масъул шахс юклагични кузатиб борган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Мазкур масъул шахс юклагич ҳайдовчисига ҳаракат йўналишини кўрсатиши, огоҳлантирувчи сигналлар бериши ҳамда юклагичнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши шарт.

8-§. Идишга солинган донали юкларни ортиш ва тушириш жараёнига қўйиладиган талаблар

71. Юклар транспорт воситаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари талабларига мувофиқ ташилиши керак.

Бунда:

юк ҳайдовчи ва атрофдагиларга хавф туғдирмаслиги, ҳайдовчига кўринишни чекламаслиги, транспорт воситаси барқарорлигини бузмаслиги, ёритиш ва сигнал асбоблари ҳамда рақам белгиларини беркитмаслиги, қўл сигналларини қабул қилишга халақит қилмаслиги, шовқин ва чанг чиқармаслиги, йўл ҳамда атроф-муҳитни ифлослантирмаслиги керак;

транспорт воситасининг габаритларидан олди ёки орқа томонга 1 m дан, ён томонга габаритнинг четки қисмидан 0,4 m дан ортиқ чиқиб турган юк “Катта ўлчамли юк” таниқлик белгиси билан белгиланиши, сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда эса, бунга қўшимча равишда олди оқ рангли чироқ ёки ёруғлик қайтаргич, орқаси эса қизил рангли чироқ ёки ёруғлик қайтаргич билан белгиланиши керак.

72. Транспорт воситалари (тиркама) кузовига юк ортиш ишлари кабина томонидан орқа борт томон йўналишда, юк тушириш ишлари эса тескари кетма-кетликда амалга оширилиши лозим.

Юклар транспорт воситаларига ташиш жараёнида силжимайдиган ва ағдарилиб кетмайдиган тарзда жойлаштирилиши ҳамда ўрнатилиши керак. Зарур ҳолларда юклар қўшимча равишда маҳкамланиши лозим.

73. Идишга солинган донали юклар таглик (паддон), контейнер ва бошқа қадоқлаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ташилиши керак.

Қадоқ ичидаги юклар силжитмайдиган тарзда маҳкамланган бўлиши керак.

74. Юк таглик четларидан 20 mm дан ортиқ чиқиб турмаслиги лозим. Узунлиги 500 mm дан ортиқ бўлган мустаҳкам қутилар учун ушбу масофани 70 mm гача оширишга рухсат этилади.

75. Контейнер қопқоқлари юкларни бошқа жойга кўчириш учун бошқа буюмлардан тозаланган бўлиши керак. Контейнерларни илдириш ишлари юк илиш схемасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

76. Контейнерларни қўлда илдириш ва илинган контейнерларни ечиш ишларини бажаришда юк илувчининг хавфсизлиги нарвонлар, икки томонлама очиладиган нарвонлар ҳамда бошқа мосламалардан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

77. Контейнерларни кўтариш, тушириш ёки бошқа жойга кўчириш пайтида уларнинг устида, ичида ва ёнида жойлашган контейнерларда ходимлар бўлмаслиги керак.

78. Ёғоч-тахта материалларни транспорт воситаларига юклашда уларнинг намлиги ўзгариши натижасида кўтариладиган юкнинг оғирлиги ошишини инобатга олиб қадоқланган кўринишда юклаш керак.

79. Ёғоч-тахта материалларини ортиш ва тушириш жойларида қадоқлар ёки тахламларнинг ағдарилиб кетишини истисно этувчи мосламалар назарда тутилиши лозим.

80. Сочилувчан юкларни ортиш ва тушириш ишлари иш жойи ҳавосининг ифлосланишини истисно этувчи механизациялаштирилган усулларда амалга оширилиши керак.

Сочилувчан юкларни штабелдан олишда ағдарилиш хавфини келтириб чиқарувчи бўшлиқлар ҳосил қилган ҳолда юкнинг пастки қисмидан олишга йўл қўйилмайди.

81. Ярим вагонлардан сочилувчан юкларни туширишда люкларни, ходимларнинг хавфсиз масофада бўлишларини таъминлайдиган махсус мосламалар ёрдамида очиш керак.

82. Сочилувчан юкларни ярим вагонлардан эстакадада жойлашган, баландлиги 2,5 m бўлган йўлларда тушириш ишларини амалга оширишда люкларни очиш махсус супачалардан фойдаланган ҳолда бажарилиши лозим.

83. Бункерлар, минора ва бошқа сиғимларни сочилувчан ашёлардан бўшатишда (ортишда) сиғимларнинг юқори қисмида ходимларнинг сиғим ичига тушиб кетишининг олдини олувчи махсус қурилмалар (тўрлар, люклар, тўсиқлар) бўлиши керак.

84. Ходимлар катта оқимли ёки тортиб кетиш хусусиятига эга сочилувчан юклар устидан ўтиши зарур бўлган ҳолларда траплар ёки бутун ҳаракатланиш йўли бўйлаб тўсиқли ўтиш тўшамалари ўрнатилиши лозим.

Ходимлар сочилувчан материаллар устидан ҳаракатланишда хавфсизлик арқони билан жиҳозланган сақлагич белбоғлардан фойдаланишлари шарт.

85. Сочилувчан юкларни тепаликда жойлашган ағдарма транспорт воситаларидан туширишда, шунингдек ҳандақ ва зовурларни тупроқ билан тўлдириш ишларида жойлашган ағдарма транспорт воситалари табиий қиялик четига камида 1 m масофада жойлаштирилиши лозим.

86. Ағдарма транспорт воситаларини шиббаланмаган жойларга киришига, шунингдек тўхтатгич бруслар билан жиҳозланмаган эстакадалардан туриб юкни бўшатишга йўл қўйилмайди.

9-§. Юкларни транспорт воситаси кузовига жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

87. Идишсиз юкларни ортишда юк кузови бортларидан юқори чиқиб турмаслиги ҳамда кузов поли майдони бўйлаб бир текис жойлаштирилиши лозим.

88. Кузов бортларидан чиқиб турадиган донали юклар такелаж воситалари (канатлар, занжирлар) ёрдамида боғлаб маҳкамланиши лозим.

Юкларни боғлашишларини бажараётган ходимлар ортиш ва тушириш майдончасида хавфсиз жойда туришлари керак.

89. Транспорт воситасидаги юкнинг умумий баландлиги ҳаракат йўналишидаги кўприк ости йўллари ва кўприклар баландлигидан, шунингдек ер сатҳидан юкнинг энг юқори нуқтасигача 3,8 m дан ошмаслиги лозим.

90. Қутили, бочкали ва бошқа донали юклар ҳаракат вақтида (тўсатдан тормоз бериш, жойидан қўзғалиш ёки кескин бурилишларда) кузов поли бўйлаб силжиб кетмаслиги учун зич, бўш жой қолдирмасдан жойлаштирилиши лозим.

Юклар орасидаги бўшлиқлар мустаҳкам қистирмалар ва тиргаклар билан тўлдирилиши керак.

91. Бочкали идишлардаги юкларни бир неча қатор қилиб жойлаштиришда уларни ходача бўйлаб ёки ён томони билан думалатиб жойлаштириш лозим.

Суюқлик тўлдирилган бочкалар тиқин қисми юқорига қаратилган ҳолда ўрнатилиши керак. Бочкаларнинг ҳар бир қатори орасига тахтали қистирмалар қўйилиши, четки қаторлари эса поналар билан маҳкамланиши лозим. Поналар ўрнига бошқа буюмлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

92. Панжарали яшикларда жойлаштирилган, ичида суюқлик бўлган шиша идишлар тик ҳолатда ўрнатилиши лозим. Бундай юкларни ётқизиб жойлаштириш тақиқланади.

93. Панжарали яшиклардаги шиша идишли юкларни ташишда пастки қаторни шикастланишдан муҳофаза қилувчи мустаҳкам қистирмалар қўлланмасдан уларни икки қатор қилиб бир-бирининг устига жойлаштиришга рухсат этилмайди.

94. Ҳаракат жараёнида юкларнинг силжиб кетиши ёки ағдарилишига йўл қўймаслик мақсадида кузовдаги ҳар бир юк алоҳида тартибда маҳкамланиши лозим.

Суюқлик билан тўлиқ тўлдирилмаган цистернали транспорт воситалари бурилишларни паст тезликда амалга ошириши лозим.

95. Қоплардаги юклар штабелларда боғлаб жойлаштирилиши лозим. Йиртиқ идишлардаги юкларни штабелга тахлаш тақиқланади. Штабелнинг баландлиги 6 m дан ошмаслиги керак.

96. Идишларни кўздан кечириш ишлари кўздан кечириш тартиби ва усулларини, шунингдек аниқланган шикастланишлар ва носозликларни бартараф этиш усулларини белгилайдиган йўриқномалар асосида амалга оширилиши лозим.

97. Юк илувчилар идишлардан фойдаланишдан олдин уларнинг техник ҳолатини кўздан кечиришлари шарт.

98. Ишлар амалга ошириладиган жойларда яроқсиз ёки шикастланган идишларни сақлаш ва улардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

10-§. Идишларга юкларни ортиш ва уларни ташишга қўйиладиган талаблар

99. Идишга унинг номинал брутто массасидан ортиқ миқдорда юк ортилишига йўл қўйилмайди.

100. Юкни ортишда идишда деформациялар пайдо бўлмаслигини таъминлаши керак.

101. Идишга жойлаштирилган юк унинг бортларининг юқори чекка қисмидан камида 100 mm паст сатҳда жойлаштирилиши лозим.

102. Штабелдаги идишларнинг очиладиган қисми ёпиқ ҳолатда бўлиши лозим.

103. Идишларни ағдариш ишлари махсус мосламалар билан жиҳозланган юк кўтариш қурилмалари ёрдамида амалга оширилиши лозим.

104. Идишларни судраб тортиш ёки қиррасига буриб силжитишга йўл қўйилмайди.

105. Идишлар таъмирлангандан ёки фойдаланишга топширилгандан сўнг уларни синов юкламаси билан синаш талаб этилмайди.

106. Қутидаги юкларни бошқа жойга кўчиришда қўлларни шикастланишдан муҳофаза қилиш мақсадида ҳар бир қути олдиндан кўздан кечирилиши лозим.

Чиқиб турган михлар ва темир ўрамларнинг ўткир четлари қайирилиши ёки текисланиши ва хавфсиз ҳолатга келтирилиши лозим.

107. Штабелнинг юқори қисмидаги қути ёки кипларни олиш зарурати туғилганда, ёнма-ён жойлашган юкларнинг барқарор ҳолатда эканлиги ҳамда уларнинг ағдарилиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилиниши лозим.

108. Қути ва кипларни ёпиқ омборхоналарда жойлаштиришда асосий ўтиш йўлакларининг кенглиги камида 3–5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

109. Бочкалар, барабанлар ва рулонлардаги юкларни қўлда думалатиб ортишга фақат омборхона поли, вагон поли ёки транспорт воситаси кузови бир сатҳда жойлашган ҳолларда рухсат этилади.

110. Агар омборхона поли вагон поли ёки транспорт воситаси кузови сатҳидан паст жойлашган бўлса, бочкали юкларни ортиш ва тушириш қуйидаги тартибда амалга оширилишига рухсат этилади:

массаси 80 kg гача бўлган юклар – қўлда ёки икки нафар ходим томонидан думалатиш орқали;

массаси 80 kg дан ортиқ бўлган юклар – канатлар ёки механизация воситалари ёрдамида.

111. Бочкали юкларни, уларнинг оғирлигидан қатъи назар, елкада ташиш тақиқланади.

112. Думалатиб пастга туширилаётган юкнинг олди томонида туриш, шунингдек бочкали юкларни ходача орқали юқорига думалатиб чиқариш пайтида юкнинг орқа томонида туриш тақиқланади.

113. Юкларни ётиқ текислик бўйлаб уларнинг чет қисмидан итариш орқали силжитишга йўл қўйилмайди.

11-§. Ечиб олинадиган юк илиш мосламаларига қўйиладиган талаблар

114. Ишлатиш жараёнида ечиб олинадиган юк илиш мосламалари даврий равишда кўздан кечириб турилиши лозим:

строплар – камида ҳар ўн кунда;

қисқичлар, ушлагичлар, траверслар (кўтаргичлар) ва идишлар – ойига камида бир марта;

кам фойдаланиладиган строплар – фойдаланишга топширилишидан олдин.

Строплар махсус ташкилотлар томонидан тайёрлангандан ёки таъмирлангандан сўнг улар номинал юк кўтариш қобилиятининг 1,25 бараваридан кам бўлмаган юклама билан синовдан ўтказилиши лозим.

115. Строплар ва идишларни кўздан кечириш ишлари ихтисослаштирилган ташкилот томонидан ишлаб чиқилган, кўрик ўтказиш тартиби ва усуллари, яроқсизлик белгилари, шунингдек аниқланган бузилишларни бартараф этиш усулларини белгилаб берувчи йўриқнома асосида амалга оширилиши лозим.

12-§. Ярим вагонлар, платформалар, транспорт воситаларига юк ортиш жараёнига қўйиладиган талаблар

116. Транспорт воситаларига юклар уларни тушириш жараёнида қулай ва хавфсиз илдириш имкониятини таъминлайдиган тарзда ортилиши лозим.

117. Ярим вагонлар, платформалар, автомашиналар ва бошқа транспорт воситаларида ортиш ва тушириш ишлари уларнинг мувозанати бузилишига йўл қўймаган ҳолда амалга оширилиши керак.

118. Тайёр металл маҳсулотларни ярим вагонларга ортишда улар ярим вагоннинг бутун кенглиги бўйлаб кесими 40x100 мм² бўлган тахталардан тайёрланган кўндаланг қистирмалар устига тахланиши керак.

119. Тайёр металл маҳсулотларнинг алоҳида уюмлари бири-бирига параллел равишда ён томонларга оғишига йўл қўймаган ҳолда жойлаштирилиши керак.

Кесим ўлчами 180 mm гача бўлган ҳар бир тайёр металл маҳсулотларнинг диаметри 6 mm дан кам бўлмаган икки ипли ўралган сим билан:

металл узунлиги 6 m гача бўлганда икки жойидан;

металл узунлиги 6 m дан катта бўлганда уч жойидан боғланиши керак.

120. Кесим ўлчами 180 mm дан ортиқ ўлчамдаги тайёр металл маҳсулотлар ҳар бир уюми диаметри 6 мм бўлган икки ипли кўндаланг ўралган сим билан:

металл узунлиги 9 m гача бўлса – икки жойидан;

пўлат узунлиги 9 m дан катта бўлса – уч жойидан боғланиши керак.

121. Диаметри 111–450 mm бўлган қувурлар транспорт воситаларига қўшни қаторлар орасига кесими камида 35×100 mm² бўлган тахтадан тайёрланган, камида учта қистирма қўйилган ҳолда жойлаштирилиши керак.

122. Темир-бетон буюмлар ва конструкцияларни ярим вагонлар ҳамда платформаларга ортишда уларни тахлаш ишлари кесими камида 40×100 mm² бўлган тахтадан тайёрланган иккита кўндаланг ёғоч таглик устида амалга оширилиши лозим.

123. Конструкцияларни ярим вагонларда штабел қилиб тахлашда штабел қаторлари орасига эни таглик энидан 40 mm дан кўп бўлмаган қистирмалар жойлаштирилиши лозим. Бунда, қистирмалар тагликлар устига вертикал ўқ бўйича жойлаштирилиши лозим.

124. Таглик ва қистирмалар юк узунлиги бўйича бир текисда ва платформа ёки ярим вагон ўртасига нисбатан мутаносиб жойланиши керак.

13-§. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

125. Электр магнитли ва грейферли кранлар ёрдамида юк ортиш ва тушириш ишлари амалга оширилаётганда платформаларда, транспорт воситаларида, ярим вагонларда ва бошқа ҳаракатланувчи таркибларда одамларнинг бўлиши тақиқланади.

Юк илувчининг иш жойи технологик ҳужжатларда белгиланган бўлиши ҳамда доимий иш жойлари тегишли тарзда жиҳозланиши (эстакада қурилмалари, бостирмали майдончалар ва бошқалар билан таъминланиши) лозим.

126. Юк ортиш ва тушириш ишларини амалга оширишга оид ҳужжатларда юк илувчи учун ҳар бир юкни кўтариш ва тушириш жараёнида хавфсиз жойлар кўрсатилган ҳолда ишларни босқичма-босқич бажариш тартиби назарда тутилган бўлиши лозим.

127. Юкларни жойлаштиришда қўлланиладиган усуллар қуйидагиларни таъминлаши керак:

штабеллар, қадоқлар ва юкларнинг барқарорлигини;

кўтарма-транспорт ускуналарининг осма ушлагичлари ёрдамида штабелларни механик равишда қисмларга бўлиш ва юкларни кўтариш имкониятини;

штабелда ёки унинг атрофидаги ходимлар хавфсизлигини;

ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари, ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситалари ва техникаларидан хавфсиз фойдаланиш имкониятини;

ёпиқ омборхоналарда табиий ва сунъий шамоллатишда ҳаво оқимининг айланишини;

электр узатиш, муҳандислик коммуникация ва энергия таъминоти тизимида муҳофаза зоналари талабларига риоя қилинишини.

128. Юкларни ташиш хавфсизлик талабларига жавоб берадиган транспорт воситаларида амалга оширилиши керак.

129. Ташкилотнинг транспорт воситалари давлат рақам белгисига ёки ташкилотнинг ички рўйхат рақамига эга бўлиши керак.

130. Юкларни ташиш ушбу юкнинг ташиш бўйича технологик ҳужжатларида кўрсатилган идишларда ёки жиҳозларда амалга оширилиши керак.

131. Авто ва электр юклагичларни қаттиқ ва текис қопламали майдонларда ишлатиш керак.

132. Юкларни юклагичлар билан бошқа жойга кўчиришда технологик ҳужжатларга мувофиқ махсус мосламаларни (вилкали ушлагичлар, илгаклар, чўмичлар) қўллаш керак.

133. Майда ёки мувозанатини йўқотиш хавфи мавжуд юкларни ташишда вилкали ушлагичли юклагичлар ҳаракатланиш пайтида юкларни тираб туриш учун сақлагич рамка ёки каретка билан жиҳозланган бўлиши керак.

134. Вилкали ушлагичларнинг узайтиргичлари мустаҳкам маҳкамланадиган ва уларни ушлагичда ушлаб турадиган тегишли занжир ёки мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

135. Автоюклагич ҳайдовчисининг кўриш доирасини чеклайдиган йирик ўлчамли юкларни бошқа жойга кўчириш ишлари махсус ажратилган ва йўл-йўриқдан ўтказилган сигналчи кузатувида амалга оширилиши лозим.

136. Одамларни транспорт воситасида ташишга фақат транспорт воситасини ишлаб чиқарган корхона ҳужжатларига мувофиқ бажарилган ўтиргичлар мавжуд бўлгандагина рухсат этилади.

137. Транспорт воситаси кузовида юкчиларни ташишга рухсат этилмайди.

Агар иш хусусиятидан келиб чиқиб экспедитор ёки юкчини ташиш зарурати юзага келса, улар транспорт воситаси кабинасида жойлаштирилиши шарт.

14-§. Юк ортиш ва тушириш ишларини олиб бориш ҳудудини жиҳозлашга қўйиладиган талаблар

138. Юк ортиш ва тушириш ишлари олиб бориладиган жойлар юклар ва кўтарма-транспорт машиналардан тушадиган юкламаларни қабул қилиш имкониятига эга бўлган, текис қаттиқ қопламали ёки тупроқли махсус ажратилган ҳудудда жойлаштирилиши керак.

139. Юк ортиш ва тушириш ишлари олиб бориш учун майдонлар 5° дан ортиқ бўлмаган, авто ва электр юклагичлар қўлланганда эса 3° дан кўп бўлмаган қияликка эга бўлиши керак.

140. Юк ортиш ва тушириш ишлари олиб бориладиган жойлар огоҳлантирувчи белгилар билан жиҳозланган бўлиши керак.

141. Юк ортиш ва тушириш ишлари олиб бориладиган жойларга кириш йўллари қаттиқ қопламага эга бўлиши ва соз ҳолатда сақланиши керак.

Юк ортиш ва тушириш ишлари олиб бориладиган жойларда транспорт воситаларининг ҳаракати ташкилот маъмурияти тасдиқлаган схема бўйича ташкил қилиниши, кириш ва чиқишда, бурилиш ва транспорт воситаларини тушириш (ортиш)га қўйишда махсус чизиқлар ва йўл белгилари билан тартибга солиб турилиши керак.

142. Йўлларнинг зовурлар, хандақлар ва темир йўл тармоқлари билан кесишган жойларида ўтиш учун тўшамалар ва кўприклар ўрнатилиши керак.

143. Ўтиш йўллари кенглиги транспорт воситаларининг икки томонлама ҳаракатланишида камида 6,2 m ва бир томонлама ҳаракатланишида камида 3,5 m бўлиб, йўлларнинг бурилиш жойлари тегишли равишда кенгайтирилган бўлиши керак.

144. Юк ортиш ва тушириш майдончалари ишларни хавфсиз бажариш учун нормал ўлчамларни таъминлаши керак.

145. Омборхоналарда ва қисқа муддатли сақлаш жойларида сақланаётган идишга солинган донали юкларни ортиш ва тушириш майдончаларида транспорт воситаси кузовининг поли баландлигига тенг бўлган баландликда платформалар, эстакадалар, рампалар қурилган бўлиши керак.

Транспорт воситалари кириш томонидаги рампаларнинг кенглиги 1,5 m дан кам бўлмаслиги ва 5° дан катта бўлмаган қияликка эга бўлиши керак.

Транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган эстакадалар кенглиги 3 m дан кам бўлмаслиги керак.

15-§. Ишлаб чиқариш биноларига (хоналари) қўйиладиган талаблар

146. Ертўла ва ярим ертўла хоналарда жойлашган, зиналар сони биттадан ортиқ ёки баландлиги 1,5 m дан юқори бўлган зиналарга эга омборхоналар юк тушириш учун люклар, траплар ҳамда юк кўтаргичлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

147. Биринчи қаватдан юқорида жойлашган ҳамда зиналар сони биттадан ортиқ ёки баландлиги 2 m дан юқори бўлган омборхоналар юкларни тушириш ва кўтариш учун кўтаргичлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

148. Юк ортиш ва тушириш ишларини олиб бориш жойлари етарли даражада ёритилган бўлиши керак.

Зарур ҳолларда катта майдонларни ёритиш учун прожекторли қурилмалардан фойдаланиш мумкин.

149. Ишлаб чиқариш биноларида юк ортиш ва тушириш ишларини олиб бориш учун микроиқлимнинг кўрсаткичлари СанҚваН 0324-16 “Ишлаб чиқариш биноларининг микроиқлимнинг санитария-гигиеник нормалари” талабларига мувофиқ бўлиши керак.

150. Пол майдони бир ходим учун 100 m² дан ортиқ тўғри келадиган ишлаб чиқариш хоналарида СанҚваН 0324-16 “Ишлаб чиқариш биноларининг микроиқлимнинг санитария-гигиеник нормалари” талабларида белгиланган ҳарорат, нисбий намлик ҳамда ҳаво ҳаракати тезлиги кўрсаткичлари фақат доимий иш жойларида таъминланиши лозим.

151. Иш жойи ҳавосидаги зарарли моддалар миқдори СанҚваН 0294-11 “Иш жойлари ҳавосидаги зарарли моддаларнинг рухсат этилган миқдорининг гигиеник талаблари”да белгиланган рухсат этилган концентрация чегарасидан ошмаслиги лозим.

Бунда:

иш жойи ҳавосида бир вақтнинг ўзида бир хил йўналишда таъсир кўрсатувчи бир нечта зарарли моддалар мавжуд бўлганда, уларнинг ҳақиқий концентрацияларини тегишли рухсат этилган концентрация чегарасига нисбатлари йиғиндиси бирдан ошмаслиги лозим;

иш жойи ҳавосида бир вақтнинг ўзида турли йўналишда таъсир қилувчи бир нечта зарарли моддалар мавжуд бўлса, ҳар бир модда учун белгиланган рухсат этилган концентрация чегараси алоҳида тартибда қўлланилади.

152. Иш жойларидаги рухсат этилган шовқин даражалари, ускуналарнинг шовқин чиқариш хусусиятлари, шовқиндан ҳимоя қилиш, тебранишлар Иш

жойларидаги шовқин, тебраниш, инфратовуш ва ультратовуш даражаларига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0111-26-сон СанҚваН) (ҳисоб рақами 399, 2026 йил 28 апрелъ) талабларига мувофиқ белгиланади.

153. Ишлаб чиқариш биноларида ишлар оли борилаётганда темир йўл транспортида юк ортиш ва тушириш ишларини олиб боришдан олдин йўл ва стрела ҳолатини ҳамда темир йўл вагонларининг қўл тормозларини мустаҳкамлигини текшириш керак.

154. Ишлаб чиқариш бинолари ичидаги рельсли йўллар пол сатҳи билан бир текисда бўлиши лозим. Ташкилот ҳудудидаги рельсли йўллар эса текис, ишончли маҳкамланган ва бир хил турдаги рельслардан ташкил топган бўлиши керак.

155. Катта ўлчамли юклар ортиладиган жойларда темир йўлларда юкнинг баландлиги ва кенглиги бўйича рухсат этилган ўлчамларни белгилаб берувчи ўлчовли дарвозалар ўрнатилиши лозим.

156. Темир йўллар бўйлаб рельс каллаги сатҳида ходимларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминловчи тўшамалар ўрнатилган бўлиши керак.

157. Боши берк темир йўл излари тиргаклар билан жиҳозланиши лозим.

158. Юк ортиш ва тушириш майдончаларининг ўлчамлари транспорт воситалари ва юклар ўртасидаги масофа камида 1 m бўлиши лозим.

159. Ишлаб чиқариш бинолар яқинида юк ортиш ва тушириш ишлари амалга оширилганда бино билан юкланган транспорт воситаси ўртасидаги масофа камида 0,8 m бўлиши, бунда йўлка ҳамда тўхтатувчи бруслар назарда тутилиши керак.

16-§. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган талаблар

160. Юк ортиш ва тушириш ишларида қўлланиладиган ишлаб чиқариш ускуналари монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш жараёнларида, шунингдек алоҳида ёки технологик тизим таркибида қўлланилганда хавфсиз бўлиши лозим.

161. Юкларни кўтариш ва бошқа жойга кўчириш ишлари иккита кран ёрдамида амалга оширилганда, юкни боғлаш ва илдириш ишлари кранлар билан ишларнинг хавфсиз бажарилиши учун масъул шахснинг бевосита раҳбарлиги остида бажарилиши лозим.

17-§. Иш майдончасида транспорт воситалари ва юк кўтариш машиналарини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

162. Юк ортиш ва тушириш майдончасида юкларни ортиш ёки тушириш учун транспорт воситалари ўртасидаги масофа қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

транспорт воситалари қатори ичида – 10 m;

юк тушириш майдони бўйлаб – 1,5 m;

омбор деворигача – 0,5 m;

юк штабелигача – 1 m.

163. Юк кўтариш машиналаридан биноларнинг қисмларигача ҳамда ускуналарнинг чиқиб турган элементларигача бўлган масофа мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида белгиланган меъёрлардан кам бўлмаслиги лозим.

164. Кўприксимон ва кўчма консол кранлар кабинасига кириш мустаҳкам бўлиши ҳамда турғун зиналар ва чиқиш майдончалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

165. Кран йўли бўйлаб жойлашган ўтиш галереяси баландлиги камида 1 m бўлган суянчиқлар, пастки қисмида баландлиги камида 0,1 m бўлган яхлит ҳимоя тўсиғи билан жиҳозланган ҳамда ҳар 200 m масофада зина орқали чиқиш йўлига эга бўлиши лозим.

166. Галереялар, майдончалар ва ўтиш йўллари узунлиги ҳамда эни бўйлаб сирпанишнинг олдини олувчи материаллардан, жумладан ботиқ-бўртма ёки тешикли пўлат листлардан тайёрланган тўшамалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

167. Чиқиш майдончалари ва галереялардаги зиналарнинг эни камида 0,6 m, кранларда эса камида 0,5 m бўлиши лозим.

Зинапоя қадамларининг ўлчами қуйидагича белгиланади:

тик зиналар учун – 300 mm;

қия зиналар учун – 250 mm;

минора кранларининг қия зиналари учун – 200 mm.

Қия зиналар икки томондан баландлиги камида 1,0 m бўлган суянчиқлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Баландлиги 2,5 m дан ортиқ бўлган тик зиналар зинадан 700 mm масофада ўрнатилган, қадами 0,8 m дан ошмайдиган ҳимоя ёйлари билан тўсилган бўлиши лозим.

Зина баландлиги 10 m дан юқори бўлганда ҳар 6 m кўтарилганда суянчиқли тўсиқлар билан майдонча қурилиши керак.

168. Юк кўтариш машиналарини ўрнатишда юкни кўтариш жараёнида пўлат арқонларнинг қия тортилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек юкни

кўчириш вақтида ускуналар, юк штабеллари ҳамда бошқа объектлардан камида 0,5 m хавфсиз масофа таъминланиши лозим.

169. Кранни ердан туриб ёки радио орқали бошқаришда кран ҳаракатининг барча йўналишлари бўйича кранни бошқарувчи ходим учун эркин ҳаракатланиш йўли таъминланиши лозим.

170. Стрелали ўзиюрар кранни ўрнатиш ишлари кран паспортида кўрсатилган қиялик меъёрларидан ошмайдиган, шиббаланган ва тупроқ билан текисланган майдончада амалга оширилиши лозим.

171. Стрелали ўзиюрар ёки темир йўл кранларида иш бошлашдан олдин кран чиқариладиган таянчларга ўрнатилиши ҳамда таянчлар остига турғун ва мустаҳкам тагликлар қўйилиши лозим.

172. Ҳаво электр узатиш тармоқларининг муҳофаза ҳудудларида кранларни ўрнатиш ишлари мазкур тармоқлар эгалари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

173. Электр узатиш тармоқларининг энг четки симларидан ёки 42 V кучланишли ҳаво электр тармоғидан 30 m дан кам масофада транспорт воситаси, пневмоғилдиракли ва гусеницали (темир йўлли кранлардан ташқари) ўзиюрар стрелали кранларни ўрнатиш ҳамда улардан фойдаланиш ишлари топшириқ-рухсатнома асосида амалга оширилиши лозим.

18-§. Турли турдаги юкларни сақлаш, тахлашга қўйиладиган талаблар

174. Юкларни ташишда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари пайдо бўлишини истисно этувчи воситалардан фойдаланиш керак.

175. Йирик ўлчамли ва оғир вазнли юклар тагликларга бир қатор қилиб тахланиши керак.

176. Жойлаштирилаётган юклар йиқилиш, ағдарилиш ва тўкилиш хавфини истисно этган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнига ёки жўнатиш учун ортиш ишларига эркин кириб-чиқиш имкониятини ҳамда хавфсиз иш шароитларини таъминлайдиган тартибда тахланиши лозим.

177. Юкларни тахлашда, шу жумладан юк ортиш ва тушириш майдончалари ҳамда вақтинчалик сақлаш жойларида юкларни бинолар деворларига, устунларга ва ускуналарга зич қилиб жойлаштиришга, шунингдек штабелларни бир-бирига зич қилиб тахлашга йўл қўйилмайди.

178. Юк билан девор ёки устун ўртасидаги масофа камида 1 m, юк билан бино томи ўртасидаги масофа камида 1 m, шунингдек юк билан ёритиш чироғи ўртасидаги масофа камида 0,5 m бўлиши лозим.

179. Қути ва киплардаги юклар штабелларга мустаҳкам тахланиши керак.

180. Қоп ва қоғоз қоплардаги юклар штабелларга боғлаб тахланиши керак.

181. Қўл билан ортишда штабеллар баландлиги 3 m дан, юк кўтариш механизмлари қўлланилганда 6 m дан ошмаслиги керак.

182. Носоз, яроқсиз идишларни штабелга тахлашга рухсат этилмайди.

183. Юкларни тахлаш усуллари қуйидагиларни таъминлаши лозим:

тахланаётган штабеллар, қадоқлар ва юкларнинг барқарорлиги;

штабелларни механизациялаштирилган тарзда ажратиш ҳамда кўтариш транспорт воситаларининг осма ушлагичлари орқали юкларни кўтариш имконияти;

штабелда ёки унинг атрофида ишлаётган ходимларнинг хавфсизлиги;

ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва техникаларидан соз ҳолатда ҳамда хавфсиз фойдаланиш имконияти;

ёпиқ омборхоналарда табиий ва сунъий шамоллатиш (вентиляция) шароитида ҳаво оқимининг эркин айланиши;

электр узатиш тармоқлари, муҳандислик коммуникациялари ва энергия таъминоти муҳофаза ҳудудларига оид талабларга риоя этилиши.

184. Юк ортиш ва тушириш ишлари вақтида ҳаракатланувчи таркибдан юк тушиб кетиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудудда одамлар ва транспорт воситаларининг бўлишига йўл қўйилмайди.

185. Темир йўл ва ер усти кран йўллари яқинида жойлаштириладиган юклар рельс каллагининг юкка энг яқин ташқи чегарасидан штабел баландлиги 1,2 m гача бўлганда камида 2 m, штабел баландлиги 1,2 m дан ортиқ бўлганда эса камида 2,5 m масофада жойлаштирилиши лозим.

186. Юкларни тахлашда (сочилувчан юклар бундан мустасно) уларнинг қисилиб қолиши ёки майдонча қопламасига музлаб ёпишиб қолишининг олдини олувчи чоралар кўрилиши лозим.

187. Штабеллар қаторлари орасидаги масофа юкларни хавфсиз жойлаштириш ва тушириш имкониятини, шунингдек ёнғинга қарши белгиланган оралиқларга риоя этилишини таъминлайдиган тарзда белгиланиши лозим.

188. Омборхоналар ва юкларни вақтинча сақлаш майдончаларида штабеллар орасида кенглиги камида 1 m бўлган ўтиш йўлаклари, шунингдек транспорт воситалари, ташилаётган юклар ҳамда юк ортиш-тушириш

механизмларининг ўлчамларига мос транспорт ҳаракати йўллари ташкил этилган бўлиши лозим.

189. Ҳаракатланувчи таркибга юкларни жойлаштиришда вагон тенг равишда юкланиши керак.

190. Вагонга тушадиган юклама ўртасидаги фарқ қуйидаги меъёрлардан ошмаслиги керак:

тўрт ўқли вагонлар учун – 10 t;

олти ўқли вагонлар учун – 15 t;

саккиз ўқли вагонлар учун – 20 t.

191. Ҳар бир вагонга тушадиган юклама мазкур турдаги вагон юк кўтариш қувватининг ярмидан ошмаслиги, юкнинг умумий оғирлик марказининг кўндаланг силжиши эса вагон бўйлама ўқининг вертикал текислигидан 100 mm дан ошмаслиги керак.

192. Юклар тагликларга тахланиши, ўқлар орасидаги масофа 700 mm дан кам бўлмаслиги керак.

193. Юк платформанинг орқага тушириладиган бортларига тиралиб турмаслиги керак.

Бунда, платформанинг туширилган бортлари бўйлама тўсинлардаги ҳалқаларга маҳкамланиши, улар мавжуд бўлмаганда эса диаметри камида 4 mm бўлган сим ёрдамида ён тутқичлар ва орқа тўсинга боғлаб қўйилиши лозим.

194. Юкнинг ярим вагон ёки платформанинг охирги тўсини чегарасидан чиқиб туриши 400 mm дан ошмаслиги керак.

195. Очиқ ҳаракатланадиган таркибда юкларни жойлаш ва маҳкамлаш учун ўрагичлар, тиргаклар, устунлар, тагликлар, қалқонлар, турникетлар ва бошқа мосламалар ҳамда кўп ишлатиладиган стандарт маҳкамлагичлар қўлланилади.

196. Юк ортиш ишларини бошлашдан олдин вагон поли, юкнинг таянч сирти, тагликлар, қистирмалар, бруслар ҳамда ўралган юклар сирти қор, муз ва бошқа ифлосликлардан тозаланган бўлиши лозим.

Қиш мавсумида вагон поллари ва тагликларнинг юк таянадиган қисмлари сирпанишининг олдини олиш мақсадида юпқа қатламда тоза қуруқ қум билан қопланган бўлиши керак.

197. Платформа поли сатҳидан ён томон устунларининг баландлиги 2,8 m дан ошмаслиги, калта устунларнинг баландлиги эса борт баландлигидан кам бўлмаслиги лозим.

198. Юкларни маҳкамлаш учун тортгичлар (ўрагичлар) сим, металл стержен, тасма, занжир ёки пўлат арқонлардан тайёрланган бўлиши мумкин.

Бунда, ҳар бир тортгичнинг бир учи юк конструкциясига, иккинчи учи эса юкни маҳкамлаш учун мўлжалланган вагон қисмларига ишончли тарзда маҳкамланган бўлиши керак.

199. Юк жўнатувчи юкларни ташишга жараёнида поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги ва юкларнинг бутлиги таъминланиши керак.

200. Платформа ва ярим вагонларда ортиш ва туширишда қуйидагилар тақиқланади:

тишли грейферлар билан юкларни тушириш ва грейферларни платформа ёки ярим вагон полига куч билан уриб тушириш;

грейфер билан платформа бортига, ярим вагон кузовининг қопламасига ва юқорги ўралмасига уриш;

чиғир ёрдамида ортишда тросларни ярим вагон кузовининг юқори боғловчи қисмига тегизиш;

100 °С дан ортиқ ҳароратдаги юкларни ортиш;

сочиладиган юкларни гидравлик усулда ортиш ва тушириш;

ёғоч бортли тўрт ўқли платформаларга бош ва ён ташқи тиргак скобаларига калта тиргаклар ўрнатмасдан сочилувчан юкларни ортиш;

темир-бетон плиталар, конструкциялар ва шунга ўхшаш юкларни ярим вагон кузови деворларига таянтирилган қия ҳолатда ортиш;

алоҳида бўлакларининг оғирлиги 100 kg дан ортиқ бўлган бўлакли ёки музлаб қолган рудалар, тошлар ҳамда бошқа сочилувчан юкларни грейфер, бункер ёки чўмични вагон поли ёки юк сатҳидан 2,3 m дан юқори баландликда очиш орқали ортиш;

электр магнитли кранлар билан электр магнитни ўчириб қўйиб ва юкларни вагон полидан ёки юк юзасидан 0,5 m дан юқори баландликдан юкни ташлаш орқали ортиш ва оғир вазнли юклар (қуймалар, хомашё бўлаклари, тўсинлар) юқоридан ташламасдан жойлаштириш;

юкларни вагонларнинг металл қисмларига пайвандлаш ёки тешиш орқали маҳкамлаш;

платформалар бортлари ва ярим вагон эшикларини ечиш.

201. Юк туширилгандан сўнг қабул қилувчи юк қолдиқлари ва чиқиндилардан тозаланиб, тиркамалар, бруслар, тортқичлардан бўшатилиши, ярим вагон люк қопқоқлари ҳамда платформа ён томон зулфинларидан симлар олиб ташланиб, платформа бортлари, ярим вагон эшиклари ва люклари ёпилиши керак.

19-§. Металл прокат маҳсулотларини ташиш ва жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

202. Металл прокат маҳсулотларини ташиш учун уларнинг тури ва гуруҳига қараб бортли платформали транспорт воситалари, ярим тиркамали шатакчилар, металл ташувчилар ҳамда тиркамали ёғоч аравали транспорт воситалари қўлланилади.

Металл прокат маҳсулотлари қуйидаги тартибда ташилиши лозим:

узун ўлчамли прокатлар (пўлат прокатлар, бурчаклар, швеллерлар ва қўштаврлар) – штабеллар ёки боғламлар кўринишида;

пўлат канатлар – бухта ёки барабанларга ўралган ҳолда;

ўрама тўрлар – юмшоқ пўлат сим билан боғланган ҳолда;

ясси тўрлар – қадоқларга боғланган ҳолда;

кичик габаритли металл буюмлар (михлар, болтлар, гайкалар, шайбалар, винтлар) – идишларга жойлаштирилган ҳолда;

электродлар – қоғозга ўралган ва қутиларга жойлаштирилган ҳолда;

рангли металлар ва қотишмалар – тахламларга ўралган ҳамда идишларга жойлаштирилган ҳолда.

Узун ўлчамли металларни тиркама-ёғоч араваларда ташишда тиркаманинг эркин бурилишини таъминлаш мақсадида транспорт воситаси кабинаси билан юк ўртасида ҳар икки томонга 90° бурилиш имконини берувчи етарли оралиқ таъминланиши лозим.

Ташувчи транспорт воситаси кузовининг олд қисмида юкнинг кабинага шикаст етказишининг олдини олиш мақсадида пўлат тўсиқ ўрнатилган бўлиши лозим.

203. Боғламдаги думалоқ ёки квадрат кесимли металл стерженларни ярим вагондан туширишда илгакли строплар қўлланилиши, боғлам ёки стерженлар эса “сиртмоқ” усулида маҳкамланиши лозим.

Юк 1 m гача кўтарилгандан сўнг юк илувчи юк илиш ишларининг тўғри бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиши, ишларни бажариш режаси ёки технологик карталарда белгиланган хавфсиз жойга чиқиши ҳамда шу жойдан юкни кўтариш учун сигнал бериши шарт.

204. Ярим вагондан металл листларни туширишда қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

ёрдамчи строп краннинг номинал юк кўтариш қобилиятидан ошмайдиган юк остига келтирилиши, строп сиртмоғи кран илгагига илиниши ва илгак аста-секин тортиб кўтарилиши керак. Юк илувчилар ишларни

бажариш режаси ёки технологик карталарда белгиланган хавфсиз жойга чиқишлари;

катта юк илувчи сигналига мувофиқ кран машинисти юкни 0,5 m дан ортиқ бўлмаган баландликка кўтариши, ҳосил бўлган тирқишга эса юк илувчи асосий стропни киритиши керак. Шундан сўнг юк жойига туширилиши, ёрдамчи строп илгакдан ечилиши ва унинг ўрнига асосий строплар илиниши.

Юк илувчилар хавфсиз жойга ўтгандан кейин кран машинисти катта юк илувчи сигнали асосида юкни тахлаш жойига кўчиради. Тахлаш ишлари тагликлар ёки қистирмалар устида амалга оширилиши керак.

205. Электр магнитли кран ёрдамида ярим вагондан металл листларни туширишда қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

юкнинг ҳолати текширилиши, бунда магнит шайба ёрдамида қалинлиги камида 14 mm бўлган листларни туширишга рухсат этилиши;

кран машинистига магнит шайбани юкка тушириш жойи кўрсатилиши, шундан сўнг юк илувчи кран машинистига кўринадиган хавфсиз жойга ўтиши ва юкни кўтариш учун сигнал бериши;

юк ярим вагон бортидан камида 0,5 m баландликка кўтарилиб, бошқа жойга кўчирилиши ва тахлаш жойига 1 m дан ортиқ бўлмаган баландликкача туширилиши, сўнг қўл асбоблари (узун дастакли илгаклар, тортқилар ва бошқалар) ёрдамида унинг ҳолати тўғриланиб штабелга тахланиши.

Мазкур тартиб тушириш ишлари тўлиқ якунлангунга қадар сақланиши шарт.

206. Металл прокат маҳсулотлари металлнинг хусусиятлари, ўлчамлари, ўралиш тури, юк оқимининг жадаллиги ҳамда ташиш усуллари инобатга олинган ҳолда штабеллар ёки стеллажларга, боғламларда ёки алоҳида ҳолда, очиқ, ёпиқ ва ярим ёпиқ омборхоналарда жойлаштирилиши лозим.

207. Очиқ майдончаларда ҳарорат ва ҳаво намлиги ўзгаришлари, атмосфера ёғинлари ҳамда қуёш нурларининг тўғридан-тўғри таъсири натижасида ўз хусусияти ва сифатини йўқотмайдиган металл прокат маҳсулотлари жойлаштирилиши лозим.

208. Қуёш нурларининг тўғридан-тўғри таъсири ва ёғинлар натижасида ишга яроқсиз ҳолга келиши мумкин бўлган металл прокат маҳсулотларини сақлаш учун соябонлар ўрнатилиши лозим.

209. Металл прокат маҳсулотларини жойлаштиришда штабеллар ёки стеллажлар қаторлари орасида кенглиги камида 1 m бўлган, шунингдек қатордаги штабеллар ёки стеллажлар орасида кенглиги камида 0,8 m бўлган ўтиш йўлаклари бўлиши лозим.

210. Металл прокатларни қўлда тахлашда штабел ёки стеллажларнинг баландлиги 1,5 m дан ошмаслиги керак.

211. Металл прокат маҳсулотларини механизациялаштирилган тарзда тахлашда штабел ёки стеллаж баландлиги полга тушадиган рухсат этилган юклама, тахлаш схемаси, штабел ёки стеллажнинг барқарорлиги ҳамда механизмлар билан ишларни хавфсиз бажариш талабларидан келиб чиққан ҳолда, 20 t гача юкни жойлаштириш имкониятини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Бунда, юк илувчининг штабел ёки стеллажнинг юқори қисмига хавфсиз чиқиши ва металл устида турмаган ҳолда юкни илдириш учун махсус майдончалар, мосламалар ёки зиналар бўлиши керак.

212. Кесими 160 x 160 cm ва ундан ортиқ бўлган қуймалар ва буюмлар полдаги штабелга доналаб тахланиши керак.

Илгак ёрдамида ушлашда штабел баландлиги 2 m дан ошмаслиги, юкни кўтариш воситалари билан автоматик ушлашда эса 4 m дан ошмаслиги лозим.

213. Металл прокат маҳсулотларини штабеллар ёки стеллажларга тахлашда пўлат арқонларни эркин бўшатиш имконияти таъминланиши лозим. Юкнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида тахламлар ва боғламлар орасига қалинлиги камида 40 mm бўлган тўртбурчак металл қистирмалар ўрнатилиши керак.

Қистирмаларнинг учлари штабел ва стеллаж чегараларидан 100 mm дан ортиқ чиқиб турмаслиги лозим.

214. Стеллажларга тахланаётган металл прокат маҳсулотларининг оғирлиги стеллажнинг юк кўтариш қобилиятидан ошмаслиги лозим.

Ҳар бир стеллажда унинг юк кўтариш қобилияти аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

215. Металл прокат маҳсулотларининг думалаб кетишига йўл қўймаслик мақсадида стеллаж уячаларини устунлар баландлигидан ортиқ тўлдириш тақиқланади.

216. Металл прокат маҳсулотларини штабелга жойлаштириш ишлари олдиндан полга ётқизилган тагликлар устида амалга оширилиши лозим.

Таглик сифатида темир йўл шпаллари, бруслар ва шунга ўхшаш материаллардан фойдаланиш мумкин.

Металл прокат маҳсулотларини омборхона полига ёки майдонча тупроғига тўғридан-тўғри, тагликсиз ҳолда тахлашга йўл қўйилмайди.

217. Маълум бир сортли ва бир хил профилдаги металл прокат маҳсулотлари штабелларга арчасимон ёки тирама стеллажларга тахланиши лозим.

Қувурлар эса қаторлар ораси қистирмалар билан ажратилган ҳолда штабелларга жойлаштирилиши керак.

218. Арчасимон стеллажлар бир томонлама ёки икки томонлама қилиб бажарилиши ҳамда 12 қаватгача бўлиши мумкин.

219. Арчасимон стеллажларда прокат маҳсулотларини тахлаш баландлиги қуйидагича бўлиши лозим:

электр юклагичлар ёрдамида тахлашда – 4,5 m гача;

кран-штабелёрлар ёрдамида тахлашда – 8 m гача.

Тирама стеллажларда эса тахлаш баландлиги 2 m дан ошмаслиги лозим.

220. Қалин листли пўлатлар таянч майдончалари таянч устунлар томон қия жойлашган стеллажларга қирраси билан ёки қалинлиги камида 200 mm бўлган ёғоч қистирмалар устига ётқизилган ҳолда тахланиши лозим.

221. Юпқа листли пўлатлар лист ўрамларига кўндаланг жойлаштирилган ёғоч тагликлар устига ён томони билан тахланиши лозим.

Оғирлиги 5 t гача бўлган тахламдаги юпқа листли пўлатларни махсус стеллажларга уларнинг четларида букилиш ҳосил бўлишининг олдини олган ҳолда тахлашга рухсат этилади.

222. Маълум бир сортли ва бир хил профилдаги прокатдан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр буюмлар идишларга жойлаштирилиши лозим.

223. Тилимли материаллар (металл полосалар, ленталар) уларни ташиш учун қулай тарзда олиб чиқиш имкониятини таъминлайдиган конструкцияга эга мосламаларда сақланиши лозим.

224. Ўрамларда келтириладиган металл буюмлар (пўлат канатлар, симлар) ёпиқ хоналарда сақланиши ҳамда ёғоч тўшама устига тик ҳолатда икки қаватдан ортиқ бўлмаган тарзда тахланиши лозим.

225. Совуқ прокатланган металл тасмалар текис ёғоч тагликлар устига каркасли стеллажларга жойлаштирилиши лозим.

Тахлаш ишлари қаватлар бўйича амалга оширилиши, бунда ҳар бир кейинги қаватлар аввалгисига нисбатан ўрам радиусининг ярми миқдорида силжитиб жойлаштирилиши керак.

Учинчи қават биринчи қават каби, тўртинчи қават эса иккинчи қават каби жойлаштирилади ва шу тартиб давом эттирилади. Юқори қаватнинг энг четига ўрамлар тахланмаслиги керак.

226. Электродлар қуруқ ёпиқ хоналарда завод қадоғида сақланиши ҳамда тагликлар устига каркасли стеллажларга жойлаштирилиши лозим.

227. Металл буюмлар жойлаштирилган штабеллар ва стеллажлар темир йўл излари ёки асосий ҳаракат йўлларига параллел равишда жойлаштирилиши лозим.

Штабеллар (стеллажлар) темир йўл изларига энг яқин рельсдан камида 2,5 m масофада жойлаштирилиши керак.

228. Металл прокат маҳсулотлари, металл конструкцияларни электр узатиш тармоқлари жойлашган ҳудудда мазкур тармоқларни эксплуатация қилувчи ташкилот билан келишмасдан сақлаш тақиқланади.

20-§. Ёғоч ва ёғоч-тахта материалларини ташиш ва жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

229. Ёғоч ташиш йўллари ва ёғоч кесиладиган майдонлар техник паспортга эга бўлиши лозим. Уларда “Технологик йўл” огоҳлантирувчи белгиси ўрнатилган бўлиши керак.

Ушбу йўлларнинг техник ҳолати, шу жумладан кўприклар ва бошқа иншоотлар, транспорт воситаларининг белгиланган тезликда ва мазкур йўл учун белгиланган максимал юк меъёридан ошмаган ҳолда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши лозим.

230. Автопоезд габаритидан чиқиб турган дарахт шохлари ва дарахтлар ўлчами 400×400 mm, эни 50 mm бўлган қизил ва оқ рангли диагонал чизиқларга эга огоҳлантириш белгилари билан белгиланиши лозим.

231. Ёғоч ташувчи автопоездлар кабиналарида одамларни ташиш тақиқланади.

232. Аравача ва вагончаларни қўлда ҳаракатлантириш фақат итариш орқали амалга оширилиши лозим. Ҳаракатланаётган аравача, вагонча олдида туриш тақиқланади.

Аравача ва вагончаларнинг ҳаракат тезлиги 5 km/soat дан ошмаслиги, айланма йўллар орқали ўтишда эса 3 km/soat дан ошмаслиги керак.

Рельсда ҳаракатланадиган алоҳида вагончалар орасидаги оралиқ масофа 10 m дан кам бўлмаслиги керак.

233. Ёғоч материалларни ортиш ва тушириш жойларида ёғоч материалларининг ағдарилиб кетишининг олдини олувчи мосламалар қўлланилиши лозим.

234. Ёғоч материалларни темир йўл транспортига ортиш учун доимий, кўчма ёки кўтариб юриладиган махсус эстакадалардан фойдаланилиши лозим.

235. Ёғоч материалларни кранлар билан ортишда грейферлар қўлланилиши керак.

Ёғоч материалларни ортиш ишларида қўлланиладиган строплар юк илувчининг вагон, платформа ёки бошқа ҳаракатланувчи таркиб устига чиқмасдан туриб иш бажариш имконини берувчи, масофадан ечиладиган махсус мосламалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

236. Темир йўл вагонларига ёғоч материалларни ортиш тасдиқланган схемаларга мувофиқ олиб борилиши керак.

237. Ёғоч материаллар юкланадиган ёғоч тўплаш жойи билан ёғоч конвейеридан ташлаб тушириладиган ёғоч тўплаш жойлари орасидаги масофа, конвейердан тушириб юбориладиган ходалар узунлигидан камида икки баробар катта бўлиши керак.

238. Ёғоч материалларини туширишда қуйидаги хавфсизлик талабларига риоя қилиниши лозим:

ҳаракатланувчи таркибни тушириш ишларини бошлашдан олдин қулфлар, устунлар ва қистирмаларнинг созлиги ҳамда бутлиги текширилиши;

устунлари ёки уларнинг қулфлаш мосламалари носоз бўлган сцеплар ёки автомашиналар ёғоч материалларининг ҳаракатланувчи таркибдан ўз-ўзидан думалаб кетишининг олдини олувчи қўшимча механизмлар ёки мосламалар қўлланган ҳолда туширилиши;

қулфларни очишда туширилаётган томонга қарама-қарши томонда туриши.

239. Туширилаётган платформалар (вагонлар) ўртасида камида бир платформа узунлигига тенг масофа сақланиши лозим.

240. Сувдан ёғоч материалларни кранлар ёрдамида чиқаришда чиқарилаётган ёғоч материаллар боғлами ҳажми краннинг юк кўтариш қобилиятига мувофиқ бўлиши назорат қилиниши лозим.

Ёғоч материаллар боғламларини илдириш ишлари бонлар устида амалга оширилиши керак.

241. Сувдан ёғоч материаллар боғламларини чиғирлар ёрдамида чиқариш ишлари юкнинг барқарор ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминловчи йўналтирувчи қия туширгичлар бўйлаб амалга оширилиши лозим.

242. Ёғоч материалларни сувдан элеватор орқали чиқаришда конвейер илгакларига ёғоч материалларни бир текис жойлаштириш, икки ва ундан ортиқ, шунингдек диаметри илгак оғзидан катта ёки қийшайган йирик ёғоч материалларни илишга йўл қўймаслик керак.

Иш тўхтатилганда конвейер (элеватор) занжирларида ёғоч материалларни қолдириш тақиқланади.

243. Ёғоч материалларни сақлаш майдони текисланган, тупроғи зичланган ва ерусти сувларини чиқариб юбориш тизими билан таъминланган бўлиши лозим.

Ҳар бир штабел учун нам усулда сақлашда баландлиги камида 15 cm, қуруқ усулда сақлашда эса камида 25 cm бўлган таглик тахталардан ташкил этилган асос тайёрланган бўлиши лозим.

Тупроғи бўш бўлган ҳудудларда таглик тахталар остига ёғоч тўшама ётқизилиши лозим.

244. Омборхоналарда сақланиши лозим бўлган ёғоч материаллар турлари бўйича (дарахт турлари ва ўлчамлари) сараланган бўлиши керак.

245. Ёғоч материаллари омборхонасида ёғоч материалларини механик шикастланишдан, ёрилиб кетишдан, замбуруғлар ва ҳашаротлар билан зарарланишдан, шунингдек ортиқча намланишдан муҳофаза қилиш чоралари кўрилиши лозим.

Ёғоч материаллар камида ойига бир марта кўздан кечирилиши керак.

246. Зич штабелларни тахлаш ва ажратиш ишлари грейферли кранлар, чангакли ва манипуляторли ушлагичлар билан жиҳозланган юклагичлар, ўзи ечиладиган строплар билан жиҳозланган чиғирлар, ёғоч ушлагичлар ва ишларни хавфсиз бажаришни таъминловчи бошқа мосламалар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

247. Омборхонага келиб тушаётган думалоқ ёғоч материалларининг юқори томонига шартли белгили тамға туширилган бўлиши лозим.

248. Штабеллар ва қадоқларни тахлаш ҳамда ажратиш ишларида уларнинг устига чиқиш ва тушиш штабелнинг олд ёки орқа қисмидаги қия юза орқали ёки қўйма зинадан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

249. Думалоқ ёғоч материаллари штабелининг баландлиги унинг узунлигининг чорак қисмидан ортиқ бўлмаслиги ҳамда штабелга тахланаётган ёғочлар узунлигининг бир ярим бараваридан ошмаслиги лозим.

250. Штабел баландлиги қуйидагилардан ошмаслиги лозим:

қўлда тахлашда – 1,8 m;

чангакли юклагич ёрдамида тахлашда – 3 m;

кабелли кран ёрдамида тахлашда – 6 m;

кўприкли, минорали, портал ва харрак кранлар ёрдамида тахлашда – 12 m.

Баландлиги 7 m ва ундан ортиқ бўлган штабелларни шакллантириш ва ажратиш ишлари грейферлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

251. Думалоқ ёғоч материаллари штабелини тахлашда қуйидаги талабларга риоя қилиниши керак:

алоҳида ёғоч материаллар штабел чегарасидан 0,5 m дан ортиқ чиқиб турмаслиги;

қистирмалар штабелнинг бўйлама ўқига нисбатан симметрик равишда, ёғоч материаллар учидан ҳар икки томонда 1 m дан ортиқ бўлмаган масофада жойлаштирилиши;

штабел баландлиги бўйича қаторлар орасидаги қистирмалар бир вертикал текисликда жойлаштирилиши;

штабел бўйлаб қўйиладиган қистирмалар бир чизиқ бўйича жойлаштирилиши, уларнинг туташган жойлардаги учлари эса камида 1 m узунликда бир-бирини қоплаб туриши;

бир штабелга узунлиги ўртасидаги фарқ игнабаргли дарахтлар учун 1 m дан, баргли дарахтлар учун эса 0,5 m дан ошмайдиган думалоқ ёғоч материалларни тахлашга рухсат этилади;

қаторли штабелнинг учлари қияликка эга бўлиши лозим, бунда ҳар бир кейинги қатор олдингисидан ҳар икки томондан бир хода диаметри миқдорида қисқароқ қилиб тахланиши, ҳар бир қаторнинг четки ходалари эса қистирмалар учида тайёрланган, чуқурлиги қистирма қалинлигининг ярмидан ошмайдиган уяларга жойлаштирилиши;

зич қаторли ва боғламли штабеллар охирида ходаларнинг ўз-ўзидан думалаб кетишини олдини олувчи мосламалар бўлиши лозим. Бундай мосламалар мавжуд бўлмаганда штабел учлари ходаларнинг табиий думалаш бурчагига тенг қияликка эга бўлиши.

252. Темир йўл ёнидаги омборхоналарда бир хил узунликдаги думалоқ ёғоч материаллари бир штабелга тахланиши лозим.

253. Дарё бўйидаги омборхоналарда оқизиш учун мўлжалланган думалоқ ёғоч материалларни узунлиги ўртасидаги фарқ 2 m дан ошмаган ҳолда бир штабелга тахлашга рухсат этилади.

254. Чиғирлар ёрдамида зич тахланган ёғоч материаллари штабелларини шакллантириш жараёнида штабел устидаги ходимлар чиғир ишлаётган вақтда штабел четида турмасликлари ҳамда ҳаракатланаётган канатга 1 m дан яқин масофада келмасликлари лозим.

Илгаклари бўшатилган ёғоч материалларнинг тўплами тагидан канатларни тортишда эса ходимлар чиғирдан строплар узунлигидан кам бўлмаган масофада жойлашишлари керак.

255. Ёғоч материалларни кран билан зич ва боғламли штабелларга жойлаштиришда боғламларни тушириш пайтида ходимлар тахлаш жойидан камида 10 m масофада бўлишлари керак.

Боғламларни штабелга тахлаш жойига боришга, боғлам баландлиги 1 m дан ошмаган ҳолатга келтирилгандан кейин боришга рухсат этилади.

Боғламларни йўналтириш, қистирмаларни тўғрилашга фақат узунлиги 1,5 m дан кам бўлмаган чангакларда бажаришга рухсат этилади.

256. Ёғоч-тахта материалларни штабелларга тахлашда узун томони омборнинг транспорт ўтиш йўли бўйлаб жойлаштирилиши керак.

Ҳар бир штабел баландлиги бўйича ҳар 30 cm оралиқда кесими камида 125×125 mm бўлган горизонтал қистирмалар ўрнатиш орқали боғламларга ажратилган бўлиши лозим.

Қистирмаларнинг учлари штабел чегарасидан чиқиб турмаслиги лозим. Ёғоч материаллари омборхонага келиб тушган кундан бошлаб икки кун ичида штабелларга тахланиши керак.

Намлиги 25 % дан юқори бўлган ёғоч материаллари табиий қуритишни таъминловчи соябонлар остидаги штабелларда сақланиши лозим.

257. Қуруқ ёғоч материаллари штабелларини тахлаш, ажратиш ва қайта тахлаш ишларини ёмғир вақтида амалга оширишга йўл қўйилмайди.

258. Штабелларни тахлаш, ажратиш ва қайта жойлаштириш ишларида қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

қўшни штабелларда бир вақтнинг ўзида иш олиб бормаслик;

тахланаётган ёки ажратилаётган штабеллардан 10 m дан яқин масофада бўлмаслик;

қўшимча канатларни қўллаган ҳолда чиғир билан зич штабелни қулатишда унга 20 m дан яқин жойда турмаслик;

штабелларни тик равишда кесишга, ходаларни юмалатишга йўл қўймаслик.

259. Боғламли штабелларни чиғирлар билан ажратишда пастки қатордан боғламларни тортишга рухсат этилмайди.

Бунда, штабелларни поғонали усулда ёки қаторлар бўйича ажратиш усули қўлланилиши лозим.

260. Зич штабелларни чиғирлар ёрдамида ажратишда занжирли амортизаторлар, ёғоч ушлагичлар ва ишларни хавфсиз бажаришни таъминловчи бошқа мосламалар қўлланилиши лозим.

261. Зич ва боғламли штабелларни кранлар ёрдамида ажратишда кран томонидан строплар туширилаётган ва стропланган боғлам кўтарилаётган

вақтда ходимлар штабел устида илдириш жойидан 10 m дан яқин масофада бўлмаслиги лозим.

262. Штабелга тахланаётган ёғоч материаллар қадоқлари бир хил баландликда бўлиши лозим. Вертикал қатордаги қадоқларнинг эни ҳам бир хил бўлиши керак.

Қадоқлар узунлиги ўртасидаги фарқ уларнинг ўртача узунлигининг 20 % дан ошмаслиги лозим.

263. Автоюклагичлар ёрдамида тахланадиган ёғочтахта материаллари штабелларининг баландлиги 7 m дан, кранлар ёрдамида тахланадиганлари 12 m дан, қўлда шакллантириладиганлари эса 4 m дан ошмаслиги лозим.

264. Штабелларни қўлда шакллантиришда штабел устида бир вақтнинг ўзида икки нафардан ортиқ ходимнинг ишлаши тақиқланади.

265. Тугалланган ҳар бир вертикал қадоқлар қатори автоюклагич ёки кран ёрдамида инвентар том билан ёпилиши лозим.

Қадоқларнинг алоҳида вертикал қатори устида тахталардан қўлда том шакллантиришга йўл қўйилмайди.

266. Фанер ва шпонлар штабелга таяниш жойларида жойлаштирилади. Таяниш жойларнинг асоси горизонтал бўйича текисланган ва табиий шамоллатишни таъминлаш учун полдан камида 0,2 m баланд бўлиши керак.

267. Фанер штабелининг баландлиги механизациялаштирилган тарзда тахлашда 5,2 m дан, қўлда тахлашда эса 1,5 m дан ошмаслиги лозим.

268. Фанер ва шпонларни девор ва устунларга зич қилиб тахлашга йўл қўйилмайди. Девор ёки устун билан штабел ўртасидаги масофа камида 0,8 m, қоплама билан штабел ўртасидаги масофа камида 1 m, ёритиш чироқлари билан штабел ўртасидаги масофа эса камида 0,5 m бўлиши лозим.

Кўндаланг қатордаги штабеллар орасидаги масофа камида 0,5 m, бўйлама қатордаги штабеллар орасидаги масофа эса камида 0,2 m бўлиши керак.

269. Штабеллардаги ёғоч материаллари қадоқлари игнабаргли дарахт ёғочидан тайёрланган, кесими 100×100 mm бўлган ёғоч брус-қистирмалар билан ажратилган бўлиши лозим.

270. Ёғоч плиткалар штабелларга полдан камида 0,1 m баландликка ва қуриш имкони бор бўлган жойларга тахланиши керак.

271. Плиталарни юклагичлар билан стопларга тахлаш баландлиги 4,5 m дан ошмаслиги керак.

Кранлар хизмат қиладиган механизациялаштирилган омборларда плиталарни стопларга 4,5 m дан юқори тахлашга рухсат этилади.

272. Оғирлиги 50 kg дан ортиқ бўлган алоҳида ёғоч материаллари қадоқларини қайта юклашда, шунингдек оғирлиги 50 kg гача бўлган ёғоч материаллар ёки қадоқларни 3 m дан ортиқ баландликка кўтаришда техника воситаларини қўллаш мажбурий ҳисобланади.

273. Автоюклагичлардан узунлиги 6 m дан кичик бўлган ёғоч материалларни ортишда ва штабеллашда фойдаланиш мумкин.

274. Омборхоналарда ёғоч материалларини кесиш ва ёриш ишлари учун чиқиндилардан мунтазам тозалаб туриладиган махсус жойлар ажратилган бўлиши лозим.

275. Ёғоч материаллари штабелини тахлашда кўтарилаётган қадоқдан унинг ҳаракат йўналишига қарши томонга камида 3 m узоқликда туриш керак.

Қадоқни йўналтириш ишларида дастаси узунлиги камида 1 m бўлган илгакдан фойдаланилиши лозим. Ушлаш мосламалари юк тўлиқ туширилгандан сўнг ечилиши керак.

Ёғоч материаллари қадоқи остидан строплар қадоқнинг ағдарилиб кетишига йўл қўймаган ҳолда қўлда тортиб чиқарилиши лозим.

276. Штабел четида ёки қадоқлар орасидаги қистирмалар учида туришга, шунингдек штабел устига чиқиш ёки ундан тушиш учун крандан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

277. Ёнғин хавфсизлиги талабларидан келиб чиқиб, бинолардан думалоқ ёғоч ва ёғоч материаллари штабелларигача бўлган масофа мос равишда камида 15 m ва 30 m бўлиши лозим.

278. Узунлиги транспорт воситаси кузови узунлигидан 2 m дан ортиқ бўлган ёғоч материаллари аравали тиркамалар ёрдамида ташилиши лозим.

279. Ёғоч материалларини транспорт воситасидан ташлаб тушириш ва уларни бир вақтнинг ўзида штабелга тахлашга йўл қўйилмайди.

280. Ёғоч материаллари транспорт воситаси кузовидан диаметри камида 15 cm бўлган махсус ёғоч материаллар орқали туширилиши лозим. Махсус ёғоч материалларнинг юқори учларида уларни транспорт воситаси кузовига маҳкам ўрнатиш учун махсус металл илгаклар бўлиши керак.

281. Кучли шамол (6 балл ва ундан юқори), жала қуйганда, қалин туман (кўриш масофаси 50 m дан кам) ёки қор ёғиши вақтида баландлиги 2 m дан ортиқ бўлган штабелларни тахлаш ва ажратиш ишларини амалга ошириш тақиқланади.

282. Боғламни илдириш ишлари якунлангандан сўнг юк илувчи юк ҳаракатланиш зонасининг қарама-қарши томонига камида 15 m масофага чекиниб, шундан кейин машинистга сигнал бериши лозим.

Кўтарилган юк илдириш жойидан 15 – 20 m масофага олиб кетилгандан кейингина навбатдаги боғламни илдиришга рухсат этилади.

Юк илувчининг штабел олдига қайтишига фақат юкни ушлаш мосламалари штабелга теггандан сўнг рухсат берилади.

283. Ёғоч материалларга антисептик билан ишлов берилгандан сўнг уларни елкаларда кўтариб ташиш тақиқланади.

Махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари (брезент куртка, шим, резина этик ва қўлқоплар) билан таъминланмаган ходимларни антисептик билан ишлов берилган ёғоч материаллари билан ишлашга йўл қўйилмайди.

21-§. Сочилувчан ва майда бўлакли материалларни ташиш ва жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

284. Қум, чақиқ тош, шағал, керамзит, перлит, аглокорит ва шунга ўхшаш материалларни ортиш, тушириш ишлари чўмичли ёки грейферли экскаваторлар, турли хил кранлар, фронтал юклагичлар, конвейерлар, автоюклагичлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

285. Музлаб қотган юклар сочилувчанлик хусусиятини тиклаш ва тушириш ишларини таъминлаш мақсадида юмшатилиши лозим.

Бундай юклар қиш мавсумида музлаб қотишнинг олдини олишга қаратилган профилактик чоралар билан таъминланиши лозим, жумладан:

материални сувсизлантириш;

материал қатламларини музламайдиган қўшимчалар билан ажратиш;

материални гранула ҳолатига келтириш;

музлаб қотишни тўлиқ бартараф этмайдиган, бироқ музлаган масса мустаҳкамлигини камайтирувчи моддалар қўшиш.

286. Музлаб қотган юкнинг сочилувчанлик хусусиятини махсус иситиш хоналарида қиздириш орқали тиклаш катта энергия сарфини талаб қилади ва кенг қўллаш учун тавсия этилмайди.

287. Музлаб қотган материалларнинг сочилувчанлик хусусиятини тиклашнинг механик усуллари устувор ҳисобланади ҳамда бундай ишлар бурғилаб юмшатувчи машиналар, осма тебратма-юмшатувчи агрегатлар ва тебратма-зарбли машиналар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

288. Вагонларни туширишдан кейин қолиб кетган материаллардан тозалаш ишларида тебранишли қурилмалар, сиқилган ҳаво, газ ёки сув оқими орқали юкка динамик таъсир кўрсатувчи мосламалар, шунингдек чўтка ва кураклардан фойдаланилиши мумкин.

289. Доими (стационар) тушириш машиналари ишлаётганда темир йўл платформалари ва ярим вагонларни тушириш фронти бўйлаб ҳаракатлантириш манёвр қиладиган чиғир ёки қурилма ёрдамида амалга оширилиши лозим.

290. Ярим вагонларнинг пастки люклари қўл ёки механик юритмали, ярим вагоннинг ҳар икки томони бўйлаб жойлаштирилган стационар порталларга осиб қўйиладиган махсус мосламалар ёрдамида ёпилиши лозим.

291. Барча турдаги тушириш машиналари ишлаётган вақтда қабул қилиш қурилмаси ичида ва ҳаракатланувчи таркиб кузовида бўлиши, шунингдек юк ортиш-тушириш пунктида темир йўл вагонлари ҳаракатлантирилаётганда манёвр қурилмалари иш ҳудудида бўлиш тақиқланади.

292. Баланд йўллар ва эстакадаларда юклаш бункерлари остидаги хавфли майдонлар кўрсатиб қўйилган бўлиши лозим.

293. Юклагич чўмичини штабелдаги материалга тезлик билан келиб уриш орқали тўлдириш тақиқланади.

294. Кўп чўмичли юклагичдан фойдаланишда қуйидагилар тақиқланади:

юклагични унинг паспортида кўрсатилган меъёрлардан ортиқ бўлган кўндаланг ёки бўйлама қияликка эга майдончада ҳаракатлантириш ва ишлатиш;

турли буюмлар билан тўсилиб қолган жойларда юклагичда ишлаш;

двигатель ишлаб турган вақтда шнек ва занжирдан ҳар қандай буюмларни олиб ташлаш;

бурилиш вақтида шнек айланишини ишга тушириш;

ишлаётган шнекка 1,5 m дан яқин масофада яқинлашиш.

295. Кўчма тасмали конвейерларни майдонча бўйлаб узоқ масофага ёки нотекис юзада ҳаракатлантиришга йўл қўйилмайди. Конвейерларни кўчириш вақтида электр узатувчи симлар ажратилган бўлиши лозим.

Конвейерлар жойлашган ўтиш ва ҳаракат йўллари конвейер габаритидан камида 1 m чиқиб турадиган соябонлар билан ҳимояланган бўлиши керак.

22-§. Кукунсимон материалларни ташиш ва жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

296. Кукунсимон ва чангсимон материалларни (цемент, гипс, оҳак) идишсиз ташиш юклаш ва ўзини ўзи тушириш қурилмалари билан жиҳозланган транспорт ва темир йўл воситаларида, шунингдек сув орқали ташишда цемент ташувчи кемалар ёрдамида амалга оширилиши керак.

297. Цемент, гипс ва кукунсимон оҳак қисқа масофаларга махсус контейнерлар орқали ташилиши мумкин.

298. Автоцемент ташувчилар силос туридаги омборхоналардан юклаш люклари орқали ёки ёпиқ темир йўл вагонларидан цемент қабул қилишда ўзини ўзи юклаш тизими орқали юкланиши лозим.

Тушириш ишлари автоцемент ташувчининг пневматик тизими ёрдамида амалга оширилади.

299. Вагон-цемент ташувчилар силос туридаги омборхоналардан юклаш люклари орқали юкланиши лозим. Юклаш ишлари тугагандан кейин люклар герметик тарзда ёпилиши керак.

Тушириш ишлари цементни қабул қилувчи объектнинг пневматик тушириш тизими орқали амалга оширилиши лозим.

300. Бункер типидаги вагон-цемент ташувчиларни бўшатиш ишлари ўз оқими билан амалга оширилиши лозим.

Тушириш жараёнида осилиб қолган материаллар тебраткич ёки узайтирилган дастакли махсус кураклар (темир косов) ёрдамида туширилиши керак.

Вагон цистернаси қопламасига (кувалда, лом ва бошқа воситалар билан) уриб юк қолдиқларини тушириш тақиқланади.

301. Тушириш ишлари якунлангандан сўнг вагон-цемент ташувчининг люк қопқоқлари белгиланган ҳолатгача ёпилиши лозим.

Вагоннинг юклаш ва тушириш люкларини очиқ ҳолда қолдириш тақиқланади.

302. Контейнерлар юклаш учун пневматик ёки гравитацион тизимлар, тушириш учун эса аэро-пневматик ёки материални тўлиқ ёки қисмлаб чиқариш имконини берувчи гравитацион тизимлар билан жиҳозланган бўлиши мумкин.

Контейнерлар металлдан ёки резина-кордли материаллардан тайёрланган юмшоқ конструкцияли бўлиши мумкин.

303. Цемент, оҳак кукуни ва бошқа кукунсимон материалларни темир йўлнинг ёпиқ вагонларидан туширишда сўрувчи ёки сўрувчи-ҳайдовчи турдаги туширгичлар қўлланилиши лозим.

304. Кукунсимон материалларни пневматик ташишда пневматик винтли ва оқимли насослар, пневматик камерали насослар, шунингдек аэрацион ташиш усулидан фойдаланилиши мумкин.

305. Ҳарорати 40°С ва ундан юқори бўлган цементни қўлда тушириш ишларини амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Махсус кийим-бош, респиратор ва чангга қарши ҳимоя кўзойнагисиз ходимларни кукунсимон материаллар билан ишлашга қўйиш тақиқланади.

306. Бункер типидаги вагонлар люклари ва ёпиқ вагонлар эшикларини очишда махсус ричаглардан фойдаланиш лозим.

Люк қопқоғи тушиб кетиши мумкин бўлган ҳудудда туриш тақиқланади.

307. Пневматик тушириш тизимига эга вагон-цемент ташувчиларнинг юқори люкларини ҳамда барча турдаги автоцемент ташувчилар люкларини очишга идиш ичида босим йўқлиги текширилгандан кейингина рухсат этилади.

308. Кукунсимон материаллар тўлдирилган цистернани таянч устунларга ўрнатишга фақат текис ва қаттиқ грунтли юзада ёки махсус қистирмалар қўлланган ҳолда рухсат этилади.

309. Цемент ташийдиган автоцистернадаги босимни 0,15 МРа дан ортиқ кўтариш тақиқланади.

310. Компрессорни қайтариш клапанисиз, хавфсизлик клапанисиз ёки ҳимоя қопламалари ечиб ташланган ҳолда ишлатишга йўл қўйилмайди.

311. Кукунсимон материаллар солинган контейнерларни темир йўл ва транспорт воситаларининг ҳаракатланувчи таркибига ортишда ходимларнинг платформа устида бўлишига йўл қўйилмайди.

312. Эстакаданинг цемент ва бошқа чангсимон материалларни ортиш ва тушириш жойларида вагон томида хавфсиз ишлаш учун тўсиқлар назарда тутилиши керак.

Тушириш ишлари вақтида ходимларнинг вагон ичида бўлиши тақиқланади.

313. Кукунсимон материаллар учун мўлжалланган пневматик туширгич ишлаётган вақтда сўриб олиш қурилмасига 1 m дан яқин келиб туришга рухсат этилмайди. Пневматик туширгичнинг чўктириш камераси атрофидаги бўш ҳудуд камида 0,8 m бўлиши лозим.

Сўриб-ҳайдайдиган туширгичнинг аралаштириш камерасида босим 0,14 МРа дан ошганда шнек узатмасининг электр двигатели ўчирилиши ва аралаштириш камерасига сиқилган ҳаво берилиши тўхтатилиши керак.

314. Пневматик винтли кўтаргич учун аралаштириш камерасидаги босим 0,14 МРа дан, пневматик винтли насос учун эса 0,2 МРа дан ошганда электр двигателини ўчириш ва сиқилган ҳаво берилишини тўхтатиш лозим.

Шундан сўнг аралаштириш камерасидаги босим вентил ёрдамида 0,25 МРа дан оширмаган ҳолда тартибга солиниб, транспорт қувури сиқилган ҳаво билан аралаштириш камерасидаги босим 0,03–0,05 МРа гача пасайгунга қадар пуфлаб тозаланиши лозим.

315. Ишлаб турган компрессорларни (тўлиқ автоматлаштирилганларидан ташқари) хизмат кўрсатувчи ходимлар назоратисиз қолдириш тақиқланади.

23-§. Йиғма темир-бетон конструкциялар ва майда донали девор материалларни ташиш ва жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

316. Темир-бетон конструкцияни ортишда унинг транспорт воситасидаги жойлашуви қурилаётган иншоотдаги ишчи ҳолатига мос ёки унга яқин бўлиши лозим.

Бундан колонналар, қозиқлар ва бошқа узун ўлчамли буюмлар мустасно бўлиб, улар транспорт воситасининг юк майдончасида горизонтал ҳолатда жойлаштирилиши керак.

317. Енгил бетондан тайёрланган, эгилишга мўлжалланмаган йирик ўлчамли конструкциялар, шунингдек қалинлиги 20 cm дан кам бўлган буюмлар ташиш учун вертикал ҳолатда ўрнатилиши лозим.

318. Темир-бетон конструкцияларини ташишда улар ишлаб чиқарувчи томонидан тегишли белгилари билан кўрсатилган жойларга ўрнатилган ёғоч тагликлар ва қистирмалар устига жойлаштирилиши лозим.

319. Темир-бетон конструкцияларини кўп қаватли қилиб ортишда тагликлар ва қистирмалар бутун штабел бўйлаб қатъий равишда бир вертикал чизиқда жойлаштирилиши лозим.

Тагликлар ва қистирмаларнинг эни камида 25 mm бўлиши ҳамда уларнинг қалинлиги ташилаётган буюмларнинг ушлаш ҳалқалари ва бошқа чиқиб турувчи қисмлари баландлигидан катта бўлиши керак.

320. Буюмлар билан транспорт воситаси бортлари ўртасидаги оралиқ камида 5 cm бўлиши лозим.

Қурилиш конструкцияларини транспорт воситасининг юк платформасига маҳкамлаш уларнинг ташиш жараёнида бўйлама ва кўндаланг силжишини, шунингдек ўзаро тўқнашиши ёки жойидан қўзғалишини истисно этиши керак.

321. Темир-бетон девор панелларини вертикал ҳолатда ташишда панеллар бутун таянч юзаси билан транспорт воситаси платформасига ётиши ёки бир-биридан 0,5 m дан ортиқ бўлмаган масофада жойлаштирилган тагликларга таяниши лозим.

322. Девор панеллари қия ҳолатда ташилганда уларнинг пастки ва ён юзалари ўзаро 0,5 m дан ортиқ бўлмаган масофада жойлаштирилган тагликларга таянтирилган бўлиши лозим.

323. Қоплама панеллари горизонтал ҳолатда ташилганда улар қотирилган деталлар жойлашган нуқталарга таянтирилган бўлиши лозим.

324. Вертикал ҳолатда ташилаётган панеллар икки томондан, қия ҳолатда ташилаётган панеллар эса оғирлик марказидан юқори қисмида бир томондан маҳкамланиши лозим.

325. Бир вақтнинг ўзида бир нечта панел ташилганда улар орасига панелларнинг ўзаро тегиши, шунингдек ташиш жараёнида урилиш ёки ишқаланиш натижасида шикастланишининг олдини олувчи ажратувчи қистирмалар ўрнатилиши лозим.

326. Темир-бетон қоплама ва ёпма плиталари горизонтал ҳолатда, қотирилган деталлар жойлашган нуқталарга таянтирилган ҳолда ташилиши лозим.

Плиталарни ташишда уларни қалинлиги монтаж илмоқлари баландлигидан 20 mm ортиқ бўлган тагликлар устига тахлаб жойлаштиришга рухсат этилади.

327. Юкни платформага маҳкамлаш учун диаметри 6 mm бўлган симли тортқилар ёки тортиш мосламаларига эга пўлат арқонлар, металл кассеталар ва турникетлар қўлланилиши лозим.

328. Қадоқларни транспорт воситалари кузовига ўрнатиш, уларни тушириш ва иш жойига узатишда ишларни хавфсиз бажаришни таъминловчи ўз-ўзидан тортиладиган ушлагичлар ёки қадоқнинг паст қисми остига киритиладиган кўтаргич мосламалар қўлланилиши лозим.

329. Юк кўтариш қобилияти 60 t бўлган ярим вагонларга майда донали девор материалларни бир-бирига зич 2 қават қилиб ўрнатиш жоиз.

330. Майда донали девор материалларини етказиб беришда қўлланиладиган барча юк ушлагич мосламалари юк кўтариш номинал имкониятидан 1,25 баробар ортиқ юк билан 10 дақиқа давомида синовдан ўтказилиши ҳамда ишларни хавфсиз бажаришга масъул ходим томонидан ҳар ой кўрикдан ўтказилиши керак.

331. Қадоқларни строплар билан иш жойларида тушириш ва кўтариш тақиқланади.

24-§. Ўсимликлар, мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш ва омборга жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

332. Ўсимлик маҳсулотларини омборга жойлаштириш (ғарамлаш) учун мўлжалланган майдонча горизонтал, бегона предметлардан тозаланган ҳамда кириш йўллари билан таъминланган бўлиши лозим.

Бундай майдонча ҳаво электр узатиш тармоқларидан электр узатиш тармоғи таянчлари орасидаги масофадан кам бўлмаган масофада, бинолардан эса камида 100 m узоқликда жойлаштирилиши керак.

Ғарамлаш ишлари якунлангандан сўнг омбор майдончаси периметри бўйлаб эни камида 3 m бўлган ҳайдалган йўлак билан ажратилган бўлиши лозим.

333. Тоғли ҳудудларда кичик ҳажмли ғарамларни қияликларда жойлаштиришга рухсат этилади. Бунда, транспорт воситаларининг манёвр қилиши учун мўлжалланган майдонча ғарам ҳудудида 6° дан ортиқ бўлмаган қияликка эга бўлиши ҳамда қиялик бўйича ғарамдан юқори қисмида жойлаштирилиши лозим.

Бундай майдончаларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлиги 5 km/soat дан ошмаслиги керак.

334. Силос бостириш жойлари қудуқлар ва ичимлик суви ҳавзаларига бевосита яқин ҳудудларда, шунингдек электр узатиш тармоқлари остида жойлаштирилмаслиги лозим.

Силос бостириш жойларида кириш ва чиқиш йўлларининг қиялиги (хандақлар, уюмлар ва тепаликларда) 20° дан ошмаслиги керак.

335. Уюмлар ва тепаликлар ҳудуднинг горизонтал участкаларида жойлаштирилиши лозим.

Тоғли ҳудудларда хандақларни қияликларда жойлаштиришга рухсат этилади.

336. Қатлам намлиги машиналарнинг сирпаниб кетишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолларда, қуюқ туман шароитида (кўриш масофаси 50 m дан кам бўлганда), қор қоплами мавжуд бўлганда, ер қатлами музлаганда, шунингдек куннинг қоронғу вақтида қияликларда иш олиб бориш тақиқланади.

337. Транспорт воситаларини бўшатиш томонида хандақ чегаралари хандақ четидан камида 1 m масофада белгиланган бўлиши лозим.

Транспорт воситаларини бўшатиш томонида сақловчи брус ўрнатилган бўлиши керак.

Транспорт воситалари манёвр қилиши учун мўлжалланган майдонча қиялиги 6° дан ошмаслиги лозим.

Мазкур майдончада транспорт воситалари ҳаракат тезлиги 5 km/soat дан ошмаслиги керак.

338. Дарахтларнинг шох-шаббалари яқинида ишлаш учун мўлжалланган машина ва механизмлар ходимлар хавфсизлигини таъминловчи ҳимоя тўсиқлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

339. Транспорт воситалари ва трактор тиркамаларига яшил масса, уруғ, дон ва бошқа технологик маҳсулотларни ортишда, шунингдек маҳсулотларни сақлаш ёки сотиш жойларига ташишда кузовда одамларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

340. Транспорт воситасига идишсиз ортилган маҳсулотлар (сабзавотлар, мевалар, илдизмевали ўсимликлар) кузовнинг бутун майдони бўйлаб бир текисда жойлаштирилиши ҳамда кузов бортлари баландлигидан ошиб чиқмаслиги лозим.

341. Уруғ ёки похолларни ғарамлашда ёки пичанлашда қуйидаги хавфсизлик талабларига риоя этилиши керак:

а) ишларга баландликда ишлаш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар қўйилиши, улар орасидан ғарамловчи тайинланиши ҳамда унга ишларни ташкил этиш ва хавфсизликни таъминлаш мажбурияти юклатилиши керак;

б) ходимлар қуйидаги соз ҳолатдаги воситалар ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлишлари лозим:

санчқилар (дастаси текис ва силлиқ, ёриқ ва ғудурсиз, қаттиқ турдаги қуруқ ёғочдан тайёрланган);

тираб қўйиладиган ёки арқонли нарвонлар;

200 kg статик юкламага мўлжалланган хавфсизлик арқонлари;

диаметри камида 14 mm ва узунлиги 2 m дан кам бўлмаган металл стерженлар;

сигнал воситалари (байроқча ва ҳуштаклар);

шахсий ҳимоя воситалари (қўлқоплар, ҳимоя кўзойнаклари ва этиклар);

в) ғарамлаш фақат куннинг ёруғ вақтида ва шамол тезлиги 6 m/s дан ошмаганда амалга оширилиш керак, чақмоқ чақиш пайтида ғарамлаш тақиқланади;

г) ғарамлашда бир пайтнинг ўзида ғарамловчилар сони 6 тадан ошмаслиги ва улар ғарам четидан 1,5 m дан яқин бўлмаган жойда бўлишлари керак;

д) ғарам баландлиги 2 m га етганда унинг атрофида эни 2 m ва қалинлиги 1 m бўлган (ходим ғарамдан тушиб кетган вазиятларда зарб кучини камайтириш учун) похол қатлами тўшаб чиқилиши керак;

е) ғарамлагич билан ғарамга похол узатилганда ғарамловчилар майдалагич панжарадан 3 m дан кам бўлмаган масофада бўлишлари керак;

ё) танаффус вақтида ғарамловчиларнинг ғарамда бўлишлари тақиқланади, ғарамлагичдан ходимларни ғарамга кўтариш ва ундан туширишда фойдаланишга йўл қўйилмайди;

ж) ғарамловчини ғарамга кўтариш ва туширишда ғарамнинг қуйи қисмига тескари томондан камида 1 m чуқурликда тик туширилган металл стержен билан боғланган, юқори қисмидан хавфсизлик арқонлари билан маҳкамланган тираб қўйиладиган ва арқонли нарвонлардан фойдаланиш керак;

з) ғарамни шакллантиришни тугатиш камида 2 нафар ғарамловчи билан амалга оширилиши керак.

Тугунларни ғарамга, пичан саройига ёки транспорт воситаси кузовига жойлаштириш уларни боғлаган ҳолда амалга оширилади. Бунда, тугунлар келишилган ҳолда узатилиши керак, тахловчилар ғарам четига (кузовга) 1,5 m гача яқин келмасликлари керак.

342. Идишларга солинмаган, қадоқсиз маҳсулотларни қўлда ортишда ходимлар транспорт воситаси кузовининг бир томонида, ортилаётган транспорт воситаси бортидан камида 2 m масофада туришлари керак.

343. Ғарамларни қўл билан ажратишда осилиб қолиши ва чиқиб қолишига йўл қўйилмаслиги керак. Улар тагида ишлаш тақиқланади.

344. Тартибга келтирилмаган ғарамни бир ёки бир нечта трактор ёрдамида судраб кўчириш ишлари олдиндан танланган ва тайёрланган ҳаракат йўналиши бўйича, масъул шахс раҳбарлиги остида амалга оширилиши лозим.

345. Юк ортиш ва тушириш ишларини амалга ошириш учун қўйилган транспорт воситаси ишончли тарзда тормозланган, двигатели ўчирилган ҳамда паст узатмага қўйилган бўлиши лозим.

Қишда транспорт воситаси ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетишининг олдини олувчи чораларни кўрган ҳолда двигателни ўчирмасликка рухсат этилади.

346. Иссиқхоналарда юк ортиш-тушириш ишларини бажаришда ҳаво муҳитини зарарли чиқиндилар ҳамда заҳарли газлар билан ифлослантиришни истисно этувчи, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган машиналар, механизмлар ва агрегатлардан фойдаланилиши лозим.

347. Пестицидлар билан ифлосланган транспорт воситалари, идишлар ва махсус кийим-бошлар махсус рецептлар асосида зарарсизлантирилиши лозим.

348. Транспорт воситасининг тури мева-сабзавот маҳсулотларининг турига қараб танланиши керак.

349. Идишларга ортилган маҳсулотларни транспортда ташиш учун конвейер тасмаларининг ҳаракат тезлиги 1,2 m/s дан ошмаслиги керак. Тасма 0,2 m баландликдаги борт билан тўсилган бўлиши керак.

350. Мева-сабзавот маҳсулотларини омборхонага жойлашда қуйидаги асосий талаблар бажарилиши керак:

омборхонанинг чиқиб турган конструкцияларининг қуйи қисмидан уйманинг тепасигача бўлган масофа камида 0,8 m, штабел тепасигача эса камида 0,3 m бўлиши;

штабелдаги қутилар орасидаги масофа камида 0,02 m, қутили тагликлар орасидаги масофа камида 0,05 m бўлиши;

тўкиб жойлаштиришда маҳсулотлар баландлиги картошка учун 5 m, ўрамли карам ва сабзи учун 3 m, лавлаги учун 4 m, шолғом учун эса 3,5 m дан ошмаслиги;

идишларда жойлаштириш баландлиги картошка, ўрамли карам ва лавлаги учун 4,6 m, сабзи, шолғом, олма ва нок учун 5,0 m, помидор, узум ҳамда полиз экинлари учун эса 4,5 m дан ошмаслиги;

контейнерларга жойлаштириб сақлаш бўлмаларига ортишда 1 m ҳажмга тўғри келадиган юк миқдори картошка учун 0,5 t, ўрамли карам учун 0,3 t, сабзи учун 0,345 t, лавлаги учун 0,46 t, шолғом учун 0,38 t, олма ва нок учун 0,29 t ҳамда полиз экинлари учун 0,4 t дан ошмаслиги.

351. Картошка ва сабзавотларни уюм қилиб сақлаш учун майдончалар режа асосида бўлиши ва зовурлар, ариқлар, атмосфера ёғингарчиликларини чиқариб ташлаш учун ёмғир қабул қилгичлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

352. Ун, шакар, ёрма, дон ва бошқа маҳсулотлар учун идишсиз сақлашга мўлжалланган силослар, бункерлар, фильтрлар, ўтказгич қувурлар ва бошқа ускуналар ёнмайдиган ёки қийин ёнадиган материаллардан тайёрланиб, статик электрдан ҳимояланиш учун барча пўлат элементлари бўлиши керак.

353. Ун, ёрма, дон, шакар ва шу каби маҳсулотлар идишсиз ёки идишларда сақланганда, сақлаш бинолари полида тўпланган чанг ҳар бир иш сменасида камида бир марта тозаланиши керак. Деворлардаги чанг эса унинг йиғилиш даражасига қараб мунтазам равишда тозалаб турилиши лозим.

Идишсиз сақланадиган ун ва ёрма сақлаш сиғимлари чангни сўриб чиқариш ва ҳавони тозалашга мўлжалланган, фильтрлар билан жиҳозланган аспирация тизимига уланган бўлиши керак.

354. Оғирлиги 50 kg гача бўлган қутилар, 70 kg гача бўлган қоплар, шунингдек экстракт ёки сочилувчан маҳсулотлар солинган бочкалар қўлда тахланганда штабел баландлиги 2 m дан ошмаслиги лозим.

Ёғ маҳсулотлари жойланган бочкаларни тахлашда эса штабел баландлиги камида хавфсизликни таъминлаш мақсадида 1,5 m дан ошмаслиги керак.

355. Оғирлиги 50 kg гача бўлган қутидаги юклар механизация ёрдамида тахланганда штабел баландлиги 3,6 m дан, 70 kg гача бўлган қопли юкларда 3,8 m дан, учқун чиқарувчи моддаларда 1,5 m дан, экстрактли бочкаларда 2,5 m дан, сочилувчан ашёли бочкалар жойлаштирилганда эса 3,0 m дан ошмаслиги керак.

356. Қадоқланмаган қутилар ва қопдаги юкларни штабелга боғлаган ҳолда тахлаш керак.

Штабелларнинг мустаҳкамлиги учун ҳар 2 қатор қутилардан кейин тахтача қўйиш, ҳар 5 қатор қоплардан кейин тахталар қўйиш лозим.

Қоғоз қоплардаги юкларни тахлаш ҳар бир қатор орасига тахтали қистирмалар қўйган ҳолда амалга оширилиш керак.

357. Штабелга қопларни қўлда тахлашда 8 қатордан ошмаган ҳолда, механизация ёрдамида кўпи билан 12 қатор қилиб жойлаштириш керак.

358. Мевали қутиларни тагликларга жойлашда штабел узунлиги 10 m дан, баландлиги эса 4 m дан ошмаслиги керак.

Мева ва сабзавотли қутиларни қўлда штабелларга тахлашда 1,5 m баландликкача ўрнатишга рухсат этилади.

359. Бочкалар штабелларга горизонтал (ётиқ) ҳолатда, кесилган пирамида шаклида ва кўпи билан 3 қатор қилиб тахланиши лозим. Ҳар бир қатор орасига тахтали қистирмалар қўйилиши, шунингдек барча четки қаторлар поналар билан маҳкамланиши керак.

Бочкаларни тик ҳолатда тахлашга эса кўпи билан 2 қаторгача рухсат этилади. Бунда, қаторлар ўртаси тахта қалинлигидаги қистирмалар билан ажратилиши ва мустаҳкамланиши лозим.

360. Оғирлиги 100 kg гача бўлган кичик ўлчамли бочкаларни ётиқ ҳолда 6 қатор қилиб, оғирлиги 100 дан 150 kg гача бўлганда кўпи билан 4 қатор тахлашга рухсат этилади.

361. Баландлиги 2,5 m дан ортиқ бўлган қутилар ҳамда икки ва ундан ортиқ қатор қилиб тахланган бочкалар штабеллари тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак. Бунда, тўсиқ билан штабел ўртасидаги масофа 1,5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

25-§. Савдо омборлари, чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида маҳсулотларни ташиш ва жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

362. Юк ташишга мўлжалланган қўл аравачалари соз, мустаҳкам ва бошқаришга қулай, шунингдек жойлаштирилган юкларнинг барқарорлигини таъминловчи ечиладиган ёки маҳкамланган мосламалар ҳамда уларни қулай ҳаракатлантириш учун тутқичларга эга бўлиши лозим.

363. Уч ёки тўрт ғилдиракли аравачаларга юклар аравача платформаси чегарасидан ташқарига чиқмайдиган тарзда жойлаштирилиши керак.

Аравача платформаси ташилаётган юк турига мос шаклда бўлиши, зарур ҳолларда эса юкларни маҳкамлаш учун махсус мосламалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

364. Оғирлиги 300 kg гача бўлган юкни аравачаларда ташишда олдинги ғилдираклари бошқариладиган бўлиши керак.

365. Юкларни аравачаларда ташишда қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

юк аравача платформасида ҳаракат вақтида тушиб кетиш хавфини келтириб чиқармайдиган тарзда текис ва барқарор жойлаштирилиши;

аравача унинг юк кўтариш қобилияти доирасида юкланиши;

аравача юкланган ёки юксиз ҳолатда 5 km/soat дан ортиқ тезликда ҳаракатланмаслиги;

аравача бортлари ёпиқ ҳолатда бўлиши, тиргаклари эса илгак ўймаларига мустаҳкам ўрнатилган бўлиши;

аравачани кузатиб бораётган ходим аравача ҳаракатланиши вақтида тор жойлар, дарвозалар ва эшик ораларида қисилиб қолиш хавфини олдини олиш мақсадида аравача ёнида юрмаслиги.

366. Иш бошлашдан олдин аравачанинг созлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Носоз аравачалардан фойдаланиш тақиқланади.

367. Қиялиги пастга қараб йўналган полда юкларни кўчиришда ходим аравача орқасида ҳаракатланиши керак.

Гидравлик аравачани тўхтатиш зарурати юзага келганда, бундай ҳаракатни юкни туширган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.

368. Баланд штабелга жойланган юкни бошқа жойга кўчиришда штабелни ушлаб туриш учун иккинчи ходимни жалб этиш керак.

369. Аравачанинг белгиланган юк кўтариш қобилиятидан ортиқ юкни кўтариш ёки бошқа жойга кўчириш тақиқланади, шунингдек аравача рамасининг ҳаракатланиш зонасида ҳамда юк ҳаракатланадиган йўлда одамларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

370. Бочкаларни бошқа жойга кўчириш учун мўлжалланган аравачалар дастасининг уч қисми сақловчи тутқичлар билан жиҳозланган бўлиши, шунингдек юк аравачадан ағдарилиб кетиши ёки силжиши ҳолатларида қўлни ҳимоя қилиш учун махсус мосламага эга бўлиши керак.

371. Иш тугагандан сўнг аравача текис майдончага ўрнатилиши керак.

Гидравлик аравачанинг рамаси горизонтал ҳолатга туширилган бўлиши керак.

Аравачанинг ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетмаслик чоралари кўрилиши керак.

372. Турар жой бинолари ичида жойлашган ёки уларга туташ қурилган ташкилотларда юкларни ортиш ва тушириш ишлари турар жой биносининг деразалари ва ерости тоннеллари мавжуд бўлмаган ён томонидан ёки махсус ортиш хонасига эга бўлган магистрал томондан амалга оширилиши керак.

373. Баландлиги 1,5 m дан ортиқ бўлган ёки маршлар сони биттадан ортиқ зиналарга эга ертўла ва ярим ертўла хоналарида жойлашган дўконларда юкларни бевосита омборхонага тушириш учун люклар ва траплар жиҳозланган бўлиши керак.

374. Транспорт воситаси юк ортиш ва тушириш ишларини амалга ошириш учун бино яқинига қўйилганда, бино билан транспорт воситаси кузовининг орқа борти ўртасида камида 0,8 m масофа сақланиши керак.

375. Ҳудуд иқлимига боғлиқ ҳолда жойлашувига ва дўконнинг савдо майдони ўлчамига боғлиқ ҳолда юк тушириш платформалари иситилмайдиган ёки иситиладиган хоналарда соябон остида жойлашиши керак.

Соябонлар юк тушириш платформасини тўлиқ ва транспорт воситаси кузовининг 1 m қисмини ёпиши керак.

376. Идишлар, контейнерлар, тагликлар ва бошқа юкни қадоқлаш воситалари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

идишлар тоза ва соз ҳолатда бўлиши, уларда осилиб турган михлар, симлар ёки пўлат тасмалар, шунингдек шикастланишлар, тешиклар, ғадир-будурлар, тугунлар, қийшайишлар ва бошқа нуқсонлар бўлмаслиги лозим;

михларнинг чиқиб турган учлари қайрилган ва ёғоч ичига киритилган, скобаларнинг учлари эса қайрилган ҳамда ёғочга зич қисилган бўлиши керак;

қулфловчи ва қайд этувчи қурилмалар юк ортиш-тушириш, ташиш ва жойлаштириш ишлари вақтида ўз-ўзидан очилиб кетмаслиги лозим;

штабелга жойлаштириладиган идишлар ягона конструкция ва ўлчамдаги қайд этувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак;

қутилар стандарт ёки намунавий ҳамда белгиланган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим;

бочкалар тоза бўлиши, уларда тешиклар, чуқурлар, қаварикқлар ёки синган михпарчинлар мавжуд бўлмаслиги керак;

қоплар бутун ва тоза бўлиши, уларнинг чокларида ўтказиб юборилган тикишлар бўлмаслиги лозим;

қути ва устунчали тагликлар кўп қаватли штабеллашда барқарорликни таъминлаш учун фиксаторлар билан жиҳозланган бўлиши ҳамда улар юк

кўтариш қобилиятининг камида тўрт бараварига тенг юкламага бардош бериши лозим.

377. Электр таль ёрдамида юк кўтаришда илгак ҳалқасини чекка ҳолатгача, яъни ўчиргичга етгунча олиб бориш, шунингдек ўчиргичдан автоматик тўхтатиш воситаси сифатида фойдаланиш тақиқланади.

378. Оғир вазнли, бироқ ўлчами катта бўлмаган юкларни бино зиналари бўйлаб кўчиришга зинапояларга ётқизилган тахталар устидан трос ёрдамида рухсат этилади.

Зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилаётган юкнинг орқасида, шунингдек трос ёрдамида пастга туширилаётган юкнинг олдида туриш тақиқланади.

379. Оғир вазнли юкларни горизонтал юза бўйича ғўла ёрдамида кўчиришга рухсат этилади. Бунда, кўчириш йўли барча бегона предметлардан тозаланиши керак.

Ғўлаларни юк тагига келтириш учун лом ёки домкратлар қўлланилади.

Юк ағдарилиб кетмаслиги учун юкнинг олди қисмига қўшимча ғўлалар қўйиш керак.

380. Юкни қия текислик бўйлаб туширишда унинг ўз оғирлиги таъсирида юмалаб ёки сирпаниб кетиши, шунингдек ағдарилиб кетиши эҳтимолини бартараф этувчи зарур чоралар кўрилиши лозим.

26-§. Нефть маҳсулотларини ташиш ва жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

381. Қовушқоқ нефть маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари (ҳам темир йўл, ҳам транспорт воситалари), юк туширишни таъминлаш учун иситиш тизими билан жиҳозланиши керак.

382. Нефть маҳсулотларини транспорт воситаларига қуйиш, ундан тўкиш насослар ёрдамида ёки резервуардаги ва транспорт воситасидаги суюқлик сатҳлари фарқи ҳисобига ўз оқими билан олиб борилади.

383. Нефть маҳсулотлари шу турдаги маҳсулот сақланаётган резервуарларга қуйилиши керак.

384. Битта стоякдан фақат этилланган бензин ёки фақат этилланмаган бензин, керосин ва дизель ёнилғисини қабул қилиш учун фойдаланишга рухсат этилади. Резервуарлардан келувчи қувурлар бевосита стояк олдида жойлашган жўмракка ҳамда жўмракли тароққа (гребёнка) уланган бўлиши лозим.

385. Ёнилғини омборларда сақлашда буғланиш орқали йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида газ фазаси ҳажмини камайтириш, тўлдириш жараёнида

буғ-ҳаво аралашмасининг атмосферага чиқиб кетишига йўл қўймаслик, мақбул ҳарорат режимини таъминлаш ҳамда бошқа зарур чоралар кўрилиши керак.

386. Сиғимни нефть маҳсулотлари билан тўлдиришда нефть маҳсулотларининг ҳарорат таъсирида ҳажми ўзгариши ҳисобга олиниши лозим. Шу муносабат билан сиғимнинг 2 % дан 5 % гача қисми тўлдирилмасдан қолдирилиши керак.

387. Нефть маҳсулотлари идишларда сақланганда омборхоналар ёнғинга бардошли материаллардан қурилган бўлиши ҳамда енгил алангаланувчи маҳсулотлар учун ҳар бири 200 m² дан ошмайдиган, чақнаш ҳарорати 45°C дан юқори бўлган маҳсулотлар учун эса ҳар бири 1000 m³ дан ошмайдиган алоҳида секцияларга бўлинган бўлиши керак.

388. Ҳажми 200 l бўлган пластик сурков мойли ёғоч бочкалар темир йўл вагонларига икки қават қилиб, кичик ҳажмли бочкалар эса уч қават қилиб юкланиши керак. Бунда, биринчи ва иккинчи қаватдаги бочкалар ён томони билан, учинчи қаватдагилари эса тиқинлари юқорига қаратилган ҳолда жойлаштирилади.

389. Вагонга 50 *l* ва 100 *l* ҳажмдаги бочкалар юкланганда, барча бочкалар ён томони билан жойлаштирилиши керак.

390. Бочка қаватлари орасига тахта тўшамалар қўйилиши, ётқизилган бочкалар эса қистирмалар ёрдамида маҳкамланиши лозим.

391. Транспорт воситаси кузовига бочкалар юкланганда, улар тиқинлари юқорига қаратилган ҳолда ён томони билан жойлаштирилиши ва ташиш вақтида қўзғалмаслиги учун мустаҳкам маҳкамланиши керак.

392. Омборхоналарда мойлар ва пластик мойлар стеллажларда уч қаватдан ортиқ бўлмаган ҳолда, штабель узунаси бўйича эса 10 тадан кўп бўлмаган бочкаларда сақланиши керак.

Бочкалар остига ёғоч қистирмалар қўйилиши ҳамда стеллажлар орасида камида 1,8 m кенгликда ўтиш йўли таъминланиши лозим.

393. Оғирлиги 100 kg гача бўлган бочкаларни ва ходаларга 30° дан кўп бўлмаган қияликда ётқизилганда транспорт воситасига қўлда ортишга рухсат этилади.

394. Нефть маҳсулотлари билан тўлдиришдан олдин цистерна кўздан кечирилиши, унинг ускуналари соз ҳолатдалиги, зулфинлари, нафас олиш клапанлари, қопқоғининг зичлиги ҳамда ичида қолдиқ моддалар мавжуд эмаслиги текширилиши керак.

Цистерна ва тўлдириш учун ажратилган транспорт идиши фақат бир хил турдаги нефть маҳсулотини ташиш ва сақлаш учун ишлатилиши лозим.

395. Омбордан бензин, дизель ёнилғиси ва мойлар биринчи навбатда камроқ тўлдирилган ҳамда узоқ муддат сақланаётган резервуарлардан берилиши керак.

396. Бочкаларнинг қуйиладиган тешиклари мой-бензинга бардошли резинадан ёки махсус картондан ишланган қистирмали металл тиқинлар билан беркитилиши керак.

397. Нефть маҳсулотлари сақланган бўш идишлар штабелларга узунаси бўйича 10 m дан ошмайдиган, эни 6 m ва баландлиги 2 m қилиб жойлаштирилиши керак.

Штабелнинг юқори қисми билан омборхона бостирмаси конструкциясининг чиқиб турган қисми ўртасида камида 0,5 m масофа сақланиши лозим.

Штабеллар девордан камида 1 m масофада жойлаштирилиши, штабеллар орасидаги узилиш камида 2 m, штабелдаги ҳар икки қатор бочкалар ораси эса камида 1 m бўлиши керак.

398. Нефт-битумлар идишларда (крафт қоплар, тахтали ёки металл бочкалар, бошқа майда идишлар ёки махсус контейнерларда) ташилиши керак.

Юк ортиш ва тушириш ишлари автоюклагичлар ҳамда юк кўтариш кранлари ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Бункерли вагонлар ва темир йўл цистерналаридан битумни тушириш, унинг оқувчанлигини таъминлаш мақсадида махсус тизим орқали қиздирилгандан кейин амалга оширилади.

399. Битумни қиздириш учун буғ, газ, мой ёки электр ёрдамида ишлайдиган қиздириш тизимларидан фойдаланиш мумкин.

400. Нефть маҳсулотларини тўкиш ва қуйиш ишларини амалга ошириш тартиби, шунингдек резервуарлар, транспорт воситалари ҳамда идишларни эксплуатация қилиш электростатик учқунлар юзага келиши хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

401. Тиниқ нефть маҳсулотларини эркин оқим усулида қуйиш жараёнида резервуар ва цистерналарда статик электрланиш ҳосил бўлиши мумкин, бу эса электр разряди натижасида аланга юзага келишига ёки нефть маҳсулотларининг ҳаво билан аралашмаси портлашига сабаб бўлиши мумкин, шу сабабли цистерна, резервуар ва бошқа сиғимларга нефть маҳсулотларини эркин оқим билан қуйиш тақиқланади.

402. Суюқ нефть маҳсулотларини қуйишда қуйиш шлангининг патрубкаси сиғимнинг туб қисмигача туширилиши керак.

403. Статик электрланишнинг олдини олиш мақсадида эстакаданинг барча металл қисмлари, қуйиш учун мўлжалланган телескопик қувурлар, шланглар

ва учликлар, шунингдек қуйиш ва тўкиш ишлари вақтида резервуарлар ҳамда цистерналар ерга уланган (ерлатилган) бўлиши керак.

404. Нефть маҳсулотлари омборлари стерженли, тросли ва тўрсимон турдаги яшин қайтаргичлардан фойдаланилган ҳолда яшиндан ҳимоя қилиш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

405. Цистерна ва резервуарлар қопқоқларини очиш, шунингдек қуйиш ёки олиш қувурчалари учликларини киритиш ишлари эҳтиёткорлик билан ва зарба бермасдан амалга оширилиши керак.

406. Зиналар, тутқичлар, майдончалар, майдончалар тўсиқлари, цистерналар ва резервуарлар хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлайдиган соз ҳолатда бўлиши керак.

407. Нефть маҳсулотлари билан ишлаш жараёнида очиқ оловдан фойдаланиш ва чекиш тақиқланади. Иситиш тизими ишончли ҳимояланган ҳолларда суюқ битумларни қиздириш учун электр иситгичлардан фойдаланишга рухсат этилади.

408. Темир йўл транспорти юк ортиш ва тушириш ишларини амалга ошириш учун қўйилганда, у бошмоқлар ёрдамида ишончли равишда тўхтатилган бўлиши ҳамда ишлар олиб борилаётган ҳудудга бошқа ҳаракатланувчи таркибнинг кириб келмаслиги бўйича чоралар кўрилиши керак.

Нефт-битумли бункер вагонларни тушириш жараёнида ходимларнинг бункерни ағдариш ҳудудида бўлиши тақиқланади.

409. Нефть маҳсулотларини тўшама (стеллаж) устида идишларда сақлашда уларни қуёш нурларининг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳамда ёғингарчиликлардан ҳимоя қилиш керак.

Нефть маҳсулотларини очиқ жойларда сақлашга фақат ёнғинга чидамли материаллардан тайёрланган соябонлар остида рухсат этилади.

410. Нефть маҳсулотлари омборлари ва қайта ортиш пунктлари портлашдан ҳимояланган электр ёритгичлар билан жиҳозланган бўлиши, шунингдек уларни ёқиш ва ўчириш вақтида ҳавода портлаш хавфига эга ёнилғи-ҳаво аралашмаси мавжуд эмаслиги таъминланиши керак.

411. Нефть маҳсулотлари билан хавфсиз ишлаш ёпиқ хоналарда ҳаво муҳитини доимий назорат қилиш ҳамда нефть маҳсулотлари буғларининг юқори концентрациясини бартараф этувчи самарали шамоллатиш (вентиляция) тизими орқали таъминланиши керак. Ҳаво вентиляторларининг узатмалари эса ёнғин ва портлашдан ҳимояланган бўлиши лозим.

27-§. Юкларни қўл билан бошқа жойга кўчиришга қўйиладиган талаблар

412. Ишчи кийим енг учларининг тугмалари тақилган ёки боғланган, кийимлар йиғиштирилган ва ҳилпираб турмайдиган ҳолатда бўлиши, сочлар бош кийим ичига олинган, бош кийим эса бошга зич ёпишиб туриши керак.

413. Шахсий ҳимоя воситалари (қўлқоп, кўзойнак, респиратор), иш қуроллари ҳамда мосламалар иш бошлашдан олдин текширилиши, улар ишга яроқсиз ёки носоз ҳолатда аниқланган тақдирда эса соз ва хавфсиз воситаларга алмаштирилиши керак.

414. Доимий иш майдончасида иш бажарилганда иш жойида:

юк ортиш ва тушириш майдончалари ҳамда ўтиш жойлари тирбанд қилинмаслиги, майдонча ва ўтиш жойларида тешиклар, чуқурликлар, бегона жисмлар ва сирпанчиқ жойлар бўлмаслиги керак (сирпанчиқ жойларга қум сепилиши керак);

ертўла ва ярим ертўлада жойлашган омборхоналарнинг люклари, траплари, кўтаргичлар соз ҳолатда бўлиши керак;

ишлар олиб бориладиган жойларнинг ёритилганлиги ишларни хавфсиз олиб бориш учун етарли бўлиши керак;

аниқланган камчиликлар, носозликлар тўғрисида бевосита иш раҳбарига хабар бериш керак ва унинг кўрсатмасисиз иш бошлашга рухсат этилмайди.

415. Оғирлиги 50 kg гача бўлган юкларни, агар уларни горизонтал йўналишда 25 m гача масофага кўчириш талаб этилса, қўлда ташишга рухсат этилади. Бошқа ҳолатларда эса аравачалар, вагончалар ва таллардан фойдаланилиши керак.

416. Оғирлиги 80 kg дан ортиқ бўлган юкни бир нафар юкчи томонидан ташиш тақиқланади.

417. Оғирлиги 50 kg гача бўлган бир жойдаги юкни кўтариш ёки тушириш ишлари камида икки нафар ходим томонидан амалга оширилиши керак.

418. Оғирлиги 50 kg гача бўлган юкни ходимнинг орқасига кўтариб бериш ёки орқасидан олиб тушириш бошқа юкчи томонидан амалга оширилиши керак.

419. Оғирлиги 80 kg дан 500 kg гача бўлган юкларни ортиш ва тушириш юк кўтариш механизмларини (таллар, блоклар, чиғир) қўллаган ҳолда, шунингдек қияликлар ва шу кабилардан фойдаланиб амалга ошириш керак.

Бундай юкларни қўлда ортиш ва тушириш, вақтинчалик майдончаларда тажрибали бригадир раҳбарлиги остида ва бир кишига 50 kg гача юк тўғри келиши шарти билан рухсат этилади.

420. Юк кўтариш механизмлари ва мосламаларни қўллаган ҳолда ортиш ва туширишда юкчилар, уларнинг хавфсиз қўлланилишига доир йўриқномалар ва қоидаларни билишлари ва улар билан муносабатда бўлишга доир малакага эга бўлишлари керак.

421. Бошқа юкчилар билан ҳамкорликда ишлаганда бригадир ёки катта ходимнинг кўрсатмалари аниқ бажарилиши керак.

422. Пиёда ва транспорт воситалари ўтиш жойларини тирбанд бўлишига йўл қўйилмайди.

423. Юкларни носоз стеллажларга, чорпояларга, ҳавозаларга, юкларни сақлаш учун тайёрланмаган жойларга тахлашга рухсат этилмайди.

424. Агар юк бир гуруҳ ходимлар билан ташилаётган бўлса, ҳар ким ҳамма билан баравар қадам ташлаши керак.

425. Узун ўлчамли юклар бир томон елкаларда (чап ёки ўнг) ташилиши керак.

Узун ўлчамли юкларни кўтариш ва туширишни бригадир ёки катта ходимнинг кўрсатмасига биноан амалга ошириш керак.

426. Юклар замбилда ташилганда иккала ходим баравар қадам босиши керак. Замбилда ташилаётган юкни туширишга кўрсатмани орқада келаётган ходим бериши керак.

427. Бензин, керосин, нефть ва бошқаларни ортиш ва туширишни тўкиш шлангларини қўллаган ҳолда насос ёрдамида амалга ошириш керак.

Сиғимларни челаклаб, очиқ қуйиш орқали тўлдириш, шунингдек нефть маҳсулотларини шлангларсиз тўкиш тақиқланади.

428. Чангланадиган ашёларни ортиш ва туширишда ҳимоя кўзойнаклари ва респираторлар қўлланилиши керак.

429. Кислоталар, ишқорлар ва бошқа кимёвий жадал моддалар бўлган юкларни қўлда кўтариб ташиш ёки транспортда ташишга фақат тўқилган саватларда ёки махсус мосламали замбиллар ёки юк ташувчи қўл аравачалар устида панжараларда ташишга рухсат этилади.

Ушбу моддалар бўлган бутилларни ортиш ва туширишда уларни транспорт воситасига ўрнатиш иккита юкчи билан амалга оширилади.

Кислотали бутилларни орқада ёки елкада ташиш тақиқланади.

430. Шиша идишлардаги юкларни транспортда ташиш пайтида ёки омборхонада сақлашда, пастки қаторни синишлардан сақловчи тегишли қистирмаларсиз икки қатор қилиб тахлаш тақиқланади.

431. Кислотали ва бошқа кимёвий жиҳатдан фаол моддалардан иборат юкларни лифт ва шахта кўтаргичларидан ташқари бошқа юк кўтариш механизмлари ёрдамида ортиш, тушириш ёки бошқа жойга кўчириш тақиқланади.

432. Сиқилган ва суюлтирилган газли баллонларни фақат махсус аравачаларда ёки кигиз билан қопланган, баллонлар учун мўлжалланган ўймалари мавжуд мосламаларда бошқа жойга кўчиришга рухсат этилади.

Баллонларни елкаларда ташиш, кўтарма-транспорт воситаларини қўллаш, уларнинг ағдарилиши портлашга олиб келиши мумкинлиги сабабли тақиқланади.

433. Ўта хавфли юкларни ортиш ва тушириш, ишларни олиб боришга жавобгар шахснинг раҳбарлиги остида ёки ушбу юкни жўнатиш ёки қабул қилишга жавобгар ходим томонидан амалга оширилади.

Ишлар ўта эҳтиёткорлик билан ва махсус йўриқдан ўтгандан сўнг амалга оширилади.

434. Кукунсимон ашёлар сақланадиган жойларда, штабел баландлиги катта бўлмаган тақдирда ҳам, уларнинг кўчиб кетиш эҳтимоли мавжудлиги сабабли ер ковлаш ишларини амалга ошириш тақиқланади.

435. Штабелга жойлаштирилган донали юклар штабелнинг ағдарилиб кетмаслиги учун унинг барқарорлиги таъминланган ҳолда фақат юқори қисмидан олиниши керак.

436. Оғир юкларни тахлашдан олдин юк туширилганда шикастланишининг олдини олиш ҳамда юк остидан стропларни осон ечиб олиш имкониятини таъминлаш мақсадида тагликлар қўйилиши керак.

437. Думалайдиган юкларни бошқа жойга кўчиришда юкчи юк орқасидан ҳаракатланиши ва юкни ўзига қарама-қарши йўналишда итариб бориши керак.

Бир нечта юкчилар ишлаганда бир-бирларига иш қуроллари ёки ишланаётган юклар билан шикаст етказиб қўймасликлари учун ҳар бири эҳтиёткор бўлиши керак.

438. Юкларни қўлда ташишда юкчи бўш, текис ва қисқароқ йўлни танлаши керак.

Жойланган юклар устидан юриш, олдинда бораётган юкчига етиб олиш ва ўзиб кетиш, йўлни ҳаракатдаги транспорт воситаси олдидан кесиб ўтиш мумкин эмас.

439. Узун ўлчамли юкларни юкни маҳкамлаш мосламаларига (ечиб олинадиган ёки кўтарма устунлар, пишиқ занжирлар ва бошқалар) эга бўлган тиркамали транспорт воситаларига ортишга рухсат этилади.

440. Узун ўлчамли юкларни қўлда ортиш ва туширишни думалатган ҳолда камида икки киши билан бажариш керак.

441. Оғир вазнли ва узун ўлчамли юкларни туширишда юкнинг канатлар ёрдамида хавфсизлиги таъминланиши ҳамда шахсий хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилиниши керак. Узун ўлчамли юкларни думалатиш вақтида унинг ҳаракат йўналишига қарама-қарши томонда туришга, юкни транспорт воситаси кузовига жойлаштиришда эса кабина томонида туришга йўл қўйилмайди. Юкларни транспорт воситаси кузовига жойлаштиришда ломдан фойдаланиш керак.

442. Ишлар бажарилгандан сўнг иш жойини тартибга келтириш керак, одамлар ва транспортлар ўтиш жойлари ўрнатилган ўлчовларга мувофиқ очиқ, бемалол бўлиши, юк ортиш ва тушириш воситалари, иш қуроллари ва мосламалар тозаланган, тартибга келтирилган ва сақлашга топширилиши керак.

Барча камчиликлар ва иш жараёнида аниқланган носозликлар тўғрисида иш раҳбарига ва смена қабул қилувчига хабар бериши керак.

443. Ёпиқ вагонлар эшигини очишдан олдин улар тўғри маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

444. Ёпиқ вагонлар эшигини очишда эшик ва вагон ичидаги юкнинг ағанаш эҳтимоли мавжудлиги сабабли эшик қаршисида туриш тақиқланади.

Юкчилар вагон эшигини очишда ён тарафда туришлари ва эшикни тутқичидан ушлаган ҳолда ўзларига тортиб очишлари керак.

445. Темир йўл платформалари бортларини очиш вақтида ходимлар борт тушганда унинг зарбаси таъсирига тушмаслик учун бортнинг ён томонида туриши керак.

446. Бортли платформаларни ёпиш қуйидаги тартибда амалга оширилиши керак: аввал ён борт кўтарилади, бунда бир нафар ходим вагон ичида туриб бортни ушлаб туради, қолган ходимлар эса узун бортни кўтарадилар. Мазкур операцияларни бажариш вақтида бортнинг қаршисида туриш тақиқланади. Платформанинг носоз бортларини очиш ва ёпиш ишлари уста ёки бригадир раҳбарлиги остида амалга оширилиши керак.

447. Хопперларнинг люкларини очиш икки ходим томонидан амалга оширилиши керак.

448. Хоппер ва ярим вагонлар люкларини очишда ходимларнинг вагон ичида бўлиши тақиқланади.

449. Эстакадалари мавжуд бўлмаган омборларда ярим вагонлар ва хопперлар люкларини очишда алоҳида эҳтиёткорликка риоя қилиниши керак.

450. Эстакада тагида ёки яқинида одамлар, машиналар, механизмлар бўлганда эстакадада турган вагонлар люкларини очиш тақиқланади.

451. Хопперлар ва ярим вагонларнинг люкларини эстакадаларда очишга, тўшама йўлаклар олдин туширилган материаллардан тўлиқ бўшатилганидан сўнг рухсат этилади.

452. Тўшама йўлаклари мавжуд бўлмаган эстакадаларда ёпиқ вагонлар эшикларини очиш тақиқланади.

453. Люкларни ёпиш ишлари икки нафар ходим томонидан махсус ломлар ёрдамида бевосита юк тушириш жойида амалга оширилиши керак.

454. Платформа бортларини ёпишдан олдин барча боғловчи симлар вагондан ечиб ташланиши керак.

455. Киркалар, поналар, ўйма болғалар ва шу кабилар билан музлаб қолган юкли вагонларни тушириш вақтида вагон ичидаги ишлаётган ходим ёнида ишлаётган бошқа ходимга шикаст етказиш хавфини туғдирмайдиган масофада жойлашиши керак, шунингдек осилиб турган музлар қулаши, юк бўлакларининг сочилиб кетиши натижасида ҳам шикаст етказмаслик чоралари кўрилиши керак.

456. Музлаган юкнинг блокларини ажратиш ишлари ломдан фойдаланган ҳолда олиб борилиши керак.

Қўл билан музли блокларни ажратиш тақиқланади.

457. Юки музлаб қолган вагонларда юкни вагон борти бўйлаб кирка билан уриб тушириш тақиқланади. Кирка билан боғлиқ ишлар вагоннинг бутун кенглиги бўйлаб бир текисда амалга оширилиши керак.

458. Музлаган юкларни тушириш ишлари ишларни хавфсиз олиб боришга жавобгар шахс раҳбарлиги остида олиб борилиши керак.

459. Платформалардан ёғоч материаллари юкларини тушириш бригадир раҳбарлиги остида олиб борилиши керак.

Юкнинг платформада барқарор ҳолатида тушириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

барча боғламлар кесилади;

юкни тушириш томондаги устунчалар олинади;

тушириш ходачалар бўйича олиб борилади.

Барқарор бўлмаган ҳолатда бўлган юкни платформадан тушириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

четки устунлар ричаглар билан тираб қўйилади;

барча боғламлар кесилади;

тушириш томондаги ўрта устунчалар олинади;

четки устунлар платформа полидан 0,5 m атрофидаги баландликда кесилади;

кесилган устунлар сатҳигача бўлган барча қатор туширилади.

460. Ёғоч материаллари юклари ағдарилиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларни тушириш ишлари горизонтал қаторлар бўйича амалга оширилиши керак.

461. Сирти музлаган, шунингдек қор ёки қиров билан қопланган тахталарни тушириш ва тахлаш (штабеллаш) вақтида уларнинг устида юриш ёки туриш тақиқланади. Бундай тахталар юкчилар ҳаракатланадиган йўлдан олиб ташланиши ҳамда алоҳида тахланиши керак.

462. Думалоқ бочкасимон юкларни (рулон, бочка) тушириш ходалардан фойдаланган ҳолда бригадир раҳбарлиги остида олиб борилади.

Арқонлардан фойдаланмаган ҳолда ходалар бўйлаб думалатиб тушириш пайтида ходалар оралиғида ёки ён тарафида туриш тақиқланади.

463. Ғиштларни қўлда тушириш, олдиндан тайёрлаб қўйилган текис майдончада, қиш пайтида эса қордан ва муздан тозаланган текис майдончаларда амалга оширилади.

464. Кислород баллонларини тушириш ва ортиш махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларда, махсус ўқитилган, йўриқдан ўтган ва белгиланган тартибда ишлаш учун рухсат этилган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

Кислород баллонларини тушириш ва ортиш куннинг ёруғ вақтида амалга оширилади. Зарур ҳолларда, иш жойи етарли даражада ёритилган бўлса куннинг қоронғи вақтида амалга оширилади.

465. Кислород баллонларини ортиш, тушириш ва кўтариб ташишда қуйидагилар тақиқланади:

баллонларни елкада, орқада кўтариб ташиш, қиррасига кўтариб буриб силжитиш ва тушириб бошқасига ортиш, судраш, ташлаш, итариш, баллонларга уриш, бошқа жойга кўчиришда ломдан фойдаланиш;

юкчиларни мойли кийимларда, мойли ифлос қўлқопларда ишга қўйиш;

чекиш ва очиқ оловдан фойдаланиш;

баллонларни кўтариб ташишда вентилдан ушлаш;

баллонларни вентил қопқоғисиз транспортда ташиш;

баллонларни иситиш асбоблари, иссиқ деталлар ва печлар яқинига жойлаштириш, қуёш нурларининг тўғридан-тўғри таъсирида ҳимоясиз қолдириш.

466. Баллондан кислороднинг сизиб чиқиши (вишиллаш) аниқланганда ходим зудлик билан бригадирга хабар бериши керак.

467. Баллонларни тушириш ва юклашда уларга мой тушишидан сақланиш керак.

468. Кислота ва бошқа ўювчи моддаларни ортиш ва тушириш ишлари бригадир раҳбарлигида олиб борилиши керак.

Юк ортиш ва тушириш жойлари яхши ёритилган бўлиши керак.

469. Қутиларга солинган кислотали шишалар ташилганда юкчилар қутиларнинг дастаси созлиги ва мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шиша солинган қутиларни тахлаганда бир қатор қилиб жойлаштириш керак.

470. Кислотали шишаларни ва бошқа ўювчи моддаларни юкчи томонидан якка ҳолда, елкада, орқада ёки олд томонда қўлда ташиш тақиқланади.

471. Ҳар бир шиша махсус чуқурчага эга бўлган икки кишилик замбилда ташилиши керак.

472. Синган шишалар ёки шикастланган идишлар аниқланганда, улардаги моддалар таъсирида куйиш ҳолатларининг олдини олиш учун ишларни эҳтиёткорлик чораларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш керак.

3-боб. Иш ва дам олиш вақтини ташкил этиш тартиби.
1-§. Ходимларнинг иш ва дам олиш вақтларини беришга қўйиладиган талаблар

473. Юк ортиш ва тушириш ҳамда транспорт ишлари билан банд ходимларнинг меҳнат ва дам олиш вақтини белгилаш тартиби ушбу ходимлар фаолият юритаётган ташкилот маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ белгиланиши керак.

474. Ишнинг тугаши ва унинг кейинги куни (сменада) бошланиши ўртасидаги ҳар кунги (сменалар оралиғидаги) дам олиш давомийлиги, шу жумладан дам олиш ва овқатланиш учун танаффус ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

475. Смена жадвали иш берувчи томонидан тегишли касаба уюшмаси ёки ходимларнинг вакиллик органлари билан келишиб, меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиб, ўрнатилган иш ҳафтаси давомийлигига риоя қилган ҳолда тасдиқланиши керак.

476. Смена жадвали, уни кучга киришидан бир ой олдиндан кечиктирмай ходимлар эътиборига тақдим этилиши керак. Ходимларнинг смена бўйича алмашишлари баравар бўлиши керак. Ходимни кетма-кет иккита сменага ишга қўйилиши тақиқланади.

477. Юк ортиш ва тушириш ҳамда транспорт ишларида банд бўлган ходимларнинг қисқартирилган иш вақтлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ белгиланиши керак.

478. Юк ортиш ва тушириш ҳамда транспорт ишларида банд бўлган ходимларнинг меҳнат ва дам олиш вақтини бериш тартиби ташкилот касаба уюшмаси ёки ходимларнинг вакиллик органлари билан келишилиши керак.

2-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилишга қўйиладиган талаблар

479. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

480. Ташкилот раҳбарияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

481. Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади.

482. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

483. Ташкилот раҳбарияти ўз ходимларининг мажбурий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарли оқибатлар учун жавобгар бўлади.

484. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

4-боб. Касбий танлов ва ходимларни ўқитиш
1-§. Касбий танлов тартиби

485. Юк ортиш ва тушириш ҳамда транспорт ишларини бажаришга рухсат этилган ходимлар, мазкур ишлар хусусиятига мос равишдаги ишлар бўйича касбий тайёргарликка эга бўлишлари керак.

486. Иш берувчи ходимларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга мувофиқ меҳнат хавфсизлигига ўқитишни таъминлаши керак.

487. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарори билан тасдиқланган Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

488. Ходимларнинг хавфсизлик талаблари бўйича билимларини текшириш ишга тушиш учун рухсат олишдан олдин ва белгиланган муддатларда даврий амалга оширилади.

489. Юк ортиш ва тушириш ҳамда транспорт ишларини бевосита бажарадиган ходимлар ушбу Қоидалар ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган лавозим ва ишлаб чиқариш йўриқномаларини ўрганиб, белгиланган тартибда билимларини синовдан ўтказишлари ва иш жараёнида уларга риоя этишлари керак.

490. Билимлари текширувдан ўтмаган ходимларнинг кўтарма-транспорт ишларига раҳбарлик қилишлари ёки уларни бажаришларига рухсат этилмайди.

491. Иш берувчи ушбу Қоидаларга мувофиқ қуйидагиларга мажбур:

ходимлар учун касби бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимларни ўқитиш ва билимларини белгиланган муддатларда текширишни ташкил этиш;

махсус кийим-бош ва пойабзал, шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларининг сақланиши ҳамда тўғри ишлатилиши устидан назоратни ташкил этиш;

ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув ва шахсий ҳамда жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати органларининг қарорлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш;

ходимлардан меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишларни бехатар олиб боришга доир қоидаларга риоя этилишини талаб қилиш;

алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатини текшириш учун ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш;

ходимларнинг ишлаб чиқаришда олган жароҳатларининг оғир ёки енгиллиги, жароҳатланишга олиб келувчи касалликлар мавжудлиги ҳамда алкоголь, гиёҳвандлик ёки токсик моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлган-бўлмаганлиги тўғрисида маълумот олиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этганлик учун ходимларни мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш чораларини кўриш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда айбдор бўлган ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш.

2-§. Ходимларни ўқитиш, уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ва уларга йўл-йўриқ беришни ташкил этиш

492. Ташкилот ходимлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқитилиши, уларнинг билимларини синовдан ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқ берилиши керак.

493. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилади ҳамда ташкилот ходимларини ва иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.

494. Ташкилотларда ходимларни меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитиш устидан назорат меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки ушбу вазифалар юклатилган мутахассис томонидан амалга оширилиши керак.

5-боб. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш бўйича талаблар

495. Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

496. Жамоавий ҳимоя қилиш воситаларига қуйидагилар киради:

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини меъёрлаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқиндан, тебранишдан, электр ва статик токлар уришидан ҳамда асбоб-ускуналар юзасини юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

497. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари бўлган хонадаги барча ходимларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва ташкилотни қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

498. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда якка тартибдаги ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим. Бундай ҳолларда якка тартибдаги ҳимоя воситаларисиз ходимларнинг ишга жалб қилиниши тақиқланади.

499. Якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган ходимлар уларни қўллаши, ҳимоя хусусиятлари ва амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши лозим.

500. Ташкилотда қуйидагилар таъминланиши шарт:

якка тартибдаги ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатураси;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назорат амалга оширилиши;

ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлиги текширилиши;

якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан хавфли ва заҳарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларнинг дегазация ва дезинфекция қилиниши (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

501. Турли агрессив моддалар билан ишлаётганда тери касалликларининг олдини олиш учун профилактик паста ва мазлардан фойдаланиш лозим.

6-боб. Якуний қоида

502. Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Юк ортиш ва тушириш ишларида юкчилар учун
ишларнинг хавфсизлиги қоидаларига
1-ИЛОВА

Юклар материалларининг физик хусусиятлари

Юкларни кўтариш учун уларнинг массаси, оғирлик маркази ва юк илиш схемаси маълум бўлиши керак. Бунда, юкнинг массасини қуйидагича аниқланади:

Оддий юклар учун: $Q = mV$; мураккаб юклар учун: $Q = m \Sigma Vi$,

Бу ерда:

Q – юк массаси;

m – материалнинг солиштирма оғирлиги (сон жиҳатдан зичликка тенг);

V – юк ҳажми;

ΣVi – юк ҳажмларининг барча қисмлари йиғиндиси.

Айрим материалларнинг ўзига хос оғирлиги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Материалларнинг солиштирма оғирлиги	
Материаллар	Солиштирма оғирлиги, kg/m^3
Алюминий	2550 – 2700
Бетон	2200
Сув	1000
Вольфрам	19300
Ёғоч:	
Қайин	700
Эман	800
Қарағай	500
Тупроқ, лой	1300 – 2500
Қумтош	2200 – 2500
Қум:	
Қуруқ	1400 – 1600
Нам	1900 – 2000
Ғишт	1420 – 1700
Мис-руҳ қотишмалари (латунь)	8500
Муз	900
Мис	8900
Бўр	2400
Никель	8900
Қалай	7300
Парафин	900
Қўрғошин	11300
Темир:	
қаттиқ	7300
эритилган	7500
Руҳ	6900 – 7300
Чўян:	

оқ	7650
эгилувчан	7300
кулранг	7550
Кўмир	900
Кокс	450
Суюқ азот	790
Бензин	700
Ҳаво (суюқ)	860
Керосин	800
Кислород (суюқ)	1140
Мазут	900

Юкларни илиш нуқталарини танлашда юк кўтариш воситаларининг алоҳида тармоқларига ортиқча юклама тушишининг олдини олиш, шунингдек юкнинг мувозанатини йўқотиши ёки ағдарилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида кўтарилаётган юкнинг оғирлик маркази жойлашуви аниқланиши керак.

Оддий геометрик шаклларнинг оғирлик марказининг ҳажми ва жойлашуви 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Номи	**Ҳажми**	**Оғирлик марказининг ҳолати**
Куб	$V = a^3$	$x = a/2, y = a/2, z = a/2$ $x = y = z = a/2$
Тўртбурчак параллелепипед	$V = abc$	$x = a/2, y = c/2, z = b/2$
Цилиндр	$V = 3,14r^2h$	$x = r, y = 0, z = h/2$
Шар	$V = 3,14D^3/6$	Агар координата ўқлари шарнинг маркази орқали ўтса, у ҳолда $x = y = z = 0$ (оғирлик маркази шарнинг маркази билан бир нуқтада жойлашган бўлади)
Бочка	$V = 3,14/12H\ (2D^2 + d^2)$	$x = y = 0; z = H/2$
Конус	$V = 3,14/12D^2H$	$x = y = 0; z = H/4$
Кесилган конус	$V = (3,14H/3) \times (R^2 + r^2 + Rr)$	$x = y = 0,$ $z = H/4\ (R^2 + 3r^2 + 2Rr)/(R^2 + r^2 + Rr)$
Пирамида	$V = (Fh)/3,$ бу ерда F – квадрат асос юзаси	$x = y = 0, z = h/4$
Кесилган пирамида	$V = h(F + f + Ff)/3$	$x = y = 0,$ $z = h/4((F + 2Ff + 3f)/F) + Ff + f$
Кесилган цилиндр	$V = 3,14R^2\ (h_1 + h_2)/2$	$x = y = 0; z = (h_1 + h_2)/2$

Юк ортиш ва тушириш ишларида юкчилар учун
ишларнинг хавфсизлиги қоидаларига
2-ИЛОВА

Бинолар ичида, очиқ майдончаларда, электр узатиш тармоқлари яқинида ва ҳандақлар олдида юк кўтариш машиналарини ўрнатишнинг энг кам рухсат этилган масофаси

1-жадвал

Т/Р	Меъёрий масофа	Рухсат этилган қийматлар, mm, камида
Ерусти рельсли йўлда ҳаракатланадиган юк кўтариш машиналари (ЮКМ)		
1	ЮКМнинг энг юқори нуқтасидан бино шифтигача, унга маҳкамланган стропил фермалар ҳамда бошқа предметларнинг қуйи белбоғигача, шунингдек юқори қаватда ишлаётган бошқа ЮКМнинг қуйи нуқтасигача бўлган масофа	100
2	Охирги тўсин ва аравачалар тўшамасидан, таянч клапани майдончаси ва галереяси тўшамасидан томнинг яхлит бостирмаси ёки унинг остки қисмигача, унга маҳкамланган стропил фермалар ҳамда бошқа предметларнинг қуйи белбоғигача, шунингдек юқори қаватда ишлаётган бошқа кранниг қуйи нуқтасигача бўлган масофа	1800
3	Кранниг ён томонидан чиқиб турган қисмларидан бинонинг устун ва деворларигача, ўтиш галереяларининг тўсиқларигача бўлган масофа	60
4	ЮКМнинг қуйи габарит нуқтасидан (юк ушлаш органларини ҳисобга олмаганда) кран ишлаб турган пайтда одамлар бўлиши мумкин бўлган цех ва майдончанинг полигача (кранни таъмирлашга мўлжалланган майдончадан ташқари) бўлган масофа	2000
5	ЮКМ кабинаси тачкасининг қуйи габарити билан цех поли оралиғи	2000*
6	ЮКМнинг қуйи чиқиб турган қисмларидан (юк ушлаш органларини ҳисобга олмаганда) унинг ҳаракат зонасида жойлашган ускуналаргача бўлган масофа	400
7	Кранниг бошқарув кабинасига чиқадиган ўтиш майдончаси ёки юк ташийдиган электр аравачанинг полидан бино бостирмасининг қуйи қисмигача ёки бино конструкциясининг чиқиб турган қисмларигача бўлган масофа	1800
8	Бошқарув кабинасининг чиқиб турган қисмларидан ёки троллейларга хизмат кўрсатувчи кабинадан деворгача, ускуналаргача, биноларнинг чиқиб турган қисмларигача, устунларгача, ёрдамчи хоналар томи ва уларга нисбатан кабина ҳаракатланадиган бошқа предметларгача бўлган масофа. Ерусти рельс йўлларида ҳаракатланадиган кранлар учун.	400
9	Кранларнинг чиқиб турган қисмларидан (горизонтал бўйича) қурилмалар, юкларнинг штабеллари ва ер сатҳидан ёки иш майдончасидан қуйидаги баландликда жойлашган бошқа предметларгача бўлган масофа, m: 2 гача 2 дан юқори	 700 400
10	Минора кранининг консоли остида жойлашган (вертикал бўйича) посанги консолидан ёки посангидан одамлар бўлиши мумкин бўлган майдончагача бўлган масофа	2000

11	Краннинг ҳар қандай ҳолатида унинг айланувчи қисми ҳамда қурилмалар, юк штабеллари ва бошқа предметлар ўртасидаги масофа	1000
12	Краннинг ҳар қандай ҳолатида унинг кўтарма сурилма қисми ва юк билан 42 В ҳамда ундан юқори кучланиш остида бўлган ҳаво электр узатиш тармоқларининг энг яқин симлари проекциясининг ердаги вертикал текислиги ўртасидаги масофа	30000**
13	Стрелани кўтаришда белгиланган масофанинг камайишига йўл қўймайдиган чеклагич ўрнатилганда, кран стреласи билан шаҳар транспортининг кучланиш остида бўлган контакт симлари ўртасидаги масофа	1000

Изоҳ:

** Асосланган ҳолатларда 500 дан 1000 мм гача рухсат этилади.*

*** 30 м дан кам бўлганда топшириқ-рухсатнома расмийлаштирилган ҳолда.*

Ҳандақнинг қиялик асосидан кўчма кран стреласининг яқин таянчигача рухсат этилган масофа

2-жадвал

Ҳандақ чуқурлиги, m	Тўкиладиган тупроқ				
	қумли ва шағалли	қумлоқ	қумоқли тупроқ	лойли тупроқ	қуруқ
	Қиялик асосидан энг яқин таянчгача бўлган масофа, m				
1	1,5	1,25	1,0	1,0	1,0
2	3,0	2,4	2,0	1,5	2,0
3	4,0	3,6	3,25	1,75	2,5
4	5,6	4,4	4,0	3,0	3,0
5	6,0	5,3	4,75	3,5	3,5

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3845
2026 - yil 02 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING

BUYRUG‘I

Sug‘urta agentlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 23-iyuldagi 458-son “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Sug‘urta xizmatlari bozorini yanada rivojlantirishning kompleks chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2024-yil 1-martdagi PQ–108-son qarorini amalga oshirish chora-tadbirlari haqida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Sug‘urta agentlari to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki, Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qoʻmitasi, Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil va Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Mazkur buyruqqa ilovaning 4, 10 va 17-bandlari hamda 23-bandining to‘qqizinchi xatboshisi ushbu buyruq kuchga kirgan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach amalga kiritiladi.

Direktor

LI DMITRIY ROMANOVICH

2026-yil 20-aprel

14-son

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil 2026-yil 2-aprel		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Direktor 2026-yil 2-aprel		BURXANOV AKMAL ESHONDEDAYEVICH
Rais 2026-yil 1-aprel		TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH
O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Raisi 2026-yil 19-fevral		ISHMETOV TIMUR AMINDJANOVICH
Rais 2026-yil 16-fevral		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3845/0549-son
03.06.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi
direktorining 2026-yil 20-apreldagi 14-son buyrug‘iga
ILOVA

Sug‘urta agentlari to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi hududida sug‘urta agentlari faoliyatiga doir talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

sug‘urta agenti – sug‘urtalovchi nomidan va uning topshirig‘iga binoan sug‘urta shartnomasini tuzishni hamda uning bajarilishini tashkil etishga doir faoliyatni amalga oshiruvchi jismoniy yoki yuridik shaxs;

topshiriq shartnomasi (agent bitimi) – sug‘urtalovchi va sug‘urta agenti o‘rtasida yozma yoki elektron shaklda tuzilgan shartnoma bo‘lib, unga ko‘ra sug‘urta agenti sug‘urtalovchi nomidan va uning topshirig‘iga asosan hamda u tomonidan berilgan vakolatlar doirasida haq evaziga sug‘urta shartnomalarini tuzish va bajarilishini tashkil etish yuzasidan vositachilik xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha majburiyatlarni o‘z zimmasiga oladi;

vakolatli davlat organi – O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi;

vositachilik haqi – sug‘urta agentiga sug‘urta turlari bo‘yicha vositachilik xizmatini ko‘rsatganlik uchun ushbu Nizom bilan belgilangan miqdorning maksimal chegarasi doirasida sug‘urta mukofotidan ulush sifatida sug‘urtalovchi tomonidan to‘lanadigan to‘lov;

Yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimi – manfaatdor vazirliklar va idoralarning axborot tizimlari va markaziy ma’lumotlar bazalari, jismoniy va yuridik shaxslar markaziy ma’lumotlar bazalari bilan integratsiyalashgan sug‘urta bozori ma’lumotlarini hisobga olish va iste’molchilarga elektron sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatish imkoniyatini ta’minlovchi yagona tizim.

2. Sug‘urta agenti bir vaqtning o‘zida sug‘urtalovchining boshqaruv va nazorat organlari a’zolari va rahbarlari, shuningdek xodimi sifatida ish yuritishi mumkin emas.

3. Sug‘urta agenti sug‘urta shartnomalarini tuzish va bajarilishini tashkil etish yuzasidan vositachilik xizmatlarini sug‘urtalovchining yoki o‘zining dasturiy ta’minoti (axborot tizimlari) orqali elektron shaklda amalga oshirishi mumkin.

Bunda, sug‘urta agentining dasturiy ta’minotida (axborot tizimida) tuzilgan sug‘urta shartnomalari (polislari) to‘g‘risidagi ma’lumotlar o‘zaro integratsiya orqali Yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimi so‘roviga ko‘ra sug‘urta agenti tomonidan yuborilishi shart.

4. Sug‘urta agenti faqat o‘zi bilan topshiriq shartnomasi (agent bitimi) tuzgan sug‘urtalovchining reyestriga kiritilganidan keyin o‘z faoliyatini amalga oshirishi mumkin. Bunda, topshiriq shartnomasi (agent bitimi) tuzilgan kundan boshlab bir kun ichida sug‘urtalovchi tomonidan Yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimida qayd etiladi va sug‘urta agentiga ID raqam beriladi.

Topshiriq shartnomasi (agent bitimi) bekor qilingan hollarda u bekor qilingan kundan boshlab bir kun ichida sug‘urtalovchi tomonidan Yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimida bu haqida qayd kiritiladi.

5. Jismoniy shaxs bo‘lgan sug‘urta agenti o‘z nomiga, yaqin qarindoshlari (ota-onasi, tug‘ishgan va o‘gay aka-uka va opa-singillari, eri, xotini, farzandlari, shu jumladan farzandlikka olinganlar, bobosi, buvisi, nevaralari, shuningdek erining (xotinining) ota-onasi, tug‘ishgan hamda o‘gay aka-uka va opa-singillari) nomiga sug‘urta shartnomalari bo‘yicha hujjatlar yozishga, shuningdek o‘z foydasiga sug‘urta shartnomalari tuzishga hamda bunda mazkur sug‘urta shartnomasi bo‘yicha sug‘urta agenti sifatida ish yuritishga haqli emas.

Yuridik shaxs bo‘lgan sug‘urta agentlari sug‘urta qildiruvchi sifatida ishtirok etadigan sug‘urta shartnomalarida sug‘urta agenti sifatida ish yuritishga haqli emas.

6. Sug‘urta agentining sug‘urta faoliyati to‘g‘risidagi qonunchilik bilan belgilangan vazifalarini boshqa har qanday fuqarolik-huquqiy tusdagi shartnoma asosida amalga oshirish mumkin emas.

7. Bank kreditlari bilan bog‘liq sug‘urta shartnomalari tuzilishida (bankning o‘z tadbirkorlik tavakkalchiligini sug‘urtalash shartnomalari bundan mustasno) kredit beruvchi tijorat banki O‘zbekiston Respublikasi rezidentlari hisoblangan sug‘urtalovchilar nomidan sug‘urta shartnomasi tuzilishini tashkil etish bo‘yicha faoliyatini amalga oshiradi.

Tijorat banki va sug‘urtalovchilarning bosh ofislari o‘rtasida tuzilgan topshiriq shartnomasiga (agent bitimiga) asosan tijorat bankining barcha hududiy bo‘linmalari sug‘urta agenti hisoblanadi. Bunda, sug‘urtalovchi sug‘urta qildiruvchi tomonidan ixtiyoriy ravishda tanlanadi.

Sug‘urta shartnomalarini tuzish va bajarilishini tashkil etish yuzasidan bankning vositachilik xizmatlari faqat mazkur bankning dasturiy ta’minoti (axborot tizimi) orqali amalga oshiriladi.

Bank krediti bilan bog‘liq sug‘urta shartnomasini tuzishda sug‘urta qildiruvchi tanlagan sug‘urtalovchi bilan tijorat banki o‘rtasida topshiriq shartnomasi (agent bitimi) tuzilmagan bo‘lsa, sug‘urta qildiruvchi o‘zi tanlagan sug‘urtalovchi bilan sug‘urta shartnomasini sug‘urta agenti ishtirokisiz to‘g‘ridan-to‘g‘ri tuzadi. Bunda, tuzilgan sug‘urta shartnomasi bankning sug‘urta shartnomasi bo‘yicha talablariga javob berishi lozim.

Bank kreditlari bilan bog‘liq sug‘urta shartnomalarining tuzilishida naf oluvchi hisoblangan tijorat bankidan boshqa shaxslarning sug‘urta agenti sifatida ishtirok etishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

2-bob. Sug‘urtalovchi va sug‘urta agenti o‘rtasida topshiriq shartnomasini (agent bitimini) tuzish tartibi

8. Sug‘urta agenti sug‘urtalovchilar bilan tuzilgan topshiriq shartnomasi (agent bitimi) asosida sug‘urtalovchining nomidan va uning topshirig‘iga binoan sug‘urta shartnomasini tuzish va ijro etilishini tashkil qilish bo‘yicha vositachilik faoliyatini amalga oshiradi.

9. Topshiriq shartnomasi (agent bitimi) yuridik yoki jismoniy shaxs bo‘lgan sug‘urta agenti va sug‘urtalovchi o‘rtasidagi kelishuvga asosan tuziladi.

10. Sug‘urtalovchi topshiriq shartnomasi (agent bitimi) tuzgunga qadar sug‘urta agenti bo‘lishga nomzod jismoniy shaxsni yoki yuridik shaxsning rahbari yoxud xodimini o‘z mablag‘lari hisobidan o‘zi tomonidan tasdiqlangan 12 soatdan kam bo‘lmagan sug‘urta agentlarini tayyorlash kursi bo‘yicha malakasini oshirishi lozim.

Sug‘urta agenti yuridik shaxs bo‘lganda uning shtatida sug‘urta agentlarini tayyorlash kursidan o‘tgan rahbar yoki xodim doimiy ravishda bo‘lishi lozim.

3-bob. Sug‘urta agentlari faoliyatini amalga oshirish tartibi va shartlari

11. Sug‘urta agentlarining faoliyati quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

sug‘urta shartnomasini tuzish uchun mijozlarni qidirish;

sug‘urtalovchi, sug‘urta xizmatlari va mahsulotlari, sug‘urta qoidalari va shartnomalarining talab hamda shartlari to‘g‘risidagi axborotni sug‘urta qildiruvchilarga yetkazish;

sug‘urta shartnomasini tuzish uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlarni sug‘urta qildiruvchidan olish;

sug‘urta shartnomasini (sug‘urta polisini) tuzish uchun zarur bo‘lgan hujjatlarni tayyorlash yoki rasmiylashtirish;

sug‘urta da’volarini hal qilish jarayonida sug‘urtalovchi va sug‘urta qildiruvchi o‘rtasida axborotning o‘z vaqtida va sifatli almashinishini ta’minlash;

tegishli kelishuv mavjud bo‘lganda sug‘urtalovchining topshirig‘i bo‘yicha va uning hisobidan sug‘urta tovonlarini (to‘lovlarini) to‘lanishini tashkillashtirish;

o‘zining dasturiy ta’minoti (axborot tizimi) orqali sug‘urta shartnomalarini tuzish va bajarilishini tashkil etish yuzasidan vositachilik xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxs bo‘lgan sug‘urta agenti mijozlarni qo‘llab-quvvatlash xizmatini (call-markaz, interaktiv muloqot tizimi va boshqalar) uzluksiz ravishda ko‘rsatish;

axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda faoliyatini yuritish;

qonunchilik hujjatlariga zid bo‘lmagan boshqa xizmatlarni ko‘rsatish.

12. Sug‘urta agenti sug‘urta shartnomasini tuzishda:

sug‘urta qildiruvchining manfaatlaridan kelib chiqib vakolatli davlat organi tomonidan belgilangan sug‘urta shartnomasining shartlariga qo‘yiladigan eng kam talablarga rioya qilinishini ta’minlashi;

sug‘urta xizmatlari ko‘rsatilishining sifati bo‘yicha vakolatli davlat organi tomonidan yuritiladigan sug‘urtalovchilar reytingi bilan sug‘urta qildiruvchilarni tanishtirishi lozim.

13. Sug‘urta agentining huquq va majburiyatlari sug‘urtalovchi bilan tuziladigan topshiriq shartnomasida (agent bitimida) belgilanadi va sug‘urta faoliyati to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlarida belgilangan sug‘urta agentining huquq va majburiyatlariga zid bo‘lishi mumkin emas.

14. Topshiriq shartnomasi (agent bitimi) quyidagi muhim shartlarni nazarda tutishi lozim:

topshiriq shartnomasi (agent bitimi) tuzilgan sana;

sug‘urtalovchi tomonidan sug‘urta agentiga berilgan vakolatlar doirasida sug‘urta shartnomasi tuzilishi mumkin bo‘lgan sug‘urta turlari;

sug‘urta turlari bo‘yicha vositachilik haqining miqdorlari;

o‘zaro hisob-kitob qilish tartibi va muddatlari;

sug‘urtalovchi va sug‘urta agentining huquq va majburiyatlari;

topshiriq shartnomasi (agent bitimi) majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda tomonlarning javobgarligi;

nizolarni hal qilish tartibi;

tomonlarning rekvizitlari.

15. Sug‘urta agenti vositachiligida tuzilgan sug‘urta shartnomalari bo‘yicha vositachilik haqi sug‘urtalovchining bank hisob raqamiga kelib tushgan sug‘urta mukofotlarining 25 foizidan oshmagan holda amalga oshiriladi.

Topshiriq shartnomasi (agent bitimi) asosida sug’urta agentlari ishtirokida tuzilgan sug’urta shartnomalari bo’yicha sug’urtalovchilarning xodimlariga agent bitimida ko’rsatilgan vositachilik xizmatlari uchun hamda unda ko’rsatilgan usulda haq to’lash taqiqlanadi.

16. Sug‘urta shartnomalari muddatidan oldin bekor qilinganda sug‘urta shartnomalari bo‘yicha vositachilik haqi sug‘urta agenti tomonidan sug‘urtalovchiga sug‘urta shartnomasining muddati o‘tmagan davriga mutanosib miqdorda qaytarilishi lozim.

17. Topshiriq shartnomasidagi (agent bitimidagi) huquq va majburiyatlar hamda ushbu bitim doirasida tuzilgan sug‘urta shartnomalari bo‘yicha vositachilik xizmatlari uchinchi shaxsga o‘tkazilishi mumkin emas.

18. Elektron sug‘urta shartnomalarining (sug‘urta polislarining) hisobi Sug‘urta xizmatlarini elektron shaklda ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizomda (ro‘yxat raqami 3571, 2024-yil 11-noyabr) belgilangan tartibda yuritiladi.

19. Topshiriq shartnomasi (agent bitimi) bo‘yicha majburiyatlarning qisman yoki to‘liq bajarilmasligi yengib bo‘lmas kuch (fors-major), shu jumladan yong‘in, tabiiy ofatlar, urushlar, har qanday tusdagi harbiy harakatlar, umumiy ish tashlashlar, qo‘poruvchilik va terrorchilik harakatlari, avariyalar tufayli yuz berganda, agar bu holatlar topshiriq shartnomasining (agent bitimining) bajarilishiga bevosita ta’sir ko‘rsatgan bo‘lsa, topshiriq shartnomasi (agent bitimi) taraflari javobgarlikdan ozod qilinadi.

Bunda, topshiriq shartnomasi (agent bitimi) bo‘yicha majburiyatlarni bajarish muddati bunday holatlar mavjud bo‘ladigan vaqtga mutanosib tarzda uzaytiriladi.

4-bob. Sug‘urta agentlari faoliyatini nazorat qilish

20. Sug‘urta agentlari faoliyati ustidan nazoratni topshiriq shartnomasiga (agent bitimiga) muvofiq sug‘urtalovchi amalga oshiradi.

21. Sug‘urtalovchi tomonidan sug‘urta agentlari faoliyati har olti oyda kamida bir marta monitoringdan o‘tkaziladi. Monitoring jarayonida quyidagi masalalar o‘rganiladi:

sug‘urta agenti faoliyatining haqqoniyligi va qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi;

sug‘urta agentlari vositachiligida tuzilgan sug‘urta shartnomalarining (sug‘urta polislarining) va ular bo‘yicha amalga oshirilgan operatsiyalarning sug‘urta faoliyati to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi;

sug‘urta shartnomalari (sug‘urta polislari) bo‘yicha sug‘urtalovchining bank hisob raqamiga kelib tushgan sug‘urta mukofotlarining hisobi;

sug‘urta agentlari vositachiligida tuzilgan sug‘urta shartnomalarining (sug‘urta polislarining) hisobi;

sug‘urtalovchiga topshirilgan va sug‘urta qildiruvchilarga berilgan hujjatlardagi yozuvlarning mosligi;

sug‘urta agenti vositachiligida tuzilgan sug‘urta shartnomalari muddatidan oldin bekor qilinganda sug‘urta agenti tomonidan vositachilik haqi sug‘urta shartnomasining muddati o‘tmagan davriga mutanosib miqdorda sug‘urtalovchiga qaytarilganligining hisobi;

sug‘urta agenti tomonidan topshiriq shartnomasiga (agent bitimiga) muvofiq qabul qilingan majburiyatlarning bajarilishi bilan bog‘liq boshqa masalalar.

Monitoring yakuni bo‘yicha sug‘urtalovchi tomonidan ikki nusxada dalolatnoma tuziladi hamda sug‘urtalovchi va sug‘urta agenti tomonidan imzolanadi. Agar sug‘urta agenti dalolatnomani imzolashdan bosh tortsa, bu to‘g‘risida dalolatnomaga xolislar ishtirokida tegishli yozuv kiritiladi.

Dalolatnomani saqlash muddati besh yilni tashkil etadi.

22. Sug‘urta agenti tomonidan ushbu Nizomda va qonunchilik hujjatlarida belgilangan talab va shartlarga rioya qilinmaganda ushbu sug‘urta agenti vositachiligida tuzilgan sug‘urta shartnomalarini Yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimida ro‘yxatdan o‘tkazish va sug‘urta polislarini rasmiylashtirish Sugʻurta xizmatlarini elektron shaklda koʻrsatish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga (roʻyxat raqami 3571, 2024-yil 11-noyabr) muvofiq to‘xtatiladi.

23. Sug‘urtalovchi topshiriq shartnomasini (agent bitimini) quyidagi hollarda bekor qilishi shart:

sug‘urta agenti tomonidan qabul qilingan majburiyatlarni bajarishdan asossiz ravishda bosh tortilganligi tasdiqlanganda;

topshiriq shartnomasi (agent bitimi) amal qilish davrida olti oy davomida vositachilik faoliyati amalga oshirilmaganda;

sug‘urta agenti – jismoniy shaxs vafot etganda, qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda to‘lovga qobiliyatsiz yoki muomalaga layoqatsiz (muomala layoqati cheklangan) deb topilganda;

sug‘urta agenti – yuridik shaxs qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda to‘lovga qobiliyatsiz deb topilganda yoki tugatilganda;

javobgarlikka tortilgan sug‘urta agenti – jismoniy shaxsga nisbatan sug‘urta agenti faoliyatini davom ettirish imkoniyatini istisno qiluvchi sud hujjati qonuniy kuchga kirganda;

o‘zining dasturiy ta’minoti (axborot tizimi) orqali sug‘urta shartnomalarini tuzish va bajarilishini tashkil etish yuzasidan vositachilik xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxs bo‘lgan sug‘urta agenti mijozlarni qo‘llab-quvvatlash xizmatini (call-markaz, interaktiv muloqot tizimi va boshqalar) uzluksiz ravishda ko‘rsatmaganda;

sug‘urtalovchining litsenziyasi bekor qilinganda;

sug‘urta agenti insofsiz sug‘urta agentlari reyestriga kiritilganda;

sug‘urta agenti tomonidan qonunchilik hujjatlariga va mazkur Nizom talablariga rioya qilinmaganligi aniqlanganda.

24. Vakolatli davlat organi yoki sudning sug‘urtalovchi litsenziyasining amal qilishini to‘xtatib turish to‘g‘risidagi qarori qabul qilingan taqdirda sug‘urtalovchi bu haqida sug‘urta agentlarini shu kunning o‘zida yozma yoki elektron shaklda xabardor qilishi hamda o‘z rasmiy veb-saytida e’lon qilishi shart.

25. Vakolatli davlat organi sug‘urtalovchilar bilan sug‘urta agentlari o‘rtasidagi munosabatlarni tartibga solishda quyidagi huquqlarga ega:

mazkur Nizomda keltirilgan faoliyatni sug‘urta agentlari tomonidan lozim darajada bajarilishini sug‘urtalovchi ishtirokida o‘rganish;

sug‘urtalovchidan sug‘urta agentlari faoliyatiga doir axborotlarni so‘rab olish.

26. Vakolatli davlat organi tomonidan insofsiz sug‘urta agentlarining reyestri (bundan buyon matnda reyestr deb yuritiladi) yuritiladi.

Reyestr vakolatli davlat organining rasmiy veb-saytida barcha foydalanuvchilar uchun ochiq e’lon qilinadi.

27. Sug‘urta agenti quyidagi hollarda reyestrga kiritiladi:

sudning qaroriga ko‘ra firibgarlik, soxtalashtirish va korrupsiya bilan bog‘liq jinoyatlarni sodir etganlikda aybdor deb topilganda;

bila turib yolg‘on yoki soxta hujjatlar asosida sug‘urta shartnomalarini tuzganligi aniqlanganda;

sud tomonidan topshiriq shartnomasi (agent bitimi) shartlarini bajarmaganlikda yoki lozim darajada bajarmaganlikda aybdor deb topilganda.

Mazkur bandning ikkinchi-to‘rtinchi xatboshilarida nazarda tutilgan holatlardan biri yuz berganda sug‘urtalovchi mazkur holatlar unga ma’lum bo‘lgan paytdan e’tiboran besh kun ichida vakolatli davlat organini yozma ravishda xabardor qilishi shart.

Reyestrga sug‘urta agentlari bir yil muddatga yoki sudning qarorida ko‘rsatilgan muddatga kiritiladi. Ushbu muddat tugaganidan keyin sug‘urta agenti reyestrdan chiqarilgan hisoblanadi.

Reyestrga sug‘urta agenti vakolatli davlat organining qaroriga asosan kiritiladi hamda ushbu qaror yuzasidan sud tartibida shikoyat qilinishi mumkin.

5-bob. Yakuniy qoida

28. Mazkur Nizom talablarini buzganlikda aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1855-2
2026 - yil 04 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG‘I

Fond bozorida axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanishga o‘rnatilgan talablar to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Qimmatli qog‘ozlar bozori to‘g‘risida”gi, “Telekommunikatsiyalar to‘g‘risida”gi va “Elektron raqamli imzo to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 1-avgustdagi 2008-13-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1855, 2008-yil 9-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008- y., 37-38-son, 386-modda) bilan tasdiqlangan Fond bozorida axborot- kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanishga o‘rnatilgan talablar to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi, Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 21-may
21-son

LI DMITRIY ROMANOVICH

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 12-may		SHERMATOV SHERZOD XOTAMOVICH
Rais 2026-yil 8-aprel		TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil 2026-yil 7-aprel		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar
milliy agentligi direktorining 2026-yil
21-maydagi 21-son buyrug‘iga
ILOVA

Fond bozorida axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanishga o‘rnatilgan talablar to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom fond bozorida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishga, qimmatli qog‘ozlar bozorida foydalanilayotgan texnologiyalarni unifikatsiyalash va standartlashtirishga bo‘lgan talablarni o‘rnatadi.”.

2. 1-bandda:

to‘rtinchi – oltinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“telekommunikatsiyalar operatori (bundan buyon matnda operator deb yuritiladi) — mulk huquqi yoki boshqa ashyoviy huquqlar asosida telekommunikatsiyalar infratuzilmasiga ega bo‘lgan, uning ishlashini, rivojlanishini ta’minlovchi va telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxs;

telekommunikatsiyalar xizmatlari — foydalanuvchilarga operator va telekommunikatsiyalar xizmatlari provayderi tomonidan telekommunikatsiyalar asosida taqdim etiladigan xizmatlar;

telekommunikatsiyalar xizmatlari provayderi (bundan buyon matnda provayder deb yuritiladi) — foydalanuvchilarga operatorlar tarmog‘i orqali tijorat asosida telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxs;”;

o‘n birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“elektron raqamli imzo (bundan buyon matnda ERI deb yuritiladi) — elektron hujjatdagi mazkur elektron hujjat axborotini ERIning yopiq kalitidan foydalangan holda maxsus o‘zgarishlar natijasida hosil qilingan hamda ERIning ochiq kaliti yordamida elektron hujjatdagi axborotda xatolik mavjud emasligini aniqlash va ERI kalitining egasini identifikatsiya qilish imkonini beradigan imzo;”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3431-3
2026 - yil 04 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

To‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2023-yil 18-apreldagi 8/3-son qarori (ro‘yxat raqami 3431, 2023-yil 5-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 10.05.2023-y., 10/23/3431/0265-son) bilan tasdiqlangan To‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi

2026-yil 26-may
15/2-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

Kelishildi:

Rais 2026-yil 13-may		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil 2026-yil 12-may		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2026-yil
26-maydagi 15/2-son qaroriga
ILOVA

Toʻlov tizimi operatorlari va toʻlov tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga kiritilayotgan qoʻshimcha va oʻzgartirishlar

1. 1-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan toʻldirilsin:

“**benefitsiar mulkdor** – toʻlov tizimi operatori yoki toʻlov tashkilotiga pirovardida egalik qiluvchi yoki uni nazorat qiluvchi jismoniy shaxs (jismoniy shaxslar).”.

2. 6-bandning toʻrtinchi xatboshisidagi “muassislari (aksiyadorlari)” degan soʻzlar “benefitsiar mulkdori, muassislari (aksiyadorlari)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

3. 11-bandning birinchi xatboshisidagi “muassislari (aksiyadorlari)” degan soʻzlar “benefitsiar mulkdori yoxud muassislari (aksiyadorlari)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

4. 5-bobning nomidagi “muassislari (aksiyadorlari)” degan soʻzlar “benefitsiar mulkdori, muassislari (aksiyadorlari)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

5. 13-bandda:

birinchi xatboshidagi “muassislari (aksiyadorlari)” degan soʻzlar “benefitsiar mulkdori, muassislari (aksiyadorlari)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi – beshinchi xatboshilardagi “muassislar (aksiyadorlar)” degan soʻzlar “benefitsiar mulkdor, muassislar (aksiyadorlar)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3582-2
2026 - yil 04 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI

Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasining 19-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 25-martdagi PF–46-son “Atmosfera havosi sifatini yaxshilashga qaratilgan “Toza havo” umummilliy loyihasini amalga oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2024-yil 5-dekabrdagi 13-mb-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3582, 2024-yil 10-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 13.12.2024-y., 10/24/3582/1021-son) bilan tasdiqlangan Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasining 19-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“19. Statistika dasturi loyihasi tasdiqlash uchun kiritilishidan oldin Milliy statistika qo‘mitasi tomonidan unda belgilanadigan Statistika dasturining:

qiymati O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan;

ekologik xususiyatga ega statistika hisobotlarini yig‘ish va ma’lumotlarni tarqatish masalalari O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi bilan kelishilishi lozim.”.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais
2026-yil 22-may
2-mb-son

HAMRAYEV BEHZOD
SAYLIXONOVICH

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 22-may		KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH
Vazir o‘rinbosari 2026-yil 12-may		QUTBIDDINOV ISKANDARBEK ALISHER O‘G‘LI

22 (1250)-son
558-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3846
2026 - yil 04 - Iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ тизимлар орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги ПҚ–100-сон “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси **қарор қилади:**

1. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ тизимлар орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги билан келишилган.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир
2026-yil 22-may
8-son



XIDOYATOV SHERZOD
SAIDJANOVICH

Vazir
2026-yil 15-may
100-son



MIRZAMAHMUDOV JO‘RABEK
TURSUNPULATOVICH

Inspeksiya boshlig'i
2026-yil 30-mart
19-son



ISAQULOV DADAJON
AYNAQULOVICH

Kelishildi:

Direktor
2026-yil 19-mart



BADRIDDINOV ZIYOVIDDIN
BOSITOVICH

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 22 майдаги 8-сон, Энергетика вазирлигининг 2026 йил 15 майдаги 100-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг 2026 йил 30 мартдаги 19-сон қарорига 1-ИЛОВА

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ тизимлар орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимлари орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг талаблари иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи ва иссиқлик таъминоти корхоналари учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Низомнинг талаблари индивидуал иссиқлик таъминотига эга истеъмолчиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ишлаб чиқарувчи – иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

иссиқлик таъминоти корхонаси – иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномаси бўйича иссиқлик энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс, шу жумладан улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи;

иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси – иссиқлик тармоғининг иссиқлик таъминоти корхонаси билан истеъмолчи ўртасидаги бўлиниш нуқтаси, у иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублиги билан аниқланади;

очиқ иссиқлик таъминоти тизими – иссиқлик таъминоти тизимининг тури бўлиб, бунда иссиқлик таъминоти тармоқларидан олинган иситиш сувининг бир қисми тўғридан-тўғри коммунал-маиший эҳтиёжлар учун иссиқ сув сифатида фойдаланилади ва иссиқлик энергияси манбаига қайтарилмайди;

ёпиқ иссиқлик таъминоти тизими – қувур тармоқлари орқали ҳаракатланувчи иситилган сув фақат иссиқлик ташувчи сифатида фойдаланиладиган ҳамда иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқлик тармоғидан сув олишга йўл қўйилмайдиган иссиқлик таъминоти тизими;

энергетик тавсифлар – иссиқлик тармоқларининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар бўлиб, иссиқлик энергиясини узатиш жараёнидаги йўқотишлар ва ресурслар сарфланишини, шу жумладан тармоқ сувининг йўқотилишини ҳамда насос агрегатлари томонидан электр энергиясининг истеъмол қилинишини ифодалайди;

режим-карта – турли иш режими ва эксплуатация шароитларида қозон ускуналарининг ишлаш параметрлари ҳамда уларни бошқариш бўйича маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат (ишлаб чиқарувчининг мутахассислари томонидан қозон ускуналари ишга туширилганидан ёки эксплуатация синовлари якунланганидан сўнг расмийлаштирилади);

шартли ёқилғи – кўмир, табиий газ, нефть маҳсулотлари ва бошқа ёқилғи турларининг иссиқлик қийматини солиштириш ва ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган меъёрий ёқилғи (1 килограмм шартли ёқилғининг ёнишидан 7 000 килокалория (≈ 29 300 киложоул) иссиқлик ажралишига тенг деб қабул қилинади);

энтальпия – термодинамик тизимнинг умумий энергия захирасини ифодаловчи функцияси (тизимнинг ички энергияси билан унинг эгаллаган ҳажмини ушлаб туриш учун сарфланадиган энергия йиғиндиси).

2. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимлари орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш мазкур Низомнинг иловасида келтирилган методикага мувофиқ амалга оширилади.

3. Иссиқлик энергияси истеъмолининг ҳажми ҳамда қозонхоналар қувватидан қатъи назар, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш жараёнларида ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг барча кўрсаткичлари, шунингдек қозонхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфлари ҳамда иссиқлик тармоқларидаги технологик йўқотишлар меъёрланиши керак.

4. Ишлаб чиқарувчи ва иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун ёқилғи-энергетика ресурслари сарфларининг меъёрлари (шартли ҳисобда) ёқилғининг ҳар бир тури бўйича алоҳида ишлаб чиқилади.

5. Ёқилғи-энергетика ресурслари сарфларининг меъёрларини ишлаб чиқишда қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

ёқилғи-энергетика ресурслари сарфларининг меъёрлари барча босқичларда ягона услубий асосда ишлаб чиқилиши;

ҳар бир иссиқлик манбаи ва унга уланган иссиқлик тармоқлари кесимида алоҳида белгиланиши;

иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқариш шароитлари, инновацион технологияларнинг қўлланиши ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга доир ташкилий-техник чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши;

иссиқлик таъминоти тизимини комплекс модернизация қилиш ва энергия тежовчи замонавий технологиялар асосида унинг техник даражасининг оширилиши, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда эришилган энг юқори самарадорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфларининг меъёрлари ҳар йил якунида қайта кўриб чиқилиши.

6. Ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи меъёрларининг амал қилиш муддати давомида мазкур меъёрларни оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

2-боб. Ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи меъёрларининг тузилмаси ва ишлаб чиқиш усуллари

7. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи меъёрлари қуйидаги асосий белгилар бўйича таснифланади:

қамров даражасига кўра – якка, гуруҳли ҳамда корхона ёки объект бўйича;

аниқлаш усулига кўра – ҳисоб-таҳлил, тажрибавий (экспериментал) ва ҳисоб-статистик;

сарфларнинг таркибига кўра – технологик ҳамда умумий ишлаб чиқариш;

амал қилиш даврига кўра – йиллик, чораклик ва ойлик.

8. Қуйидаги сарфлар ёқилғи-энергетика ресурслари сарфининг технологик меъёрларига киритилмаслиги зарур:

авариялар ва фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ сарфлар;

синов ҳамда таъмирлаш ишлари жараёнидаги сарфлар;

қозонхона агрегатлари ва ускуналарини монтаж қилиш, созлаш ва ишга тушириш давридаги сарфлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 октябрдаги 609-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ҳамда режим-карталар талабларидан четга чиқиш натижасида юзага келган ортиқча сарфлар;

ёқилғи-энергетика ресурсларини сақлаш ва ташиш (узатиш) жараёнидаги йўқотишлар.

9. Ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи меъёрларини ишлаб чиқишда асосий усул сифатида ҳисоб-таҳлил усули қўлланилиши лозим. Бунда тажрибавий (экспериментал) ҳамда ҳисоб-статистик усуллардан ҳам фойдаланишга йўл қўйилади.

Ҳисоб-таҳлил усули ёқилғи-энергетика ресурслари сарфларининг технологик параметрларини таҳлил қилиш ҳамда ҳисоб-китоблар асосида ушбу меъёрларни белгилашни назарда тутади.

10. Тажрибавий (экспериментал) усул қозонхона қурилмалари ҳамда иссиқлик тармоқларида ўтказилган синов ва ўлчов ишлари натижаларига асосланган ҳолда ёқилғи, иссиқлик ва электр энергиясининг солиштирма сарфини аниқлаш учун қўлланилади.

11. Ҳисоб-статистик усул технологик, ҳисоб-таҳлил ва тажрибавий (экспериментал) усулларни қўллаш имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда фойдаланилиши, бунда охирги уч йил давомида ёқилғи-энергетика ресурсларининг ҳақиқий солиштирма сарфи динамикаси ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилиниши асосида ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи меъёрлари белгиланиши керак.

12. Ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи меъёрларини ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

қозонхона агрегатларининг норматив тавсифлари, режим-карталари, ускуналарнинг техник паспортлари ҳамда технологик регламентлари;

лойиҳавий ва техник йўриқномалар, техник-иқтисодий асослар, иссиқлик юкламаларининг ҳисоб-китоблари;

ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолининг истиқболли кўрсаткичлари, статистик ҳисобот маълумотлари ҳамда улардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режалари;

қозонхоналарнинг ҳақиқий техник кўрсаткичлари ва иш режимлари (унумдорлик, босим, фойдали иш коэффициенти, ёқилғи сарфи, ишланган вақт ва юкламалар);

иссиқлик тармоқларининг энергетик тавсифлари.

3-боб. Энергетик тавсифларни ҳисоблаш

13. Иссиқлик тармоқларининг энергетик тавсифлари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқилади:

тармоқ сувининг йўқотилиши;

иссиқлик энергиясининг йўқотилиши;

истеъмолчиларнинг уланган иссиқлик юкламаси учун тармоқ сувининг ўртача соатлик сарфи ҳамда узатувчи ва қайтувчи қувурлардаги тармоқ суви ҳарорати;

иссиқлик энергиясини ташиш ва тақсимлаш учун электр энергиясининг солиштирма сарфи (бундан буён матнда электр энергиясининг солиштирма сарфи деб юритилади).

14. Иссиқлик энергиясини узатишда технологик йўқотишлар бўйича меъёрларни ишлаб чиқишда техник жиҳатдан асосланган энергетик тавсифлардан фойдаланилади ҳамда тармоқ сувининг, иссиқлик энергиясининг йўқотилиши ҳамда электр энергиясининг солиштирма сарфи кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Тармоқ сувининг йўқотилиши кўрсаткичи бўйича иссиқлик тармоғининг энергетик тавсифи иссиқлик ташувчини тақсимлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида тармоқ суви йўқотилиши миқдорининг иссиқлик таъминоти тизимининг хусусиятлари ҳамда иш режимига боғлиқлигини белгилайди.

Иссиқлик энергиясининг йўқотилиши кўрсаткичи бўйича иссиқлик тармоғининг энергетик тавсифи иссиқлик энергиясини иссиқлик тармоқларининг баланс чегарасигача ташиш ва тақсимлаш жараёнидаги йўқотишлар миқдорининг иссиқлик тармоқларининг конструктив хусусиятлари, иш ҳарорати ва ташқи иқлим омилларига боғлиқлигини белгилайди.

Иссиқлик тармоғининг гидравлик энергетик тавсифи (электр энергиясининг солиштирма сарфи кўрсаткичи асосидаги энергетик тавсиф) иссиқлик тармоқларида иссиқлик энергиясини ташиш ва тақсимлаш учун меъёрланган соатлик электр энергияси сарфининг иссиқлик энергиясининг меъёрланган ўртача суткалик таъминотига нисбати иситиш мавсумидаги ташқи ҳаво ҳароратига боғлиқлигини белгилаши зарур.

15. Энергетик тавсифлар камида беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилиши керак. Бунда улар қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилади:

норматив тавсифларнинг амал қилиш муддати тугаганда;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ёки бошқа норматив ҳужжатлар ўзгарганда;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ускуналарининг таркиби ёки техник кўрсаткичлари ўзгарганда.

Иссиқлик тармоқларининг энергетик тавсифларини қайта кўриб чиқиш иссиқлик таъминоти тизимининг иш шароитлари қуйидаги чегаралардан ошган ҳолларда амалга оширилиши зарур:

а) тармоқ сувининг йўқотилиши кўрсаткичи бўйича:

иссиқлик тармоқлари қувурларининг умумий ҳажми 5 фоизга ўзгарганда;

иссиқлик истеъмоли ички тизимларининг ҳажми 5 фоизга ўзгарганда;

б) иссиқлик энергиясининг йўқотилиши кўрсаткичи бўйича:

кейинги синовлар натижаларига кўра иссиқлик йўқотилиши миқдори аввалги кўрсаткичларга нисбатан 5 фоизга ўзгарганда;

иссиқлик тармоқларининг моддий-техник тавсифлари 5 фоизга ўзгарганда;

иссиқлик энергиясини етказиб беришнинг ҳарорат жадвали ўзгарганда;

в) истеъмолчиларнинг уланган иссиқлик юкламаси учун тармоқ сувининг ўртача соатлик истеъмоли ҳамда узатувчи ва қайтувчи қувурлардаги тармоқ суви ҳароратлари фарқи кўрсаткичлари бўйича:

иссиқлик энергиясини етказиб беришнинг ҳарорат жадвали ўзгарганда;

шартномавий иссиқлик юкламалари 5 фоизга ўзгарганда;

иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик йўқотишлари энергетик тавсифни қайта кўриб чиқишни талаб этадиган даражада ўзгарганда;

г) электр энергиясининг солиштирма сарфи кўрсаткичи бўйича:

иссиқлик тармоғида ўрнатилган насос станциялари, марказий иссиқлик пунктлари (бундан буён матнда МИП деб юритилади) ёки индивидуал иссиқлик пунктлари (бундан буён матнда ИИП деб юритилади) сони ўзгарганда, агар янги уланган ёки балансдан чиқарилган насос двигателлари МИП ва ИИПларнинг қуввати натижасида электр энергияси истеъмолининг меъёрий кўрсаткичлардан 5 фоизга ўзгарса;

насос станцияларининг қуввати (миқдори) ўзгарганда;

насос станциялари, МИП ва ИИП иш шароитларини ўзгартиришда (автоматлаштириш, насос агрегатлари ғилдиракларининг диаметрларини ўзгартириш, тармоқ сувининг сарфи ва босимини ўзгартириш) электр жиҳозларининг умумий электр қуввати 5 фоизга ўзгарган бўлса.

16. Кўрсаткичлардан бири учун энергетик тавсифларни қайта кўриб чиқиш натижасида шартлар ёки дастлабки маълумотлар ўзгарган бошқа кўрсаткичларнинг энергетик тавсифларига тузатиш киритилади (агар кўрсаткичлар ўртасида энергетик тавсифларни ишлаб чиқиш методикасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлса).

4-боб. Иссиқлик тармоқларида иссиқлик юкламалари ва технологик йўқотишлар меъёрларини ҳисоблаш

17. Ишлаб чиқарувчи ва иссиқлик таъминоти корхонаси ҳар бир алоҳида қозонхона бўйича (конденсацион турдаги буғ-турбинали иссиқлик электр станциялари бундан мустасно) қуйидагиларни ўз ичига олган ҳисоб-китобларни амалга ошириши лозим:

ҳудуднинг иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар ой учун истеъмолчиларнинг иситиш, шамоллатиш (вентиляция) ҳамда иссиқ сув таъминоти тизимларига зарур бўлган иссиқлик юкламаларини;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун ёқилғи-энергетика ресурсларининг солиштирма сарфи бўйича жамланма меъёрларни;

иссиқлик манбаининг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик сарфи, технологик ускуналарда ҳамда иссиқлик тармоқларидаги йўқотишларни;

узатувчи ва қайтувчи қувурлардаги иссиқлик ташувчининг параметрлари ҳамда ташқи муҳит (тупроқ ёки ҳаво) ҳароратини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик энергиясининг меъёрий йўқотишлари бўйича ойлик ҳисоб-китобни.

18. Ҳар бир алоҳида қозон агрегати бўйича иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун ёқилғи-энергетика ресурсларининг солиштирма сарфи агрегатнинг норматив тавсифи асосида индивидуал меъёр сифатида белгиланади. Бунда меъёрлар асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг амалда эришилган энергия самарадорлиги кўрсаткичларини акс эттириши лозим.

19. Ишлаб чиқарилаётган ва узатилаётган иссиқлик энергияси учун ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи қуйидаги ўлчов бирликларида белгиланиши лозим:

ёқилғи – килограмм шартли ёқилғида (kg sh.yo/Gcal);

электр энергияси – киловатт-соатларда (kW·h/Gcal);

иссиқлик энергияси – гигакалорияларда (Gcal) ёки фоизларда (%);

сув – метр кубларда (m^3/Gcal).

20. Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмоли ҳамда иссиқлик энергиясини узатиш бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

навбатчилик журнали;

қозон агрегатларининг суткалик қайдномалари;

ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи ҳисоблагичлари (табиий газ, электр энергияси, сув) кўрсаткичлари асосида тузилган далолатномалар;

иссиқлик энергияси ҳисоблагичлари кўрсаткичлари асосида тузилган далолатномалар.

Ушбу ҳужжатлар барча кейинги ҳисоботлар ва ҳисоблашлар учун асос ҳисобланади. Бу ҳужжатлар камида беш йил муддатда сақланиши ва ахборот хавфсизлигига мувофиқ архивланиши лозим.

Ишлаб чиқарувчи ва иссиқлик таъминоти корхонаси ҳисобот ҳужжатларининг ҳаққонийлиги ва сақлаш талабларининг бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган, етказиб берилган ва йўқотилган иссиқлик энергияси ҳисоби иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси доирасида юритилиши керак.

Истеъмолчи балансида бўлган иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари истеъмолчининг зиммасига юкланади.

5-боб. Ёқилғи-энергетика ресурслари сарфлари ва иссиқлик энергияси йўқотишлари меъёрларини тасдиқлаш

21. Ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимлари орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш меъёрларининг ҳисоб-китоб маълумотларини ҳар йили 1 ноябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (бундан буён матнда Ўзэнергоинспекция деб юритилади) ҳудудий бошқармаларига ҳамда 1 декабрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Иссиқликтаъминоти” акциядорлик жамиятига (бундан буён матнда “Иссиқликтаъминоти” АЖ) келишиш учун тақдим этади.

Ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатлар қуйидаги талабларга мувофиқ расмийлаштирилади:

саҳифалари рақамланган, ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонаси раҳбари томонидан имзоланган бўлиши;

молиявий ҳужжатлар ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонаси раҳбари ҳамда бош бухгалтер томонидан имзоланган бўлиши;

асослантирувчи маълумотлар бир йиллик ҳисобот даври бўйича шакллантирилган бўлиши.

22. “Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда Ўзэнергоинспекциянинг ҳудудий бошқармалари ушбу Низомнинг 21-банди биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатларни улар тақдим этилган кундан эътиборан етти календарь кундан кечиктирмасдан кўриб чиқади ҳамда эътирозларсиз келишади ёки ушбу Низомнинг 23-бандига асосан ҳужжатларни қайтариш бўйича асослар мавжуд бўлганда бу ҳақида ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонасига ёзма ёки электрон шаклда хабар беради.

23. “Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда Ўзэнергоинспекциянинг ҳудудий бошқармалари томонидан ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонасига ҳужжатларни қайтариш учун қуйидагилар асос бўлади:

ҳисоб-китоблар ушбу Низом талабларига мувофиқ тайёрланмаган бўлса;

ҳисоб-китобларда қўлланилган ҳисоблаш маълумотлари тўлиқ тақдим этилмаган ёки расмийлаштириш талаблари бузилган бўлса;

ҳисоблаш методикасида хатоликлар ёки асоссиз ҳисоб-китоблар аниқланган бўлса;

ҳисоб-китобларда келтирилган кўрсаткичлар ускуналарнинг амалдаги техник ҳолати ва иш режимларига мувофиқ келмаса.

24. Ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонаси хабарномага асосан қайтарилган ҳужжатларни уларни олган кундан бошлаб ўн календарь кун ичида қайта ишлаб чиқади ҳамда такроран келишиш учун “Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда Ўзэнергоинспекциянинг ҳудудий бошқармаларига тақдим этади.

“Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда Ўзэнергоинспекциянинг ҳудудий бошқармалари ушбу ҳужжатларни улар тақдим этилган кундан бошлаб уч календарь кундан кечиктирмасдан кўриб чиқади ҳамда келишади.

25. “Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда Ўзэнергоинспекциянинг ҳудудий бошқармалари билан келишилган ушбу Низомнинг 21-банди биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатлар ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан ҳар йили 15 январдан кечиктирмасдан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилади.

6-боб. Ёқилғи-энергетика ресурслари сарфлари ва иссиқлик энергияси йўқотишлари меъёрларига амал қилиниши юзасидан мониторинг (таҳлил) қилиш

26. Ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилиши, узатилиши ва берилиши самарадорлиги таҳлилини тайёрлаш мақсадида тегишли Ўзэнергоинспекция ва “Иссиқликтаъминоти” АЖ томонидан мониторинг ўтказилади.

Ўзэнергоинспекция ва “Иссиқликтаъминоти” АЖ томонидан мониторинг ўтказиш жараёнида қуйидаги маълумотлар ўрганилади:

ишлаб чиқарилган ва ташқаридан харид қилинган иссиқлик энергияси ҳажми;

истеъмолчиларга етказиб берилган иссиқлик энергияси ҳажми;

иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун сарфланган (барча турдаги) ёқилғининг сарфи;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва ўз эҳтиёжлари учун сарфланган ёқилғининг тасдиқланган ва амалдаги солиштирма сарфлари;

меъёрий йўқотишлар билан солиштириш учун иссиқ сув ва буғ тармоқларидаги иссиқлик энергиясининг амалдаги йўқотишлари;

истеъмолчиларга етказиб бериладиган ва қозонхонага қайтариладиган иссиқлик ташувчиси параметрларининг ўртача ойлик маълумотлари (ҳарорат, босим, сарф);

иссиқлик тармоқларини кўрикдан ўтказиш жадваллари, аниқланган нуқсонлар ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар;

қозонхона, ёрдамчи ускуналар ва иссиқлик тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш жадваллари ва уларнинг бажарилиши.

27. Мониторингнинг натижалари бўйича қуйидагилар юзасидан таҳлилий маълумотлар тайёрланади:

иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқилиши ва берилиши;

ўз эҳтиёжлари учун сарфланган иссиқлик энергияси ҳажми;

иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун сарфланган ёқилғи, электр энергияси ва сув миқдори;

иссиқлик тармоқларининг эскириш даражаси ва улардаги йўқотишлар динамикаси (йиллар, чораклар ва ойлар кесимида).

28. Ишлаб чиқарувчи ва (ёки) иссиқлик таъминоти корхонаси ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфи бўйича меъёрларни аниқлаш учун амалга оширган ҳисоб-китобларининг тўғрилигини назорат қилиши керак.

7-боб. Якуний қоида

29. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ тизимлар орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, очиқ ва ёпиқ тизимлар орқали узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, иситиш қозонхоналарининг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфини, шунингдек технологик йўқотишларни ҳисоблаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Турар жой, жамоат биноларини иситиш, шамоллатиш (вентиляция) ва иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқлик миқдорини аниқлаш

1-§. Умумий қоидалар

1. Иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжларни ҳисоблашдан олдин истеъмолчи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларнинг (лойиҳадаги иссиқлик юкламалари, бинонинг ҳажми, иссиқ сувдан фойдаланувчи истеъмолчилар сони, истеъмолчининг балансидаги иссиқлик тармоқларининг диаметри ва узунлиги) ишончлилиги ва тўлиқлиги аниқланиши лозим.

2. Иссиқлик таъминоти режалаштирилаётган даврда (ой, чорак, йил) истеъмолчи томонидан истеъмол қилинадиган иссиқлик энергияси миқдори (иссиқлик энергияси истеъмол қилинадиган объектда биноларни иситиш, шамоллатиш (вентиляция), иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун) ҳамда ишлаб чиқарувчи ва иссиқлик таъминоти корхоналарининг технологик эҳтиёжлари учун сарфланадиган иссиқлик энергияси сарфининг йиғиндиси қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Q^{i.s.t.} = Q_i + Q_v + Q_{i.t.} + Q_{t.e.}, \quad \text{Gcal} \qquad (1)$$

бу ерда:

Q_i – иситиш учун иссиқлик энергиясининг ҳисобий истеъмоли (мазкур методиканинг 1-боби 2-параграфида келтирилган);

Q_v – шамоллатиш (вентиляция) учун иссиқлик юкламаси (ушбу методиканинг 3-параграфида келтирилган);

$Q_{i.t.}$ – иссиқ сув таъминоти учун иссиқлик энергияси истеъмоли (мазкур методиканинг 4-параграфида келтирилган);

$Q_{t.e.}$ – технологик эҳтиёжлар учун иссиқлик энергияси истеъмоли.

2-§. Турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун талаб этиладиган иссиқлик юкламаларини ҳисоблаш

3. Мазкур параграфда назарда тутилган ҳисоб-китоблар турар жой бинолари ҳамда бошқа объектларда бевосита истеъмол қилинадиган иссиқлик энергияси миқдорига нисбатан қўлланилади (иссиқлик тармоғига берилаётган (узатилаётган) иссиқлик энергияси ҳажмлари бундан мустасно).

Турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун иссиқлик энергияси қурилиш тўсиқлари орқали юзага келадиган иссиқлик йўқотишларини, шунингдек конструкциялардаги нозичликлар ва тез-тез очиладиган эшиклар орқали ташқи ҳавонинг инфильтрацияси (ўтиши) натижасида юзага келадиган иссиқлик йўқотишларини қоплашга сарфланади.

4. Иссиқлик йўқотишлари ҳисоби турар жой ва жамоат биноларининг намунавий ёки индивидуал лойиҳалари, шунингдек иситиш тизимлари лойиҳалари бўйича амалга оширилиши лозим.

Иссиқлик таъминотининг режалаштирилаётган даври учун иссиқлик энергиясига бўлган талаб қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_i^{rej} = Q_i \times n \times 24 \times 10^{-6} \frac{(t_{ich} - t_{t.rej})}{(t_{ich} - t_{t.his})},\ \text{Gcal} \qquad (2)$$

бу ерда:

$Q_{i.}^{rej}$ – режалаштирилаётган давр учун иссиқлик энергиясига бўлган талаб, Gcal;

Q_i – лойиҳавий ташқи ҳаво ҳароратида иссиқлик юкламаси, kcal/h;

t_{ich} – хоналар ички ҳавосининг ўртача ҳарорати, °C;

$t_{t.rej}$ – режалаштирилаётган давр учун ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати, °C (ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 136, 2022 йил 20 декабрь) мувофиқ);

$t_{t.his.}$ – ташқи ҳавонинг ҳисоблашлар учун олинган ҳарорати,°C (ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 136, 2022 йил 20 декабрь) мувофиқ);

n – иситиш тизимларининг ишлаш давомийлиги, сутка (ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 136, 2022 йил 20 декабрь) мувофиқ);

24 – бир сутканинг давомийлиги, h.

5. Лойиҳавий (ҳисоблаш) маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда соатлик иссиқлик оқими қуйидаги яхлитланган формула бўйича аниқланади:

$$Q_i = 1{,}1 \times q_i \times a \times V_t \times (t_{ich} - t_{t.his}) \times 10^{-6},\ \text{Gcal/h:} \qquad (3)$$

бу ерда:

V_t – турар жой ва жамоат биноларининг ташқи қурилиш ҳажми, m^3;

$q_i - t_{t.his}$ = –30 °C да турар жой ва жамоат биноларининг солиштирма иситиш тавсифи, kcal/(m^3 × h×°C);

a – ҳисобланган ташқи ҳаво ҳароратининг ўзгаришини ҳисобга олувчи тузатиш коэффициенти мазкур методиканинг 2-жадвалида келтирилган маълумотлар бўйича қабул қилинади;

1,1 – маҳаллий тизимдаги нозичликлар орқали бинога инфильтрация йўли билан кирувчи ташқи ҳаво ҳароратини иситиш учун иссиқлик йўқотилишларини ҳисобга олувчи коэффициент.

6. Турар жой ва жамоат биноларининг ташқи қурилиш ҳажми намунавий ёки индивидуал лойиҳа ҳужжатларида келтирилган маълумотлар асосида қабул қилиниши лозим.

Чордоқ томли турар жой ва жамоат бинолари учун ташқи қурилиш ҳажми ярим ертўладан (цокол қавати) юқори бўлган биринчи қават сатҳида бинонинг ташқи (сиртқи) айланмаси бўйича горизонтал кесим майдонини ушбу биноларнинг ер сатҳидан чордоқли том қопламасининг энг юқори нуқтасигача ўлчанган тўлиқ баландлигига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Олинган горизонтал кесим майдонини ўлчашда девор сиртидан бўртиб чиқувчи элементлар ҳамда турар жой ва жамоат бинолари деворларидаги токчалар ҳисобга олинмайди.

Чордоғи бўлмаган турар жой ва жамоат бинолари учун ташқи қурилиш ҳажми вертикал бўйлама кесим майдонини ушбу биноларнинг ён деворларининг ташқи сиртлари орасида, ярим ертўладан (цоколдан) юқори биринчи қават сатҳида кесим майдонига перпендикуляр йўналишда ўлчанган узунликка кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Турар жой ва жамоат биноларининг ертўла хоналари иситиладиган бўлса, мазкур бандниг иккинчи хатбошисида белгиланган усул билан аниқланган турар жой ва жамоат биносининг ҳажмига иситиладиган ертўла хоналари ички ҳажмининг 40 фоизи қўшилиши лозим.

7. Турар жой биноларининг солиштирма иситиш тавсифи (q_i) мазкур методиканинг 1-жадвалида келтирилган маълумотлар бўйича қабул қилинади.

8. q_i қийматини қуйидаги ҳолларда оширишга йўл қўйилади:

енгил (барак) турдаги, шунингдек шитли йиғма ва ойнаванд иншоотлар учун – 15 фоизгача;

тошдан қурилган бинолар учун қурилиши тугагандан сўнг биринчи иситиш мавсумида (май-июнь ойларида – 12 фоизгача, июль-август ойларида – 20 фоизгача, иситиш мавсуми давомида – 30 фоизгача);

кучли шамоллардан ҳимоя қилинмаган тепаликларда, дарёлар ва кўллар қирғоқларида ҳамда очиқ майдонларда жойлашган турар жой ва жамоат бинолари учун учта энг совуқ ойда шамолнинг ўртача тезлигида (5 m/сек.гача бўлганда – 10 фоизгача, 5 дан 10 m/сек.гача бўлганда – 20 фоизгача, 10 m/сек.дан кўп бўлганда – 30 фоизгача).

9. Бинонинг биринчи қаватида жойлашган ҳамда унинг бошқа хоналарига нисбатан баландлиги билан фарқланадиган хоналар учун иссиқлик энергияси йўқотилиши мазкур хоналарнинг ҳажмига мутаносиб равишда аниқланишига йўл қўйилади.

10. Ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати ҳамда иситиш даврининг давомийлиги ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 136, 2022 йил 20 декабрь) мувофиқ қабул қилиниши зарур.

Тўлиқ бўлмаган ойлар учун ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати иситиш амалга оширилган давр бўйича ҳудуддаги мавжуд Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг расмий кўрсаткичлари асосида қабул қилиниши керак.

11. Турар жой ва жамоат бинолари учун бинони иситишга иссиқлик юкламаларининг лойиҳавий кўрсаткичлари бўлмаганда, ҳисоблашлар иситиш ускуналарининг юза сирти бўйича амалга оширилади.

12. Иситиладиган бинолар ички ҳавосининг ҳарорати 1995 йилгача қурилган кўп қаватли турар жой хоналаридаги ҳарорати камида 20° С, (иссиқлик тизими реконструкция қилинмаган бўлса, турар жой хоналаридаги ҳарорат камида 18° С) га тенг деб қабул қилинади.

Ички ҳаво ҳароратини 18 °С дан юқори ёки паст даражада сақлаш лозим бўлган бинолар учун иссиқлик истеъмоли меъёрлари қуйидаги формула бўйича аниқланадиган X коэффициентига кўпайтириш йўли билан оширилади ёки камайтирилади:

$$X = \frac{t_{ich} - t_{t.rej}}{18°C - t_{t.rej}}, \qquad (4)$$

бу ерда, t_{ich} – турар жой ва жамоат биносининг ички ҳисоблаб чиқарилган ўртача ҳарорати, °С.

13. Жамоат биноларини иситиш учун иссиқликка бўлган эҳтиёж ушбу методиканинг 2 ва 3-формулалари бўйича аниқланади.

14. Жамоат бинолари учун яхлитланган ҳисоблашларда ички ҳаво ҳароратининг ҳисоблаб чиқарилган ўртача қийматлари ва иситиш учун иссиқликка бўлган эҳтиёжи мазкур методиканинг 3-жадвалида келтирилган маълумотлар бўйича қабул қилинади.

15. Мослаштирилган бинолар учун солиштирма иситиш тавсифларининг қиймати мазкур методиканинг 1-жадвали бўйича, ички ҳавонинг ҳисоблаб чиқарилган ҳарорати эса 3-жадвал маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Турар жой биносининг бир қисмида нотурар жойлар (дўконлар, дорихоналар, офислар) жойлашган ҳолларда ушбу бинонинг ҳар бир функционал қисми учун иситишга бўлган иссиқлик юкламаси алоҳида ҳисобланади ҳамда ҳисобланган соатлик лойиҳавий юкламалар йиғиндиси асосида аниқланади.

Агар мазкур биноларнинг функционал қисмлари бўйича алоҳида лойиҳавий ҳисоблар мавжуд бўлмаса, маъмурий хоналар учун иситиш юкламасини аниқлашга иситиш ускуналарининг ўрнатилган сирт юзаси бўйича яхлитланган ҳисоблаш усулидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Иситиш тизимлари лойиҳалари мавжуд бўлмаган тақдирда иссиқлик оқимлари ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 125, 2022 йил 19 декабрь) мувофиқ аниқланиши лозим.

Турар жой ва жамоат биноларини иситишга сарфланадиган максимал иссиқлик оқими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{imax} = q_i \times A \times (1 + k_1), \text{ Gcal/h} \qquad (5)$$

бу ерда:

q_i – турар жой биноларининг умумий майдонининг 1 m^2 ини иситиш учун максимал иссиқлик оқимининг яхлитланган кўрсаткичи;

A – турар жой биноларининг умумий майдони, m^2;

k_1 – жамоат биноларининг иситиш учун иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент, маълумотлар бўлмаганда 0,25 га тенг деб қабул қилинади.

3-§. Жамоат биноларини шамоллатиш (вентиляция) учун зарур иссиқлик миқдорини аниқлаш

16. Ҳисоблашлар фақат тортиб-чиқарувчи шамоллатиш (вентиляция) тизими мавжуд жамоат бинолари учун амалга оширилади.

17. Намунавий ва индивидуал лойиҳалар, шунингдек шамоллатиш (вентиляция) тизимлари лойиҳалари мавжуд бўлганда шамоллатиш (вентиляция) учун иссиқлик энергияси сарфи рециркуляциясиз шамоллатиш (вентиляция) тизимлари учун қабул қилинган ҳисоблаш формуласи бўйича дастлабки маълумотлар асосида қуйидаги тартибда аниқланади:

$$Q_v^{rej} = Q_v \times \frac{(t_{ich} - t_{t.rej})}{(t_{ich} - t_{v.his})} \times n_i \times Z_v \times 10^{-6},\ \text{Gcal} \qquad (6)$$

бу ерда:

Q_v^{rej} – режалаштирилаётган давр учун иссиқликка бўлган талаб, Gcal;

Q_v – жамоат биноларининг шамоллатиш (вентиляция) учун иссиқликнинг соатлик максимал сарфи, kcal/h;

t_{ich} – шамоллатиладиган (вентиляция) хоналар ички ҳавосининг ҳисоблаб чиқарилган ўртача ҳарорати °C (мазкур методиканинг 3-жадвали бўйича қабул қилинади);

$t_{t.rej}$ – иситиш даврида шамоллатиш (вентиляция) тизимини лойиҳалаштириш учун ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати, °C (ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 136, 2022 йил 20 декабрь) мувофиқ);

$t_{v.his}$ – шамоллатиш (вентиляция) тизимини лойиҳалаштириш учун ташқи ҳавонинг ҳисоблаб чиқарилган ҳарорати, °C (ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 136, 2022 йил 20 декабрь) мувофиқ);

$n_{i.}$ – режалаштирилаётган иситиш даври учун шамоллатиш (вентиляция) тизими ишлашининг давомийлиги, d;

Z_v – сутка давомида шамоллатиш (вентиляция) тизимлари ишлаш соатларининг ўртача олинган вақти, h.

18. Шамоллатиладиган (вентиляция) жамоат биноларининг намунавий ёки индивидуал лойиҳалари мавжуд бўлмаганда шамоллатиш (вентиляция) тизими эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфини қуйидаги формула асосида ҳисоблашга йўл қўйилади:

$$Q_v = 1{,}1 \times V_v \times q_v \times \left(t_{ich.} - t_{t.rej.}\right) \times n_i \times Z_v \times 10^{-6},\ \text{Gcal} \quad (7)$$

бу ерда:

V_v – жамоат биносининг шамоллатиладиган (вентиляция) ҳажми, m^3;

q_v – солиштирма шамоллатиладиган (вентиляция) кўрсаткичи, kcal/ (m^3×h×°C);

1,1 – шамоллатиш (вентиляция) жараёнида жамоат биносида юзага келадиган қўшимча иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициент.

19. Солиштирма шамоллатиш (вентиляция) тавсифларининг қийматлари намунавий ёки индивидуал шамоллатиш (вентиляция) тизими лойиҳалари маълумотлари асосида қабул қилиниши лозим.

Шамоллатиш (вентиляция) тизими лойиҳалари мавжуд бўлмаганда солиштирма шамоллатиш (вентиляция) тавсифларининг қийматлари мазкур методиканинг 4-жадвалида келтирилган кўрсаткичлар асосида қабул қилинишига йўл қўйилади.

20. Шамоллатиш (вентиляция) тизимларининг суткалик ишлаш давомийлиги ташкилотнинг ишлаш режимига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

Вентиляторлар ўчирилган ҳолларда калориферлардаги иссиқлик ташувчининг айланишини таъминловчи автоматик ростлаш воситалари мавжуд бўлмаганда калориферларнинг ишлаш давомийлигини 24 соатгача қабул қилишга йўл қўйилади.

21. Битта жамоат биносида функционал вазифаси, солиштирма шамоллатиш (вентиляция) тавсифлари ёки ички ҳавонинг ҳисобий ҳарорати бўйича бир-биридан фарқ қиладиган хоналар жойлашган бўлса, шамоллатиш (вентиляция) тизими учун иссиқлик энергияси сарфи жамоат биносининг ҳар бир функционал қисми учун алоҳида ҳисобланиши лозим.

Бунда ҳисобланган шамоллатиш (вентиляция) юкламалари йиғиндиси асосида жамоат биносида шамоллатиш (вентиляция) эҳтиёжлари учун умумий иссиқлик энергияси сарфи аниқланади.

22. Ҳаво-иссиқлик чодирлари учун иссиқлик энергиясига бўлган талаб ҳисоби лойиҳавий маълумотлар асосида амалга оширилади. Бундай маълумотлар мавжуд бўлмаганда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{i.ch.} = G_{h.} \times \mathrm{C}_{h.}(t_{ch.} - t_{k.}) \times is.ch. \times 10^{-6}, \quad \text{Gcal} \qquad (8)$$

бу ерда:

$G_{h.}$ – иссиқлик чодирига бериладиган ҳаво ҳажми, m^3/h;

$\mathrm{C}_{h.}$ – ҳавонинг иссиқлик сиғими, 0,31 $kcal/m^3 \times °C$ га тенг деб қабул қилинади;

$t_{ch.}$ – иссиқлик чодиридан чиқувчи ҳавонинг ҳарорати, °C;

$t_{k.}$ – режалаштирилаётган давр давомида иссиқлик чодирига кирувчи ҳавонинг ўртача ҳарорати, °C;

$is.ch.$ – режалаштирилаётган давр учун иссиқлик чодирининг ишлаш соатлари сони, h.

Шамоллатиш (вентиляция) тизими лойиҳалари бўлмаганда иссиқлик ШНҚ 2.01.18-24 “Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи нормалари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 330, 2025 йил 27 январь) мувофиқ аниқланади.

Жамоат биноларининг шамоллатиш (вентиляция) тизими учун максимал иссиқлик оқими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{vmax} = k_1 \times k_2 \times q_i \times A\,, \quad \text{Gcal/h} \qquad (9)$$

бу ерда:

q_i – жамоат биноларининг иситишга умумий майдоннинг 1 m^2 га максимал иссиқлик оқимининг яхлитланган кўрсаткичи;

A – жамоат биноларининг умумий майдони, m^2;

k_1 – жамоат биноларининг иситиш учун иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент, маълумотлар бўлмаганда эса 0,25 га тенг деб қабул қилиниши лозим;

k_2 – жамоат биноларининг шамоллатиш (вентиляция) тизими учун иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент.

4-§. Турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти учун зарур иссиқлик миқдорини аниқлаш

23. Иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқликка бўлган йиллик эҳтиёж қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{i.suv}^{yil} = \mathrm{a} \times m \times \left[\left(55 - t_{s.qish}\right) \times n_i + b \times (350 - n_i) \times \left(55 - t_{s.yoz}\right)\right] \times 10^{-6} + Q_{i.y.}^{yil}, \text{ Gcal} \quad (10)$$

бу ерда:

$Q_{i.y.}^{yil}$ – иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқлик энергиясига бўлган йиллик талаб, Gcal;

а – суткалик сув сарфи (истеъмоли) меъёри, l/d, ШНҚ 2.04.01-22 “Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 299, 2024 йил 2 октябрь) мувофиқ қабул қилинади;

m – истеъмолчилар сони;

$t_{s.qish.}$, $t_{s.yoz}$ – совуқ сувнинг тегишлича қиш ва ёз мавсумларидаги ҳарорати, °С (маълумотлар мавжуд бўлмаганда қиш мавсуми учун +5 °С, ёз мавсуми учун +15 °С деб қабул қилинишига йўл қўйилади);

b – иситиш давридан ташқари вақтда иссиқ сув сарфи ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент (маълумотлар бўлмаганда турар жой ва жамоат бинолари учун 1,0, курорт зоналари учун b=1,5 га тенг деб қабул қилинади);

350 – иссиқ сув таъминоти тизимининг йил давомида ишлаш суткалари сони;

55 – иссиқ сувнинг ҳарорати;

$n_{i.}$ – иситиш давринининг, сутка давомийлиги.

24. Иссиқ сув таъминоти сутка давомида ёки ҳафта давомида тўлиқ таъминланмаган ҳолларда иссиқ сув сарфи меъёрлари мазкур методиканинг 5-жадвалида келтирилган коэффициентлар асосида камайтирилиши лозим.

25. Турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти тизимларидаги иссиқлик узатувчи ва айланма қувур ўтказгичлар бўйича йиллик иссиқлик энергияси йўқотишлари қуйидаги формулалар асосида ҳисобланиши лозим:

$$Q_{i.y.}^{yil} = \sum_1^n Q_{i.y.i}\ , \quad \text{Gcal} \qquad (11)$$

$$Q_{i.y.i} = K_{i.} \times \pi \times d_{i.} \times L_{i.} \left(\frac{t_o + t_b}{2} - t_a\right) \times (1 - h) \times 350 \times 24 \times 10^{-6}\ , \quad \text{Gcal} \quad (12)$$

бу ерда:

K_i – изоляция қилинмаган қувурнинг иссиқлик узатиш коэффициенти, 10 kcal/m^2 × h × °С га тенг деб қабул қилинади;

$d_{i.}$, $L_{i.}$ – қувур ўтказгичнинг тегишлича ташқи диаметри ва участка узунлиги, m;

$t_b.$, $t_o.$ – ҳисобланаётган участканинг тегишлича боши ва охиридаги иссиқ сув ҳарорати, °С;

t_a – атроф-муҳитнинг ҳарорати, °С (каналларда ўтказишда - + 23 °С, вертикал шахталарида - + 23 °С, ванна хоналарда - + 25 °С, турар жойлар, ётоқхоналар ва меҳмонхоналарнинг ошхона ва ҳожатхоналарида -+ 21°С, зинапояларда - + 16 °С, ер ости ўтказиш каналларида – тупроқнинг ўртача ҳароратига мувофиқ; туннелларда - + 40 °С; иситилмайдиган ертўлаларда йилдаги энг совуқ ойнинг - – 11 °С дан – 20 °С гача ўртача ойлик ҳароратида - + 5 °С, чордоқларда - + 9 °С га тенг деб қабул қилинади);

h – изоляциянинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) қуйидаги жадвалга мувофиқ қўлланилади:

Иссиқлик изоляциялаш материали	**Қувур диаметри, mm**	**Иссиқлик изоляцияловчи материалнинг иссиқлик ўтказувчанлиги, W/(m °C)**	**Иссиқлик изоляцияси ФИК**
Минерал пахта (вата)ли тўшаклар	32 гача	0,032-0,041	0,60
	40–70	0,035-0,044	0,74

	80–200	0,037-0,048	0,81
Шиша толали гиламчалар ва тўшаклар	32 гача	0,024-0,032	0,62
	40–70	0,027-0,035	0,75
	80–200	0,029-0,037	0,82
Кўпикли полистиролдан тайёрланган иссиқлик изоляцияси маҳсулотлари	32 гача	0,024-0,032	0,62
	40–70	0,026-0,034	0,76
	80–200	0,028-0,035	0,83
Кўпикли полиуретандан тайёрланган иссиқлик изоляциялаш маҳсулотлари	32 гача	0,024-0,029	0,62
	40–70	0,025-0,031	0,77
	80–200	0,027-0,036	0,84

26. Иссиқ сув таъминоти қувур ўтказгичларидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари мазкур методиканинг 6–8-жадвалларида келтирилган кўрсаткичлар асосида аниқланиши лозим.

Ҳисоблашларни амалга ошириш учун зарур бирламчи маълумотлар мавжуд бўлмаганда иссиқ сув таъминоти қувурларидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари қуйидаги формула асосида аниқланишига йўл қўйилади:

$$Q_{i.y.}^{yil} = Q_{i.s.t.}^{yil} \times K_{i.y.}, \quad \text{Gcal} \qquad (13)$$

Бунда иссиқ сув таъминоти учун умумий йиллик иссиқлик энергиясига бўлган талаб қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{i.s.t.}^{yil} = (1 + K_{i.y.}) \times \left\{\{a \times m[(55 - t_{s.qish})n_i + b(350 - n_i) \times (55 - t_{s.yoz})]\right\} \times 10^{-6}, \text{Gcal} \quad (14)$$

Турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти бўйича лойиҳавий маълумотлар мавжуд бўлмаганда иссиқлик оқимлари ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 125, 2022 йил 19 декабрь) мувофиқ аниқланиши лозим.

Турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти учун максимал иссиқлик оқими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{hmax} = 2{,}4 \times Q_{hm}, \quad \text{Gcal/h} \qquad (15)$$

Турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти учун ўртача иссиқлик оқими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{hm} = \frac{1{,}3m(a+b)(55-t_{suv})}{24} c, \ \text{Gcal/h} \qquad (16)$$

бу ерда:

m – истеъмолчилар сони;

a – турар жой биноларда бир киши учун суткалик иссиқ сув сарфи;

b – жамоат бинолари учун қўшимча сув сарфи (маълумотлар мавжуд бўлмаганда 25 l/сутка қабул қилинишига йўл қўйилади);

t_{suv} – иситиш даврида совуқ (сув ўтказгичдаги) сувнинг ҳарорати (маълумотлар бўлмаганда 5 °C га тенг деб қабул қилинади);

c – сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими, ҳисоблашларда 1 kcal/kg °C деб қабул қилинади.

2-боб. Истеъмолчиларга етказиб бериладиган иссиқлик энергиясининг ҳисобланган ҳажмини аниқлаш

27. Режалаштирилаётган даврда истеъмолчига берилган иссиқлик энергиясининг ҳисобий миқдори иссиқликни истеъмол қилувчи объектда хоналарни иситиш, шамоллатиш (вентиляция) ва иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун истеъмол қилинган иссиқлик энергияси, шунингдек мазкур методиканинг 6-бандига мувофиқ истеъмолчининг ҳисобига ўтказиладиган ташқи иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари йиғиндиси сифатида аниқланиши ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланиши лозим:

$$Q_{ber.}^{ist.} = Q_{i.} + Q_{v.} + Q_{i.t.} + Q_{i.y.}, \quad \text{Gcal} \qquad (17)$$

бу ерда:

$Q_{i.}$ – мазкур методиканинг 1-боби 2-параграфига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун иссиқлик энергияси сарфи;

$Q_{v.}$ – ушбу методиканинг 1-боби 3-параграфига асосан ҳисоблаб чиқилган жамоат биноларини шамоллатиш (вентиляция) учун иссиқлик энергияси сарфи;

$Q_{i.t.}$ – мазкур методиканинг 1-боби 4-параграфига кўра ҳисоблаб чиқилган турар жой ва жамоат биноларининг иссиқ сув таъминоти учун иссиқлик энергияси сарфи;

$Q_{i.y.}$ – қувурларнинг сиртидан иссиқлик узатилиши ҳамда истеъмолчининг балансида бўлган қувур ўтказгичларда иссиқлик ташувчининг сизиб чиқиши билан боғлиқ иссиқлик энергияси йўқотишлари бўлиб, мазкур методиканинг 26-формуласига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

3-боб. Ишлаб чиқариладиган, қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун талаб этиладиган иссиқлик энергияси ва ташқи иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари миқдорини аниқлаш

28. Режалаштирилаётган ҳисоб даври (ой, чорак, йил) учун ишлаб чиқариладиган иссиқлик энергиясининг умумий миқдори иссиқлик тармоғига баланс мансублик чегарасигача узатиладиган иссиқлик энергияси ҳамда қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун сарфланадиган иссиқлик энергияси йиғиндиси сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_{i.ch.} = Q_{ber.} + Q_{q}^{o'.e.}, \quad \text{Gcal} \qquad (18)$$

бу ерда:

$Q_{i.ch.}$ – режалаштирилаётган давр (ой, чорак, йил) учун ишлаб чиқариладиган иссиқлик миқдори;

$Q_{ber.}$ – режалаштирилаётган давр учун иссиқлик тармоғига узатиладиган иссиқлик миқдори (Gcal) (мазкур методиканинг 1-боби 2–4-параграфларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади);

$Q_{q}^{o'.e.}$ – қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун талаб этиладиган иссиқлик энергияси сарфи.

29. Қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун талаб этиладиган иссиқлик энергияси сарфи ҳисоблаш ёки тажриба (экспериментал) усуллари орқали қуйидаги технологик жараёнлар бўйича иссиқлик энергияси сарфлари йиғиндиси сифатида аниқланади:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари учун;

сувни кимёвий тайёрлаш ускуналари учун;

қозон агрегатларидан пуфлаш орқали чиқариладиган сувни компенсация қилиш учун;

мазутни темир йўл цистерналарида, омборхоналарда ва бошқа сиғимларда иситиш учун;

суюқ ёқилғини буғли форсункалар орқали пуркаш учун;

баклар ва қувур ўтказгичларни иситиш учун;

буғли таъминловчи насослар юритмаси учун;

қозонхона биноларини иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун.

Қозонхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфи ишлатиладиган ёқилғи турига кўра қуйидаги диапазонларда қабул қилиниши мумкин:

қаттиқ ёқилғида – 2–4%;

газда – 1,8–3%;

мазутда (механик ёки буғли-механик пуркашда) – 5–7 %;

мазутда (буғли пуркашда) – 7–10 %.

30. Мазутни иситиш ва сақлаш учун иссиқлик энергиясининг солиштирма сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{m.} = Q_{quy.} + Q_{saq.}, \quad \text{Gcal/t} \qquad (19)$$

бу ерда:

$Q_{quy.}, Q_{saq.}$ – мазутни қуйишда иситиш учун ва сақлашдаги йўқотишларни компенсация қилиш учун иссиқлик энергияси сарфи, Gcal/t.

Мазутни иситиш ҳарорати мазкур методиканинг 11-жадвалида келтирилган.

31. Мазутни қуйишда иситиш учун иссиқлик энергиясининг сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{quy.} = 1884{,}5 \times \left(t_{o.} - t_{b.}\right) \times \left(1 + \frac{10 \times K_{sov.} \times \tau}{\rho}\right), \ \text{kcal/t} \qquad (20)$$

бу ерда:

$t_{o.}$ – қуйишда мазутни иситишнинг охирги ҳарорати, °C (мазутнинг русумига қараб қабул қилинади);

$t_{b.}$ – цистернадаги мазутнинг бошланғич ҳарорати °C (жанубий ҳудудлар учун 0….2 °C га тенг қилиб қабул қилинади. Цистернага тўлдирилганидан мазутнинг ҳарорати 7 суткадан кейин ташқи ҳавонинг ҳароратига тенг бўлади);

$K_{sov.}$ – совутиш коэффициенти (60 тоннали цистерна учун – 1,55, 50 тоннали цистерна учун – 1,71, 25 тоннали цистерна учун – 2,25);

ρ – мазутнинг зичлиги, kg/m^3;

τ – мазутни иситишнинг ва цистернадан қуйишнинг амалдаги вақти, соат:

Мазут маркаси	йилнинг совуқ вақтида	йилнинг илиқ вақтида
	15 октябрдан 15 апрелгача	15 апрелдан 15 октябргача
М20	6	3
М40	6	4
М60, М80, М100	10	4

32. Мазутни сақлаш жараёнида иссиқлик энергияси йўқотишларининг солиштирма миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Q_{saq.} = \frac{2520 \times F \times K \times (t_{o.} - t_{a.}) \times t_{saq.}}{\rho \times V}, \quad \text{kcal/t} \qquad (21)$$

бу ерда:

F – сиғимнинг совутувчи юзаси, m² (сиғимнинг техник паспорти маълумотлари асосида қабул қилинади);

K – сиғим деворларининг иссиқлик узатиш коэффициенти, kcal/m²×h×°C (изоляция қилинмаган металл сиғимлар учун K = 6,98, изоляция қилинганлар учун – 3,49, ер ости сиғимлар учун – 0,314);

$t_{a.}$ – атроф-муҳитнинг ҳарорати ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ҳисоб рақами 136, 2022 йил 20 декабрь) бўйича берилган давр учун ўртача қиймат сифатида қабул қилинади (ер ости сиғимлар учун ta. = 5 °C);

$t_{saq.}$ – сақлаш вақти, h;

V – сиғимнинг ҳажми, m³.

33. Мазутни иситиш учун иссиқлик миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_m = \frac{B_m \times C_m \times (t_{o.} - 2t_{b.})}{H_{isit.}}, \quad \text{kcal/h} \qquad (22)$$

бу ерда:

B_m – мазутнинг бир соатлик сарфи, kg/h;

C_m – мазутнинг солиштирма иссиқлик сиғими, kcal/kg×°C;

$H_{isit.}$ – иситгичнинг ФИК ($H_{isit.}$ = 0,98).

Сувли мазут иситгичларда мазутни иситиш учун сув сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$G_{suv} = \frac{Q_m}{(i_1 - i_2) \times 10^3}, \quad \text{t/h} \qquad (23)$$

i_1, i_2 – мазут иситгичларидан олдин ва кейин сув энтальпияси, kcal/kg.

Мазут иситгичларда ёки мазут сақланадиган сиғимларда мазутни иситиш учун буғ сарфи мазкур методиканинг 12-жадвалида келтирилган кўрсаткичлар бўйича қабул қилиниши лозим.

Ҳисоблаш маълумотлари бўлмаганда:

60 тонна сиғимли 10 та темир йўл цистерналарини иситиш, қуйиш ва тозалаш учун 1-1,2 MPa босимга ва 220 – 250 °C ҳароратга эга бўлган буғнинг сарфи – 7,65 t/h (85 – 120 kg/t);

икки йўлли темир йўл эстакадасининг қуйиш лотоклари учун буғ сарфи – 0,1 t/h;

оралиқ сиғимлар учун 200 m^3 ҳажмли – 0,8 t/h, 400 m^3 ҳажмли – 1,2 t/h, 600 m^3 ҳажмли – 1,8 t/h, 1000 m^3 ҳажмли – 2,0 t/h қилиб қабул қилинади.

34. Мазут ўтказгичларни иситиш учун иссиқлик энергияси сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{isit.} = q \times L \times b \times \tau \times 10^{-6}\ , \quad \text{Gcal} \qquad (24)$$

бу ерда:

q – мазут ўтказгичдан атроф-муҳитга иссиқлик оқими, иссиқлик ўтказгичларнинг иссиқлик энергияси йўқотишлари меъёрлари ушбу методиканинг 15–17-жадваллари асосида қабул қилинади;

L – тармоқни иситувчи буғўтказгичнинг узунлиги, m;

τ – иситиш вақти, h;

b – арматуралар, таянчлар ва компенсаторларнинг иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициент.

Иссиқлик тармоқларини ўтказиш усули	**Қувур ўтказгичларнинг узунлигига нисбатан b коэффициенти**
каналсиз	1,15
тоннелларда ва каналларда	1,2
ер устидан	1,25

35. Режалаштирилаётган ҳисоб даври (ой, чорак, йил) учун иссиқлик тармоғига узатиладиган иссиқлик энергияси миқдори мазкур методиканинг 1-боби 2–4-параграфларига мувофиқ ҳисоблаб чиқиладиган истеъмолчига ҳисобга олинадиган етказиб берилган иссиқлик энергияси миқдори $Q_{ist.}$ ҳамда ташқи иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари $Q_{i.y.}$ йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$Q_{ber.} = Q_{ist.} + Q_{i.y.}\ , \quad \text{Gcal} \qquad (25)$$

36. Иссиқлик энергиясини узатишдаги иссиқлик миқдори қувур ўтказгичнинг диаметрига ҳамда иссиқлик тармоқларининг берилувчи ва қайтувчи қувурларидаги сув ҳароратининг ўртача йиллик қийматига кўра қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{i.y.} = Q_{b.q.} + Q_{q.q.} + Q_{oq.}\ , \quad \text{Gcal} \qquad (26)$$

бу ерда:

$Q_{b.q.}$ va $Q_{q.q.}$ – тегишлича узатувчи ва қайтувчи қувурлардаги иссиқлик йўқотишлари, Gcal;

$Q_{oq.}$ – тармоқдан сувнинг оқиб чиқиши сабабли иссиқлик йўқотишлари.

$$Q_{b.q.} + Q_{q.q.} = \left(\sum_1 b^b q_{n.b.i.}^{his.} L_{b.i.} + \sum_1 b^q q_{n.q.i.}^{his.} L_{q.i.}\right) \times 24 \times \tau \times 10^{-6}\ , \text{Gcal} \qquad (27)$$

бу ерда:

$q_{n.b.i.}^{his.}$, $q_{n.q.i.}^{his.}$ – меъёрлар ўтиб бўлмайдиган каналларда, иссиқлик сақлаш қопламаси мавжуд сувли иссиқлик қувурларини ер остидан ўтказишда, тупроқнинг ҳисобланган ўртача йиллик ҳароратини +5 °С ва ер устидан ўтказилганда ташқи ҳаво ҳароратининг ҳисобланган ўртача йиллик ҳарорати + 5 °С деб олинганда иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёри (kcal/m·h) мазкур методиканинг 13, 13а, 14, 15 ва 15а-жадваллари бўйича аниқланади;

$L_{b.i.}$, $L_{q.i.}$ – тегишлича узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларнинг узунлиги (m);

τ – иссиқлик тармоқларининг режалаштирилаётган даврда (ой, чорак, йил) ишлаш кунлари сони;

b – арматуралар, таянчлар ва компенсаторларнинг иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициент.

37. Режалаштирилаётган даврда, тупроқ ва иссиқлик ташувчининг ҳароратлари ҳисоблаш учун қабул қилинган ўртача йиллик меъёрий кўрсаткичлардан фарқланса, иссиқлик йўқотилишлари қуйидагича аниқланади:

а) ер ости (ўтиб бўлмайдиган каналлардаги ва каналсиз ётқизилган) қувур ўтказгичлар учун:

$$q = q_n \frac{\left(t_b^{o'rt.} + t_q^{o'rt.} - 2t_{tup.}^{o'rt.}\right)}{\left(t_b^{o'rt.y.} + t_q^{o'rt.y.} - 10\right)},\ \text{kcal/m}^3\times\ \text{h}\ \times{}^\circ\text{C} \qquad (28)$$

бу ерда:

q_n – норматив иссиқлик энергияси йўқотишлари, мазкур методиканинг 16-жадвали бўйича қабул қилинади (икки қувурли ётқизишда кўрсаткичлар жамланади);

б) ер усти қувур ўтказгичлар учун:

$$q_{y.u.b.}^{his.} = q_{y.u.b.} \frac{\left(t_{b.}^{o'rt.} - t_{tash.}^{o'rt.}\right)}{\left(t_{b.}^{o'rt.y.} - 5\right)},\ \text{kcal/m}^3\times\ \text{h}\ \times{}^\circ\text{C} \qquad (29)$$

$$q_{y.u.q.}^{his.} = q_{y.u.q.} \frac{\left(t_{q.}^{o'rt.} - t_{tash.}^{o'rt.}\right)}{\left(t_{q.}^{o'rt.y.} - 5\right)},\ \text{kcal/m}^3\times\ \text{h}\ \times{}^\circ\text{C} \qquad (30)$$

бу ерда:

$q_{y.u.b.}$, $q_{y.u.q.}$ – иссиқлик узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичлардаги норматив иссиқлик йўқотишлари;

$t_{b.}^{o'rt.}$, $t_{q.}^{o'rt.}$ – иссиқлик узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичлардаги сувнинг ҳисобот давридаги ўртача ҳарорати, °С;

$t_{b.}^{o'rt.y.}$, $t_{q.}^{o'rt.y.}$ – иссиқлик узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичлардаги сувнинг ўртача йиллик ҳарорати, °С;

$t_{tup.}^{o'rt.}$, $t_{tash.}^{o'rt.}$ – режалаштирилаётган давр учун тупроқнинг ва ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати, °С (ушбу жой учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг кўрсатмалари бўйича ёки иқлим маълумотномалари бўйича қабул қилинади).

38. Иссиқлик энергияси ташувчиси (сув) сизиб чиқиши кузатиладиган иссиқлик тармоқларидан фойдаланишда тармоқни қўшимча сув билан тўлдириш зарурати туфайли юзага келадиган қўшимча иссиқлик энергияси сарфлари ҳисобга олиниши ва меъёрланиши лозим.

Сув сизиб чиқиши натижасида юзага келадиган иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрланадиган ойлик қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{siz.}^{oy} = \text{ac}V\rho\left[\frac{t_{b.}^{o'rt.oy.}+t_{q}^{o'rt.oy.}}{2} - t_{s.suv}^{o'rt.oy.}\right]n10^{-6}, \quad \text{Gcal} \qquad (31)$$

бу ерда:

$Q_{siz.}^{oy}$ – сув сизиб чиқувчи иссиқлик тармоқларидан иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрланадиган ойлик қийматлари;

a – иссиқлик тармоғидан ва ташкилотлар фойдаланадиган маҳаллий тизимлардан сизиб чиқувчи сувнинг меъёрий қиймати 0,0025 $m^3/(h\ m^2)$ деб қабул қилинади;

c – сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими, c = 1 kcal/(kg °C);

V – иссиқлик тармоғининг кўрсатилган қисмининг ҳажми, $V = \frac{L\times\pi\times d^2}{4}$, m^3;

ρ – сувнинг $\left(\frac{t_b^{o'rt.o.}+t_q^{o'rt.o.}}{2}\right)$ даги зичлиги, kg/m^3;

$t_{s.suv}{}^{o'rt.oy.}$ – иссиқлик тармоғини қўшимча сув билан таъминлаш учун иссиқлик манбаига келувчи сувнинг ўртача ойлик ҳарорати (қиш даврида +5 °C ва ёз даврида +15 °C деб қабул қилиниши мумкин);

$t_b^{o'rt.o.}, t_q^{o'rt.o.}$ – иссиқлик тармоғининг узатувчи ва қайтувчи қувурларидаги сувнинг режалаштирилаётган ўртача ойлик ҳарорати (ташқи ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати асосида ҳарорат жадвали бўйича аниқланади), °C.

Ёпиқ иситиш тизимида сув сизиб оқиши натижасида ойлик иссиқлик энергияси йўқотишларининг ҳақиқий қийматлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{siz.}^{oy.} = \text{C}\sum_1^m G_{siz.}^{sut.}\left(\frac{t_{b.}^{o'rt.sut.}+t_{q.}^{o'rt.sut.}}{2} - t_{s.suv}^{o'rt.sut.}\right)10^{-3}, \ \text{Gcal} \qquad (32)$$

бу ерда:

$Q_{siz.}^{oy.}$ – ёпиқ иситиш тизимида сув сизиб чиқиши сабабли ҳақиқий ойлик иссиқлик энергияси йўқотишлари;

$G_{siz.}^{sut.}$ – тўлдирувчи сувнинг ҳақиқий суткалик сарфи, t/d;

$t_{b.}^{o'rt.sut.}$, $t_{q.}^{o'rt.sut.}$, $t_{s.suv}^{o'rt.sut.}$ – иссиқлик манбаидаги тармоқнинг иссиқлик узатувчи ва қайтувчи қувурларида мос равишда сувнинг ҳақиқий ўртача кунлик ҳарорати ва унга иссиқлик тармоғини тўлдириб туриш учун сарфланган сувнинг ҳарорати, °C;

m – иссиқлик тармоғининг ўтган ойдаги ишлаш давомийлиги, сутка.

39. Қувурларнинг янги участкаларини тўлдириш ва режали таъмирлашдан кейин иссиқлик энергиясининг меъёрий технологик йўқотишлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{to'l.} = 1{,}5V_{to'l.q.} \times \rho_{to'l.} \times \text{c} \times (t_{to'l.} - t_{s.suv}) \times 10^{-6}, \ \text{Gcal} \qquad (33)$$

бу ерда:

$V_{to'l.q.}$ – тўлдирилаётган иссиқлик тармоқлари қувур ўтказгичларининг ҳажми, m^3;

$\rho_{to'l.}$ – тўлдириш учун фойдаланилаётган сувнинг зичлиги, kg/m^3;

$t_{to'l.}$ – тўлдириш учун фойдаланилаётган сувнинг ҳарорати, °C;

$t_{s.suv}$ – тўлдириш вақтида иссиқлик манбаига берилаётган сувнинг ҳарорати, ˚C.

40. Иссиқлик тармоқларидан сув сизиб чиқиши натижасида иссиқлик йўқотилишининг йиллик меъёрий қийматлари иссиқлик йўқотилишининг меъёрлаштирилган ойлик қийматларини жамлаш йўли билан аниқланади.

41. Иссиқлик тармоқларида изоляция орқали ҳамда иссиқлик ташувчининг сизиб чиқиши натижасида юзага келадиган иссиқлик энергияси йўқотишларининг йиллик меъёрий қийматларини ҳисоблаш учун зарур бўлган тўлиқ техник маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, иссиқлик тармоқлари орқали истеъмолчиларга етказиб бериладиган йиллик иссиқлик энергиясининг меъёрланадиган улуши сифатида белгилашга йўл қўйилади.

42. Иссиқлик манбалари ва марказий иссиқлик пунктлари хоналарида жойлашган, иссиқликни сақлаш қопламаси билан таъминланган қувур ўтказгичлар ҳамда ўчириш арматуралари орқали юзага келадиган солиштирма меъёрий иссиқлик энергияси йўқотишлари қувур ўтказгичларнинг диаметри, иссиқлик ташувчининг ўртача ҳарорати ва режалаштирилаётган давр давомида иссиқлик энергияси узатилишининг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Қувур ўтказгичлар орқали юзага келадиган иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрий қийматлари мазкур методиканинг 16-жадвалида келтирилган кўрсаткичлар асосида қабул қилинади.

Иссиқликни сақлаш қопламаси билан таъминланган ўчириш арматуралари орқали юзага келадиган иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрий қийматлари мазкур методиканинг 17-жадвалига мувофиқ аниқланади.

Қувур ўтказгичлар ва арматуралар орқали юзага келадиган умумий иссиқлик энергияси йўқотишлари ушбу кўрсаткичлар йиғиндиси сифатида ҳисоблаб чиқилади.

43. Иссиқликни сақлаш қопламаси бўлмаган ўчириш клапанлари (арматура) орқали иссиқлик энергияси йўқотишлари қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q_{izol.arm.} = q_i \times l_a \times n \times t \times 10^{-6}\ ,\ \text{Gcal} \qquad (34)$$

бу ерда:

q_i – иссиқликни сақлаш қопламали қувур ўтказгичларнинг солиштирма иссиқлик энергияси йўқотишлари, kcal/m h (мазкур методиканинг 17-жадвали бўйича қабул қилинади);

l_a – ўчириш клапанларининг битта элементига эквивалент бўлган иссиқликни сақлаш қопламаси бўлмаган қувур ўтказгичнинг узунлиги, m (мазкур методиканинг 18-жадвали бўйича қабул қилинади);

n – ўчириш клапанлари элементларининг сони.

44. Иссиқликни сақлаш қопламаси бўлмаган иссиқлик тармоғининг иссиқлик энергияси йўқотишлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

а) ясси юзалар учун:

$$Q^1_{izol.} = \alpha(t_{tash.} - t_{atm.})\text{H}\ ,\quad \left(\frac{kcal}{h}\right) \qquad (35)$$

б) қувур ўтказгичлар учун:

$$Q^2_{izol.} = \pi d\alpha(t_{tash.} - t_{atm.})L\ ,\quad \left(\frac{kcal}{h}\right) \qquad (36)$$

бу ерда:

α – иссиқлик беришининг жамлама коэффициенти (kcal/m^2×h×°C);

$t_{tash.}$ – ташқи сиртнинг ўртача ҳарорати, °C;

$t_{atm.}$ – атроф-муҳитнинг ўртача ҳарорати, °C;

H – сирт юзаси, m^2;

d – қувур ўтказгичнинг диаметри, m;

L – қувур ўтказгичнинг узунлиги, m.

Ўртача ҳисоблашларда хонада жойлашган иситилган юза учун α қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

а) ясси юзалар учун:

$$\boldsymbol{\alpha = 8,4 + 0,06(t_{tash.} - t_{atm.})}, \quad \left(\frac{\boldsymbol{kcal}}{\boldsymbol{m^2\ h\ grad}}\right) \qquad (37)$$

б) диаметри 2 m гача бўлган цилиндрик юзалар учун:

$$\alpha = 8{,}1 + 0{,}045(t_{tash.} - t_{atm.}), \quad \left(\frac{kcal}{m^2\ h\ grad}\right) \qquad (38)$$

в) очиқ ҳавода жойлашган объектлар учун:

$$\alpha = 10 + 6\sqrt{W_{sh.}}, \quad \left(\frac{kcal}{m^2\ h\ grad}\right) \qquad (39)$$

бу ерда, $W_{sh.}$ – шамолнинг тезлиги, m/s.

Тупроқдаги изоляция қилинмаган қувурнинг иссиқлик йўқотишлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\boldsymbol{Q_{izol.} = \frac{2\pi(t_{tash.} - t_{tup.})\lambda_{tup.}}{ln(\frac{2a}{r})}}, \quad \left(\frac{\boldsymbol{kkal}}{\boldsymbol{m\ h}}\right) \qquad (40)$$

бу ерда:

$\lambda_{tup.}$ – тупроқнинг иссиқлик ўтказиш коэффициенти, kcal/m h °C $\left(\frac{Vt}{m\ ^\circ C}\right)$;

нам тупроқлар учун $\lambda_{tup.}$= *1,5*, ўртача намликдаги тупроқлар учун $\lambda_{tup.}$= 1,0 ва қуруқ тупроқлар учун 0,5 деб қабул қилиниши мумкин;

$t_{tup.}$ – тупроқнинг ҳарорати, °C;

r – тупроққа тегиб турувчи қувур сиртининг радиуси, m;

a – иссиқлик ўтказгич ўқининг ўтказилишининг ер сиртидан чуқурлиги, m.

45. Иссиқлик таъминоти тармоқларини қайта улаш, янги истеъмолчиларнинг қўшилиши ва тўхталишлар вақтида иссиқлик тармоқларини бўшатиш билан боғлиқ бўлган иссиқлик энергиясининг технологик сарфлари қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q_{bo'sh.} = Vq(t_{suv} - t_{s.suv}), \ \text{kcal} \qquad (41)$$

бу ерда:

V – тармоқнинг ўчирилган ва бўшатилган участкасининг ҳажми, m^3;

q – t °C ҳароратда сувнинг солиштирма оғирлиги, kg/m^3;

t_{suv} – тармоқни бўшатиш учун участкани ўчиришда сувнинг ҳарорати, °C;

$t_{s.suv}$ – иссиқлик манбаига кирувчи сувнинг ҳарорати, °C.

46. Иссиқлик тармоғининг ўтган ой учун қувур ўтказгичларнинг иссиқлик сақлаш қопламаси орқали амалдаги иссиқлик энергияси йўқотишлари қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$Q_{iz.}^{oy.} = 3{,}6\left(Q_{yerost.}^{o'rt.oy.} + Q_{yerust.b.}^{o'rt.oy.} + Q_{yerust.q.}^{o'rt.oy.}\right)n, \ \text{MJ} \qquad (42)$$

ёки

$$Q_{iz.}^{oy.} = \left(Q_{yerost.}^{o'rt.oy.} + Q_{yerust.b.}^{o'rt.oy.} + Q_{yerust.q.}^{o'rt.oy.}\right) n\ ,\ \text{Gcal} \qquad (43)$$

бу ерда:

$Q_{iz.}^{oy.}$ – қувур ўтказгичларнинг иссиқлик сақлаш қопламаси орқали ойлик иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрий қиймати;

$Q_{yerost.}^{o'rt.oy.}$, $Q_{yerust.b.}^{o'rt.oy.}$, $Q_{yerust.q.}^{o'rt.oy.}$ – иссиқлик тармоғининг тегишлича ер устидан ва ер остидан ўтказилган (узатувчи ва қайтувчи қувурларидаги) барча қисмлари учун соатлик иссиқлик энергияси йўқотишларининг сувнинг ва атроф-муҳитнинг ўртача ойлик ҳароратига нисбатан аниқланадиган меъёрий қийматлари;

n – тармоқнинг мазкур ойдаги ишлаш давомийлиги, h;

а) ер остидан ўтказилган қисмлари учун:

$$Q_{yerost.}^{o'rt.oy.} = Q_{yerost.}^{o'rt.yil.} \frac{t_{b.}^{o'rt.oy.} + t_{q.}^{o'rt.oy.} - 2t_{tup.}^{o'rt.oy.}}{t_{b.}^{o'rt.yil.} + t_{q.}^{o'rt.yil.} - 2t_{tup.}^{o'rt.yil.}}\ ,\ \text{Gcal/h} \qquad (44)$$

б) ер устидан ўтказилган иссиқлик қайтувчи қувурлари учун:

$$Q_{yerust.q.}^{o'rt.oy.} = Q_{yerust.q.}^{o'rt.yil.} \frac{t_{q.}^{o'rt.oy.} - t_{atm.}^{o'rt.oy.}}{t_{q.}^{o'rt.yil.} - t_{atm.}^{o'rt.yil.}},\ \text{Gcal/h} \qquad (45)$$

в) ер устидан ўтказилган иссиқлик узатувчи қувурлари учун:

$$Q_{yerust.b.}^{o'rt.oy.} = Q_{yerust.b.}^{o'rt.yil.} \frac{t_{b.}^{o'rt.oy.} - t_{atm.}^{o'rt.oy.}}{t_{b.}^{o'rt.yil.} - t_{atm.}^{o'rt.yil.}},\ \text{Gcal/h} \qquad (46)$$

бу ерда:

$t_{b.}^{o'rt.oy.}$, $t_{q.}^{o'rt.oy}$ – иссиқлик тармоғининг узатувчи ва қайтувчи қувурларидаги сувнинг ўртача ойлик ҳарорати, °С;

$t_{b.}^{o'rt.yil.}$, $t_{q.}^{o'rt.yil}$ – иссиқлик тармоғининг узатувчи ва қайтувчи қувурларидаги сувнинг, тармоқнинг йил давомида жами ишлаш даври учун тегишли тармоқларда кутилаётган ўртача ойлик ҳароратларининг ўртача арифметик қиймати сифатида аниқланган ўртача йиллик ҳарорати, °С;

$t_{tup.}^{o'rt.oy.}$, $t_{tup.}^{o'rt.yil.}$ – тупроқнинг қувур ўтказгичлар ўтказилган чуқурлигидаги ўртача ойлик ва йиллик ҳарорати, °С;

$t_{atm.}^{o'rt.oy.}$, $t_{atm.}^{o'rt.yil.}$– ташқи ҳавонинг ўртача ойлик ва йиллик ҳарорати, °С;

$Q_{yerost.}^{o'rt.oy.}$, $Q_{yerust.b.}^{o'rt.oy.}$, $Q_{yerust.q.}^{o'rt.oy.}$ – тармоқнинг тегишлича ер устидан ва ер остидан ўтказилган (иссиқлик узатувчи ва қайтувчи қувурларидаги) барча участкалари учун соатлик иссиқлик йўқотишларининг меъёрланадиган, сувнинг ва атроф-муҳитнинг ўртача ойлик ҳароратига нисбатан аниқланадиган амалдаги қиймати.

Сувнинг амалдаги ўртача ойлик ҳарорати унинг бир ойдаги суткалик ўртача қийматларини жамлаб ўртача қийматини олиш йўли билан аниқланади.

47. Ўтган йил учун қувур ўтказгичларнинг иссиқлик сақлаш қопламаси орқали амалдаги иссиқлик йўқотишлари иссиқлик тармоғининг ушбу даврда ишлаш вақтида амалдаги ойлик иссиқлик энергияси йўқотишларининг қийматларини жамлаш йўли билан аниқланади.

48. Зарур бўлганда, иссиқлик сақлаш қопламаси орқали ва сувнинг сизиб чиқиши билан боғлиқ иссиқлик энергияси йўқотишларининг йиллик амалдаги қийматлари йиллик бериладиган иссиқлик энергиясининг амалдаги улуши сифатида аниқланиши мумкин.

49. Ҳарорати +25°Сдан фарқланадиган хоналар учун иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$q_{me\prime yor}^{his.} = q_{me\prime yor} \frac{t_{i.t.} - t_{xona}^{o'rt.}}{t_{i.t.}^{his.} - 25} \quad , \quad \frac{kcal}{\text{m h}} \qquad (47)$$

бу ерда:

$q_{me\prime yor}$ – ушбу методиканинг 16-жадвали бўйича қабул қилинади;

$t_{i.t.}$ – қувур ўтказгичдаги иссиқлик ташувчининг ҳарорати, °С;

$t_{i.t.}^{his.}$ – иссиқлик ташувчининг ҳисобланадиган ҳарорати, °С;

$t_{xona}^{o'rt.}$ – хонанинг ўртача ҳарорати, °С.

50. Буғўтказгичларнинг иссиқлик сақлаш қопламаси билан таъминланган конструкциялари орқали фойдаланиш жараёнида юзага келадиган соатлик иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача йиллик (ёки ўртача ойлик) меъёрий қийматларини аниқлашда қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

А турдаги бўлимларда – синовдан ўтказилган бўлимлар учун ўлчанган иссиқлик энергияси йўқотишларининг қийматларидан, уларни ўртача йиллик иш режимига қайта ҳисоблаган қийматлардан фойдаланилади;

Б турдаги бўлимларда – синовдан ўтказилмаган, бироқ синовдан ўтказилган бўлимларга қувурларни ётқизиш тури ҳамда иссиқлик сақлаш қопламаси конструкцияси бўйича ўхшаш бўлган буғўтказгич бўлимлари учун иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача йиллик (ёки ўртача ойлик) меъёрий қийматлари мазкур буғўтказгичлар учун белгиланган меъёрий қийматларга К коэффициентини қўллаш орқали аниқланиши, бунда К коэффициентининг қийматлари синовлар натижаларига мувофиқ қуйидаги формула асосида қабул қилинади:

$$\text{К} = \frac{Q_{me\prime yor.A}^{o\prime rt.yil.}}{Q_{me\prime yor.B.}^{o\prime rt.yil.}} \quad , \qquad (48)$$

бу ерда, $\text{Q}_{me\prime yor.A}^{o\prime rt.yil.}$ va $\text{Q}_{me\prime yor.B.}^{o\prime rt.yil.}$ – қийматлар мазкур методиканинг 50 ва 52-формулалари бўйича аниқланади.

Ушбу турдаги конструкцияга эга буғўтказгичларда иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрий қийматлари қуйидаги кетма-кетликда аниқланиши лозим:

синов натижалари асосида иссиқлик сақлаш қопламасининг ҳақиқий ўртача иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти;

буғўтказгичларнинг мавжуд диаметри ва иссиқлик сақлаш қопламаси қатламларининг қалинлиги ҳисобга олинган ҳолда меъёрий иссиқлик энергияси йўқотишлари;

В туридаги бўлимларда – буғўтказгичларнинг синовдан ўтказилмаган ва синовдан ўтказилган бўлимлардагидан фарқланадиган қувурларни ётқизиш тури ва изоляция конструкцияларига эга бўлган бўлимлари учун тузатиш коэффициентини киритмаган ҳолда иссиқлик йўқотишларининг ўртача йиллик меъёрий қийматларидан фойдаланилади;

буғўтказгичлар тармоғи бўйича эксплуатация жараёнидаги иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача йиллик меъёрий қиймати ушбу бандда кўрсатилган бўлимлар гуруҳлари бўйича аниқланган йўқотишларни жамлаш орқали.

51. Иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача йиллик меъёрий қийматлари буғўтказгичларнинг ўтказиш турлари бўйича амалдаги иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрларидан ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш натижалари асосида қабул қилиниши лозим.

Буғўтказгичлар эксплуатациясида атроф-муҳит ва иссиқлик ташувчи ҳароратларининг ҳақиқий қийматлари ишлаб чиқарувчининг техник ҳужжатларида белгиланган меъёрларда назарда тутилган кўрсаткичлардан фарқ қилган тақдирда, иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрий қийматлари мазкур буғ ўтказгичларнинг амалдаги иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобланиши лозим.

52. Аниқ буғўтказгич учун иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача йиллик меъёрий қийматлари, буғ ва атроф-муҳитнинг ўртача ҳароратларининг меъёрий қийматларида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Алоҳида буғўтказгич учун иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача йиллик меъёрий қийматлари буғ ва атроф-муҳитнинг ўртача ҳароратларининг меъёрий қийматларида қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$Q_{bug'.}^{o'rt.yil.} = \sum l(1+\beta)q_{me\prime yor.}\ , \qquad \left(\frac{kcal}{m\ h}\right) \qquad (49)$$

бу ерда:

l – буғўтказгич узунлиги, m;

β – маҳаллий йўқотиш коэффициенти бўлиб, каналсиз ётқизиш учун 1,15, каналда – 1,2, ер устида ётқизиш учун – 1,12 олинади;

$q_{me\prime yor.}$ – буғўтказгичларнинг солиштирма иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрий қиймати бўлиб, мазкур методиканинг 37 ёки 38-жадваллари бўйича қабул қилинади.

53. Буғўтказгичлар томонидан иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача йиллик меъёрий қийматлари ҳар бир бўлим гуруҳи бўйича қуйидагича аниқланиши лозим:

а) А туридаги бўлимлар:

$$Q_{me\prime yor.A}^{o'rt.yil.} = \frac{Q_{o\prime l.}\left(\tau_{eks.}^{o'rt.yil.} - t_{atm.}^{o'rt.yil.}\right)}{\tau_{sin.}^{o'rt.} - t_{atm.sin.}}, \ \text{Gcal} \qquad (50)$$

бу ерда:

$Q_{o\prime l.}$ – ўлчанган иссиқлик энергияси йўқотишлари, Gcal;

$\tau_{sin.}^{o'rt.yil.}$ – буғнинг синовлар вақтидаги ўртача ҳарорати, °C;

$t_{atm.sin.}$ – атроф-муҳитнинг синовлар вақтидаги ҳарорати, °C;

$\tau_{eks.}^{o'rt.yil.}$ – буғўтказгичдан фойдаланиш даврида буғнинг ўртача йиллик ҳарорати, °C;

$t_{atm.}^{o'rt.yil.}$ – атроф-муҳитнинг ўртача йиллик ҳарорати, °C;

б) Б туридаги бўлимлар:

$$Q_{me\prime yor.B}^{o'rt.yil.} = KQ_{me\prime yor.}^{o'rt.yil.} \frac{\left(\tau_{eks.}^{o'rt.yil.} - t_{atm.}^{o'rt.yil.}\right)}{\tau_{me\prime yor.}^{o'rt.yil.} - t_{atm.me\prime yor.}^{o'rt.yil.}}\ , \ \text{Gcal} \qquad (51)$$

бу ерда:

K – ушбу методиканинг 50-бандига мувофиқ қабул қилинади;

$\tau_{me\prime yor.}^{o'rt.yil.}$ – буғнинг меъёрлар бўйича ўртача йиллик ҳарорати, °C;

$t_{atm.me\prime yor}^{o'rt.yil.}$ – атроф-муҳитнинг меъёрлар бўйича ўртача йиллик ҳарорати, °C.

в) В туридаги бўлимлар:

$$Q_{me\prime yorV}^{o'rt.yil.} = Q_{me\prime yor}^{o'rt.yil.} \frac{\left(\tau_{eks.}^{o'rt.yil.} - t_{atm.}^{o'rt.yil.}\right)}{\tau_{me\prime yor}^{o'rt.yil.} - t_{atm.me\prime yor.}^{o'rt.yil.}}\ ,\ \text{Gcal} \qquad (52)$$

54. Буғўтказгичларнинг бутун тармоғидаги иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача йиллик меъёрий қийматлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\sum Q_{me\prime yor.}^{o'rt.yil.} = Q_{me'yor.A}^{o'rt.yil.} + Q_{me\prime yor.B}^{o'rt.yil.} + Q_{me\prime yor.V}^{o'rt.yil.}\ ,\ \text{Gcal} \qquad (53)$$

55. Буғўтказгичлар томонидан иссиқлик энергияси йўқотишларининг ўртача ойлик меъёрий қийматлари ушбу методиканинг 50–52-формулалари бўйича, буғ ва атроф-муҳитнинг ўртача ойлик ҳароратларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

56. Буғўтказгич томонидан иссиқлик энергияси йўқотилишининг ўртача ойлик меъёрий қийматлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{me\prime yor}^{oylik} = \left(\sum Q_{me\prime yor}^{o'rt.oy.}\right) 3{,}6n\ ,\ \text{MJ} \qquad (54)$$

бу ерда, n – буғўтказгичнинг ой давомида ишлаш давомийлиги, h.

57. Йиллик иссиқлик энергияси йўқотишларининг меъёрий қийматлари ойлик иссиқлик йўқотишларининг йиғиндиси сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_{me\prime yor}^{yil.} = \sum Q_{me\prime yor}^{oylik}\ ,\ \text{MJ} \qquad (55)$$

58. Иссиқлик синовларини ўтказиш жараёнида буғўтказгичларда буғ ва конденсатнинг сизиб чиқиши (чиқиб кетиши) натижасида юзага келадиган иссиқлик энергияси йўқотишлари аниқланиши, уларнинг сабаблари белгиланиши ҳамда бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Иссиқлик тармоқларининг фойдаланиш синовлари ва бошқа мунтазам ишларини ўтказиш режаси иссиқлик таъминоти корхонаси раҳбари томонидан тасдиқланиши ҳамда меъёрларни асослантирувчи материаллар таркибига киритилиши зарур.

4-боб. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ёқилғининг миқдорини аниқлаш

59. Иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи корхона учун шартли ёқилғига бўлган талаб ушбу методиканинг 18-формуласи бўйича аниқланган умумий иссиқлик энергияси миқдорини $Q_{i.ch.}$ бир гигакалория иссиқлик энергияси ёки бир тонна нормал буғ ишлаб чиқариш учун сарфланадиган шартли ёқилғининг солиштирма сарфи меъёрига кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{B} = \boldsymbol{Q_{i.ch.}} \times \boldsymbol{b} \times \mathbf{10^{-3}}\ ,\ \text{tn.sh.yo.} \qquad (56)$$

бу ерда:

B – режалаштирилаётган давр учун шартли ёқилғи миқдори, tn.sh.yo.;

b – шартли ёқилғи сарфининг солиштирма меъёри, kg.sh.yo./Gcal.

60. Бир гигакалория иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$b = \frac{142{,}8 \times 100}{(\eta^{br.})_q^{o'rt.}}, \quad \text{kg.sh.yo./Gcal} \qquad (57)$$

бу ерда, $(\eta^{br.})_q^{o'rt.}$ – қозон агрегатининг режалаштирилаётган давр учун ўртача юкламага мувофиқ ФИК, фоизда.

61. Қозон агрегатлари қурилмаларининг ФИК уларни фойдаланиш шароитлари ва муддатлари, ускуналарнинг техник ҳолати ва ёқилаётган ёқилғининг турларига боғлиқ бўлиб, ускуналарнинг иссиқлик техник синовлари асосида аниқланади.

Қозон агрегатлари қурилмаларининг ФИК ускуналарнинг фойдаланиш шароитлари ва муддатлари, техник ҳолати ҳамда қўлланилаётган ёқилғи турига боғлиқ ҳолда аниқланиши, уларнинг ФИК қиймати иссиқлик-техник синовлар натижалари асосида белгиланиши лозим.

62. Иссиқлик техник синовларининг маълумотлари бўлмаганда, ёқилғининг ва қозон агрегатларининг солиштирма сарфлари ушбу методиканинг 19 ва 24-жадваллари бўйича қабул қилинади.

63. Таъминловчи сувни иситиш учун қозон агрегатидан кейин экономайзер ўрнатилган бўлса, қозон агрегатининг умумий ФИК қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\boldsymbol{\eta_{um.}^{br.} = \eta_{q.}^{br.} + \eta_{ek.}^{br.}}, \ \% \qquad (58)$$

64. Экономайзернинг ФИК қуйидаги формула бўйича ҳисобланишига йўл қўйилади:

$$\boldsymbol{\eta_{ek.} = \eta_{q.}^{br.} \frac{\Delta t_{ek.}}{in_{br.} - t_{ek.br.}}}, \quad \% \qquad (59)$$

бу ерда:

$\eta_{q.}^{br.}, \eta_{ek.}$ – қозон агрегатининг ва экономайзернинг ФИК, фоизда;

$\Delta t_{ek.}$ – экономайзернинг кириш ва чиқиш қисмидаги сув ҳароратларининг айирмасига тенг бўлган (kcal/kg °C), сув таркибидаги иссиқлик миқдорининг (kcal/kg) ортиши;

in – экономайзердан кейин сув таркибидаги иссиқлик миқдори, унинг ҳароратига тенг деб қабул қилинади, kcal/kg;

$t_{ek.br.}$ – экономайзердан кейин тўйинтирилган буғ ёки сувнинг таркибидаги иссиқлик миқдори, сув таркибидаги иссиқликни унинг ҳароратига кўпайтмасига тенг деб қабул қилинади, kcal/kg.

65. Иссиқликни ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфининг солиштирма меъёрлари мазкур методиканинг 19 ва 24-жадвалларида келтирилган қозон агрегатларининг ФИК га мувофиқ электр энергияси бўйича эса 27-жадвалига мувофиқ аниқланади.

66. Атмосфера босимида бир тонна нормал буғни (таркибидаги иссиқлик энергияси миқдори 639 kcalга тенг бўлган бир тонна буғ) ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфининг солиштирма меъёрлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$b = b_{me\prime yor} \times \left(1 + K_{puflash}\right), \quad \text{kg.sh.yo.} \qquad (60)$$

бу ерда:

b – пуфловчи сув билан йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда 1 тонна нормал буғ ишлаб чиқариш учун ёқилғи сарфининг солиштирма меъёрлари, kg.sh.yo.;

$b_{me'yor}$ – 1 тонна нормал буғ ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфининг ҳисоблаб чиқиладиган солиштирма меъёри мазкур методиканинг 20-жадвали бўйича қабул қилинади;

$K_{puflash}$ – пуфлаш режими ва давомийлигига қараб пуфловчи сув билан йўқотишларни ҳисобга олувчи коэффициент.

Даврий пуфлашларда $K_{puflash}$ = 0,01.

Узлуксиз пуфлашларда $K_{puflash}$ қиймати пуфлаб чиқарилувчи қозон сувининг $W_{puflash}$ миқдорига (қозон унумдорлигига нисбатан фоизларда) боғлиқ бўлади:

$W_{puflash}$ = 5% $K_{puflash}$ = 0,0035;

$W_{puflash}$ =10 % $K_{puflash}$ =0,007;

$W_{puflash}$= 15 % $K_{puflash}$ = 0,0105.

Қозон агрегатида буғни нормал буғ шаклига ўтишини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилади:

$$D_{normal} = \frac{D_{ishchi} \times (i_p - i_{tsuv})}{639}, \quad \text{kg} \qquad (61)$$

бу ерда:

D_{normal} – нормал буғ ишлаб чиқариш унумдорлиги;

D_{ishchi} – ишчи буғ ишлаб чиқариш унумдорлиги, kg;

i_p – ишчи буғ таркибидаги иссиқлик энергияси миқдори, kcal/kg;

i_{tsuv} – таъминловчи сув таркибидаги иссиқлик энергияси миқдори, kcal/kg;

639 – нормал буғ таркибидаги иссиқлик энергияси миқдори, kcal/kg.

67. Қозонхонада бир нечта қозон агрегати бўлганда, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфининг ўртача меъёри қуйидаги формула бўйича ўртача қиймат сифатида аниқланади:

$$B_{o'rt.} = \frac{b_1Q_1 + b_2Q_2 + \cdots b_iQ_i}{Q_1 + Q_2 + \cdots Q_I}, \quad \text{kg.sh.yo./Gcal} \qquad (62)$$

бу ерда:

b_1, b_2, ...b_i – ҳар бир қозон агрегати учун ёқилғининг солиштирма сарфи меъёри, kg.sh.yo./ Gcal;

Q_1, Q_2, ...Q_i – режалаштирилаётган давр учун ҳар бир қозон агрегати томонидан ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияси (буғ) миқдори, Gcal ёки tn буғ.

68. Қозонхонанинг шартли ёқилғига бўлган тўлиқ талаби ($B_{sh.yo.}$) иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун ёқилғи сарфи ($B_{i.ch.}$) ҳамда қозон агрегатини ёқиш ва қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун шартли ёқилғининг қўшимча сарфи ($B_{yoq.}$) йиғиндиси сифатида аниқланиши лозим.

69. Қозон агрегатларини ишга қўйиш (ёқиш) учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфи қозон агрегатининг қиздириш юзаси, мавсум давомида қозон агрегатининг тўхташлари сони ҳамда уларнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда аниқланиши, бунда мазкур солиштирма сарф қиймати ушбу методиканинг 21-жадвалида келтирилган кўрсаткичлар бўйича аниқланиши керак.

70. Шартли ёқилғини натурал ёқилғига ўтказиш ёқилғининг тавсифи ва калория коэффициентининг қийматига кўра қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$B_{nat.} = \frac{B_{shart.}}{E} \quad , \qquad m^3 \text{ ёки kg} \qquad (63)$$

бу ерда:

$B_{nat.}$ – ишлаб чиқарувчи ёки иссиқлик таъминоти корхонасининг натурал ёқилғига бўлган тўлиқ талаби, m^3 табиий газ учун, kg қаттиқ ёки суюқ ёқилғи учун;

$B_{shart.}$ – ишлаб чиқарувчи ёки иссиқлик таъминоти корхонасининг шартли ёқилғига бўлган тўлиқ талаби, kg.sh.yo.;

E – натурал ёқилғининг иссиқлик бера олиш қобилиятини шартли ёқилғининг иссиқлик бера олиш қобилиятига нисбатига тенг бўлган калория коэффициенти:

$$E = \frac{Q_{nat.}^{past}}{Q_{sh.yo.}^{past}} \quad , \qquad (64)$$

бу ерда:

$Q_{nat.}^{past}$ – натурал ёқилғининг энг паст иссиқлик бера олиш қобилияти, kcal/kg (m^3);

$Q_{sh.yo.}^{past}$ – шартли ёқилғининг энг паст иссиқлик бера олиш қобилияти 7000 kcal/kg га тенг.

71. Ўрта қувватли қозон агрегатлари (10 Gcal/h гача) уч йил ва юқори қувватли қозон агрегатлари тўрт йил фойдаланилгандан сўнг, шунингдек қозонхонани техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки реконструкция қилиш, ишлатиладиган ёқилғи тури ёки маркасининг ўзгариши натижасида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатишда ёқилғининг солиштирма сарфи 1 фоиздан ортиқ ўзгарган ҳолларда ёқилғи сарфининг меъёрлари қайта кўриб чиқилиши зарур.

Ёқилғи сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш ишлари ёқилғидан фойдаланувчи қурилмалар ва агрегатларнинг энергетик синовлари натижалари асосида амалга оширилиши, бунда мазкур синовлар ихтисослаштирилган ишга тушириш-созлаш ташкилотлари томонидан ўтказилиши лозим.

Энергетик синовларни ўтказиш ёқилғидан фойдаланувчи қурилмалар ва агрегатлар техник жиҳатдан соз ҳолатга келтирилгандан ҳамда уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилгандан кейин амалга оширилади.

72. Иссиқлик таъминоти корхоналари ишининг тежамкорлигини назорат қилиш ва режадаги кўрсаткичларни ҳисобот кўрсаткичлари билан солиштириш имкониятини яратиш мақсадида, ёқилғига бўлган талаб ва ёқилғининг солиштирма сарфлари иссиқлик таъминоти корхоналари коллекторларидан бериладиган иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун ҳисоблашларда тақдим этилиши мумкин.

Қозонхонанинг коллекторларидан бериладиган иссиқликни ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғига бўлган талаб қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$B_{ber.} = Q_{ber.} \times b_{ber.} \times 10^{-3} \, , \qquad \text{t.sh.yo.} \qquad (65)$$

бу ерда:

$В_{ber.}$ – қозонхонанинг коллекторларидан бериладиган иссиқликни ишлаб чиқариш учун ёқилғининг бир йиллик миқдори;

$Q_{ber.}$ – қозонхонадан иссиқлик тармоғига бериладиган ва ушбу методиканинг 28-бандига мувофиқ аниқланадиган иссиқлик энергиясининг бир йиллик миқдори, Gcal;

$b_{ber.}$ – узатилган иссиқлик энергияси учун шартли ёқилғи сарфининг солиштирма меъёри, kg.sh.yo.

73. Иссиқлик энергиясини узатиш учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфининг меъёри қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$b_{ber.} = \frac{142{,}8 \times 100}{\eta_{o'r.FIK}^{netto}}, \quad \text{kg/Gcal} \qquad (66)$$

ёки

$$b_{ber.} = \frac{b}{1 - К_{o'z}}, \quad \text{kg/Gcal} \qquad (67)$$

бу ерда:

$\eta_{o'r.FIK}^{netto}$ – қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик сарфини ҳисобга олган ҳолда қозонхонанинг ўртача нетто ФИК (%) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\eta_{o'r.FIK}^{netto} = \left(\eta_{qozon}^{o'r.br.}\right) \times \left(1 - \frac{К_{o'z}}{100}\right), \quad (68)$$

бу ерда:

$\eta_{qozon}^{o'r.br.}$ – қозон агрегатининг ушбу методиканинг 19-жадвали маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилган ФИКнинг ўртача қиймати;

$К_{o'z}$ – иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун ёқилғи сарфининг улуши сифатида қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун ёқилғи сарфини ҳисобга олувчи ва қуйидаги формула бўйича аниқланувчи коэффициент, %:

$$К_{o'z} = \frac{\sum b_{o'z}}{b} \times 100, \qquad (69)$$

$\sum b_{o'z}$ – қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфлари йиғиндиси, kg.sh.yo./Gcal;

B – 1 Gcal иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, kg.sh.yo/Gcal.

5-боб. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган электр энергияси миқдорини аниқлаш

74. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун электр энергияси сарфи иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва қозонхонадан истеъмолчигача узатиш билан бевосита боғлиқ бўлган технологик эҳтиёжлар ҳамда ёрдамчи эҳтиёжлар бўйича алоҳида ҳисобга олиниши лозим.

Бунда технологик эҳтиёжларга иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш жараёнларида қўлланиладиган асосий технологик ускуналарнинг электр энергияси сарфи киритилади.

Ёрдамчи эҳтиёжларга эса ишлаб чиқариш устахоналари, ёқилғи омборлари, маиший ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси учун сарфланадиган электр энергияси киритилади.

75. Технологик эҳтиёжлар учун электр энергияси сарфи тортувчи-пуфловчи (вентиляторлар, тутун тортгичлар) қурилмаларидаги, насослар (таъминлаш, айланма, кимёвий сув тозалаш, мазут, вакуум), қозонхоналарда ёқилғини бериш ва тайёрлаш, қурум ва шлакни тозалаш (майдалагич, кўмир ортгичлар, транспортёрлар, скреперлар) механизмларидаги электр энергияси сарфларини ўз ичига олади.

76. Ишлаб чиқариш устахоналаридаги ускуналар, қозонхона ҳудудида ўрнатилган ёрдамчи ускуналарнинг юритмалари, шунингдек омбор хўжалиги ускуналарининг юритмалари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси сарфлари иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига етказиб бериш билан бевосита технологик боғлиқликка эга бўлмаганлиги сабабли ҳисоблашларда инобатга олинмайди.

77. Иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш учун айлантирувчи ёки таъминловчи насос агрегатлари юритгичлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси сарфининг меъёрларини аниқлашда иссиқ сув таъминоти тизимининг ҳафта давомидаги ўртача соатлик юкламаси ҳисобга олиниши лозим.

78. Иссиқлик энергиясини узатишни таъминловчи ҳамда иссиқлик тармоғида ўрнатилган таъминловчи ва айлантирувчи насос агрегатлари юритгичлари учун электр энергияси сарфининг меъёрлари мазкур насослар томонидан ҳайдаладиган иссиқлик ташувчининг сарфига кўра аниқланиши лозим.

Бунда таъминловчи насослар бўйича электр энергияси сарфи меъёрлари иссиқлик тармоғи ва иситиш тизимлари схемаларидаги қувурларнинг сиғимига (гидравлик ҳажмига) боғлиқ ҳолда белгиланиши ҳамда айлантирувчи насослар бўйича электр энергияси сарфи меъёрлари иситиш даврида ташқи ҳавонинг ўртача ҳароратига мувофиқ иситиш тизимининг юкламасига боғлиқ ҳолда аниқланиши зарур.

79. Иссиқлик энергиясини узатувчи иссиқлик тармоғига ўрнатилган кучайтиргич ва аралаштириш насослари юритгичлари учун электр энергияси сарфининг меъёрлари ушбу насослар томонидан ҳайдалган иссиқлик ташувчининг сарфи орқали аниқланади.

80. Иссиқлик энергиясини узатувчи иссиқлик тармоқларида жойлашган иссиқ сув сақлаш бак-аккумуляторларига иссиқлик ташувчини йиғиш-сарфлаш учун иссиқлик энергияси сарфи ва насосларнинг ишлаш муддати, бак-аккумуляторларининг иссиқ сув таъминоти даврида сув истеъмоли иш режимларига кўра белгиланади.

81. Ҳисобланаётган давр учун электр энергиянинг жами режавий сарфи қуйидагича аниқланади:

$$E_{reja.} = E_{tex.} + E_{uzat.} + E_{nas.} + E_{o'z.}, \quad \text{kW·h} \qquad (70)$$

бу ерда:

$E_{tex.}$ – электр юритмага эга бўлган технологик ускуналардаги;

$E_{uzat.}$ – иссиқлик ташувчини қозонхонадан истеъмолчигача узатилишидаги;

$E_{nas.}$ – иссиқлик энергиясини четдан харид қилинганда насос станцияларида иссиқлик ташувчини қайта узатишдаги;

$E_{o'z.}$ – қозонхонанинг ўз эҳтиёжлари (ёритиш, шамоллатиш (вентиляция), тармоқлардаги йўқотишлар, кўтарувчи-узатувчи, ёрдамчи механизмлар) учун электр энергиянинг сарфи.

82. Технологик ускуналарнинг юритмалари учун электр энергияси сарфлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$D_{tex.} = \frac{\sum_i^n N_{nas.i} \times t_i \times К_{nas.}}{\eta_{o'rt.}} , \quad \text{kW h} \qquad (71)$$

$\sum_i^n N_{nas.i}$ – двигателлар номинал қувватининг йиғиндиси, kW (паспорт маълумотлари бўйича);

n – электр двигателлари сони;

t_i – ускуналарнинг фойдали ишлаш вақти, h;

$К_{nas.}$ – электр ускуналарининг қувватидан фойдаланиш коэффициенти;

$\eta_{o'rt.}$ – электр ускуналарининг ўртача олинган ФИК қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\eta_{o'rt.} = \frac{\sum_i^n N_{nas.i} \times h_i}{\sum_i^n N_{nas.i}} , \qquad (72)$$

83. Электр ускуналарининг қувватидан фойдаланиш коэффициенти эксперимент асосида, алоҳида (ёки бир гуруҳ) қабул қилгичнинг актив қувватини унинг номинал (паспорт бўйича) қийматига нисбати сифатида аниқланади:

$$К_{nas.} = \frac{N_{o'rt.}^n}{N_{nas.}} = \frac{\sum_i К_{nas.} \times N_{nas.i}}{\sum_i^n N_{nas.}} , \qquad (73)$$

Турли иш режимларига эга бўлган гуруҳости қабул қилгичларидан таркиб топган қабул қилгичлар гуруҳи учун актив қувватдан фойдаланишнинг ўртача олинган коэффициенти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$К_{nas.} = \frac{\sum_i^n N_{o'rt.i} \times t_i}{\sum_i^n N_{nas.} \times t} , \qquad (74)$$

бу ерда:

t – ҳисоблаш давридаги (ой, чорак, йил) ўртача қувват қийматлари тааллуқли соатларининг умумий сони, улар асосида соатлик коэффициент ҳисоблаб чиқилади, h;

t_i – ҳисоблаш даврида электр ускуналарининг фойдали ишлаш вақти, h.

84. Ёқилғини тайёрлаш, етказиб бериш, кул-шлак кетказишда электр энергияси сарфларини ҳисоблаш учун маълумотлар бўлмаганда, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E_{yoq.} = E_{yoq.}^{sol.} \times Q_{ish.ch.} \times t , \quad \text{kWt h} \qquad (75)$$

бу ерда:

$E_{yoq.}^{sol.}$ – ёқилғини тайёрлаш, етказиб бериш, кул ва шлак кетказиш учун электр энергиянинг солиштирма сарфи;

$Q_{ish.ch.}$ – қозонхонанинг иссиқлик қуввати, Gcal/h;

t – ҳисоблаш даврида ускуналарнинг ишлаш давомийлиги, h.

Ёқилғини тайёрлаш, етказиб бериш, кул-шлак кетказишда электр энергиянинг солиштирма сарфлари ушбу методиканинг 22-жадвалида келтирилган.

85. Электр энергияси сарфи насос агрегатларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида ҳисобланиши, бунда насос агрегатларининг турлари бўйича ҳисобланган электр энергияси сарфлари йиғиндиси орқали умумий электр энергияси сарфи аниқланиши керак.

86. Насос агрегатининг электродвигатели ўқидаги талаб этилган қувват қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E_{dv.} = \left[\frac{G_{his.} \times H_{his.} \times \rho}{3600 \times 102 \times \eta_{nas.} \times \eta_{trans.}}\right] \times 100 \text{ , kW} \qquad (76)$$

бу ерда:

$G_{his.}$ – насос агрегати ёрдамида узатилаётган иссиқлик ташувчисининг ҳисобланган сарфи, m^3/h;

$H_{his.}$ – иссиқлик энергияси ташувчисининг ҳисобий сарфида насос ҳосил қилувчи босим, m;

$\eta_{nas.}, \eta_{trans.}$ – насос ва трансмиссия ФИК, %;

ρ – насос агрегатининг ҳар бир ишлаш давридаги иссиқлик ташувчининг зичлиги, kg/m^3.

Насос агрегати томонидан узатиладиган иссиқлик ташувчисининг ҳисобланган сарфи иссиқлик тармоқларининг ҳисобланган гидравлик иш режимларига мувофиқ олинади.

Иссиқлик ташувчисининг ҳар бир сарфи вақтида насос агрегати томонидан ҳосил қилинган босим, насоснинг хусусиятлари (паспорт бўйича ёки насоснинг синови натижасида олинган) орқали белгиланади.

Насосларнинг ФИК $\eta_{nas.}$ уларнинг хусусиятлари билан белгиланиши, бунда трансмиссия ФИК 98 фоиз деб қабул қилинишига йўл қўйилади.

Насос агрегатининг электр энергияси сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E_{nas.} = \left[\frac{E_{dv.} \times t_{nas.}}{\eta_{dv.}}\right] \times 100 \text{ , kW h} \qquad (77)$$

бу ерда:

$t_{nas.}$ – насос агрегатининг ишлаш вақти, h;

$\eta_{dv.}$ – элдвигателнинг ФИК, %.

87. Ишчи ғилдиракнинг айланиш частотасини ўзгартириш орқали насос агрегатининг босими ва қувватини тартибга солиш амалга оширилган тақдирда, параллел ишлайдиган насос агрегатларининг натижавий (умумий) гидравлик хусусиятлари иссиқлик тармоғининг гидравлик ҳисоби натижаларига мувофиқ аниқланиши лозим.

Бунда айланиш частотаси ўзгариши билан насоснинг босими ва сарфи ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги нисбат орқали ифодаланади:

$$\frac{H_1}{H_2} = \left(\frac{G_1}{G_2}\right)^2 = \left(\frac{n_1}{n_2}\right)^2, \qquad (78)$$

бу ерда:

H_1 va H_2 – n_1 и n_2 айланиш частотасида насос агрегати ҳосил қилувчи босим, m;

G_1 ва G_2 – n_1 ва n_2 айланиш частотасида насос агрегати сарфи, m^3/h;

n_1 ва n_2 – ишчи ғилдиракларнинг айланиш частотаси, min^{-1}.

Марказдан қочирма насос агрегатлари ёрдамида иссиқлик энергияси ташувчисини ҳайдаш учун истеъмол қилинадиган насос агрегатининг қуввати ишчи ғилдиракнинг дастлабки айланиш частотасига нисбатан ўзгартирилган айланиш частотаси ҳисобга олинган ҳолда аниқланиши лозим.

Бунда насос агрегати қуввати ушбу методиканинг 76 ва 77-формулаларига мувофиқ мувофиқ насос агрегати томонидан ҳайдаладиган иссиқлик энергияси ташувчисининг сарфига мос келадиган ҳосил қилинадиган босим қийматлари, насос агрегатининг ФИК, электродвигатель ФИК ҳамда частота ўзгартиргичнинг ФИК қийматларини қўллаш орқали ҳисобланади.

Частота ўзгартиргичнинг ФИК қиймати ҳисоблаш формуласида махраж қисмида қўлланилиши зарур.

88. Вентиляторларнинг ва тутун тортгичларнинг электр двигателлари юритмалари учун электр энергия сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E = \frac{V \times H \times t}{3600 \times 102 \times \eta}, \quad \text{kW h} \qquad (79)$$

бу ерда:

V – ҳажмий сарф, m^3/h;

H – вентиляторлар ёки тутун тортгичлар томонидан ташкил этилаётган тўлиқ босим, kgk/cm^2;

t – режалаштирилаётган даврда электр двигателининг ишлаш соатлари сони, h;

η – қурилманинг ФИК (паспорт маълумотлари бўйича).

89. Вентиляторлар ва тутун тортгичларнинг унумдорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

а) вентиляторлар учун:

$$V_{v.} = b_1^{v.} \times b_2^{v.} \times \text{B} \times V_{havo.}^{naz.} \times \text{a}_{o't.} \frac{273+t_{s.havo}}{273} \times \frac{101{,}3}{h_{bar.}}, \ nm^3/h \qquad (80)$$

б) тутун тортгичлар учун:

$$V_{t.t.} = b_1^{t.t.} \times b_2^{t.t.} \times \text{B} \times V_{yon.}^{naz.} \times \text{a}_{ch.g.} \frac{273+t_{ch.g.}}{273}, \quad nm^3/h \qquad (81)$$

бу ерда:

$V_{havo.}^{naz.}$ – 1 m^3 (ёки 1 kg) ёқилғининг тўлиқ ёниб бўлиши учун зарур бўлган ҳавонинг назарий ҳажми, nm^3/kg (nm^3/m^3);

$V_{yon.}^{naz.}$ – 1 m^3 (ёки 1 kg) ёқилғи учун ёниш маҳсулотларининг назарий ҳажми nm^3/kg (nm^3/m^3);

$V_{havo.}^{naz.}$ ва $V_{yon.}^{naz.}$ – ушбу методиканинг 23-жадвали бўйича қабул қилинади;

$a_{o't.}$, $a_{ch.g.}$ – ўтхонадаги ва чиқувчи газлардаги ортиқча ҳаво коэффициенти мазкур методиканинг 24-жадвали бўйича қабул қилинади;

$t_{s.havo}$ – совуқ ҳаво ҳарорати, 20 °C га тенг деб қабул қилинади;

$t_{ch.g.}$ – чиқиб кетувчи газларнинг ҳарорати;

b_1, b_2 – тортувчи-пуфловчи ускуналарнинг унумдорлик ва зўриқиш заҳиралари бўйича коэффициентлари ушбу методиканинг 25-жадвали бўйича қабул қилинади;

b – ёқилғи сарфи, kg мазкур методиканинг 56-формуласи бўйича аниқланади;

$h_{bar.}$ – барометрик босим, kPa.

90. Ҳисоблашларни амалга оширишда аниқ маълумотлар бўлмаганда, тортувчи-пуфловчи ускуналарнинг электр двигателлари юритмалари учун электр энергияси сарфини қуйидагича баҳолашга йўл қўйилади:

$$E_{v.} = V_{havo} \times E_{sol.}^{v.} \times 10^{-3} , \quad \text{kW h/1000 m}^3 \qquad (82)$$

$$E_{gaz.} = V_{gaz.} \times E_{sol.}^{gaz.} \times 10^{-3} , \quad \text{kW h/1000 m}^3 \qquad (83)$$

бу ерда, $E_{sol.}^{v.}$, $E_{sol.}^{gaz.}$ – пуфловчи вентиляторлар томонидан ҳавони узатиш учун ва чиқиб кетувчи газларни чиқариш учун электр энергиясининг солиштирма сарфи бўлиб, ушбу методиканинг 26-жадвали бўйича қабул қилинади.

91. Иссиқлик энергиясини узатиш учун электр энергияси сарфи иссиқлик тармоғида, марказий иссиқлик пунктларида, ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимларидаги индивидуал иссиқлик пунктларида, шунингдек қайта узатувчи станцияларда ўрнатилган насос агрегатлари юритмалари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси сарфларининг йиғиндиси сифатида аниқланиши лозим.

92. Тармоқ насосларининг юритмалари ва бошқа (айлантирувчи, таъминловчи, сувни кимёвий тайёрлаш, тўйинтирувчи) насос агрегатларининг электр двигателлари томонидан электр энергияси истеъмоли учун электр энергияси сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E = \frac{G \times \text{H} \times t}{3600 \times 102h} , \quad \text{kWt h} \qquad (84)$$

бу ерда:

G – иссиқлик энергияси ташувчиси сарфи, m^3/h;

H – насос агрегати ёрдамида ҳосил қилинадиган босим, m;

t – насос агрегатининг режалаштирилаётган даврда ишлаш давомийлиги, h;

h – насос агрегатининг ФИК (паспорт маълумотлари бўйича).

93. Қозонхоналар хоналарини ёритиш учун электр энергияси сарфлари ўрнатилган ёритгичларнинг сони ва қуввати ҳамда электр лампаларининг ёниш соати бўйича аниқланади:

$$E_{yor.} = \sum_i^n N_{yor.} \times t_{yor.} , \quad \text{kWt h} \qquad (85)$$

бу ерда:

$N_{yor.}$ – ўрнатилган ёритгичларнинг қуввати, kWt;

n – ёритгичлар сони, дона;

$t_{yor.}$ – ёритиш максимумидан фойдаланиш соатлари сони, h (табиий ёритиш мавжуд бўлганда – 4800 соат, табиий ёритиш бўлмаганда – 7700 соат деб қабул қилинади).

94. Электр энергияси йўқотишлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$DE = D_{trans.} + D_{tarmoq.}, \quad \text{kW h} \qquad (86)$$

бу ерда:

$D_{trans.}$ – трансформаторлардаги актив ва реактив энергия йўқотишлари;

$D_{tarmoq.}$ – ҳаво ва кабель тармоқларидаги электр энергия йўқотишлари.

95. Тахминий ҳисоблашлар учун электр тармоқларидаги, трансформаторлардаги электр энергияси йўқотишлари (истеъмол қилинган электр энергиясига нисбатан фоизларда) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$DE = \frac{DU}{cos\varphi}, \qquad (87)$$

DU – ток қабул қилгичларни қисқичларида кучланишнинг ўчирилиши, %.

$$DU = \frac{\sqrt{3}\times\sum_i^n I_i\times l_i\times(r_o\times cos\varphi + X_o\times sin\varphi)\times 100}{U}, \qquad (88)$$

бу ерда:

I_i – ҳисобланаётган участка бўйича ўтувчи ток, А;

l_i – ҳисобланаётган участканинг узунлиги, km;

n – тармоқ узунлиги бўйича юкламалар миқдори;

φ – электр қабул қилгичда ток ва кучланиш ўртасидаги фазаларнинг силжиш бурчаги;

$sin\varphi$ – тригонометрик функциялар жадвалидаги $\cos\varphi$ нинг қиймати бўйича аниқланади;

r_o, X_o – тегишлича актив ва индуктив қаршилик, Om/km (маълумотнома маълумотлари асосида қабул қилинади);

U – кучланиш, V.

Йўқотишларнинг тавсия этилган қийматлари ушбу методиканинг 27-жадвалида келтирилган.

96. Ҳисоблаш учун маълумотлар бўлмаганда бошқа (контурдаги сувнинг рециркуляцияси, иссиқлик тармоғини қўшимча таъминлаш, қозонхонани ёритиш, тақсимлаш тармоғидаги ва куч трансформаторларидаги йўқотишлар, назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматика қурилмасининг иши) эҳтиёжлар учун электр энергияси сарфлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E_{bosh.} = N_{sol.}^{bosh.} \times t \times Q_{yet.}, \quad \text{kW h} \qquad (89)$$

бу ерда:

$N_{sol.}^{bosh.}$ – ускуналарнинг истеъмол қилаётган солиштирма қуввати, ундаги электр энергияси сарфи иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун электр энергияси сарфлари таркибида ҳисобга олинади, Wt/Gcal/h (мазкур методиканинг 28-жадвали бўйича қабул қилинади);

t – режалаштирилаётган даврнинг давомийлиги, h;

$Q_{yet.}$ – иссиқлик энергиясини етказиб бериш режаси, Gcal.

97. Марказий ва индивидуал иссиқлик пунктларидан иссиқлик энергиясини узатиш учун электр энергияси сарфи қуйидагича аниқланади:

$$E = E_{MIP}^{sol.} \times Q_{MIP} \times t_{MIP}, \quad \text{kW h} \qquad (90)$$

$$E = E_{IIP}^{sol.} \times Q_{IIP} \times t_{IIP}, \quad \text{kW h} \qquad (91)$$

бу ерда:

Q_{MIP} ва Q_{IIP} – марказий ва индивидуал иссиқлик пунктининг иссиқлик қуввати, Gcal;

$E_{MIP}^{sol.}$ ва $E_{IIP}^{sol.}$ – марказий ва индивидуал иссиқлик пунктида электр энергиясининг солиштирма сарфлари, kWt/Gcal;

t_{MIP} ва t_{IIP} – режалаштирилаётган даврда электр юкламасидан фойдаланиш вақти, h.

Марказий иссиқлик пункти учун электр энергиясининг солиштирма сарфи (kW·h/Gcal) қуйидаги тартибда қабул қилиниши лозим:

иссиқ сув таъминоти ва иситиш боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган схемалар бўйича ишлайдиган марказий иссиқлик пункти учун – 2,32;

иссиқ сув таъминоти ва иситиш боғлиқ бўлмаган схема бўйича ишлайдиган марказий иссиқлик пункти учун – 0,76;

иссиқ сув таъминоти ва иситиш боғлиқ бўлган схема бўйича ишлайдиган марказий иссиқлик пункти учун – 1,56.

Индивидуал иссиқлик пункти учун электр энергиясининг солиштирма сарфи (kW·h/Gcal) қуйидаги тартибда қабул қилиниши керак:

иссиқ сув таъминоти ва иситиш боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган схемалар бўйича ишлайдиган индивидуал иссиқлик пункти учун – 2,09;

иссиқ сув таъминоти ва иситиш боғлиқ бўлмаган схема бўйича ишлайдиган индивидуал иссиқлик пункти учун – 0,68;

иссиқ сув таъминоти ва иситиш боғлиқ бўлган схема бўйича ишлайдиган индивидуал иссиқлик пункти учун – 1,41.

Марказий иссиқлик пункти ва индивидуал иссиқлик пункти биноларини ёритиш учун электр энергияси сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$E_{yor.} = E_{yor.}^{sol.} \times F \times t_{yor.}, \quad \text{kW h} \qquad (92)$$

$E_{yor.}^{sol.}$ – электр энергиясининг ёритиш учун солиштирма сарфи, kWt/m^2, ($E_{yor.}^{sol.}$ = 0,009);

F – марказий иссиқлик пункти (индивидуал иссиқлик пункти)нинг майдони, m^2;

t – режалаштирилаётган даврда ёритиш мосламаларидан фойдаланиш вақти, h.

Автоматик ростлаш ускуналари томонидан электр энергияси сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$E_n = N_n \times t_n, \quad \text{kW h} \qquad (93)$$

N_n – битта ускунанинг электр энергияси истеъмол қилиш қуввати, kW (N_n~0,085);

t_n – режалаштирилаётган давр учун ускунанинг ишлаш вақти, h.

98. Электр энергияси сарфларининг тахминий ҳисоб-китоблари учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$E = \sum_{i}^{n} \times N_{his.} \times t_{maks.}, \quad \text{kWt h} \qquad (94)$$

$N_{his.}$ – электр энергияси қабул қилгичларнинг ҳисобланган электр юкламаси, kWt;

$t_{maks.}$ – режалаштирилаётган даврда қувватдан энг кўп фойдаланиш соатларининг сони, h;

n – электр энергияси қабул қилгичларнинг сони.

$$N_{his.} = К_{tal.} \times N_{o'r.}, \qquad (95)$$

$N_{o'r.}$ – электр қабул қилгичларнинг ўрнатилган (паспорт бўйича) қуввати, kWt;

$К_{tal.}$ – ўхшаш режимларга эга бўлган қабул қилгичлар гуруҳи учун тажриба йўли билан аниқланадиган талаб коэффициенти, бунда маълумотлар бўлмаганда қуйида келтирилган кўрсаткичлар бўйича олинади:

Ускуналар	$К_{tal.}$
Трансформаторлар	0,5 – 0,8
Болғали майдалагичлар	0,7 – 0,9
Скипли кўтаргичлар	0,3
Вентиляторлар, тутун тортгичлар	0,95
Скреперли чиғирлар	0,35 – 0,5
Тасмали, барабанли, маятникли, каткали таъминлагичлар	0,65 – 0,37
Енгил конвейрлар (10 кВт гача)	0,65 – 0,7
Шнеклар, элеваторлар, механик ўтхоналар	0,75 – 0,8
Вакуум-насослар	0,7 – 0,9
Турли насослар	0,7 – 0,8
Иссиқлик пунктлари	0,8
Иситиш қозонхоналари	0,65 – 0,7
Тармоқдаги таъминловчи насослар	0,8
Компрессорлар	0,5 – 0,8
Кран-балкалар, телферлар, лифтлар, таллар	0,2 – 0,5
Пайвандлаш трансформаторлари	0,3 – 0,35
Сантехвентиляторлар	0,65 – 0,75

99. Марказий иситиш қозонхоналари томонидан кам қувватли қозонларда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун электр энергиясининг солиштирма сарфини чегаравий қийматлари ушбу методиканинг 28 ва 29-жадвалларида келтирилган.

100. Электр энергиянинг солиштирма сарфи қуйидагича аниқланади:

а) қозонхонада иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун:

$$E^{sol.ish.chiq.} = \frac{Э_{tex.}+E_{trans.}+E_{o'z.eh.}}{Q_{ish.chiq.}}, \quad \text{kWt h /Gcal} \qquad (96)$$

б) иссиқлик энергиясини узатиш учун:

$$E^{sol.yet.ber.} = \frac{E_{tex.}+E_{trans.}}{\frac{Q_{yet.ber.}+E_{nas.}}{Q_{chet.}}}, \quad \text{kWt h /Gcal} \qquad (97)$$

$Q_{chet.}$ – режалаштирилаётган даврда сотиб олинган иссиқлик энергияси миқдори, Gcal.

6-боб. Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган сув ҳажмини аниқлаш

101. Иссиқлик таъминоти корхоналарида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш жараёнлари учун талаб этиладиган сув сарфи қуйидаги таркибий қисмлар йиғиндисидан шакллантирилади:

иситиш тизимлари ҳамда иссиқлик тармоқларининг ташқи қувурларини бир марталик сув билан тўлдириш учун сарф;

иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларини қўшимча сув билан таъминлаш учун сарф;

сув тайёрлаш (сувни кимёвий тайёрлаш) тизимининг ўз эҳтиёжлари учун сарф.

102. Иситиш тизимларини тўлдириш учун сув сарфи уланган истеъмолчиларнинг иситиш тизимларини тўлдириш учун зарур бўлган сув сарфлари йиғиндиси сифатида аниқланиши ҳамда сув ҳисоблагичларнинг ўтган йилги кўрсаткичлари асосида белгиланиши лозим.

Сув ҳисоблагич кўрсаткичлари мавжуд бўлмаган тақдирда, иситиш тизимларининг тўлдириш учун зарур сув ҳажми ушбу методиканинг 32 ва 33-жадвалларида келтирилган маълумотларга мувофиқ қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$V_{tiz.} = Q_{his.} \times V_{sol.}, \quad \text{m}^3 \qquad (98)$$

$V_{tiz.}$ – иссиқлик энергияси истеъмол қилувчи тизимларнинг ички ҳажми, m^3;

$Q_{his.}$ – истеъмол тизимларининг ҳисоблаб чиқилган иссиқлик юкламаси, Gcal/h;

$V_{sol.}$ – тизимнинг таснифига ва ушбу методиканинг 33-жадвали маълумотлари бўйича ҳароратларнинг ҳисоблаб чиқилган жадвалига мувофиқ аниқланадиган сувнинг солиштирма ҳажми, m^3/(Gcal/h).

103. Очиқ иссиқлик таъминоти тизимида маҳаллий иссиқ сув таъминоти тизимларини тўлдириш учун зарур бўлган сув ҳажми иссиқ сув таъминотининг ўртача соатлик ҳисобланган юкламасининг ҳар 1 Gcal/h бирлигига 6 m^3 ҳисобидан аниқланиши лозим.

Иситиш ускуналарининг тури бўйича аниқ маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, биноларнинг бутун қурилиш ҳажми учун иситишнинг маҳаллий тизимларини тўлдиришга зарур бўлган сувнинг тахминий солиштирма ҳажмини иситиш учун иссиқлик энергияси сарфи ҳамда шамоллатиш (вентиляция) тизими учун ҳисобланган соатлик йиғма сарфнинг ҳар 1 Gcal/h бирлигига 30 m^3 ҳисобидан қабул қилишга йўл қўйилади.

104. Иссиқлик тармоқларининг қувур ўтказгичларини тўлдириш учун зарур бўлган сув ҳажми ушбу методиканинг 32 ва 33-жадвалларида келтирилган маълумотларга мувофиқ ҳисобланиши, бунда турли диаметрли қувур ўтказгичлар бўйича сувнинг солиштирма ҳажми 1 km узунлик учун қувур кесим юзаси ва қувур ўтказгич узунлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим.

Қувур ўтказгичларни тўлдиришлар сони иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ва синовдан ўтказиш бўйича иш жадвали асосида белгиланади.

105. Иссиқлик билан таъминлаш тизимларидаги сув ҳажми бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳисоб-китобларда қуйидаги меъёрий қийматларни қабул қилишга йўл қўйилади:

ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимлари учун – ҳисобий иссиқлик юкламасининг ҳар 1 Gcal/h бирлигига 75 m³;

очиқ иссиқлик таъминоти тизимлари учун – ҳисобий иссиқлик юкламасининг ҳар 1 Gcal/h бирлигига 80 m³;

алоҳида иссиқ сув билан таъминлаш тизими мавжуд бўлган ҳолларда ҳисобий иссиқлик юкламасининг ҳар 1 Gcal/h бирлигига 95 m³.

106. Тизимлар ва қувур ўтказгичлардаги йўқотишларни қоплаш учун қўшимча сув ҳажми сизиб чиқиш натижасида йўқотилган сув ҳажмига, шунингдек очиқ иссиқ сув таъминоти тизимларида иссиқлик тармоғидан олинадиган сув ҳажмига мувофиқ белгиланиши лозим.

Сизиб чиқувчи сув ҳажми йил давомида тизимнинг ишлаш режими ҳамда эксплуатация шароитларига кўра ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда, сизиб чиқиш бўйича меъёрий қиймат (m^3/h) бирлигида белгиланади.

Бунда сизиб чиқувчи сувнинг меъёри иссиқлик тармоқлари қувур ўтказгичларидаги сув ҳажми ҳамда уларга бевосита уланган биноларнинг маҳаллий иситиш ва шамоллатиш (вентиляция) тизимларидаги сув ҳажми йиғиндисининг 0,75 фоизи миқдорида ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 125, 2022 йил 19 декабрь) мувофиқ қабул қилиниши керак.

107. Тўлдириб туриш учун сув сарфи қуйидаги ҳажмни ташкил қилади:

а) иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизимлари учун:

$$G_{to'l.} = 0{,}0025 \times V_{tar.} \times \tau \ , \ m^3 \qquad (99)$$

бу ерда:

$V_{tar.}$ – иссиқлик тармоқларининг қувур ўтказгичларидаги ва бевосита уланган маҳаллий иситиш тизимларидаги сув ҳажми, m^3;

τ – режалаштирилаётган (йил, чорак, ой) даврда тизимнинг ишлаш соатлари;

б) иссиқлик таъминотининг очиқ тизимлари учун:

$$G_{to'l.} = 0{,}0025 \times V_{tar.} \times \tau + G_{i.suv.} \ , \ m^3 \qquad (100)$$

бу ерда:

$V_{tar.}$ – иссиқлик тармоқларининг қувур ўтказгичларидаги ва бевосита уланган маҳаллий иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларидаги сув ҳажми, m^3;

$G_{i.suv.}$ – иссиқ сув таъминоти учун сув сарфи, m^3/h.

108. Иссиқлик таъминотининг очиқ тизимларида иссиқ сув таъминоти тизимларини тўлдириб туриш зарур сув ҳажми ўртача соатлик иссиқлик юкламаси бўйича аниқланади.

Иссиқ сув таъминоти учун сувнинг ўртача соатлик сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

а) иситиш мавсумида:

$$G_{i.suv.}^{o'r.is.mav.} = \frac{Q_{i.suv}^{o'r.is.mav.} \times 10^6}{C \times (t_{his.i.suv} - t_{s.qish})}, \quad m^3/h \quad (101)$$

б) ёз мавсумида:

$$G_{i.suv.}^{o'r.yoz} = \frac{Q_{i.suv}^{o'r.yoz.} \times 10^6}{C \times (t_{his.i.suv} - t_{s.yoz})}, \quad m^3/h \quad (102)$$

бу ерда:

$Q_{i.suv}^{o'r.is.mav.}$ va $Q_{i.suv}^{o'r.yoz.}$ – иссиқлик энергиясининг тегишлича иситиш ва ёз мавсумларида иссиқ сув таъминоти учун ўртача соатлик сарфи, Gcal/h;

c – иссиқ сувнинг иссиқлик сиғими, 1000 kcal/m^3 °C га тенг қилиб қабул қилинади;

$t_{his.i.suv.}$ – иссиқ сувнинг очиқ тизимлар учун ҳисобланган ҳарорати 60 °C га тенг қилиб қабул қилинади;

$t_{s.qish}$ va $t_{s.yoz}$ – совуқ (сув ўтказгичдаги) сувнинг тегишлича иситиш ва ёз мавсумларида ҳисобланган ҳарорати маълумотлар бўлмаганда ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 125, 2022 йил 19 декабрь) мувофиқ иситиш мавсумида – +5°C, ёз мавсумида – +15 °C га тенг деб қабул қилинади.

109. Иссиқлик энергиясининг иссиқ сув таъминоти учун ўртача соатлик сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

а) иситиш мавсумида:

$$G_{i.suv.}^{o'r.is.mav.} = \frac{a \times m \times C(55 - t_{s.qish})}{24 \times 10^6}, \text{ Gcal/h} \quad (103)$$

б) ёз мавсумида:

$$G_{i.suv.}^{o'r.yoz} = \frac{a \times m \times \beta \times c(55 - t_{s.yoz})}{24 \times 10^6}, \text{ Gcal/h} \quad (104)$$

бу ерда:

a – иссиқ сув таъминоти учун сув сарфининг меъёри, l/sutka ШНҚ 2.04.01-22 “Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 299, 2024 йил 2 октябрь) мувофиқ қабул қилинади;

m – суткаларга келтирилган ўлчов бирликлари сони (истиқомат қилувчилар, ўқувчилар, стационарларда койкалар сони);

c – иссиқ сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими, kcal/kg °C;

β – ёз мавсумида иситиш мавсумига нисбатан иссиқ сув таъминоти учун сувнинг ўртача соатлик сарфининг камайишини ҳисобга олувчи коэффициент (маълумотлар бўлмаганда ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 125, 2022 йил 19 декабрь) мувофиқ турар жой биноси учун – 1,0, курорт зоналари учун – 1,5, қозонхоналар учун – 1,0 га тенг қилиб қабул қилинади.

110. Фақат иситиш ва шамоллатиш (вентиляция) эҳтиёжлари учун ишлайдиган қозонхоналарда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган сув ҳажмини режавий ҳисоблашда иситиш тизимлари ҳамда ташқи иссиқлик тармоқларини бир марталик тўлдириш ва эксплуатация давомида тўлдириб туриш учун сув сарфининг яхлитланган меъёрларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Бунда мазкур эҳтиёжлар учун ишлаб чиқариладиган иссиқлик энергиясининг ҳар 1 Gcal бирлигига сув сарфи 0,4–0,5 m³/Gcal миқдорида қабул қилинишига йўл қўйилади.

111. Пуфлаш учун сувнинг сарфи қозонга бериладиган сувнинг сифати бўйича ҳисобланиши лозим.

Умумий ҳолатда тўлдириб туриш учун сувнинг сарфи қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$D_{puf.} = \frac{D_{kon.} \times К_{kon.} + D_{qo'sh.} \times К_{qo'sh.}}{К_{suv.konst.} - К_{qo'sh.}}, \quad \text{kg/h} \quad (105)$$

$$D_{puf.} = \frac{D_{par} \times К_{kon.} + D_{qo'sh.} \times (К_{qo'sh.} - К_{kon.})}{К_{suv.konst.} - К_{qo'sh.} - К_{kon.}}, \quad \text{kg/h} \quad (106)$$

$$D_{puf.} = \frac{D_{par} \times К_{qo'sh.}}{К_{suv.konst..} - К_{qo'sh.}}, \quad \text{kg/h} \quad (107)$$

$$D_{puf.} = \frac{D_{kon.} \times К_{kon.} + D_{qo'sh.} \times К_{qo'sh.} - D_{bug'} \times К_{bug'}}{К_{suv.kon.} - К_{qo'sh.} + b \times (К_{qo'sh.} - К_{bug'})}, \quad \text{kg/h} \quad (108)$$

$$D_{puf.} = \frac{(D_{qiz.} + D_{to'y.}) \times (S_{to'l.suv} - S_{bug'})}{S_{qoz.suvi} - S_{to'l.suv}}, \quad \text{kg/h} \quad (109)$$

бу ерда:

$D_{kon.}$ – қайтариладиган конденсат миқдори, kg/h;

$D_{qo'sh.}$ – қўшиладиган кимёвий тозаланган сувнинг миқдори, kg/h;

$D_{bug'}$ – қозоннинг буғ ишлаб чиқариш унумдорлиги, kg/h (техник тавсифлар ёки синовлар бўйича қабул қилинади);

$К_{kon.}$, $К_{qo'sh.}$, $К_{bug'}$ – тегишлича конденсат, қўшиладиган сув ва буғнинг тавсифи (ишқорлилиги ёки қуруқ қолдиқ) g-ekv/kg ёки g/kg;

$К_{suv.konts.}$ – қозондаги сувда ўрнатилган тўйинишнинг тавсифи, g-ekv/kg ёки g/kg;

b – пуфланадиган сувнинг миқдорига нисбатан сепарация қилинган буғнинг улушлардаги миқдори;

$D_{qiz.}$, $D_{to'y.}$ – қозоннинг қиздирилган ва тўйинган буғ бўйича унумдорлиги, kg/h;

$S_{to'l.suv}$, $S_{qoz.suvi}$, $S_{bug'}$ – тўлдирувчи сувнинг, қозон сувининг, буғнинг тегишлича таркиби ёки ишқорлиги mg-ekv/litr, кимёвий таҳлил ёрдамида аниқланади;

$К_{kon.}$, $К_{bug'}$, b – коэффициентлари қозон агрегатининг иссиқлик техник синовлари ёрдамида белгиланади.

112. Ҳисоблаш учун маълумотлар бўлмаганда пуфлаш учун зарур сув сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$D = \frac{К_{puf.} \times Q_{qoz.}^{nom.}}{i_{q.suvi} - i_{to'l.suv}} \times 10^6, \quad \text{kg/h} \quad (110)$$

бу ерда:

$К_{puf.}$ – пуфлаш учун иссиқлик энергияси сарфини ҳисобга олувчи коэффициент;

$Q_{qoz.}^{nom.}$ – қозонхонанинг номинал иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш унумдорлиги, Gcal/h;

$i_{q.suvi}$ – тўйиниш ҳароратида қозон сувининг энтальпияси, қозон барабанидаги босимга кўра маълумотнома жадваллари бўйича аниқланади, kcal/kg;

$i_{to'l.suv}$ – тўлдирувчи сувнинг энтальпияси, kcal/kg.

113. Сув тайёрлаш эҳтиёжлари учун сув сарфи тиндирувчи фильтрларда фильтрловчи материалларни бўшаштириш, кимёвий сув тозалаш фильтрларини юмшатиш, ювиш ва регенерация қилиш (қайта тиклаш), шунингдек деаэраторларда буғланиш натижасида юзага келадиган йўқотишларни қоплаш учун сарфланадиган сув миқдорларининг йиғиндиси сифатида аниқланиши лозим.

Сув тайёрлаш учун сув сарфи аниқ иш шароитлари ҳамда мавжуд ускуналарнинг тури ва параметрларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$G_{suv.}^{yum.} = \sum_1 G_{bo'sh.}^{tin.} \times n_i \times m_i^{reg.} + \sum_1 \left(G_{bo'sh.}^{к} + G_{reg.}^{к}\right) \times n_i \times m_i + G_{bug'l.}, \quad \text{m}^3 \quad (111)$$

бу ерда:

$G_{bo'sh.}^{tin.}$ – тиндирувчи фильтрларнинг фильтрловчи материалларни бўшаштириш учун сув сарфи бўлиб, мазкур методиканинг 34-жадвали бўйича қабул қилинади;

$G_{bo'sh.}^{к}$, $G_{reg.}^{к}$ – тегишлича фильтрловчи материалларни бўшаштириш ва регенерацияга сувнинг сарфи бўлиб, маълумотлар бўлмаганда мазкур методиканинг 35-жадвали бўйича қабул қилинади);

n_i – бир хил фильтрлар сони;

m_i – режалаштирилаётган даврда регенерациялар сони;

p – ҳар хил фильтрлар сони;

$G_{bug'l.}$ – деаэратордаги буғланишни ҳисобга олиб сув сарфи, m^3;

$$G_{bug'l.} = 0{,}004 \times G_{dea.} \times t, \quad \text{m}^3 \quad (112)$$

бу ерда:

$G_{dea.}$ – деаэратор қурилмасининг қуввати, m^3/h;

t – режалаштирилаётган даврда деаэратор қурилмаси ишлаш давомийлиги, h.

114. Сувнинг хўжалик ва ичимлик эҳтиёжлари учун сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$G_{xo'j.} = a_d \times n_d \times t_d \times 10^{-3} + a \times p \times t_{ish.} \times 10^{-3}, \quad \text{m}^3 \quad (113)$$

бу ерда:

a_d – 1 душ кабинасида сув сарфининг меъёри ШНҚ 2.04.01-22 “Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 299, 2024 йил 2 октябрь) мувофиқ қабул қилинади;

a – бир сменада бир кишига сув сарфи меъёри ШНҚ 2.04.01-22 “Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 299, 2024 йил 2 октябрь) мувофиқ қабул қилинади;

n_d – душ кабинкалари сони;

t_d – режалаштирилаётган даврда душ кабиналарининг ишлаш давомийлиги, h;

p – сменада ишлаётган ходимлар сони, киши;

$t_{ish.}$ – режалаштирилаётган даврда сменалар сони.

115. Қозонхонанинг хўжалик ва ичимлик эҳтиёжлари (душлар, қўл ювгичлар, айланувчи механизмларнинг подшипникларини совутиш) учун сувнинг сарфи маълумотлар бўлмаганда тахминан қозонлар қувватининг 1 тоннаси учун суткасига 2-3 m^3 деб қабул қилинади.

116. Гидрокул кетказиш тизими учун фильтрларни ювишдан кейинги сув ҳамда душ, қўл ювгичлардаги ва ишлаб чиқаришда ифлосланган бошқа сувлардан фойдаланилади.

Шлак кетказиш тизими учун сувнинг солиштирма сарфи қуйидаги жадвалда келтирилган.

Қурилма тури	**Солиштирма сув сарфи, 1 tn шлак ва кул учун, m^3**
Қўлда бошқариладиган (вагонеткалар билан)	0,1-0,2
Механизациялашган (скреперлар, қирғичлар)	0,1-0,5
Пневматик	0,1-0,2
Гидравлик (баггерлар, қумли насослар)	10-30
Гидравлик Москальков ускуналари билан	15-45

117. Иситиш қозонхоналарида иссиқлик энергияси таъминотининг ёпиқ тизимлари учун сув сарфини қуйидаги формула бўйича аниқлашга йўл қўйилади:

$$G = q_{suv} \times Q_{ber.} \times t\ ,\quad m^3 \qquad (114)$$

бу ерда:

q_{suv} – сувнинг солиштирма сарфи, t/h (Gcal/h) бўлиб, ушбу методиканинг 36-жадвали бўйича аниқланади;

$Q_{ber.}$ – қозонхона томонидан берилаётган иссиқлик энергияси миқдори, Gcal/h;

t – қозонхонанинг ишлаш давомийлиги, h.

Очиқ иссиқлик таъминоти тизимлари учун сув сарфи мазкур методиканинг 114-формуласи бўйича қабул қилинган қийматга ҳисоблаш даврида иссиқ сув таъминоти учун сарфланадиган сув миқдори, шунингдек ҳўл кулни тозалаш воситалари ва гидравлик қурилмалар ишлаши учун талаб этиладиган сув сарфларини қўшиш орқали аниқланиши лозим.

7-боб. Жадвал кўринишидаги маълумотлар

Турар жой биноларининг солиштирма иситиш тавсифи

1-жадвал

Биноларнинг ташқи қурилиш ҳажми, m^3	Ташқи ҳарорати –30°С бўлган туманлар учун биноларни иситишнинг солиштирма тавсифи (kcal/m^3 × h × °C)	
	1995 йилгача қурилган	1995 йилдан кейин қурилган
100	0,74	0,92
200	0,66	0,82

300	0,62	0,78
400	0,60	0,74
500	0,58	0,71
600	0,56	0,69
700	0,54	0,68
800	0,53	0,67
900	0,52	0,66
1000	0,51	0,65
1100	0,50	0,62
1200	0,49	0,60
1300	0,48	0,59
1400	0,47	0,58
1500	0,47	0,57
1700	0,46	0,55
2000	0,45	0,53
2500	0,44	0,52
3000	0,43	0,50
3500	0,42	0,48
4000	0,40	0,47
4500	0,39	0,46
5000	0,38	0,45
6000	0,37	0,43
7000	0,36	0,42
8000	0,35	0,41
9000	0,34	0,40
10000	0,33	0,39
11000	0,32	0,38
12000	0,31	0,38
13000	0,30	0,37
14000	0,30	0,37
15000	0,29	0,37
20000	0,28	0,37
25000	0,28	0,37
30000	0,28	0,36
35000	0,28	0,35
40000	0,27	0,35
45000	0,27	0,34
50000	0,26	0,34

Ташқи ҳаво ҳароратининг ўзгаришларини ҳисобга олувчи тузатиш коэффициенти

2-жадвал

˚C	0	–5	–10	–15	–20	–25	–35	–40
A	2,05	1,67	1,45	1,29	1,17	1,08	0,95	0,9

Жамоат биноларини иситиш учун иссиқликка бўлган эҳтиёжларни аниқлаш учун иситиш тавсифлари

3-жадвал

Биноларнинг номи	Ташқи ўлчов бўйича иншоот ҳажми, минг m^3	–30°C (kcal/m^3 × h × ˚C) ҳароратда биноларнинг солиштирма иссиқлик тавсифлари	Ички ҳавонинг ўртача ҳисобланган ҳарорати $t_{ich.}$, °C
1	2	3	4
Маъмурий ва бошқарув бинолари	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0,43 0,38 0,35 0,32	18
Кинотеатрлар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,36 0,33 0,30	14
Театрлар	10 гача 15 гача 20 гача 30 гача 30 дан ортиқ	0,29 0,27 0,22, 0,20 0,18	15
Савдо мажмуалари	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,38 0,33 0,31	15
Мактабгача таълим ташкилотлари	5 гача 5 дан ортиқ	0,38 0,34	20
Умумий ўрта таълим ташкилотлари	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,39 0,35 0,33	16
Шифохоналар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0,40 0,36 0,32 0,30	20
Хаммомлар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,28 0,25 0,23	25

Кафе, ошхоналар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,35 0,33 0,30	16
Лабораториялар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,37 0,35 0,33	16
Ўт ўчириш депоси	2 гача 5 гача 5 дан ортиқ	0,48 0,46 0,45	15
Гаражлар	2 гача 3 гача 5 гача 10 дан ортиқ	0,70 0,60 0,55 0,50	10
Олий ва касбий таълим ташкилотлари	10 гача 15 гача 20 гача 20 дан ортиқ	0,35 0,33 0,30 0,24	16

Жамоат биноларининг солиштирма шамоллатиш (вентиляция) тавсифлари

4-жадвал

Биноларнинг номи	Ташқи ўлчов бўйича бинонинг ҳажми, минг m^3	–30°С ҳароратда биноларнинг солиштирма шамоллатиш (вентиляция) тавсифлари ($kcal/m^3 \times h \times °C$)	Ички ҳавонинг ўртача ҳисобланган ҳарорати $t_{ich.}$, °С
1	2	3	4
Маъмурий ва бошқа бинолар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0,09 0,08 0,07 0,06	18
Кинотеатрлар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,43 0,39 0,38	14
Театрлар	10 гача 15 гача 20 гача 30 гача 30 дан ортиқ	0,41 0,40 0,38 0,36 0,34	15
Савдо мажмуалари	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	- 0,08 0,27	15

Мактабгача таълим ташкилотлари	5 гача 5 дан ортиқ	0,11 0,10	20
Умумий ўрта таълим ташкилотлари	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,09 0,08 0,07	16
Шифохоналар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	0,29 0,28 0,26 0,25	20
Ҳаммомлар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	1,00 0,95 0,90	25
Кафе, ошхоналар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	0,70 0,65 0,60	16
Лабораториялар	5 гача 10 гача 10 дан ортиқ	1,00 0,95 0,90	16
Олий ва касбий таълим ташкилотлари	10 гача 15 гача 20 гача 20 дан ортиқ	- 0,1 0,08 0,08	16
Поликлиникалар, диспансерлар	5 гача 10 гача 15 гача 15 дан ортиқ	- 0,25 0,23 0,22	20
Ўт ўчириш депоси	2 гача 5 гача 5 дан ортиқ	0,14 0,09 0,09	15
Гаражлар	2 гача 3 гача 5 гача 5 дан ортиқ	- - 0,70 0,65	10

Иссиқ сув таъминоти сутка давомида ёки ҳафта давомида тўлиқ таъминланмаган ҳолларда иссиқ сув сарфи меъёрлари

5-жадвал

Иссиқлик таъминоти тизимининг ишлаш давомийлиги (ҳафта, сутка)	Сутка давомида тизимнинг давомли ишлашида иссиқлик сарфларига тузатиш коэффициенти, h		
	6 – 10	11 – 15	16 – 24
1	2	3	4
Кўп квартирали уйлар			

умивальник (юз-қўл ювгич), мойка ва душлар билан			
4	0,65	0,74	0,79
5	0,69	0,8	0,86
6	0,72	0,85	0,93
7	0,76	0,91	1,0
ўтирадиган ванналар ва душлар билан			
4	0,72	0,79	0,83
5	0,75	0,84	0,89
6	0,77	0,88	0,94
7	0,8	0,93	1,0
1500 – 1700 mm узунлигидаги ванналар ва душлар билан			
4	0,76	0,82	0,85
5	0,78	0,8	0,9
6	0,8	0,9	0,95
7	0,83	0,94	1,0
бино баландлиги 12 қаватдан ортиқ бўлганда			
4	0,8	0,85	0,89
5	0,82	0,9	0,95
6	0,84	0,95	1,0
7	0,87	0,99	1,0
Ётоқхоналар			
умумий душхоналари билан			
4	0,68	0,76	0,81
5	0,71	0,81	0,87
6	0,74	0,86	0,94
7	0,78	0,92	1,0
умумий душхоналари, ошхоналари билан			
4	0,65	0,74	0,79
5	0,68	0,8	0,86
6	0,72	0,85	0,93
7	0,75	0,91	1,0
Мактаб-интернатлар			
4	0,65	0,73	0,77
5	0,69	0,79	0,85
6	0,74	0,86	0,93
7	0,79	0,92	1,0

Иссиқ сув таъминоти қувурларининг иссиқлик йўқотишлари (суратда иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизимларига уланган иссиқ сув таъминоти тизими қувурининг бир погон метридаги иссиқлик йўқотишлари, махражда – иссиқлик таъминотининг очиқ тизимларига уланган иссиқ сув таъминоти тизими қувурининг бир погон метридаги иссиқлик йўқотишлари)

6-жадвал

Қувур ётқизиш жойи ва усули	1 m қувурнинг (шартли ётқизиш) қуйидаги диаметрларда (mm) иссиқлик йўқотишлари, (kcal/h)						
	15	20	25	32	40	50	70
Штробларда ёки шахтада ётқизишдаги асосий узатувчи тик қувурлар, изоляция қилинган	-	-	-	-	17 21,8	19,1 24,5	23,4 30
Шахтада изоляция қилинган сочиқ қуритгичларисиз сув ажратувчи тик қувурлар	9,7 12,8	10,8 14,2	11,9 15,7	13,5 17,8	-	-	-
Шахтада изоляция қилинган сочиқ қуритгичи мавжуд сув ажратувчи тик қувурлар	-	17,8 23,4	20,7 27,3	25,3 33,3	-	-	-
Шахтада ётқизишда изоляция қилинмаган ёки ваннахонасида, ошхонада очиқ ўтказилган сув ажратувчи тик қувурлар	20,7 27,3	25,5 33,6	30,2 39,8	37,8 49,8	-	-	-
Изоляция қилинган тақсимловчи қувурлар, ертўла ва зинапоялардаги тик қувурлар	13,5 16,6	15,0 16,4	16,5 20,3	18,8 23,1	20,8 26,8	23,4 28,8	26,6 35,2
Совуқ чордоқ	16,0 19,7	18,5 21,9	20,3 24,1	23,2 27,5	26,8 30,4	28,8 34,2	35,2 41,8
Иссиқ чордоқ	11,6 14,7	13,0 16,5	14,3 18,1	16,3 20,6	17,0 22,7	20,0 25,6	24,6 31,2
Циркуляцияли қувурлар:							
Ертўла (изоляция қилинган)	10,9 14,0	12,1 15,6	13,3 17,1	15,1 19,4	16,7 21,8	18,8 24,2	23,0 29,6
Иссиқ чордоқ (изоляция қилинган)	9,0 21,1	10,0 13,4	11,0 14,8	12,6 15,9	13,8 18,8	15,6 21,0	19,1 25,7
Совуқ чордоқ (изоляция қилинган)	14,0 17,1	15,6 19,1	17,0 20,9	19,4 23,7	21,5 26,3	24,2 29,6	29,6 36,2
Хонадон ичкариси (изоляция қилинмаган)	20,0 26,9	24,6 33,1	29,2 39,3	36,6 49,2	43,0 57,8	52,0 69,9	72,0 96,8
Зинапоя (изоляция қилинмаган)	23,5 30,4	28,9 37,4	34,2 44,2	42,8 55,4	50,3 66,1	60,8 78,7	84,5 109,4
Ваннахонасидан ўтказилган (изоляция қилинган) тик қувурлар	8,4 11,5	9,4 12,9	10,3 14,1	11,7 16,0	12,9 17,7	14,6 20,0	17,8 24,4

Ваннахонасидан ўтказилган (изоляция қилинмаган) тик қувурлар	18,6 25,5	23,0 31,5	27,1 37,1	34,0 46,6	40,0 54,8	48,3 66,2	67,2 92,1

Иссиқ сув таъминоти қувурларининг иссиқлик йўқотишлари

7-жадвал

Ҳароратнинг ўзгариши, °С	Изоляция қилинмаган қувурларнинг (kcal/h m) иссиқлик йўқотишлари, диаметри mm бўлган ҳолда											
	15	20	25	32	40	50	70	80	100	125	150	200
0	22	28	35	44	48	54	68	80	97	119	143	173
32	23	30	37	47	50	58	73	85	103	127	152	185
34	25	32	39	50	53	61	77	91	110	135	162	196
36	26	33	43	53	56	65	82	95	118	143	171	208
38	28	35	44	56	60	68	86	102	123	151	181	219
40	29	37	46	59	63	72	91	107	129	159	190	231
42	31	39	49	63	67	76	97	114	137	169	202	242
44	33	42	52	66	71	81	103	121	145	179	214	254
48	36	46	57	73	79	90	114	134	162	199	238	277
50	38	48	60	77	83	94	120	140	170	209	250	288
52	40	51	63	81	87	99	126	147	179	220	263	300
54	42	53	66	85	91	104	132	155	188	230	276	312
56	44	56	70	88	95	108	139	162	197	241	289	323
58	46	58	73	92	99	113	145	170	206	252	302	335
60	48	61	76	96	104	118	151	177	215	260	315	347

Иссиқ сув таъминоти қувурларининг иссиқлик йўқотишлари (суратда – иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизимларига уланган иссиқ сув таъминоти тизими қувурининг бир погон метридаги иссиқлик йўқотишлари, махражда – иссиқлик таъминотининг очиқ тизимларига уланган иссиқ сув таъминоти тизими қувурининг бир погон метридаги иссиқлик йўқотишлари)

8-жадвал

Диаметр, mm	1 m қувурнинг иссиқлик йўқотишлари (kcal/h m)			
	Узатувчи		Қайтувчи	
	Ертўлада	Каналда	Ертўлада	Каналда
200	54,6 67,0	48,5 58,9	44,1 56,7	37,8 50,7
150	42,0 51,5	37,4 47,0	37,0 47,6	29,1 38,8
125	43,2 53,0	38,4 48,2	34,9 44,9	29,9 39,9

100	37,0 45,4	32,0 41,2	29,8 38,3	25,6 34,1
80	32,0 39,3	28,4 35,7	25,8 33,2	22,1 29,5
70	28,6 36,1	25,2 31,7	23,0 29,6	19,7 26,3
50	23,4 28,7	20,7 26,0	18,8 24,2	16,1 14,3
40	20,8 25,5	18,4 23,1	16,7 21,6	14,3 19,1

Иссиқ сув таъминоти қувурларида иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициентлар

9-жадвал

Тизимнинг тавсифи	Иссиқ сув таъминоти қувурларида иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициент	
	Истеъмолчида иссиқ сув таъминотининг ташқи тармоқлари мавжуд бўлганда	Истеъмолчида иссиқ сув таъминотининг ташқи тармоқлари бўлмаганда
Изоляция қилинган тик қувурларда: сочиқ қуритгичларисиз сочиқ қуритгичлари билан	 0,15 0,25	 0,1 0,2
Изоляция қилинмаган тик қувурларда: сочиқ қуритгичларисиз сочиқ қуритгичлари билан	 0,35 -	 0,3 0,2

Ёқилғининг солиштирма сарфи ва қозонагрегатларининг ФИК

10-жадвал

Т/р	Қозонхона ускунасининг тури	Паспорт тавсифи		Тавсия этиладиган	
		Шартли ёқилғининг солиштирма сарфи kg.sh.yo./Gcal	ФИК, %	Шартли ёқилғининг солиштирма сарфи kg.sh.yo./Gcal	ФИК, %
1	ДКВР-20/30	157,6	97	161-170	88,8-84,1
2	ДКВР-20/30-250			156	91,6
3	ДКВР-10/13	155,6	91	162-170	88,2-84,1
4	ДКВР-6,3/13	155,6	91	163-170	87,7-84,1
5	ДКВР-6,6/13-250	159,9	91	168,2-169	85-84,6

6	ДКВР-6,5-13	-	-	155	91,8
7	ДКВР-4/13	157,3	90	164-174	87,1-82,1
8	ДКВР-4/13-250			159	89,9
9	ДКВР-2,5/13	158,7	90	164-174	87,1-82,1
10	ТВГМ-30	158,3	90	156-170	91,7-84,1
11	ДЕ-25-15ГМ	-	-	156	91,7
12	ДЕ-4-14ГМ	-	-	158	90,3
13	ДЕ-6,5-14ГМ	-	-	157	90,7
14	ДЕ-10-14ГМ	-	-	155	92,1
15	ДЕ-16-14ГМ	-	-	155	91,8
16	ДЕ-25-14ГМ	-	-	154	92,8
17	ДКВР-10/13 қуйруқ сиртларисиз	172	83,1	165-178	86,6-80,9-3
18	ДКВР-6,5/13 қуйруқ сиртларисиз	172	83,1	172,2-178	83-80,3
19	ДКВР-4/13 қуйруқ сиртларисиз	-	-	172,4-178	82,9-80,3
20	ДКВР-2/9 қуйруқ сиртларисиз	-	-	172,6-178	82,8-80,3
21	К-50	-		158-162	90,5-88,2
22	ГМ-30-13	155,2	92,1	157-150	91-89,4
23	ПТВМ-100	161,2	88,7	160,5	89
24	ПТВМ-50	159,4	89,7	160-175	89,3-81,7
25	ПТВМ-50М	156,9	91,2	161-164,7	88,8-86,8
26	ПТВМ-30	158,8	90,1	159,1-165	89,9-86,6
27	ПТВМ-30М			157	91
28	ТВГ (8м; 9; 6,5)	157,8-158,1	90,6-90,4	161-170	88,8-84,1
29	ТВГ (4; 2; 5; 1,5)	159	89,9	163,3-172	87,6-83,1
30	ТВГ-2,5-13	-	-	174,1-178	82,1-80,3
31	ТВГ-4Р	-	-	158	90,5
32	Универсал (6; 6м; 5; 4; 3)	179	79,8	172-198	83,1-72,2
33	Энергия (6; 4; 3)	186	76,8	174-200	82,2-71,5
34	Тула	177	80,6	178-200	80,3-71,5
35	Шухова-Берлин (А7; А5; А3; А2)	170-183	84,1-78,1	190	75,2
36	БКЗ-75-39ГМ	-	-	166,2	86
37	ТМЗ (3 ўхшаш катталик)	-	-	190-192	75,2-74,4

38	ТМЗ-0,4/8	-	-	170	84
39	ТМЗ 1,0/8	-	-	170	84
40	МЗК (6Г; 1Г)	168-173,1	85,1-82,6	180-183	79,4-78,1
41	МЗК-7АГ	-	-	166	86
42	МЗК 8Г	-	-	166	86
43	ММЗ (0,4/9; 0,8/9)	-	-	173-192	82,7-74,5
44	ММЗ-1Г	-	-	178	80
45	ММ-31/8	-	-	170	84
46	Е-1/9Г; Е-0,4	166	86,1	167,7-175	85,3-81,7
47	КВ-300	-	-	200	71,5
48	КВ-26	-	-	172,3	82,9
49	КВ-ГМ-4,65	-	-	157	91
50	КВ-ГМ-7,56	-	-	157	91
51	КВ-ГМ (10;20;30)	-	-	161-167	88,8-85,6
52	КВ-ГМ-50	-	-	154	92,6
53	КВ-ГМ-100	-	-	154	92,7
54	ПКБ-2,5КБ-1С	-	-	190	75,3
55	ВГД-28/8К	-	-	174,1-190	82,1-75,2
56	ВГД-40/8	-	-	172-190	88,1-75,2
57	ВНИИСТО-К4	-	-	164	87,2
58	КЧ(1;2)	-	-	190,2	75,2
59	Минск-1	-	-	172,8	82,7-79,4
60	Надточия	-	-	178,5-192,6	80,1-74,2
61	Ланкошир	-	-	171-194	83,6-73,7
62	НР-18	-	-	183,6-204	77,8-70,1
63	БГ, БГМ-35/39	-	-	167	85,6
64	ТП-20, ТП-30	-	-	157,8-164,2	90,6-87
65	КРШ	-	-	172-178,1	83,1-80,3
66	КРШ-2-8	-	-	162,5	88
67	КРШ-4-13	-	-	160,8	88,9
68	КРШ-4-13-350	-	-	160,6	89
69	КРШ-6,5-13	-	-	160,6	89
70	КРШ-6,5-13-350	-	-	160,6	89
71	ВГД-4/13 (1/8)	-	-	172-178	83,1-80,3
72	ВНИИСТУ (5)	-	-	180-165	79,4-77,2
73	Гарбе	-	-	169,7-198	84,3-72,2
74	РВД-15/13	-	-	172	83,1
75	ТС-29/20	-	-	169,7	84,3

76	ТС-20	-	-	172,4	83,4
77	ТСС-12	-	-	163,5	87,5
78	ТСС-12/10	-	-	160,2	89,3

Мазутни иситиш ҳарорати

11-жадвал

Иситиш жойи	Мазутни иситиш ҳарорати, °С	
	М40-60	М80-100
Қуйиш олдидан темир йўл цистерналарида	30	60
Қабул қилувчи идишда ва сақланадиган жойларда	40-60	60-80
Форсункалар олдида:		
механик ёки буғмеханик	100	120
ҳаволи, паст босимли	90	110
буғли ёки ҳаволи, юқори босимли	85	105

Мазут иситгичларида ёки сарф идишларида мазутни иситишга буғнинг сарфи

12-жадвал

Мазут	Форсунка турларида нормал буғ сарфи (1 t мазутга 1 kg)		
	Ҳаволи	Буғли	Механик
Флот	46	243	38
Ёқиладиган:			
М40	48	247	42
М100	34	239	39

Иссиқлик ўтказгичларини ётқизиш чуқурлигида тупроқнинг ўртача йиллик ҳарорати + 5 °С бўлган ўтиб бўлмайдиган каналларда ер ости ётқизишларида изоляция қилинган сувли иссиқлик ўтказгичларидаги иссиқлик йўқотишларининг меъёрлари

13-жадвал

Диаметр, mm	Бир метр иссиқлик қувурининг ички ҳажми, m^3	$q_{me\prime yor}^{jadv.}$, kcal/m h					
		битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 52,2 °С	икки қувурли иссиқлик ўтказгичи учун t = 52,2 °С	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 65°С	икки қувурли иссиқлик ўтказгичи учун t = 65°С	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 75°С	икки қувурли иссиқлик ўтказгичи учун t = 75°С
1	2	3	4	5	6	7	8
32	0,001	22,5	45	26	52	29	58
45	0,001	25,25	50,5	29,25	58,2	32,5	65
50	0,002	28	56	32,5	65	36	72

70	0,004	32	64	37	74	41	82
80	0,005	34,5	69	40	80	44	88
100	0,008	38	76	44	88	48	96
125	0,012	42,5	85	48,75	97,5	53,25	106,5
150	0,018	47	94	53,5	107	58,5	117
200	0,034	56,5	113	65	130	71	142
250	0,053	66	132	75	150	81,5	163
300	0,075	74,5	149	84	168	91,5	183
350	0,101	81	162	91,5	183	101	202
400	0,135	90	180	101,5	203	109,5	219
450	0,171	99	198	111,5	223	120,5	241
500	0,210	108	216	121,5	243	130,5	261
600	0,298	123	246	138,5	277	149	298
700	0,391	136	271	153	306	163,5	327
800	0,508	151	302	170,5	341	182	364
900	0,639	165	330	186,5	373	199,5	399
1000	0,788	182	364	205	410	218	436

Кўпикли полиуретан (ППУ)дан тайёрланган иссиқлик изоляцияли қувурлар учун

13 а-жадвал

Диаметр, mm	$q_{me'yor}^{jadv.}$, kcal/m h					
	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 52,2 °C	икки қувурли иссиқлик ўтказгичи учун t = 52,2 °C	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 65°C	икки қувурли иссиқлик ўтказгичи учун t = 65°C	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 75°C	икки қувурли иссиқлик ўтказгичи учун t = 75°C
1	3	4	5	6	7	8
50	3,01	6,02	3,78	7,57	4,39	8,77
65	3,87	7,74	4,90	9,80	5,68	11,35
80	4,99	9,97	6,28	12,55	7,31	14,62
100	6,19	12,38	7,82	15,65	9,11	18,23
125	7,57	15,13	9,54	19,09	11,18	22,36
150	9,11	18,23	11,52	23,04	13,41	26,83
200	11,61	23,22	14,62	29,24	17,03	34,05
250	14,45	28,89	18,23	36,46	21,24	42,48
300	18,06	36,11	22,79	45,57	26,57	53,14
350	20,64	41,27	25,97	51,94	30,35	60,71
400	23,65	47,29	29,75	59,50	34,74	69,48

450	27,09	54,17	34,14	68,27	39,81	79,62
500	30,96	61,91	39,04	78,08	45,57	91,15
600	38,26	76,53	48,24	96,48	56,24	112,47
700	45,57	91,15	57,53	115,05	67,07	134,14

Қувурларни каналсиз ётқизишда иссиқлик ўтказгичларидаги иссиқлик йўқотишларининг меъёрлари

14-жадвал

Қувурларнинг ташқи диаметри, mm	kcal/m h								
	95-70 °C			150-70 °C			180-70 °C;		
	$t_{b.}^{o\prime rt.yil.}$ = 65°C; $t_{q.}^{o\prime rt.yil.}$ = 50°C			$t_{b.}^{o\prime rt.yil.}$ = 65°C; $t_{q.}^{o\prime rt.yil.}$ = 50°C			$t_{b.}^{o\prime rt.yil.}$ = 65°C; $t_{q.}^{o\prime rt.yil.}$ = 50°C		
	Узатувчи тармоқ учун	Қайтувчи тармоқ учун	Йиғинди	Узатувчи тармоқ учун	Қайтувчи тармоқ учун	Йиғинди	Узатувчи тармоқ учун	Қайтувчи тармоқ учун	Йиғинди
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
32	19	16	35	27	16	43	31	16	47
57	24	20	44	33	20	53	38	19	57
76	26	22	48	35	22	57	43	21	64
89	28	23	51	37	22	59	44	22	66
108	29	25	54	40	25	65	47	24	71
159	35	31	66	47	29	76	56	29	85
219	41	40	81	61	40	101	71	39	110
373	54	46	100	68	44	112	79	44	123
325	60	61	111	75	50	125	88	49	137
377	-	-	-	83	54	137	95	53	148
426	-	-	-	88	58	146	101	57	158
476	-	-	-	93	62	155	108	61	169
529	-	-	-	98	66	164	114	65	179
630	-	-	-	113	77	190	131	76	207

Ташқи ҳавонинг ўртача ҳисобланган ҳарорати + 5 °С бўлганда битта изоляция қилинган сувли иссиқлик ўтказгични ер устидан ётқизишда иссиқлик йўқотиш меъёрлари

15-жадвал

Диаметр, mm	Бир метр иссиқлик ўтказгичининг ички ҳажми, m^3	$q_{me'yor}^{jadv.}$, kcal/m h			
		битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 45 °C	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 70 °C	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 95 °C	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 120 °C
1	2	3	4	5	6
32	0,001	15	23	31	38
45	0,001	18	27	36	45
50	0,002	21	30	40	49
70	0,004	25	35	45	55
80	0,005	28	38	50	60
100	0,008	31	43	55	67
125	0,012	35	48	60	74
150	0,018	38	50	65	80
200	0,034	46	58	78	95
250	0,053	53	60	87	107
300	0,075	60	70	100	120
350	0,101	71	80	114	135
400	0,135	82	93	128	150
450	0,171	89	105	138	160
500	0,210	95	112	145	170
600	0,298	104	120	160	190
700	0,391	115	133	176	206
800	0,508	135	145	200	233
900	0,639	155	168	225	260
1000	0,788	180	190	255	292

Кўпикли полиуретан (ППУ)дан тайёрланган иссиқлик изоляцияли қувурлар учун

15 а-жадвал

Диаметр, mm	$q_{me\prime yor}^{jadv.}$, kcal/m h			
	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 45 °C	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 70 °C	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 95 °C	битта иссиқлик ўтказгичи учун t = 120 °C
1	3	4	5	6
50	3,70	6,02	9,46	12,12
65	4,82	7,82	12,30	15,74
80	6,19	10,06	15,82	20,29
100	7,74	12,55	19,69	25,11
125	9,46	15,39	24,16	30,87
150	11,35	18,57	29,06	37,23
200	14,45	23,56	36,89	47,29
250	18,06	29,49	46,18	59,07
300	22,53	36,89	57,70	73,86
350	25,80	42,13	66,04	84,35
400	29,58	48,24	75,58	96,48
450	33,97	55,29	86,59	110,84
500	38,78	63,29	99,14	126,57
600	47,98	77,99	122,10	156,33
700	57,18	92,78	145,32	185,73

Хоналар ичидаги изоляция қилинган қувурларнинг иссиқлик йўқотиш меъёрлари

16-жадвал

Ташқи диаметр, mm	Ҳавонинг ҳисобланган ҳарорати t_{ich} = 25 °C бўлганда иссиқлик ташувчининг ҳароратида хоналар ичидаги изоляция қилинган қувурларнинг иссиқлик йўқотиш меъёрлари, kcal/m h				
	50 °C	75 °C	100 °C	125 °C	150 °C
32	12	20	28	35	43
48	13	22	31	40	49
57	14	23	32	43	53
76	15	26	37	49	58
89	16	27	39	52	62
108	22	34	45	56	68
133	27	40	58	65	76
159	31	45	60	72	84
194	63	50	66	80	93

219	38	52	70	85	100
273	42	59	78	95	111
325	45	61	85	104	122

Хоналардаги изоляция қилинган қувурлардаги иссиқлик йўқотишлари

17-жадвал

Шартли диаметр, mm	Бир элемент учун t_{ich} = 25 °C да хоналарда изоляция қилинган қувурлардаги иссиқлик йўқотишлари, kcal/m h	
	70-100 mm энликдаги шнур билан изоляция қилиш 70-100 mm энликдаги изоляция қилувчи материаллар билан ўраш	70-100 mm энликдаги мастик изоляция қилиш 70-100 mm энликдаги минерал пахта қўшимчалари билан бир деворли йиғилиб-ажратиладиган металл футлярлар Металл ғилоф остига минерал пахтадан тиқма
50	117	100
100	160	140
200	260	226
300	390	340

Изоҳ: иссиқлик ташувчининг ҳарорати 100 °C белгиланганда.

Бир арматура элементига изоляция қилинган қувурнинг эквивалент узунликлари

18-жадвал

Изоляциянинг мавжудлиги	Қувурнинг ички диаметри, m	
	0,1 гача	0,5 гача
Арматурада изоляция мавжуд бўлмаган тақдирда	6,7	7,2
Арматурада бутун сиртининг ¾ қисми изоляция қилинган тақдирда	2,5	5,1

Қозон агрегатлари учун иссиқлик ишлаб чиқиш учун шартли ёқилғи сарфининг солиштирма меъёрлари

19-жадвал

Қозон агрегатининг ФИК, %	Шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, 1 Gcal га kg.sh.yo.	Қозон агрегатининг ФИК, %	Шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, 1 Gcal га kg.sh.yo.	Қозон агрегатининг ФИК, %	Шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, 1 Gcal га kg.sh.yo.
46	310,4	62	230,3	78	183,1
47	303,8	63	226,7	79	180,8

48	297,5	64	223,1	80	178,5
49	291,4	65	219,7	81	176,3
50	285,6	66	216,4	82	174,1
51	280,0	67	213,1	83	172,0
52	274,6	68	210,0	84	170,0
53	269,4	69	207,0	85	166,8
54	264,4	70	204,0	86	166,0
55	259,6	71	201,0	87	164,1
56	255,0	72	198,3	88	162,3
57	250,5	73	195,6	89	160,5
58	246,2	74	193,0	90	158,7
59	242,3	75	190,4	91	156,9
60	238,0	76	187,9	92	155,2
61	234,1	77	185,5	93	153,6

1 тонна нормал буғ ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфларининг ҳисобланган солиштирма меъёрлари

20-жадвал

Қозон агрегатининг ФИК, %	1 тонна нормал буғ учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, kg.sh.yo.	Қозон агрегатининг ФИК, %	1 тонна нормал буғ учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, kg.sh.yo.	Қозон агрегатининг ФИК, %	1 тонна нормал буғ учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, kg.sh.yo.
50	182,8	66	138,48	82	111,46
51	179,21	67	136,41	83	110,12
52	175,76	68	134,41	84	108,80
53	172,45	69	132,46	85	107,52
54	169,25	70	130,57	86	106,27
55	166,17	71	128,73	87	105,05
56	163,21	72	126,94	88	103,86
57	160,35	73	125,20	89	102,69
58	157,58	74	123,51	90	101,55
59	154,91	75	121,86	91	100,43
60	152,3	76	120,26	92	99,34
61	149,83	77	118,70	93	98,27
62	147,41	78	117,17	94	97,23
63	145.07	79	115.69	95	96.21
64	142.81	80	114.25	96	95.05

65	140.61	81	11.83	97	94.07

Қозонни бир марта қиздириш учун шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, kg.sh.yo.

21-жадвал

Қозонни иситиш сиртининг майдони, m^2	Тўхтатишнинг давомийлиги, h						
	2	6	12	18	24	48	48 дан ортиқ
50 gacha	10	25	50	75	100	200	300
51-100	17	50	100	150	200	400	600
101-200	34	100	200	300	400	800	1200
201-300	52	150	300	450	600	1200	1800
301-400	68	200	400	600	800	1600	2400
401-500	85	250	500	750	1000	2000	3000

Ёқилғи тайёрлаш, ёқилғи узатиш ва кул-шлакларни олиб ташлаш учун электр энергиясининг солиштирма сарфи

22-жадвал

Қозонхонанинг қуввати, Gcal/h	kWt/(Gcal/h)	
	Суюқ ёқилғи	Қаттиқ ёқилғи
5 гача	1,1	6,9
5-10	1,06-1,1	5,0-6,9
10-20	1,0-1,06	6,6-6,8
20-30	0,95-1,0	6,4-6,6
30 дан ортиқ	0,6-0,95	3,0-4,7

Ёқилғи маҳсулотларининг назарий ҳажми, nm^3/kg

23-жадвал

Ёқилғининг тавсифи	Ёқилғи маркаси	Ёнишнинг энг кичик иссиқлиги, kcal/kg(m^3)	Назарий ҳажм, nm^3/kg	
			Ҳавонинг $V_{naz.}^{havo}$	Ёқилғи маҳсулотларининг $V_{naz.}^{havo}$
Қаттиқ (кўмир):				
Ангрен кўмири	Б2	3210	3,81	8,33
Суюқ (мазут):				
Кам сулфатли	-	9620	10,62	11,48
Сулфатли	-	9490	10,45	11,28
Юқори сулфатли	-	9260	10	10,99
Газ кўринишидаги	-	8730	9,68	10,86
	-	8570	9,52	10,68

	-	9045	9,98	11,19

Ўтхонадаги ва чиқиб кетувчи газлардаги ҳавонинг тегишлича ортиқлик коэффициенти

24-жадвал

Ёқилғи тури	$a_{o't.}$	$a_{chiq.}$
Қаттиқ ёқилғи	1,2-1,25	1,55-1,6
Мазут, табиий газ	1,1	1,4

Тортиш-пуфлаш ускуналарининг тегишлича босим ҳосил қилиш бўйича заҳирасининг коэффициенти

25-жадвал

Қозонларнинг унумдорлиги, Gcal/h	b_1		b_2	
	Тутун тортгичлар	Пуфловчи вентиляторлар	Тутун тортгичлар	Пуфловчи вентиляторлар
≤11	1,05	1,05	1,1	1,1
≥11	1,1	1,05	1,2	1,1

Чиқиб кетувчи газларни кетказиш учун пуфловчи вентиляторлар томонидан ҳавони узатишга тегишлича электр энергиясининг солиштирма сарфи, kWt h/1000m³

26-жадвал

Вентилятор, тутун тортгичнинг тури	Айланиш частотаси, ай/мин	1000 m^3 ҳаво ёки чиқиб кетувчи газларни кетказиш учун электр энергиясининг солиштирма сарфи, кWт h/1000 м3	Вентилятор, тутун тортгичнинг тури	Айланиш частотаси, ай/мин	1000 m^3 ҳаво ёки чиқиб кетувчи газларни кетказиш учун электр энергиясининг солиштирма сарфи, кWт h/1000 м3
1	2	3	4	5	6
ВД-2,7	1000	0,75	Ц9-57 № 6	1450	0,9
ВД-6	970	0,45	Ц14-46 № 4	1450	0,85
	1450	1,02	Ц14-46 № 5	970	0,47
ВД-8	730	0,44	ЭВР-4	1450	0,6
	970	0,78	ЭВР-6	960	0,64
ВД-10	485	0,3	Д-3,5	1500	0,33
	730	0,65	Д-5,7	1450	0,57
	970	1,24	Д-8	730	0,28
ВДН-8	1000	0,43		970	0,49
	1500	1,34	Д-10	485	0,19

ВДН-9	1000	0,68		730	0,51
	1500	2,1		970	0,72
ВДН-10	1000	0,49	Д-12	485	0,28
	1500	1,53		730	0,63
ВДН-11,2	1000	1,23		970	1,03
	1500	3,85	Д-11,2	1000	0,32
ВД-12	485	0,42		1500	1,30
	730	0,96	ДН-12,5	1000	0,39
	970	1,7		1500	1,22
ВД-13,5	485	0,53	Д-13,5	485	0,33
	730	1,16		730	0,71
	970	2,14		970	1,3
ВД-15,5	585	1,01	Д-15,5	585	0,74
	730	1,54		730	0,96
	970	2,7		970	1,68
Ц13-50 № 4	1450	0,63			
Ц9-57 № 4	1450	0,5			
Ц9-57 № 50	1450	0,82			

Электр энергияси йўқотишларининг тавсия этиладиган миқдорлари

27-жадвал

Тармоқ элементлари	Кучланиш йўқотишлари, %	Электр энергиясини йўқотиш, %
6 kWt ли тармоқ		
Таъминловчи	3	2,5
Тақсимловчи	2	1
Тармоқ трансформаторлари: доимий йўқотишлар	-	2
Ўзгарувчи йўқотишлар	-	1
Умумий фойдаланишдаги паст кучланишли тармоқ	4,5	2
10 kWt ли тармоқ		
Таъминловчи	2,5	2
Тақсимловчи	1,5	1
Тармоқ трансформаторлари: доимий йўқотишлар	-	2
Ўзгарувчи йўқотишлар	-	1
Умумий фойдаланишдаги паст кучланишли тармоқ	6,5	2,4

Асбоб-ускуналарнинг истеъмол қиладиган солиштирма қуввати

28-жадвал

Сув олишнинг тури	Қозон тури	Йил даври	Бошқа эҳтиёжларга истеъмол қилинадиган солиштирма қувват, kWt/(Gcal/h)
Ёпиқ	Сув иситувчи	Иситиш мавсуми ва иситилмайдиган мавсум	0,64
	Буғли		0,38
Очиқ	Сув иситувчи	Иситиш мавсуми	1,55
		Иситилмайдиган мавсум	7,75
	Буғли	Иситиш мавсуми	1,15
		Иситилмайдиган мавсум	3,8

Марказий қозонхоналарининг ҳисобланган чегаравий электр юкламаларининг боғланиши

29-жадвал

Ҳисобланган иссиқлик юкламаси, Gcal/h	Марказий қозонхоналарининг ҳисобланган электр юкламалари (тармоқ насослари ҳисобга олинмаганда), кWt/(Gcal/h)					
	Очиқ тизим			Ёпиқ тизим		
	Тошкўмир ва қўнғир кўмир	Мазут	Табиий газ	Тошкўмир ва қўнғир кўмир	Мазут	Табиий газ
50 ва ундан ортиқ	13,5	11,0	10,0	9,3	7,7	6,4
60	12,6	10,7	9,6	8,6	7,4	6,1
80	11,5	10,3	9,0	7,7	6,8	5,7
100	10,6	9,7	8,5	7,2	6,6	5,3
120	-	9,4	8,2	-	6,5	4,9
140	-	9,0	7,9	-	6,4	4,8
160	-	8,8	7,8	-	6,3	4,8
180	-	8,7	7,8	-	6,2	4,7
200	-	8,6	7,7	-	6,2	4,7
220	-	8,5	7,6	-	6,2	4,6
240	-	8,4	7,5	-	6,0	4,6
260	-	8,4	7,4	-	5,9	4,6
280	-	8,3	7,3	-	5,8	4,5
300	-	8,2	7,2	-	5,7	4,5

Кам қувватли иситувчи қозонхоналар томонидан иссиқлик ишлаб чиқилиши ва узатилиши учун электр энергияси сарфининг чегаравий меъёрлари

30-жадвал

Кам қувватли қозонхоналар гуруҳи, Gcal/h	Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун электр энергияси сарфининг чегаравий меъёри, кWt Gcal/h
0,5 гача	20
0,51-1	20
1,01-2	19
2,01-3	18
3,01-5	18
5,01-10	18
10,01-50	18

Ҳар бир электр қабул қилгич томонидан электр энергияси сарфини аниқлаш учун йиғма жадвал

31-жадвал

Агрегат	Электр двигатель қуввати N, kWt	Талаб коэфф., $K_{tal.}$	Ҳисобланган қувват, $N \times K_{tal.}$, kWt	Ишлаш давомийлиги, h – t	Электр энергияси сарфи, kWt h, $N \times K_{tal} \times t$
Тутун тортгич ДН-9	5,7 × 2	0,95	10,83	8400	90972
	5,7 × 2	0,95	10,83	5256	56923
Пуфловчи вентилятор ВДН-8	5,7 × 2	0,95	10,83	8400	90972
	5,7 × 2	0,95	10,83	5256	56923
Вентилятор Ц4-70 № 3	1,5	0,7	1,05	8400	8820
Насос агрегатлари:					
Тармоқ насоси	30	0,8	24,0	3144	75456
Бошланғич сув насоси	7,0	0,8	5,6	8400	47040
Декарбонатланган сув насоси	17,0	0,8	13,6	8400	114240
Ювувчи сув насоси	1,5	0,7	1,05	600	630
Туз намакобини ҳайдовчи насос	3,0	0,8	2,4	600	1440
Бирламчи сув насоси	3,0	0,8	2,4	2600	6240
Иссиқ сув таъминоти насоси	7,0	0,8	5,6	8400	47040
Қўшимча сув насоси	4,0	0,8	3,2	8400	26880
Таъминловчи насос	30,0	0,8	24,0	8400	201600
Компрессор	4,0	0,7	2,8	1800	5040
Жами:					**830216**

Иссиқликдан фойдаланиш тизимида сув ҳарорати ўзгаришларида иситиш тизимларини бирламчи тўлдириш учун сувнинг солиштирма ҳажми

32-жадвал

Иссиқликдан фойдаланувчи тизимнинг ускуналари	m^3/(Gcal/h)					
	95–70	100–70	130–70	140–70	150–70	180–70
Иситиш тизими:						
500 mm баландликдаги радиаторлар	19,5	17,6	15,1	14,6	13,3	11,1
1000 mm баландликдаги радиаторлар	31,0	28,2	24,2	23,2	21,6	18,2
Қовурғали қувурлар	14,2	12,5	10,8	10,4	9,2	8,0

Плинтусли конвектор	5,6	5,0	4,3	4,1	3,7	3,6
Силлиқ қувурлардан ясалган регистрлар	37	32	27	26	24	22
Калориферлар билан жиҳозланган иситувчи-вентиляция тизими	8,5	7,5	6,5	6,0	5,5	4,4

Турли диаметрли 1 km қувурўтказгичларга сувнинг солиштирма ҳажми бўйича иссиқлик тармоқлари қувурўтказгичларининг кесими ва узунлиги майдонига қараб уларни тўлдириш учун зарур сув ҳажми

33-жадвал

Қувур ташқи диаметри D_n, mm	Қувур ички диаметри $D_{ich.}$, mm	Қувур деворнинг қалинлиги, mm	Сув ҳажми, m^3/km
48	41	3,5	1,32
57	50	3,5	1,963
76	69	3,5	3,739
89	81	4,0	5,153
108	100	4,0	7,854
133	125	4,0	12,21
159	150	4,5	18,67
219	203	8,0	32,36
273	257	8,0	51,9
273	255	9,0	51,07
325	309	8,0	74,99
325	307	9,0	74,02
325	305	10,0	73,06
377	357	10,0	100,0
426	412	7,0	133,3
426	410	8,0	132,0
478	462	8,0	167,6
478	460	9,0	166,3
478	458	10,0	164,7
529	515	7,0	208,3
529	509	10,0	203,5
630	612	9,0	294,2
630	610	10,0	294,2

Тиндиргич фильтрларни бўшаштириш учун сувнинг сарфи

34-жадвал

Тиндиргич фильтрлар	Фильтрнинг диаметри mm бўлганда тиндиргич фильтрларни бўшаштириш учун сувнинг сарфи (m^3)					
	1000	1500	2000	2600	3000	3400
Антрацитли, бир оқимли	2,3	6,2	11,2	18,7	25,0	32,0
Кварцли, бир оқимли ва кварц-антрацитли, икки қатламли	4,1	9,3	16,7	28,1	37,5	48,1

Фильтрларни бўшаштириш ва регенерация қилиш учун сувнинг сарфи

35-жадвал

Жараён	Стандарт фильтрнинг диаметри, mm бўлганда фильтрларни бўшаштириш ва регенерация қилиш учун сувнинг сарфи (m^3)							
	400	700	1000	1500	2000	2600	3000	3400
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Бўшаштириш учун ювиш	0,5	1,1	2,1	4,6	8,4	14,0	18,8	24,6
1 босқичли натрий-катионли фильтрлар								
Регенерация								
Бўшаштириш учун ювувчи сувлардан фойдаланмасдан	2,1	4,8	9,3	21,1	45,5	76,0	101,8	133,2
Бўшаштириш учун ювувчи сувлардан фойдаланган ҳолда	1,6	3,7	7,3	16,2	37,0	62,0	83,0	108,6
водород-катионли фильтрлар (“оч” регенерация ҳолатида)								
Регенерация								
Бўшаштириш учун ювувчи сувлардан фойдаланмасдан	-	-	11,2	25,3	54,8	92,0	122,9	160,9
Бўшаштириш учун ювувчи сувлардан фойдаланган ҳолда	-	-	9,1	20,6	46,5	78,0	104,1	136,3
2 босқичли натрий-катионли фильтрлар (1 босқичли фильтрлар конструкцияларидан фойдаланган ҳолда)								
Регенерация								
Бўшаштириш учун ювувчи сувлардан фойдаланмасдан	2,3	5,3	10,3	23,3	50,4	84,5	113,1	147,2
Бўшаштириш учун ювувчи сувлардан фойдаланган ҳолда	1,8	4,2	8,2	18,7	42,0	70,5	94,3	123,2

Бир агрегатнинг қуввати (Gcal/h) бўлганда қозонхонадан етказиб берилган бирлик миқдордаги иссиқлик энергияси учун талаб этиладиган сувнинг солиштирма сарфи

36-жадвал

Ёқилғи тури	[(t/h)×(Gcal/ h)]							
	0,5	1,0	2,0	4,0	6,0	8,0	10,0	20,0
Қаттиқ	1,75	1,53	1,3	1,0	0,8	0,7	0,65	0,6
Газ ва мазут	1,1	1,0	0,8	0,6	0,5	0,48	0,45	0,4

Ташқи ҳавонинг ҳисобланган ҳарорати + 5 °С бўлганда ер устида ётқизилган изоляция қилинган битта буғўтказгичнинг иссиқлик йўқотиш меъёрлари

37-жадвал

Қувурларнинг ташқи диаметри, mm	Иссиқлик ташувчининг ҳарорати °С					
	150	200	250	300	350	400
	Иссиқлик йўқотишлари Dj/m.sec. (Dj /m h)					
32	53,3	71,9	89,3	107,9	125,3	143,8
	(46)	(62)	(77)	(93)	(108)	(124)
57	67,3	90,5	111,3	113,4	155,4	177,5
	(58)	(78)	(96)	(115)	(134)	(153)
76	76,5	99,7	125,3	148,5	171,7	197,2
	(66)	(86)	(108)	(128)	(148)	(170)
89	82,3	107,9	132,2	157,7	183,3	208,8
	208,8	(93)	(114)	(136)	(158)	(180)
108	89,3	117,1	145,0	171,7	199,5	226,2
	(77)	(101)	(125)	(148)	(172)	(195)
159	109,0	139,2	171,7	203,0	237,8	266,8
	(94)	(120)	(148)	(175)	(205)	(230)
194	119,5	150,8	187,9	222,7	258,7	290,0
	(103)	(130)	(162)	(192)	(223)	(250)
219	127,6	162,4	203,0	241,3	278,4	313,2
	(110)	(140)	(175)	(208)	(240)	(270)
273	145,0	185,6	229	270,3	310,9	353,8
	(125)	(160)	(198)	(233)	(268)	(305)
325	162,4	208,8	255,2	301,6	348,0	394,4
	(140)	(180)	(220)	(260)	(300)	(340)
377	180,9	230,8	278	328,3	378,1	429,2
	(156)	(199)	(240)	(283)	(326)	(370)
426	200,7	252,9	301,6	354,9	408,3	461,7
	(173)	(218)	(260)	(306)	(352)	(398)
478	214,6	272,6	324,8	382,8	435,0	487,2

	(185)	(235)	(280)	(330)	(375)	(420)
529	227,3	284,2	348,0	406,0	464,0	522,0
	(196)	(245)	(300)	(350)	(400)	(450)
630	252,9	319,0	382,8	446,6	510,4	580,0
	(218)	(275)	(330)	(385)	(440)	(500)
720	276,1	344,5	415,3	487,2	556,8	628,7
	(238)	(297)	(358)	(420)	(480)	(542)
820	308,5	382,8	461,7	538,2	620,6	696,0
	(266)	(330)	(398)	(464)	(535)	(600)
920	343,3	510,4	510,4	697,4	678,6	759,8
	(296)	(370)	(440)	(515)	(585)	(655)
1020	382,2	562,6	562,6	655,4	742,4	835,2
	(336)	(407)	(485)	(565)	(640)	(720)
1420	498,8	730,8	730,8	858,4	974,4	1090,4
	(430)	(532)	(630)	(740)	(840)	(940)

Тупроқнинг ўртача йиллик ҳарорати +5 °С бўлганда ўтиб бўлмайдиган каналларнинг буғўтказгичларидаги иссиқлик йўқотишнинг меъёрлари

38-жадвал

Узатувчи магистрал				Иккита қувурли ўтказишда иссиқлик йўқотишларининг йиғиндиси $q_{b.} + q_{q.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$	Буғ τ=200 °С $q_{b.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$	Иккита қувурли ўтказишда иссиқлик йўқотишларининг йиғиндиси $q_{b.} + q_{q.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$	Буғ τ=150 °С $q_{b.}$ Dj/ m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$	Иккита қувурли ўтказишда иссиқлик йўқотишларининг йиғиндиси $q_{b.} + q_{q.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$	Узатувчи магистрал		Қайтувчи магистрал		Иккита қувурли ўтказишда иссиқлик йўқотишларининг йиғиндиси $q_{b.} + q_{q.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$
Буғ, τ=150°С		Конденсат τ=70°С							Буғ τ=300°С		Буғ τ=120°С		
Ташқи диаметр d, mm	$q_{b.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$	d, mm	$q_{q.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$						Ташқи диаметр d mm	$q_{b.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$	d mm	$q_{q.}$ Dj/m sec., $\frac{kcal}{m\ h}$	
32	56,8	25	24,3	81,2	70,7	95,1	84,7	113,7	108	150,8	57	59,1	209,9
	(49)		(21)	(70)	(61)	(82)	(73)	(98)		(130)		(51)	(181)
57	70,8	32	31,3	102,1	87,0	118,3	103,2	134,5	159	178,6	76	67,3	245,9
	(61)		(27)	(88)	(75)	(102)	(89)	(116)		(154)		(58)	(212)
76	78,9	57	38,3	117,1	97,4	135,7	114,8	153,1	219	212,3	108	77,7	290,0
	(68)		(33)	(101)	(84)	(117)	(99)	(132)		(183)		(67)	(256)
89	84,7	57	38,3	122,9	104,4	142,7	121,8	160,1	27	238,9	108	77,7	316,7
	(73)		(33)	(106)	(90)	(123)	(105)	(138)		(206)		(67)	(273)
108	92,8	57	38,3	131,1	113,7	151,9	133,4	171,7	325	263,3	159	93,9	357,3

	(80)		(33)	(113)	(98)	(131)	(115)	(148)		(227)		(81)	(308)
159	111,4	89	47,5	158,9	134,5	182,1	157,7	205,3	377	283	159	93,9	377,0
	(96)		(41)	(137)	(116)	(157)	(136)	(177)		(244)		(81)	(325)
219	133,4	108	52,2	185,6	161,2	213,4	197,2	249,4	426	301,6	219	119,7	415,9
	(115)		(45)	(160)	(139)	(184)	(170)	(215)		(260)		(98)	(358)
273	151,9	108	52,2	204,1	183,3	235,4	211,1	263,3	478	321,3	219	113,7	435
	(131)		(45)	(176)	(158)	(203)	(182)	(227)		(277)		(98)	(375)
325	169,3	108	52,2	221,5	203,0	255,2	234,3	286,5	529	342,2	273	127,6	469,8
	(146)		(45)	(191)	(175)	(220)	(202)	(247)		(295)		(110)	(405)
377	183,3	159	63,8	247,1	218,1	281,9	251,7	315,5	630	385,1	273	127,6	512,7
	(158)		(55)	(213)	(188)	(243)	(217)	(272)		(332)		(110)	(442)
426	211,1	159	63,8	274,9	234,3	321,3	270,3	334,1	720	417,6	325	143,8	561,4
	(182)		(55)	(237)	(202)	(277)	(233)	(288)		(360)		(124)	(484)
478	213,4	219	77,7	291,1	251,7	329,4	291,1	368,9					
	(184)		(67)	(251)	(217)	(284)	(251)	(318)					
529	230,8	219	77,7	308,5	262,1	339,9	313,2	390,9					
	(199)		(67)	(266)	(226)	(293)	(270)	(337)					
630	258,7	273	89,3	348	303,9	393,2	350,3	439,6					
	(223)		(77)	(300)	(262)	(339)	(302)	(379)					
720	277,2	325	96,3	373,5	332,9	429,2	378,1	474,4					
	(239)		(83)	(322)	(287)	(370)	(326)	(409)					

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 22 майдаги 8-сон, Энергетика вазирлигининг 2026 йил 15 майдаги 100-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг 2026 йил 30 мартдаги 19-сон қарорига 2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги ва Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2007 йил 7 майдаги 90, 29-П, 26, 71-сон “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1687, 2007 йил 7 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 23-сон, 245-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2013 йил 28 мартдаги 4, 34, 01-1/376, 47-сон “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисида низомнинг 23-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1687-1, 2013 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 227-модда).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3847
2026 - yil 04 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUG‘I

Zarur amaliyotlar (GxP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazish bo‘yicha ko‘rsatiladigan xizmatlar uchun to‘lovlar miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 18-sentabrdagi 788-son “Farmatsevtika sohasiga zarur amaliyotlar (GxP) talablarini joriy etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Zarur amaliyotlar (GxP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazish bo‘yicha ko‘rsatiladigan xizmatlar uchun to‘lovlar miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi, O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 10-aprel
14-son

XUDAYAROV ASILBEK
ANVAROVICH

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 18-mart		KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH
Vazir 2026-yil 17-mart		ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil 2026-yil 14-fevral		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Rais 2026-yil 11-fevral		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH
Rais 2026-yil 6-fevral		TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH

QMMB: 10/26/3847/0565-son
05.06.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi
sog‘liqni saqlash vazirining 2026-yil
10-apreldagi 14-son buyrug‘iga
ILOVA

Zarur amaliyotlar (GxP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazish bo‘yicha ko‘rsatiladigan xizmatlar uchun to‘lovlar miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom (bundan buyon matnda Nizom deb yuritiladi) Zarur amaliyotlar (GxP) talablariga muvofiqlik yuzasidan farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazish bo‘yicha ko‘rsatiladigan xizmatlar uchun to‘lovlar miqdorini (bundan buyon matnda haq miqdorlari deb yuritiladi) aniqlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

ariza beruvchi – Zarur amaliyotlar (GxP) sertifikatini olish uchun O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 18-sentabrdagi 788-son qarori bilan tasdiqlangan Zarur amaliyotlar (GxP) talablariga muvofiqlik yuzasidan inspeksiyalar o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga asosan ariza bilan murojaat qilgan yuridik shaxs yoki u tomonidan belgilangan tartibda vakolat berilgan shaxs;

farmatsevtik inspeksiya – ariza beruvchilarning tegishli Zarur amaliyotlar (GxP) talablariga muvofiqligini baholash jarayoni;

vakolatli organ – O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog‘ini rivojlantirish agentligining “Zarur amaliyotlar markazi” davlat muassasasi;

inspeksiya nazorati – ishlab chiqarish jarayonlari, xizmatlar, menejment tizimlarining Zarur amaliyotlar (GxP) sertifikati amal qilish davrida belgilangan talablarga muvofiqligini tasdiqlash maqsadida vakolatli organ tomonidan davriy farmatsevtik inspeksiya.

2. Mazkur Nizom talablari:

barcha mahalliy va xorijiy dori vositalari ishlab chiqaruvchilarni Zarur ishlab chiqarish amaliyotining (GMP) milliy talablariga muvofiq;

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining klinik tadqiqotlar o‘tkazuvchi barcha klinik bazalarini Zarur klinika amaliyoti (GCP) milliy talablariga muvofiq;

farmatsevtika mahsulotlarining klinik-oldi tadqiqotlarini amalga oshiruvchi

barcha laboratoriyalarni Zarur laboratoriya amaliyotining (GLP) milliy talablariga muvofiq;

farmatsevtika mahsulotlarini ulgurji sotish bilan shug‘ullanuvchi barcha mahalliy korxonalarni Zarur distribyutorlik amaliyotining (GDP) milliy talablariga muvofiq;

farmatsevtika mahsulotlarini chakana sotish bilan shug‘ullanuvchi barcha mahalliy tashkilotlarni Zarur farmatsevtika (dorixona) amaliyoti (GPP) milliy talablariga muvofiq;

dori vositalari va tibbiy buyumlarni saqlash bilan shug‘ullanuvchi xo‘jalik yurituvchi subyektlarni Zarur saqlash amaliyoti (GSP) milliy talablariga muvofiq;

dorivor o‘simliklarni madaniylashtirish, ularni yig‘ib olish va ularga ishlov berish bilan shug‘ullanuvchi barcha mahalliy tashkilotlarni Zarur dorivor o‘simliklarni madaniylashtirish va terib olish amaliyoti talablariga muvofiq inspeksiyadan o‘tkazishga nisbatan tatbiq etiladi.

3. Farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazganlik uchun haq miqdorlari ariza beruvchi tomonidan farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish bo‘yicha shartnomada ko‘rsatilgan muddatlarda vakolatli organning g‘azna hisobvarag‘iga o‘tkaziladi.

Farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish bo‘yicha shartnomaga mazkur Nizomning ilovasiga muvofiq Farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun vakolatli organ tomonidan bajariladigan mehnat vaqti normasi ilova qilinadi.

4. Farmatsevtik inspeksiya sertifikatlashtirish yoki inspeksiya nazoratini amalga oshirish maqsadida o‘tkaziladi.

Inspeksiya nazoratini o‘tkazishda farmatsevtik inspeksiya uchun belgilangan haq miqdorlarining uchdan bir qismi miqdorida to‘lov ariza beruvchi tomonidan farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish bo‘yicha shartnomada ko‘rsatilgan muddatlarda vakolatli organning g‘azna hisobvarag‘iga o‘tkaziladi.

5. Farmatsevtik inspeksiya qonunchilikda belgilangan talablar asosida o‘tkazilmagan bo‘lsa, shuningdek, ariza beruvchining arizasi asossiz rad etilganligi tasdiqlansa, farmatsevtik inspeksiya xizmatlari uchun to‘lovlar ariza beruvchiga o‘n bank ish kuni ichida qaytariladi.

6. Ushbu Nizom farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazishda olingan va sarflangan mahsulot namunalari hamda laboratoriya sinovlari va tahlillarini o‘tkazish uchun xarajatlarga nisbatan tatbiq etilmaydi.

7. Ariza beruvchi va vakolatli organ o‘rtasidagi farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish bo‘yicha shartnomada xizmat safari nazarda tutilgan bo‘lsa, bu bo‘yicha xarajatlar O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 2-avgustdagi 424-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida xizmat safarlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori hamda Davlat organlari va tashkilotlari xodimlari

O‘zbekiston Respublikasi tashqarisiga xizmat safariga yuborilganda xizmat safari xarajatlari uchun mablag‘lar berish tartibi to‘g‘risidagi nizomda (ro‘yxat raqami 2730, 2015-yil 19-noyabr) belgilangan miqdorlarda ariza beruvchi tomonidan alohida to‘lanadi.

Bunda O‘zbekiston Respublikasi hududidan tashqarida o‘tkaziladigan farmatsevtik inspeksiyalar uchun har bir inspektorning safar kuni (jo‘nash va kelish sanalari) ish kunlariga to‘g‘ri kelsa, ushbu kunlar uchun bitta inspektor soatlik tarifining sakkiz soati ekvivalentida haq to‘lanadi.

8. Farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish bo‘yicha ko‘rsatiladigan xizmatlar uchun mazkur Nizom va uning ilovasiga muvofiq haq miqdorlari O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 29-dekabrdagi 722-son “Narxlari davlat tomonidan tartibga solinishi lozim bo‘lgan tovarlar narxlarining (tariflarining) shakllanishi hamda qo‘llanilishini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishiladi.

2-bob. Haq miqdorlarini hisoblash tartibi

9. Haq miqdorlari quyidagi formula bo‘yicha hisoblanadi:

$$I_P = T \times Q \times K_s$$

Bunda:

I_P – farmatsevtik inspeksiya xizmati haqi;

T – mazkur Nizomning ilovasiga muvofiq Farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun vakolatli organ tomonidan bajariladigan mehnat vaqti normasi (soatlarda);

Q – O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 29-dekabrdagi 722-son “Narxlari davlat tomonidan tartibga solinishi lozim bo‘lgan tovarlar narxlarining (tariflarining) shakllanishi hamda qo‘llanilishini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq belgilangan vakolatli organ tomonidan farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun bir soatlik tarif narxi (so‘mda);

K_s – dori vositalari soni koeffitsiyenti (1.0 – 1.5). Mazkur koeffitsiyent Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) talablariga muvofiqlik yuzasidan inspeksiyalar o‘tkazishga nisbatan tatbiq etiladi va arizada ko‘rsatilgan ishlab chiqarish maydonida ishlab chiqarilayotgan va/yoki ishlab chiqarilishi rejalashtirilayotgan dori vositalari sonining quyidagi jadval asosidagi koeffitsienti belgilanadi:

Dori vositalari soni	**K_s**
10 va undan kam bo‘lsa	1.0
11–25 bo‘lsa	1.1
26–40 bo‘lsa	1.2
41–65 bo‘lsa	1.3
66 va undan ko‘p bo‘lsa	1.5

Farmatsevtik inspeksiya xizmati haqini (I_P) aniqlashda natijasi 0,5 dan kichik bo‘lgan sonlar 0 ga, 0,5 va undan yuqori bo‘lgan sonlar esa 1 ga yaxlitlanadi.

3-bob. Yakuniy qoidalar

10. Manfaatdor shaxslar haq miqdorlaridan norozi bo‘lgan taqdirda, sudga yoki vakolatli organlarga qonunchilikda belgilangan tartibda murojaat qilish huquqiga ega.

11. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3847/0565-son
05.06.2026-y.

Zarur amaliyotlar (GxP) talablariga
muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik
inspeksiyadan o‘tkazish bo‘yicha
ko‘rsatiladigan xizmatlar uchun to‘lovlar
miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi
vaqtinchalik nizomga
ILOVA

Farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun vakolatli organ tomonidan bajariladigan MEHNAT VAQTI NORMASI

1-bob. Dori vositalarini ishlab chiqaruvchi korxonalarda Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun mehnat vaqti sarfi*

1-§. Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun umumiy mehnat vaqti sarfi

T/r	Farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazishdagi ishlar nomi	**Mehnat sarflari** *(soatlar**)*
1.	Farmatsevtik inspeksiyadan oldingi tadbirlar (ariza va hujjatlarni qabul qilish, ro‘yxatdan o‘tkazish, to‘liqligini tekshirish, elektron bazani shakllantirish)	2
2.	Farmatsevtik inspeksiyani tashkillashtirish (farmatsevtik inspeksiyaning davomiyligi va talab qilinadigan inspektorlar sonini aniqlash, vazifaning murakkabligini baholash, inspektorlar guruhini shakllantirish, xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha shartnomani tuzish va imzolash, farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun tegishli hujjatlarni rasmiylashtirish)	24
3.	Farmatsevtik inspeksiya dasturiga muvofiq inspeksiyani o‘tkazish: taqdim etilgan hujjatlarni ekspertizadan o‘tkazish, inspeksiya o‘tkazish (kirish yig‘ilishi, infratuzilmani ko‘zdan kechirish, hujjatlar va yozuvlarni tekshirish, tekshirilayotgan ariza beruvchining xodimlari faoliyatini va ularning ish joylarini kuzatish, mahsulot namunalarini olish (zarur hollarda) va dastlabki xulosalarni taqdim etish), hisobot tayyorlash	Mazkur bobning 2–4-paragraflariga asosan hisoblanadi
4.	Farmatsevtik inspeksiyadan keyingi tadbirlar (hisobotni ichki tekshiruvdan o‘tkazish, hisobotni ariza beruvchiga jo‘natish, hisobotni tegishli ilovalar bilan arxivga berish, Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) sertifikatini rasmiylashtirish, reyestrga qo‘shish	24

5.	Farmatsevtik inspeksiyada jiddiy va/yoki o‘ta jiddiy nomuvofiqliklar aniqlanganda qayta farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish bilan bog‘liq quyidagi jarayonlar: ariza va hujjatlarni qabul qilish, ro‘yxatdan o‘tkazish, to‘liqligini tekshirish, elektron bazani shakllantirish, qayta farmatsevtik inspeksiyani tashkillashtirish, nomuvofiqliklar bartaraf etganligini tekshirish, hisobot tuzish, hisobotni ariza beruvchiga jo‘natish, inspeksiyaga oid hujjatlarni arxivlashtirish, sertifikatni tasdiqlash (zarur hollarda), reyestrga qo‘shish (zarur hollarda) ***	45
6.	Inspeksiya sohasi bilan bog‘liq o‘zgarishlarni ekspertizadan o‘tkazish tadbirlari (kelib tushgan hujjatlarni qabul qilish va ro‘yxatdan o‘tkazish, to‘liqligini tekshirish, ma’lumotlarni elektron ma’lumotlar bazalariga kiritish, ekspertiza o‘tkazish, xulosani shakllantirish, xabarnoma yuborish)	16 va undan ko‘p

2-§. Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish obyektlariga nisbatan mehnat sarflari

T/r	**Farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish obyektlari**	**Mehnat sarflari** *(soatlar**)*
1.1	**Steril dori vositalari**	
	1.1.1. Aseptik sharoitda tayyorlangan dori vositalari: 1.1.1.1 Katta hajmli suyuq dori shakllari 1.1.1.2 Kichik hajmli suyuq dori shakllari 1.1.1.3 Liofilizatlar 1.1.1.4 Qattiq dori shakllari va implantantlar 1.1.1.5 Yumshoq dori shakllari 1.1.1.6 Boshqa shakldagi dori vositalari:_____	80 va undan ko‘p
	1.1.2. Ishlab chiqarish yakunida sterilizatsiya qilinadigan dori vositalari: 1.1.2.1 Katta hajmli suyuq dori shakllari 1.1.2.2 Kichik hajmli suyuq dori shakllari 1.1.2.3 Qattiq dori shakllari va implantantlar 1.1.2.4 Yumshoq dori shakllari 1.1.2.5 Boshqa shakldagi dori vositalar:_____	64 va undan ko‘p
1.2	**Nosteril dori vositalari:** 1.2.1.1 Qattiq qobiqli kapsulalar 1.2.1.2 Yumshoq qobiqli kapsulalar 1.2.1.3 Chaynaladigan dori shakllari 1.2.1.4 Impregnirlangan dori shakllari 1.2.1.5 Sirtga qo‘llash uchun suyuq dori shakllari	48 va undan ko‘p

	1.2.1.6 Ichish uchun suyuq dori shakllari 1.2.1.7 Tibbiy gazlar 1.2.1.8 Boshqa qattiq dori shakllari 1.2.1.9 Bosim ostidagi dori vositalari, 1.2.1.10 Radionuklid generatorlari 1.2.1.11 Yumshoq dori shakllari 1.2.1.12 Shamchalar (suppozitoriyalar) 1.2.1.13 Tabletkalar 1.2.1.14 Transdermal plastirlar 1.2.1.15 Boshqa mahsulot, dori shakllari:_____	
1.3	**Boshqa dori vositalarini ishlab chiqarish faoliyati**	
	1.3.1. Ishlab chiqarish: 1.3.1.1 O‘simlik mahsuloti 1.3.1.2 Gomeopatik mahsulot 1.3.1.3 Biologik faol substansiya 1.3.1.4. Radiofarmatsevtik preparatlar 1.3.1.5. Tadqiq etilayotgan dori vositalari	24 va undan ko‘p
1.4	**1.4.2. Dori moddalari (substansiyalar)/ yordamchi moddalar/ dori vositalari sterilizatsiyasi:** 1.4.2.1 Filtratsiya 1.4.2.2 Quruq issiqlik bilan sterilizatsiya 1.4.2.3 Nam issiqlik bilan sterilizatsiya 1.4.2.3 Kimyoviy sterilizatsiya 1.4.2.5 Gamma nurlanish sterilizatsiyasi 1.4.2.6 Elektron nurlanish sterilizatsiyasi	24 va undan ko‘p
1.5	**O‘rab-joylash******	
	1.5.1 Birlamchi o‘rab-joylash 1.5.1.1 Qattiq qobiqdagi kapsulalar 1.5.1.2 Yumshoq qobiqdagi kapsulalar 1.5.1.3 Chaynaladigan dori shakllari 1.5.1.4 Impregnirlangan dori shakllari 1.5.1.5 Sirtga qo‘llash uchun suyuq dori shakllar 1.5.1.6 Ichish uchun suyuq dori shakllar 1.5.1.7 Tibbiy gazlar 1.5.1.8 Boshqa qattiq dori shakllari 1.5.1.9 Bosim ostida bo‘lgan preparatlar 1.5.1.10 Radionuklid generatorlari 1.5.1.11 Yumshoq dori shakllari 1.5.1.12 Shamchalar (suppozitoriyalar) 1.5.1.13 Tabletkalar 1.5.1.14 Transdermal plastirkalar 1.5.1.15 Boshqalar _____ (ko‘rsatiladi)	24 va undan ko‘p
	1.5.2 Ikkilamchi o‘rab-joylash	16 va undan ko‘p

1.6	**Sifat nazorati******	
	1.6.1 Mikrobiologik sinov: sterillik 1.6.2 Mikrobiologik sinov: mikrobiologik tozalik 1.6.3 Kimyoviy (fizik) sinov 1.6.4 Biologik sinov	24 va undan ko‘p

3-§. Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish obyektlarining muvofiqligini baholash uchun qo‘shimcha omillar

T/r	Farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazishdagi ishlar nomi	Mehnat sarflari *(soatlar**)*
1.	**1.3.a. Biologik dori vositalari** 1.3.1.1 Qon mahsulotlari 1.3.1.2 Immunologik mahsulotlar 1.3.1.5 Biotexnologik mahsulotlar 1.3.1.6 Hayvonot manbalari yoki odam a’zolari (to‘qimalari)dan ekstraksiya qilinga mahsulotlar 1.3.1.8 Boshqa biologik dori mahsulotlari:	56 va undan ko‘p
2.	**1.3.b. Biologik dori vositalari - yuqori texnologik dori vositalari (ATMP)** 1.3.1.3 Somatik hujayralar asosidagi mahsulotlar 1.3.1.4 Genoterapevtik mahsulotlar 1.3.1.7 To‘qima injeneriyasi mahsulotlari	64 va undan ko‘p
3.	Toksik va yuqori sensibilizatsiya keltirib chiqaradigan moddalar (masalan, beta-laktam, sitostatik moddolar, jinsiy gormonlar)	16 va undan ko‘p
4.	Seriya chiqarish uchun real vaqt holatda sinash (Real time release testing, RTRT) va parameter bo‘yicha seriya chiqarish	16 va undan ko‘p

4-§. Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazishda mehnat sarfini hisoblash va taqsimlash METODIKASI

1. O‘zbekiston Respublikasi hududida joylashgan ishlab chiqaruvchilar uchun mazkur bobning 1-paragrafi 3-pozitsiyasidagi Farmatsevtik inspeksiya dasturiga muvofiq ariza beruvchini tekshirishda umumiy mehnat sarfi quyidagi nisbatlarda taqsimlanadi:

farmatsevtik inspeksiyaga tayyorgarlik ko‘rish uchun – 20 foiz;

farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun – 70 foiz;

farmatsevtik inspeksiya natijalari bo‘yicha hisobot tuzish uchun – 10 foiz.

Masalan, ishlab chiqarish maydonida aseptik sharoitlarda katta hajmli suyuq dori shakllari ishlab chiqarilishi amalga oshirilgan taqdirda, inspeksiyaga tayyorgarlik ko‘rish, inspeksiya o‘tkazish va hisobot tuzish uchun jami 10 ish kuni (80 soat) talab etiladi. Ushbu muddatdan yetti ish kuni inspeksiyani o‘tkazish uchun, ikki ish kuni inspeksiyaga tayyorgarlik ko‘rish uchun va bir ish kuni inspeksiya natijalari bo‘yicha hisobot tuzish uchun ajratiladi.

2. O‘zbekiston Respublikasi hududidan tashqarida joylashgan ishlab chiqaruvchilar uchun mazkur bobning 1-paragrafi 3-pozitsiyasidagi Farmatsevtik inspeksiya dasturiga muvofiq ariza beruvchini tekshirishda umumiy mehnat sarfi quyidagi nisbatlarda taqsimlanadi:

farmatsevtik inspeksiyaga tayyorgarlik ko‘rish uchun – 30 foiz;

farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun – 50 foiz;

farmatsevtik inspeksiya natijalari bo‘yicha hisobot tuzish uchun – 20 foiz.

3. Mazkur bobning 1-paragrafi 3-pozitsiyasidagi Farmatsevtik inspeksiya dasturiga muvofiq ariza beruvchining ishlab chiqarish maydonida bir nechta turdagi dori shakllari farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazilayotgan bo‘lsa, farmatsevtik inspeksiya davomiyligi eng yuqori bo‘lgan dori shaklining mehnat sarfi qabul qilinadi.

4. Mazkur bobning 1-paragrafi 3-pozitsiyasidagi Farmatsevtik inspeksiya dasturiga muvofiq ariza beruvchining ishlab chiqarish maydonida aseptik sharoitlarda tayyorlanadigan dori shakllari hamda ishlab chiqarish yakunida sterilizatsiya qilinadigan dori shakllari farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazilayotgan bo‘lsa, aseptik sharoitlarda tayyorlanadigan dori shakllari uchun belgilangan mehnat sarfi to‘liq miqdorda va unga qo‘shimcha ishlab chiqarish yakunida sterilizatsiya qilinadigan dori shakllari uchun belgilangan mehnat sarfining 20 foizi miqdorida hisoblanadi.

Masalan, ariza beruvchining ishlab chiqarish maydonida aseptik sharoitlarda tayyorlanadigan katta hajmli suyuq dori shakllari uchun inspeksiya davomiyligi 80 soatni (1.1.1.1), ishlab chiqarish yakunida sterilizatsiya qilinadigan katta hajmli suyuq dori vositasi shakllari (1.1.2.1) uchun esa 64 soatni tashkil etadi. Ushbu holatda asosiy hisoblash ko‘rsatkichi sifatida inspeksiya davomiyligi yuqori bo‘lgan dori shakli, ya’ni 80 soat qabul qilinadi hamda ishlab chiqarish yakunida sterilizatsiya qilinadigan dori vositasi shakllari bo‘yicha belgilangan inspeksiya davomiyligining 20 foizi asosiy ko‘rsatkichga qo‘shiladi, natijada mazkur bobning 1-paragrafi 3-pozitsiyasidagi Farmatsevtik inspeksiya dasturi uchun jami mehnat sarfi 93 soatni tashkil etadi.

5. Mazkur bobning 1-paragrafi 3-pozitsiyasidagi Farmatsevtik inspeksiya dasturiga muvofiq ariza beruvchining ishlab chiqarish maydonida steril dori shakli hamda nosteril dori shakli farmatsevtik inspeksiyadan o‘tkazilayotgan bo‘lsa, steril dori shakli uchun belgilangan mehnat sarfi to‘liq miqdorda va unga qo‘shimcha nosteril dori shakli uchun belgilangan mehnat sarfining 50 foizi miqdorida hisoblanadi.

Masalan, ariza beruvchining ishlab chiqarish maydonida aseptik sharoitlarda tayyorlanadigan katta hajmli suyuq dori shakllari uchun inspeksiya davomiyligi 80 soatni (1.1.1.1), nosteril bo‘lgan qattiq qobiqli kapsulalar (1.2.1.1) dori shakli uchun esa 48 soatni tashkil etadi. Ushbu holatda asosiy hisoblash ko‘rsatkichi sifatida inspeksiya davomiyligi yuqori bo‘lgan dori shakli, ya’ni 80 soat qabul qilinadi hamda nosteril bo‘lgan qattiq qobiqli kapsulalar (1.2.1.1) dori shakli uchun belgilangan inspeksiya davomiyligining 50 foizi asosiy ko‘rsatkichga qo‘shiladi, natijada mazkur bobning 1-paragrafi 3-pozitsiyasidagi Farmatsevtik inspeksiya dasturi uchun jami mehnat sarfi 104 soatni tashkil etadi.

6. Farmatsevtik inspeksiya doirasida bir guruhga kiruvchi bir nechta dori shakllari mavjud bo‘lsa yoki ishlab chiqarish faoliyati bitta blokda amalga oshirilsa, har bir qo‘shimcha dori shakli yoki ishlab chiqarish faoliyati uchun farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish obyektining tegishli ustunida belgilangan mehnat sarfiga nisbatan 10 foiz qo‘shiladi.

Masalan, ishlab chiqarish maydonida aseptik sharoitda tayyorlanadigan katta hajmli suyuq dori shakli (1.1.1.1) va kichik hajmli suyuq dori shakli (1.1.1.2) bir guruhga kiradi. Ushbu holatda mazkur bobning 1-paragrafi 3-pozitsiyasidagi Farmatsevtik inspeksiya dasturi uchun jami mehnat sarfi 88 soatni tashkil etadi.

7. Farmatsevtik inspeksiya doirasida ariza beruvchining ishlab chiqarish maydonida bir xil turdagi dori shakli yoki ishlab chiqarish turi tekshirilayotgan bo‘lsa va u boshqa bino(lar)da yoki qavatlarda ham amalga oshirilsa, har bir

qo‘shimcha bino yoki qavatga farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish obyektining tegishli ustunida belgilangan mehnat sarfiga nisbatan 20 foiz qo‘shiladi.

8. Mazkur bobning 3-paragrafiga asosan Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish obyektlarining muvofiqligini baholash uchun qo‘shimcha omillar mavjud bo‘lsa, unda belgilangan mehnat sarflari ushbu bobning 2-paragrafiga qo‘shib hisoblanadi.

2-bob. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining klinik tadqiqotlar o‘tkazuvchi barcha klinik bazalari Zarur klinika amaliyoti (GCP), farmatsevtika mahsulotlarining klinik-oldi tadqiqotlarini amalga oshiruvchi barcha laboratoriyalar Zarur laboratoriya amaliyotining (GLP), farmatsevtika mahsulotlarini ulgurji sotish bilan shug‘ullanuvchi barcha mahalliy korxonalar Zarur distribyutorlik amaliyotining (GDP), dori vositalari va tibbiy buyumlarni saqlash bilan shug‘ullanuvchi xo‘jalik yurituvchi subyektlar Zarur saqlash amaliyoti (GSP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish uchun mehnat vaqti sarfi

T/r	**Farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazishdagi ishlar nomi**	**Mehnat sarflari *(soatlar**)***
1.	Farmatsevtik inspeksiyadan oldingi tadbirlar (ariza va hujjatlarni qabul qilish va ro‘yxatdan o‘tkazish, to‘liqligini tekshirish, elektron bazani shakllantirish)	2
2.	Farmatsevtik inspeksiyani tashkillashtirish (farmatsevtik inspeksiyaning davomiyligi, inspektorlar sonini aniqlash, vazifaning murakkabligini baholash, inspektorlar guruhini shakllantirish, xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha shartnomani tasdiqlash, farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun tegishli hujjatlarni rasmiylashtirish, ishlab chiqarish maydonchasini o‘rganish, farmatsevtik inspeksiya dasturini tasdiqlash)	12
3.	Farmatsevtik inspeksiya dasturiga muvofiq inspeksiyani o‘tkazish (kirish majlisi, tekshirilayotgan obyektlarni ko‘zdan kechirish, hujjatlar va yozuvlar bilan tanishib chiqish, inspeksiya o‘tkazilayotgan subyektning mas’ul shaxslarini va ularning ish joylaridagi faoliyatlarini kuzatish, material yoki mahsulot (zarur bo‘lganda) namunalarni olish, dastlabki xulosalarini oshkor qilish). Bunda ishlar soni:	
GDP /GSP	Farmatsevtika mahsulotlarini saqlash va/yoki ulgurji tarqatish bilan shug‘ullanadigan ariza beruvchilar	48 va undan
	Farmatsevtika mahsulotlarini saqlash va/yoki ulgurji tarqatish bilan shug‘ullanadigan ariza beruvchilarning filiallari	32 va undan ko‘p
GLP	Farmatsevtika mahsulotlarining klinik oldi tadqiqotlarni o‘tkazadigan laboratoriyalar	32 va undan ko‘p

GCP	Farmatsevtika mahsulotlarining klinik sinovlarini o‘tkazadigan tashkilotlar	40 va undan ko‘p
4.	Farmatsevtik inspeksiyadan keyingi tadbirlar (hisobot tayyorlash, nomuvofiqliklarni aniqlash, hisobotni ariza beruvchiga jo‘natish, Zarur amaliyotlar sertifikatini tasdiqlash)	15
5.	Farmatsevtik inspeksiyada jiddiy va/yoki o‘ta jiddiy nomuvofiqliklar aniqlanganda qayta farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish bilan bog‘liq quyidagi jarayonlar: ariza va hujjatlarni qabul qilish, ro‘yxatdan o‘tkazish, to‘liqligini tekshirish, elektron bazani shakllantirish, qayta farmatsevtik inspeksiyani tashkillashtirish, nomuvofiqliklar bartaraf etganligini tekshirish, hisobot tuzish, hisobotni ariza beruvchiga jo‘natish, inspeksiyaga oid hujjatlarni arxivlashtirish, sertifikatni tasdiqlash (zarur hollarda), reyestrga qo‘shish (zarur hollarda)***	25

3-bob. Farmatsevtika mahsulotlarini chakana sotish bilan shug‘ullanuvchi barcha mahalliy tashkilotlar Zarur farmatsevtika (dorixona) amaliyoti (GPP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish uchun mehnat vaqti sarfi*****

T/r	**Farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazishdagi ishlar nomi**	**Mehnat sarflari** *(soatlar**)*
1.	Farmatsevtik inspeksiyadan oldingi tadbirlar (ariza va hujjatlar to‘liqligini tekshirish)	1/2
2.	Farmatsevtik inspeksiyani tashkillashtirish (farmatsevtik inspeksiyaning davomiyligi, inspektorlar sonini aniqlash, vazifaning murakkabligini baholash, inspektorlar guruhini shakllantirish, xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha shartnomani tasdiqlash	1/2
3.	Farmatsevtik inspeksiya dasturiga muvofiq inspeksiyani o‘tkazish:	
	Dori vositalarini tayyorlash huquqiga ega dorixonalar	16
	Faqat chakana savdo huquqiga ega dorixonalar	12
	Dorixona filiali	8
4.	Farmatsevtik inspeksiyadan keyingi tadbirlar: hisobot tayyorlash, nomuvofiqliklarni aniqlash, hisobotni ariza beruvchiga jo‘natish, Zarur amaliyotlar sertifikatini tasdiqlash	2

5.	Farmatsevtik inspeksiyada jiddiy va/yoki o‘ta jiddiy nomuvofiqliklar aniqlanganda qayta farmatsevtik inspeksiya o‘tkazish bilan bog‘liq quyidagi jarayonlar: ariza va hujjatlarni qabul qilish, ro‘yxatdan o‘tkazish, to‘liqligini tekshirish, elektron bazani shakllantirish, qayta farmatsevtik inspeksiyani tashkillashtirish, nomuvofiqliklar bartaraf etganligini tekshirish, hisobot tuzish, hisobotni ariza beruvchiga jo‘natish, inspeksiyaga oid hujjatlarni arxivlashtirish, sertifikatni tasdiqlash (zarur hollarda), reyestrga qo‘shish (zarur hollarda) ***	6

Izohlar:

**O‘zbekiston Respublikasi hududidan tashqarida joylashgan ishlab chiqaruvchilar uchun Zarur ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiyani o‘tkazish uchun mehnat vaqti sarfi ikki baravar miqdorida belgilanadi.*

***Mehnat vaqti sarflari farmatsevtik inspeksiyada ishtirok etadigan inspektorlar sonidan qat’i nazar belgilangan. Masalan, 80 soat farmatsevtik inspeksiya 2 ta inspektorning 40 soat ishlashiga yoki 4 inspektorning 20 soat ishlashiga to‘g‘ri kelishi mumkin.*

****Jiddiy bo‘lmagan nomuvofiqliklarning bartaraf etilganligi keyingi farmatsevtik inspeksiya doirasida tekshiriladi.*

*****Faqat ushbu ko‘rsatilgan faoliyat bilan shug‘ullanuvchi ariza beruvchilarga nisbatan tatbiq etiladi.*

******Farmatsevtika mahsulotlarini chakana sotish bilan shug‘ullanuvchi ijtimoiy dorixonalar uchun Zarur dorixona amaliyoti (GPP) talablariga muvofiqligi yuzasidan farmatsevtik inspeksiya o‘tkazishda mehnat sarfining 50 foizi hisoblanadi.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3848
2026 - yil 04 - Iyun

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI SOGʻLIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUGʻI

Dori vositalarini davlat roʻyxatidan oʻtkazish hujjatlariga qoʻyiladigan talablar toʻgʻrisidagi yoʻriqnomani tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 19-avgustdagi PF–137-son “Dori vositalari va tibbiy jihozlar muomalasini tartibga solishga doir qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi Farmoni hamda Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-noyabrdagi 738-son “Dori vositalarini davlat roʻyxatidan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi hamda Tibbiy jihozlarni davlat roʻyxatidan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomlarni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Dori vositalarini davlat roʻyxatidan oʻtkazish hujjatlariga qoʻyiladigan talablar toʻgʻrisidagi yoʻriqnoma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish boʻyicha vakil, Oʻzbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qoʻmitasi hamda Oʻzbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 30-aprel
7-son

XUDAYAROV ASILBEK
ANVAROVICH

Kelishildi:

Rais 2026-yil 29-aprel		TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil 2026-yil 17-fevral		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Rais 2026-yil 12-fevral		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

O‘zbekiston Respublikasi
sog‘liqni saqlash vazirining
2026-yil 30-apreldagi 7-son buyrug‘iga
ILOVA

Dori vositalarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish hujjatlariga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risidagi YO‘RIQNOMA

Mazkur Yo‘riqnoma dori vositalarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish hujjatlariga qo‘yiladigan talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Yo‘riqnomada quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

ariza beruvchi – O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi” davlat muassasasiga (bundan buyon matnda Markaz deb yuritiladi) dori vositalarini ro‘yxatdan o‘tkazish va guvohnoma olish uchun murojaat qiluvchi ishlab chiquvchi, ishlab chiqaruvchi, ro‘yxatdan o‘tkazilganlik guvohnomasining egasi yoki ular nomidan ishonchnoma asosida harakat qiluvchi yuridik shaxs;

axborot tizimi – Markazning dori vositalarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish bilan bog‘liq jarayonlarni amalga oshirish maqsadida yaratilgan maxsus elektron tizimi;

dori moddalari (substansiyalari) – farmakologik, immunologik yoki metabolik faollikka ega bo‘lgan yoxud tashxis qo‘yish maqsadi uchun foydalaniladigan, tibbiyot amaliyotida qo‘llanilishiga ruxsat etilgan, kelib chiqishi tabiiy yoki sintetik moddalar;

dori vositalari – kasalliklar profilaktikasi, ularga tashxis qo‘yish va ularni davolash, shuningdek, odam organizmining holati va funksiyalarini o‘zgartirish uchun tibbiyot amaliyotida qo‘llanilishiga ruxsat etilgan dori moddalari (substansiyalar) va yordamchi moddalar asosida olingan vositalar, dori moddalari (substansiyalar), dori preparatlari;

korxona farmakopeya maqolasi – muayyan ishlab chiqaruvchining dori vositasi, dorivor o‘simlik xom ashyosi yoki yordamchi moddaning sifatiga doir talablarni belgilovchi hujjat;

ro‘yxatdan o‘tkazish hujjatlari – ariza beruvchi tomonidan dori vositasining sifati, samaradorligi, bezararligi va boshqa ma’lumotlarni o‘z ichiga

olgan roʻyxatdan oʻtkazish, roʻyxatdan oʻtkazilganlik guvohnomasining amal qilish muddatini uzaytirish, dori vositasini roʻyxatdan oʻtkazish hujjatlariga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish maqsadida Markazga taqdim etiladigan hujjatlar;

texnologiyalar transferi – dori vositasini yaratish va (yoki) ishlab chiqarish texnologik jarayonlarini, ma'lumotlari va tajribalarini, shu jumladan, dori vositasining sifat va miqdoriy tarkibini oʻzgartirmagan holda bir farmatsevtika tashkilotidan boshqa farmatsevtika tashkilotining ishlab chiqarish maydoniga koʻchirish, "in bulk" mahsulotlari bundan mustasno.

2. Dori vositalarini davlat roʻyxatidan oʻtkazish hujjatlariga qoʻyiladigan talablar Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-noyabrdagi 738-son "Dori vositalarini davlat roʻyxatidan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi hamda Tibbiy jihozlarni davlat roʻyxatidan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomlarni tasdiqlash haqida"gi qarori asosida hamda Inson uchun qoʻllaniladigan dori vositalariga qoʻyiladigan texnik talablarni uygʻunlashtirish boʻyicha xalqaro kengashning (ICH) (bundan buyon matnda Kengash deb yuritiladi) talablariga (ICH CTD formati) muvofiq belgilanadi.

3. Ariza beruvchi dori vositasining xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, ayrim talab etiladigan hujjatlar yoki ulardagi ma'lumotlar mavjud boʻlmagan taqdirda, ushbu holatni asoslab beruvchi rasmiy xat (asoslangan tushuntirish xati) orqali taqdim etishi mumkin.

2-bob. Dori vositalarini davlat roʻyxatidan oʻtkazish hujjatlariga talablar

4. Ariza beruvchi tomonidan Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-noyabrdagi 738-son qarori bilan tasdiqlangan Dori vositalarini davlat roʻyxatidan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomning 2-ilovasiga muvofiq ariza taqdim etiladi.

5. Ariza vakil orqali taqdim etilganda vakilning vakolatini tasdiqlovchi hujjatda (ishonchnoma) uning berilgan sanasi hamda vakillik qiluvchi yuridik shaxsning nomi va tashkiliy-huquqiy shakli koʻrsatiladi.

Xorijiy ishlab chiqaruvchi yuridik shaxslar tomonidan taqdim etiladigan ishonchnoma davlat tili, qoraqalpoq, rus va ingliz tillaridan boshqa tillarda rasmiylashtirilgan boʻlsa, mazkur ishonchnoma oʻzbek tiliga toʻgʻri tarjima qilinganligi notarial shahodatlanishi lozim.

Agar vakolatli shaxs oʻzgargan boʻlsa yoki yangi ishonchnoma taqdim etilgan boʻlsa, yangi ishonchnomaning nusxasi arizaga ilova qilinadi.

6. To‘lov amalga oshirilganligini tasdiqlovchi hujjat ariza beruvchi tomonidan O‘zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar to‘g‘risidagi nizomning (ro‘yxat raqami 3229, 2020-yil 13-aprel) 2-ilovasiga muvofiq to‘lov topshiriqnomasi shaklida rasmiylashtirilishi lozim.

7. Xorijiy ishlab chiqaruvchilar uchun vakolatli organlar, xalqaro yoki xorijiy tashkilotlar tomonidan berilgan ro‘yxatdan o‘tkazilganlik guvohnomasi va (yoki) Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti tavsiyalariga muvofiq rasmiylashtirilgan farmatsevtika mahsuloti sertifikati (CPP) taqdim etiladi.

Vakolatli organlar, xalqaro yoki xorijiy tashkilotlar tomonidan berilgan ro‘yxatdan o‘tkazilganlik guvohnomasi yoki farmatsevtika mahsuloti sertifikati (CPP) ularni bergan vakolatli organning rasmiy ro‘yxatlaridan (veb-saytlari) haqqoniyligi tekshiriladi, ularning haqqoniyligini ochiq manbalar orqali tekshirish imkoni bo‘lmaganda, mazkur hujjatlar apostil muhrli yoki konsullik tomonidan tasdiqlangan bo‘lishi shart.

Taqdim qilingan farmatsevtika mahsuloti sertifikati (CPPda) dori vositasining ishlab chiqaruvchi mamlakatida ro‘yxatdan o‘tkazilmaganligi ko‘rsatilgan bo‘lsa, boshqa mamlakatlarda notarial tasdiqlangan yoki apostil qo‘yilgan ro‘yxatdan o‘tkazilganlik guvohnomasini taqdim etish zarur.

Vakolatli organlar, xalqaro yoki xorijiy tashkilotlar tomonidan berilgan ro‘yxatdan o‘tkazilganlik guvohnomasi yoki farmatsevtika mahsuloti sertifikati (CPP) amal qilish muddati tugamagan, amal qilish muddati aniq ko‘rsatilgan, barcha sahifalari to‘liq va o‘zgartirilmagan hamda yaxshi o‘qiladigan holda taqdim etilishi zarur.

8. Dori vositasini ishlab chiqarishda qo‘llaniladigan, hayvon xomashyosidan olinadigan moddalarning prionlar saqlashi bo‘yicha ma’lumotlar ustunida dori vositasini ishlab chiqarishda hayvon xomashyosidan olinadigan moddalar qo‘llanilgan hollarda, ushbu moddalar tarkibida prionlarning mavjudligi yoki mavjud emasligi “mavjud”/“mavjud emas” shaklida aniq ko‘rsatiladi.

Hayvon xomashyosidan olinadigan moddalar tarkibida prionlar mavjud bo‘lgan holda ishlab chiqaruvchi tomonidan taqdim etilgan Hayvonlardan olinadigan mahsulotlarda xavfli prion kasalliklari xavfsizligi bo‘yicha ma’lumot (TSE/BSE) ariza beruvchi tomonidan ilova qilinadi.

Hayvon xomashyosidan olinadigan moddalar tarkibida prionlar mavjud bo‘lmaganda ishlab chiqaruvchi tomonidan taqdim etilgan Hayvonlardan olinadigan mahsulotlarda xavfli prion kasalliklari yo‘qligi bo‘yicha ma’lumot (TSE/BSE-free) ariza beruvchi tomonidan ilova qilinadi.

9. Dori vositalarining birlamchi (ichki) va ikkilamchi (iste’mol), oraliq qadoqlari markirovkalari, oraliq qadoqlar, yorliqlar, stikerlar maketlari (mavjud bo‘lsa) O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 27-oktabrdagi 365-son “Dori vositalarining xavfsizligi to‘g‘risidagi umumiy texnik reglamentni tasdiqlash haqida”gi qarori talablariga mos kelishi lozim.

Markirovka tan olish yo‘li bilan ro‘yxatdan o‘tkaziladigan dori vositalari uchun boshqa xorijiy davlatlar uchun ishlab chiqarilgan tilda bo‘lishi mumkin.

Dori vositasi qadog‘ining markirovkasi aniq, tushunarli, oson ko‘rinadigan va o‘chib ketmaydigan harflar bilan, yaxshi o‘qiladigan shrift bilan yoziladi va dori vositasining butun yaroqlilik muddati davomida saqlanishi kerak.

10. Dori vositasining iste’mol o‘rami, yorlig‘i, stikerining rangli maketlari elektron shaklda (PDF yoki JPG formatida, kamida 300 dpi), ranglarning panton kodi, maketlarda o‘lchamlar, kesim (trim) va buklama chiziqlari, birlamchi va ikkilamchi o‘ramlarning aniq o‘lchamlari (eni, bo‘yi, balandligi) ko‘rsatiladi.

11. Ariza beruvchi tomonidan dori vositasining umumiy tavsifi, davlat tilidagi qo‘llanilishga doir yo‘riqnoma va qistirma varaqaning loyihasi taqdim etiladi. Ariza beruvchi dori vositasining umumiy tavsifi, qo‘llanilishga doir yo‘riqnoma va qistirma varaqaning loyihasini qo‘shimcha ravishda boshqa tilda ham berishi mumkin.

Dori vositasining tibbiyotda qo‘llanilishiga doir yo‘riqnomasi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 27-oktabrdagi 365-son qarori bilan tasdiqlangan Dori vositalarining xavfsizligi to‘g‘risidagi umumiy texnik reglamentining 47-bandi talablariga mos kelishi lozim.

Dori vositasini tibbiyotda qo‘llanilishiga doir yo‘riqnomasida xalqaro talablar va qonunchilik hujjatlariga muvofiq keluvchi, reklama xususiyatiga ega bo‘lmagan qo‘shimcha ma’lumotlar joylashtirilishi mumkin.

12. Dori vositasining sifatiga taalluqli hujjatlarda quyidagilar ko‘rsatiladi:

dori moddasining (substansiyaning) Yevropa farmakopeyasi talablariga muvofiqlik sertifikati nusxasi (mavjud bo‘lganda). Sertifikat amal qilish muddati aniq ko‘rsatilgan, barcha sahifalari to‘liq to‘ldirilgan va o‘zgartirilmagan hamda yaxshi o‘qiladigan holda taqdim etilishi lozim;

dori moddasi (substansiya) master fayli egasining ushbu master-faylning yopiq qismini Markaz so‘roviga asosan taqdim etishga roziligi xati. Bunda master-faylning ushbu yopiq qismini (ishlab chiqarish jarayoni, texnologik tafsilotlar va intellektual mulk bilan bog‘liq maxfiy ma’lumotlar) taqdim etishga dori moddasi (substansiya) master fayli egasining roziligi ko‘rsatiladi;

dori vositasining korxona farmakopeya maqolasi loyihasi. Bunda O‘zbekiston Respublikasi Davlat farmakopeyasi va dunyoning yetakchi farmakopeyalari asosida tuziladi;

dori vositasining korxona farmakopeya maqolasi loyihasiga tushuntirish xati. Bunda korxona farmakopeya maqolasi loyihasida keltirilgan sifat ko‘rsatkichlari, ularni tanlash sabablari va ularning ilmiy asoslari bayon etiladi. Shuningdek, har bir sifat ko‘rsatkichi uchun tanlangan sifat nazorati usulining qisqacha tavsifi beriladi;

guvohnomaning amal qilish muddatini uzaytirishda dori vositasining amaldagi korxona farmakopeya maqolasi.

13. Ishlab chiqarish hujjatlarida quyidagilar ko‘rsatiladi:

O‘zbekiston Respublikasining “Zarur ishlab chiqarish amaliyoti GMP” milliy standarti talablariga muvofiqligi to‘g‘risidagi sertifikat (mavjud bo‘lganda);

“Zarur ishlab chiqarish amaliyoti GMP” standarti talablariga muvofiqligi to‘g‘risidagi sertifikat hamda oxirgi inspeksiya natijalari bo‘yicha hisobot (xorijiy ishlab chiqaruvchilar uchun). Bunda oxirgi inspeksiya natijalari bo‘yicha hisobotda aniqlangan kamchiliklar, ularni bartaraf etish bo‘yicha ko‘rilgan chora-tadbirlar hamda qayta ko‘rib chiqish natijalari va yakuniy xulosa keltiriladi;

dori vositalarini ishlab chiqarish uchun berilgan litsenziya.

Ariza beruvchi tomonidan ishlab chiqarish hujjatlaridagi ma’lumotlarning to‘g‘riligini ta’minlash maqsadida mazkur hujjatlarni bergan tegishli vakolatli organning rasmiy veb-saytlariga havola keltirilishi mumkin.

14. Texnologiyalar transferi asosida ro‘yxatdan o‘tkaziladigan dori vositalari uchun quyidagilar taqdim etiladi:

transfer texnologiyasini amalga oshirishda tomonlarning sifatni ta’minlash bo‘yicha shartnomasi. Bunda texnologiyalar transferi orqali dori vositasini ishlab chiqarishda yuridik shaxslar o‘rtasidagi dori vositasining sifatiga taalluqli huquq va majburiyatlar belgilanadi. Transfer texnologiyasini amalga oshirishda tomonlarning sifatni ta’minlash bo‘yicha shartnomasida texnologiyalar transferi asosida ishlab chiqarilgan dori vositalarining xavfsizligi, sifati hamda samaradorligi uchun javobgarlik buyurtmachi, texnologiyalar transferi egasi va ishlab chiqaruvchi zimmasiga yuklanganligi ko‘rsatiladi;

texnologiyalar transferi dasturi. Bunda texnologiyani bir joydan boshqasiga o‘tkazish bosqichlari, muddatlari va mas’ul shaxslari hamda ishlab chiqarish, sifat nazorati, o‘rganish va jarayon validatsiyasi ko‘rsatiladi;

texnologiyalar transferi egasining transfer amalga oshirilganligi to‘g‘risidagi hisoboti. Mazkur hisobot texnologiyalar transferi egasi tomonidan tayyorlanadi hamda unda texnologiya transferi amalga oshirilganligi, barcha jarayonlar amalda sinovdan o‘tkazilgani va ishlab chiqarish natijalari asosiy jarayon ko‘rsatkichlariga mos kelishi, shuningdek, xodimlarning tayyorgarligi va ishlab chiqarish muhitining asosiy jarayonga muvofiqligi ko‘rsatiladi.

15. Shartnoma asosida ishlab chiqaruvchilar uchun farmatsevtika tashkiloti quvvatlaridagi texnologiyalarni o‘zgartirmagan holda ro‘yxatdan o‘tkazilgan dori vositalarini ishlab chiqarish to‘g‘risidagi shartnomada mazkur dori vositasini ishlab chiqarishda yuridik shaxslar o‘rtasidagi dori vositasining sifatiga taalluqli huquq va majburiyatlar belgilanadi hamda shartnoma asosida ishlab chiqarilgan dori vositalarining xavfsizligi, sifati hamda samaradorligi uchun javobgarlik buyurtmachi va ishlab chiqaruvchi zimmasiga yuklanganligi ko‘rsatiladi.

16. Dori vositasining genetik modifikatsiyalangan organizmlar saqlashi yoki ulardan olinganligi to‘g‘risida “mavjud”/“mavjud emas” shaklida ma’lumot ko‘rsatiladi.

Dori vositasining genetik modifikatsiyalangan organizmlar saqlashi yoki ulardan olinganligi to‘g‘risida ma’lumotda quyidagilar ko‘rsatiladi:

genetik modifikatsiya turi va manbasi (o‘simlik, hayvon yoki mikroorganizm va boshqalardan olinganligi);

qo‘llanilgan genetik konstruksiya va ekspressiya tizimi haqida qisqacha tavsif;

genetik modifikatsiyalangan organizmdan olinganda, genetik, biologik xavfsizlik va atrof-muhitga zarar yetkazmasligini ta’minlash choralari ko‘rilganligi to‘g‘risida ma’lumot;

ishlab chiqarish jarayonining qaysi bosqichlarida genetik modifikatsiyalangan organizmdan olingan moddalar qo‘llanilganligi va ularning yakuniy mahsulotdan to‘liq olib tashlanganligi yoki faolsizlantirilganligini tasdiqlovchi ma’lumotlar;

genetik xavfsizlikni baholash bo‘yicha hisobotlar va biologik xavfsizlik hujjatlari to‘g‘risida ma’lumotlar.

17. O‘zbekiston Respublikasida farmakonazorat tizimining amalga oshirilishi bo‘yicha hujjatlar:

“Zarur farmakonazorat amaliyoti – GVP” milliy standarti talablari asosida tayyorlangan farmakonazorat tizimi master-fayli;

O‘zbekiston Respublikasi hududida oliy tibbiy yoki farmatsevtika ma’lumotli, farmakonazorat bo‘yicha tegishli malakaga ega bo‘lgan (sertifikat),

farmakonazorat talablarini bajarish uchun mas’ul shaxs to‘g‘risidagi ma’lumotda mas’ul shaxsning familiyasi, ismi, otasining ismi, lavozimi, aloqa va ish joyi manzili, ishga tayinlanganligi to‘g‘risidagi buyruq raqami va sanasi, oliy tibbiy yoki farmatsevtika ma’lumotiga egaligi to‘g‘risida diplom ma’lumotlari, farmakonazorat bo‘yicha tegishli malakaga ega bo‘lgan (sertifikat) raqami, sanasi va amal qilish muddati ko‘rsatiladi;

ro‘yxatdan o‘tkazishga taqdim etilgan dori vositalarining “Zarur farmakonazorat amaliyoti – GVP” milliy standarti talablari asosida xavflarni boshqarish rejasi;

guvohnomaning amal qilish muddatini uzaytirish yoki ro‘yxatdan o‘tkazish hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritishda – “Zarur farmakonazorat amaliyoti – GVP” milliy standarti talablariga muvofiq tayyorlanadigan davriy hisobot taqdim etiladi.

18. Ariza beruvchi tomonidan dori vositalarida qo‘llanilgan intellektual mulk obyektlariga (tovar belgilari va sanoat namunalari) bo‘lgan huquqlarni tasdiqlovchi muhofaza hujjati (guvohnoma, patent va ularga ilova) yoki ulardan foydalanish to‘g‘risidagi shartnoma yoki dori vositasining savdo nomi hamda dizayni bo‘yicha intellektual mulk sohasidagi vakolatli organning xulosasi taqdim etiladi.

19. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-noyabrdagi 738-son qarori bilan tasdiqlangan Dori vositalarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga 3-ilovadagi Dori vositalarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish hujjatlari ro‘yxatining 2 – 5-bo‘limlaridagi hujjatlar Kengashning talablariga (ICH CTD formati) muvofiq taqdim etiladi.

Bunda, Dori vositalarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish hujjatlari ro‘yxatining:

“2-bo‘lim. Umumiy texnik hujjatlar” bo‘limida belgilangan hujjatlar Kengashning Inson uchun mo‘ljallangan dori vositalarini ro‘yxatdan o‘tkazishning umumiy texnik hujjati: Sifat – M4Q (R1), Xavfsizlik – M4S (R2), Samaradorlik – M4E (R2);

“3-bo‘lim. Dori vositasining sifatini belgilovchi ma’lumotlar” bo‘limida belgilangan hujjatlar Kengashning Inson uchun mo‘ljallangan dori vositalarini ro‘yxatdan o‘tkazishning umumiy texnik hujjati: Sifat – M4Q (R1);

“4-bo‘lim. Klinik oldi tadqiqotlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar” bo‘limida belgilangan hujjatlar Kengashning Inson uchun mo‘ljallangan dori vositalarini ro‘yxatdan o‘tkazishning umumiy texnik hujjati: Xavfsizlik – M4S (R2);

“5-bo‘lim. Klinik tadqiqotlar to‘g‘risidagi ma’lumotlar” bo‘limida belgilangan hujjatlar Kengashning Inson uchun mo‘ljallangan dori vositalarini ro‘yxatdan o‘tkazishning umumiy texnik hujjati: Samaradorlik – M4E (R2) talablari asosida taqdim etiladi.

3-bob. Yakuniy qoidalar

20. Manfaatdor shaxslar davlat ro‘yxatidan o‘tkazish hujjatlariga qo‘yiladigan talablardan norozi bo‘lgan taqdirda, sudga yoki vakolatli organlarga qonunchilikda belgilangan tartibda murojaat qilish huquqiga ega.

21. Mazkur Yo‘riqnoma talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.